Нигора АЛЛАЕВА

# ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ДИПЛОМАТИЯСИ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ
## (XVI – XIX АСРЛАР)



ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ДИПЛОМАТИЯСИ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ (XVI – XIX АСРЛАР)
Нигора АЛЛАЕВА

Нигора АЛЛАЕВА
ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ДИПЛОМАТИЯСИ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ (XVI – XIX АСРЛАР)

ISBN 978-9943-5650-1-2
9 789943 565012

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Нигора АЛЛАЕВА

# ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ДИПЛОМАТИЯСИ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ

**(XVI – XIX АСРЛАР)**
**Тўлдирилган ва қайта ишланган нашр**

Тошкент
«Akademnashr»
2019

**УЎК: 94(575.1)"15/18"**
**КБК: 63.3(5Ў)**
**А 81**

А 81 **Аллаева, Нигора.**
Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари (XVI – XIX асрлар) [Матн]: / Н.Аллаева. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 496 б.

ISBN 978-9943-5650-1-2 УЎК: 94(575.1)"15/18"
КБК: 63.3(5Ў)

*Ушбу монография Хива хонлигининг XVI аср – XIX асрнинг 70-йилларида қўшни Бухоро, Қўқон ва Қозоқ хонликлари ҳамда Эрон давлати билан дипломатик муносабатларини тадқиқ қилишга бағишланган. Унда асосий эътибор Хива хонлигининг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрнини ёритиш ҳамда хонлик ташқи алоқаларининг институционал жиҳатларини очиб беришга қаратилган.*

**Масъул муҳаррирлар:** т.ф.д., проф. **Х.Ғ. Ғуломов**
т.ф.д., проф. **Д.А. Алимова**

**Тақризчилар:** т.ф.д., академик **Д.Ю. Юсупова**
т.ф.д., проф. **Г.А. Агзамова**

Монография Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган ПЗ-20170928402 «Ўзбекистоннинг ўрта асрлар тарихи расмий ҳужжатларда: муаммоли жиҳатлар, талқин ва таҳлил (VII-XIX аср биринчи ярми)» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида нашр этилди. Тадқиқот кўплаб расмий ҳужжатлар ва уларнинг ҳар хил турдаги ёзма манбалар билан қиёсий таҳлилига асосланган.

ISBN 978-9943-5650-1-2

© Нигора Аллаева
«Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари (XVI – XIX асрлар)»
© «Akademnashr», 2019

*Тарих фанлари доктори, профессор*
**Розия Галиевна Мукминованинг**
*ёрқин хотирасига бағишланади*

# КИРИШ

Хоразм жаҳон тамаддунига, умуминсоний қадриятлар ривожига улкан ҳисса қўшган қадимий ўлкалардан бири ҳисобланади. 1990 йил 12 декабрда Хива шаҳридаги «Ичан-қалъа» меъморий ёдгорлик мажмуасининг халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиб, 1997 йилда Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи дунё миқёсида кенг нишонланиши бу юртнинг бугунги кунда ҳам халқаро жамоатчилик томонидан инсон тафаккури, ақл-заковати, маданияти ва маънавиятининг ёрқин тимсоли сифатида эътироф этилганлигидан далолат беради.

ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори Федерико Майор: «Хива – жаҳон шаҳарларининг олмосидир», – деб бежиз таъкидламаган эди.

2018 йилда Ўзбекистон Марказий давлат архиви И-125 фондидаги «Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари»нинг ЮНЕСКО «жаҳон хотираси дастури»га киритилиши бу ҳудуднинг дунё тарихида тутган ўрнига берилган яна бир муносиб баҳо бўлди. Зеро, жойлашган ўрни, стратегик аҳамияти ва иқтисодий имкониятларига кўра қадимдан Ўрта Осиёни ташқи дунё билан боғловчи занжирнинг муҳим ҳалқаси бўлиб келган Хоразм воҳаси сўнгги ўрта асрларда ҳам ўз ўрнига эга эди. XVI аср бошларида бу ерда вужудга келган Хива хонлигининг тарихий ривожланишида унинг Марказий, Шарқий ва Жануби-Ғарбий Осиёдаги жуда кўп давлатлар билан алоқалари алоҳида ўрин тутган. Шу жиҳатдан, Хива хонлигининг қўшни давлатлар билан алоқаларини тадқиқ этиш тарихий воқеликни тор-локал доирада эмас, минтақа ва минтақалараро даражада кўриш имконини беради. Айниқса, ҳудудий жиҳатдан бир-бирига чегарадош бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар тарихини ўрганиш ор-

қали минтақада юз берган интеграцион жараёнларни чуқур ва ҳар томонлама баҳолаш мумкин бўлади. Қолаверса, нуфузли халқаро ташкилот томонидан билдирилган бундай эътироф қўлёзма кўринишида сақланиб келаётган тарихий ҳужжатларни ўрганиш, илмий муомалага киритиш, улар асосида тарихнинг очилмаган саҳифаларини тадқиқ этиш вазифасини ўртага қўяди.

2018 йил 12 январда Ташқи ишлар вазирлиги ва чет элдаги Ўзбекистон дипломатларининг фаолиятига бағишлаб ўтказилган йиғилиш бу соҳани такомиллаштириш йўлидаги яна бир жидий қадам бўлди. Давлатимиз раҳбари элчининг ўз халқи, ватани олдидаги бурчи ва вазифалари, унинг касбий маҳорати ҳамда маънавий савияси ҳақида сўз юритар экан, «бугунги кунда замонавий ўзбек дипломати, элчиси қандай сифатларга, малака ва кўникмаларга эга бўлиши керак?» деган саволни ўртага ташлади. Шу билан бирга, «давлатчилик тарихимиз сингари бизнинг дипломатик фаолиятимиз ҳам чуқур тарихий илдизларга эга» эканлигига урғу берилди[1].

Шу жиҳатдан, қўйилган ушбу долзарб савол ва вазифалар ўзбек дипломатиясининг тарихий илдизларига, тўпланган бой тажрибани бугунги кундаги жараёнларга татбиқ этишга янада кўпроқ эътибор қаратишни талаб қилади. Дипломатия тарихи давлатчилик масалаларини ўрганишнинг муҳим воситаларидан биридир. Мамлакатнинг ташқи олам билан ўзаро муносабатлари, турли давлатлар ва халқлар билан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маънавий алоқалари тараққиёт даражаси ҳамда халқаро майдондаги мавқеининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Соҳа мутахассислари таъкидлаганларидек, дипломатия тарихини ёритмасдан туриб давлатчиликнинг муайян тарихий шароитдаги фаолиятига объектив баҳо бериб бўлмайди, шу боис ушбу мавзу ғоят катта аҳамиятга молик бўлган долзарб йўналишлардан бири саналади[2].

---

[1] Выступление Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева на совещании, посвященном деятельности Министерства иностранных дел и посольств нашей страны за рубежом. – Ташкент, 2018 г. 12 января / https://mft.uz/ru/news/meeting-on-foreign-policy-issues

[2] Ўзбек дипломатияси тарихидан (тарихий очерклар ва лавҳалар) / М.М. Хайруллаев таҳрири остида. – Тошкент, 2003. – Б.236.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг етакчи давлатлари билан кенг миқёсли ҳамкорлик олиб бораётган, айниқса, мамлакат ташқи алоқалари янги босқичга кўтарилаётган бир даврда халқаро алоқалар тарихини ўрганиш ҳамда эришилган бой тажрибалардан тегишли сабоқ чиқариш бугунги кунда амалий жиҳатдан ҳам муҳимдир. Зеро, тарихни халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради[1].

Хива хонлиги тарихи узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг энг кам ёритилган ҳамда «оқ ва қора доғлар» билан қопланган қисми бўлиб қолди. Албатта, бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор эди.

Эрон ва Ўрта Осиё алоқалари тарихи юзасидан фикр билдирган таниқли олим Н.Д. Миклухо-Маклай адабиётларда ушбу масала қисқа ва юзаки ёритилганлигини таъкидлаб, бунга ўрта аср манбаларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигини сабаб қилиб кўрсатган[2]. Бу фикр XX асрнинг 50-йилларида билдирилган бўлиб, орадан 50 йилдан ортиқ вақт ўтганлигига, охирги йилларда кўплаб тарихий манбалар таржима қилиниб, нашр этилганига қарамай, бевосита Хива хонлигининг ташқи алоқалари тарихига бағишланган ишлар ниҳоятда камчиликни ташкил этади.

Эроншунос олим Б. Маннонов ҳам ўз мақоласида солномалардаги маълумотларнинг қисқалиги, воқеаларнинг батафсил баён этилмаганлиги, жуда кўп манбаларнинг ишланмаганлиги туфайли хонликнинг ташқи сиёсатини тадқиқ қилишда мавжуд бўлган муаммо ва камчиликлар тўғрисида фикр билдирган. Шунингдек, олим, мавжуд қийинчиликларга қарамай, Хива хонлиги ташқи алоқалари тарихини тадқиқ қилиш долзарб масала эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган[3].

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 6-жилд. – Б.259.

[2] Миклухо-Маклай Н.Д. К истории политических взаимоотношений Ирана со Средней Азией в XVI веке // Краткие сообщения ИВ АНСССР. Вып. IV. – М., 1952. – С.11.

[3] Маннонов Б.С. Хоразм тарихнавислигида Хива хонлиги ташқи сиёсати // Шарқшунослик. 1997. №8. – Б.155.

Шу билан бирга, совет даври тарихшунослигида ҳосил бўлган айрим қарашлар ҳам Хива хонлиги тарихининг Ўзбекистон давлатчилигидаги энг кам ўрганилган қисмларидан бири бўлиб қолишига олиб келган. Хоразм тарихини ўрганишга улкан ҳисса қўшган олим Ю. Брегелнинг қайд этишича, Эрон ва Бухорога қарши тез-тез уюштириб турилган ҳужумлар XIX асрда ҳам Хоразм сиёсий ҳаётининг ўзига хос жиҳати бўлиб, бу нарса академик В.В. Бартольд томонидан Хоразм ўлкасига «ўзбеклар ҳукмронлиги остидаги қароқчиларнинг варвар (ёввойи) мамлакати» деган ёрлиқ ёпиштирилишига сабаб бўлган эди[1]. В.В. Бартольд Марказий Осиёнинг ўрта асрлар тарихини ўрганишга, жумладан, кўплаб шарқ қўлёзмаларини араб ва форс тилларидан рус тилига таржима қилишга ниҳоятда катта ҳисса қўшган йирик шарқшунос олим ҳисобланади. Шу билан бирга, олим томонидан олиб борилган ишларнинг кўлами ва ҳажми жуда кенг бўлиб, бу ҳолат тарихнинг айрим масалалари юзасидан етарли даражада чуқур ҳамда ҳар томонлама хулосалар чиқаришга имкон бермаганлигини тан олиш лозим. Зеро, тарихий асарлардаги айрим маълумотларни талқин қилишда бир ёқлама ёндашувлар кузатилади. В.В. Бартольд XVII аср биринчи чорагида авж олган ўзаро сулолавий курашлар «маънавий жиҳатдан ёввойилашиб кетишга олиб келмасдан қолмас эди» деб баҳо берар экан[2], «Шайбонийлар (Арабшоҳийлар)[3] сулоласи даврида Хоразмдаги ўзбекларнинг маданий савияси Мовароуннаҳрга нисбатан қиёслаб бўлмайдиган даражада паст эди, ҳатто [Хива хони] Абулғозихон (1603 – 1664)нинг қўл остидагилари орасида мамлакат тарихини ёза оладиган кишилар бўлмаганлиги учун бу ишни ўз зиммасига олишга мажбур бўлди», – деб таъкидлайди[4].

[1] Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Reza Mirab Agahi. Firdaws al-iqbal: History of Khwarazm / English translation from Chaghatay ed. by Yuri Bregel. – Leiden: Brill, 1999. Introduction. – P.X, XII.
[2] Бартольд В.В. Узбекские ханства // Сочинения. – М.: Восточная литература, 1963. Т. II (Ч. I). – С.274.
[3] Ю. Брегель кўрсатганидек, кўпгина замонавий олимлар ўз номини Жўжининг бешинчи ўғли Шайбоннинг авлоди бўлган Арабшоҳ ибн Пўлоддан олган бу сулола вакилларини Арабшоҳийлар деб ҳам атайди: Bregel Y. Arabshahi // Encyclopaedia Iranica, ed. E. Yarshater, vol. II (3). 1987. – P.243 – 245.
[4] Бартольд В.В. Хорезм // Сочинения. – М.: Наука, 1965. Т. III. – С.549.

Абулғозихоннинг юқори таълим даражасини эса олим унинг ўн йил мобайнида Эронда яшаганлиги билан изоҳлайди[1]. Бу фикрни қўллаб-қувватлаган А.Н. Кононов «асарларидан маълумки, Абулғозихон тарихий адабиётдан яхши хабардор бўлиб, бу билимга у Исфаҳонда яшаган ўн йиллик ҳаёти давомида, тарихий асарлар билан танишиш учун барча имкониятлар бўлган даврда эришгандир» деб қайд этган[2].

Албатта, бундай хулосаларнинг келиб чиқишига Абулғозихон томонидан «Шажарайи турк» асарида «ота-акаларининг beпарволиги ва муносиб киши топилмаганлиги туфайли битилмай келган тарихини ўзи ёзишга мажбур бўлганлиги» борасида билдирган фикри асос бўлган дейиш мумкин. Хусусан, Абулғозихон бундай ҳолатнинг унгача ҳеч бўлмаганлигига урғу бериб, «ўксуз ўз киндигини ўзи кесар. Ҳеч подшоҳ ва амир ва ҳеч ҳаким ва донишманд ўз тарихини ўзи айтган эмас турур. Бизнинг юртимизнинг ҳавосидин ва аҳли Хоразмнинг бебизотлигидин ҳеч замонда бўлмаган иш бўлди» деб таъкидлаган[3].

Шубҳасиз, Эронда ўтказилган ўн йил (гарчи сиёсий вазиятга кўра мажбуран турган бўлса-да) Абулғозихон дунёқараши, тафаккури ва билим даражасига таъсир этган. У ҳам ўзбек, ҳам форс-тожик тилларида ижод қилиб, маснавий, ғазал ва рубоийлар ёзиб қолдирган. Лекин Абулғозихоннинг Эронда ўтган ҳаётини ўз билимини оширишга бағишлаганлиги, аввало, унинг иқтидори ва эътиқоди, Хоразмдалик чоғидаёқ ўз замонасининг саводхон мударрисларидан таълим олиб, Огаҳий таърифлаганидек, «бағоят ашъор фаҳм ва тарихдон»[4] бўлиб етишганлиги билан боғлиқ эди. Шуни ҳам эътибордан қочирмаслик керакки, Абулғозихон Эронга юборилганда 26 ёшда эди. Хон хонадонининг энг кўзга кўринган вакили бу ёшда таълимнинг асосий қисмини олмаслиги мумкин эмасди.

---

[1] Бартольд В.В. Узбекские ханства... – С.274.
[2] Кононов А.Н. Родословное дерево туркмен. – М.-Л., 1958. – С.21.
[3] Абулғозий. Шажарайи турк / Масъул муҳаррир Б.Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Мунировов, Қ. Маҳмудов. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б.11 – 12.
[4] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол / Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.92.

Абулғозихон туғилиб вояга етган давр (1603 – 1620) бевосита унинг бобоси Ҳожи Муҳаммадхон (1558 – 1602) ҳукмронлигининг охирги йиллари ҳамда отаси Араб Муҳаммадхон (1602 – 1621) даврида юзага келган муҳит билан ҳам боғлиқ эди. Зеро, бу вақтдаги сиёсий барқарорлик, ташқи савдо ва иқтисодий-хўжалик ривожи, ўз навбатида, маънавий муҳитнинг жонланишига олиб келган эди.

16 ёшида Урганч шаҳрига ҳоким (*кадхудо*) этиб тайинланган Абулғозихоннинг мамлакатдаги деярли барча ҳарбий ва бошқарув ишларида фаол иштирок этганлиги, айниқса, ўзи қайд этганидек, «Худои таъло инояти билан берилган ... Одам наслидин то бу дамгача Арабистондаю Эрону Туронда, Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларини ва салтанатларининг кам зиёдин ... ва тарих билмаклик»[1] қобилиятини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Ўз даврининг йирик илм-фан маркази бўлган Бухоро ва Тошкентнинг маънавий-маданий муҳити ҳам ёш Абулғози таълим-тарбиясига самарали таъсир этган.

XVI асрда Ўтамиш Хожи томонидан Хоразмда яратилган чингизийлар тарихига оид «Тарихи Дўстхон» асари ҳам бу юрт ва даврнинг маданий-маънавий даражаси ҳақида тасаввур беради. Абулғозихон томонидан унинг тилга олинмаганлиги бу асардан хабардор эмаслигини билдирмайди. Шу боис Ю. Брегелнинг «бир аср кейин ёзган Абулғозихоннинг бу асардан мутлақо хабари йўқлигига қараганда, бу асар Хоразмда муомалада бўлмаган»[2] деган фикрига қўшилиш қийин. Зеро, Абулғозихоннинг ўзи бу борада Чингизхон ва унинг аждодларига «ўн тарих, баъзиларига йигирма ва баъзиларига атаб ўттуз тарих» яратилганлиги, айнан ўз сулоласи тарихига оид асар битилмаганлигига урғу берган[3].

Келтирилган мулоҳазалар Хоразмнинг сўнгги ўрта асрлар тарихига яна бир назар ташлаш ва имкон даражасида янгича ёндашиш масаласини ўртага қўяди. Хоразм воҳасида вужудга келган Хива хонлигининг ташкил топиш ҳамда кейинги даврлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида кечган тарихий жараёнлар

---
[1] Абулғозий. Шажарайи турк... – Б.5.
[2] Firdaws al-iqbal: History of Khwarazm ... Introduction. – P.XIII.
[3] Абулғозий. Шажарайи турк... – Б.16.

ҳақида тўғри хулосаларга эга бўлишда хонликнинг қўшни, бевосита чегарадош давлатлар, жумладан, Эрон, Дашти Қипчоқ, Бухоро ва Қўқон хонликлари билан олиб борган алоқаларини комплекс тарзда тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, барча соҳада бўлгани сингари, тарих фани олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилди. Шундан келиб чиқиб тарихчи олимлар томонидан қатор ишлар амалга оширилди, миллий давлатчилигимиз тарихининг турли давр ва босқичлари тадқиқ қилинди ва бу жараён давом этмоқда. Бевосита сўнгги ўрта асрлар тарихи борасида сўз юритилганда бир нечта фундаментал тадқиқотларнинг амалга оширилганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим[1]. Хива хонлиги тарихини тадқиқ этишга ҳам катта эътибор берила бошланди[2]. Айниқса, манбашунос олимлар томонидан Хива хонлиги тарихига доир кўплаб қўлёзма манбаларнинг нашр этилиши улардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтирди. Лекин ҳали ўз ечимини, илмий таҳлил ва объектив баҳосини кутаётган масалалар кўп. Жумладан, Хива хонлигининг қўшни давлатлар билан олиб борган алоқалари тарихини ўрганиш, ўша давр воқелигидан мантиқий ва тарихий-фалсафий хулосалар чиқариш керак.

Қолаверса, мустақил Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлаётган, дунёнинг етакчи давлатлари билан кенг миқёсли ҳамкорлик олиб бораётган, мамлакат ташқи алоқалари янги босқичга кўтарилаётган бир даврда чет давлатлар билан олиб борилган ўзаро алоқалар тарихини ўрганиш ҳамда эришилган бой тажрибалардан тегишли сабоқ чиқариш бугунги кунимиз учун ҳам муҳимдир. Зеро, тарихни халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради[3].

---

[1] История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.) / Глав. ред. А.А. Аскаров. – Ташкент, 1993. Т. III. – 476 с; История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.) / Отв. ред. Д.А. Алимова. – Ташкент: Фан, 2012. – 776 с.

[2] Хорезм в истории государственности Узбекистана / Отв. ред. Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова. – Ташкент, 2013. – 336 с.

[3] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 6-жилд. – Б.259.

Халқаро алоқаларнинг муҳим механизми ҳисобланган «дипломатик институтлар», жумладан, «дипломатик протокол» ва «элчилик хизмати», уларнинг шаклланиши ва тараққий этиш жараёнларини ўрганиш орқали ўзаро алоқаларнинг умумий ҳолати, давлатлараро муносабатларнинг характерли хусусиятларини, юзага келган муаммолар, уларни келтириб чиқарган омиллар ва ҳал қилишнинг муҳим жиҳатларини аниқлаш мумкин.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, Хива хонлигининг сўнгги ўрта асрларда Бухоро ва Қўқон хонликлари, Қозоқ жузлари ҳамда Эрон давлати билан ўзаро алоқалари тарихига доир комплекс тадқиқот бугунги кунга қадар амалга оширилмаган. Лекин Хива хонлиги ташқи алоқларининг айрим жиҳатлари турли адабиётларда ўз аксини топган. Тадқиқотда фойдаланилган адабиётлар олтита гуруҳга, хусусан, *ҳудудий ёндашув* асосида Хива хонлигининг Россия, Эрон, Бухоро, Қўқон хонликлари ва Қозоқ жузлари билан алоқалари, шунингдек, *муаммовий жиҳатдан* дипломатия тарихи ва назариясига бағишланган умумий ишлар ҳамда мамлакатнинг умумий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ёритиб берувчи адабиётларга бўлинди.

*Хива хонлигининг Россия билан ўзаро муносабатлари* тарихи нисбатан кенг ўрганилган йўналиш ҳисобланади[1]. Бу ишлар асосан Россия ва Хива хонлиги ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ўрга-

---

[1] Попов А. Сношения России с Бухарой и Хивой при Петре Великом // Записки ИРГО. Вып. 9. – СПб., 1853. – С.237 – 424; Небольсин П.И. Очерки торговли России со странами Средней Азии: Хивой, Бухарой и Коканом // Записки Рус. Геогр. Общества. Т. X. – СПб., 1856; Залесов Н. Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г. // Военный сборник 1861. №11. – С.41 – 75; Ўша муаллиф. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. // Военный сборник. 1862. №9. – С.41 – 92; Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. – Петроград, 1915. – 214 с; Панков А.В. К истории торговли Средней Азии с Россией XVI – XVII вв. – Ташкент, 1927; Мухаммаджонов А. Бухоро ва Хиванинг Россия билан алоқаларига доир. – Тошкент, 1957; Соколов А.Ю. Новые данные о связях России со Средней Азией в XVIII в. // Труды САГУ. Вып. 140. – Ташкент, 1958. – С.149 – 161; Байкова Н.Б. Роль Средней Азии в русско-индийских торговых связях (первая половина XVI – вторая половина XVIII века). – Ташкент, 1964; Садиков А.С. Экономические связи Хивы с Россией. – Ташкент, 1965; Тухтаметов Г. Россия и Хива. – М., 1969; Амитов А. Русско-хивинские отношения в первой половине XIX в. – Ташкент, 1970; Садиков А.С.Россия и Хива (конец XIX – начало XX в.). – Ташкент, 1972; Киняпина Н.С., Блиев М.М., Дегоев В.В. Кавказ и Средняя Азия во внешней политике России (вторая половина XVIII – XIX в.). – М., 1984.

нишга ҳамда кўп ҳолларда икки давлат ўртасидаги муносабатларда манфаатли томонни аниқлашга қаратилган. Шу билан бирга, ушбу тадқиқотларнинг аксарияти совет даврида амалга оширилган бўлиб, уларни ҳам мафкуравий, ҳам методологик, ҳам фактологик нуқтаи назардан кўриб чиқиб тўлдириш, Ўзбекистон давлатчилиги ва дипломатик институтлар тарихи нуқтаи назаридан қайта ишлаш лозим. Мавжуд ишларнинг кўпчилиги асосан Россия давлат архиви ҳужжатларига ёки Хивада бўлган хорижликларнинг «Сафарнома»-ларига асосланиб амалга оширилган. Ваҳоланки, бу маълумотларни бошқа турдаги манбалар билан қиёслаб ўрганиш масалага имкон даражасида холис ёндашишга ёрдам беради.

Бу ишлар орасида М. Йўлдошев, О. Аминов, Г. Тухтаметов, Ҳ. Зияевнинг ишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки[1], улар ўзаро иқтисодий, савдо-дипломатик алоқаларда икки томонлама манфаатдорлик мавжуд бўлганлигини асослаб, Россиянинг Ўрта Осиёга бўлган иқтисодий қизиқишларини батафсил очиб беришга ҳаракат қилганлар.

Кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлардан Х.Ғ. Гуломов, Г.А. Агзамова, Л. Азиззода, Х. Пиримшоев, М. Ниязметов, А.А. Андреев, Р.Ю. Почекаев ҳамда А. Отамуродова ва О. Абдураҳимовнинг ишлари муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, уларда икки ҳудудни боғловчи карвон йўлларининг йўналишлари билан бирга Россия – Хива сиёсий-дипломатик муносабатлари, «диплома-

[1] Юлдашев М.Ю. Некоторые документальные данные о связах Средней Азии с Россией (XV – XVII вв.) // Известия АН Уз ССР. №4. – 1958; Аминов О. XVI – XIX асрларда Ўрта Осиё – Россия. – Тошкент, 1958; Юлдашев М. К истории торговых и политических связей Средней Азии с Россией в XVI – XVII века. – Ташкент, 1964; Тухтаметов Г. Россия и Хива. – М., 1969; Амитов А. Русско-хивинские отношения в первой половине XIX в. – Ташкент, 1970; Зияев Ҳ. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. – Тошкент, 1973; Ўша муаллиф. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари. – Тошкент, 2016.

тик протокол» масалаларининг тадқиқ этилиши ҳамда минтақадаги геосиёсий ҳолатга баҳо берилган[1].

Юқорида келтирилган жиҳатларни ҳисобга олиб мазкур тадқиқотда Хива – Россия муносабатларини тадқиқ этиш масаласига янгича ёндашиш, хусусан, масалага тўғридан-тўғри икки ҳududнинг алоқалари тарзида эмас, Хива хонлигининг бошқа давлатлар билан ўзаро алоқаларида «Россия омили»ни кўрсатиб бериш нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

*Хива хонлигининг Эрон давлати* билан олиб борган ўзаро муносабатлари тарихи энг кам ўрганилган бўлиб, мавжуд ишларнинг аксариятида даврий чегара сифатида XIX аср олинган[2]. Н.Д. Миклу-

[1] Агзамова Г.А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связывающие их с Россией: Дис... канд. истор. наук. – Ташкент, 1990; Ўша муаллиф. О караванных путях из Хивы в Оренбург // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1991. №12. – С.43 – 48; Азиззода Л. Рус – ҳинд – ўзбек халқларининг тарихий алоқалари. – Тошкент, 2000; Пиримшоев Х. Российско-среднеазиатские отношения XVI – середина XIX в. – Душанбе, 2000; Гуломов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX века. – Ташкент, 2005; Ўша муаллиф. Ўрта Осиё ва Россия (XVIII аср бошида давлатлараро муносабатларнинг шаклланиши). – Тошкент: Университет, 2007; Ниязматов М. Поиск Консенсуса. Российско-хивинские геополитические отношения в XVI – начале XX века. – СПб., 2010; Андреев А.А. Хива и Россия в начале XVIII века, или история одной несостоявшейся провинции // Столицы и провинция. Материалы IV Международного конгресса петровских городов. Санкт-Петербург, 2012 г. 8 – 9 июня. – СПб.: Европейский дом, 2013. – С.259 – 272; Почекаев Р.Ю. К истории «буферных государств» на границах России: Аральское владение и его роль в русско-хивинских отношениях. XVIII – XIX вв. // Восточный архив. – 2015. №1 (31). – С.12 – 18; Ўша муаллиф. Память об экспедиции А. Бековича-Черкасского в русско-хивинских отношениях XVIII – XIX вв. // Новое прошлое (The new past). 2016. №1. – С.132 – 147; Отамуродов А., Абдураҳимов О. Хива элчилари / Масъул муҳаррир Р. Жуманиёзов. – Тошкент, 2015. – 304 б.

[2] Маннонов Б.С. Русско-иранские торгово-экономические отношения через Туркестан (последняя четверть XIX – начало XX в.) // Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока. – Ташкент: АН Уз ССР, 1963. – С 77 – 130; Ўша муаллиф. Отношения Ирана со среднеазиатскими ханствами во второй половине XIX века // Краткие сообщения Института народов Азии (КСИНА). Иранский сборник. Вып. 39. – М., 1963. – С.56 – 71; Ўша муаллиф. Хоразм тарихнавислигида Хива хонлиги ташқи сиёсати // Шарқшунослик. 1997. №8. – Б.155 – 162; Ўша муаллиф. Лолабошининг Хоразм сафари // Шарқшунослик. 1997. №8. – Б.69 – 89; Ўша муаллиф. Элчига ўлим йўқ таомили нега бузилди? // Ўзбек дипломатияси тарихидан (тарихий очерклар ва лавҳалар) / М.М. Хайруллаев таҳрири остида. – Тошкент, 2003. – Б.179 – 190; Валиева Д. Среднеазиатско-иранские отношения в первой половине XIX века // Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока. – Ташкент, 1963. – С.60 – 66; Ўша муаллиф. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Хиванинг ташқи иқтисодий алоқаларига доир (Архив ҳужжатлари асосида) // Шарқшунослик. 1997. №8. – Б.162 – 168.

хо-Маклай, А.А. Семенов, Р.Г. Мукминованинг мақолаларида асосий эътибор Бухоро хонлиги тарихига қаратилган бўлса-да, сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиё – Эрон ҳамда Эрон – Хива хонлиги муносабатлари ҳам қисман ўз аксини топган[1].

Айрим Эрон олимлари, жумладан, Али Акбар Вилоятий, Сорли Ўроз Муҳаммад, Аббосқули Ғаффори Фард тадқиқотларида Эрон – Ўрта Осиё, жумладан, Хива – Эрон алоқаларига маълум даражада тўхтаб ўтилган[2]. Лекин ушбу муаллифларнинг ишларида асосан форс манбалари, яъни Искандарбек Мунший, Муҳаммад Козим, Муҳаммад Маҳдихон Астрободий каби сарой тарихчиларининг асарлари жалб этилганлиги, улар Ўрта Осиё ва Хоразм манбалари ёки архив маълумотлари билан таққослаб ўрганилмаганлиги боис айрим субъектив ёндашувларга йўл қўйилган.

И.П. Петрушевский, М.Р. Арунова ва К.З. Ашрафян, П.П. Бушев, О.А. Амантыев, О. Экаев, М.А. Аннанепесов, И.К. Павлова, Ж. Рота, Е. Смоларцнинг ишлари асосан Россиянинг Эрон ва туркманлар билан дипломатик алоқаларини, шунингдек, туркманлар ва Туркманистон ҳамда Эроннинг умумий тарихини ўрганишга бағишланган бўлса-да, уларда сўнгги ўрта асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги

[1] Миклухо-Маклай Н.Д. К истории политических взаимоотношений Ирана со Средней Азией в XVI веке // Краткие сообщения Института востоковедения АН СССР. Вып. IV. – М., 1952. – С.11 – 18; Семенов А.А. Шейбани-хан и завоевание им империи Тимуридов // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. – Сталинабад, 1954. Т. XII. – С.39 – 83; Мукминова Р.Г. Муносабат-и бозоргон-и ва фарҳанги миён-и Ирон ва Осиё-йи Маркази (XV – XIX) // International seminar on «The Iranian World and Turan». – Tehran, 2001. – P.75 – 78.

[2] Сорли Ўроз Муҳаммад. Тарих-и Туркманистон. – Теҳрон, 1995. – 376 б.; Али Акбар вилояти. Тарих-и равобат-и хорижи-йи Ирон дар аҳди шоҳ Аббос аввал Сафавий. – Теҳрон, 1995. – 298 б.; Ўша муаллиф. Тарих-и равобат-и хорижи-йи Ирон дар аҳди шоҳ Исмоил Сафавий. – Теҳрон, 1996. – 412 б.; Аббосқули Ғаффори Фард. Равобат-и Сафавия ва Узбагон. – Теҳрон, 1997. – 374 б.; Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осиё-йи Марказий (Эроннинг Марказий Осиё минтақаси билан ўзаро алоқаларига доир ҳужжатлар) / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Ҳасан Ковусий Ироқий: Эрон Ташқи ишлар вазирлиги «Сиёсий ва халқаро тадқиқотлар бўлими»нинг ҳужжатлар нашриёти идораси. – Теҳрон, 1372. – 504 б.

дипломатик ҳамда ҳарбий-иттифоқчилик алоқаларига доир маълумотларнинг мавжудлиги билан ҳам аҳамиятлидир[1].

Эроннинг Европа давлатлари олиб борган ўзаро алоқаларини тадқиқ қилган Ҳ. Муъиззий Эрон – Россия муносабатларида «Хива хонлиги масаласи»га ҳам тўхталиб ўтган. Келтирилган маълумотлар XIX аср бошларида Эрондаги Қожорлар ҳукуматининг нафақат Россия империяси билан дипломатик алоқалари, балки рус-эрон урушлари ҳамда Хуросонда инглиз-рус рақобати кучайиб борган жараёнда Хива хонлигига бўлган муносабати борасида ҳам атрофлича тасаввур ҳосил қилади[2].

М. Диксоннинг диссертациясини XVI асрда Ўрта Осиё – Эрон муносабатларини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотларнинг энг дастлабки ва муваффақиятлиси сифатида кўрсатиб ўтиш лозим[3]. Олим «Шоҳ Таҳмосиб ва Ўзбеклар (Хуросон учун Убайдхон билан дуэль: 1524 – 1540)» деб номланган диссертацион ишида Эрон – Бухоро муносабатлари, Хуросон ҳудуди учун олиб борилган кураш

---

[1] Петрушевский И.П. Очерки по истории феодальных отношений в Азербайджане и Армении в XVI – начале XIX в. – Л., 1949. – 384 с.; Ўша муаллиф. История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века (VI, VII, VIII, IX главы кн.) / Под ред. В.В. Струве. – Л., 1958. – С.211 – 335; Арунова М.Р., Ашрафян К.З. Государство Надиршаха Афшара (очерки общественных отношений в Иране 30 – 40-х годов XVIII века). – М., 1958. – 284 с.; Бушев П.П. История посольств и дипломатических отношений русского и иранского государств в 1586 – 1612 гг. – М., 1976. – 478 с.; Ўша муаллиф. История посольств и дипломатических отношений Русского и Иранского государств в 1613 – 1621 гг. – М., 1987. – 298 с.; Амантыев О. Туркменистан и туркмены в первой половине XVIII века (по данным соч. Мухаммада Казима «Нама-йи аламара-йи Надири»). – Ашхабад, 1980. – 116 с.; Экаев О. Туркменистан и туркмены в конце XV – первой половине XVI в. (По данным «Алам Ара-и Сефеви»). – Ашхабад, 1981. – 142 с.; Аннанепесов М. Укрепление русско-туркменских взаимоотношений в XVIII – XIX вв. – Ашхабад, 1981. – 266 с.; Annanepesov M. The khanate of Khiva (Khwarazm) // History of civilizations of Central Asia. UNESCO Publishing. – Paris, 2003. – P.63 – 70; Павлова И.К. Хроника времен Сефевидов (Сочинение Мухаммад-Масума Исфахани «Хуласат ас-сияр»). – М., 1993. – 120 с.; Giorgio Rota. The mask of shah Abbas I // Studia Iranica. Cahier 45. Mediaeval and modern iranian studies. Proceedings of the 6th european conference of Iranian Studies (Vienna, 2007). Edited by Maria Szuppe, Anna Krasnowolska, Claus V. Pedersen. – Paris, 2011. – P.167 – 178; Smolarz E. Speaking about Freedom and Dependency. Representations and Experiences of Russian Enslaved Captives in Central Asia in the First Half of the 19th Century // Journal of Global Slavery. 2017 (2). – P.44 – 71.

[2] Mu'izzi, Husam. Tarikh-i rawabit-i siyasi-i Iran ba dunya. – Tehran, 1365. – 846 s.

[3] Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks: The duel for Khurasan with Ubaid Khan: 930 – 946/1524 – 1540, unpublished Ph.D. dissertation. – Princeton, 1958. – 392 p.

масаласини, нисбатан қисқа (16 йил) даврни қамраб олган бўлса-да, батафсил таҳлил қилиб берган. Ишда Хива хонлигининг минтақадаги воқеаларда иштироки, унинг Бухоро хонлиги ва Эрон Сафавийлари билан дипломатик ҳамда ҳарбий-иттифоқчилик алоқаларига доир қизиқарли маълумотлар ҳам берилган.

Монография муаллифи томонидан 2007 йилда ҳимоя қилинган «XVI – XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи» мавзуидаги номзодлик диссертацияси бевосита Хива Арабшоҳийлари ва Эрон Сафавийлари ўртасидаги савдо-дипломатик алоқалар масаласига бағишланган дастлабки махсус тадқиқот бўлди[1].

Энг сўнгги ишлар сифатида Никзад Келоразий ва Д.А. Ализоданинг тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш керак[2]. Д.А. Ализода Хоразм ва Эрон ўртасидаги зиддиятли муносабатлар, жумладан, Нодиршоҳ томонидан Ўрта Осиёга уюштирилган юришларнинг сабабларини кенгроқ очиб беришга эътибор қаратган бўлса-да, муаллифнинг кўп ҳолларда бир ёқлама ёндашувга йўл қўйганлиги сезилади. Хоразмликлар томонидан Хуросонга уюштирилган тинимсиз ҳужумларни Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга юришига сабаб қилиб кўрсатар экан, тадқиқотчи айрим бир-бирига қарама-қарши фикрларни ҳам келтирган. Айниқса, Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга юриши даврида хонликлар ўртасидаги муносабатларни кенгроқ ва чуқурроқ мушоҳада қилиш лозимлиги кўзга ташланади.

*Хива хонлиги ва Қозоқ жузлари* тарихини бир-биридан алоҳида ўрганиш қийин. Бир-бирига туташ бўлган бу ҳудудларнинг аҳолиси доимо ўзаро ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқада бўлган.

---

[1] Аллаева Н. XVI – XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар: Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 2007. – 184 б. Ушбу диссертация бу борадаги дастлабки уриниш бўлганлиги, айниқса, кўплаб хорижий адабиётлар ва бирламчи манбаларни тадқиқотга жалб этиш имкони бўлмаганлиги туфайли уни манбавий жиҳатдан тўлдириш, шунингдек, мантиқий яхлитликни ҳосил қилиш учун хронологик жиҳатдан XIX асрнинг 60 – 70-йилларигача бўлган даврни ҳам тадқиқотга тортиш лозим деб топилди.

[2] Никзад Келорази Мир Нуроддин. Военно-политические и дипломатические отношения Ирана с Бухарским и Хивинским ханствами в XVII – первой половине XVIII вв.: Дис... канд. ист. наук. – Душанбе, 2015. – 170 с.; Ализода Д.А. О военном противоборстве Хорезма и Ирана в первой половине XVIII века (по данным письменных источников) // Вестник Таджикского государственного университета права, бизнеса и политики. Серия гуманитарных наук. 2018. №1 (74). – С.40 – 47.

Айтиш мумкинки, айнан мана шу ўзаро муносабатлар минтақадаги умумий вазиятни белгилаган. Шу билан бирга, бир ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар иккинчи ҳудудга жиддий таъсир кўрсатган.

Қайд этиш лозимки, Хива – Қозоқ алоқалари тарихининг турли жиҳатлари Қозоғистоннинг умумий тарихига бағишланган тадқиқотларда кўпроқ ўз ифодасини топган. Айниқса, М. Вяткин, В. Басин, И. Ерофеева, Т. Султанов, М. Абусеитова, Ж. Тулибаеванинг ишларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим[1].

Қозоқ жузларининг Россия ва бошқа ҳудудлар билан алоқаларига бағишланган ишларда Хива хонлигига доир маълумотлар ҳам бериб кетилган. Шу билан бирга, бу ишлар асосан Қозоғистон ёки Россия тарихи нуқтаи назаридан ёндашилганлиги туфайли айрим ишларда Хива хонлигига доир баъзи хронологик номутаносибликлар ҳамда тарихий воқеликда чалкашликлар мавжуд. Шунингдек, турли тарихий маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида Хива хонлигининг манфаатлари эътибордан четда қолган. Бу эса аксарият ҳолларда масалага бир ёқлама ёндашувни келтириб чиқарган ҳамда кўплаб саволларнинг очиқ қолишига сабаб бўлган.

М. Ходарковский ва В. Хольцвартнинг ишларида Қозоқ дашти ва унинг чегарадош мамлакатлар, хусусан, Россия империяси ҳамда Бухоро, маълум даражада Хива хонлиги билан ўзаро муносабатлари ёритилган[2].

---

[1] Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР (с древнейших времен по 1870 г.). Том. 1. – Л., 1941; Ўша муаллиф. Батыр Срым. – М-Л.: Изд. АН СССР, 1947; Аполлова Н.Г. Присоединение Казахстана к России. – Алма-Ата, 1948; Басин В.Я. Казахстан в системе внешней политики России в первой половине XVIII века // Казахстан в XV – XVIII вв. (Вопросы социально-политической истории) / Отв. ред. Б.С. Сулейменов. – Алмаата, 1969. – С.50 – 145; Ерофеева И.В. Казахские ханы и ханские династии в XVIII – середине XIX вв. // Культура и История Центральной Азии и Казахстана: проблемы и перспективы исследования. – Алматы, 1997. – С.46 – 144; Султанов Т.И. Кочевые племена Приаралья в XV – XVII вв. – М.: Наука, 1982; Ўша муаллиф. Поднятые на белой кошме. Ханы казахских степей. – Астана, 2006; Тулибаева Ж.М. Казахстан и Бухарское ханство в XVIII – первой половине XIX в. – Алматы, 2001. – 156 с.

[2] Khodarkovsky M. Russia's Steppe Frontier: The Making of a Colonial Empire, 1500 – 1800. – Bloomington: Indiana University Press, 2002; Holzwarth W. Relations between Uzbek Central Asia, the Great Steppe and Iran, 1700 – 1750 // Shifts and Drifts in Nomad-Sedentary Relations edited by Stefan Leder & Bernhard Streck. – Wiesbaden, 2005. – P.179 – 216.

Р.Ю. Почекаевнинг XVIII аср – XX аср бошларида Россия империяси Марказий Осиёда олиб борган сиёсатнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бунда тарихий шахсларнинг ўрнини ёритиб беришга бағишланган монографиясини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак[1]. Унда Россия империяси ҳукуматининг бир қатор амалдорлари билан бирга тарихда алоҳида ўрин тутган Қозоқ хонлари ва уруғ бошлиқлари ҳамда Хива хонларидан Оллоқулихон ва Муҳаммад Раҳимхон II, Бухоро ҳукмдори Амир Музаффар, Қўқон хони Худоёрхоннинг шахси, уларнинг кўрсатилган давр Россия империяси ҳукуматининг «Шарқ сиёсати»ни амал ошириш жараёнидаги фаолиятига баҳо берилган.

Р. Селанинг Марказий Осиёда ҳокимият ва маросимлар, жумладан, хоннинг тахтга ўтириш маросимига бағишланган иши Хива хонлигидаги «хон кўтариш» маросими орқали Хива – Қозоқ алоқаларининг айрим жиҳатлари ҳақида маълумот бериши билан аҳамиятлидир[2].

П. Сартори ва П. Шаблейнинг мақоласида XIX асрда рус ҳукуматининг Қозоқ жузларида олиб борган сиёсати ва унинг турли усуллари атрофлича таҳлил қилиб берилган[3]. Билдирилган мулоҳазалар бир-бирига мухолиф бўлган қозоқ ботирларининг олиб борган ҳаракатлари ва бунда рус ҳукуматининг таъсирини кенгроқ тушуниш, бу орқали Кенесари Қосимов, Исет Котибаров ва Жонхожи Нурмуҳамедовнинг Хива хонлиги билан муносабатларини ўзаро алоқадорликда кузатиш мумкин.

Бевосита Хива – Қозоқ алоқалари тарихига доир тадқиқотлар ҳам мавжуд. Кўчманчи ва ўтроқ аҳоли, жумладан, ўзбек – қозоқ алоқалари тарихига бағишланган махсус тадқиқотлар сифатида С.К. Бакшилов, У.Х. Шаликенов, С.М. Мадуановнинг ишларини кўрсатиб

---

[1] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы. Личностный фактор правовой политики Российской империи в Центральной Азии: XVIII – начало XX в. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2017. – 384 с.
[2] Ron Sela. Ritual and authority in Central Asia: The Khans Inauguration Ceremony. – Bloomington, Indiana, 2003.
[3] Сартори П., Шаблей П. Судьба имперских кодификационных проектов: адат и шариат в казахской степи // Ab Imperio, 2/2015. – С.66 – 105.

ўтиш лозим[1]. Ушбу тадқиқотларда асосий эътибор кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўртасидаги иқтисодий-хўжалик муносабатлари, Сирдарё бўйларидаги қозоқ уруғларининг Қўнғиротлар сулоласи даврида Хива хонлиги ва унинг солиқ сиёсатига муносабати масаласига қаратилган. Хронологик жиҳатдан ушбу тадқиқотларда Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга юриши (1739 – 1740), Қозоқ хони Абулхайрхоннинг бир неча кун Хива хонлигида ҳукмронлик қилганлиги, ундан кейинги даврда айрим қозоқ султонларининг Хива тахтига ўтириши билан боғлиқ воқеаларга қисман тўхталиб ўтилган бўлиб, кўпроқ XIX аср тарихига эътибор қаратилган. Уларда икки ҳудуд алоқаларининг XVI – XVII асрлардаги ҳолати деярли ёритилмаган.

Юқорида қайд этилган ишларнинг мафкуравий жиҳатини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Уларнинг аксарияти совет даврида ёзилган бўлиб, «эзувчи ва эзилувчи синфлар» нуқтаи назаридан ёндашилган ҳолатлар ҳам мавжуд. Ҳатто собиқ совет давридаги айрим ишларнинг асосини совет мафкураси ташкил этганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, С. Мадуановнинг 1992 ва 1997 йилларда нашр этилган ишларида Хива ва Қозоқ хонликлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ёритилар экан, ҳар бир маълумотни талқин қилишда Хива хонлари ва ҳарбий саркардалари томонидан қозоқ овулларига зарар етказилганлиги, улар қозоқ халқини эзиб келганлиги нуқтаи назаридан ёндашилган. «Оллоқулихон (1825 – 1842) халқларни бирбирига қарши қилиш ва улар орасида душманликни авж олдириш сиёсатини олиб борар эди», – деб фикр билдирар экан, муаллиф Ф.Энгельснинг «Внешняя политика Германии» китобидан иқтибос келтириб, «... бир халқни бошқасига қарама-қарши қўйиш, шу орқали ўзларининг мутлақ ҳукмронлигини узайтириш – бугунгача мавжуд бўлган ҳукмдорлар ва элчиларнинг маҳорати ва фаолияти мана шунга қаратилган эди» деб қайд этади[2].

---

[1] Бакшилов С.К. Взаимоотношения Казахстана с ханствами Средней Азии в первой половине XIX в.: Автореф. дис... канд. ист. наук. – М., 1951; Шаликенов У.Х. К вопросу о взаимоотношениях казахских племен с оседлым и полуоседлым населением Хорезма в XVIII – XIX вв. – М., 1964; Мадуанов С.М. История узбекско-казахских отношений (XIX – нач. XX в.): Автореф. дис... канд. ист. наук. – Алма-Ата, 1980.

[2] Мадуанов С.История казахско-узбекских отношений (XIX – нач. XX в.). – Туркестан, 1992; Ўша муаллиф. Взаимоотношения казахов с другими соседними народами Центральной Азии в XVIII – начале XX в.: Автореф. докт... ист. наук. – Алматы, 1997.

Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, Хива хонлигининг Қозоқ жузлари билан ўзаро алоқалари тарихига доир кўпгина маълумотларни янгича ёндашув асосида қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Қолаверса, воқеалар асосан Россия ва Қозоғистон архив хужжатлари асосида ёритилган бўлиб, уларни маҳаллий Хоразм манбалари, Эрон солномалари ҳамда турли архив ҳужжатлари ҳамда «Сафарнома» йўналишидаги асарлар билан қиёслаб ўрганилса, анча объектив манзарани ҳосил қилиш мумкин. Бу борада М.Х. Абусеитова жуда ўринли мулоҳазаларни билдириб, воқеаларга ўша давр нуқтаи назаридан ёндашиш, манбалардаги маълумотларни тарихий контекстда таҳлил қилиш лозимлигини уқтиради[1].

*Хива хонлигининг Бухоро ва Қўқон хонликлари билан ўзаро дипломатик алоқалари* муайян даврдаги айрим жиҳатлари Қ. Муниров, О. Муталов, Б. Бобожонов, Д. Аҳмедова, Ф. Отахонов ва Н. Полвоновнинг ишларида ўз аксини топган.

Хоразмда тарихнавислик масаласини тадқиқ этган Қ. Муниров Хива хонлиги тарихига бағишланган Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг асарларини манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилар экан, уларнинг Хива хонлиги ташқи алоқаларини ўрганишдаги аҳамияти борасида ҳам қимматли маълумотларни келтириб ўтган[2]. Ушбу асарларда XVII – XVIII асрларга нисбатан XIX асрдаги дипломатик муносабатларнинг батафсилроқ баён этилганлигини қайд этган Қ. Муниров Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги дипломатик муносабатларга атрофлича тўхтаб ўтган. Асар дастлаб нашр этилган вақтда кўрсатилган аксарият манбаларнинг қўлёзма ҳолида бўлганлиги келтирилган маълумотларнинг ўз вақтида ноёб материал сифатида ҳам катта қимматга эга бўлганлигидан далолат беради. Бугунги кунда ушбу манбалар нашр этилган бўлса-да, олим томонидан келтирилган маълумотлар Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар, Амир Насрулло ва Амир Музаффар ҳамда Қўқон хони Султон

[1] История Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие / Отв. ред. М.Х. Абусеитова и др. – Алматы: Дайк-Пресс, 2011.

[2] Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик (XVII – XIX ва XIX аср бошлари). – Тошкент, 2002. – Б.130 – 144.

Муродхоннинг Хива хонлари билан элчилик алоқаларидаги муҳим жиҳатларга тадқиқотчилар эътиборини жалб этиши билан аҳамиятлидир. Шу билан бирга, асар махсус Хива хонлиги ташқи алоқалари тарихини ўрганишга бағишланмаганлиги боис келтирилган маълумотлар тизимли равишда берилмаган. Шу жиҳатдан хонликнинг қўшни давлатлар билан олиб борган дипломатик алоқаларига доир маълум бир воқеани яхлит очиб бериш ёки Хоразм солномаларида ўз аксини топмаган ҳолатларга аниқлик киритиш учун қўшимча маълумотларни жалб этиш ва уларни халқаро муносабатлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш лозимлиги кўзга ташланади.

Хива хонлигининг Оллоқулихон даври (1825 – 1842)даги тарихини тадқиқ этган О. Муталов ушбу ҳукмдорнинг ташқи алоқаларини ёритишга ҳам алоҳида эътибор берган. Бу даврда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги муносабатларига атрофлича тўхталган тадқиқотчи «Риёз уд-давла» асарини бошқа манбалар билан қиёслаб ўрганиш орқали кўплаб қизиқарли маълумотларни келтиради[1]. Лекин Оллоқулихон юритган ташқи сиёсат, жумладан, Бухоро амирлиги билан муносабатларга доир маълумотларни баён этишда қатъий тизимга риоя қилинмаганлиги туфайли айрим воқеаларнинг содир бўлган вақтини ёки моҳиятини англашда қийинчилик туғилади. Муаллиф сиёсий жиҳатдан ўзи муҳим деб билган воқеаларнигина келтиришни маъқул топган бўлиб, баъзи ҳодисалар, жумладан, Бухоро – Хива муносабатларида «Қўқон хонлиги» масаласига доир маълумотларни чуқурроқ таҳлил этиш лозим. Шунга қарамай, муаллиф томонидан «Риёз уд-давла» асарининг қўлёзма нусхасидаги чиғатой (туркий) тилли маълумотлар замонавий ўзбек тилига ўгириб талқин қилинганлиги ушбу тадқиқотнинг муҳим илмий ютуғи ҳисобланади.

Б. Бобожонов Қўқон хонлигида ҳокимият легитимацияси масаласини таҳлил қилар экан, «дипломатик легитимация» асосида Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар характери ва умумий жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтган[2].

---

[1] Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида / Масъул муҳаррир Б.Маннонов. – Тошкент, 2005. – 142 б.

[2] Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия / Рецензенты: Хисао Коматцу, С.У. Каримова, Н.И. Тошев. – Токио-Ташкент, 2010. – 744 с.

Д. Аҳмедова ўз мақоласида Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг сиёсий муносабатларига эътибор қаратар экан, масалага асосан манбашунослик нуқтаи назаридан ёндашган. Тадқиқотчи бу борада «Фирдавс ул-иқбол» асарининг муҳим манба сифатидаги аҳамиятини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган[1].

Хива – Қўқон ўзаро элчилик алоқалари тарихи бўйича Ф. Отахонов ва Н. Полвоновнинг мақолаларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим[2]. Улар Қўқон хони Умархон (1810 – 1822)нинг ҳукмронлик давридан Хива хонлиги билан йўлга қўйилган элчилик алоқалари ва уларнинг муҳим жиҳатларини кўплаб маҳаллий манбаларга таянган ҳолда ёритишга ҳаракат қилганлар. Айниқса, Ф. Отахонов томонидан бугунги кунга қадар жуда кам фойдаланилган «Шоҳномаи нусратпаём» асарини ўрганиш орқали Хива ва Қўқон хонлари ўртасидаги ҳарбий иттифоқчилик алоқаларига доир қимматли маълумотларнинг келтирилиши эътиборга лойиқ[3].

Кўриниб турибдики, Хива хонлигининг Бухоро ва Қўқон хонликлари билан алоқаларини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотлар жуда кам. Ваҳоланки, ушбу қўшни хонликлар ўртасидаги муносабатларга доир маълумотлар тарихий асарларда, расмий ҳужжатларда кўплаб келтирилган бўлиб, уларни ҳар томонлама комплекс тарзда ўрганиш орқали янги мулоҳазалар ва хулосаларни билдириш мумкин.

*Дипломатия тарихи ва назариясига бағишланган умумий ишлар* ташқи алоқаларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари, институционал шакллари юзасидан тегишли хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Хусусан, дипломатия тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти, дипломатик протоколнинг таркибий қисмлардан бирини ташкил этган дипломатик этикет, шунингдек, масалани ўрганишнинг

[1] Аҳмедова Д. «Фирдавс ул-иқбол»да Хива хонлиги ташқи алоқаларининг акс этиши // Шарқшунослик. 2002. №11. – Б.50 – 58.

[2] Полвонов Н. Қўқон ва Хива хонликларининг ўзаро элчилик алоқалари тарихига доир (XIX аср) // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б.176 – 188.

[3] Отахонов Ф. Қўқон ва Хива хонликлари ўртасида 1821 йилда тузилган ҳарбий иттифоқ ва унинг оқибатлари («Шоҳномаи нусратпаём» маълумотлари таҳлили) // O'zbekiston tarixi. 2012. №2. – Б.24 – 34.

аҳамиятли томонларини очиб беришда В.В. Бартольд, В.А. Зорин, С. Шарапов, В. Рузеннинг ишларидан унумли фойдаланилди[1]. Россия империясида дипломатик маросимлар масаласини тадқиқ этган И. Зайцев ва О. Агееванинг тадқиқотлари эса бевосита Хива хонлигидаги дипломатик этикет масалаларининг бир қатор жиҳатларини қиёсий ўрганишга ёрдам берди[2].

П. Сарторининг Хива хонлигидаги «арз маросими» борасида келтирган маълумотлари бевосита хон саройида ўтказилган «қабул маросимлари»нинг кўплаб элементлари ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради[3].

Бир гуруҳ муаллифлар жамоаси томонидан 2003 йилда нашр этилган «Ўзбек дипломатияси тарихидан» номли монографияни маҳаллий олимлар тарафидан амалга оширилган жиддий иш сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин[4]. Китоб «Ўзбек дипломатияси»нинг қадимдан то Россия империяси истилосигача бўлган даврини тадқиқ этишга бағишланган, унинг иккинчи қисмида турли даврларга оид дипломатик ёзишмалар ва «Солномалар»да акс этган халқаро алоқаларга доир маълумотлар берилган. Кўплаб қизиқарли малумотлар қаторида Хива солномалари саҳифаларидан намуналар сифатида Хива ва Бухоро алоқалари ҳамда Хива ва Қўқон хонликлари элчилик алоқаларига доир айрим парчалар келтирилган. Шу жиҳатдан ушбу китоб Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатларнинг ташқи алоқаларини ўрганишда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан намуна сифатида аҳамиятга эга. Шу билан бирга, китобда

[1] Бартольд В.В. Церемониал при дворе узбецких ханов в XVII веке / Сочинения. – М.: Наука, 1964. Т. II (Ч. 2). – С.388 – 399; Зорин В.А. Основы дипломатической службы. – М., 1977; Шарапов С. История дипломатии / Открытый проект. http://www.diphis.ru/organi_vneshney_politiki_i_diplomatii; Roosen W. Diplomatic Ceremonial: A Systems Approach // Journal of Modern History. – University of Chicago Press, 1980. Vol. 52, No. 3. – P.452 – 476.

[2] Zajcev I.V. Notes on the Golden Horde Diplomatic Ceremonial: The Origin of the Word Koreš in Russian Slang // Acta Orientalia Academiae Scientiarum Hung, 2005. Vol. 58 (3). – P.295 – 298; Агеева О.Г. Дипломатический церемониал императорской России в XVIII веке. – М., 2012. – 936 с.

[3] Sartori P. Visions of Justice. Sharīʿa and Cultural Change in Russian Central Asia / Series: Handbook of oriental studies. Uralic and Central Asian Studies. Edited by Nicola Di Cosmo. Section Eight. Vol. 24. – Leiden-Boston-Brill, 2016. – 392 p.

[4] Ўзбек дипломатияси тарихидан (тарихий очерклар ва лавҳалар) / М.М. Хайруллаев таҳрири остида. – Тошкент, 2003. – 236 б.

келтирилган тарихий лавҳалар ва асарлардан олинган парчаларни турли йўналишдаги бирламчи манбалардаги маълумотлар билан қиёслаб, тўлдирган ҳолда комплекс тадқиқ этиш керак.

«Ўзбекистонда элчилик хизмати» тарихига доир илмий тўплам қадимдан то XIX аср иккинчи ярмигача Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатларнинг ташқи алоқалари, уларда шаклланиб, ривожланиб борган дипломатик этикет масалаларини ўрганишда алоҳида ўрин тутади[1].

Тадқиқотда Хива хонлиги ташқи алоқаларининг мазмун-моҳияти ва омилларини аниқлашга ёрдамлашишини ҳисобга олган ҳолда *мамлакатнинг ички сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволи* ҳақида тасаввур берувчи умумий ишлардан ҳам фойдаланилди, улар адабиётларнинг *олтинчи гуруҳи*ни ташкил этади.

Н.И. Веселовский, С.В. Жуковский, В.В. Бартольд, А.А. Семенов, Я. Ғуломов, П.П. Иванов, М. Йўлдошев, Р.Г. Мукминова, Қ. Муниров, Г.А. Агзамова, А. Файзиев, А. Абдурасулов, К. Худойберганов, У. Абдурасуловнинг тадқиқотларини ана шундай муҳим адабиётлар сифатида қайд этиш лозим[2].

К. Юсуповнинг Хива хони Абулғозихон даврида содир бўлган сиёсий воқеалар, ижтимой-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда унинг та-

---

[1] Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2017. – 286 б.

[2] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. – СПб., 1877. – 364 с.; Ўша муаллиф. Памятники дипломатических и торговых сношений Московской Руси с Персией. – СПб., 1890. Т. I. – 462 с.; Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа / Сочинения. – Л., 1929. Т. I. – С.56 – 67; Ўша муаллиф. История Иранского государства и культуры (к 2500-летию Иранского государства) – М., 1971; Семенов А.А. Шейбани-хан и завоевание им империи Тимуридов // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. – Сталинабад, 1954. Т. XII. – С.39 – 83; Гулямов Я. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент, 1957. – 314 с.; Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX в.) – М., 1958. – 246 с.; Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари. – Тошкент, 1960. – 170 б.; Ўша муаллиф. Хоразмда тарихнавислик (XVII – XIX ва XX аср бошлари). – Тошкент, 2002. – 190 б.; Мукминова Р.Г. Стольный град Хива // Общественные науки в Узбекистане. 1997. №7-8. – С.28 – 36; Агзамова Г. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. – Тошкент, 2000. – 52 б.; Ўша муаллиф. XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти: Тарих фан. докт... дис – Тошкент, 2000. – 348 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистон шаҳарлари XVI – XIX асрнинг ўрталарида / Масъул муҳаррир Д.Ҳ. Зияева. – Тошкент, 2017. – 226 б.; Абдурасулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 144 б.; Худойберганов К. Хива хонлари шажараси. – Урганч: Хоразм, 1996. – 102 б.; Ўша муаллиф. Роль мемориала Пахлавана Махмуда в изучении истории Хивинских ханов. Автореф. дис... канд. истор. наук. – Нукус, 2004. – 28 с.; Ўша муаллиф. Хива хонлари тарихидан. – Урганч, 2008. – 194 б.; Абдурасулов У. Борьба со внешней экспансией в Хивинском ханстве в первой половине XVIII века // O'zbekiston tarixi. 2002. №2. – С.12 – 19; Абдурасулов У. От Арабшахидов к Кунградам: динамика и политический ландшафт Хорезма в период правлений двух династий // O'zbekiston tarixi. 2013. №2. – С.17 – 32.

рихий-адабий фаолиятини ўрганишга бағишланган диссертацион иши Хива – Бухоро, Хива – Эрон алоқаларининг бир қатор омилларини кенгроқ таҳлил қилишга ёрдам берди[1]. Ўз навбатида, қайд этиш жоизки, мазкур тадқиқот ишида манбаларда келтирилган айрим маълумотлардан бир ёқлама чиқарилган хулосалар ҳам мавжуд бўлиб, улар юзасидан тегишли мулоҳазалар билдирилди.

Р. Макчезни томонидан бошқарувнинг улус – аппанаж тизимининг хонлик ташқи алоқалари билан боғлиқ жиҳатларига доир хулосаларидан Хива хонлиги ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишда ўринли фойдаланилди[2].

Келтирилган маълумотлар бевосита Хива хонлиги ташқи алоқаларининг XVI аср – XIX аср 70-йилларидаги динамикасини комплекс тарзда тадқиқ қилиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб бўлиб турган масала эканлигини кўрсатади.

Шу жиҳатдан ушбу китобда сўнгги ўрта асрларда Хива хонлиги ташқи алоқалари, унинг институционал моҳияти, яъни ташқи алоқалар механизмининг асосий шакллари ва муносабатлар динамикасини форс ва чиғатой (туркий) тилидаги ёзма манбалар, расмий архив ҳужжатлари, «Сафарномалар» сингари бирламчи манбалар асосида ўрганиш орқали Хива хонлигининг Марказий Осиё минтақасида тутган ўрнини кўрсатиб бериш мақсад қилиб қўйилди.

Айниқса, Хива хонлиги тарихини «глобал тарих», жумладан, минтақавий ва трансминтақавий воқеалар контекстида ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Қўлга киритилган илмий натижалар орқали узоқ йиллар давомида фанда мавжуд бўлиб келган «Хива хонлигига ташқи дунёдан узилиб қолган, изоляция ҳолатидаги давлат» сифатида қарашни инкор этувчи хулосалар беришга ҳаракат қилинди.

---

[1] Юсупов К. Абулгази и Хивинское ханство в первой половине XVII века: Автореф. дис... канд. ист. наук. – М., 1950. – 14 с.

[2] McChesney R.D. The Chinggisid Restoration in Cnetral Asia: 1500 – 1785 / Cambridge History of Inner Asia. The Chinggisid age. Ed. by Nicolla Di Cosmo, Alen J. Frank and Peter B. Golden. – Cambridge: Cambridge University Press, 2009. – P.277 – 302.

# МАНБАЛАР

Алоҳида таъкидлаш керакки, айнан дипломатия тарихини ўрганиш жараёнида тадқиқотга тортиладиган манбалар чегараси кенгайиб, воқеа-ҳодисаларни турли ракурсдан кузатиш, таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлди. Хива хонлигининг қўшни Бухоро, Қўқон, Қозоқ хонликлари ва Эрон давлати билан ўзаро муносабатларини ўрганиш бевосита уларнинг умумий тарихига бағишланган асарларни тадқиқотга тортишни тақозо этади. Бу эса минтақа миқёсида содир бўлган муҳим тарихий воқеаларни талқин қилишда турли муаллифлар, аниқроғи, давлатларнинг позициясини аниқлаш ва уларни ўзаро қиёслашга ёрдам берди.

Манбашунослик йўналишида амалга оширилган ишларни, жумладан, мавжуд манбаларнинг батафсил таснифлари шарқшунос олимлар томонидан етарли даражада берилганлигини ҳисобга олиб[1] уларни такрорламаслик учун тадқиқотда фойдаланилган манбаларнинг номларинигина келтириб, ҳудудий, яъни ўрганилган давлатлар нуқтаи назаридан гуруҳларга ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

[1] Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. – Ташкент, 1985; Ўша муаллиф. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001; Собрание восочных рукописей АН РУз. История / Сост. Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. – Ташкент: Фан, 1998; Каталог Хивинских казийских документов XIX – начала XX вв. / Сост. А. Урунбаев, Т. Хорикава, Г. Джураева, К. Исогай. – Ташкент-Киото, 2001. – 692 с.; Мадраимов А.А., Фузаилова Г.С. Тарихий манбашунослик (ўқув қўлланма) / Масъул муҳаррирлар А.У. Ўринбоев, Б.А. Абдуҳалимов. – Тошкент: Фан, 2006; Каримов Э.Э. Регесты казийских документов и ханских йарлыков Хивинских ханов XVIII – начало XX в. – Ташкент: Фан, 2007. – 224 с.; Каталог среднеазиатских жалованных грамот из фонда Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан. – Halle, 2007. – 114 с.

*Хоразм тарихига доир манбалар:*

Абулғозихоннинг «Шажарайи турк»[1], Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол»[2], Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг «Риёз уд-давла»[3], «Зубдату-т-таворих»[4], «Жомеал-воқеоти султоний»[5], «Гулшани давлат»[6], «Шоҳиду-л-иқбол»[7], Сайид Ҳомид Тўра Комёбнинг «Таворих ул-хавонин»[8], Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий»[9], Бобожон Сафаровнинг «Хива хонлари тарихига доир материаллар»[10], Маткарим Отажоновнинг «Хива хонлиги тарихига оид маълумотлар»[11] номли асарлари.

---

[1] Abu'l-Ghazi Bahadur Khan. Histoire des Mongols et des Tatares par Aboul-Ghazi Bahadour Khan / 2 vols., ed. and trans. Petr I. Desmaisons, Turk-oriental (Chaghatay) text with French transl., reprint of St. Petersburg Edition from 1871-1874. – Amsterdam, 1970. – 386 p.; Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк / Масъул муҳаррир Б.Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 190 б.

[2] Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Reza Mirab Agahi. Firdaws al-iqbal: History of Khwarazm / English translation from Chaghatay and ed. by Yuri Bregel. – Leiden: Brill, 1999. – 718 p.; Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол / Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 518 б.

[3] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёз уд-давла»дан / Муҳаммад Ризо Мироб Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар: V жилд. Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов. Масъул муҳаррир С.Долимов. – Тошкент, 1978. – Б.17 – 170.

[4] Огаҳий Муҳаммад Ризо. Зубдату-т-таворих (Тарихлар сараси) / Нашрга тайёрловчи Н. Жабборов. – Тошкент: O'zbekiston, 2009. – 240 б.; Мухаммад Риза Мираб Агахи. Зубдат ал-таварих. Научно-критиеский текст / Составитель Х. Назирова. – Ташкент-Самарканд, 2016. – 304 с.

[5] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан // Муҳаммад Ризо Мироб Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. VI жилд / Нашрга тайёрловчи Ғ. Каримов. Масъул муҳаррир С.Долимов. – Тошкент, 1980. – 208 б.; Jami' al-vaqi'-at-I sultani / Edited in the original Central Asian turki with an Introduction and Notes by N. Tashev. – Samarkand-Tashkent, 2012. – 270 p.

[6] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат (Хива хонлиги 1856 – 1864 йилларда) / Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. – Тошкент, 2012. – 246 б.

[7] Муҳаммад Риза Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол (Иқбол шаҳодати) / Нашрга тайёрловчи Н. Шодмонов. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – 336 б.

[8] Сайид Ҳомид Тўра Комёб. Таворих ул-хавонин / Нашрга тайёрловчилар Норқулов К., Жўраев Ж., Тоғаев Т., Жўраев Ж. – Тошкент: Академия, 2002. – 116 б.

[9] Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий Тарихий эссе // Мерос туркуми / Таҳрир ҳайъати: Б.Аҳмедов ва бошқ. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б.175 – 265.

[10] Сафаров Б. Хоразм хонликларидаги урфу одатлар // ЎзР ФА ШИ, инв. №11117. – 16 в.

[11] Маткарим Отажонов. Хива хонлиги тарихига оид маълумотлар // ЎзР ФА ШИ, инв. №11664/II, қўлёзма. – 199 в.

*Бухоро ва Қўқон хонликлари тарихига доир манбалар:*

Камолиддий Биноийнинг «Шайбонийнома»[1], Ҳофиз Таниш ибн Мир Мухаммад Бухорийнинг «Абдулланома» (Шарафномайи шоҳий)[2], Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдулланома» ёки «Тарихи Убайдуллахон»[3], Мирзо Абдуазим Сомий Бўстонийнинг «Тарихи салотини Манғития»[4], Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний»[5], Абдураҳмон Толенинг «Тарихи Абулфайзхон»[6], Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук»[7], Муҳаммадёр ибн Араб Қатағаннинг «Мусаххир ал-билод»[8], Хўжа Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ут-таворих»[9], Худоёрхонзоданинг «Анжум ат-таворих»[10], Мирзо Олим Маҳдум ҳожининг «Тарихи Туркистон»[11], Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-Хавоқин (Қўқон хонлиги тарихи)»[12] асарлари.

---

[1] Камал ад-Дин Али Бинаи. Шайбани-наме // Материалы по истории казахских ханств XV – XVIII вв. (Извлечения из персидских и тюркских соч.) / Сост.: С.К. Ибрагимов, Н.Н. Мингулов, К.А. Пищулина, В.П. Юдин. – Алма-Ата, 1969.

[2] Ҳофиз Таниш ибн Мир Мухаммад Бухорий. Абдулланома (Шарафномайи шоҳий) / Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси. Масъул муҳаррир Я. Ғуломов. – Тошкент: Фан, 1969. II жилд. – 394 б.

[3] Мир Мухаммед Амин-и Бухари. Убайдулла-наме / Перевод с таджикского с примечаниями А.А. Семенова. – Ташкент, 1957. – 326 с.

[4] Мирза Абдалазим Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа (история мангитских государей) / Перевод и примечания Л.М. Епифановой. – М., 1962.

[5] Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история / Перевод с таджикского, предисловие и указатели А.А. Семенова. – Ташкент, 1956. – 304 с.

[6] Абдуррахман-и Тали. История Абулфейз-хана / Перевод с таджикского А.А. Семенова. Отв. ред. Р.Н. Набиев. – Ташкент, 1959. – 176 с.

[7] Ходжа Самандар Термези. Дастур ал-мулук (назидание государям) / Перевод с персидского М.А. Салахетдиновой. Отв. ред. Н.Д. Миклухо-Маклай. – М.: Наука, 1971. – 394 с.

[8] Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод (мамлакатларнинг эгалланиши) / Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. – Тошкент, 2009. – 430 б.

[9] Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих / Форс-тожик тилидан таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 720 б.

[10] Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих (тарихлар юлдузлари) / Форс-тожик тилидан таржимон Ш. Воҳидов. Масъул муҳаррир. Ҳ. Бобобеков. – Тошкент, 2010. – 220 б.

[11] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон / Араб тилидан табдил Ш. Воҳидов ва Р. Холиқованики. – Тошкент, 2008. – 242 б.

[12] Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин (Қўқон хонлиги тарихи) / Нашрга тайёрловчилар А. Матғозиев ва М. Усмонова. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. – 128 б.

*Эрон тарихига доир манбалар:*

Номаълум муаллифнинг «Оламоройи Сафавий»[1], Хуршоҳ бинни Қубод ал-Ҳусайнийнинг «Тарихи элчийи Низомшоҳ»[2], Искандарбек муншийнинг «Тарихи оламоройи Аббосий»[3], Маҳмуд ибн Ҳидоят Оллоҳ Афуштаи Натанзийнинг «Нақоват ал-осор фи зикр ал-ахёр»[4], Муҳаммад Маъсум бинни Хожаги Исфаҳонийнинг «Хулосат ас-сийар. Тарихи рузигори Шоҳ Сафи Сафавий»[5], Муҳаммад Козимнинг «Нома-йи оламоройи Нодирий»[6] асарлари.

Манбалар жанри ва турига кўра *Сафарномалар* ва *Архив ҳужжатларига* ажратилган ҳолда таснифланди:

[1] Оламоройи Сафавий / Нашрга тайёрловчи Ёдуллоҳ Шукрий. Иккинчи нашр. – Теҳрон, 1363. – 688 с.

[2] Хуршоҳ ибн Қубод ал-Ҳусайний. Тарихи элчийи Низомшоҳ / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Ризо Носирий. – Теҳрон, 1379. – 438 с.

[3] Искандарбек туркман (мунший). Тарихи Оламоройи Аббосий. – Теҳрон, 1350. 1-жилд. – 608 с.; 2-жилд. – 728 с.

[4] Маҳмуд ибн Ҳидоятоллоҳ Натанзи. Нақоват ал-осор фи зикр ал-ахёр. – Теҳрон, 1994. – 650 с.

[5] Муҳаммад Маъсум ибн Хожаги Исфаҳоний. Хулосат ас-сийар. Тарихи рузигори Шоҳ Сафи Сафавий. Ганжинайи Ирон ва ирониён / Нашрга тайёрловчи Ирож Афшор. – Теҳрон, 1368. – 384 с.

[6] Муҳаммад Козим. Торихи оламоройи Нодирий / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Амин Риёҳи. – Теҳрон: Илм. 1369. 2-жилд. – 882 с.; Мухаммад-Казим. Наме-йи алам-ара-йи Надири (Мироукрашающая надирова книга) / Факсимиле, изд. текста и предисл. Н.Д. Миклухо-Маклай. – М.: Восточная литература, 1960. Т. I. – 718 с.; – 1965. Т. II. – 697 с.; – 1966. Т. III. – 540 с.; Мухаммад-Казим. Поход Надир-шаха в Индию (извлечение из Тарихи аламарайи Надири) / Перевод, предисл. и прим. П.И. Петрова. – М.: Восточная литература, 1961. – 206 с.

*Сафарномалар*

Турли мақсад ва топшириқлар билан ўлкага ташриф буюрган элчи, сайёҳ, савдогарлар ва ҳарбийларнинг «кундалик», «хотира ва эсдалик» ҳамда «ҳисобот» кўринишидаги сафар тафсилотлари умумий ном билан шартли равишда «Сафарнома»лар деб олинди[1].

«Сафарнома»ларда маҳаллий муаллифлар эътиборидан четда қолган минтақа аҳолисига хос хусусиятларга оид маълумотлар, ўша даврда бўлиб ўтган воқеаларнинг сабабларини очиб берувчи фактлар ўз ифодасини топганлиги уларнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

«Сафарнома» муаллифлари бу ерга ташриф буюришар экан, ўз олдиларига алоҳида масалани тадқиқ этишни эмас, барча кўр-

[1] Веселовский Н.И. Иван Данилович Хохлов – русский посланник в Персии и Бухаре в XVII в. // Журнал министерства народного просвещения. 1891 г. январь. – С.48 – 72; Описание Хивинского ханства. Составлено в 1843 г. подполковником Генерального штаба Г.И. Данилевским // Записки ИРГО. – СПб., 1851. Кн. V. – С.62 – 153; Корженевский Н.Л. Посольство Михаила Тихонова в Персию и путь его через Хиву и Кара-Кумы в Хоросан (1613 – 1615) // Известия АН УзССР. 1951. №6. – С.69 – 72; Посольство В.А. Даудова и Мухаммед-Юсуф Касимова в Хиву и Бухару (1675 – 1676) // История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI – первой половины XIX в. / Отв. ред. Б.А. Ахмедов. Составитель Б.В. Лунин. – Ташкент: Фан, 1988. – С.72 – 75; Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718 – 1725 гг. / Посланник Петра I на Востоке в 1718 – 1725 гг. – М.: Восточная литература, 1986. – 160 с.; Гладышев Д., Муравин И. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740 – 1741 годах поручиком Гладышевым и геодезистом Муравиным / Издана Я.В. Ханыковым – СПб., 1851. – 86 с.; Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг., гвардейского Генерального Штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров. – М., 1822. Часть I. – 180 с. Часть II. – 144 с.; Захарьин И.В. Посольство в Хиву в 1842 году (по рассказам и запискам очевидца) // Исторический вестник. №11. 1894; Great power rivalry in Central Asia, 1842 – 1880. Vol. V. Campaigning on the Oxus and Fall the Khiva. J.A. Macgahan / Ed. by M. Ewans. London, 2006. – 440 p; Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги (Муҳаммадшоҳ Қожор ва Оллоқулихон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан 1842 йил) // Хоразм сафари кундаликлари / Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов, форс тилидан таржимон И. Бекжонов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б.13 – 52; Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм (Носириддиншоҳ ва Муҳаммад Аминхон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан 1851 йил) / Хоразм сафари кундаликлари. Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов, форс тилидан таржимон И. Бекжонов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б.53 – 231; Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар (Эрон генерали Исмоил Мирпанжийнинг Хуросон, Марв ва Хивада бошидан кечирган воқеалар баёни) / Форс тилидан Набибулло Ҳасан таржимаси. – Урганч-Хоразм, 1997. – 62 б.; Хотероти Асерот. Рузномайи сафари Хоразм ва Хива. Сарҳанг Исмоил Мирпанжэ / Сафоиддин Табарриён. – Теҳрон, 1375. – 178 с.; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература, 2003. – 194 с.

ган-билганларини қайд этиб боришни мақсад қилишган. Шу боис улар ўз «Сафарнома»ларида Хоразм ўлкасининг табиати, одамлари, уларнинг феъл-атворидан то урф-одатларигача, гавжум бозорларию кўчалари, шунингдек, ўзлари дуч келган қийинчиликларни ҳамда мамлакатдаги сиёсий вазият каби турли-туман масалаларни, баъзан бир-бирини тўлдириб, баъзан бир-биридан фарқ қилувчи маълумотларни батафсил ёритишга интилишган. Чунки Европа учун ҳамиша сирли бўлиб келган Осиё қитъаси ва унинг бир бўлаги ҳисобланмиш Хоразм («Ўзбеклар юрти») ҳақидаги ҳар қандай маълумот бошқа халқларда катта қизиқиш уйғотган.

«Сафарнома»ларнинг «элчилик хизмати» ёки «дипломатик этикет» масалаларини ўрганишдаги ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Зеро, элчиларни кутиб олиш, қабул маросими ҳамда музокара жараёнлари хонларнинг ҳукмронлик йилларини хронологик тарзда баён этувчи «Солнома»ларда нисбатан қисқа ва умумий тарзда бериб кетилган. «Сафарнома» муаллифлари эса «қабул маросими» ва у билан боғлиқ жараёнларни қадам-бақадам қоғозга туширишга ҳаракат қилганлар.

XIX асрга оид «Сафарнома»ларда «элчилик қоидалари» ва «қабул маросими»га оид маълумотларнинг нисбатан батафсил берилиши бу даврга келиб халқаро майдонда дипломатик этикет қоидалари янада қатъийлашгани ва унинг ҳар бир деталига алоҳида эътибор қаратила бошланганидан далолат беради. Хива хонларининг музокаралар олиб бориш тартиби ҳамда қабул жараёнида ўзларини тутишларидаги «қатъият ва мағрурлик» рус элчилари томонидан алоҳида қайд этиб ўтилган. Бу эса Хива хонларида ҳам дипломатия қоидаларига эътибор кучайганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, хонлардаги мағрурлик замирида ўзига хос эҳтиёткорлик ётганлигини ҳам унутмаслик лозим.

Дипломатик этикетда ҳар бир сўз, имо-ишора ва қараш махсус мазмунга эга бўлган ўзига хос «код» ёки «шифр» вазифасини ўтаган. Шу жиҳатдан «Сафарнома»ларни дипломатик алоқаларнинг ўзига хос «инструментарий»си – *қўлланмаси* деб аташ мумкин. Уларда

сарой «қулфини очувчи калит»га эга бўлиш имконияти, яъни дипломатик музокараларни олиб бориш учун зарур бўлган малака ва кўникмаларни берувчи маълумотлар жамланганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

*Архив ҳужжатлари*

Хива хонлиги ташқи алоқалари тарихини тадқиқ қилишда фойдаланилган архив ҳужжатларининг асосини бевосита Хива хони ва қўшни давлат ҳукмдорлари ёки амалдорлари ўртасидаги дипломатик ёзишмалар, яъни расмий мактублар ташкил этади.

Мактублар ёзма манбаларнинг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Жанр ва функционал жиҳатдан тарихий солнома ва бошқа йўналишдаги асарлардан жиддий фарқ қилувчи бу манба тури айрим устунликлар билан бирга маълум бир камчиликларга ҳам эга[1]. Расмий ҳужжат сифатида содир бўлган тарихий воқеа-ҳодисаларнинг қайд этилиши, айниқса, ёзма асарларда ёритилмаган кичик, лекин муҳим деталларнинг акс эттирилиши жиҳатидан мактублар алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, ҳужжат сифатида мактублар тарихий воқеаларнинг расмий баёни ва бу борада ҳукуматнинг позициясини билишга имкон беради.

Бу борада Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги архивида сақланган Эроннинг Марказий Осиё минтақаси билан алоқаларига доир ҳужжатлар мажмуаси алоҳида аҳамият касб этади[2]. Мажмуанинг иккинчи фасли Эроннинг Марказий Осиё билан ало-

[1] Мактубот ёки «иншо» тўпламлари ва улар таркибидаги дипломатик ёзишмалар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уларни ўрганиш жараёнида учрайдиган муаммолар ҳақида янги тадқиқотлар сифатида қаранг: Sultonova G. Insha' collections in Uzbekistan: a comparative analysis (in the context of the international relations of the Bukhara Khanate) // Proceedings of the XIIth Conference of the European Society for Central Asian Studies. Central Asia: A Maturing Field / Editors: A. Morrison and S. Saxena. – Cambridge, UK, September 2011. – P.205 – 217; Ғуломов С. «Иншо» мажмуалари маълумотининг аутентлиги хусусида (Амир Темур номи билан боғлиқ хатлар мисолида) // Марказий Осиё тарихи замонавий медиавистика талқинида (профессор Розия Мукминова хотирасига бағишланган монография). – Тошкент, 2013. – Б.257 – 269.

[2] Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осиё-йи Марказий (Эроннинг Марказий Осиё минтақаси билан ўзаро алоқаларига доир ҳужжатлар) / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Ҳасан Ковусий Ироқий: Эрон Ташқи ишлар вазирлиги «Сиёсий ва халқаро тадқиқотлар бўлими»нинг ҳужжатлар нашриёти идораси. – Теҳрон, 1372. – 504 б.

қалари тарихига доир форс тилидаги 142 та ҳужжат ҳамда уларнинг факсимил нусхаларини ҳамда Эрон ва Совет Иттифоқи ўртасида тузилган шартноманинг рус тилидаги нусхасини ҳам ўз ичига олади.

Ҳужжатларнинг аксарият қисми Қожорлар даврига, яъни XIX асрга оид. Лекин улар орасида Сафавийлар даври, хусусан, XVII – XVIII асрларга доир мактублар ҳам мавжуд. XIX асрга доир ҳужжатлар бўйича маълумотлар нисбатан тўлиқ бўлиб, унда адресант (*юборувчи*) ҳам, асдресат (*қабул қилувчи*) ҳам, ҳатто ҳужжат санаси ҳам нисбатан тўлиқ кўрсатилган. Сафавийлар даврига оид ҳужжатларда уларнинг санаси қайд этилмаган. Лекин хатни юборган ва қабул қилиб олган томонлар ҳақидаги маълумотга ҳамда мактуб матнининг мазмунига таянган ҳолда тегишли хулосалар чиқариш мумкин. Ушбу мактубларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, улар иншо ёки мактуботнинг одатий услубига кўра дастлаб узундан-узун эпитет ва ҳамду санолар билан бошланган. Албатта, бу бежирим мақтовлар мактуб мазмун-моҳиятининг бир қатор жиҳатларини намойиш этади. Хусусан, матн насрда ёзилган бўлса-да, қофияларга катта эътибор берилганлиги унинг ҳар икки томон муншийларининг сўзамоллиги, билим ва савияси кўрсаткичи сифатида катта аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради. Ўз ўрнида, қофиядош жумлалар матн мазмунини кучайтириб беришга қаратилган бўлиб, сўзларнинг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилган. Сўзамоллик бўйича гўё рақобатга киришган муншийлар, албатта, жарангдор сўзлар ва мақтовли мурожаатлар орқали асосий мақсадга эришиш, яъни ўртага қўйилган масала борасида кутилган натижани қўлга киритиш лозимлигини ҳам эътиборда тутганлари табиий.

Бир қарашда ўқувчини матннинг асосий мазмунидан, баён этилган воқеа тафсилотидан чалғитадигандек кўринган бу қисм, аслида, масаланинг муҳим жиҳатини намойиш қилади. Зеро, ҳукмдорларнинг бир-бирига қай тарзда мурожаат этиши ҳамда қандай унвонларни қўллаши давлатнинг нафақат халқаро майдондаги мавқеи, балки мамлакат ичидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳақида тасаввур беради. Шу боис мактубларнинг муқаддима қисми дипломатия нуқтаи назаридан «ўта нозик» ва жиддий масала ҳи-

собланади. Бироқ, шуни ҳам унутмаслик керакки, баъзи ҳолларда расмиятчиликнинг соф кўриниши бўлган ушбу эпитетлар реал воқеликка мос келмаслиги ҳам мумкин. Бир-бирига гўё зид кўринган бу фикрлар, аслида, мактублардаги ҳар бир маълумотни бошқа манбалардаги фактлар билан солиштириб, уларнинг тарихий воқеликка мувофиқ келиш даражасини ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозимлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу ўринда мактубларнинг яна бир мураккаб, яъни фрагментар жиҳатини, хусусан, алоҳида манба сифатида мактуб матни тарихий воқеликнинг яхлит манзарасини бера олмаслигини қайд этиб ўтиш лозим. Кўп ҳолларда матн мазмуни бир ёқлама ёки нотўғри хулосалар чиқаришга сабаб бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, ҳужжатнинг асл нусхаси ва ишончлилик даражасини аниқлашдаги муаммолар мактублар билан ишлашда ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу жиҳатдан мактубларни фақатгина қиёсий таҳлил йўли билан, хусусан, бошқа тасдиқловчи маълумотларни топиш, улар билан қиёслаш, тарихий контекстда, яъни тегишли макон ва замонда таҳлил қилиш орқали ҳақиқатни тиклаш, ноёб (уникал) маълумотларни аниқлаш мумкин бўлади.

Хива ва Қозоқ хонликлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари Россия империяси «Шарқ сиёсати»нинг бош бўғини ҳисоблanганлиги боис рус ҳукумати расмий ҳужжатлари бу борада жиддий манба ҳисобланади. 1961, 1964 йилларда нашр этилган рус архив ҳужжатларининг тўпламини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим[1]. Асосан Қозоғистоннинг Россия империяси таркибига кириши масаласи ва ундан кейинги жараёнларни ёритиш мақсадида тайёрланган икки жилддан иборат ҳужжатлар тўплами XVI – XVIII ҳамда XVIII – XIX асрларда «қозоқ – рус муносабатлари» деб номланган. Жами 629 та ҳужжатни ўз ичига олган ушбу тўпламлар Хива – Қозоқ алоқаларини ўрганишга ёрдам берадиган кўплаб ҳужжатларнинг мавжудлиги

[1] Казахско-русские отношения в XVI – XVIII вв. Сборник документов и материалов / Под ред. В.Ф. Шахматова, Ф.Н. Киреева и Т.Ж. Шоинбаева. – Алма-Ата, 1961. Т. I. – 742 с.; Казахско-русские отношения в XIX в. Сборник документов и материалов / Под ред. В.Ф. Шахматова, Ф.Н. Киреева и Т.Ж. Шоинбаева. – Алма-Ата, 1964. Т. II. – 574 с.

билан биз учун алоҳида аҳамият касб этади. Қайд этиш жоизки, ҳужжатларнинг 28 таси Россия империясининг бевосита Хива хонлиги ва 2 таси Ўрта Осиё билан ўзаро муносабатларига оид, 10 дан ортиқ қозоқ – рус муносабатларига доир ҳужжатда Хива ва Қозоқ хонликларининг ўзаро алоқалари масаласи ўз ифодасини топган.

Россия давлат архивининг «Қадимги актлар» бўлими 134-фонди, Россия империяси ташқи сиёсати архивининг 125-фонди ҳамда Санкт-Петербургдаги РФА Шарқ қўлёзмалари институтининг «шарқшунослар фонди»дан жой олган ҳужжатлар тўплами Хива хонлиги ташқи алоқаларини ўрганишда катта аҳамиятга эга[1]. Уларда Хива хонлигининг умумий тарихи ҳамда унинг бевосита Россия империяси, шунингдек, Қозоқ, Бухоро ва Қўқон хонликлари ҳамда Эрон давлати билан муносабатларига доир маълумотлар мавжуд.

Ўзбекистон Марказий давлат архиви И-125 фондида сақланаётган XIX асрга оид архив ҳужжатлари ҳам Хива хонлиги ташқи алоқаларининг муҳим жиҳатларини очиб беришда алоҳида аҳамиятга эга[2].

Хива «Ичан-қалъа» музей-қўриқхонаси архивида сақланиб қолган Эрон шоҳи томонидан Хива хони Оллоқулихон (1825 – 1842) га юборилган мактубнинг асл нусхаси бу даврга оид тарихий манбаларда келтирилган маълумотларни янада бойитишга ёрдам беради[3].

Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, уларда келтирилган қимматли фактик маълумотлар ўзининг оригиналлиги билан ажралиб туради. Муаллифларнинг кўпчилиги аксарият ҳолларда муҳим тарихий воқеаларнинг гувоҳи ва иштирокчиси сифатида бу воқеаларни ўз асарларида акс эттирганлар. Кўплаб форс манбаларидан

---

[1] Сношение России с Хивой (XVI – XVII вв.). Российский государственный архив древних актов (РГАДА: Москва). Ф. 134, оп., 1 – 3; Сношение России с Хивой (XVIII в.). Архив внешней политики Российской империи (АВПРИ: Москва). Ф. 125, оп., 1 – 2; Фонд востоковедов: Ф.П. Аделунга, В.А. Жуковского, В. Григорьева, М.С.Андреева, М. Березовского, А. Давлетшина. Архив востоковедов Института восточных рукописей РАН (Санкт-Петербург).

[2] Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари. Ўзбекистон Миллий архиви. И-125 фонд, 2-рўйхат.

[3] Эрон шоҳининг Оллоқулихонга мактуби. Хива «Ичан қалъа» қўриқхона-музейи архиви. ГХМЗ КП 3283.

фойдаланган муаллифлардан бири уларнинг аҳамиятли томонини кўрсатиб, тарихчиларнинг бу маълумотларни ўзлари кўриш имкониятига эга бўлган давлат архивлари ва расмий ҳужжатлардан олганликларини эътиборда тутиш лозимлигини эътироф этган. Шу билан бирга, ушбу муаллиф таъкидлаганидек, ҳукмрон сулола ғояларини ифодалаган тарихчиларнинг анъанавийлиги ва субъективлигини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Бу эса улардан бошқа ҳар қандай манбалар сингари танқидий ёндашув, текшириш ва турли ёзма манбалар билан қиёслаш асосида фойдаланиш лозимлигини кўрсатади. Фақат шу йўл билан аниқланган фактик маълумотлардан объектив хулосалар чиқариш мумкин[1].

Шунингдек, «Сафарнома»лардан фойдаланишда Ўрта Осиёга ташриф буюрган хорижий сайёҳ ва элчиларнинг маълум муддатга келганлигини ва қисқа давр ичида воқеликнинг асл моҳияти ҳақида ҳар доим ҳам тўғри тасаввур ҳосил қилишнинг мушкуллигини унутмаслик керак. Хивада бўлган рус сайёҳи Н. Гладышевнинг (XVIII аср) «қисқа вақт ичида барча нарса ҳақида тўлиқ билишнинг имкони йўқ» деган мулоҳазасидан келиб чиқиб улардаги айрим маълумотларни нисбий қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Қолаверса, Ўрта Осиё ҳукмдорларининг давлат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан олиб борган сиёсати ва эҳтиёткорлик чоралари, ўз навбатида, хорижий сайёҳларнинг хонлик ҳаёти билан батафсил танишиш, айниқса, улар ҳақида ёзиб олиш имкониятини чеклаб қўйганлигини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Шу жиҳатдан манбалар билан ишлашда герменевтика усулидан фойдаланишга ва қиёсий-танқидий ёндашишга, хусусан, улардаги маълумотларни горизонтал ва вертикал тарзда кесишган (crossreference) ҳолда таҳлил қилишга эътибор берилди.

[1] Гелашвили Н.Г. Ирано-грузинские взаимоотношения в XVI в.: Автореф. дис... докт. истор. наук. – Тбилиси, 1991. – 44 с.

# I БОБ

# ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИДА ТАШҚИ АЛОҚАЛАРНИНГ ЎРНИ

## 1.1. ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ЖАРАЁНИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ КУЧЛАР НИСБАТИ

Минтақадаги сиёсий вазият мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Давлатларнинг ички ижтимоий-сиёсий ҳаётида ташқи омиллар, қўшни давлатлар билан олиб борилган алоқалар катта, баъзи ҳолларда ҳал қилувчи рол ўйнаганлигини кўриш мумкин. Зеро, халқаро майдондаги кучлар нисбати нафақат бир давлат, балки бутун минтақадаги вазиятни белгилаб, унинг тараққиётига ёрдам берган ёки инқирозини келтириб чиқарган.

XV аср охири – XVI асрнинг бошлари Марказий Осиё минтақасида янги давлатларнинг, жумладан, Хива, Бухоро ва Қозоқ хонликлари ҳамда Эронда Сафавийлар давлатининг ташкил топиши ҳамда кучлар нисбатининг тез-тез ўзгариб туриши билан характерланади.

XVI аср бошида сиёсат майдонида пайдо бўлиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун жиддий ҳаракат қилган Мовароуннаҳрдаги Шайбонийлар (1500 – 1601), Хоразмдаги Арабшоҳийлар (1511 – 1700), Эрон Сафавийлари (1501 – 1736) ўртасидаги муносабатлар Марказий Осиё минтақасидаги умумий

ҳолатга катта таъсир кўрсатган. Ўз навбатида, минтақадаги сиёсий вазият бу давлатларнинг ички ҳаёти ва давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилашда муҳим рол ўйнаган. Айниқса, Хива хонлигининг ташкил топиш жараёни бевосита унинг Сафавийлар Эрони, Бухоро Шайбонийлари ва Дашти Қипчоқдаги чингизийлар хонадони вакиллари билан олиб борган ўзаро алоқаларига чамбарчас боғлиқ равишда кечган.

XVI аср бошида Хоразм расман меросий мулк сифатида темурий ҳукмдор Султон Ҳусайн Бойқаро (1469 – 1506) давлати таркибида бўлиб, бу ерда унинг расмий ноиби саналган *қўнғирот* уруғидан чиққан *сўфийлар* сулоласи вакиллари ҳукмронлик қилган. «Мусаххир ал-билод» асаридаги маълумотдан кўриш мумкинки, Дашти Қипчоқда ўз мавқеини кучайтириб, ҳатто Мовароуннаҳрда маълум бир таъсирга эга бўлиб борган Муҳаммад Шайбонийхон (1451 – 1510) сиёсий фаолиятининг илк даврида Хоразм билан яхши муносабатда бўлган. Хусусан, Муҳаммад Шайбонийхон Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзога ёрдам бериш учун «Хоразм йўли» орқали ўтар экан, у ернинг ҳокими Абдулхолиқ ибн Аҳмад Ферузшоҳ унга кўплаб тортиқ ва совға-саломлар юбориб, «дуогўйлик расми ва ҳамду сано йўсинини бажо келтирган»[1].

Ўз навбатида, Султон Ҳусайн Бойқаронинг Сафавийлар давлати асосчиси Шоҳ Исмоил I (1501 – 1524) билан олиб борган дўстона муносабатларини[2] Хоразм – Эрон алоқалари сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Эронлик муаллиф Али Акбар Вилоятийнинг қайд этишича, Исмоилшоҳ ўз фаолиятининг дастлабки davриданоқ узоқни кўра билган сиёсатчи сифатида Темурийларнинг охирги вакили Султон Ҳусайн Бой-

[1] Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод... – Б.41 – 42.
[2] Искандарбек мунший. Тарихи оламоройи Аббосий... 1-жилд. – Б.36.

қаро билан мустаҳкам дўстона муносабатлар ўрнатган[1]. Шоҳ Исмоил I нинг Эрон тахтига ўтириши муносабати билан Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан муносиб ҳадялар билан элчилар юборилганлиги ҳам бу алоқаларга мисол бўлади[2].

Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин темурий шаҳзодалар ўртасидаги ўзаро курашлар оқибатида вазият ўзгарган. Ҳудудий яқинлик ва ташкил топган янги давлатларнинг ўз ҳудудини кенгайтириш учун олиб борган ҳаракатлари бутун минтақани ўзаро урушлар майдонига айлантирган эди.

Сўнгги ўрта асрларда ҳам муҳим геостратегик ҳудуд сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган Хоразм воҳаси бу курашларда барчанинг диққат марказида бўлган. Шу жиҳатдан машҳур ҳукмдор ва саркардалар катта куч сарфлаб бу юртни забт этишга алоҳида эътибор берганлар. Жумладан, Дашти Қипчоқ уруғларини бирлаштириб, мавқеини мустаҳкамлаб бораётган Муҳаммад Шайбонийхон ҳам ўз диққатини Хоразмга қаратган эди. «Шайбонийнома» асарининг муаллифи бу юртнинг аҳамияти ва мавқеини кўрсатар экан, «Хоразм мамлакатини забт этиш юқори мартабали султонларнинг шарафли ғалабаларидан ҳисобланиб, кўпгина буюк ҳукмдорлар, соҳибқиронлар унинг ўз ҳокимияти ва бошқарувида бўлишини катта ёрдам деб билган»ликларини таъкидлаган[3]. Шу жиҳатдан, Шайбонийхон томонидан 1505 йилда Урганчнинг эгалланишини ана шундай муҳим таянчга эга бўлиш мақсадида амалга оширилган тадбир сифатида ҳам изоҳлаш мумкин[4]. «Мусаххир ал-билод»

---

[1] Али Акбар вилояти. Тарихи равобати хорижийи Ирон дар аҳди шоҳ Исмоил Сафавий... – Б.29.

[2] Низамутдинов И.Г. Очерки истории культурных связей Средней Азии и Индии (XVI – XX вв.). – Ташкент, 1981. – С.27.

[3] Камал ад-Дин Али Бинаи. Шайбани-наме ... – С.125 – 127.

[4] А.А. Семеновнинг қайд этишича, Хоразм давлати Муҳаммад Шайбонийхоннинг Хуросон ерларини эгаллашида жиддий тўсиқ ва Ҳусайн Бойқарога муҳим таянч бўлиши мумкин эдики, у ўзининг жанубга қиладиган юришининг муваффақиятини таъминлаш мақсадида ҳам Хоразмни забт этган эди. Қаранг: Семенов А.А. Шейбани-хан и завоевание им империи Тимуридов // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. – Сталинабад, 1954. Т. XII. – С.61.

асарида ҳам Муҳаммад Шайбонийхоннинг «олий ҳимматини Хоразм вилояти сари йўналтирмоқ»ни лозим топганлиги таъкидланар экан, бу ҳудуднинг аҳамияти борасида «ул вилоят ҳамиша мақсади ҳосил султонлар давлатининг пойтахти ва қудратли хоқонларнинг халифалик маркази бўлиб келган»лиги алоҳида қайд этиб ўтилган[1].

Хуросондан Хоразмга ёрдам учун ўн минг кишилик қўшинни юборган Султон Ҳусайн Бойқаро шиддат билан ҳаракатланаётган Муҳаммад Шайбонийхон қўшинларини тўхтатиб қола олмаган эди. Бу даврда Темурийлар орасида авж олган сиёсий ва сулолавий зиддиятлар кучларни бирлаштириб, душманга қарши иттифоқ бўлиб ҳаракатланишга имкон бермаган. Шу тариқа 1505 йилда Урганч шаҳрининг ўн ойлик қамалидан сўнг Хоразм Мовароуннаҳр кучлари томонидан забт этилган. Лекин, тарихдан маълумки, Муҳаммад Шайбонийхоннинг Хоразмдаги ҳукмронлиги узоққа чўзилмаган. Чунки манфаатлар тўқнашуви уни ўз ҳудудларини кенгайтиришга интилаётган Эрон шоҳи Исмоил I билан очиқ жангда (1510 йил Марв яқинида) юзма-юз бўлишга олиб келган эди.

1510 йил воқеалари тасвирланар экан, «Оламоройи Сафавий» асарида Муҳаммад Шайбонийхоннинг Эрон шоҳига юборган «ҳақоратомуз мактуби» икки ўртада жанг бошланишига туртки бўлганлиги таъкидланади. Хусусан, Шайбонийхон ўз мактубида Шоҳ Исмоилга *доруға* деб мурожаат этар экан, уни бир хизматкор ўрнида кўриб, ўзининг Маккаи мукаррама зиёратига йўл олаётганлигини хабар қилиб, шу муносабат билан «унга йўлларни ва кўприкларни таъмирлаб қўйишни буюрган»[2].

Икки ҳукмдор ўртасидаги ўзаро муносабатларни таҳлил қилган А.А. Семенов Теҳронда нашр бўлган «Торихи мунтазами Носирий» асарида акс этган Муҳаммад Шайбонийхон

[1] Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод ... – Б.51.
[2] Оламоройи Сафавий ... – Б.281.

томонидан Шоҳ Исмоил I га йўллаган «ҳақоратомуз мактуб»нинг тўла матнини келтириб ўтган[1].

Шунингдек, асарда Марв яқинидаги жанг тафсилотлари қаторида Эрон шоҳининг Урганч ҳокими деб кўрсатилган Элбарсхон билан олиб борган яширин алоқалари ҳақида маълумотлар келтирилган. Манбада хабар берилишича, Хоразм (*Ховар*) ҳокими Барс Элхон (*Элбарсхон*) Марвни қамал қилиб турган шоҳ Исмоилга элчи юбориб, уни Муҳаммад Темур бошчилигидаги иттифоқчилар гуруҳининг Шайбонийхонга ёрдамга бораётганлигидан огоҳлантирган[2].

Масалага муносабат билдирган О. Экаев кўмак етиб келгунга қадар Шоҳибекни (*Шайбонийхон)* бартараф қилишни шоҳга маслаҳат берган Элбарсхоннинг ўзи ҳам иттифоқчиликка даъват этилганлигини қайд қилади[3]. «Оламоройи Сафавий»да бу борада анча батафсил маълумот берилган бўлиб, Элбарсхоннинг шоҳга ёзган мактубида «менга Шоҳибекнинг мактуби етиб келдики, ўз қўшинимни олиб, [унинг] ўғли Муҳаммад Темурхон билан бирга Жайҳун дарёсидан ўтиб, Бухорога бориб, Убайдуллахонни олиб, у ердан Балхга ўтиб, у ердан Жонибек султонни йигирма минг отлиқ билан қўшган ҳолда Шоҳибекка кўмак учун Марвга йўл оламиз. Эй шаҳриёр-и номдор! Бизнинг етиб келгунимизга қадар Шоҳибекхонни бартараф этсангиз, яхшироқ бўларди» деб келтирилган[4].

Шу ўринда ушбу маълумотга аниқлик киритиб кетиш зарур. Чунки 1510 йилда ҳали Элбарсхон Дашти Қипчоқда бў-

---

[1] Семенов А.А. Шейбани-хан и завоевание им империи Тимуридов ... – С.73 – 74.
[2] Оламоройи Сафавий ... – Б.302 – 305.
[3] Экаев О. Туркменистан и туркмены ... – С.45.
[4] Оламоройи Сафавий ... – С.303. Ушбу маълумотни таҳлил қилишга ҳаракат қилган Я.И. Пилипчук: «Элбарсхон шоҳга йўллаган мактубида атайин вақтни чўзиш мақсадида аввал Бухорога, кейин Балхга йўл олишлигини билдирган», – деб талқин этган. Қаранг: Пилипчук Я.В. Узбекско-кызылбашские войны XVI – XVIII вв. [Uzbekian-Kizilbash wars in XVI – XVIII centuries] // Prof. Dr. Talat Tekin Hatıra Kitabı. Cilt 2. – Istanbul, 2017. – S.819 – 865.

либ, Хоразм тахтига ўтирмаган эди. Унинг асарда Ховар (*Хоразм*) подшоҳи деб аталиши Исмоилшоҳнинг Эронда ўзаро курашлар билан бўлиб Мовароуннаҳр ва Дашти Қипчоқдаги ҳақиқий вазият ҳақида тўла маълумотга эга эмаслиги ёки асар муаллифи томонидан йўл қўйилган англашилмовчилик билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан Элбарс султон бу вақтда бевосита Урганч ҳукмдори сифатида Хоразмнинг манфаатларини ифода эта олмас эди. Лекин унинг Эрон шоҳи билан ҳамкорлиги ҳақиқатга тўғри келади. Чунки оилавий душманлик Элбарс султон хонадонининг Муҳаммад Шайбонийхонга қарши чиқишга ундаганлиги табиий эди. Элбарс султон чингизийлар авлодидан ҳисобланган Арабшоҳ вориси Берка султоннинг ўғли бўлиб, унинг отаси бир шажарадан бўлишига қарамай, душманлик туфайли Муҳаммад Шайбонийхон томонидан ўлдирилган эди. Шу боис даштдаги ўз қароргоҳларида яшаб қолган Берка султон ўғиллари ва қариндошлари нафақат Муҳаммад Шайбонийхоннинг юришларида иштирок этишни истамаганлар, балки юзага келган қулай вазиятдан фойдаланиб уни кучли рақиб қўли ёрдамида ҳалок этишга интилганлар. Элбарс султоннинг иттифоқчиларга қўшилиб Марв томонга йўл олганлиги, бир томондан, унинг Шайбонийхонга эътироз билдириш қудратига эга эмаслиги, бошқа томондан, бу юришда Бухоро қўшини билан бирга бўлиш унинг сиёсий-иқтисодий режалари стратегияси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан Элбарс султон ва Шоҳ Исмоил I ўртасидаги ҳамкорлик, аслида, Муҳаммад Шайбонийхонга қарши хонадон вакилларининг шахсий манфаатларини ифодалар эди деб хулоса чиқариш мумкин.

Бу давр Хоразмда ташқи ҳужумларга қаршилик кўрсата оладиган куч бўлмаганлиги боис Шайбонийхоннинг ўлими билан тугаган жангдан сўнг ҳудуд Шоҳ Исмоил I қўл остига ўтган эди. Лекин тез орада босқинчиларга қарши Вазир шаҳрида

исён кўтарилган ва бу мустақилликни қўлга киритиш учун қулай вазиятни юзага келтирган. Эрон шоҳининг шиа мазҳабини мустаҳкамлаш йўлидаги сиёсати Вазир аҳлини босқинчиларга қарши курашда «жиҳод» байроғи остида бирлашишига ёрдам берган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, аксарият адабиётларда Ўрта Осиё хонликларининг Эрон билан алоқаларига диний душманлик, яъни шиа-сунний зиддияти жиддий таъсир кўрсатганлиги таъкидланади. Ҳақиқатан ҳам, ислом динининг шиа мазҳабига эътиқод этувчи Сафавийлар билан сунний мазҳабидаги Бухоро ва Хива хонлари ўзаро урушларда халқни *жиҳод*, яъни дин йўлидаги муқаддас урушга даъват этиб, унинг мафкуравий таъсиридан устомонлик билан фойдаланганлари манбаларда кўп келтирилган. Лекин XVI – XVIII асрлардаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш орқали хулоса қилиш мумкинки, диний қарама-қаршилик, аслида, икки ҳудуд ўртасидаги чегарадош ерлар, хусусан, Хуросон учун олиб борилган сиёсий рақобат билан, XIX асрда эса ҳукмрон доираларнинг иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ бўлган.

Шу жиҳатдан Эронни марказлашган давлатга айлантиришда Шоҳ Исмоил I исломнинг шиа мазҳабидан давлат мафкураси сифатида фойдаланган бўлса, Хоразм халқини бирлаштириб, озодлик учун курашга даъват этишда суннийлик мазҳаби катта рол ўйнаган.

Шу тариқа Эрон қўшинлари мамлакатдан қувиб чиқарилгач, 1511/1512 йилда Арабшоҳийлар ҳукмронлиги остидаги Хива хонлиги ташкил топган. Унинг пайдо бўлишида Дашти Қипчоқдан Хоразмга кириб келган кўчманчи ўзбек уруғларининг вакиллари фаол иштирок этган. Узоқ йиллар давомида тарихшуносликда шаклланган фикрга кўра, Дашти Қипчоқдан Хоразмга кириб келган Арабшоҳийлар сулоласи вакиллари Элбарс ва Билбарс (Бийбарс) султонларнинг Хива

хонлигига асос солганликлари таъкидланади[1]. Аксарият адабиётларда бу жараёнга қисқагина тўхталиб ўтилган бўлиб, воқеаларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган маҳаллий аҳолининг ўрни эътибордан четда қолиб келди. Мустақиллик йилларида юзага келган Ўзбекистон давлатчилиги тарихига янгича ёндашув туфайли бу масалага ҳам диққат қаратила бошланди. 1993, 2012, 2013 йилларда нашр этилган фундаментал ишларда[2] «Шажарайи турк», «Фирдавс ул-иқбол» сингари маҳаллий манбалардаги маълумотлар асосида хонликнинг ташкил топишида маҳаллий кучларнинг роли, уларнинг ташаббуси кўрсатиб берила бошланганини эътироф этиб ўтиш лозим.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, мазкур тарихий жараёнларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи маҳаллий амалдорлар бошчилигидаги ўтроқ аҳоли бўлган. Жумладан, «Шажарайи турк»да келтирилишича, 1510 йилда Хоразм ерларини қўлга киритган Эрон Сафавийларидан озод қилиш ва мустақил давлат тузиш учун бошланган ҳаракатнинг асосий ташаббускори Вазир шаҳрининг қозиси «Умар отлиқ ақлли ва олим қори киши» бўлган. Абулғозихоннинг маълумот беришича, Умар қозининг даъвати билан шиа мазҳабининг тарғиботчиси бўлмиш Шоҳ Исмоилга қарши ҳаракат бошланган. Бу ҳаракатда ўз ўрнига эга бўлган яна бир шахс Боқирғондаги машҳур хонадон вакили Саййид ота наслидан Саййид Ҳисомиддин қаттол бўлиб, унинг тавсиясига кўра Элбарс билан иниси Билбарс Дашти Қипчоқдан Хоразмга таклиф этилган[3]. Хусусан, «Шажарайи турк»да маълумот берилишича, Элбарс султонни хонликка тавсия қилган хожа

[1] Бартольд В.В. Хорезм ... – С.549; Ўша муаллиф. Узбекские ханства ... – С.268.
[2] История Узбекистана ... Т. III. – С.250 – 251; История Узбекистана (2012) ... – С.260 – 261; Хорезм в истории государственности Узбекистана ... – С.150 – 151.
[3] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.121.

бир неча йилда бир марта «ўзбек ичига (*Дашти Қипчоққа)* бориб, халқнинг ниёзини олиб қайтар», шу боис Элбарсхоннинг аслини яхши билар эди.

Манбада баён қилинган воқеалардан кўриш мумкинки, Вазир аҳолиси шаҳардаги *қизилбош*[1] қўшинини бартараф этгандан сўнггина шаҳар ташқарисида кутиб турган Элбарс султонни таклиф этишган ва «улуғ тўй қилиб ... [уни] хон кўтаришган» эди[2].

Хива хонлиги ака-ука Элбарс ва Билбарс томонидан ташкил этилганлигини қайд қилган М. Абусеитова ҳам улар маҳаллий сўфий шайхларининг таклифига кўра кўчманчи ўзбекларнинг кичик бир гуруҳи билан Хоразмга кириб келганлигини таъкидлайди[3].

Элбарсхон (1511 – 1516) вақт ўтиши билан Дашти Қипчоқда қолган қариндошларини Хоразмга таклиф этиш учун бекларга маслаҳат солганлиги унинг кейинги жараёнларда ҳам маҳаллий амалдорлар билан келишган ҳолда иш тутганлигини кўрсатади. «Шажарайи турк»да қайд этилишича, «бир кун Элбарсхон бекларин чақириб айтибдур: бир оз эл бирлан мунда келдук. Элимизнинг кўпи қариндошларимиз қатида қолди. Эмди сизларга ўхшаса (*маъқул келса)*, қариндошларимизни чақирсак деймиз» деб маслаҳат солган[4].

Келтирилган маълумотлардан англашиладики, Хоразмдаги Эрон қўшинларига қарши жанг қилиб, уларни аввал Вазир, сўнг Урганч ва бошқа шаҳарлардан чиқиб кетишини таъминлашда, бу билан мустақил давлат тузиш учун керакли

---

[1] Келиб чиқиши Жанубий Озарбайжондаги Ардабил вилоятидан бўлган туркий тилли кўчманчи қизилбошлар қабиласи Эрон Сафавийларининг бош таянчи ҳисобланган. Шу боис Эрон давлати тарихда кейинги даврда ҳам Қизилбошлар давлати, эронликлар эса умумий ном билан қизилбошлар деб аталган. Бу ном шиа мазҳабидаги 12 имом шарафига саллада 12 қатор қизил чизиқ қолдириш билан боғлиқ эди. Қаранг: Петрушевский П.П. Очерки по истории феодальных отношений ... – С.68.
[2] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.121.
[3] История Казахстана и Центральной Азии ... – С.288.
[4] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.123.

шароитни яратишда маҳаллий аҳоли ва уларнинг бошлиқлари алоҳида рол ўйнаган. Арабшоҳийлар сулоласи вакили Элбарсхоннинг Хоразм тахтига таклиф этилишини эса ҳокимиятнинг легитимлигини (*қонунийлигини*) таъминлашдаги муҳим сиёсий тадбир эди деб изоҳлаш мумкин. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, мўғуллар истилоси давридан буён амал қилиб келаётган қоидага кўра, аксарият Марказий Осиё давлатларида бўлгани сингари, Хива хонлигида ҳам давлатнинг олий ҳукмдори асосан чингизийлар авлодига мансуб хонлар сулоласидан бўлиши муҳим эди. Шу жиҳатдан Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон ерларини ҳарбий йўл билан қўлга киритган Муҳаммад Шайбонийхондан фарқли ўлароқ, Дашти Қипчоқдаги кўчманчи ўзбек уруғларининг 1511 йилда Хоразмга кириб келишини истилочилик ҳаракати эмас, балки маҳаллий амалдорлар ва аҳолининг розилиги билан уюштирилган ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида талқин қилиш мумкин.

Шу ўринда кўрсатиб ўтиш жоизки, Мовароуннаҳр, жумладан, Бухородагидан фарқли ўлароқ, Арабшоҳийларнинг Хоразмга кириб келиши қурол кучи билан эмас, маҳаллий элита ташаббуси билан амалга оширилганлиги тўғрисидаги фикр У. Абдурасулов томонидан ҳам илгари сурилган. Унинг қайд этишича, «маҳаллий элитанинг қўллаб-қувватлаши, аниқроғи, ташаббуси билан Хоразмда ҳокимият тепасига келган янги сулола вакиллари жанубда Сафавийлар ва шарқда Бухоро Шайбонийларининг истилочилик ҳаракатига қарши қўйилган муқобил куч эди»[1].

Шу билан бирга, масаланинг моҳиятини фақатгина ташқи омиллар билан боғлаш кифоя эмас. Хусусан, Арабшоҳийлар сулоласи вакилларининг Хоразм тахтига таклиф этилиши, аввало, мамлакат аҳолиси, айниқса, юқори табақа вакиллари

[1] Хорезм в Истории государственности Узбекистана ... – С.150.

орасида ҳукмдор ҳокимиятини мустаҳкамлаш, унинг қонунийлиги ва давомийлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлганлигини кўрсатиб ўтиш зарур.

«Шажарайи турк»да қайд этилишича, Вазир акобирлари дастлаб Саййид Ҳисомиддин қаттолга бориб, «сизни подшоҳ қилали, тақи қизилбошни қилали» деб мурожаат этишган. Масалани кенгроқ мушоҳада қилган Саййид Ҳисомиддин қаттол бу таклифни рад этган. Ҳокимиятнинг легитимлиги унинг давомийлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгалигини яхши тушунган бу зот «менинг подшоҳлигимни халқ букун қабул қилсалар ҳам, сўнг қойил қолмаслар (*кейинчалик тан олмаслар*)... мен бир асл яхши подшоҳ топиб берайин» деган фикр билан Элбарс султонни хон қилиш таклифини ўртага қўйган эди[1]. Шу тариқа Хива хонлигининг ташкил топишидек муҳим жараёнда Хоразм ва Дашти Қипчоқдаги юқори табақа вакилларининг ўзаро ҳамкорлигини кўриш мумкин.

Элбарсхон даврида мамлакатни бирлаштириш ва ҳудудларни Хуросоннинг шимолий чегаралари ҳисобига кенгайтириш учун ҳаракат олиб борилган. Хусусан, хонлик ҳудуди ғарбда Каспий денгизи, шимолда Орол денгизи, жанубда Атрок дарёси ва Сарахс атрофларигача бўлган ерларни ўз ичига олган эди. Шу жиҳатдан Хуросоннинг чегарадош ҳудудлари масаласида Хива хонлиги билан Эрон давлати манфаатлари тўқнаш келган эди.

Шоҳ Исмоил I вафотидан кейин (1524) Эронда юзага келган сиёсий вазият, маҳаллий ҳокимларнинг бошбошдоқликлари ҳамда чегара ҳудудларга тез-тез уюштириб туриладиган ўзаро ҳужумлар унинг вориси бўлмиш Таҳмосиб I (1524 – 1576) нинг ҳокимиятини кучсизлантириб қўйган эди. Бу даврда, бир томондан, Бухоро, иккинчи томондан, Хоразм навкарларининг қилган ҳужумлари Эрон шоҳини қийин аҳволга солиб

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.121.

қўйганлигини кўришимиз мумкин: «бири қайтса, бири борур эрди. Хўжанд (*Қучанд*) бирлан Исфаройин ва Нисойдин орада қўниб боратурғон ер бўлур эрди. Ул иккисининг ҳокимлари экин эка ва мол сақлай билмас эрди. Қиш ва ёз қўрғоннинг ичинда қабалиб ўлтурар эрди. Бул сабабдин шоҳ Таҳмосиб бисёр танг бўлди» деб маълумот берилади «Шажарайи турк»-да[1]. Шоҳ Таҳмосибнинг ўзбек хонликлари билан муносабатларини тадқиқ этган М. Диксон «Шажарайи турк»даги маълумотлардан келиб чиқиб Бўчғахон даврида «Хоразм ёдгорийлари» ва «Мовароуннаҳр абулхайрийлари» ўртасида иттифоқ (антанта) вужудга келган деб хулоса қилади[2]. Зеро, олим Бухоро хони Убайдуллахон (1533 – 1539) Хуросонга бир қанча юришлар қилиб, бир нечта шаҳарларини босиб олган бўлса, хоразмлик ўзбеклар буни такрорлаб, Хуросоннинг абулхайрийлар томонидан эгалланмай қолган ҳудудларига тинимсиз ҳужумлар уюштирганлигини қайд этади. «Шажарайи турк»даги «қолган ҳудудларни» деган жумлага асосланган М. Диксон икки сулола вакиллари ўзаро келишган ҳолда ҳаракат қилган деган фикрни билдиради[3].

Хоразм манбалари бу даврда Хоразм ва Бухоро ўртасидаги иттифоқчилик ҳаракатлари ҳақида маълумот бермайди. М. Диксоннинг таъкидлашича, ўзбек сулолалари ўртасидаги яна бир иттифоқчилик «Тарихи элчийи Низомшоҳ» асарида ҳам кўрсатиб ўтилган. Асарда қайд этилишича, Хуросонга қилинган 1526 – 1527 йиллардаги иккинчи юриш чоғида Убайдуллахон Машҳаддан Астрободга қараб ҳаракатланар экан, Хоразм ҳудуди, шу жумладан, Атрок дарёси бўйидаги туркман қабилалари ерлари орқали ўтиб келган[4].

---

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.128.

[2] Бу ўринда Хива ва Бухоро хонлари муаллиф томонидан Арабшоҳийлар сулоласининг асосчиси Ёдгорхон ва Муҳаммад Шайбонийхоннинг бобоси Абулхайрхон исмлари билан келтирилган.

[3] Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks ... – P. (app.) XVI.

[4] Ўша жойда. – P. (app.) VII.

М. Диксон бир қатор форс манбаларига таянган ҳолда 1533 – 1536 йилларда Бухоро қўшинларининг Хуросонга уюштирган охирги бешинчи юриши чоғида хоразмликларнинг фаол ёрдами тўғрисидаги маълумотни келтиради[1]. Лекин 1536 йилдаги юриш икки ўзбек сулоласининг муваффақиятсизлиги билан якунланган эди. М. Диксон таъбири билан айтганда, Шоҳ Таҳмосиб I бу ерда ўзининг қўллаган «дипломатик манёври» орқали ўзбекларнинг ички иттифоқига рахна солиб, унинг ўрнига Хуросонда янги сиёсий бирлашмани, яъни «Убайдуллахон бошчилигидаги абулхайрийларга қарши қаратилган Қизилбош – Хоразм иттифоқи»ни юзага келтирган эди[2]. Олим таъкидлаганидек, Убайдуллахоннинг Хуросонга сўнгги юриши чоғида Хоразм султонларидан Динмуҳаммаднинг Эрон саройига ташрифи ҳамда Нисо ва Обивард вилоятларини унга топшириш орқали ўзаро иттифоқнинг вужудга келиши Шоҳ Таҳмосиб I нинг энг кўзга кўринган дипломатик ютуғи бўлиб, бу Хуросондаги кучлар нисбатида жиддий ўзгаришлар ясаган ва қизилбошларнинг Хуросон учун бўлган сўнгги жангларидаги ғалабасини янада мустаҳкамлаган эди[3].

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Шоҳ Таҳмосиб I нинг дипломатик муваффақияти бевосита Хива хонлигидаги ички жараёнлар билан ҳам боғлиқ эди. Зеро, Элбарсхон вафотидан сўнг хонлик тахтида тез-тез ҳукмдорлар алмашиниб туриши авж олган. Бу ҳолат бевосита Хоразмга Дашти Қипчоқдан келиб жойлашган сулола вакилларининг дашт анъаналарига асосланган давлат бошқаруви, яъни мамлакатни майда улусларга бўлиб бошқариш тизими билан ҳам боғлиқ эди[4].

Воқеалар тафсилоти шуни кўрсатадики, XVI асрнинг иккинчи чорагида ҳам мамлакатда сиёсий вазият беқарор бў-

---

[1] Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks ... – P. (app.) VII.
[2] Ўша жойда. – P. (app.) XXI – XXII.
[3] Ўша жойда.
[4] Бу масала монографиянинг II бобида алоҳида кўриб чиқилган.

либ қолаётган эди. Айниқса, Элбарсхоннинг амакиваччаси Дурун, Нисо, Обивардда ҳукмронлик қилиб турган Динмуҳаммад султон нафақат Хоразм, балки Хуросондаги жараёнларда ҳам фаол иштирок этиб, ўша давр сиёсий воқеаларига катта таъсир кўрсатган. Шижоатли, шуҳратпараст, шу билан бирга, ўзбилармон ва беқарор Динмуҳаммад султон ўзаро сулолавий курашларнинг бошида турган. У ҳокимият учун кураш йўлида Элбарсхоннинг ўғли – Нисо, Обивард ва Дурун ҳокими Муҳаммад Ғози султонни ҳийла ишлатиб Урганчга чақиртириб олиб қатл қилган[1]. Бу эса бир-бирига қариндош бўлган хонадон вакиллари ўртасида шафқатсиз курашларни келтириб чиқарган. Бундай ҳолат Хоразм султонларини ўзаро урушларда кўпинча Бухоро Шайбонийлари ёки Эрон шоҳлари ёрдамига таянишга мажбур қилган. Айниқса, амакиваччалари билан бўлган ўзаро курашларда енгилгач Хоразмдан бутунлай чиқиб кетиб, Бухоро хонлари ҳузуридан жой топган Элбарс ва Билбарсхоннинг фарзандлари Хива хонлиги тахтида мустаҳкамланиб олган Амнакхон ва унинг ўғли Аванешхон хонадонига мухолиф бўлиб қолган эди. Хусусан, Элбарсхоннинг тўнғич ўғли Султон Ғози ўзининг амакиваччаси Динмуҳаммад султон бошчилигидаги Амнакхон хонадонига қарши курашда тоғаси Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмадхондан[2] ва Бухоро хони Убайдуллахон Шайбонийдан мадад сўраган. Султон Ғозининг ўғли Умарғози султон эса Убайдуллахоннинг хизматига кириб, ҳамиша уни Хоразм юришига даъват этар эди. Бу эса, албатта, ўз манфаатлари ва мақсадлари йўлида вазиятдан фойдаланиб қолишни кўзлаган Бухоро ҳукмдорига Хива хонлиги ички ишларига аралашиш имконини яратган. Убайдуллахон 1537 йилда Хоразмга юриш уюштириб, [Кўҳна] Урганчни эгаллаган, оқибатда Аванешхон бошчилигидаги хонадоннинг

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.131 – 132.

[2] Бароқхон номи билан ҳам машҳур бўлиб, Бухоро тахтида 1540 – 1552 йиллар ҳукмронлик қилган.

кўпгина вакиллари қатл қилинган. Убайдуллахон Хоразм бошқарувини ўғли Абдулазизга топшириб, аҳоли зиммасига оғир солиқ солган. Айниқса, унинг ўзбек уруғларини тўрт гуруҳга бўлиб, турли вилоятларга, хусусан, Бухоро, Самарқанд, Ҳисор ва бошқа ҳудудларга жойлаштирганлиги Хива хонлиги учун катта зарар эди[1].

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Эронда ҳали марказий ҳокимиятнинг заифлиги ҳам Мовароуннаҳрда мустаҳкамланиб бораётган шайбоний ҳукмдорларнинг кенг кўламда юришлар олиб бориши учун қулай шароит туғдирган эди. Уларнинг Хоразм ва Хуросонни ўз тасарруфига киритиш учун олиб борган ҳаракатлари мустақиллигини мустаҳкамлашга интилаётган Хива хонлиги ва ҳеч қачон Хуросон масаласига бефарқ бўлмаган Эрон давлати манфаатларига зид келар эди. Шунинг учун иккала давлат Шайбонийларнинг заифлашувидан манфаатдор эди. Манфаатлардаги муштараклик эса бир-бири билан ҳар доим ҳам дўстона муносабатда бўлмаган бу давлатларни яқинлаштирган.

Искандарбек мунший шоҳ саройига ташриф буюрган биринчи Хоразм султонлари ҳақида маълумот бериб, «Чингиз авлодидан бўлган машҳур султонлардан Аванеш ўғли Динмуҳаммад ва биродари Али Султонлар»нинг Бухоро хони Убайдуллахон Шайбонийга қарши курашда ёрдам сўраб келганликларини қайд этган[2]. Фазли Исфаҳонийнинг «Афзал ал-таворих» асарида Динмуҳаммад султоннинг Шоҳ Таҳмосиб I саройига ташрифи ҳақида нодир маълумотлар берилганлигини алоҳида таъкидлаган М. Диксон бу воқеа бошқа бирор манбада келтирилмаганлигини маълум қилади[3]. Хусусан, Урганч ва Вазир шаҳарлари Убайдуллахон бошчилигидаги Бухоро қўшинлари томонидан қамал қилингандан сўнг Динму-

---

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.134.
[2] Искандарбек мунший. Тарихи оламоройи Аббосий. ... 1-жилд. – Б.104 – 105.
[3] Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks ... – P. (app.) XIX – XX.

ҳаммад султон Хивадан туриб Хуросонга, яъни Ҳирот ҳокими Муҳаммадхонга ёрдам сўраб одам юборган. М. Диксоннинг кўрсатишича, Хоразм манбаларида бевосита бу ҳақда ҳеч қандай маълумот учрамаса-да, «Афзал ат-таворих»да кўмак учун юборилган «табақейи қизилбош» катта жангда хоразмликлар томонида туриб жанг қилганлиги қайд этилган[1].

Убайдуллахон ва унинг Хива ҳукмдори бўлиб олган ўғли Абдулазизга қарши курашнинг Хоразм султонлари ғалабаси билан якунланганлиги Эрон шоҳи ва Хива ҳукмдорлари ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаган эди дейиш мумкин. Чунки Бухоро Шайбонийларининг мағлубиятидан манфаатдор бўлган Таҳмосиб I кўрсатилган ҳамкорлик учун Динмуҳаммад султонга миннатдорчилигини билдириб, ўз ҳадяларини юборган. Ўз навбатида, Динмуҳаммад султон ҳам Эрон шоҳини унинг Бухоро Шайбонийларига қарши олиб борган курашларида қўллаб-қувватлаган.

«Тарихи оламоройи Аббосий» асарида қайд этилишича, Хоразм султони Динмуҳаммад Бухоро Шайбонийларига қарши курашда иттифоқчилик қилганлиги учун миннатдорчилик тариқасида Эрон шоҳи томонидан фахрий тўн ва йилига 300 туман миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланган, яъни шоҳ унга ҳар йили Сабзавор вилоятидан 300 табриз туманини йиғиб олиш ҳуқуқини берган[2]. «Афзал ат-таворих»да ҳам Хоразмнинг Бухоро қўшинларидан озод бўлганлиги тўғрисидаги хабарни Эрон саройига маълум қилиб одам жўнатган Динмуҳаммад султон Эрон шоҳи томонидан махсус мукофотга сазовор бўлганлиги қайд этилган[3].

Эрон шоҳи билан яқинлашиб олган Динмуҳаммад султон эса шоҳнинг хайрихоҳлигидан фойдаланиб Нисо, Обивард, Дурун ҳокимлигини эгаллаган. Искандарбек мунший Хоразм султонларининг «шоҳ марҳамати билан Нисо, Обивард ва

[1] Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks ... – P. (app.) XXXVIII – XXXIX.
[2] Искандарбек мунший. Тарихи Оламоройи Аббосий ... 1-жилд. – Б.66.
[3] Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks ... – P. (app.) XXXXX.

уларга туташ ҳудудларни тўла бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган»лиги ва улар билан Эрон саройи ўртасида яқин алоқаларнинг йўлга қўйилганлигини таъкидлайди. Сарой тарихчиси «шу тариқа Хоразм султонлари шоҳ билан дўстона алоқа ўрнатиб, доимо саройга элчиларини юбориб турганлар» деб маълумот беради[1].

Албатта, ўзаро муносабатлардаги «доимо» сўзининг нисбийлигини унутмаслик керакки, ўрта асрларда тез-тез ўзгариб турган сиёсий вазият Хива – Эрон алоқаларининг мунтазам, бир текис олиб борилишига йўл қўймас эди. Хусусан, Искандарбек муншийнинг ўзи «шоҳ марҳамати билан» маълум бир ҳудудни бошқариш ҳуқуқини олган Хива хонадони вакилларининг ҳар доим ҳам дўстона алоқаларга риоя қилмай «кибр ва қайсарлик иллатига бўйсуниб, исён йўлига кирган»ликларини таъкидлайди. Жумладан, «Динмуҳаммад ва Али султонларга келсак, улар охир-оқибат кўрнамаклик қилиб, қулай фурсат туғилганда Хуросон ва Астрободнинг чегара ҳудудларига ҳужумлар уюштирар эди» деб келтиради муаррих[2].

«Шажарайи турк» асарида ҳам Динмуҳаммад султоннинг «бир ерда фароғат турғудек киши бўлмай ҳамиша қизилбошга ҳужум уюштирган»лиги маълум қилинган. Бу ҳужумлар туфайли Динмуҳаммад султон билан муносабатлари бузилган Шоҳ Таҳмосиб I Обивардга лашкар юбориб, у ерга ўз ҳокимини қўйиб қайтган[3]. Нисо шаҳрида турган Динмуҳаммад султон эса Қазвин шаҳрига бориб, Эрон шоҳининг хайрихоҳлигига эришиш ва яна Обивардни қайтариб олишга умид қилган. Лекин Қазвинда бир ой туриб, мақсадига эриша олмагач ҳийла йўли билан Обивардни қўлга киритишга қарор қилган. Хусусан, у бир муҳркан ёрдамида Шоҳ Таҳмосибнинг номига муҳр ясатиб, «Обивардни Динмуҳаммад султонға суюрғал қилдуқ.

---
[1] Искандарбек мунший. Тарихи оламоройи Аббосий ... 1-жилд. – Б.67 – 68.
[2] Ўша жойда. – Б.105.
[3] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.140 – 141.

Ёрлиқ кўргач [қалъани] топширсун» мазмунидаги сохта ҳужжат билан келиб, қалъани олган эди[1].

Динмуҳаммад султон томонидан қалъадаги қизилбошларнинг қириб ташланиши, ўз навбатида, шоҳнинг бу ерга юриш қилишига сабаб бўлган эди. Ўзини қутқариб қолишни ўйлаган тадбиркор султон тўғридан-тўғри шоҳ ҳузурига бориб, омонлик тилаган. Эрон шоҳи билан муносабатларини мўътадиллаштиришга уринган Динмуҳаммад султоннинг ҳаракатлари самарасиз кетмаган. «Шажарайи турк»да Шоҳ Таҳмосибнинг катта тўй қилиб, «сабоҳий инъомлар» бериб, Обивардни Динмуҳаммад султонга топширганлиги, ундан сўнг ўғли Абул Муҳаммадхон отасига берилган ҳудудни бошқариш ҳуқуқига сазовор бўлганлиги ҳақида маълумот келтирилган[2].

Бу воқеаларнинг «Афзал ат-таворих» асарида ҳам атрофлича баён қилинганлигини таъкидлаган М. Диксон Нисо ва Обивард ҳудудларининг ворислари Динмуҳаммадхон ва унинг акаси Алибекнинг шоҳ саройига «итоат ва ихлос изҳор қилиб келганликлари»ни қайд этади. Олимнинг маълум қилишича, асарда «ғозийлар қиличи» ёрдамида забт этилган бу ҳудудларнинг уларда қолдирилишига умид қилиб келган ака-укалар «тақсирлари», яъни гуноҳларидан ўтишни сўраб шоҳга мурожаат этишган[3]. М. Диксон «тақсирлари» деганда уларнинг Хуросонга (аниқроғи, Нисо ва Обивардга) қилган юришлари ҳамда Убайдуллахон билан иттифоқчилик қилганлиги назарда тутилган бўлиши керак деган фикрни билдиради. Шоҳ Хоразм султонларининг узрини қабул қилиб, Нисо ва Обивардни уларга «Фармони доройи мамолики мазкура» (Мазкур мамлакатга эгалик қилиш фармони) орқали муҳрлаб топширган эди[4].

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.141.
[2] Ўша жойда.
[3] Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks ... – P. (app.) XIX.
[4] Ўша жойда.

Шу ўринда Хоразм султонларининг олиб борган икки ёқлама ҳаракатларига ўша давр нуқтаи назаридан баҳо берилса, бу ҳолат ўрта асрларга хос бўлган умумий сиёсат, яъни ҳукмдорларнинг ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат ҳудудларини кенгайтириш ҳамда шу мақсад йўлида вужудга келган қулай вазиятдан фойдаланиб қолишга интилиш билан боғлиқ эди. Чунки, ўз навбатида, Эрон шоҳларининг «юксак эҳтиром ва марҳаматлари» ҳам бекорга бўлмасдан, бунинг замирида Мовароуннаҳрда тобора кучайиб бораётган Бухоро хонлигига қарши курашда Хива хонлигини ўз иттифоқчисига айлантириш мақсади ётганлигини пайқаш қийин эмас. Шунинг учун ҳам «хиёнат йўлига кирган» Хоразм султонлари шоҳ томонидан афв қилиниб, орада яна «ота-болалик» муносабатлари, дўстона алоқалар тикланган. Зеро, минтақада вужудга келган сиёсий вазият кейинги даврда ҳам Эрон ва Хива хонлиги ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишини тақозо қилар эди.

Хоразм ва Эронда марказий ҳокимиятга қарши чиққан маҳаллий кучлар ўртасидаги иттифоқчилик ҳаракатларига доир маълумотлар ҳам мавжуд. Хусусан, Элбарсхоннинг набираси Умарғози султон Хива хонлиги тахтида ўтирган қариндошларига рақиб сифатида ҳаракат олиб борар экан, Эрондаги исёнкор кучлар билан ҳам иттифоқчилик қилган эди. М. Диксоннинг қайд этишича, Журжон-Мозондарон ҳудудларини қўлга олиб, ўзининг мустақил ҳукмронлигини ўрнатишга интилган Эрон давлатининг исёнкор амирларидан бири Муҳаммад Солиҳ айнан Умарғози султондан мадад сўраган. Иттифоқчилар қўшини Астрободга юриш қилиб, уни қўлга киритишган. Умарғози султон бу ерда вазият барқарорлашганига ишонч ҳосил қилгач Муҳаммад Солиҳни ҳоким сифатида тан олган ҳолда унга бир оз лашкар бериб, Хоразмга қайтган[1].

---

[1] Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks ... – P.382.

Эрон шоҳи билан дўстона алоқаларни ўрнатган Динмуҳаммад султон эса 1543 – 1544 йилларда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиб, Астрободга юриш қилган. Бу эса амалда Эрон – Хоразм иттифоқининг бузилишини англатар эди[1].

Кўриниб турибдики, Эрон ва Хива хонлиги ўртасидаги чегарадош бўлган Шимолий Хуросон ерлари кўп ҳолларда икки давлат ўртасида баҳсли масала бўлиб келган.

Бундай вазият, ўз навбатида, Шоҳ Таҳмосиб I нинг марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва ўз ҳудудлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Хива хонига[2] элчи юбориб, «Мен хонға ўғул бўлайин дейтурурман. Темурбий Чингизхон авлодина куёв бўлди эрса, ҳанузгача ани Темур кўрагон дейтурурлар. Мен ҳам Чингизхон авлодина кўрагон бўлмоқни кўнглим излай турур, то Хункордек[3] улуғ душманим айтгайким, шоҳ Таҳмосиб ўзбек подшоҳининг қизин олди, яхши ярашди деб», – мурожаат қилишига сабаб бўлган[4].

Эрон шоҳининг таклифини қабул қилган Хива хони ўзининг қизи бўлмаганлиги туфайли акаси Суфиёнхоннинг «бўй етган Ойшабеги отлиқ қизини» узатишга рози бўлган[5].

Ушбу маълумот бошқа манбаларда учрамаслиги билан қимматли, Ю. Брегель ҳам унинг Сафавийлар тарихига доир ҳеч бир манбада келтирилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Олим қайд этганидек, эътиборга лойиқ ягона истисно

---

[1] М. Диксон марказлашган давлатнинг бош ёки катта хони Хожимхоннинг ҳокимиятга келишига қадар бундай юришлар давом этган деб кўрсатади. Қаранг: Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks ... – P.383.

[2] Абулғозихонда Хива хони Бўчғахон (1522 – 1526)га деб кўрсатилган. Ушбу воқеанинг санасига аниқлик киритар экан Ю. Брегель унинг, «Шажарайи турк»да кўрсатилганидек, Бўчғахон даврига тўғри келмаслиги ва ундан анча кейин содир бўлганлигини таъкидлайди. Қаранг: Firdaws al-iqbal: History of Khwarazm ... – P.553. (Note. 161). Хива хонлари шажарасига таянган ҳолда ушбу воқеа Қолхон (1538 – 1546) даврига тўғри келади деб қайд этиш мумкин.

[3] Усмонийлар султони Сулаймоннинг унвони. Қаранг: Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб (дўстлар ёдномаси) / Форс тилидан И. Бекжонов таржимаси. – Тошкент: Мерос, 1993. – Б.274.

[4] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.128.

[5] Ўша жойда.

Хуршоҳ ибн Қубод ал-Ҳусайнийнинг «Тарихи элчийи Низомшоҳ» асари ҳисобланади[1]. Асар муаллифи Аҳмаднагар (Ҳиндистон) ҳукмдори Низомшоҳнинг элчиси сифатида 1546 йили Эронда Шоҳ Таҳмосиб I ҳузурида бу маълумотни шахсан ўзи гувоҳ бўлган воқеа сифатида хабар қилган. Хусусан, «Мароға мавзесида Хоразм подшоҳзодалари ҳазрат шоҳ олампаноҳга назр қилинган синглиси билан зафарасар лашкарга келиб қўшилдилар ва қўл ўпиш шарафига муяссар бўлдилар. Уларга шоҳона марҳамат кўрсатилиб, ҳар бири учун салтанат асбобларидан муҳайё қилинди ва улуғ амирлар қаторидан жой берилди. Ва сингилларини ҳазрат шоҳ оламиён ояти карима[2] ҳукмига кўра ўз никоҳига олди. Сўнг Мароғадан кўчиб, Табризга йўл олдилар», – деб маълумот беради элчи[3].

Шу ўринда Эрон шоҳининг Хива хони жиянига уйланиб, ўртадаги алоқаларни никоҳ муносабатлари билан мустаҳкамлашга интилиши асосан сиёсий мақсадларни кўзлаб амалга оширилган тадбир эканлигини қайд этиш лозим. Эрон шоҳининг «Амир Темур чингизийларга кўрагон бўлгани сингари, Хоразм ҳукмдорига куёв бўлмоқчи» эканлиги ҳокимият легитимлиги ва ҳукмдор мавқеининг мустаҳкамлигини таъминлашда «чингизийлар омили» ҳали ҳам ўз таъсир кучига эгалигини кўрсатади. Қолаверса, Эрон ҳукмдорининг мурожаати, жумладан, унинг Хоразмдаги хингизийлар хонадони билан алоқаси «Хункордек душмани»га таъсир қилишини ҳам ҳисобга олганлиги бу даврга келиб шоҳ ҳукуматининг заифлашиб қолганлигидан, шунингдек, Эроннинг Усмонийлар давлати билан зиддиятли муносабатларидан далолат беради. Эрон тарихига бағишланган тадқиқотларда ҳам бу даврда Эрон давлати сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тушкунликни бошдан кечираётганлиги қайд этилган[4].

[1] Firdaws al-iqbal: History of Khwarazm ... – P.553. – Note. 161.
[2] Қуръони Карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Тошкент, 1992. – Б.54.
[3] Ҳуршоҳ ибн Қубод ал-Ҳусайний. Тарихи элчийи Низомшоҳ ... – Б.157.
[4] Петрушевский И.П. Упадок феодального общества в Иране в XVIII в. // История Ирана с древнейших времен ... – С.261.

Ақатойхон даврида (1547 – 1556) Хива хонлигида ҳам қариндошлар орасида кураш авж олиб, унинг ўзи ана шу жараёнларнинг қурбони бўлган эди. Жангда асир тушган Ақатойхоннинг ўз жияни Юнусхон (1556 – 1557) ўғли Қосим султон буйруғи билан қатл этилиши ўзаро сулолавий курашни авж олдирган. Отасининг ўлимидан хабар топган Ақатойхон фарзандлари Юнусхонга қарши кураш бошлашган. Катта қўшинга бас келишга кўзи етмаган Юнусхон ва укаси Паҳлавонқули аввал Бухорода, у ерда қола олмагач Қазвинда Шоҳ Таҳмосиб I саройида паноҳ топишган[1].

Хоразм султонларининг ўзаро урушлари авж олганда Хоразм шаҳзодалари Юнусхон ва Паҳлавонқули султонларнинг Эрон шоҳи саройидан паноҳ топганлиги Эрон манбаларида ҳам акс этган[2].

Кўриб чиқилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, XVI асрнинг биринчи ярми нафақат бир мамлакат, балки бутун минтақа ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлганлиги билан ажралиб туради. Хива хонлигининг ташкил топиши билан бошланган жараёнлар, унинг ўз йўлини топиб олиш, минтақада ўз мавқеига эга бўлиш ва уни мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган тадбирлар кўп ҳолларда ички сулолавий курашларда акс этган эди. Ҳокимият ва моддий манфаатлар йўлидаги ўзаро курашлар ҳамда сиёсий беқарорлик қўшни Бухоро хонлиги билан бўлган зиддиятлар таъсирида янада авж олган. XVI аср биринчи ярмида Хуросондаги сиёсий кучлар нисбатига баҳо берар экан, М. Диксон Хоразм ўзбеклари Хуросоннинг чегарадош ҳудудларига яқинлашиш ва стратегик аҳамиятга эга бўлган Нисо ва Обивардни қўлга киритиш орқали «Хуросон учун дуэль» жараёнида сиёсий майдонда ҳаракат олиб борган тўртинчи томонни (Бухоро, Эрон, Ҳиндистон, Хоразм) ташкил этганлигини қайд қилади. Унинг таъ-

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.83.
[2] Искандарбек мунший. Тарихи оламоройи Аббосий ... 1-жилд. – Б.105.

кидлашича, Хоразм кучлари ҳеч қачон Убайдуллахон сингари қизилбошларга жиддий хавф бўлмаган эди. Улар, Хуросонни бевосита босиб олиш, уни ўз давлати тасарруфига киритиш учун ҳаракат олиб борган Убайдуллахондан фарқли ўлароқ, чегара ҳудудлар, яъни «тоғ бўйи» ерларигача ҳужумлар уюштириш ва у ердан катта ўлжалар олиш билан чекланар эди[1].

XVI аср иккинчи ярми Хива хонлигида марказий ҳокимиятнинг нисбатан мустаҳкамланиши ва халқаро майдондаги кучлар нисбатидаги ўзгаришлар кейинги давр ташқи алоқаларини алоҳида кўриб чиқишни тақозо этади.

[1] Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks ... – P. (app.) XV.

## 1.2. ХИВА АРАБШОҲИЙЛАРИНИНГ ЭРОН САФАВИЙЛАРИ ҲАМДА БУХОРО ВА ҚОЗОҚ ХОНЛИКЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ

XVI аср ўрталарида нафақат Хива хонлигида, балки қўшни ҳудудларда ҳам ҳокимият учун рақобат қилувчи кучлар нисбатида ўзгариш юз берган эди. Бу давр минтақада марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш жараёни кетаётган бўлиб, давлатнинг бошқарув тизимини ва мамлакат ички ҳаётини барқарорлаштириш ҳамда ташқи алоқаларни йўлга қўйишга эътибор қаратилган. Натижада Хива хонлигида ўзаро сулолавий курашлар нисбатан барҳам топган. Бу ҳолат Хива хонлиги тахтида 44 йил ҳукмронлик қилган Ҳожи Муҳаммадхон даври (1558 – 1602)да ички ва ташқи сиёсатда сезиларли ютуқларга эришилиши билан боғлиқ эди. Шу билан бирга, Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаб, кенг истилочилик юришларини олиб борган Абдуллахон II (1557 – 1598)нинг ташқи сиёсати Бухоро хонлигининг Хоразм ва Эрон давлатлари билан муносабатларига жиддий таъсир кўрсатган. Унинг бу ҳаракати Хива – Эрон алоқаларини янада мустаҳкамлашга туртки бўлган.

Манбаларда олижаноб ва бағрикенг инсон сифатида улуғланган Ҳожи Муҳаммадхон (Ҳожимхон) ақлли, тажрибали, адолатпарвар ва художўй ҳукмдор бўлиб, яқинлари орасида шижоати ва шон-шуҳрати билан алоҳида ажралиб турган[1]. Шу боис Ҳожимхон хонлик тахтига муносиб кўрилган эди. У қўшни Бухоро, Россия ва Эрон давлатлари билан алоқаларини имкон даражасида мустаҳкамлашга муваффақ бўлган. Лекин бу алоқаларга айрим сиёсий воқеалар ҳамда манфаатлар

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.149 – 150.

тўқнашуви таъсирида путур етганки, бу Хива – Бухоро муносабатларида анча кескин намоён бўлган.

Шу билан бирга, Хоразм тарихий манбаларидан фарқли ўлароқ, Бухоро ва Қўқон хонликлари тарихига бағишланган асарларда Бухоро хони Абдуллахон II фаолиятининг бошларида Хоразм султонлари билан иттифоқчилик ҳаракатлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Хусусан, «Абдулланома» асарида Абдуллахон II нинг Балхдаги фитначи кучларга бош бўлиб чиққан Фақир султон ва Динмуҳаммад султонга қарши юриши ҳикоя қилинар экан, Самарқанд ва Ҳисор билан бирга Хоразмга ҳам чопар йўллаб ёрдам учун қўшин сўраганлиги қайд этилган. Асарда маълум қилинишича, 1573 йил қишида турли вилоятлардан келган кучлар қаторида Хоразм султонларидан «Хоразмга тобе бўлган ерларнинг волийси Ҳожимхоннинг ўғли Суюнч Муҳаммад (*Севинч Муҳаммад*) султон катта ўрду билан келган ... ва жамшид мартабали ҳазрат [Абдуллахон] унинг борасида [ҳам] бениҳоят иноятлар кўрсатган» эди[1].

«Мусаххир ал-билод» муаллифи ҳам «...ул ҳазрат (Абдуллахон) Балх томонга йўналиб, ... тавочиларни вилоят ён-атрофидаги ерларга ўша ерлар лашкарини чақириб келиш учун жўнатган»да Хоразм вилояти султонларидан Севинч Муҳаммад султоннинг етиб келганлигини қайд этиб ўтади[2].

«Тарихи Муқимхоний» асарида эса Эрон давлатига қарши Хива – Бухоро иттифоқчилиги тўғрисида маълумот келтирилган. Хусусан, Шоҳ Таҳмосибнинг вафотидан сўнг Бухоро қўшинлари Исфароин фатҳи учун йўлга отланганда Хоразм вилоятининг ҳокимлари ва султонлари «ҳақ йўлига кириб, бизнинг қўшинларимизга келиб қўшилди» деб қайд этилган

---

[1] Хон ёки подшоҳнинг бутун аҳли аъёни билан катта қўшин бошида ўзи шахсан келган. Қаранг: Ҳофиз Таниш ибн Мир Мухаммад Бухорий. Абдулланома ... – Б.131, 141, 298.

[2] Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод ... – Б.149.

манбада[1]. Лекин Хоразм манбалари бу даврда Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги зиддиятлар авж олганлигини кўрсатэди. Шу жиҳатдан юқоридаги маълумот мушоҳада қилиб кўрилса, Абдуллахоннинг 1575 – 1578 йилларда Хоразмга уюштирган юришида мағлуб бўлган Хива хони ўзининг зиммасига юкланган мажбурият юзасидан Эронга қарши иттифоқчилик қилган деган хулосага келиш мумкин. Зеро, Шоҳ Таҳмосиб ҳукмронлигининг охирларида, айниқса, унинг вафотидан сўнг (1576) Эронда марказий ҳокимият заифлашиб қолган эди. Ўша даврда кучли марказлашган давлатга айланиб борган Бухоро хонлигига қарши тура олмаган Хива хони унинг Эрон ҳудудларига уюштирган юришида иттифоқчилик қилишга мажбур бўлганлиги эҳтимолга яқиндир.

Тез орада ўз мавқеини мустаҳкамлаб, Мовароуннаҳрда марказлашган давлатни ташкил этган Абдуллахон II ўз ҳудудларини кенгайтириш учун Хоразм ерларини ҳам ўз тасарруффига киритиш учун жиддий ҳаракат бошлаган.

«Абдулланома» ва «Мусаххир ал-билод» асарларида Бухоро хонлигидаги ички курашлар, хусусан, Абдуллахон II га қарши чиққан исёнкор кучларнинг бошлиқлари Бобо султон ва Султон Саиднинг ҳаракатлари баён этилар экан, уларга ёрдамга келган йигирма минглик Хоразм лашкари ҳақида маълумот берилади. Хусусан, асарда «...душманларнинг қиёматасар лашкари Кармина қалъаси атрофига етгач, Хоразм султонларидан бири[2] 20 минг кишилик мавкаб (*лашкар*) билан дарёдан ўтиб, қалъа томон юрди» деб ҳикоя қилинади[3]. У ерда қайд этилишича, иттифоқчилар қўшини батамом енгилган, шу жумладан, Хоразм султони ҳам ҳалок бўлиб, кўп киши асир тушган эди.

[1] Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история ... – С.68.
[2] Асар изоҳида «Хожимхоннинг ўғли Суюнчмуҳаммад султон бўлса керак» деб кўрсатилган.
[3] Ҳофиз Таниш ибн Мир Мухаммад Бухорий. Абдулланома ... – Б.77; Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод ... – Б.281.

Кўриниб турибдики, Бухоро тарихига бағишланган асарлардаги маълумотлар Абдуллахон II нинг Хоразмга уюштирган давомли юришлари (1593, 1595, 1598) бевосита Хива хони ва султонларининг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлганлигига ишора қилади.

«Шажарайи турк»да эса Бухоро хонининг Хоразм юришига туртки бўлган учта сабаб келтириб ўтилган[1]. Унда Рум (*Туркия*) подшосидан Абдуллахон II га элчи бўлиб келган Паёлонинг йўлни қисқартириш мақсадида юртига қайтишда Хоразм орқали кетганлигидан Бухоро хонининг «ёмон оғриган»лиги ўзаро душманликнинг биринчи сабаби қилиб кўрсатилган. Хоразм шаҳзодаларидан Бобо султон томонидан ҳаж сафарига йўл олган Ҳожи Қўтас бошчилигида Бухородан катта карвон билан Хивага келган ҳожиларнинг барча моллари таланиб, Бухорога қувиб юборилиши қарама-қаршиликнинг иккинчи сабаби бўлган.

Учинчи сабаб Нурмуҳаммад султоннинг ҳаракати билан боғлиқ эди. «Шажарайи турк» асарида Хоразм султонларидан Динмуҳаммад султоннинг набираси, Марвда ҳукмронлик қилиб турган Нурмуҳаммадхон (*Нурумхон)*нинг онаси лўли аёл бўлганлиги учун «Ҳожимхоннинг инилари ва ўғлонлари ҳайф Марв бу лўлибаччага» деб кўп озор берганликлари қайд этилади[2]. Ўз қариндошларининг тазйиқига чидай олмаган Нурмуҳаммадхон Бухоро хони Абдуллахон II дан ёрдам сўраган. «Абдулланома»да келтирилган маълумотлар орқали Абдуллахон II ва Нурмуҳаммадхоннинг отаси Абул Муҳаммадхон ўртасидаги қариндошлик алоқалари ҳақида маълумотга эга бўламиз. Хусусан, 1577 йил кузида шаҳзода Абдулмўмин султоннинг хатна тўйини қилишга фармон берган Абдуллахон II «улуғ мартабали султонлар, юқори даражали амирлар ва қудратли нўёнларга хабар қилиш учун қутли мубашшир (*амал-*

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.150 – 151.
[2] Ўша жойда. – Б.151.

*дор*)лар»ни теварак-атрофга юборган. Шу жумладан, Нисо ва Обивард томон «...бахтиёр хонзоданинг тоғаси қутли ҳол, салтанат насабли, ҳашаматли замон султонларининг сулоласи Абул Муҳаммадхон ибн Динмуҳаммадхонга киши юборган»лиги қайд этилган манбада[1]. Ушбу хабар етишгач, аркони давлат уни Бухорога боришдан қайтаришга уриниб, «...бориш муносиб эмас, чунки шу кунгача бизнинг султонларимиздан итоат бошини Мовароуннаҳр хоқонлари оиласига қўймаган» деб арз қилишларига қарамасдан, у йўлга отланган. Абул Муҳаммадхоннинг ташрифидан хабар топгач Абдуллахон уни катта тантана ва эъзоз билан кутиб олишга буюрган. Улуғ амиру вазирлар томонидан қарши олинган Абул Муҳаммадхонга қимматбаҳо ҳадялар, жумладан, «афсонавий учар отни ҳам ортда қолдирадиган тўпчоқлар[2], зар тикилган гажм[3] ва зар қопланган баргуствон билан, тезюрар хачирлар, қатор туялар ва бошқа хаёлга сиққанча совғалар» тортиқ қилинган[4].

Манбада баён этилишича, Хоразм султони тўйдан кейин ҳам катта дабдабаю эҳтиром билан кузатиб қўйилган. У ерда Абул Муҳаммад султонга «жавоҳир ва лаъл шодалари, нафис қимматбаҳо тошлар, жуда кўп зарбоф либослар, кўплаб нозик нарсалар ... қимматбаҳо кийимликлар ҳамда латиф нарсалар иноят қилдилар ва ўз вилоятига қайтишга ижозат бердилар» деб баён қилинган[5].

Лекин Абдуллахон, ўртадаги ушбу қариндошлик алоқаларига қарамай, Нурмуҳаммадхонга берган ваъдасига амал қилмаган, аксинча, вазиятдан фойдаланиб Нисо, Обивард, Дурун, Марв ҳудудларини ўз қўлига олган. Алданган Нурмуҳаммадхон яна Ҳожимхонга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Ўзларининг меросий мулки деб ҳисоблашган ҳудудларни

[1] Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдулланома ... – Б.185.
[2] Тўпчоқлар – зотдор отлар.
[3] Кежим – уруш вақтида от устига ташланадиган махсус ёпинчиқ.
[4] Ҳофиз Таниш ибн Мир Мухаммад Бухорий. Абдулланома ... – Б.185 – 186.
[5] Ўша жойда. – Б.192.

қайтариб олиш мақсадида Хива хонлигининг Бухорога уруш бошлаши, юқорида қайд этилганидек, улар ўртасидаги душманликнинг учинчи сабаби бўлган[1]. Бухоро қўшинларининг Хоразмга иккинчи бор юришида (1595) шахсан Абдуллахоннинг йўл олганлигини эшитган Ҳожимхон юртнинг улуғларини йиғиб душманга қарши курашга даъват этган. Лекин хоразмликларнинг Абдуллахондан қўрқиб таслим бўлиши чорасиз қолган Ҳожимхонни ўғли Араб Муҳаммад ва бошқа яқинлари билан бирга Хоразмдан чиқиб кетишга мажбур қилган. Шу тариқа Хива хонлиги Абдуллахон II қўлига ўтган эди.

«Мусаххир ал-билод» асарида қайд этилишича, шундан сўнг Хоразмнинг барча шаҳарларида Абдуллахоннинг номига хутба ўқилиб, тангалар зарб қилинган[2].

Гарчи Хоразм қўшинлари Эрон ҳудудларига вақти-вақти билан ҳужумлар уюштириб турганганлиги тарихдан маълум бўлса-да, кучайиб бораётган Бухоро хонлигининг истилочилик сиёсатига қарши туришда Эрон шоҳлари унинг асосий иттифоқчиси бўлиши мумкин эди. Шу жиҳатдан Хиванинг Бухоро хонлиги билан кескинлашган муносабатлари Хива – Эрон сиёсий алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилган. Шу боис юзага келган мураккаб вазиятда Ҳожимхон Эрон шоҳи ёрдамига суянган. Қолаверса, у ҳукмронлигининг дастлабки давриданоқ Сафавийлар хонадони билан дўстона муносабатлар ўрнатишга муваффақ бўлган эди. Мавжуд маълумотлар таҳлили кўрсатадики, айнан Ҳожи Муҳаммадхон даврида Эрон саройи билан ўзаро алоқалар, борди-келди ва ёзишмалар кучайиб, нисбатан мунтазам алоқалар тусини олган. «Шажарайи турк»да улар ўртасидаги муносабатлар Абдуллахон II нинг Хоразмга юриши жараёнида Ҳожимхоннинг Эрон шоҳи Аббос I (1587 – 1628)га мурожаат қилиши билан бош-

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.151.
[2] Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод ... – Б.233.

ланганлигини кўриш мумкин. Лекин Эрон манбалари Ҳожимхоннинг илгариги шоҳлар билан ҳам олиб борган алоқалари, жумладан, унинг Шоҳ Таҳмосиб I, Исмоил II билан дипломатик алоқалари, шунингдек, Шоҳ Аббос I нинг тахтга ўтирган давридан бошлабоқ яқин муносабатлар ўрнатганлиги ҳақида маълумот беради.

Хусусан, «Тарихи оламоройи Аббосий» асарида ҳамиша Сафавийлар сулоласи билан дўстлик ва мустаҳкам иттифоқда бўлган Хоразм подшоси Ҳожи Муҳаммадхон ўғли Муҳаммадқули султонни Шоҳ Таҳмосиб I даргоҳига юборганлиги ва икки ўртада ёзишмаю борди-келди алоқалари мавжуд бўлганлиги қайд этилган[1].

Таҳмосиб I вафотидан кейин ҳам Исмоил II (1576 – 1577) саройига ташриф буюрган Хоразм султонлари катта эҳтиром билан кутиб олинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд[2].

Ҳожимхон ўғли Муҳаммадқули султонни Шоҳ Аббос I нинг тахтга ўтириши муносабати билан катта миқдордаги совға-саломлар ва нодир туҳфалар билан Эронга элчи қилиб юборган[3].

Искандарбек муншийнинг маълумот беришича, Мовароуннаҳр ҳукмдорлари Хуросон вилоятининг Машҳад ва Нишопургача бўлган ҳудудларини ўз тасарруфига киритган қийин вазиятда (1589 – 1590) Ҳожимхон Эрон шоҳига ўз ёрдамини таклиф қилиш орқали Аббос I билан дипломатик муносабатларини янада мустаҳкамлаган. Бу маълумотларга кўра, Ҳожимхон қадимий дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида хайрихоҳлигини билдириб, шоҳ даргоҳига бир неча бор ўз элчиларини юборган. Эрон шоҳи ҳам ўзининг элчиси Муҳаммадқули Арабкарлуни юбориб бу таклифни қўллаб-қувватлаган[4].

---

[1] Искандарбек муншийи. Тарихи оламоройи Аббосий ... 1-жилд. – Б.443 – 444.
[2] Ғаффори Фард. Равобат-и Сафавия ва Узбагон ... – Б.199.
[3] Маҳмуд ибн Ҳидоятоллоҳ Натанзи. Нақоват ал-осор ... – Б.32.
[4] Искандарбек муншийи. Тарихи оламоройи Аббосий ... 1-жилд. – Б.443 – 444.

«Тарихи оламоройи Аббосий»да келтирилишича, Ҳожи Муҳаммадхон агар шоҳ бирор номдор амирни лашкари билан Хуросонга юборса, у билан иттифоқ бўлиб Хуросонга юришга тайёр эканлигини билдирган. Албатта, иттифоқчилик ёрдамини таклиф этган Хива хони ўзининг Ўрта Осиёдаги кучли рақиби бўлган Абдулллахон II ни бартараф қилиш билан бирга Бухоронинг Хоразмга таҳдидини йўқотишни мақсад қилиб қўйган эди. Шоҳ саройининг тарихчиси тўғри таъкидлаганидек, ҳудудий яқинлиги туфайли Хуросоннинг забт этилиши Урганч ва Хоразмни ҳам хавф остида қолдирар эди[1].

Эроннинг номдор лашкарбошилардан саналган Фарҳодхон Хуросонга йўл олар экан (1591), унга «оддий лашкарбошиларнинг ҳукмдорлар билан жанг қилиш одати йўқлиги ва бўлмаганлиги» уқтирилиб, агар Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўминхон шахсан жангга киришса, улар билан жанг қилмай, бор гапни шоҳга етказиши тайинланган. Фарҳодхон билан Ҳожимхон Бистом воҳасида учрашиб, душманга қарши якдил бўлиб курашишга аҳду паймон қилишган[2].

Шу ўринда Эрон қўшинининг истеъдодли саркардаси сифатида эътироф этилган Фарҳодхон ва бу даврда мамлакатнинг ҳарбий қудрати борасидаги айрим маълумотларни келтириб ўтиш жоиз.

Тадқиқотчи Ж. Рота Шоҳ Аббос I нинг ҳарбий ютуқлари ва Эрон қўшинларининг бу даврдаги ҳарбий салоҳияти борасида фикр билдирар экан, унинг буюк ҳукмдор ва ҳарбий саркарда сифатида маълум бўлганлигини эътироф этган ҳолда «Шоҳ Аббос I гарчи Эроннинг ҳудудий бирлигини тиклаган бўлса-да, унинг ҳарбий соҳадаги фаолиятига чуқурроқ назар солинса, ҳосил бўлган таассуротдан фарқли манзара намоён бўлади. Хусусан, унинг ҳаракатлари аниқ режалаштирилган

[1] Искандарбек мунший. Тарихи оламоройи Аббосий .... – Б.443 – 444.
[2] Ўша жойда.

стратегиядан кўра кўпроқ юзага келган қулай вазиятдан фойдаланиб қолиш ҳолатига ўхшайди» деган хулосани беради[1]. У Шоҳ Аббос I нинг ҳарбий юришларини тўрт гуруҳга бўлиб таҳлил қилар экан, 1591 – 1598 йиллар мобайнида «ўзбеклар»га (*Бухоро хонига*) қарши 17 марта жанг бўлган бўлса-да, уларда шоҳнинг шахсан ўзи кураш майдонига кирмаганлигини қайд этади. Унинг хулосасига кўра, шоҳнинг асосий муваффақияти шунда эдики, юришларнинг асосий қисмига унинг ишончли қўмондонлари етакчилик қилишган. Фарҳодхон ана шундай иқтидорли ва ишончли ҳарбий қўмондонлардан бўлиб, энг муҳим жангларга у бош бўлар эди. Қолаверса, қарши курашаётган томонни заифлашишига олиб келган турли ички ва ташқи таъсирлар туфайли юзага келган қулай вазиятдан устомонлик билан фойдалана билиш, аксарият ҳолларда шоҳнинг ғалабасини таъминлар эди[2].

Шу жиҳатдан Фарҳодхонга Эрон шоҳининг номдор саркардаси сифатида Бухоро хонига қарши курашда Хива хони Ҳожимхон билан иттифоқчилик қилишдек масъулиятли вазифа юклатилган эди.

Хоразм аскарларининг Эрон қўшини билан иттифоқ бўлиб Бухоро кучларига қарши курашганлигини 1588 – 1593 йилларда Эрон шоҳи ҳузурида бўлган рус элчиси Г. Васильчиков ҳам ўз ҳисоботида эслатиб ўтган. У қамал қилинган Машҳадни бухороликлардан тортиб олиш учун юриш қилган 40 минг кишилик Эрон лашкарининг бошлиғи Фарҳодхон ҳамда 15 минг қўшинга раҳбарлик қилган «Урганч подшоси Азимхон» (*Ҳожимхон)* ҳақида маълумот берган[3]. Лекин Абдуллахоннинг Мовароуннаҳр ва Туркистон ҳарбий кучлари билан Хоразмга йўл олганлиги тўғрисида гап тарқалиши ва хавотирга тушган Ҳожимхоннинг Хоразмга қайтиб кетиши туфайли бу келишув охиригача амалга ошмай қолган.

[1] Giorgio Rota. The mask of shah 'Abbas I ... – P.167.
[2] Ўша жойда. – P.171 – 172.
[3] Веселовский Н.И. Памятники дипломатических и торговых сношений ... – С.162.

Хуросон ерларига даъво қилиб чиққан Абдуллахон II унинг асосий ҳудудларини ўз таъсирига олишга муваффақ бўлган ва Хоразмга ҳам муваффақиятли юришлар уюштирган.

Ҳожи Муҳаммадхон эса кучли рақибга қарши тура олмай, Эронга кетган. «Тарихи оламоройи Аббосий»да кўрсатилишича, ўзининг катта ўғли султон Араб Муҳаммад, кичик ўғли Севинч Муҳаммад ва невараси Бурундуқ султон, жияни Бобожон султон ҳамда 40 – 50 нафар содиқ мулозимлари билан мамлакатдан чиқиб кетган Ҳожи Муҳаммадхонни Эрон шоҳи эҳтиром билан кутиб олган[1].

«Шажарайи турк»даги маълумотлар эса манзарани янада жонли тарзда намоён қилади. Хусусан, Эрон шоҳи Аббос I Ҳожи Муҳаммадхонни катта илтифот билан кутиб олар экан, «қўлундин тутуб олиб бориб [ўз] ўрнунда ўлтуртди. Қўл қовуштуруб туруб, яхши келдинг, хуш келдинг, Хонбобо, теди. Кўп инъом берди» деб келтирилади манбада[2].

Шунга қарамай, Хоразм султонлари ҳамиша ўз ерларини Бухоро ҳукмдоридан қайтариб олишга интилиб яшашди. Манбада келтирилишича, кунларнинг бирида шоҳнинг рухсат бермаслигидан хавотир олган султонлар яширин тарзда «юрт талаб қилгани» Хоразм томонга чиқиб кетишган. Буни маъқулламаган хон вазиятни шоҳ Аббосга маълум қилган. Воқеадан хабар топган Эрон шоҳи куюнчаклик билан Ҳожимхонга султонларни ортга қайтаришни буюрган. «Шажарайи турк»да келтирилишича: «... шоҳ айтди: Абдуллахон тирик турғанда юртни талаб қилмоқ ўхшамас, агар олсалар ҳам, бошларин берурлар. Эмди улар (султонлар) мендин берухсат кетдилар. Қайтиб менинг қатимға келмакка уялурлар, ўзга ерга кетарлар, тақи зойиъ бўлурлар. Сен, Хонбобо, уларнинг кейинидин

[1] Искандарбек мунший. Тарихи оламоройи Аббосий ... 1-жилд. – Б.467.
[2] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.154.

бор! Айтғил, уялмасунлар, қўрқмасунлар! Яна қайтиб менинг қатимға келсунлар теди»[1].

Шоҳ саройининг тарихчиси Хоразм султонларига Эронда бўлган вақтларида юксак эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилганлигини таъкидлар экан, «Ҳазрат олийлари салтанат пойтахти Қазвинда неча бор подшоҳона мажлис ўтказган бўлсалар ... Ҳожи Муҳаммадхонни ҳам ҳузурига чорларди, ҳар иккиси бир мақомда (*тенг мавқеда*) ўтириб, бир-бирлари билан суҳбат қурарди. Ва навоби шариф (*шоҳ*) аксар ҳолларда бетакаллуф ва камтарлик билан мезбонлик лавозимида хизмат кўрсатарди. Ва бу каби икки олийжоҳ подшоҳнинг бир мақомда ўтириб мажлис қуришлари илгари ҳеч бўлмаган, бугунги кунда ҳам нодир ҳодисадир», – деб қайд этади[2].

Эронда бўлган рус элчиси А. Звенигородский ҳам ўз эсдаликларида 1595 йил мартидаги Наврўз байрамини тасвирлар экан, тахтда ўтирган шоҳнинг ўнг ва чап томонида «Азим подшо (*Ҳожимхон)* болалари ва жиянлари билан» жойлашганликларини қайд этган[3].

Абдуллахон вафотидан кейингина Хоразм султонларида ўз юртини қайтариб олиб, ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва Бухорога олиб кетилган хоразмликларни Урганчга қайтариш имкони пайдо бўлган.

«Шажарайи турк»да: «Қазвинда Шоҳ Аббосга Абдуллахон ўлди теб киши борди ... Ҳожи Муҳаммадхон Шоҳ Аббосдин рухсат тилади-да, айтди: Абдуллахон ўлганидин сўнг ўзбек Абдулмўминхонни ўлтурур. Ул вақтда биз юртимизға яқин

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.155.
[2] Искандарбек мунший. Тарихи оламоройи Аббосий ... 1-жилд. – Б.473.
[3] Бушев Г.П. История посольств и дипломатических отношений Русского и Иранского государств в 1586 – 1612 гг. ... – С.257.

бўлмасак, бизнинг жамоатимиздин Мовароуннаҳрда қозоқ[1] бўлиб юруган кўп турур. Онларнинг бирисини халқ келтуруб подшоҳ қилурлар. Андин сўнг бизга подшоҳлик етишмас теди», – деб баён қилинади[2]. Ҳожимхоннинг сўзларидан билиш мумкинки, Абдуллахон томонидан кўпчилиги қатл этиб юборилганига қарамай, баъзи Хоразм султонлари, жумладан, Амнакхон авлодларига мухолиф бўлганлари Бухоро хонлигидан паноҳ топишган эди. Шоҳ Хива хони ва шаҳзодаларига рухсат берар экан, хоннинг 25 яшар набираси Бурундуқ султонни ўз саройида олиб қолган[3].

Абдуллахон вафот этгач, унинг ўғли Абдулмўминхон (1598) Нишопурга юриш қилиб, Шоҳ Аббос I га мактуб йўллаган. Искандарбек мунший ибораси билан айтганда, ушбу «қисқача беодоб хат»ни таҳлил қилган Али Акбар Вилоятий Бухоро – Эрон муносабатлари билан бирга Хива – Эрон алоқаларига доир маълумотларни келтириб ўтган. Хусусан, «Мирзо Аббосга» деб мурожаат этилган мактубда «Урганжия султонлари»нинг Эрон шоҳларига қилган аҳду паймонлари, ҳамжиҳатлик ва иттифоқчилик алоқаларига ишонмаслик лозимлиги уқтирилган[4]. Шоҳ Аббос унга жавоб йўллар экан, Хоразм ҳукмдорларидан Динмуҳаммадхон, Абулмуҳаммад ва Ҳожи Муҳаммадхоннинг Эрон давлати ёрдамига таянганликларини эслатиб, ҳамиша икки томон бир-бири билан дўстона алоқада бўлганлиги ҳамда улар ўртасидаги иттифоқчилик ва дўстлик алоқаларининг ҳали ҳам давом этиб келаётганлигини таъкидлаган[5].

---

[1] Қазоқ ёки қозоқ – саргардон, қароқчи, йўлтўсар. Қозоқлик ўзга юртларда сарсон бўлиб юриш. Қаранг: Будагов Л. Сравнительный словарь тюретско-татарских наречий. Том. II. – СПб., 1871. – С.54. Қазоқлик иборасига изоҳ берган Мария Е. Субтенли қазоқ ибораси қароқчи, дайди, якка жангчи ва қазоқлик бирор кимсанинг турли ижтимоий ёки сиёсий вазият тақазосига кўра чет ўлкаларда қароқчилик қилиб юришини англатишини қайд этади. Қаранг: Maria E. Subtelny. Timurids in Transition. Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. – Leiden-Boston, 2007. – P.29, 52 – 59.

[2] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.157 – 158.

[3] Ўша жойда. – Б.158.

[4] Али Акбар вилояти. Тарихи равобати хорижийи Ирон дар аҳди шоҳ Аббос аввал ... – Б.17 – 19.

[5] Ўша жойда.

Хива – Эрон ўртасидаги дўстона алоқалар, ўзаро борди-келди ва ёзишмалар Ҳожимхон қўл остидаги ҳудудларни қайтариб олганидан кейинги даврда ҳам давом этган. Хусусан, Хоразмнинг душманлардан тозаланганлигини хабар қилган Ҳожимхон элчилари орқали мактуб йўллаб Аббос I га эҳтиром ва хайрихоҳлик билдириб турганлиги манбада қайд этилган[1].

Ҳожимхоннинг вориси Араб Муҳаммадхон (1602 – 1621) ҳам қўшни давлатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга интилган. Унинг ташқи сиёсатига доир маълумотларни рус ҳужжатларида кўплаб учратиш мумкин. Хусусан, М. Тихонов ва А. Бухаров ҳамроҳлигида Россиядан ўз юртига қайтаётган Эрон элчиси Амир Алибекнинг Хива хонлиги ҳудудлари орқали кузатиб қўйилганлиги[2] Хива хонлигининг бу давлатлар билан яхши муносабатда бўлганлигини кўрсатиш билан бирга Россия – Эрон алоқаларида Хива хонлигининг ўз ўрни бўлганлигидан далолат беради.

Араб Муҳаммадхоннинг уларга қўшиб ўз элчиси Оллоқули мирзони Эронга жўнатмоқчи бўлганлиги унинг бу элчиликка алоҳида эътибор билан қараганлигини билдиради. Кейинги маълумотларда Хива хони элчисининг Эронда бўлганлиги тўғрисида хабар учрамаса-да, унинг рус элчилари томонидан «бир ойга яқин кутиб турилган»лигига қараганда, Хоразм элчиси ҳам Эронга қўшиб юборилган. Унга берилган топшириқлар ҳам номаълум бўлиб, элчиликнинг умумий вазифаси ва юзага келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда, унга Хива хонининг Эрон ҳукуматига хайрихоҳлигини билдириш ҳамда ўртадаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилганлигини тахмин қилиш мумкин.

М. Тихонов элчилиги таркибида бўлган чопар А. Брехов қўшимча қилиб Эроннинг бу даврда Бухоро ва Хива билан дўстона муносабатда эканлигини қайд этган[3].

---

[1] Искандарбек мунший. Тарихи оламоройи Аббосий ... 1-жилд. – Б.565 – 566.
[2] Корженевский Н.Л. Посольство Михаила Тихонова в Персию ... – С.70.
[3] Бушев П.П. История посольств и дипломатических отношений русского и иранского государств в 1613 – 1621 гг. ... – С.85 – 86.

Араб Муҳаммадхон даврида Эрон саройи билан дўстона алоқалар давом этганлигини 1620 йил бошларида Россияда бўлган Хива элчиси Раҳимқулининг «Россия элчилик маҳкамаси» хизматчилари саволига берган жавоби ҳам тасдиқлайди. Элчи «сенинг подшоҳинг Арап подшо Бухоро ва Қизилбош ҳукмдорлари билан ҳозир қандай муносабатда?» деган саволларга жавоб бериб уларнинг ўзаро дўстона алоқада эканлиги ва ҳеч қандай душманлик муносабатлари йўқлигини таъкидлаган[1].

Лекин бу даврга келганда Хива хонлигида сиёсий вазият кескинлашиб, Араб Муҳаммадхоннинг тўнғич ўғиллари Элбарс ва Ҳабаш султонларнинг отасига қарши исёни нафақат мамлакат ичидаги вазиятни оғирлаштирган, балки хонликнинг ташқи алоқаларига ҳам путур етказа бошлаган.

Кучайиб кетган ўзаро урушлар туфайли 1622 йили ўз юртидан чиқиб кетишга мажбур бўлган хоннинг кичик ўғли Афғон султон рус подшосига мурожаатида «унинг отаси рус подшоси сингари Бухоро хони Имомқулихон, Эрон шоҳи Аббос I ва Ҳиндистон подшоси билан ҳамиша дўстона муносабатларда бўлганлиги»ни қайд этган[2]. Шу билан бирга, кичик шаҳзоданинг маълум қилишича, акалари Элбарс ва Ҳабаш султонларнинг Бухоро ҳамда Эрон ерларига тез-тез уюштириб турган ҳужумлари уларнинг отаси билан муносабатлари кескинлашиб кетишига сабаб бўлган.

Шу ўринда кўрсатиб ўтиш жоизки, кичик укалари Афғон султонга шафқат қилиб ҳаётини сақлаб қолган Хабаш ва Элбарс султонлар унинг рус подшоси саройига кетишига рухсат беришган эди.

---

[1] Распросные речи хивинского посла Рахимкули в Посольском приказе на разговоре с думными дьками Иваном Грамотиным и Саввой Романчуковым // Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. – Л.: Изд-во АН СССР, 1932. Вып. 3, ч. I. – С.299.

[2] Международное положение Средней Азии в XV – XVII вв. // Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР ... – С.300.

Афғон султон Россия империясида 30 йил, яъни умрининг охиригача яшаб қолган. Унинг рус подшоси ҳузурига кетишига эса бу давр Хивада бўлган элчи И. Хохлов таъсир кўрсатган. Хива шаҳзодасини подшо Михаил Федорович ҳузурига боришга кўндирган И. Хохлов рус ҳукуматининг кўрсатмасига биноан «Рус давлатининг обрўйини ошириш»га ҳаракат қилган эди[1]. Зеро, рус подшоси саройида чет эл, ҳеч бўлмаганда, мусулмон ҳукмдорлари ёки уларнинг фарзандлари хизмат қилишига катта эътибор берилган[2].

С.В. Жуковскийнинг таъкидлашича, рус элчиси И. Хохлов Бухоро хонлигидан қайтишда озод қилган 27 асирнинг 23 нафари Хивада Хабаш султон томонидан олиб қўйилган эди[3]. Бу ҳолат ҳам Араб Муҳаммадхон билан ўғиллари Элбарс ва Хабаш ўртасидаги низонинг кучайишига олиб келиши табиий эди. Демак, хонликда авж олган ўзаро сулолавий курашларга нафақат ҳокимиятга эгалик қилиш масаласи, балки ёш султонлар томонидан қўшни давлатларнинг ҳудудларига уюштирилган ҳужумлар ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган.

Эрон шоҳи Аббос I нинг Араб Муҳаммадхонга йўллаган мактуби бу даврдаги Хива – Эрон алоқалари ва уларнинг анъаналари ҳақида тасаввур бериш билан бирга Хива хонлигида вужудга келган сиёсий вазият юзасидан ҳам айрим мулоҳазаларни келтириб чиқаради.

[1] Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие ... – С.18.

[2] Р. Почекаевнинг фикрича, рус подшоси Михаил Федорович ҳукуматининг Хива хонлигидаги ички курашлар оқибатида рус подшоси ҳузурига юборилган шаҳзода Афғон султондан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсади ҳам бўлганлигини эътибордан қочирмасик керак. Хусусан, «рус ҳукумати хоннинг кичик ўғли Афғон султонни кейинчалик Хива тахтига ўтқазиш орқали уни тўғридан-тўғри Москва давлатининг вассалига айлантиришни кўзлаган. Лекин 1623 йилда тахтнинг Исфандиёрхон томонидан эгалланиши ва марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши билан рус ҳукуматининг «Москва» лойиҳаси амалга ошмай қолган эди» деб хулоса беради олим. Қаранг: Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.213.

[3] Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие ... – С.18.

«Султонлар ҳукуматини юксалтириш ва мустаҳкамлаш борасида Эрон шоҳининг насиҳатларига эътибор бериш ва қулоқ тутиш»ни назарда тутувчи мактубда Хива – Эрон алоқаларининг илгариги ҳолати, жумладан, Шоҳ Таҳмосиб I нинг Хоразм султони Али султонга кўрсатган ёрдами ҳамда Ҳожимхоннинг Сафавийлар хонадони томонидан қўллаб-қувватланганлиги эслатиб ўтилган[1]. Шоҳ Аббос I Хива хони хонадонига кўрсатиб келган «ҳимояти»га ишора қилар экан, худди бобокалони (Таҳмосиб I) даврида бўлгани сингари, ўзининг кўрсатмалари ҳам доимо давлатни бошқариш ва фарзанд тарбияси қоидаларини сақлаб туришга қаратилганлигини таъкидлайди. Шоҳ Хоразм султонларини ўз саройида тарбия қилишга тайёр эканлигини билдириб шундай мурожаат этади: «Араб Муҳаммадхон қадимий, хусусан, шоҳнинг бобоси [Таҳмосиб] даврида юзага келган қоидаларга содиқ қолиб, фарзандларидан бирини шоҳ ҳизматига юбориши мумкин. Улар илгариги даврлардагидек шоҳона тарбият ва эҳтиромга сазовор бўладилар». Эрон шоҳи қўшимча қилар экан, бу қатъий талаб эмаслиги, балки шоҳнинг «савобталаб ҳаракати ҳамда яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб туриш истаги» билан боғлиқ эканлигини уқтиради[2].

Мактуб мазмуни ва унга алоқадор воқеаларни чуқурроқ таҳлил қилиш орқали, ҳужжатда кўрсатилмаган бўлса-да, унинг санасига ҳамда Эрон шоҳининг бош муддаосига маълум даражада ойдинлик киритиш мумкин. Кўрсатиб ўтиш жоизки, «омонат сиёсати», яъни хон хонадонининг ёш вакилларини Эрон саройида яшаб туриш одати узоқ йиллар Сафавийлар ва Арабшоҳийлар сулолалари ўртасидаги муносабатлар гарови сифатида қўллаб келинган. Албатта, бу орқали шоҳ бошқа давлатлар орасида ўзининг сиёсий қудрати ва мавқеини ошириб кўрсатиш мақсадини ҳам кўзлаган. Шу билан бирга, ушбу

[1] Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осиё-йи Марказий ... 3-ҳужжат. – С.74 – 75.
[2] Ўша жойда.

мактубдаги «кўрсатмалар» Хива хонлигидаги ички сиёсий вазият, хусусан, исёнкор шаҳзодалар Элбарс ва Ҳабаш султонларнинг ҳаракатларига ишора сифатида келтирилган бўлиши ҳам мумкин. Зеро, шоҳнинг ёш шаҳзодаларни ўз тарбиясига олиш истаги Хуросоннинг чегарадош ҳудудларига уюштириладиган ҳужумларни бартараф этишга интилиши билан боғлиқ кўринади.

Шу тариқа XVII аср биринчи чорагида авж олган ўзаро сулолавий курашлар Хива хонлигида ҳокимият учун жиддий курашга айланиб кетган. Бу даврда мухолиф кучлар томонидан бир неча марта фитна тайёрланиб, Араб Муҳаммадхонни тахтдан ағдаришга ҳаракат қилинганлиги «Шажарайи турк»да анча батафсил баён этилган[1].

Хоннинг исёнкор ўғиллари ҳатто ўз отасини кўр қилиб, қатл қилдиришгача борган эди. Бу ҳолатнинг сабабларига изоҳ берар экан, Абулғозихон «отамиз хоннинг бошина ва барча юрт халқининг бошина хон [феълининг] кенглиги, ортуқ гуноҳларни афв қилғани етди» деб хулоса чиқарган[2].

Хоннинг яна бир ўғли Исфандиёр султон акалари Элбарс ва Ҳабаш султонларга қарши курашга бош бўлиб чиққан эди. Бу йўлда у Эрон шоҳи Аббос I ёрдамига таянган. «Фирдавс ул-иқбол»да Эрон шоҳи ва туркманларнинг така, соруқ, ёвмут қабилалари томонидан қўллаб-қувватланган Исфандиёр султоннинг ўзаро урушда ғолиб чиқиб, Хива хони бўлиб олганлиги қайд этилган[3].

Астрахан ва бошқа шаҳарларга келувчилар орқали Хива хонлигидаги сиёсий воқеаларни диққат билан кузатиб борган

---

[1] Бу ҳодисани Абулғозихон «қозоқ келгани» деб ифодалайди. Бунда муаррих Бухоро хонлигига кетиб, у ерда яшаб қолган қариндошлари, яъни ўзга юртларда қозоқ бўлиб юрган Арабшоҳийларнинг вакилларини айрим фитначи гуруҳлар томонидан Хива тахтига келтириб ўтқазиш учун қилинган ҳаракатни назарда тутган. Қаранг: Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.159 – 160.

[2] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.160.

[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.89.

Рус ҳукумати ҳужжатларида ҳам минтақадаги сиёсий воқеалар қаторида Исфандиёрхоннинг Эрон шоҳидан ёрдам олганлиги кўрсатиб ўтилган[1].

Айрим архив ҳужжатлари Рус подшолиги нафақат кузатувчи тарзида воқеаларни қайд қилиб борганлиги, балки бевосита иштирокчи сифатида Хива хонлиги тахтига ўтирган янги хон билан ҳамкорлик қилганлигидан далолат беради. Хива хонлигидан қочиб Қозоқ ўрдасига, у ердан эса Астраханга йўл олган Ҳабаш султоннинг Эмбада қўлга олинганлиги тўғрисидаги ахборотнома бу борада аниқроқ маълумот беради. Мазкур ахборотномада у ернинг бошлиғи Шайнек мирза Ҳабаш султонни ҳибсда тутиб турар экан, бу хабарни бир вақтда Хива хони Исфандиёрга ва рус ҳукуматига юбориб, исёнкор султонни Хива хонига топширмоқчи эканлигини билдирган[2].

Ҳокимият учун ўзаро кураш жараёнида Исфандиёрхон ўз укалари билан ҳам жиддий зиддиятларга борган. Тарихчи Муниснинг кўрсатишича, Исфандиёрхон (1623 – 1643) юритган сиёсат туфайли унга мухолиф бўлиб қолган ўзбек уруғларининг турли ҳудудларга, шу жумладан, қозоқлар олдига кетиб қолиш ҳоллари авж олган[3]. Хоннинг укаси Абулғози султоннинг[4] ўзи ҳам унинг тазйиқи остида мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлган эди. Бу жараёнда у вақтинча қозоқ хонлари, жумладан, Эшимхон ҳузурида бўлган. Унинг ўзи бу ҳақда: «Шариф Муҳаммад Бухороға кетти. Мен қозоқға кетдим,

---

[1] Чулошникова А. Торговля Московского государства со Средней Азией в XVI – XVII вв. // Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ... – С.302.

[2] 1627 г. апрель – Отписка в Посольский приказ астраханских воевод по делам ногайским с распросными речами ургенчского человека Махмадийара о бегстве Абаш-хана в Казахскую Орду, уходе его в Астрахань и задержании его на Ембе Шайнек-мурзой // История Казахстана в русских источниках. Т. I. Посольские материалы русского государства (XV – XVII вв.). Алматы: Дайк-Пресс, 2005. Док. №200. – С.298 – 299. «Фирдавс ул-иқбол»да келтирилишича, отасининг вафотидан олти ой ўтгач иккала султон ҳам Исфандиёрхон «қўлида мақтул бўлдилар (қатл этилдилар)». Қаранг: Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.88.

[3] Ўша жойда. – Б.89 – 90.

[4] 1645 йилда Хива хони бўлгунига қадар Абулғозихон султон деб келтирилди.

Туркистонда Эшимхон қатинда уч ой турдим», – деб маълум қилган[1].

«Шажарайи турк»да келтирилишича, «Тошкентда бўлган қозоқнинг хони Турсунхон» Туркистонга келган вақтда Эшимхон унинг ҳузурига Абулғози султонни олиб борган. Хоразм султонини таништирар экан, «бу Ёдгорхоннинг ўғли Абулғози турур. Ҳеч қачон бизга келиб бу жамоатдин киши қўноқ бўлғони йўқ эди. Биздин борган кўп турур. Бу сизнинг хизматингизда бўлғани яхши» деб таъкидлаган[2]. Шундан сўнг Абулғози султон Тошкентда Турсунхон ҳузурида яна икки йил яшаб қолган.

Келтирилган маълумотдан хулоса қилиш мумкинки, Хива хонлари хонадонидан шу пайтга қадар ҳеч ким қозоқ ҳукмдорлари ҳузурига юборилмаган бўлса-да, у томондан Хоразмга келиб-кетувчилар кўп бўлган. Зеро, қозоқ султонлари ҳам Дашти Қипчоқдаги ўзаро ички курашларда Хива хонларининг қўллаб-қувватлашидан манфаатдор бўлишган.

Араб Муҳаммадхоннинг кичик ўғли Афғон султоннинг рус подшосига берган маълумотида ҳам акалари Исфандиёрнинг Эронга, Абулғози ва Шариф Муҳаммаднинг [Бухоро хони] Имомқулихон ҳузурига кетганлиги кўрсатилган[3].

Исфандиёрхоннинг Эрондан олган ёрдами ва юзага келган вазиятга баҳо берар экан, рус элчиси И. Хохлов илгари ҳам Хива хонлари ва уларнинг фарзандлари ўзаро оилавий келишмовчиликлар даврида Эронга мурожаат этганликларини қайд этиб ўтган[4].

Кўрсатган ёрдами учун Шоҳ Аббос I га совға-саломлар билан элчи юбориб, «итоат ва эътиқод изҳор қилган» Исфан-

---

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.174.
[2] Ўша жойда.
[3] Международное положение Средней Азии в XV – XVII вв. // Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР ... – С.300 – 301.
[4] Веселовский Н.И. Иван Данилович – русский посланник в Персии и Бухаре в XVII в. ... – С.61, 65.

диёрхоннинг шоҳ марҳаматига сазовор бўлганлиги Искандарбек мунший томонидан ҳам қайд этилган[1].

Лекин Исфандиёрхон Хива тахтида мустаҳкамланиб олгач, Хуросон ерларига тез-тез ҳужумлар уюштира бошлаган. Тарихшуносликда «Хуросон исёни» деб ном олган воқеа туфайли тез орада Исфандиёрхон ва Эрон шоҳи ўртасидаги ўзаро муносабатларга путур етган. Бу масалага атрофлича тўхталган тадқиқотчи Исфандиёрхон ва укаси Абулғози султоннинг 1628 йилда Хуросонга уюштирган юриши ҳамда бу ерда кўтарилган исён Эрон тарихига «Хуросон исёни» номи билан кирганлигини қайд этади[2]. Хоразм султонлари Хуросондаги бекларни шоҳга қарши чиқишга ундар эканлар, ўз даъволарини бу ҳудудларнинг илгари бевосита ўзбекларга (*Нурумхонга*) тегишли бўлганлиги билан изоҳлашган. Албатта, уларнинг ҳаракатлари бу вақтга келиб Хуросонни ўз назоратига олган Эрон давлати билан муносабатларига таъсир этмасдан қолмас эди.

«Хулосат ас-сийар» асарида мазкур масала юзасидан Хоразм манбаларидаги маълумотларни тасдиқловчи ва маълум маънода тўлдирувчи материаллар келтирилган. Асарда Шоҳ Сафи I даврида ўзбекларнинг Хуросонга уюштирган ҳужумлари Эрон учун жиддий хавф туғдирганлиги таъкидланган. 1628/1629 йилда Урганч хони Исфандиёрхоннинг қулай фурсатдан фойдаланиб Марв, Нисо ва Обивардга қилган юриши ҳақида ёзар экан, сарой тарихчиси унинг бу ҳаракатини Аббос I томонидан кўрсатилган ёрдамга жавобан кўрнамаклик деб баҳолайди. Хусусан, манбада Шоҳ Аббос I вафоти ҳақидаги

[1] Искандарбек мунший. Тарихи оламоройи Аббосий ... 2-жилд. – Б.977.

[2] Мошкова В.Г. Хорасанский мятеж // Очерки по истории туркменского народа и Туркменистана в VIII – XIX вв. / Под ред. А. Якубовского. – Ашхабад, 1954. – С. 221 – 223. Хоразм султонларининг ушбу юриши ҳақида манбада батафсил маълумотлар берилган. Қаранг: Извлечения из рукописи Мухаммед Ма'сума и Мухаммед Тахир-и Вахида / Перевод под ред. А.А. Ромаскевича // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв.; Иранские, бухарские, хивинские источники / Под ред. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Иванова. – М.-Л., 1938. Т. 2. – С.102 – 106.

хабар атрофга тарқалганда «дўстмонанд душманлар ва юзсиз хусуматли риёкорлар юзидан андишайи оқибат ҳижобининг пардаси кўтарилди. Шундайлар жумласидан Урганч ҳокими Исфандиёрхон эдики, бу муқаддас ошиён даргоҳидан бениҳоят илтифот ва меҳрибончиликлар кўрган эди» деб қайд этилган[1].

Асарда кўрсатилганидек, Хоразм қўшинларининг ҳужумидан хабар топган Шоҳ Сафи ўз вазири ва тўфангчибоши Замонбекни катта қўшин билан юбориб юзага келган хавфни бартараф этган[2].

Албатта, мағлубиятдан сўнг унинг оқибатларини ўйлаб қолган Исфандиёрхон Хива тахтини эгаллашда Эрон саройидан яқиндагина олган ёрдамини унутмаган, қолаверса, ўша вақтда минтақада ўзига яраша қудратга эга бўлган Эрон давлати билан муносабатлари бузилиши яхшилик билан тугамаслигини тушунган эди. Шу боис дарҳол алоқаларни тиклашга киришган Исфандиёрхон юришнинг бутун айбини укаси Абулғози султонга ағдариб, уни шоҳга топширишга қарор қилган. Шу тариқа «Хуросон исёни»нинг асосий раҳбари ва гаровга берилган омонат сифатида Абулғози султон ҳибсга олиниб, Эрон шоҳи ҳузурига юборилган[3].

В.В. Бартольд муаллифи номаълум дейилган «Хулди барин» асаридаги[4] маълумотлар асосида ҳодисани шундай баён этади: «Исфандиёрхон юришнинг бутун айбини Абулғозига ағдариб, уни шоҳга топширишга қарор қилди. У Эронга сов-

[1] Муҳаммад Маъсум ибн Хожаги Исфаҳоний. Хулосат ас-сийар ... – Б.56 – 57.
[2] Бу ерлар илгари Хоразм султони, юқорида тилга олинган Нурмуҳаммад ибн Динмуҳаммадга тегишли бўлганлиги назарда тутилмоқда. Шу ўринда асар муаллифи Шоҳ Аббос I томонидан қўлга киритилган ушбу ҳудудлар 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида шоҳ девонига тегишли эканлигини таъкидлаб ўтган. Қаранг: Муҳаммад Маъсум ибн Хожаги Исфаҳоний. Хулосат ас-сийар ... – Б.57 – 58.
[3] Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа ... – С.608; Павлова И.К. Хроника времен Сефевидов ... – С.19 – 20; Мошкова В.Г. Хорасанский мятеж ... – С. 221 – 223; Firdaws al-iqbal: History of Khwarazm ... – P.559 (Note. 242).
[4] В.В. Бартольднинг кўрсатишича, ушбу асарнинг қўлёзма нусхаси билан у Кембрижда танишиш ва фойдаланиш имконига эга бўлган.

ға-саломлар билан элчи йўллаб, укасини юбораётганлигини, илгари ҳам Хоразм шаҳзодалари шоҳ хизматида бўлганлиги, агар шоҳ хоҳласа Абулғозини шу маънода қабул қилиши мумкинлигини, агар жазога лойиқ топса жазолаши мумкинлигини етказган. Аввал Обивардга олиб келинган Абулғози йилнинг охиридагина (1630) Ҳамадонда турган шоҳ ҳузурига ташриф буюриб, эҳтиром билан кутиб олинган. Шундан сўнг у Исфаҳондаги Таборак қалъасида ўн йил яшаган»[1].

«Хулосат ас-сийар»да эса воқеа тафсилотлари қуйидагича келтирилган: «Урганч ҳокими Исфандиёрхон томонидан номақбул ҳаракатлар юзага келган эдики, шу жиҳатдан хижолат шаробига ғарқ бўлиб, ушбу ҳаракатларни укаси Абулғози султоннинг бўйнига қўйди ва бу гуноҳнинг узри учун уни кишанлаб, узр-маъзурли мактублар ҳамда муносиб ҳадялар билан улуғ даргоҳга юборди. Ва у ўзининг ҳамжиҳатлик ва холис ниятларини шундай изҳор этди: бизнинг ота-боболаримиз ҳамиша у даргоҳдан паноҳ топганки, бу гуноҳкори азим учун ҳам ушбу остонадан ўзга паноҳ йўқ. Биродарим ғурур, жаҳл ва нодонлиги туфайли ушбу номуносиб ҳаракатга қўл урди. Шу боис уни ҳибсга олиб, хизматингизга юбордимки, лозим топилган ҳар қандай танбеҳ ва жазо адолатдан бўлғусидир»[2].

Абулғози султоннинг маълум қилишича, Исфандиёрхон тахтни эгаллагач уни Амударё ҳавзасида юзага келган Орол вилоятининг хонга мухолиф бўлган кучлари билан тил бириктирганликда айблаб хибсга олдирган: «тонг отгандан сўнг мени тутдурди. Ўзининг (*Исфандиёрхоннинг*) эътиборли кишилариндин йигирма кишига мени топшурди. Элтиб Обивард ҳокимина топшуруб қайтди. Ул элтиб Хуросоннинг беклар бегисина топшурди. Ул Ироқ (*Эрон)* олиб кетди. Ул вақтда Шоҳ Аббос мозий ўлиб, набираси Шоҳ Сафо шул йили подшоҳ бўлиб эрди, Ҳамадонда бориб кўрдум. Исфаҳон юборди.

[1] Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа ... – С.608.
[2] Муҳаммад Маъсум ибн Хожаги Исфаҳоний. Хулосат ас-сийар ... – Б.59.

Бир ҳавли берди. Емакима ҳар йилда ўн минг танга берди. Қочмасун деб киши таъйин қилди»[1].

Абулғози султон Ҳамадонга етиб келгач, Эрон шоҳи уни яхши кутиб олиб, «адашган султонни кечирди ва жазодан озод этди ва хизмати учун одам тайинлади» деб маълум қилинади «Хулосат ас-сийарда»[2].

Вазиятга ўз муносабатини билдирган И.К. Павлова воқеаларнинг расмий баёнига қарамай, Абулғози султоннинг ҳибсга олиниши, аслида, Исфандиёрхоннинг ўз рақиби – укасини бартараф қилиш ва яккаҳукмронликка интилиш билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, Абулғози султоннинг Эронда узоқ вақт сақлаб турилиши ҳам шоҳ билан Исфандиёрхон ўртасидаги келишувга кўра амалга оширилган эди[3].

Эътиборлиси шундаки, Абулғозихон «Шажарайи турк»да ўзининг Эронда ўтказган ўн йиллик умри ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаган бўлса-да, воқеаларга аниқлик киритишда яна бир бор «Хулосат ас-сийар» асарига таяниш мумкин. Хусусан, асар муаллифи 1637 йил 20 мартида Наврўз айёми муносабати билан шоҳ саройида уюштирилган зиёфатни тасвирлар экан, у ерга таклиф этилган Абулғози султон бир неча ҳурматли меҳмонлар, хусусан, [Ҳиндистон ҳукмдори] Одилшоҳнинг элчиси Сафдорхон ҳамда исми кўрсатилмаган яна бир вакили билан бир дастурхон атрофида ўтириб базм қурганлигини маълум қилади[4].

Исфандиёрхон Эрон билан муносабатларини яхшилаб олгач Шоҳ Сафи билан дўстона алоқаларини давом эттирган. Манбада маълум қилинишича, Хива хони ўз элчиларини беҳисоб ҳадялар билан Сафавийлар саройига тез-тез юбориб

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.175.
[2] Муҳаммад Маъсум ибн Хожаги Исфаҳоний. Хулосат ас-сийар ... – Б.59 – 60.
[3] Павлова И.К. Хроника времен Сефевидов ... – С.19 – 20.
[4] Муҳаммад Маъсум ибн Хожаги Исфаҳоний. Хулосат ас-сийар ... – Б.245.

турган[1].

Исфандиёрхоннинг қўшни давлатлар билан муносабатлари ҳақида рус архив ҳужжатлари ҳам маълум бир тасаввурни беради. Хусусан, ҳужжатларнинг бирида «Исфандиярхон (Исмендияр царь) Бухоро хони билан ҳам, Қозоқ ўрдаси ва қалмиқлар билан ҳам дўстона муносабатда эмас, қизилбошлар шоҳи билан тинчлик алоқаларини йўлга қўйган»лиги қайд этилган[2].

Исфандиёрхон билан Шоҳ Сафи ўртасидаги ёзишмалар ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик муносабатлари ҳақидаги маълумотларни тўлдиришга ёрдам беради. Хусусан, Шоҳ Сафи томонидан «Урганч ҳокими Исфандиёрхонга» йўлланган мактубда бевосита Абулғози султон борасида сўз юритилган[3]. «Амирларга вазифалар топшириш ҳамда дўстлик ва муҳаббат муносабатлари» номи билан қайд этилган ушбу ҳужжатнинг бошланишида «жаннат нишон Мозандарондан Урганч ҳокими Исфандиёрхонга йўлланган [мазкур] мактуб», Хива хонининг Эрон шоҳига битган *ихлосномас*ига жавоб хати эканлиги кўрсатиб ўтилган. Унда Исфандиёрхон томонидан изҳор қилинган «самимий тилаклар ва садоқат нишонаси икки ўртадаги дўстлик ва меҳру муҳаббатни мустаҳкамлашга асос бўлган»лиги таъкидланган. Ҳужжат санаси номаълум бўлса-да, мактуб мазмунидан англаш мумкинки, у Абулғози султон «омонат» сифатида Эронга юборилгандан кейинги йилларга тааллуқли. Зеро, Шоҳ Сафининг амирларга юклаган «вазифалари» бевосита Хоразм султони борасида акаси Исфандиёрхонга хабар етказиш бўлган. Хусусан, мактубда «...Абулғози борасида ёзган шарҳингиз-

---

[1] Муҳаммад Маъсум ибн Хожаги Исфаҳоний. Хулосат ас-сийар ... – Б.98, 291.

[2] 1627 г. ноябрь – Расспросные речи возвратившегося в Астрахань из Хивы человека из улуса Кара-Келмамбет-мурзы Омирдеулета о набеге на хивинские владения казахского султана Бекая и о взаимоотношениях хивинского Исфендийар-хана с соседними государствами // История Казахстана в русских источниках. Т. I. ... Док. №204. – С.303.

[3] Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осиё-йи Марказий ... 5-ҳужжат. – Б.79.

га [келсак], улуғ амирларга қатъий вазифалар берилдики ... ул хони азим ал-шаъннинг саломатликлари хабарини арзингизга етказадилар» деб қайд этилган[1].

Шоҳ Сафи томонидан Исфандиёрхонга юборилган яна бир мактуб «Маккаи муаъззама зиёрати учун имкониятлар яратиш» мавзуси билан қайд этилган[2]. Мактуб мазмунидан кўринадики, у Хива хонининг Эрон шоҳига қилган мурожаатига жавобан ёзилган хат бўлиб, юқори мартабали аъёнлардан бўлган Ялангтўш Баҳодирнинг Маккаи муъаззама зиёратига юборилиши ва бу борада Эрон шоҳининг хайрихоҳлиги ўз аксини топган. Унда маълум қилинишича, Хоразмдан келган ушбу аъён «шоҳона иноят ва жаннат асар мажлисларга сазовор бўлган». У орқали дўстлик изҳори битилган мактубнинг қабул қилиб олинганлигини қайд этган шоҳ бу мурожаат туфайли «дўстлик ва ҳамжиҳатлик биноси янгидан мустаҳкамланган»лигини маълум қилган. Ялангтўш Баҳодирнинг ҳаж зиёрати борасида «шарафан ва таъзиман билдирган истаклари» борасида эса Эрон шоҳи «ҳеч кимнинг хоҳишига монеълик йўқ ва ҳар вақт келиш истагини билдирса, юқоридагидек икрому эъзоз кўрсатилажак» деган фикрни билдирган. Шоҳ юборилган кишининг Эрон ҳудуди орқали ўтишига кўмаклашишга тайёр эканлигини билдириш билан бирга «...олий мартабали соҳиби қиръон Зулфиқорбек қўрчи бойбрдўлу(?)ни савоб талаби учун юқорида зикр этилган аъён билан бирга ул тарафга .... юборамизки, Файсал [шаҳри] гача кузатиб қўяди» деб илтифот кўрсатган мактубда.

Эслатиб ўтиш жоизки, Ўрта Осиё ва Эрон ўртасидаги зиддиятлар туфайли ўзаро савдо алоқалари катта зарар кўрган, ҳатто ҳаж зиёратига йўл олган зиёратчиларнинг жиддий қийинчиликларга учраган ҳоллари тарихда кўп учрайди. Шу билан бирга, юқорида кўрсатилган «Маккаи муаъззама зиёрати

[1] Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осиё-йи Марказий ... 5-ҳужжат. – Б.79.
[2] Ўша жойда. 4-ҳужжат. – Б.77.

учун имкониятлар яратиш»га доир мактуб, шунингдек, рус элчиси Ф. Беневенининг 1721 йили Теҳрондан Россияга юборган ахборотномасидаги маълумотлар бу борада маълум даражада фарқли фикрларни беради. Хусусан, Эронга элчи қилиб юборилган Ф. Беневени «бу ерда барча хорижий элчи ва сайёҳлар қатори Маккага йўл олган ва хон тавсияномасига эга бўлган ҳар қандай хивалик ёки бухороликка бутун ҳукуматдан ҳурмат кўрсатилиши лозим» эканлигини қайд этган[1]. Хива хонлигидан Рум (*Усмонийлар*) султони ҳузурига юборилган элчилар ёки ҳаж зиёратига йўл олган зиёратчиларнинг Эрон ҳудуди орқали ҳаракат қилганлиги тўғрисидаги маълумотлар кейинги давр манбаларида ҳам келтирилган. «Гулшани давлат»да маълум қилинишича, Муҳаммад Аминхон ҳукмронлигининг охирларида (1854/1855) ишончли амирларидан Ҳожи Шукрулло оғани Рум подшоси султон Абдулмажидхонга элчи сифатида юборар экан, унга ўзининг номидан вакил бўлиб ҳаж зиёрати амалини бажариш вазифасини ҳам юклайди. Асарда баён этилишича, «Байтуллоҳ зиёрати ва Рум сафорати учун нома ... ва йўл харажати учун ... кўп нақду мол» олиб йўлга чиққан Шукрулло оға «...узоқ дашт ва биёбонларни қатъ этиб» Эронга борган ва у ерда бир неча кун тургач Усмонийлар давлатининг жанубидаги Арзирум (Арзинат ур-Рум) шаҳрига бориб тушган[2]. Кўриниб турибдики, ҳаж зиёратига йўл олган ўрта осиёлик зиёратчилар, умумий қийинчиликларга қарамай, ҳукмдорнинг махсус хати орқали керакли шароитларга эга бўлишган.

Исфандиёрхон ва Эрон шоҳи ўртасидаги ёзишмаларнинг умумий мазмуни борасида хулоса қилиш мумкинки, Хива хонининг Эрон саройи билан яқин алоқалари ҳақиқатан Абулғози султонни Хива тахтидан узоқда сақлашда самарали тадбир бўлган.

Абулғози султон, Эронда ўзига ҳурмат-эҳтиром кўрса-

---

[1] Попов А. Сношение России с Хивой ... – С.122.
[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.207.

тилганига қарамай, ҳамиша она юртига қайтишга интилар ва бунинг учун қулай фурсатни пойлар эди. Тутқунликнинг ўн биринчи йили Эрондан қочишга муваффақ бўлган Абулғози султон акасининг вафотидан кейингина ҳокимиятга эришган эди. Хусусан, Абулғози султон акасининг вафотидан олти ой олдин Хоразмга етиб келган бўлса-да, бу даврда ўз мавқеини мустаҳамлаб олган туркман қабилаларининг бошлиқлари уни Хивага яқинлаштирмаган эдилар. Аксинча, улар Бухоро хони Надр Муҳаммадхон (1642 – 1645) номини хутбада ўқитиб, ундан Хоразмни ўз қарамоғига олишини сўрашган[1].

«Фирдавс ул-иқбол»дан маълум бўлишича, Хива хони Исфандиёрхондан Юшан ва Ашраф исмли икки ўғил қолган, «аларни [Бухоро хони] Надр Муҳаммадхон Бухороға элтуб, Қаршида ер берган»[2].

Исфандиёрхоннинг кичик ўғли Ашраф султоннинг Москвада яшовчи амакиси Афғон султонга ёзган мактуби маҳаллий «Солнома»лардаги ушбу маълумотни тасдиқлайди. Зеро, шаҳзода акасининг Бухорога юборилганлиги, ўзининг эса Хива саройида яшаб турганлигини хабар қилган[3].

1643 йили Исфандиёрхоннинг тўнғич ўғли томонидан рус подшосига юборилган мактуб мавжуд вазият ҳақида кенгроқ

---
[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.179.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.89.
[3] Перевод з грамоты, что пишет к юргенскому Авган-Маметю царевичю племянник его Ашрефь царевичь з гонцом бухарского Надыр-Магамметя царя с Ших-Бабою // Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ... – С.306.

тасаввур беради[1]. Мактуб «Сизга бош уриб шуни маълум қиламизки, ўтган йили Яратганнинг иродаси билан отамиз бизни тарк этди» деб бошланиб, воқеа-ҳодисалар тафсилотига ўтилади. Унда баён этилишича, марҳум хон вафотидан олдин ўзининг яқин одамлари ва мулозимлари билан маслаҳатлашган ҳолда шаҳзодаларни ҳамда Хоразм мамлакатини Бухоро хони Надр Муҳаммадхонга топширишни буюрган.

«Биз ҳозирда Бухоро хонининг марҳамати ва қарамоғидамиз ва ҳеч нарсага муҳтожлигимиз йўқ», – деб ўзларининг ҳолати тўғрисида ахборот берган Хоразм султони «Урганч давлати»дан ишончли амалдорлар келиши билан Бухоро хони уларни ота юртига юборишини маълум қилган. Рус подшосига соғ-саломатчиликда узоқ йиллар ҳукмронлик қилишни тилаб қолган султон ушбу ёрлиқ билан бирга зарҳал ипда ишлов берилган рангли ипак мато ва ипак белбоғ бериб юборганлигини эслатиб ўтган[2].

Бухоро тахтига яқиндагина ўтирган Надр Муҳаммадхон бевосита Хоразмга келиб, шахсан ҳокимиятни бошқара ол-

---

[1] Мазкур ҳужжат мактубнинг асл нусхасидан, яъни чиғатойдан ўрта аср рус тилисига қилинган таржима бўлиб, «муҳрда султон Сайид ибн Исфандиёрхон исми қайд этилган» деб изоҳ берилган ва ушбу нусханинг 1644 йилда Бухоро ҳужжатлари устунидан кўчирилганлиги кўрсатиб ўтилган. Мавжуд рус архив ҳужжатларининг деярли барчасида Исфандиёрхоннинг Рус подшоси (мактубларда Оқ подшо) билан ёзишган тўнғич ўғли Сайид Муҳаммад деб кўрсатилади. Иккинчи ўғлининг исми келтирилган ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлиб, унда Ашраф султон (Ашрефь царевич) алоҳида тилга олинади. Демак, маҳаллий манбада Юшан султон деб кўрсатилган Хоразм султони, рус ҳужжатларида Сайид Муҳаммад султон (Сеит-Магаметь царевич) сифатида қайд этилади. Қаранг: Перевод с грамоты к Царю Михайлу Федоровичу от Юргенчского Царевича Сейта известительной о злаполучиях переносимых им по случаю смерти отцовской и о пребывании его в Бухарии. РГАДА. Ф. 134, оп. 2, д. 19.

[2] Рус императорига расмий хат сифатида тақдим этилган ушбу мактубнинг асосий матни 1932 йилда нашр қилинган архив материаллари тўпламидаги «иккита хусусий мактуб»да ҳам келтирилган. Зеро, Хоразм султонлари Москвада яшовчи амакиси Афғон султонга хат ёзиб, отаси Исфандиёрхоннинг вафоти ва ўзларининг аҳволини маълум қилар эканлар, бу ҳақда рус подшосига ҳам расмий баёнот беришлари табиий ҳол эди. Қаранг: Два частных письма, присланные в Москву хивинскому султану Авган-Мухаммеду от племянников его Сеида и Ашрефа из Хивы и Бухары с известием о смерти отца их Исфендиара // Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ... – С.243 – 245.

мас, шу боис Хива ва Ҳазораспга ўз ноибларини юборган эди. Чунки жиддий зиддиятларни келтириб чиқармаслик учун Бухоро хони бошқарув ишларини бевосита маҳаллий кучларнинг ихтиёрида қолдирган эди. «Шажарайи турк»да таъкидланишича, «Хевақ билан Ҳазораспнинг амалотини Асфандиёрхон кимга берган бўлса, Надр Муҳаммадхоннинг келган илғор беклари шул кишидан аюрмаган». Бир оздан сўнг Хивага юборилган Бухоро хонининг набираси Қосим султон ҳам бу сиёсатга амал қилиб, асарда таъкидланганидек, «...ул ҳам Хевақнинг амалот ва маҳсулина ҳеч дахл қилмаган» эди[1].

Бу орада Эрондан ўз юртига қайтган Абулғози султон вазият тақозоси билан ташқаридан таянч қидиришга ва ўзининг қонуний ҳуқуқини куч билан олишга мажбур бўлган эди. Шу боис дастлаб 1643 йили ўзбек уруғларининг мавқеи юқори бўлган Оролда хон этиб сайланган. Бухоро хонлигида бошланган сиёсий тартибсизликлар, яъни хонга қарши уюштирилган фитна ва Надр Муҳаммадхоннинг тахтдан олиниши вазиятни Абулғози султон фойдасига ўзгартирган эди.

Орол ўзбекларига таянган Абулғозихон (1645 – 1663) Хивага қарши кураш бошлаб, 1645 йили хонлик тахтини эгаллаган. У мамлакат ичидаги ўзаро қирғинбарот урушларга қисқа вақт бўлса-да чек қўйишга эришган эди. Мамлакатда тинчликни қарор топтириш мақсадида мухолиф бўлган туркман қабилаларининг қаршилигини енгиш учун бир қанча юришлар уюштирган. Уларни заифлаштирган хон ўз юришларини Бухоро хонлигига қаратган.

Абулғозихоннинг Бухорога етти марта юриш қилиб, унинг шимолий ва ғарбий вилоятларига катта талафот етказганлигини қайд этган Я. Ғуломов ушбу масала юзасидан ўз мулоҳазаларини ҳам билдириб ўтган. У Абулғозихоннинг бу ҳужумларига «хазинани тўлдириш учун қилинган талончилик» деб

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.179.

қараган Н.И. Веселовскийнинг масалага бир томонлама ёндашганлигини кўрсатиб ўтган. Олим тўғри таъкидлаганидек, масаланинг асосий замирида ўзининг жиддий рақиби бўлган Бухоро хонлигини заифлаштиришда у ердаги ички зиддиятлардан фойдаланиб қолиш мақсади ётган эди[1].

Эътибордан қочирмаслик зарурки, Хива туркманларининг даъвати билан Хоразм бошқарувини ўз қўлига олган Бухоро хони Надр Муҳаммадхон ва унинг ворислари Хива хонлиги мустақиллиги йўлида жиддий тўсиқ эди. Қолаверса, Абулғозихоннинг изоҳ беришича, бу юришларга Балх ҳокими Субҳонқулихоннинг Бухоро тахтида ўтирган ўз акаси Абдулазизхонга қарши ёрдам сўраб мурожаат этганлиги ҳам сабаб бўлган. «Шажарайи турк»да келтирилишича, Субҳонқулихон Хива ҳукмдори Абулғозихонга куёв бўлиб, укаси Шариф Муҳаммаднинг қизига уйланган эди. Шу боис Бухоро хонлигида юзага келган ўзаро курашда Хоразм шоҳининг мададига умид қилган Субҳонқулихон унга элчи юбориб, ўз истагини қуйидагича етказган: «... акам Абдулазизхон қасд қилған эмишким, мени ўлтургай, тақи Балхни ҳам олғай. Эмди менинг отам ва ақам сизсиз. Менинг сиздан ўзга пушти-паноҳим йўқ. Агар сиз анинг бирлан ёв бўлуб, Бухорони чопмасангиз, ул келиб Балхни ҳам олур ва мени ҳам бегуноҳ ўлтурур»[2].

Абулғозихон Хива хонлигида марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интилиб, қизғин ташқи алоқаларни олиб боришга, издан чиққан савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйишга катта эътибор берган эди. У дипломатик ва савдо муносабатларини мустаҳкамлаш учун Шихбобо ва Шоҳжаҳонни элчи қилиб Ҳиндистонга юборган[3]. Ўзининг элчиси Давлатманд орқали эса Россия – Хива савдо алоқаларини мустаҳкамлаш чораларини кўрган. Мамлакат тинчлиги йўлида туркманларнинг му-

[1] Гулямов Я. История орошения Хорезма ... – С.199.
[2] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.185.
[3] Юсупов К. Абулгази и Хивинское ханство в первой половине XVII века ... – С.11.

холиф гуруҳларига қарши бир қанча юришлар уюштиришга мажбур бўлган Абулғозихон узоқни кўра биладиган сиёсатчи сифатида учинчи томоннинг аралашувини бартараф қилиш мақсадида 1648 йили Эрон шоҳи Аббос II (1642 – 1667)га элчи юборган[1]. Бу элчилик орқали тадбиркор хон Эрон бетарафлигини таъминлаш билан бирга икки давлат ўртасида савдо ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга эришган.

Абулғозихоннинг Эрон шоҳи билан ёзишмалари икки давлат ўртасидаги муносабатлар характери ҳақида маълумот беради.

Шоҳ Аббос II томонидан «Урганч ҳокими Абулғозихонга» йўлланган мактуб «дўстона муносабатлар ва иттифоқчилик қилиш ҳамда талончилик ва талон-торожга чек қўйиш» масаласига қаратилган[2]. Унда Эрон шоҳи «...чунончи, дину эътиқодимизда дунёвий ишларни тартибга солишда дўстларнинг иттифоқ бўлиши назарда тутилгандир» деб Абулғозихонни «иттифоқчилик ва якдиллик асосларини мустаҳкамлаш»га чақиради. Аббос II «...ўшал чингизхоний сулоласи [вакиллари] бир неча марта Мовароуннаҳр диёрида истиқомат қилгувчиларни талон-торож қилиш мақсадида» юришлар қилганликлари қулоғига етганлигини маълум қилиб, бу ҳужумларга чек қўйишни тарғиб этган. Бу билан «Яратганнинг розилигига ва халойиқни хотиржам қилишга эришиш» олий мақсадлари эканлиги Эрон шоҳи томонидан бир неча бор такрорланган. Хатнинг мазмунидан Эрон шоҳи бевосита Бухоро ҳукмдорларининг мурожаатига кўра Хива хонини Бухоро хонлиги ҳудудларига юриш уюштиришдан қайтаришга уринганлигини англаш мумкин.

Абулғозихон умрининг охирида ҳарбий юришлардан воз кечиб, айниқса, қўшни Бухоро хонлиги билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган, «ёшимиз етмиш-

[1] Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа ... – С.59.
[2] Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осиё-йи Марказий ... 6-ҳужжат. – Б.82.

га етди. Эмдидин сўнг мусулмон халқға ёмонлик қилмоқнинг маъноси йўқ деб подшоҳликни ўғулларига бериб, товба ва ибодат қилиб, Мовароуннаҳрга элчи юбориб, Абдулазизхон билан ярашиб, тарих минг тақи етмиш тўртда ... дорулфанодин дорулбақоға рихлат қилди» деб қайд этилади манбада[1].

Бухоро хонлиги манфаатлари нуқтаи назаридан ёзилган «Тарихи Муқимхоний» асарининг муаллифи Абулғозихоннинг Бухоро ҳудудларига уюштирган юришларини нафрат билан баён этар экан, унинг вафоти ҳақида «...ногоҳ бебахтларнинг дуо ўқлари нишонга тегиб, Абулғозихоннинг ёқасига ёпишган қисмат ажали унинг тахтини тобутга алмаштирди» деб таъкидлайди[2].

Мавжуд маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, Хоразм томонининг ҳарбий-сиёсий устунлиги билан бирга Бухоро хонлигида авж олган ички сулолавий курашлар ҳам бу даврда Хива хонлигининг фойдасига хизмат қилган эди.

Шу жиҳатдан бу юришлар Абулғозихоннинг ўғли Анушахон (1663 – 1687) даврида ҳам давом этган. «Анушахон ҳатто шу даражада [қўрқмадики], хожаларнинг манзили бўлмиш Жўйборни ҳам эгаллаб, талон-торожга буюрди», – деб таъкидланади манбада[3]. «Тарихи Муқимхоний» асарида 1665/1666 йилда Хоразм қўшинларининг Бухорога ўн саккиз маротаба ҳужум қилиб, кўп кулфатлар келтирганликлари баён этилган[4].

Шу ўринда «Тарихи Муқимхоний» асарининг муаллифи Муҳаммад Юсуф мунший Хива хонларининг бу юришларига изоҳ бериб, Бухоро тахтининг валиаҳди ва Балх ҳокими Субҳонқулихон ўзининг акасига бўлган адовати туфайли Анушахонни шундай ҳаракатларга ундаганлигини қайд этади. Тарихчининг маълум қилишича, бу адоватдан хабар топган Абдула-

---
[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.188.
[2] Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история ... – С.104.
[3] Ўша жойда. – С.103 – 104.
[4] Ўша жойда.

зизхон қарилик ва вужудидаги заифлик ўзини енгиб қўйганлигини англаб, Бухоро хонлиги тахтини укасига топшириб, ўзи ҳаж зиёратига йўл олган[1].

Асардаги маълумотлар Анушахоннинг Бухоро хонлиги ерларига уюштирган ҳужумлари, ҳатто Бухоро тахтини эгаллашдаги муваффақиятига хонлик ичидаги зиддиятлар ҳамда марказий ҳокимиятнинг заифлашгани сабаб бўлганлигини кўрсатади. Муҳаммад Юсуф муншийнинг хабар беришича, Субҳонқулихоннинг ўғли Сиддиқ Муҳаммад султон (1683 – 1684) Балх ҳокими этиб тайинлангач, унинг зулмига қарши исёнлар бошланиб кетган эди. Айни пайтда, Анушахон Урганчдан кўпсонли қўшин билан келиб, Самарқанд ва Бухоро атрофларига ҳужум қилган. Самарқандни эгаллагач шаҳарнинг барча юқори мартабали амалдорлари Анушахон номига хутба ўқитиб, танга зарб эттиришга қарор беришган. Бухоронинг Фозил девонбеги, Туғма парвоначи, Бек Муҳаммад додхо сингари хондан норози бўлиб юрган кўпчилик нуфузли амирлари ҳам Субҳонқулихонга қарши бўйсунмаслик йўлини тутиб, исёнкорлик ҳаракатини бошлаб юборган эди. Бадахшон ҳокими Маҳмудбий оталиқ қатағоннинг кўрсатган жасорати туфайлигина Бухоро кучлари ғалабага эришган эди[2].

Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асарида Анушахоннинг Бухоро хонлигига уюштирган юришлари батафсил ҳикоя қилинар экан, Субҳонқулихондан норози бўлган кучларнинг Хива хони билан ҳамкорлик қилганлигига урғу берилган[3].

Муҳаммад Юсуф Муншийнинг таъкидлашича, Хоразм амалдорлари Анушахоннинг қўшни Бухоро хонлигига нисбатан юритаётган сиёсатидан норози бўлишган. Шу жиҳатдан Хоразм қўшинлари мағлубиятга учраб, ортга қайтгач, бир

[1] Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история ... – С.103 – 104.
[2] Ўша жойда. – С.123 – 125.
[3] Ходжа Самандар Термези. Дастур ал-мулук ... – С.101 – 103, 105.

неча кундан сўнг Урганчнинг юқори мартабали амирлари Бухорога мактуб йўллаб, «...бу бадбахт [Анушахон] бир неча бор шарифлар ва олимлар юрти бўлмиш Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб енгилди ва кўп одамлар унинг бахтсизлиги орқасидан ўлим қадаҳини сипқорди. Бу бахти қаро аҳоли унинг зулмидан азобу уқубат ҳамда оғир меҳнатдан бахтсизликларга дучор этилди. Энди биз бу золимни олиб ташлаб, халқни унинг зулмидан озод этишга қарор қилдик» деб мурожаат этишган[1].

Ўз навбатида, Бухоро хони бу мактубга жавобан уларга мадад беришини билдирган. Бир неча кундан сўнг эса Анушахон Урганч амирлари томонидан тутилиб, кўзлари кўр қилинганлиги тўғрисида Бухорога хабар келган эди.

1675 йилда Ўрта Осиё хонликларида бўлган рус элчиси Василий Даудовнинг ҳисоботида ҳам бу вақтда Хива ва Бухоро хонликлари ўртасида кураш кетаётганлиги ҳақида маълумот бериб ўтилган[2].

Анушахоннинг Рус подшоси билан 1675, 1679 йиллардаги ёзишмалари юқорида келтирилган маълумотлардан фарқли ҳолат ҳақида гувоҳлик беради.

1675 йил февраль ойида Хивага юборилган мактубда «Буюк Рус ... ерларининг подшоси буюк князь Алексей Михайлович ўзининг элчилари Василий Александрович Даудов ва Мамет Исуп Касимов (*Муҳаммад Юсуф Қосимов*)ларга аввал Хива хони ҳузурида бўлиб, сўнг Бухоро хони Кобыл Газы (*Абдулазизхон*) юртига бориш буюрилган»лигини хабар қилган. «Урганч ва Хива ерларининг бошлиғи (начальник) Навшам Бет (*召Ануша Муҳаммадхон*)»дан уларни Бухоро ерларига кузатиб қўйишни сўраган рус подшоси қайтишда ҳам элчиларни соғ-саломат рус ерларигача ўтказиб қўйиш, қолаверса, бошқа давлатларга йўл олган рус элчиларига ҳам худди шун-

---

[1] Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история ... – С.147.

[2] Чулошникова А. Торговля Московского государства // Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР...– С.338 – 339.

дай хизмат кўрсатишни сўраган[1].

Кўриниб турибдики, Рус давлатининг Шарқ мамлакатлари билан алоқаларида Хива хонлиги муҳим боғловчи бўғим ва восита вазифасини ўтаган.

1679 йил январь санаси билан қайд этилган мактуб мазмунидан унинг Анушахон томонидан рус подшосига қайтарилган жавоб хати эканлиги маълум бўлади. «Буюк Оқ подшога табрикларимиз» деб бошланган мактубда Хива хони, аввало, рус подшоси юборган ёрлиқ (любительная грамота) ни қабул қилиб олганлиги ҳамда унга жўнатилган ҳадяларнинг тўлиқ етиб келганлигини қайд этган. Шунингдек, Хива хони рус элчиларининг Бухоро хони ҳузурига соғ-саломат кузатиб қўйилгани, қайтишда ҳам уларни худди шундай тарзда ўтказиб қўйишга буйруқ берганлигини хабар қилган[2].

Юқоридаги мактубга илова қилинган хатда Хива хони рус подшоси юборган туҳфаларнинг тури ва сони юзасидан тушунтириш берган. Хусусан, Бухоро хони Абдулазизхонга юборилган тўққизта ов қуши ва қушчи қайд этилар экан, Анушахон қушлардан иккитасини ўзига олиб қолганлигини маълум қилган. Хива хони бунга изоҳ бериб: «Бухоро хони менга ўз отамдек бўлади ва мен бу ҳақда Бухоро хонига ёзиб юбордим. Мен билан унинг ўртамизда келишмовчилик йўқ ва шунга умид қилиб иш тутдим, қолган қушлар эса Бухоро хонига етказилди ... ва бу қушлар борасида муаммо бўлмайди», – деб таъкидлаган[3].

Келтирилган маълумотларда Анушахоннинг Бухоро хони

---

[1] Копия с грамоты Царя Алексея Михайловича к Юргенскому Царю Анавша Мамет Багадыря, отправленной с Российскими посланниками Васильем Даудовым и Мамет Исупом Касымовым. РГАДА. Ф. 134, оп. 2, д. 31.

[2] Бухоро ҳужжатлари китобидан кўчирилган ушбу ҳужжат мактубнинг таржима нусхаси бўлиб, унинг охирида мактубдаги муҳрга изоҳ берилар экан, «Яратганнинг қули Ануша ибн Абулғозихон» ёзуви битилганлиги қайд этилган. Қаранг: Перевод с грамоты к Царю Алексею Михайловичу от Юргенского Царя Анавша Мамет Багадыря, присланной с посланником Васильем Даудовым, который благодарит Государя за присланные к нему подарки. РГАДА. Ф. 134, оп. 2, д. 38.

[3] Перевод с другой грамоты к Государю от Юргенского хана (Анавша Мамет Багадыря). РГАДА. Ф. 134, оп. 2, д. 39.

билан ўзаро муносабатларига доир маҳаллий «Солнома»-ларда учрамайдиган ҳолат акс этганлигини алоҳида қайд қилиш жоиз. Зеро, уларда Анушахоннинг Бухоро хони билан «ота-боладек» жуда яқин муносабатда бўлганлиги кўрсатилган.

«Тарихи Муқимхоний»да Анушахондан кейин тахтга ўтирган Эренгхон (1690 – 1694) даврида ҳам Бухоро хонлиги билан муносабатлар зиддиятли бўлганлиги кўрсатилади. Асарда қайд этилишича, хоннинг ўзбилармонлик сиёсати нафақат ташқи сиёсатда, балки юқори табақа вакиллари билан ички қарама-қаршиликларни ҳам келтириб чиқарган эди. «У бадбахт донолар маслаҳатига қулоқ тутмай, улардан жаҳли чиқди ва улар (*мартабали амалдорлар*) ватанини ташлаб ўзга юртларга кетишга мажбур бўлди», – деб таъкидланади манбада[1]. Эренгхон Бухоро хони Хуросон юриши билан банд бўлган вақтларда «мамлакатни холи деб билиб» Бухоро хонлигига юриш қилган. Қоракўл дарвозалари яқинида «ғалаба байроғини баланд кўтарган» Хоразм қўшинларининг ҳаракатидан хабар топган Субҳонқулихон ўзининг энг сара аскарларини Хуросонга юборгани боис душманга қарши курашда шошиб қолган. Қолаверса, Муҳаммад Юсуф Мунший қайд этганидек, Эренгхоннинг «бу қадар шошилинч тарзда бундай бузғунчиликни қилиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди»[2].

«Убайдулланома» асарида Хива хони Эренгхон Бухородаги исёнкор кучларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида Бухоро тахтини эгаллашга муваффақ бўлганлиги эслатиб ўтилади. Хусусан, у ерда кўрсатилишича, Убайдуллахон айрим амалдорлардан норози бўлиб: «...Туғма ёбу отамиз даврида Мовароуннаҳрда исёнлар қилиб, бу билан [биз] мусулмонлар устидан урганчлик Эренгхоннинг ҳукмронлик қилишига имкон

[1] Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история ... – С.147.
[2] Ўша жойда. – С.149.

яратиб берган эди», – деб таъкидлаб ўтган[1].

Бухоро хонлиги билан зиддиятлашган ҳолларда Хива хонлари қўшни Эрон давлати билан яхши қўшничилик алоқаларини олиб боришга интилган. Хусусан, Хивадан қайтаётган рус элчиси В. Даудов (1677) минтақадаги халқаро вазиятга баҳо берар экан, Эрон шоҳи билан Хива ҳукмдорининг дўстона алоқада бўлиб, ўзаро элчилар алмашиниб турганликларини маълум қилган[2].

«Фирдавс ул-иқбол» асарида Эренгхон даврида Исфаҳонга Ҳусайншоҳ (1694 – 1722) ҳузурига элчи қилиб юборилган юз қабиласининг нуфузли амалдорларидан бўлган Жиянбий тўғрисида маълумот берилган[3]. Асарда элчиликнинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхтаб ўтилмаган бўлса-да, сохта Эренгхон[4] тахтга ўтиргач «бир ойдин сўнг, ... Жиянбий юзким, Арангхон (Эренгхон)нинг илтифоти ва Одина Муҳаммад отолиқ ва Худойқул иноқнинг сайъи била Исфаҳонда Султон Ҳусайн шоҳға элчи қилиб» юборилди деб қайд этилган[5].

«Тарихи Муқимхоний»даги маълумотдан кўриш мумкинки, Эренгхоннинг Бухоро юришларидаги муваффақияти узоққа чўзилмаган. У ерда қайд этилишича, Бухоро кучларидан енгилган Эренгхон Хоразмга қочиб боргач ўзининг амирларидан норози бўла бошлаган, улар эса хон маҳрамлари билан тил бириктириб, уни заҳарлаб ўлдиришган. Бу ҳодисаларни Бухоро хонига хабар берган амирлар Урганч халқининг Субҳонқулихон номига хутба ўқиб, танга зарб этганликларини маълум қилишган. «Тарихи Муқимхоний»да кўрсатилишича, Хоразм амирлари Бухоро хонидан бирор ишончли мулози-

---

[1] Мир Мухаммед Амин-и Бухари. Убайдулла-наме ... – С.73.

[2] Чулошникова А. Торговля Москосвкого государства // Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР... – С.338 – 339.

[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.147. Асар муаллифи Жиянбийни ўз аждодларидан бири эканлигини қайд этиб ўтган.

[4] Тўсатдан вафот этган ҳақиқий Эренгхон ўлими сир тутилиб, тоғасининг ҳар томонлама унга ўхшаган ўғли Эренгхон номи билан тахтни бошқарган.

[5] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.96.

мини Хоразм юртини бошқариш учун юборишини сўрашган, Субҳонқулихон эса Хоразмга ҳоким этиб Ниёз эшикоғабоши қатағонни юборган[1].

Келтирилган маълумотлар таҳлили кўрсатадики, XVI аср иккинчи ярми ва XVII аср мобайнида Хива хонлигида содир бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар унинг қўшни давлатлар билан олиб борган муносабатларига боғлиқ равишда кечган. Бухоро хони Абуллахон II юритган истилочилик сиёсати бутун минтақадаги кучлар нисбатига таъсир кўрсатиб, Хива хонлигининг Эрон билан алоқаларини янада мустаҳкамлаган. Бу муносабатлар Ҳожи Муҳаммадхон даврида, айниқса, энг юқори чўққига чиққан. Унинг ворислари даврида ҳам Эрон Сафавийлари билан яқин қўшничилик алоқалари олиб борилган. Шу боис Хоразм давлатчилиги тарихининг бир қатор масалаларига доир ноёб ва қизиқарли маълумотлар айнан Сафавий ҳукмдорларга бағишлаб битилган солномаларда ўз аксини топган.

Анушахоннинг Рус подшоси билан ёзишмаларидан кўриш мумкинки, Рус подшолигининг «Шарқ сиёсати»да, жумладан, унинг Бухоро, Балх, Ҳиндистон сингари Осиё давлатлари билан савдо ва дипломатик алоқаларини олиб боришида Хива хонлиги ўзига хос боғловчи бўғин сифатида муҳим ўрин тутган. Шу жиҳатдан Хива хонлиги ҳудуди ўзининг геостратегик жойлашувига кўра нафақат минтақавий, балки трансминтақавий аҳамиятга эга бўлган. Рус подшоси гарчи ўзини «буюк подшо олий ҳазратлари» деб, Хива хонини, ўзларида қабул қилинган қоидага кўра, мавқеини пасайтирган ҳолда «Урганч ва Хива ерларининг бошлиғи (начальник)» сифатида қайд этса-да, Рус давлати учун муҳим бўлган «асирларни озод этиш», «элчилар хавфсизлигини таъминлаш» ҳамда «қўшни Шарқ давлатлари билан ўзаро савдо-дипломатик муносабатларни

[1] Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история ... – С.148 – 149, 153.

мустаҳкамлаш» сингари масалаларда Хива хонлигининг алоҳида ўрни борлигини тан олган.

Хива хонлигининг Эрон билан муносабатлари борасида аксарият адабиётларда диний қарама-қаршилик, хусусан, шиа-сунний зиддияти икки давлат ўртасида жиддий тўсиқ бўлганлиги қайд этилса-да келтирилган маълумотлар ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари ҳақида ҳам кенг тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш орқали хулоса қилиш мумкинки, диний қарама-қаршилик, аслида, икки ҳудуд ўртасидаги чегарадош ерлар, хусусан, Хуросон учун олиб борилган сиёсий рақобат ва ҳукмрон доираларнинг иқтисодий манфаатларини оқлаш билан боғлиқ бўлган.

# II БОБ

# XVIII АСРДА ХОНЛИКНИНГ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ТАШҚИ АЛОҚАЛАР МАСАЛАСИ

## 2.1. «ХОНБОЗИ» – «ТАХТ ЎЙИНИ» ДАВРИДА (1700 – 1770) ХОРАЗМНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТУТГАН ЎРНИ

XVIII аср бошларидан то 1770 йилгача, яъни Қўнғиротлар сулоласи вакиллари ҳокимият тепасига келгунга қадар Хива хонлигида сиёсий беқарорлик ҳукм сурган давр бўлиб, адабиётларда унинг дастлабки 30 йилдан ортиқроғи *туманли* – мавҳум давр, кейинги 40 йилга яқини эса *хонбози – хон бўлиш ўйини* ёки *тахт ўйини* сифатида тилга олинади[1].

Арабшоҳийлар сулоласи даврида эришилган сиёсий бирлик ва нисбий осойишталик Анушахоннинг ўғли Эренгхон (1690 – 1694)дан кейин барҳам топган эди. Манбаларда бу даврга келганда айрим ҳукмдорларнинг Дашти Қипчоққа, қозоқ уруғлари ичига сургун қилинганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Хусусан, «Фирдавс ул-иқбол»да таъкидланишича, Ҳожимхон наслидан бўлган Худойдод лақабли Валихон (1697 – 1699) «мажнунваш ва нодон киши эрди ва юртға низом бера олмаган», шу жиҳатдан давлат бошқарувида катта таъсирга

[1] Хорезм в истории государственности Узбекистана ... – С.160.

эга бўлган «Одина Муҳаммад оталиқ ани азл қилиб (*тахтдан туширив*), Дашти Қипчоқға қазоқ ичиға юборган»[1]. Кўриниб турибдики, бу даврдан бошлаб давлат бошқарувида юқори табақа вакилларининг таъсир кучи ортиб борган.

Шу жиҳатдан хонликда ҳокимият учун ўзаро курашлар ҳамда Орол вилояти ҳокимлари ва Бухоро хонларининг аралашуви билан тайинланган «қўғирчоқ хонлар»нинг тез-тез алмашинуви авж олиб кетган эди. Жумладан, Шоҳниёзхон (1698 – 1702)нинг Бухородан келтирилиб, Хива тахтига ўтқазилиши Хоразмдаги айрим сиёсий кучларнинг Бухоро хонлиги ҳукмрон доираси билан келишуви асосида амалга оширилган эди. Ўз навбатида, у ҳокимиятини мустаҳкамлаш, яъни ҳам Бухоро, ҳам Хива хонлигидаги сиёсий кучлар таъсиридан халос бўлишга интилган. Бунинг чорасини рус ҳукумати билан ҳамкорлик қилишда кўрган хон 1700 йилда Пётр I га мурожаат этиб, рус фуқаролигига ўтиш нияти борлигини билдирган.

Масалани таҳлил қилган Х. Ғуломов ҳам «маълумки, Шоҳниёзхоннинг ўз ҳукмронлигидаги элу элат билан Россия фуқаролигига ўтишни сўраб қилган илтимоси замирида ўзига қарашли хонлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва унинг Бухорога вассал қарамлигини сусайтириш мақсади ётар эди» деб хулоса берган[2].

Тадқиқотчи А.А. Андреев кўрсатиб ўтганидек, Шоҳниёз эшикоғаси тарихда Хивани Россия тобелигига қабул қилишни сўраб мурожаат этган шахс сифатида машҳур[3]. Шу ўринда ушбу мурожаатнинг ҳақиқатан ҳам бўлганлиги баҳсли масала эканлигини таъкидлаган муаллиф икки хил қарашни кўрсатиб ўтади. У «ҳеч қандай мурожаат бўлмаган» деган иккинчи қарашга ён босган ҳолда Шоҳниёзхон томонидан Петр I га юборилган ёрлиқнинг асл нусхасида 3 та пукт бўлган бўлса, унинг

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.96.
[2] Ғуломов Х.М. Ўрта Осиё ва Россия ... – Б.33.
[3] Андреев А.А. Хивинское ханство в начале XVIII века ... – С.22.

рус тилига таржимасида 5 та пунктни кўриш мумкинлиги ва аввалги пункт тобеликка қабул қилиш масаласи билан бошланганлигини қайд этади. Шу билан бирга, бу ёрлиқни, жумладан, унинг расмий «формулировка»си сингари масалаларни анча батафсил таҳлил қилган муаллиф бу борада қатъий хулоса беришнинг ҳануз имкони йўқлигини таъкидлайди[1].

Бу масалани мулоҳаза қилган Р. Почекаев эса 1700 йилда Хива хони Шоҳниёз томонидан юборилган мурожаатга кўра Петр I хонликни Рус давлати таркибига киритиш тўғрисида фармон чиқарганлигини кўрсатар экан, анча қатъий хулоса беради. Унинг таъкидлашича, Россия империяси ҳукумати Хива хони томонидан билдирилган дўстлик ва савдо алоқаларини олиб бориш тўғрисидаги таклифни нотўғри тарзда, яъни уларнинг рус тобелигини қабул қилиш истаги деб талқин қилган эди[2].

«Фирдавс ул-иқбол»да бу давр ҳақида маълумот келтирилар экан, Шоҳниёзхон ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлиги билан дўстона алоқалар йўлга қўйилиб, халқ ғам-ташвишдан фориғ бўлганлиги қайд этилади[3]. Аслида, бу вақтда Хива хонлигида марказий ҳокимиятнинг заифлашиб кетганлиги унинг давлат бошқаруви ва ички ишларига Бухоро хонларининг аралашуви учун кенг йўл очиб берган эди. Хива хонлиги тахтида узоқроқ ҳукм сурган Шерғозихон даврида (1715 – 1728) нисбатан барқарорлик ўрнатилган. У Арабшоҳий Султонғози авлодидан бўлиб, Бухоройи шарифда туғилиб, таълим олган ҳамда 1715 йилда уни Бухородан келтириб, Хива тахтига ўтқазишган. Ўн йилдан ортиқроқ ҳукмронлик қилган Шерғозихон ва ундан кейин Элбарсхон II (1728 – 1740) мустақил ички ҳамда ташқи сиёсат юритиш ҳамда хон ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилган ва маълум вақт бунга эришган эдилар.

---

[1] Андреев А.А. Хивинское ханство в начале XVIII века ... – С.22.
[2] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.203.
[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.96.

Шу билан бирга, Хива хонлигида бошланган сиёсий инқироз, умуман, Ўрта Осиёда юзага келган парокандалик Россия империяси учун ўзининг «Шарқ сиёсати»ни фаоллаштириш имконини берган эди. 1714 – 1717 йилларда уюштирилган Александр Бекович-Черкасский бошчилигидаги ҳарбий экспедиция бунга мисол бўлади.

Шерғозихон ҳукмронлигининг дастлабки даврида уюштирилган ушбу «элчилик миссияси» хон ва унинг атрофидагиларда катта хавотир уйғотганлиги табиий эди. Хусусан, 6000 аскардан иборат экспедиция таркиби Каспий денгизи бўйида қалъанинг барпо этилиши сингари ҳолатлар Шерғозихоннинг шубҳаланишига асос бўлган эди[1].

Бу экспедициянинг хонлик манфаатларига дахл қилмасдан қолмаслигини тушунган хон қандай йўл билан бўлмасин уни барбод этишга уринган эди. Яхши қуролланган ва махсус тайёргарлик кўрган рус қўшинларига очиқ жанг қилишнинг фойда бермаслигини англаган Хива хони ҳийла ишлатиб уларни майда-майда қисмларга ажратган ҳолда ҳалок қилган.

Рус ҳукумати бу ҳолатни Хива хони томонидан ўртадаги келишувга хиёнат қилиш деб баҳолаган. Расмий қайдларда ҳам, ўша давр адабиётларининг аксариятида ҳам А. Бекович-Черкасский Рус подшоси томонидан элчи сифатида Хива хонлигига эзгу мақсадларда юборилганлиги қайта-қайта такрорланган[2]. Албатта, расмий жиҳатдан бу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатлар, жумладан, А. Бекович-Черкасскийга Россия

---

[1] Ғуломов Х.М. Ўрта Осиё ва Россия ... – Б.38; Хорезм в истории государственности Узбекистана ... – С.161.

[2] Экспедициянинг мақсади ва барбод бўлиш тафсилотлари ҳақида қаранг: Лебедев В. Посольство в Хиву в 1716, 1717, 1718 гг. – СПб., 1846. – 20 с.; Лобысевич О.И. Взятие Хивы и Хивинская экспедиция // Журнал Вестник Европы. Август. 1873. – С.487 – 501; Дружинин Н.М. В страну туркмен и узбеков. – Л., 1927. – 120 с.; Гуломов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией ... – С.222; Маннонов Б.Элчига ўлим йўқ таомили нега бузилди? / Ўзбек дипломатияси тарихидан ... – Б.179 – 190; Абдурасулов У. Борьба со внешней экспансией в Хивинском ханстве ... – С.12 – 19. ва ҳ.к.

императори Петр I томонидан берилган ёрлиқ-мактубда бу элчилик миссияси икки томоннинг умумий фойдасига хизмат қилиш учун юборилганлиги уқтирилган. Хусусан, «Сенга ўзимизнинг элчимиз Александр Бекович-Черкасскийни умумий, яъни бизнинг Россия давлатимиз сингари Хива ерларининг фойдасига хизмат қилиши учун юборишни лозим топдик. Уни ўз лавозими ва ваколатига муносиб тарзда кутиб олгин. Подшо номидан билдирган таклифлар юзасидан мувофиқ қарорни беришингни сўраймиз» деб таъкидланган ёрлиқда[1].

Ушбу масалага муносабат билдирган А. Андреев маҳаллий манбаларни ўрганиш орқали А. Бекович-Черкасский борасида рус ҳужжатларида кўрсатилган фикрлардан фарқли хулосага келганлигини билдиради. Жумладан, унинг таъкидлашича, Шерғозихон бевосита А. Бекович-Черкасскийни қабул қилмаган, шу жиҳатдан икки ўртадаги келишув «Қуръон билан қасамёд» қилиш асосида тузилган деган фикрга ҳам тўла қўшилиб бўлмайди[2].

«Фирдавс ул-иқбол»да келтирилишича, «ўрус тўраларидин Давлат Гирей (*А. Бекович-Черкасский*) ва Андрей губернот ўттуз минг ўрус била ... Хоразм фатҳининг таманноси (*истаги*) била» Орол ҳудудига кириб келганда Хива хони ўзининг ишончли мулозимларидан Қулмуҳаммад оталиқ ва амир Аваз иноқни мудофаага тайинлаган. Улар А. Бекович-Черкасский

---

[1] Тилла суви юритилган ёзувда битилган ёрлиқнинг асл нусхаси бугунги кунда Россия давлат қадимги актлар архивида сақланади. Ушбу ёрлиқнинг тагида қўшимча қайднома битилган бўлиб, унда келтирилишича, Шарқ экпедициясининг котиби Флорио Беневени Бухородан Хива орқали қайтиш чоғида бу ёрлиқни «қандайдир» йўл билан қўлга киритган. Қайдномадан англашиладики, рус элчиси бу ҳақда ўз ҳисоботида билдириб, ёрлиқни Ташқи ишлар давлат коллегиясига топширган. Қаранг: Подлинная грамота Государя Петра I к Хивинскому хану Ширъ Газыю посланная с князьем Александром Бековичем Черкасским о достойном принятии сего Российского посла отправленного в Хиву с нужными для общей пользы служащими предложениями. РГАДА. Ф. 134, оп. 2, д. 51, л. 1 – 2.

[2] Андреев А.А. Хивинское ханство в начале XVIII века ... – С.22.

билан «гўрг оштий» (*бўри яраш*)[1] қилиб, зиёфат баҳонасида бутун қўшинни қатл эттиришган. Огаҳий эса бу борадаги мулоҳазаларини бир маснавий орқали баён этар экан, беҳуда ишлатилган шамширдан кўра тўғри қилинган тадбир яхши эканлигини таъкидлайди[2].

Шу жиҳатдан Хива хонининг тутган йўли қанчалик қораланмасин, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қурол-яроғ ва ҳарбий тайёгарлиги жиҳатдан ўзидан бир неча бор устун бўлган қўшинни енгиш учун унинг бошқа чора топа олмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мавжуд маълумотлар А. Бекович-Черкасскийнинг Хивага юриши Эрон шоҳи ва унинг яқинлари орасида ҳам катта саросима уйғотганлиги ҳамда воқеаларнинг бориши шоҳ саройининг диққат марказида турганлигини кўрсатади. Ҳатто рус императорининг Эронга А. Волинский бошчилигида махсус элчилик (1716 й.) юбориб, Эрон ҳудудлари дахлсизлиги тўғрисида берган кафолати ҳам шоҳнинг шубҳаларини бартараф эта олмаган. Шу боис бу экспедициянинг барбод бўлганлиги тўғрисидаги хабаргина Эрон ҳукуматини хотиржам қилган эди десак тўғри бўлади.

Мазкур вазият юзасидан Хива – Эрон ўртасидаги элчилик алоқаларига тўхталиб ўтиш ўринлидир. Маълумотларга кўра, экспедициянинг барбод бўлиши тўғрисидаги хабарни 1718 йилнинг бошида тезлик билан Исфахонга келган махсус Хива чопари етказган. Сўнгги Сафавий ҳукмдор Шоҳ Султон Ҳусайн миннатдорчилик сифатида чопарни 72 червон[3] билан тақдирлаб, Хива хонига ҳам муносиб совғалар қаторида 2000 туман

[1] Абдурахмон Толенинг қайд этишича, «гўрг ошти кардан» соф бухороча ибора бўлиб, «мунофиқлик билан юзаки тузилган битим» маъносини англатади. Қаранг: Абдуррахман-и Тали. История Абулфейз-хана ... – С.98.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.99.
[3] Червон ёки червонец – поляк тилидан олинган czerwony қизил, тилла маъноларини англатган. 1917 йилга қадар Россияда муомалада бўлган олтин танга пул бирлиги, даврига қараб 3, 5, 10 рублга тенг бўлган. 1701 йилда зарб этилган 3 рублга тенг келувчи олтин танга 3,4 гр тилла оғирлигида эди.

пул тақдим қилиб юборган[1]. Бу хабарни етказиш учун Хивадан Эронга махсус чопарнинг юборилганлигидан англаш мумкинки, Эрон томони ҳам бундан олдин вазиятни билиш учун ўзининг элчиларини Хива хонлигига юборган бўлиши керак.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Шерғозихоннинг Эрон билан ҳам муносабатлари анча мураккаб бўлган. У ўзининг сиёсий мавқеини ошириб, мамлакат сарҳадларини кенгайтириш ҳамда хазинани тўлдириш учун Эрон билан чегарадош ёки икки ўртада доимо баҳсли бўлиб келган ҳудудларга тез-тез «оломон ҳужумлари»[2] уюштириб турган. Шу жиҳатдан ҳукмронлигининг дастлабки йилларида қўшни мамлакатларнинг ҳокимлари ва қабила бошлиқлари Шерғозихон билан муроса қилиш йўлини тутган. «Фирдавс ул-иқбол»да Шерғозихоннинг ҳокимиятга келиши баён этилар экан, «... Марви Шоҳижондин Астробод ва Болқонғача, тоғ этагида ва Атрок ва Гургон канорида ўлтурғон *қизилбош* ва *тарокима* хирож тансуқоти била келиб, эллик (*итоаткорлик, хайрихоҳлик*) изҳор қилиб, навозиши хисравонаға махсус бўлдилар», – деб маълумот беради[3].

Хива тахтида ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган Шерғозихоннинг «ҳарбий ютуқлари овозаси атрофга тарқалганда» қўшни ҳудуд ҳукмдорлари ва қабила бошлиқлари қаторида қозоқ сардорлари ўз элчиларини Хивага юборишган. «... Ул жумладин Қазоқия тавоифидин Фўлод тўра ва Қабон бий ва Бароқ бий подшоҳлиқға лойиқ пешкашлар била остонбўслиқға келдилар», – деб таъкидланади «Фирдавс ул-иқболда»[4]. Зеро, Дашти Қипчоқда ҳокимиятни эгаллаб, сиёсий устунликни қўлга киритиш учун ўзаро кураш олиб борган қозоқ султонлари ва уруғ сардорлари Хива хонидан мадад олишга интилишган.

---

[1] Аннанепесов М. Укрепление русско-туркменских взаимоотношений ... – С.37.
[2] Оломон – ўлжа ва асирларни қўлга тушириш мақсадида уюштириладиган ҳужум, қаранг: Маннонов Б. Отношения Ирана со среднеазиатскими ханствами ... – С.56 – 71.
[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.98.
[4] Ўша жойда.

Бухородаги айрим сиёсий кучлар ҳам Шерғозихонга таянишга ҳаракат қилган. «Тарихи Абулфайзхон» асарида қатағон уруғининг бир гуруҳ вакиллари ўз даврининг доно кишиси саналган Самъийи Ҳисорий бошчилигида Урганчга бориб, Хива хони Шерғозихонни Бухоро тахтига таклиф этганликлари тўғисида маълумот берилган[1].

Эрон билан муносабатлардаги мураккаб ҳолатлар эса рус элчиси Ф. Беневенининг ахборотномасида ўз аксини топган. У Эронда бўлган чоғида (1719) Хива элчисининг шоҳ саройида ҳибсга олинганлигига гувоҳ бўлганлигини ёзади. Унинг изоҳ беришича, Хива элчисининг Қазвинга ташрифи вақтида Марв ва Машҳад оралиғида Эрон қўшинларининг туркман ҳамда ўзбек аскарлари билан тўқнашуви содир бўлган. Шу боис у ўзи билан бирга қуролли қўшинни ҳам олиб келганликда гумон қилинган. Қатл этилиш хавфи остида қолган Хоразм элчиси бу ҳужум хиваликлар эмас, Машҳаддаги туркманлар томонидан уюштирилганлигини айтиб ўзини ҳалокатдан сақлаб қолган[2]. Гарчи Хива элчисининг мақсади аниқ баён этилмаса-да, мавжуд вазиятдан келиб чиқиб Хива хони ўртадаги муносабатларни барқарорлаштириш учун ўз элчисини Эронга юборган бўлиши мумкин деб хулоса қилиш мумкин. Хива элчисининг ташрифи билан бир вақтда Эрон чегараларига уюштирилган ҳужум Хива хонлигида марказий ҳокимиятнинг заифлашиб бораётганлиги ҳамда маҳаллий ҳумдор ва ҳукмрон сулола вакилларининг бошбошдоқлигидан далолат беради.

Чунки А. Бекович-Черкасский экспедицияси янчиб ташлангандан сўнг Шерғозихон Россия империяси ҳалок бўлган рус аскарлари учун қасос олишидан хавотирга тушиб қолган эди. Бу даврга келиб мамлакат ичида ҳам унга мухолиф кучларнинг қаршилиги ортиб борган. Вазият тақозоси билан

[1] Абдуррахман-и Тали. История Абулфейз-хана ... – С.150.
[2] Попов А. Сношение России с Бухарой и Хивой при Петре Великом ... – С.107.

Бухородан Россияга қайтишда (1725) Хива хонлиги ҳудудидан ўтишга мажбур бўлган Ф. Беневени хонликдаги сиёсий вазият ҳақида ҳам маълумот беради[1]. У Оролда турган Темур султон (*Бухоро ҳукмдори Мусохоннинг ўғли*) Хива хони Шерғозихоннинг асосий рақибларидан бири бўлиб, унга қарши курашда хонни қўллаб-қувватлаган ўзбек уруғлари бунинг эвазига хазинадан катта даромад олиб турганликларини қайд этган. Вазиятга тўғри баҳо берган элчи Хива саройида фисқу фасод ва рақобат кучайиб, хон ҳокимиятининг заифлашганлигини тасвирлар экан, ўз ҳукуматига «хон фақат кўринишидангина кучли ҳокимият эгасига ўхшайди, хазинасининг бўшаб қолганлиги туфайли у катта кучга эга эмас» деб маълумот берган[2]. Рус подшосини тезда Ўрта Осиёни ўз таъсирига олишда ҳеч иккиланмай куч ишлатишга даъват этган Ф. Беневени нафақат хонликлар, балки бутун минтақадаги сиёсий вазият бунга қулай имконият яратиши мумкинлигини таъкидлаб, «уларнинг ҳаммаси ўзаро бир-бирлари билан урушган»лигини хабар қилган. Бунинг исботи сифатида у Бухорога ташриф буюрган *қизилбошлар* (Эрон) элчисининг Шерғозихонга қарши курашда иттифоқчилик қилиш таклифи билан келганлигини қайд этган[3].

Ўз навбатида, Шерғозихон билан мухолифатда бўлган Орол кучлари ҳам кўп ҳолларда Бухорога мурожаат этишган. «Фирдавс ул-иқбол»да маълумот берилишича, Орол Манғитларидан бўлган Шердоли «ёғийгарлик оғоз қилиб, ... Мусо-

[1] А. Бекович-Черкасскийнинг ҳалокатидан сўнг Россия империяси Хива хонлиги билан муносабатларини тўхтатган бўлиб, Ф. Беневенининг Шерғозихон билан учрашуви амалда орадаги узилишдан кейин рус ҳукумати вакилининг Хива хони ҳузурига биринчи ташрифи эди. Шерғозихон элчида яхши таассурот қолдиришга уринганлигини сезиш мумкин. Чунки Ф. Беневени Хива хонининг, Бухоро ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ, дўстлари ва хорижий савдогарлар билан яхши муомалада бўлиб, ким қайси миллатдан бўлишига қарамай, уларни илтифот билан кутиб олиши ҳамда ўзининг давлатида адолат ва эркин савдони ҳар томонлама рағбатлантирганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

[2] Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718 – 1725 гг. ... – С.106.

[3] Ўша жойда.

хоннинг ўғли Шоҳ Темурни Бухородин келтуруб, кулли-оми (*бутун*) Орол ўзбакининг иттифоқи била хон кўтариб», Хоразм шаҳарлари, яъни «Беш қалъа»[1] қасдига беш маротаба қўшин тортган[2].

1720/1721 йилда Шерғозихон томонидан «таҳқирланган бир гуруҳ хиваликлар»нинг[3] Бухорога ташриф буюриб, Хива хонига қарши ёрдам сўраганликлари ҳамда уларга керакли қурол-яроғ берилиб, Оролга кузатиб қўйилгани манбада қайд этилган[4]. Бухоро тарихчиси Абдураҳмон Толенинг мулоҳазалари бевосита Хива хонига қарши бўлган Оролдаги мухолиф кучларнинг Бухоро хонлари томонидан қўллаб-қувватланиш сабабларини аниқроқ тушуниб етишга ёрдам беради. «Тарихи Абулфайзхон» асарида Оролдан келган гуруҳга ёрдам кўрсатилгани ҳикоя қилинар экан, «энди Шерғозихоннинг ҳоли танг бўлди, аммо у қизилбошлар устига юриш қилиб жуда кўп ўлжалар келтирди. [Орол ҳокими] Шоҳ Темур бир неча бор [Урганч]га юриш қилиб, енгилиб қайтди. Лекин, ҳар қалай, энди у Бухорога эмас, Урганчга зарар етказилишига сабаб бўлмоқда» деб таъкидланган[5].

Манбаларда Шерғозихоннинг, гарчи давлатни бир вақтда бошқармаган бўлсалар-да, бевосита Нодиршоҳ билан алоқаларига доир маълумотлар келтирилган. «Фирдавс ул-иқбол»-да Нодиршоҳ «ҳануз подшоҳлиқ саририрға жулус қилмай», Нишопур атрофларидаги кичикроқ ҳарбий гуруҳ бошлиғи бўлган вақтда Шерғозихон қўшинлари билан тўқнашуви тилга олинган бўлса[6], Эрон тарихчиси Машҳадга йўл олган Хоразм савдогарлари билан юз берган зиддиятли ҳолатнинг дипло-

[1] XVIII аср муаллифлари томонидан Ҳазорасп, Хонқа, Урганч, Кот ва Шоҳобод шаҳарларини ўз ичига олган Жанубий Хоразмга нисбатан қўлланган ибора. Қаранг: Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв. ... – С.334.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.99 – 100.
[3] Аслида, Хива хонига қарши Оролдаги мухолиф кучлар.
[4] Абдуррахман-и Тали. История Абулфейз-хана ... – С.66.
[5] Ўша жойда. – С.66.
[6] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.99.

матик келишув орқали бартараф этилганлигини қайд қилган. Хусусан, «Номайи оламоройи Нодирий» асарида кўрсатилишича, (тахминан 1724 й.) беш юз нафар кузатувчи ҳамроҳлигида Чахчага[1] етиб келган Хоразм савдогарлари билан чахчаликлар ўртасида бож ундириш масаласида жанжал чиққан. Муаллиф таъкидлаганидек, «бир гуруҳ авбош ва аужамир (*каллакесар ва аблаҳлар)* савдогарларга ҳужум қилиб, уларнинг молларини талаб, кўпчиликни ҳалок қилишган»[2]. Масалани дипломатик йўл билан ҳал қилишга уринган Хива хони ўз элчиларини Нодиршоҳга юбориб, тегишли чора кўришни сўраган.

Нодиршоҳ Хивадан элчи сифатида келган беш юз нафар «олтин жилов»[3] ғуломга молларни қайтариш ва ўлдирилган савдогарларнинг қариндошлари талабларини бажаришда ёрдам беришини билдирган. Икки томоннинг дипломатик келишуви орқали ҳал қилинган бу зиддиятли вазият кескинликнинг юмшаши ва ўзаро алоқаларнинг яхшиланишига олиб келган.

Нодиршоҳнинг Эрон тахтини эгаллаб, Ўрта Осиёга уюштирган кенг миқёсли ҳарбий юриши туфайли ўртадаги муносабатлар яна бузилган.

Нодиршоҳнинг 1739 – 1740 йилларда Ўрта Осиё, жумладан, Хоразмга уюштирган юришлари нафақат икки давлат, балки бутун минтақани ўз таъсир доирасига тортган йирик воқеа эди. Шу жиҳатдан мазкур воқеа атрофида Хива хонлигининг Эрон, Бухоро ва Қозоқ хонликлари ҳамда Россия империяси билан ҳарбий-сиёсий ва дипломатик алоқаларини кузатиш мумкин. Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга юришини ёритган

[1] *Чахча* ёки *Чакча* – Сарахс ва Келати Нодирий оралиғидаги қишлоқ, қаранг: Извлечения из «Тарих-и алям-ара-и Аббаси» Искандера Мунши // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв. ... – С.99.

[2] Мухаммад Казим. Наме-йи аламара-йи Надири ... Т. I. – С.85.

[3] Хивада озод қилинган, баъзида хонликда юқори мартабаларга эришган қуллар шундай аталган. Қаранг: Хивинские источники по истории туркмен XVI – XVIII вв. // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв. Иранские, бухарские, хивинские источники ... – С.348.

Д.А.Ализода шоҳ муваффақиятининг сабабларини атрофлича таҳлил қилишга уринган бўлса-да, «Ўрта Осиё хонликлари орасида дипломатик, савдо алоқалари йўқ эди, ҳатто уларда Эрон қўшинларига қарши иттифоқ ташкил этишга уриниш ҳам бўлмаган эди» деган бир ёқлама хулосани берган[1]. Ваҳоланки, бирламчи манбаларда ушбу фикрни инкор этувчи маълумотлар кўплаб келтирилган. Хусусан, Нодиршоҳнинг Бухоро хонлиги ҳудудларига юриши маълум бўлгач, Бухоро хони Хоразмга элчи юбориб, Эрон қўшинларига қарши ёрдам сўраб, иттифоқчилик қилиш таклифини билдирган. Лекин вазият тақозоси билан, яъни тайёргарликнинг кеч бошланиши ҳамда Бухородаги ички кучларнинг Эрон шоҳи билан келишувга интилиши туфайли Элбарсхон йўлга чиққан Хоразм қўшинларини ортга қайтарган. «Тарихи Туркистон»да таъкидланишича, «Нодиршоҳ Ҳиндустон сафаридин қайтганда [Бухоро хони] Абулфайзхон ва Ҳаким оталиқ сарҳадни сақламоқ учун Урганч хони Йўлбарсхон ила иттифоқ қилган» ва Хива хони ёрдам учун катта қўшин (60 минг аскар)ни Қарши тарафга юборган[2].

«Фирдавс ул-иқбол»да ҳам Нодиршоҳнинг ўғли шаҳзода Ризоқули мирзо 1737/1738 йилда Балхни эгаллаб, Мовароуннаҳрга юриш қилган вақтда Хоразм томонидан Бухоро хонига кўрсатилган ёрдам тўғрисида маълумот берилади. Унда воқеалар тафсилоти: «...Бухоро ҳокими Абулфайзхон ва Ҳаким отолиқ [Хива хони] Элбарсхон ва Эшмуҳаммад бийдин истимдод қилди (*ёрдам сўради*). Алар анга минг киши кўмак йибориб, Элбарсхоннинг ўзи изидин оғир черик била юруш қилди. Хон ҳануз Бухороға етушмай, *қизилбошия* Қаршида Абулфайзхон била ярашиб, мурожиат қилғон хабари етушуб, қайтти», – деб ҳикоя қилинади[3].

[1] Ализода Д.А. О военном противоборстве Хорезма и Ирана в первой половине XVIII века ... – С.46.
[2] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.168.
[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.102 – 103.

Қўқон манбалари Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги иттифоқчилик ҳаракатларини тасдиқлаш билан бирга бу давр сиёсат майдонида вужудга келган учинчи давлат – Қўқон хонлигининг бетараф позицияни эгаллаб турганлигини кўрсатади. Хусусан, «Анжум ат-таворих»да қайд этилишича, Қўқон хони Абдулкаримхон (1733 – 1750) мамлакат мудофааси учун беш минг жангчини тўплаб қўйиган бўлса-да, лекин воқеаларга аралашмай, уларнинг кейинги ривожини кузатиб туришга қарор қилган. Асарда: «Нодиршоҳ ўз лашкари билан Хоразм сари йўлга чиққан хабарини Абдулкаримхон эшитиб, давлат пойтахти Хўқандга қайта туриб ... ғайб пардасидан яна нималар содир бўлишини кутди», – деб қайд этилади[1].

Эрон шоҳининг истилочилик ҳаракатларини оқлашга интилган сарой тарихчилари Хоразм ва Бухоро ҳукмдорларининг Хуросонга уюштирган ҳужумларини бу юришга сабаб қилиб кўрсатишган[2]. «Тарихи Туркистон» асарида келтирилган Нодиршоҳ ва унга итоаткорлик билдириб элчи юборган Бухоро хони Абулфайзхон ўртасидаги ёзишмада бу ҳолатга урғу берилади. Жумладан, асарда қайд этилишича, Бухоро хонига йўллаган жавоб хатида Нодиршоҳ «...сизнинг деганларингиз ростдир, аммо Элбарснинг танбеҳи бажарилиши лозим бўлган вожиб нарсалардан бўлиб, уни биз ўзимизга лозим деб билдик. У бадфеълга биз жазо берамиз, иншооллоҳ» дея ўз қарорини билдирган[3].

Нодиршоҳ Бухоро хонлигини таслим этгач, Абулфайзхон-

---

[1] Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих ... – Б.79.

[2] Муҳаммад Казим. Наме-йи аламара-йи Надири (факсимиле) ... Т. II. – С.284; Ушбу масалани таҳлил қилишга уринган тадқиқотчи Д.А. Ализода ҳам «Хуросон ҳудуди хоразмликлар томонидан тез-тез ҳужумлар ва талон-торожга учрар, бу борада Элбарсхон катта муваффақиятга эришган эди. Шу боис ҳам Нодиршоҳ бу юришларга жавобан қасд олиш мақсадида Ўрта Осиёга юриш қилган эди» деган фикрни билдирган. Шу жойнинг ўзида муаллиф ўзининг фикрига қарши мулоҳазани келтириб Нодиршоҳда анчадан бери Бухоро ва Хива хонликларини қўлга киритиш режаси пишиб етилган эди деб таъкидлайди. Қаранг: Ализода Д.А. О военном противоборстве Хорезма и Ирана в первой половине XVIII века ... – С.42.

[3] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.168 – 169.

нинг илтимоси билан Элбарсхонга элчи юбориб, итоат этиш таклифини билдирган. Аммо, Н.И. Веселовскийнинг таъкидлашича, Хива хони буйруғи билан элчиларнинг ўлдирилиши Нодиршоҳнинг Хоразмга юришини муқаррар қилиб қўйган эди[1]. Албатта, Элбарсхоннинг кескин ҳаракати вазиятнинг чигаллашишига олиб келганлигини инкор этиш мумкин эмас. Шу билан бирга, вазиятни атрофлича таҳлил қилиш орқали «Дарвозайи даҳани Туркистон» ҳисобланган Марв воҳасида кенг қурилиш ишлари олиб борилиши, яъни у ернинг стратегик марказ сифатидаги мавқеини ошириш билан боғлиқ маълумотлар[2] бу юришнинг жавоб юриши эмас, балки Нодиршоҳ режаларидан бирининг амалга оширилиши эканлигини кўриш мумкин. Чунки кенг босқинчилик юришларини мақсад қилиб қўйган шоҳ ҳамиша кучли давлатларнинг диққат марказида бўлиб келган Ўрта Осиё ҳудудини қўлга киритиш учун бу ерда юзага келган қулай вазиятдан фойдаланиб қолиши табиий эди.

Эрон шоҳи Бухоро хонлигини осонгина қўлга киритган бўлса-да, Хива хонлигида қаттиқ қаршиликка учраган. Бу жангга алоҳида аҳамият берган Хива хони катта қўшинга шахсан ўзи бош бўлган. Бу курашда асосий кучни ўзининг жанговарлиги билан машҳур бўлган туркман ёвмутлари ташкил этган эди. Хива хонини ана шу кучдан маҳрум қилишга интилган Эрон шоҳи ўткир дипломатик маҳоратини намойиш қилиб ёвмутларнинг қабила бошлиқлари билан музокара олиб боришга эришган[3]. Эрон ёки Туроннинг хоҳлаган ҳудудидан жой беришни ваъда қилган Нодиршоҳ бунинг эвазига

---

[1] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.187.

[2] Муҳаммад Козим. Торихи оламоройи Нодирий ... – С.610 – 615; Christine Noelle-Karimi, The Pearl in its Midst: Herat and the Mapping of Khurasan from the Fifteenth to the Nineteenth Centuries. – Bamberg University: Habilitation Thesis, 2008. – P.384; Арунова М.Р., Ашрафян К.З. Государство Надир-шаха Афшара ... – С.229.

[3] Извлечение из «Надир-наме», сочинения Мухаммед Казима // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв. ... – С.161.

улардан «итоат ва садоқат» талаб этган. Албатта, ёвмутлар бу таклифни тўлиқ қабул қилмаган бўлсалар-да, Нодиршоҳнинг ҳаракати зое кетмаганлигини кўришимиз мумкин. Чунки шундан сўнг ёвмутларнинг орасида бўлиниш юз бериб, уларнинг кўпчилиги бир қанча вақт жангда иштирок этмаган. Шунга қарамай, Элбарсхон ўзига содиқ қолган қўшин билан Нодиршоҳнинг яхши қуролланган қўшинига қарши кураш олиб борган. Ушбу масалага тўхталган Д.А. Ализоданинг таъкидлашича, Нодиршоҳ ҳар бир аҳоли пунктида туркман қабилалари қаршилигига учраган, туркманнинг деярли барча уруғлари Элбарсхон томонида эди[1].

«Фирдавс ул-иқбол»да, айниқса, Питнак яқинидаги жангнинг шиддатли бўлганлиги ҳикоя қилинади[2]. Эрон тарихчисининг маълумотларидан Элбарсхон бошчилигидаги хоразмликлар томонидан ҳимоя қилинган Хонқаҳ қалъасини забт этишда Нодиршоҳнинг катта қийинчиликка учраганлигини билиш мумкин[3]. Хивада бошланган саросима туфайли Хоразм кучлари заифлашиб қолган ва бу кураш қўлга олинган Элбарсхон ҳамда унинг йигирма нафар издошининг қатл қилиниши билан якунланган эди. «Фирдавс ул-иқбол»да Нодиршоҳ Хива шаҳрини эгаллагач, «...тўфанг ва тўфу занбурак ўқининг зарбасидин аксари иморат хароб бўлган»лиги кўрсатиб ўтилади[4].

Минтақада юзага келган вазият Кичик Қозоқ жузи хони Абулхайрхонга Хоразмнинг ички ишларига аралашиш имконини берган. Абулхайрхон тарихда Хоразмдаги айрим ички кучлар томонидан таклиф этилиб, Хива хонлигида бир неча кун ҳукмронлик қилган шахс сифатида ҳам маълум. Шу ўрин-

[1] Ализода Д.А. О военном противоборстве Хорезма и Ирана в первой половине XVIII века ... – С.43.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.103.
[3] Извлечение из «Тарихи Надири» сочинения Мирза Мехди-хана Астрабадского // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв. ... – С.142 – 143.
[4] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.103.

да нима сабабдан Хива тахтига айнан Абулхайрхон таклиф этилган эди деган саволни мушоҳада қилиб кўриш лозим. Вазиятни таҳлил қилишга уринган Н.И. Веселовский Абулхайрхонни, аслида, қулай фурсатдан фойдаланиб Хивадан ажралиб чиқишни истаган оролликлар таклиф этишган деб хулоса қилади[1]. Рус архив хужжатларида эса Абулхайрхоннинг хиваликлар таклифига кўра борганлиги маълум қилинган. Хусусан, Кичик Қозоқ жузи хонининг ҳузурига юборилган Д. Гладышевнинг рус ҳукуматига берган ахборотида ҳам, Абулхайрхоннинг рус қироличаси Анна Ионовнага йўллаган мактубида ҳам у Хивага уларнинг таклифига кўра эронликларнинг бостириб кириши муносабати билан борганлиги, «Улуғ дарёдан ўтиши билан соҳил бўйида уни Хива хонлигидан Авесть Мирап (*Аваз мироб*) бошчилигидаги 20 нафар киши кутиб олганлиги» қайд этилган[2].

Хоразмликларнинг айнан қозоқ хонига мурожаат этишини бир қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Аввало, эътибор бериш керакки, XVII аср охирларида Арабшоҳийлар сулоласи ҳокимиятининг заифлашиб қолиши билан Қозоқ даштидаги чингизийларнинг вакилларини Хива тахтига таклиф этиш анъанаси юзага келган эди. Шу жиҳатдан Хоразмнинг юқори табақа вакиллари Нодиршоҳдек кучли рақибни бартараф этишда Абулхайрхоннинг ёрдамига умид боғлаган бўлишлари табиий. Зеро, у Чингизхон авлодларига мансуб ҳукмдор сифатида Эрон шоҳининг эътирофига сазовор бўлиши лозим эди.

Нодиршоҳнинг Хоразм фатҳидан сўнг маҳаллий амалдорлар билан келишган ҳолда ҳаракат қилганлиги унинг маҳаллий урф-одат ва бошқарув анъаналарини, жумладан, чинги-

[1] Веселовский Н.И. Очерк историко-географическихъ сведений о Хивинском ханстве ... – С.190 – 191.

[2] Показания поручика Д. Гладышева о его поездке к хану Абулхаиру // Казахско-русские отношения в XVI – XVIII вв. ... Док. №76. – С.178.

зийлар хонадонининг ҳокимият легитимлигидаги ўрнини ҳисобга олиб иш юритганлигини кўрсатади.

Форс манбаларининг гувоҳлик беришича, Дўстимбек мироб ва Абураҳмонбек қўшбеги бошчилигидаги Хоразм акобирлари, лашкарбоши ва қабила бошлиқлари («саркардагон ва сархайлон») таслим бўлгач, Нодиршоҳ уларга қарата шундай мурожаат этган: «Сизларнинг орангизда шу подшоҳликни бошқаришга қодир бўлган кимдир бор бўлса, менга билдиринг, токи мен ушбу вилоятнинг инон-ихтиёрини топшириб, уни соҳиби ихтиёр этиб тайинлай». Бунга жавобан хоразмликлар «Чингизхон замонидан то ҳозиргача ушбу мамлакатнинг ҳукмронлиги олиймақом чингизийлар сулоласига тегишли бўлиб келган. Олий ҳазратлари қандай қарорни лозим топсалар, шуни эълон қилсангиз, биз камтарин қулларингиз шунга амал қилгаймиз» деган фикрни билдирганлар[1].

Шу жиҳатдан, манбада таъкидланганидек, «Нодиршоҳ лашкарбоши ва қабила сардорларини нуфузли лавозимларга тайинлаб, «Хоразм ишлари (ратқу фатқи муҳимоти Хоразм)»-ни тартибга олишни чингизийларга мансуб бўлган Тоҳирхонга топшириб, ортга қайтган эди[2].

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Абулхайрхоннинг Хива тахтига таклиф этилишида «чингизийлар омили» алоҳида ўринга эга эди.

Масаланинг иккинчи бир муҳим жиҳати бор эдики, бу даврда Абулхайрхон расман Россия империяси фуқаролигини қабул қилиб (1734), рус ҳукумати ҳомийлиги остида иш олиб борар эди. Шу жиҳатдан унга қарши чиқар экан, Нодиршоҳ ўша давр халқаро майдонида катта кучга эга бўлиб бораётган Россия империяси билан ҳам ҳисоблашиши лозим бўлар эди. Масаланинг ушбу томонига эътибор берган Н.И. Веселовский ҳам Россия билан дўстона муносабатда бўлган Нодиршоҳ Рус

[1] Муҳаммад Козим. Торихи Оламоройи Нодирий ... 2-жилд. – Б.817.
[2] Ўша жойда

давлати қўл остидаги ҳукмдоргагина хавф солмаслиги мумкин эди деб таъкидлайди[1].

Шу ўринда Қозоқ жузларининг рус фуқаролигини қабул қилиш масаласига тўхталиб ўтиш керак, зеро, бу ҳолатнинг бевосита Хива хонлиги манфаатлари билан кесишган нуқтаси бор эди.

С.В. Жуковскийнинг фикрлари Хива – Қозоқ алоқаларида «Россия империяси омили» борасида яққолроқ тасаввур беради. Хусусан, «бир қарашда Россиянинг қирғиз-қайсоқлар (*қозоқлар*) билан алоқаси, яъни уларнинг Россия таркибига киритилиши Россия – Ўрта Осиё муносабатларига алоқадор эмасдек кўринса-да, бу воқеа Ўрта Осиёда Рус давлати ҳукмронлигининг ўрнатилишига катта таъсир кўрсатган эди. Қирғиз даштлари (*Дашти Қипчоқ*)даги барча воқеаларда, ўзаро уруғлараро курашда [Хива] хонлар(и) фаол иштирок этишган» деб баҳо беради олим[2].

XVIII асрнинг 20-йилларида Қозоқ жузлари ички парокандалик ва сиёсий тарқоқликни бошидан кечираётган эди. Хон ҳокимиятининг заифлашуви, ўз навбатида, қабила бошлиқларининг мавқеини мустаҳкамлаганди. Марказий ҳокимиятнинг аҳволига баҳо берган Абулхайрхоннинг шахсан ўзи хон ва унинг ҳолатини «ёввойи от»га ўхшатиб, «уни одамлар ҳам қувғин қилади, ҳайвонлар ҳам овлайди, хон номигагина хон бўлиб, амалда ҳеч қандай ҳокимиятга эга эмас»лигини таъкидлайди[3]. Шимоли-шарқдан кириб келган жунғорларнинг ҳужуми эса бу ердаги вазиятни янада оғирлаштирган эди.

Мазкур жараёнларга муносабат билдирган В. Хольцвартнинг қайд этишича, 1709 йилдан буён қозоқ уруғлари билан

[1] Веселовский Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.190 – 192.
[2] Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие ... – С.75.
[3] Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР ... – С.122.

кураш олиб борган жунғорлар 1722 йилда Хитой давлати билан тинчлик шартномасини тузгандан сўнг асосий кучларини Қозоқ даштига қарата бошлаган[1].

1723 йил Қозоғистон тарихига «Актабан шубрынды», яъни «Катта ҳалокат» сифатида кирган. Ана шундай вазиятда қозоқлар Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларига, жумладан, Хоразм ҳудудларига бориб жойлашган. Хусусан, Ўрта жуз аҳолиси Самарқанддан, Кичик жуз аҳолиси Хива ва Бухородан паноҳ топган эди[2].

Қозоғистон тарихини ёритган М. Вяткин XVIII асрнинг 30-йилларида юзага келган вазиятни таҳлил қилар экан, Қозоқ хонлиги олдида иккита йўлдан бирини, яъни Россия ёки жунғорлар ҳокимиятини танлаш, иккаласидан бири таркибига кириш масаласи турар эди деб қайд этган[3].

Масалага муносабат билдирган Р. Почекаев эса жунғорларнинг Қозоқ жузлари устига қилган юришларини таҳлил қилар экан, «қозоқларни буткул жабрланган томон сифатида қабул қилиш хато бўларди, чунки қозоқ сардорларининг ўзлари ҳам жунғорлар устига тез-тез ҳужумлар уюштириб туришар эди» деган фикрни билдиради[4].

В. Хольцварт бир қанча манбалар, расмий ёзишмаларга асосланган ҳолда вазиятга баҳо берар экан, 1727 – 1728 йилларда қозоқ уруғларининг Бухоро хонлиги ҳудудига кириб келиши билан бу ерда экинларнинг пайҳон этилиши, ҳатто кўп жойларда тўқнашувларнинг содир бўлиши натижасида аҳолига катта зарар етказилганлигини кўрсатиб ўтади[5]. Олимнинг қайд этишича, бу жараёнда қозоқ уруғларининг кўпчилиги мунофиқлик билан иш тутиб, Бухоро ҳукмдоридан паноҳ сўраб келган бўлсалар-да, у ерда ўзларини босқинчилардек

[1] Holzwarth W. Relations between Uzbek Central Asia, the Great Steppe and Iran ... – P.197.
[2] Басин В.Я. Казахстан в системе внешней политики России ... – С.74.
[3] Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР ... – С.131.
[4] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.24 – 25.
[5] Holzwarth W. Relations between Uzbek Central Asia, the Great Steppe and Iran ... – P.197.

тутишган. Бухорода узоқ йиллар яшаган грек савдогарининг 1752 йилдаги хотираларида ҳам «бундан 25 йиллар илгари бу ерга қозоқлар кириб келиб, боғлар, экинзорларни пайҳон қилган»и тўғрисида ёзиб қолдирилган[1].

Бошпана қидириб келган қозоқ уруғлари Ўрта Осиёда, хусусан, Бухоро, Самарқанд ва Хива хонлиги ҳудудларига катта зарар етказиб, экинзорлар ва боғларни пайҳон этишганлиги М. Ходорковскийнинг тадқиқотида ҳам таъкидлаб ўтилган[2].

Жунғорларнинг қозоқ ерларига ҳужуми масаласига атрофлича тўхталиб ўтган Р. Почекаев 1730 йилда, яъни Россия империяси фуқаролигини қабул қилишдан олдин қозоқлар жунғорлар томонидан бўладиган ҳужумларни қайтаришга эришганларига алоҳида урғу беради. Унинг қайд этишича, бу даврда жунғорлар орасида ҳам ҳокимият учун ўзаро курашлар авж олган бўлиб, улар томонидан Қозоқ жузларининг тўла босиб олиниш эҳтимоли катта эмас эди. Олим «шу боис қозоқларнинг рус фуқаролигини қабул қилишига сабаб қилиб айнан жунғорларнинг юришини кўрсатиш, яъни бу вазиятни мутлақлаштириш (абсолютлаштириш) тўғри бўлмайди» деган хулосани беради[3].

Шундай қилиб, турли ташқи ва ички омиллар таъсирида қозоқ хонлари XVIII асрнинг 20-йилларидан бошлаб Хоразм билан алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қилганлар. Лекин Дашти Қипчоқ ҳудуди, жумладан, Қозоқ жузлари ҳаётида Рос-

[1] Holzwarth W. Relations between Uzbek Central Asia, the Great Steppe and Iran ... – P.198.
[2] Khodarkovsky M. Russia's Steppe Frontier: The Making of a Colonial Empire ... – P.150.
[3] Р. Почекаев қозоқ жузларининг рус фуқаролигини қабул қилишига туртки бўлган омилларни кенгроқ очиб беришга интилиб шундай мулоҳаза билдиради: бу вақтда Россия империясининг тобелигидаги бошқирд ва қалмиқлар томонидан қозоқлар устига тез-тез ҳужумлар уюштириб турилар эди. Шу жиҳатдан, агар қозоқ ҳукмдорлари улар билан бир мақомда бўлишса, яъни рус ҳукумати фуқаролари ҳисобланишса, юқорида келтирилган хавфдан халос бўлишлари мумкин эди. Албатта, бундай ҳужумлар қозоқлар томонидан бошқирд ва қалмиқларга қарши ҳам уюштирилар эди. Лекин, кейинги маълумотлар кўрсатадики, қозоқлар Россия империяси тобелигига ўтгандан сўнг ҳам икки ўртадаги ўзаро зиддиятлар, ҳужумлар давом этиб турган. Қаранг: Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.24 – 25.

сия империяси таъсирининг сезиларли даражада ортиб бориши туфайли Хива – Қозоқ муносабатларида рус ҳукуматининг аралашуви, яъни «Россия омили» яққол кўзга ташланар эди. Шу жиҳатдан кўп ҳолларда XVIII асрдаги Хива ва Қозоқ хонликларининг муносабатлари Хива – Қозоқ – Россия алоқалари шаклида намоён бўлади.

Петр I Қозоқ даштининг Россия империяси сиёсатидаги ўрнига баҳо берган ҳолда Қозоқ даштлари «барча Осиё мамлакатлари ва ерлари»нинг «калит ва дарвозалари» бўлиб қолиши лозимлигини уқтирар экан, «... шу боис ул ўрда [Қозоқ жузлари] Россия ҳимояти остида бўлмоғи даркорки, фақатгина улар орқали барча Осиё мамлакатлари билан боғланиш мумкин бўлсин ва [бу] Россия учун фойда келтирсин» деб таъкидлаган эди[1].

1731 – 1732 йилларда рус фуқаролигини қабул қилиш масаласида қозоқ хони ва султонлари билан музокаралар олиб бориш учун ташриф буюрган рус элчиси М. Тевкелевга тақдим этилган Абулхайрхоннинг мактуби бу борада унинг стратегиясини яққолроқ тушунишга ёрдам беради. Хусусан, вазиятни тўғри баҳолай олган Абулхайрхон Россия империясининг бош мақсади, аслида, Ўрта Осиё хонликлари ва улар орқали Шарқ бозорларини қўлга киритиш эканлигини яхши тушунар эди[2]. Шу жиҳатдан у мактубда нафақат ўзининг рус фуқароли-

[1] Басин В.Я. Казахстан в системе внешней политики России ... – С.54; Khodarkovsky M. Russia's Steppe Frontier: The Making of a Colonial Empir ... – P.149.

[2] М. Ходорковский фикрига кўра, Россия ҳудудларининг жануб ва шарққа кенгайиб бориши тартибсиз, таваккалчилик ҳаракати эмас, аниқ сиёсат ва мақсадга асосланган эди. Қаранг: Khodarkovsky M. Russia's Steppe Frontier. The Making of a Colonial Empire ... – P.2. Р. Почекаев эса бу масалада бир-бирига қарама-қарши фикрни билдирган. У «XVI аср охирларидан бошлаб Москва давлати Қозоғистон ҳукмдорларини ўзларининг бўлғуси вассаллари сифатида қараса, Ўрта Осиё хонликлари асосан савдо ҳамкорлари сифатида қизиқиш уйғотган, шу боис уларни бевосита рус давлати таркибига киритишга ҳеч қандай ҳаракат олиб борилмаган» деган фикрни билдиради. Айни пайтда, келтирилган ҳаволада «тўғри, 1620 йилда рус подшоси бошпана сўраб келган Афғон султонни Хива тахтига ўтказиш орқали, шунингдек, 1700 йилда Шоҳниёзхоннинг мурожаатига кўра Хива хонлигини Россия «ҳомийлиги остига олиш»га фармон берган»лигини мисол келтирган. Қаранг: Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.203.

гини қабул қилиш истагини тасдиқлаган, балки «[ўзининг амакиваччаси деб атаган] Хива хони ҳамда Бухоро хонларининг ҳам рус ҳукумати қўл остида бўлиш истагида» эканлигини таъкидлаган[1]. Кейинчалик бу «ариза»нинг ҳақиқатдан йироқлиги, бу таклиф фақатгина Абулхайрхоннинг шахсий истагига боғлиқ бўлиб, бошқа хонлар ва султонлар билан бемаслаҳат қилинганлиги аниқланган.

Албатта, бу хабар М. Тевкелев учун жуда ноқулай ҳолатни юзага келтирган. Шу билан бирга, рус императорининг вакили қозоқ хонлари ва султонларининг аксарияти рус ҳукумати тобелигини қабул қилишга қарши эканлигидан хабар топган. Р. Почекаевнинг қайд этишича, бунинг биринчи сабаби эътиқод билан боғлиқ бўлиб, улар бошқа динга мансуб ҳукмдорга, иккинчидан, аёл ҳукмдорга бўйсунишни нотўғри деб билишар эди[2].

Ўзининг ушбу ҳаракатини оқлашга интилган Абулхайрхон бу тактика орқали шунчаки рус ҳукуматини қизиқтириш, шу йўл билан рус подошоси вакилини Дашти Қипчоққа таклиф этиш ҳамда қозоқларни «рус фуқаролиги»га ўтказиш жараёнини тезлаштириш мақсадини кўзлаганлигини маълум қилган[3]. Абулхайрхоннинг бу борада тутган йўли амалий жиҳатдан тўғри бўлганлигини В.Я. Басиннинг сўзлари ҳам тасдиқлайди. Хусусан, у Россия империясининг «Шарқ сиёсати»да ҳозирги Қозоғистон ҳудудларининг тутган ўрнига баҳо берар экан, «агар Қозоғистон нафақат мақсад, балки Россия империясининг «Шарқ сиёсати»ни амалга оширувчи восита сифа-

[1] Письмо хана Абулхаира переводчику М. Тевкелеву о согласии на принятие российского подданства // Казахско-русские отношения в XVI – XVIII вв. ... Док. №31. – С.67.
[2] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.44; М. Тевкелев билан қозоқ хонлари ўртасидаги музокаралар ва бу борада рус ҳукуматининг Дашти Қипчоқ қозоқларига кўрсатган «марҳаматлари» борасида М. Ходорковский батафсил тўхталиб ўтган. Қаранг: Khodarkovsky M. Russia's Steppe Frontier: The Making of a Colonial Empire ... – P.53 – 54.
[3] Из журнала переводчика М. Тевкелева, ездившего в Малый жуз для переговоров о подданстве казахов // Казахско-русские отношения в XVI – XVIII вв. ... Док. №33. – С.68.

тида қаралмаганда эди, унинг ҳукумати бу қадар катта ўлкани қозоқ халқини ташқи хавфдан ҳимоя қилиш учунгина ўз таркибига киритмаган бўларди» деб таъкидлайди[1].

Абулхайрхон рус ҳукуматининг эътиборини тортиш учун Хива ва Бухоро хонларининг номларини тилга олиш билангина чекланиб қолмасдан, Ўрта Осиё хонликларини рус давлати тобелигига киритиш йўлида бир қатор амалий ҳаракатлар ҳам олиб борган. Бу борада Абулхайрхоннинг Хива амалдорларига йўллаган мактуби эътиборни тортади.

«Қирғиз-қайсоқлар хони Абулхайрхондан Хива шаҳрининг бош маслаҳатчилари бўлмиш 24 кишига фармон» деб номланган мурожаатда Абулхайрхон ўзининг рус ҳукумати тобелигини қабул қилганлигини хабар қилиб, уларни ҳам шунга даъват этган. Шу билан бирга, қозоқ хони Хивага борган ўғлига кўрсатилган ҳурматсизликдан норози бўлиб ёзган: «менинг ўғлимга бундай оғир ситам ва қаршиликлар кўрсатмаслигингиз керак эди. Зеро, менинг сизларга яхшиликларим жуда кўп ўтганки, Оролдан чопар келган чоғда мен сизларни озод этиб, ҳар томонлама ёрдамлар кўрсатдим, бунинг учун сизлар, токи мен тирик эканман, менинг фармонларимга бўйсуниб, хонларингизни менинг ноибим деб билишга ваъда бердингиз ва қасамёд қилдингиз. Энди эса буларнинг барини унутиб, менга турли қаршиликлар кўрсатмоқдасиз. Шу боис бу [мактуб] орқали сизларга маълум қиламанки, Орол хони билан иттифоқ бўлиб, ўғлимни сиз хиваликларнинг устингизга уруш қилиш учун юбордим, сўнг мазкур 1732 йил сентябрида менинг юришимни ҳам кутаверинг»[2].

Ушбу ҳужжат юзасидан мулоҳазаларини билдириб ўтган Н.Г. Аполлова «ушбу мактуб Қозоғистон ва Хива хонлиги

---

[1] Басин В.Я. Казахстан в системе внешней политики России ... – С.55 – 56.

[2] Из журнала переводчика М. Тевкелева, ездившего в Малый жуз для переговоров о подданстве казахов // Казахско-русские отношения в XVI – XVIII вв. ... Док. №33. – С.71 – 72.

ўзаро алоқаларининг айрим деталларига, хусусан, тўлақонли олий ҳукмдор сифатида ўз ноиби Хива хонидан итоат билдиришини талаб қилган Абулхайрхон шахсига ойдинлик киритади» дейди[1].

Келтирилган мактубнинг мазмунини тўғридан-тўғри қабул қилиш бир ёқлама ёндашувни келтириб чиқаради. Тарихий воқеликни кенгроқ ва чуқурроқ англаш учун турли манбаларни қиёсий ўрганиш керак бўлади. Жумладан, юқорида қайд этилган 1731 – 1732 йиллар Хива тахтида Элбарсхоннинг ҳукмронлик қилган даври (1728 – 1740)га тўғри келади, бу борада «Фирдавс ул-иқбол»да «анинг замонида саккиз йил юрт осойиш ва фароғатда эрди» деб таъриф берилган[2]. Шунингдек, бу даврда Оролдаги сиёсий кучлар томонидан Хива хонлигига бир неча бор ҳужумлар уюштирилган бўлса-да, Хива хони уларни нафақат муваффақият билан бартараф этган, балки ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб, Хуросон ҳудудларига ҳам зафарли юришлар уюштирган. Қолаверса, М. Тевкелевнинг Дашти Қипчоққа ташрифи даврида Абулхайрхонда Хива хонлиги ички ишларига бевосита аралаша олиш ва «тўлақонли олий ҳукмдор» сифатида сиёсат юритиш имкони йўқ эди, ҳокимиятининг заифлиги туфайли қозоқ сардорлари орасида ҳам мавқеи тушиб кетганди.

Шу жиҳатдан савол туғиладики, бу даврда Абулхайрхоннинг Хивага таъсири қай даражада эди? Юқорида келтирилган «Хиванинг бош маслаҳатчиларига берилган фармон» ўзини рус ҳукумати кўз олдида Дашти Қипчоқнинг энг кучли ҳукмдори сифатида гавдалантирмоқчи бўлган Абулхайрхон қўллаган шунчаки бир усул эмасмиди?

Ечимни айнан мактубда кўрсатилган сана билан боғлаш юқоридаги чалкашликни келтириб чиқаради. Масала шундаки, Абулхайрхон назарда тутган хиваликларнинг «токи

[1] Аполлова Н.Г. Присоединение Казахстана к России. – Алма-Ата. 1948. – С.217.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.102.

тирик экан, унинг буйруқларига қулоқ тутишга» берган ваъдалари бирмунча илгариги ҳолат, яъни Хива хонлигида марказий ҳокимият инқирозга юз тута бошлаган даврига тўғри келади.

Рус ҳужжатларининг кўрсатишича, XVIII аср биринчи чораги охирларида Хива Арабшоҳийларининг нафақат сиёсий ҳокимияти қўлдан кетган, балки уларнинг вакиллари жисмонан йўқ қилинган. Жумладан, М. Тевкелевнинг қайдларида шундай келтирилади: «1728 йилда Хива хони Шерғозихон ўз хизматчилари томонидан ўлдирилди, ундан сўнг хиваликлар Абулхайрхоннинг Хивада атиги бир хафта яшаган амакиси Мамай султонни хон қилишди, Аргамак (*арғумоқ)*[1] уни ҳалок қилди. Ундан сўнг ҳийла билан Ботир султонни хон қилиб қўйишдики, у Хивада олти ҳафтагина яшаб, Қирғиз-қайсоқлар *(қозоқлар)* ўрдасига кетиб қолди[2].

«Фирдавс ул-иқбол»да бу ҳолат: «Андин [Шерғозихон] сўнг қазоқ подшоҳи Абулхайрхоннинг иниларидин Сориғ Айғир деганини келтуруб, хон кўтардилар. Ул кун жума эрди, намози жумаға борурда оти шўхлиқ қилиб, андин йиқилиб ўлди. Баҳодирхон. Ул дағи Абулхайрхони мазкурнинг иниларидиндур. Сориғ Айғирдин сўнг Эшмуҳаммад бий ани келтуруб, хонлиқ тахтида ўлтурғузди ва ул олти ойдин сўнг бир кеча Оқшайх иморатининг кейинидин тушуб қочти», – деб кўрсатилган[3].

Юқоридаги рус ҳужжатида «Ботир султон (*Баҳодир султон*)дан сўнг хиваликлар Абулхайрхондан ҳозирги Элбарсхонни илтимос қилиб олган»ликлари таъкидланар экан, уларнинг иккаласи бир-бирига қариндош бўлмай, фақатгина қу-

---

[1] Ҳужжатда кўрсатилган «Аргамак»нинг арғумоқ от эканлигини эслатиб ўтиш жоиз. Бу борада «Фирдавс ул-иқбол» батафсилроқ маълумот беради.

[2] Из журнала переводчика М. Тевкелева, ездившего в Малый жуз для переговоров о подданстве казахов // Казахско-русские отношения в XVI – XVIII вв. ... Док. №33. – С.68.

[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.101.

дачилик алоқалари билан боғланганларига урғу бериб ўтилган[1]. «Фирдавс ул-иқбол» муаллифи эса Элбарсхонни Шайбонийлардан бўлган Шоҳниёзнинг ўғли сифатида қайд этади. Шу билан бирга, муаррих «баъзи ани қазоқ султонларидин тутубдурлар» деб келтирса-да, унинг Абулхайрхондан «илтимос қилиб олиб келинган»лиги ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди[2].

Келтирилган маълумотлар XVIII асрнинг иккинчи чорагида Абулхайрхон хонадони вакилларини Хива тахтига таклиф этган маҳаллий кучлар қозоқ хони билан алоқаларини мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлганликларидан далолат беради. Шу билан бирга, Абулхайрхоннинг XVIII асрнинг 20-йилларида жунғорларга қарши тўпланган учала Қозоқ жузларининг бирлашган қуролли кучлари қўмондони сифатида Дашти Қипчоқда катта сиёсий қудратга эга бўлганлигини ҳам эътиборга олиш зарур. Шу жиҳатдан унинг бу даврда Хива хонлигида ҳам юқори мавқега эга бўлганлиги ҳақиқатга яқиндир.

Кейинги воқеалар Абулхайрхон 30-йилларга келганда нафақат Хива хонлигига таъсирини, балки Қозоқ даштида ҳам ўз қудратини йўқотганлигини, хусусан, унинг Орол кучлари ёрдамида Хива хонини жиловлашга қаратилган «дўқ-пўписалари» ҳам иш бермаганлигини кўрсатади. В. Хольцварт ҳам: «1727 – 1730 йилларда Қозоқ жузларининг иттифоқи барҳам топиб, Қозоғистон учта мутлақо мустақил хонликка бўлиниб кетган эди. Бу даврга келганда Абулхайрхоннинг мавқеи тушиб кетган ва у ўз ҳарбий саркардалари, ботирлари орасида обрўсини йўқотган эди», – деб таъкидлаб ўтади[3].

Шу жиҳатдан юқорида келтирилган «Хива амалдорларига юборилган фармон» орқали Абулхайрхон ҳақиқатда рус ҳу-

[1] Из журнала переводчика М. Тевкелева, ездившего в Малый жуз для переговоров о подданстве казахов // Казахско-русские отношения в XVI – XVIII вв. ... Док. №33. – С.68.

[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.101.

[3] Holzwarth W. Relations between Uzbek Central Asia, the Great Steppe and Iran ... – P.199.

кумати олдида ўзининг қудратини сунъий равишда ошириб кўрсатишга интилганлигини англаш мумкин.

Р. Почекаев қозоқ хонларининг рус ҳукумати тобелигига кириш сабаблари юзасидан хулоса берар экан, улар Россия империяси кўмагида бошқа қозоқ султонлари ҳамда қабила-уруғ бошлиқлари орасида ўзларининг шахсий мавқеи ва сиёсий қудратини мустаҳкамлаш мақсадини кўзлаганларини, буни, айниқса, Абулхайрхон фаолияти мисолида кузатиш мумкинлигини қайд этади[1]. Унинг Абулхайрхон шахсига берган баҳоси айнан юқоридаги фикрни қўллаб-қувватлайди: «И.И. Неплюев Оренбург шаҳрининг иқтисодий аҳамиятини ошириш ҳамда қозоқлар билан муносабатларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилар экан, таъсири кучли бўлган қозоқ ҳукмдорлари билан алоқа ўрнатишга эътибор қаратган эди. Рус ҳукумати наздида эса Абулхайрхон ана шундай нуфузли шахс сифатида намоён бўлган эди. У умрининг охиригача Россия империяси амалдорлари «кўзини бўяш», яъни қозоқлар орасида бош мавқега эга ҳукмдор сифатида таассурот ҳосил қилишга эришган эди. Шу жиҳатдан И.И. Неплюев ҳам қозоқ сардорлари билан муносабатларини яхшилашни айнан Абулхайрхондан бошлаган эди»[2].

Ўз навбатида, рус ҳукумати Абулхайрхон қўли билан Хива хонлигини заифлаштириш ҳамда уни ўз таъсирига олишга интилар эди. «Махфий ҳужжат» (секретный документ) сифатида қайд этилган Россия императрицаси Анна Иоановна томонидан Оренбург экспедицияси бошлиғи И. Кирилловга 1734 йил 18 майда бошқирдлар, жунғорлар ва Хива билан ўзаро муносабатлар юзасидан берилган *йўриқнома* бу борада фикрларимизни янада ойдинлаштиради. «Хива масаласига келсак, у билан бизнинг тобелигимиздаги Абулхайрхон Орол [вилоятининг] хони билан келишган ҳолда уруш олиб бормоқда. Бу

[1] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.26.
[2] Ўша жойда – С.56.

борада унга нафақат халақит қилмаслик, балки уни рағбатлантириш лозим, лекин Хивага қарши бизнинг қўшинларимиздан ёрдамга берилмасин. Фақат ўқ-дори ва қурол-яроғ, агар одамлар керак бўлса, бошқирдлар ва татарлардан талабгор овчилар билан кўмак берилсин», – деб кўрсатма берилган ҳужжатда[1].

Абулхайрхон қанчалик уринмасин, Н.Г. Аполлова таъкидлаганидек, бу вақтда «хиваликларни Россия тобелигига киритиш учун ўта ноқулай ҳолат ҳамда Хива бошлиқлари орасида Абулхайрхонга бўлгани сингари Россия империясига нисбатан душманлик кайфияти юзага келган эди»[2]. Кўриниб турибдики, бу «ноқулай ҳолат» Абулхайрхоннинг даштдаги сиёсий қудрати ва мавқеи тушиб кетиши билан ҳам боғлиқ эди. Қолаверса, Абулхайрхон ҳокимиятининг кучайиб кетишидан хавотирга тушган Хива хони Элбарсхон ўзининг одамларини даштга юбориб, бошқа қозоқ султонларини рус тобелигига қарши туришга ундар эди.

Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатадики, 1740 йилда Абулхайрхоннинг «Хива хонлиги ишларига аралашуви» муваффақиятли бўлмаган эди. Лекин юқорида қайд этилган «чингизийлар омили», ўз навбатида, бундан кейинги ярим асрдан кўпроқ даврда қозоқ султонлари ва Бухоро шаҳзодалари орасидан олиб келинган «қўғирчоқ хонлар»нинг Хива тахтига ўтқазилиши, оқибатда *хонбози* деб аталган сиёсий ўйинга кенг йўл очиб берган, бу давр тахминан 1694 – 1695 йилларда бошланиб, XIX асрнинг бошларида маҳаллий Қўнғиротлар сулоласининг Хива тахтида мустаҳкамланиб олгунига қадар давом этган.

[1] Инструкция имп. Анны начальнику Оренбургской экспедиции И. Кириллову по вопросу о взаимоотношениях с башкирами, казахами, Джунгарией и Хивой // Казахско-русские отношения в XVI – XVIII вв. ... Док. №51. – С.115 – 116.
[2] Аполлова Н.Г. Присоединение Казахстана к России ... – С.217.

Бу даврга келиб Хоразмда чингизийларнинг вакиллари қолмаганлиги боис мазкур хонадонга мансуб шаҳзодалар Дашти Қипчоқ ва Бухоро хонлигидан келтирилиб, Хива тахтига ўтқазилар эди.

Қўғирчоқ хон сифатида Хива хонлиги тахтига ўтқазилган чингизий султонларининг тез-тез алмашиб туриш ҳолатини воқеалар замондоши бўлмиш Абдулкарим Бухорий топқирлик билан *хонбози* (хон бўлиш ўйини) деб атаган эди[1].

«Тарихи Туркистон»да ҳам *хонбози* ҳолати ҳақида маълумот берилар экан, шундай дейилади:

«[Элтузархондан] муқаддам Хивада Шайбоний хонларидин Абулғозийхондин кейин хонлар подшоҳлигидин ёлғуз исми подшоҳликға қаноат қилиб қўлларида асло ҳукумат ва тасарруф бўлмай, иноқлар раъйича иш ва аларнинг каломи ила такаллум қилиб, бир неча вақтдин кейин ул ҳолларидин ҳам таназзул қилиб, баъзиларини Қозоғистонға сургун қилиб ва бошқа бирини келтуруб, хон кўтаруб, иноқлар шул тариқа хонбозлик қилурлар эдилар»[2].

Кўриниб турибдики, юзага келган вазият туфайли сиёсий майдонда ва давлат бошқарувида катта таъсирга эга бўлиб борган *оталиқ, иноқ, бий* сингари юқори лавозим эгалари, ҳарбий саркардалар марказий ҳокимиятни қўлга киритиш ҳамда ўзларининг сиёсий мавқеини кучайтиришга интилганлар.

Ўз даврида Хива тахтидаги *хонбози* ҳолатини нотўғри талқин қилиш ҳоллари ҳам бўлган. Хусусан, 1819 – 1820 йилларда хонликда бўлган рус элчиси Н. Муравьев қозоқ султонларининг Хива тахтига ўтқазилиши борасида мутлақо янглиш мулоҳазаларни билдирган. У «илгарилари қирғиз-қайсоқ (*қозоқ*) хонлари хиваликларнинг заифлигидан фойдаланиб уларга

[1] Firdaws al-iqbal: History of Khwarazm ... – P.559. (Note. 590); Абдурасулов У. От Арабшахидов к Кунградам ... – С.21 – 22.
[2] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.193.

катта таъсир ўтказишган, шу боис [хиваликлар] ўрда (*қозоқ жузи*)дан одам чақириб, тобелик рамзи сифатида ўзларининг хони деб эълон қилиш расм бўлган эди» деб маълумот берган[1]. Н.И. Веселовскийнинг ушбу рус элчисининг фикрлари асоссиз эканлиги ҳамда қозоқ хонлари номигагина тахтда ўтириб, маҳаллий зодагонларнинг вакиллари улардан хон ҳокимияти легитимлигини таъминлашдагина фойдаланганларини тушунтириб ўтиши диққатга лойиқ[2].

Лекин замонамиз тадқиқотчиларидан бўлган В. Хольцварт «Фирдавс ул-иқбол» асарига иқтибос қилар экан, қозоқ чингизийлари Хивани 1728 – 1758 йилларгача узлуксиз равишда бошқариб келганлигига урғу бериб, уларнинг мавқеи борасида мавжуд фикрлардан фарқли хулосани ўртага ташлайди. У «бу қозоқ хонлари XIX асрда, бизда тасаввур ҳосил қилдирилганидек, шунчаки қўғирчоқ хонлар эмас эди, улар Хиванинг шимолий савдосидаги энг муҳим ва керакли элемент ҳисобланарди» деб таъкидлайди. В. Хольцварт фикрини асослаш учун Абулхайрхоннинг 1745 йилда Оренбургга юборган хатини мисол қилиб келтиради[3]. Хатда: «Хивадан элчилар келишди, улар ўғлим Нурали султонни мендан сўрашди, улар шундай ёзадиларки: туркманлар [бизга] келтирган вайронагарчиликлари учун бухороликлар сингари

[1] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. 2. – С.44 – 45.

[2] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.269.

[3] Муаллифнинг инглиз тилидаги таржимаси хатнинг рус тилидаги асл нусхасидан анча фарқ қилади. Хусусан, таржимада «Хивадан элчилар келишди, улар ўғлим Нурали султонни мендан сўрашди, уларнинг хабар беришларича, хиваликларга мухолиф бўлган «ёввойи туркманлар ва бухороликлар Эрондан ҳарбий ёрдам олишмоқда, биз эса фақат қозоқ хонларини қабул қиламиз, шу боис ўғлингизни бизга юборинг. Бизнинг карвонларимиз шимолга ва Россияга етиб бормаслигидан хавотирдамиз» деб кўрсатилган. Муаллифнинг бевосита инглиз тилидаги матни қуйидагича: «Envoys came from Khiwa, who want to have my son, Nur Ali Sultan as their khan. They write to me: «The wild Turkmens and Bukhara have received military support from the Persians. We however do only accept a Kazakh (kirgis-kaisak) ruler. We fear that our caravans will not be able to move to the north and Russia. Your son should come». Қаранг: Holzwarth W. Relations between Uzbek Central Asia, the Great Steppe and Iran ... – P.199.

ва умуман бошқа [исёнкор] халқлар Эрондан олинган ҳарбий куч ёрдамида бартараф этилди, лекин энди Хива тахтига бошқа халқдан бўлган хоннинг ўтириши туфайли қирғизқайсоқ (*қозоқ*)ларнинг карвонлари бизнинг ерларимизга кела олмайди, бизнинг карвонларимиз эса Оренбургга ўта олмайди, шу боис ўғлингизни бизга юборинг», – деб қайд этилган[1].

В. Хольцварт мактубни талқин қилишда юқорида келтирилган жиҳатларни, яъни Абулхайрхоннинг рус ҳукумати олдида ўз мавқе ва аҳамиятини амалдагига нисбатан ошириб кўрсатиш маҳоратини ҳам ҳисобга олмаган кўринади. Ваҳоланки, унинг ўзи: «Қозоқ хонлигининг мутлақо мустақил учта қисмга бўлиниб кетиши оқибатида шундай вазият юзага келган эдики, уларнинг ҳар бири ўзларининг савдо корридорларини ҳосил қилишга, Россияга йўналган карвонларни айнан ўз ҳудудларидан ўтишларига интилиб, мухолиф томон ҳудудидан юрувчи карвонларни талон-торож қилар эди», – деб қайд этган[2]. Бу воқеаларга параллел равишда Хива хонлигида ҳам турли уруғларнинг юқори табақа вакиллари ўртасида сиёсий ва иқтисодий устунлик учун рақобат авж олган, бу йўлда улар Қозоқ даштидаги «чингизийлар элементи»дан фойдаланишар эди. Келтирилган мактубда эса айни шу ҳолат ўз аксини топган.

Н.И. Веселовский Хива тахтидаги «қўғирчоқ хон»ларнинг ҳолати ва мавқеи масаласига тўхталар экан, «ворисийлик

---

[1] Бу ерда рус тилидаги мактубнинг асл нусхасидан таржима келтирилди. Рус тилидаги хатнинг матни эса қуйидагича: «Вам доношу: из Хивы прибыли посланцы и просят сына моего Нурали-салтана в ханы и пишут ко мне тако (так): трухменцов (туркменцев) за их беспокойство и за учинение многаго разорения как бухарцом, так и протчим народам, взяв от персиан войска, уже искоренили, а ныне, ежели-де нам учинить ханом от других народов, то-де киргис-кайсаки с торгом приезжать к нам не будут, также-де и нашим корованам в Оренбург для торгу ездить будет невозможно...». Қаранг: Письмо хана Абулхаира Оренбургскому губернатору И. Неплюеву о приглашении султана Нурали в Хиву на ханский престол // Казахско-русские отношения в XVI – XVIII вв. ... Док. №125. – С.322.

[2] Holzwarth W. Relations between Uzbek Central Asia, the Great Steppe and Iran ... – P.199.

асосида эмас, бошқа халқлардан сайланган хонлар, табиийки, сайловчи шахсларга маълум даражада қарам бўлиши керак эди» деб таъкидлайди[1].

32 йил Бухоро ва Хивада асирликда бўлган Яков Петровнинг қозоқлардан бўлган Абулғозихоннинг ҳолати ҳақидаги ҳикояси «қўғирчоқ хон»ларнинг амалдаги мавқеи ва ҳолати ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради: «... барча ишларни Аваз иноқ бошқаради, қандайдир қорақалпоқ (*қирғиз-қайсоқ/қозоқ*) эса хон деб ҳисобланади. У фақатгина хон номига эга, холос, бошқарувга [уни] аралаштиришмайди. Фақат «ўлим жазоси»ни тасдиқлашдагина унинг иштироки керак. Бундай ҳолларда Аваз иноқ унга мулозамат билан «хон хазратлари» деб мурожаат этади ва масалани баён қилади. Бу қорақалпоқ (*қирғиз-қайсоқ/қозоқ*) эса «ўзларингга ҳавола, биродарлар» дея қўл силтаб қўяди[2].

Албатта, бундай сохта мулозамат ва хоннинг «давлат ишларидаги иштироки» халқнинг кўз ўнгида ҳокимият қонунийлигини таъминлаш ҳамда уларни хотиржам қилиш учун керак эди. Н.И. Веселовский таъкидлаганидек, шу боис ҳам хон йилда уч маротаба халқ олдига *кўринишга* олиб чиқилган, гарчи сохта бўлса-да, лозим бўлган эҳтиром кўрсатилган. Барча муҳим ишлар хоннинг муҳрисиз амалга оширилмас эди, айниқса, «ўлим жазоси»ни тайинлашда хоннинг тасдиғи зарур бўлган. Расмий қайдномаларга таянган муаллифнинг кўрсатишича, «барча фармон ва ҳукмлар хон номидан чиқарилишига қарамай, унинг ўзи бу ҳақда ҳеч нарса билмас эди»[3].

---

[1] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.212.

[2] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.245; История Казахстана в русских источниках (XVI – XX веков). Первые историко-этнографические описания казахских земель. Первая половина XIX века / Сост. В.И. Ерофеева, Б.Т. Жанаев. – Алматы: Дайк-Пресс, 2007. Т. V. – С.532.

[3] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.248.

Хива тахтида ўтирган «қўғирчоқ хонлар»нинг амалдаги мавқеи ҳамда Қўнғирот иноқларининг ваколатлари ҳақида «Тарихи Туркистон» асарида шундай ҳикоя қилинади: «бу зотдин (*Элтузархондан*) муқаддам Қўнғирот ҳукмдорлари номиға сикка (*танга*) бўлмай, Қозоқия хонларидин бирининг номиға хутба ўқулуб, Бухоро ва Эрон тангалари баробар тадовил (*истифода*) қилинур эди. Хонлар *иноқ* раъйидин тажовуз қилмай, махсус зарлик либослар кийиб, атбоъ (*тобелар, фуқаролар*) ва авлодлари ила ўрдаи подшоҳийда вазифахўр бўлуб, *иноқ* ва бошқа умаро ва вузаролар ҳар куни келиб, хонга саломга бориб, ийд ва жумъа намозларида хон илан биргалашуб чиқар эдилар»[1].

Юқорида қайд этилганидек, *хонбози* ҳолати Нодиршоҳнинг Хоразмга юриши ва Хива тахтига ўз ноибларини тайинлаб қўйиши билан янада авж олиб кетган эди. Хусусан, унинг ноиби сифатида тахтда ўтирган Тоҳирхон, манбада кўрсатилишича, олти ойгина ҳукмронлик қилса-да, «гуноҳкорларнинг қулоқ-бурнини кесдириб, шиа анъаналарининг ривожига хизмат қилган»[2]. Шу боис ундан норози бўлган маҳаллий амалдорларнинг таклифига кўра Оролда катта нуфузга эга бўлган Ортуқ иноқ, Саййид Алибий ва Хўрозбек қозоқ хони Абулхайрхоннинг ўғли Нуралини ўзлари билан олиб келиб, Кат шаҳрида хон кўтаришган. Рус архив ҳужжатларида қайд этилишича, бу даврда сиёсий жиҳатдан катта нуфузга эга бўлган Хўрозбек қозоқ султони Нуралини Хива тахтига таклиф этар экан, [хиваликларни хоннинг] зулмларидан халос этиб, марҳамат кўрсатишига умид қилиб қолишлигини билдирган. Шунингдек, қозоқ султонида хавотирга ўрин қолдирмаслик учун ўзи Нодиршоҳнинг ҳузурида бўлиб, унинг розилигини

[1] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.194.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.104.

олиб қайтганлигини хабар қилган[1]. Эрон амалдорларининг Нурали султонга юборган мактуби ҳам унинг қарорига таъсир кўрсатган ва маълум маънода уни сергаклантирган бўлиши мумкин. Зеро, мактубда келтирилишича, Нодиршоҳнинг ижозати билан Хива хонлиги бошқарувини қўлга олмоқчи бўлган султоннинг «ташаббуси» шоҳ томонидан мақуллан-ганлигини хабар қилган амалдорлар айрим «таклифлар»ни ҳам баён этишган. Шоҳнинг ўзига хос «шарти»ни англатувчи бу «таклиф»да Нурали султон ўз фарзандлари ва савдогарларини Эрон ерларига савдо-тижорат ишлари учун юбориши ҳамда улар Эроннинг қимматбаҳо тошлари, зарбоф парчалари билан савдо қилиб, икки ўртада савдо алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилишлари сўралган[2].

Хива хонлиги тахтини қабул қилишга қарор қилган Нуралихон Хоразмга келгач Тоҳирхонни қатл эттирган. «Анжум ат-таворих»да қайд этилишича, Нодиршоҳ ўғли Насруллоҳнинг йўлга чиққан жазо лашкаридан ваҳимага тушиб Нуралихонни Дашти Қипчоққа чиқариб юборган «Хоразм ашрофлари ва зодагонлари» катта ҳадялар ва тортиқлар билан Марвга келиб, гуноҳларини кечишни сўрашган. Уларни кечирган Эрон шаҳзодаси Нодиршоҳнинг буйруғи билан расман Хива тахтига илгари қатл этилган Хива хони Элбарсхоннинг ўғли Абул Муҳаммадни хон этиб тайинлаган ва у тарихда Абулғози II (1742 – 1746) номи билан ҳокимиятни бошқарган[3]. Қозоқ дашти ва Ўрта Осиё хонликлари борасида рус ҳукуматига бериб борилган ахборотномада ҳам: «Эрон шоҳи ҳозир Хивага ҳукмдор

[1] 1745 г. июнь – Письмо хивинского чиновника Хуразгали-мехтера султану Младшего жуза Нуралы // История Казахстана в документах и материалах: Альманах. Вып. 3. Ред. коллегия: Л.А. Абдирасилова, В. Ерофеева, Б.Т. Жанаев. – Караганда, 2013. Док. №10. – С.20 – 21.

[2] 1745 г. июнь – Письмо иранских сановников султану Младшего жуза Нуралы // История Казахстана в документах и материалах: Альманах. Вып. 3. ... Док. №11. – С.21 – 22.

[3] Асарда янглиш тарзда Абулғозийхон (Бешинчи) номи билан тахтга ўтқазилганлиги қайд этилган. Қаранг: Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих ... – Б.85.

этиб собиқ Хива хони Элбарсхоннинг ўғлини юборибди, хиваликларга берилган кўрсатмага асосан Абулхайрхоннинг у ерда турган ўғлини эса шоҳ етиб боргунига қадар ушлаб туриш буюрилган. Шунга кўра, Абулхайрхоннинг ўғли Нурали отасига хат ёзиб, уни тезроқ Хивадан олиб кетишини сўраган», – деб қайд этилган[1].

Кўриниб турибдики, амалдаги ҳокимиятни қўлдан бой берган Хива хонлари ўзаро кураш олиб борган гуруҳлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолган.

Ҳарбий юришларда Нодиршоҳга ҳамроҳ бўлиб унинг ишончини қозонган қозоқ султонларидан Ғойибхон ҳукмронлиги даврида (1746 – 1756) ҳам аҳвол яхшиланмаган эди. Бу давр ҳақида «...анинг замонида ... мулкнинг ҳаллу акди (*давлат бошқаруви*) Хўрозбекнинг қабзаи иқтидор ва сарпанжаи ихтёрида эрди. Ва Ғойибхонда маҳзи отдин бошқа нима йўқ эрди. Бу жиҳатдин хон бағоят саргардон эрди» деб таърифланади манбада[2].

Бу даврда ташқи алоқалар ҳам чекланиб қолган. Чунки Ғойибхон қўшни давлатларга ҳам яхши муносабатда бўлмаган. Унинг даврида афғонлар томонидан таҳдид мавжуд бўлиб, у афғон хони Аҳмадшоҳнинг чегарадош ҳудудда яшовчи курд қабилаларини босиб олишидан ҳамда уларнинг така ва сариқ туркманлари ёрдамида Хива хонлигини забт этишидан хавотирда эди. Хива савдогарлари эса Ғойибхонга мухолиф бўлган Дашти Қипчоқдаги қозоқлар билан муносабатлари бузилганлиги туфайли Оренбургга боришдан чўчишар эди.

Шу ўринда эътибор бериш керакки, Хива тахтига ўтқазилган қозоқ хонлари ва султонлари амалда Россия империясининг вассаллари ҳисобланганлар. Шу жиҳатдан Хива хон-

---

[1] Рычков П.И. Экстракт ис полученных от команд известий о киргис-кайсацких, калмыцких и хивинских обращениях. 1742 г. // История Казахстана в русских источниках (XVI – XX веков). Первые историко-этнографические описания казахских земель. XVIII в. / Сост. В.И. Ерофеева. – Алматы: Дайк-Пресс, 2007. Т. IV. – С.18 – 19, 22.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.105.

лиги тахтида Россия империяси фуқаросининг ўтириши рус ҳукуматида катта умид уйғотганлигини тахмин қилиш қийин эмас. Лекин мажуд маълумотлар амалдаги вазиятда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлигини кўрсатади. Масалага алоҳида урғу берган Н. Залесов: «Россияга тобе бўлган шахснинг Хива ҳукмдори этиб эълон қилинишига қарамасдан, бу хонликнинг бизга нисбатан муносабатлари деярли ўзгармади», – деб таъкидлайди[1]. Албатта, қозоқ хонларининг Хива тахтида шунчаки қўғирчоқ ҳукмдор сифатида ўтирганларини эътиборга оладиган бўлсак, бу масала бошқача кўринишга эга бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Шу билан бирга, бу ҳолат хонликнинг ташқи алоқаларида ўзига хос мураккабликларни келтириб чиқарган. Хусусан, 1750 йилда Хивадан Ғойибхоннинг элчиси Шербек Оренбургга келганда генерал-губернатор И.И. Неплюев унга қандай муносабатда бўлишни билмаган. Чунки бу тахтида қозоқ хони ўтирган Хива хонлигининг Эрон шоҳи Нодиршоҳ назоратидан чиқиб, мустақил бўлганидан сўнг илк бор ташриф буюрган элчилик эди. И.И. Неплюев Ташқи ишлар коллегиясига берган ҳисоботида хиваликлар кўпинча ўз тахтига Россия тобелигини қабул қилган қозоқ султонларини ўтқазишларини маълум қилган. Шу муносабат билан у такрорланиб турувчи бундай ҳолатларда қандай йўл тутиш лозимлиги юзасидан кўрсатма берилишини сўраган. Коллегия 1750 йил 13 август фармони[2] билан қозоқ султонларининг Хива тахтига ўтиришига рухсат берилганлигини хабар қилиб, Оренбург генерал-губернаторига янги сайланган султонни қутлаш, ҳадялар бериб, савдо алоқаларини ривожлантиришни талаб этишни буюрган[3].

[1] Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. ... – С.42.

[2] Россия Ташқи ишлар коллегиясининг 1745 йил 21 октябрдаги фармони Эрон вассали бўлганлиги боис Хива хонлиги тахтига қозоқ чингизийларининг ўтиришини тақиқлар эди. 1750 йил 13 августида Хива хонлиги Эрондан мустақил бўлган давлат сифатида Россия билан алоқалар олиб бориши мумкин деб топилган.

[3] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.218.

Ғойибхоннинг рус ҳукуматига бўлган кейинги муносабати ва бу даврда юз берган бошқа воқеалар тафсилоти Россия давлати тобелигидаги шахснинг Хива хонлиги тахтида ўтириши амалда ҳеч нарсани англатмаслигини янада яққолроқ кўрсатади. Зеро, Н. Залесов қайд этганидек, «Ботир султоннинг ўғли Ғойиб хонлик тахтига ўтирганда Хивада рус савдогарлари яна сиқувга олина бошланган. Муаллиф бу борада Оренбург обер-коменданти Зенбулатовнинг фикрини келтириб ўтади: «...бул Каип (*Ғойиб*) султон Шерғозихоннинг авлоди Ботир султон оиласидан эди, унинг даврида 1717 йилда Хивага юборилган гвардия капитани князь Александр Черкасский қўшини билан қириб ташланган эди. Шу сабабдан Каип (*Ғойиб)* ҳам 1752 йилда Оренбургдан юборилган таржимонни нафақат карвони билан тутиб қолди, балки унга кўп зулмлар кўрсатди»[1].

Шу билан бирга, Россия империясининг Хива – Қозоқ алоқаларидаги таъсирини эътибордан четда қолдириб бўлмас эди. Айниқса, Қозоқ даштларида кесишган учта давлатнинг иқтисодий манфаатлари баъзи ҳолларда кучлироқ томоннинг аралашувини тақозо этарди. Ғойибхон 1750 – 1751 йилларда ўз элчиларини Оренбург ва Астраханга юбориб, нафақат рус ҳукумати ёрдамида даштда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиш, балки катта моддий фойда кўришни ҳам кўзлаган. Ғойибхон савдо карвонларини ўзининг отаси Ботирхон ҳудуди орқали ўтишига рухсат олиш йўли билан ўзининг энг ашаддий рақиби бўлган Нуралихонни бож йиғимларидан келадиган йирик фойдадан маҳрум этиб жиддий иқтисодий зарар етказишни ўйлаган. Нуралихон ҳам рус ҳукуматини Ғойибхонга қарши қўйишга ҳаракат қилиб, токи у Хива тахтида ўтирар экан, унинг отаси Ботирхоннинг қозоқлар орасидаги мавқеига зарба бериш мушкул бўлади деган асосни келтирган

[1] Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. ... – С.42 – 43.

эди. Бундай рақобат, ўз навбатида, Хива хони Ғойибхон билан Кичик Қозоқ жузи хони Нуралихон ўртасидаги зиддиятни келтириб чиқарган эди[1].

Бундан анча илгари Россия империяси Сенатининг қўл остида савдо қилган инглиз савдогари Роман Гок (Рейнальд Ҳогг)[2] ҳам Хивага ташрифи (1740 – 1741) юзасидан тайёрлаган ахборотида Россияни Хива билан боғлайдиган йўлда катта хавф Қозоқ даштида талончилик қилувчи гуруҳлардан кутилиши, бунинг учун эса у ердаги уруғ бошлиқларидан кучлиси билан ҳамкорлик қилиш лозимлигини қайд этган[3]. Бу мақсад учун рус ҳукуматига Ўрта Қозоқ жузи уруғ бошлиқларидан Жонибек ботир билан ҳамкорлик қилишни тавсия этар экан Р. Гок «хонлардан кўра ундан умид катта, чунки ҳамма ундан қўрқади» деб таъкидлайди.

Н.И. Веселовскийнинг таъкидлашича, карвонларни талон-торож қилиш шу даражада авж олганки, оқибатда Россия томонининг аралашуви зарур бўлиб қолган. Шу муносабат билан 1753 йилда 20 000 рублик қийматга эга бўлган катта карвон тайёрланиб, Оренбургдан амалдор Чучалов ва Гуляев раҳбарлигида Хивага юборилган[4]. Карвонга «хиваликлар билан қирғиз-қайсоқлар (*қозоқлар*) орасидаги можарони муҳокама қилиш учун» Нуралихондан ҳам элчилар бириктирилган[5].

Н.И. Веселовский таъкидлаганидек, зиддиятни ҳал этишда рус ҳукумати томонидан ваъда қилинган моддий рағбатлантириш Нуралихонга ажойиб таъсир қилган ва унинг ўзи Ғо-

[1] Зияев Ҳ. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари ... – Б.21.
[2] Тадқиқотга тортилган ушбу ҳужжатда инглиз савдогарининг исми Роман Гок, баъзи жойларда эса Гог деб келтирилган.
[3] Қулёзма қора сиёҳда ўрта аср рус ёзуви ва тилида ёзилган. Шу жиҳатдан, айрим ҳарфлар ва сўзларни ўқишда қийинчиликлар вужудга келди. Қаранг: Возвратный из Хивы в Оренбург приезд английского купца Романа Гока / АВПРИ, ф. 125. оп. 1, д. 2.
[4] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.222.
[5] Вельяминов-Зернов В.В. Историческия известия о киргиз-кайсаках и сношениях России с Среднею Азиею со времени кончины Абул-Хайр хана (1748 – 1765 г.). Том 1. – Уфа, 1853. – С.32 – 36.

йибхон билан жанжални тўхтатиш ташаббуси билан чиққан. Охир-оқибат бу зиддият Нуралихоннинг қизини Ғойибхонга унаштириш билан якунланган[1].

Ғойибхон Дашти Қипчоқдаги ғанимлари билан вақтинча муросага келган бўлса-да, ўзига қарши чиққан Хоразмдаги ички кучларга бас кела олмасдан, мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлган. Эътибор бериш керакки, Ғойибхон Хива тахтида ўн йил ўтирган эди. «Қўғирчоқ хон» ҳолатида бўлган ҳукмдорнинг нисбатан бу қадар узоқ йил ҳокимият тепасида туриши, аниқроғи, «ушлаб турилиши», аслида, нуфузли амалдорларнинг сиёсий мавқеи билан боғлиқ эди. Зеро, юқорида келтирилганидек, давлатнинг бошқаруви бевосита «Хўрозбекнинг қабзаи иқтидор ва сарпанжаи ихтёрида» бўлиб, «Фирдавс ул-иқбол»да «ул жамоадин Ортуқ иноқ олти йил ва Хўрозбек беш ярим йил истиқлол била (*мустақил равишда*) жами (*бутун*) Хоразмға ҳукумат сурди» деб қайд этилади. Асарда Хўрозбекнинг вафотидан сўнг «Ғойибхон подшоҳлиқда мустақил бўлди. Ва хон ғаюр ва золим табъ киши эрди. Ва авохири салтанатида зулм ва тааддиси ҳадди эътидолдин ўтуб, Беш қалъа раоёсиға қирқ минг тилло солиғ солди. Фуқаро ва ажаза (*ожизлар)*нинг додиға етмади» деб кўрсатилган[2]. Бу қийинчиликлар халқнинг норозилиги ва ҳокимиятга қарши ғалаёнларнинг кучайишига олиб келган. Шу жиҳатдан Ғойибхон қозоқлар орасига қочиб қолган, шундан сўнг мамлакатда «хон бўлиш ўйини» яна авж олиб кетган эди. Ундан сўнг Хивада Қорабой, Темурғози, Шоҳғози, Абулғозий III, Нурали, Жаҳонгир, Абдулазиз, Ортиқғози, Абдулла, Ёдгор, Абулғози IV, Абулғози V, Пўлатғози ва бошқалар ҳукмронлик қилган[3].

---

[1] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.222.

[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.105; Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик ... – Б.71.

[3] Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик ... – Б.71.

Мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, хонларнинг тез-тез алмашинуви – «хон бўлиш ўйини» бутун Хоразм ҳаётига ҳалокатли таъсир кўрсатган. Бу тартибсизликлар Бухоро ҳукмдорларининг ҳам Хоразм ички ишларига аралашуви учун шароит яратган эди. Хонликда бўлган рус савдогари Д. Рукавкин ўша даврда Хивадаги сиёсий аҳвол ҳақида маълумот бериб, хонларнинг қирғиз-қайсоқлар (*қозоқлар*) ва Бухоро хонларидан сайланишини, ҳатто хонлик тангалари Хива хонлари номи билан эмас, Бухоро хонларининг номи билан зарб этилишини таъкидлаган[1].

«Фирдавс ул-иқбол»да қайд этилишича, Ғойибхон замонидан буён Орол, Гурлан ва Урганж амирлари Хўжақули иноқ бошчилигидаги Хива амирларига мухолифат бўлиб келишар эди. Шу жиҳатдан ўзаро келиша олмаган икки тараф ҳам Бухоро хони Муҳаммад Раҳимхон ибн Ҳаким оталиққа ёрдам сўраб одам юборган. «Фирдавс ул-иқбол»да: «Раҳимхон борғанларға мусолиҳа қилдуруб, Темурғозихонни ўртада хон қилиб йиборди. Барча иттифоқ била ани Хивақда хон кўтардилар», – деб баён қилинади[2].

Бухородан келтириб, Хива тахтига ўтқазилган номзодлардан яна бири Темурғозихоннинг иниси Абулғозихони солис, яъни Абулғозихон IV бўлиб, «Фирдавс ул-иқбол»да: «Бухородин келтуруб, 1766/1767 йилда хон кўтардилар. Чун анинг афъол ва атвори мухталиф (*беқарор*) эрди, ярим йил ҳукумат сургандин сўнг Муҳаммадамин иноқ ани орадин чиқарди. Ва муддати салтанатин баъзи бир ой дебдурлар», – деб қайд этилган[3].

Хива хонлигидаги манғит ва қўнғирот уруғлари ўртасида кучайиб кетган ўзаро урушлардан фойдаланиб қолган турк-

[1] Бетгер Е.К. Самарский купец Данила Рукавкин и его караван в Хиву в 1753 г. // Известия АН Туркменской ССР. 1952. №6. Отдельный оттиск. – С.8 – 11.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.106.
[3] Ўша жойда. – Б.108.

ман ёвмутлари Хивада ер ва ҳокимиятни эгаллаш учун ҳаракат олиб борган. Манбада кўрсатилишича, бир йилда 53 марта ёвмут сипоҳи билан урушиб, бу урушда икки тарафдан кўп киши ҳалок бўлган[1].

Шу вақтда сиёсат майдонида пайдо бўлган қўнғирот ер эгаларининг раҳнамоси Муҳаммад Амин *иноқ* қанчалик уринмасин, ёвмутларнинг Хивада сиёсий ҳокимиятни қўлга олишини тўхта олмаган, улар Ҳазорасп, Хонқа ва Оролдан бошқа Хоразмга тегишли кўп ерларни босиб олган. Чорасиз қолган Муҳаммад Амин *иноқ* Бухорога Амир Дониёлбий ҳузурига ёрдам сўраб борган. Ўз навбатида, у Хивада хон бўлиб турган қозоқ хони Нурали ҳамда Кичик Қозоқ жузининг султони Эрали ва унинг ўғли Есим билан ҳам ҳамкорлик қилган. Бирлашган кучлар ҳаракатига қарамай, 1770 йил баҳорида ёвмутлар вақтинча Хивада ҳокимиятни эгаллашга муваффақ бўлган ва Ғойибхоннинг ўғли Жаҳонгир султонни ўзларига хон этиб тайинлашган. Хива амалдорлари орасида катта таянчга эга бўлган Муҳаммад Амин эса *оталиқ* лавозимига тайинланган[2].

«Фирдавс ул-иқбол»да Муҳаммад Амин иноқнинг амалдаги ҳокимияти 1762/1763 йилда бошланганлиги қайд этилар экан, «Муҳаммадамин бекни иноқият мансабида насб қилдилар. Ва Муҳаммадамин иноқ ул фурсатда ўттуз икки ёшида эрди. Оғози давлат ва ибтидои аморати ул кундиндур», – деб кўрсатилади[3].

Манбалардаги маълумотлар Муҳаммад Амин иноқлик лавозимида бўлса-да, мамлакат бошқаруви унинг қўлига ўтганлигини кўрсатиб турибди. «Таворих ул-хавонин»да ҳам: «Муҳаммад Амин иноқи марҳумий ва мағфурий Бухородин қойтиб келиб, Хоразм мамлакатин олғондин сўнг, хон ва ума-

---

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.128.
[2] Вяткин М.П. Батыр Срым ... – С.171 – 173.
[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.126.

ро ва ўзга қалъаларнинг ҳокимининг азлу мансаби (*мансабдан олиш*) онинг қўлида эрди, ўзи Хоразмшоҳлиқ саририда барқарор ва камкор эрди, аммо ўтган обо ва аждодининг равиш йўсинидин тажовуз қилмай, отин *иноқ* қўюб қазоқ, доғи тўраларидин ким чингизия авлодларидур, олардин бирин келтуруб отин *хон* қўёр эрди», – деб қайд этилган[1].

Келтирилган маълумотлар XVIII асрда Хива хонлигидаги сиёсий вазият бевосита минтақада содир бўлган воқеаларга боғлиқ бўлганлиги, айниқса, ҳокимият легитимлигининг «чингизийлар омили» ўзаро курашувчи ички кучлар ўртасидаги рақобатнинг авж олишига катта таъсир қилганлигини кўрсатади. Мавжуд вазият борасида бир қатор олимларнинг билдирган мулоҳазаларини келтириб ўтиш мумкин.

Бу даврда Хива хонлигидаги сиёсий «деградация ҳолати»ни таҳлил қилган А.А. Андреев: «Шарқнинг охирги буюк фотиҳларидан ҳисобланмиш Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга юришига қадар Хива ташқи хавфларни бартараф этишнинг йўлларини топар ва фақатгина ички қарама-қаршиликлар унинг сиёсий ва иқтисодий тараққиёти секинлашишига сабаб бўлган эди», – деб фикр билдиради[2].

Ўрта асрларда давлатнинг сиёсий мақоми бевосита ҳукмдорнинг шахсий қобилиятига боғлиқ бўлганлигини қайд этган А.А. Андреев мамлакатдаги ички курашлар кези келганда Шерғозихондек кучли лидерни ҳам танг аҳволга солиб қўйганлигини таъкидлаб ўтади. XVIII аср бошларидаги умумий ҳолатга баҳо берган ушбу муаллиф, давлат бошқарувининг маълум даражада заифлигига қарамай, Хива хонлиги Нодиршоҳнинг юришига қадар Ўрта Осиёдаги таъсири жиҳатидан Бухоро хонлиги билан рақобатлаша олар эди деб хулоса беради[3].

[1] Сайид Ҳомид тўра Комёб. Таворих ул-хавонин ... – Б.27.
[2] Андреев А.А. Хивинское ханство в начале XVIII века ... – С.19.
[3] Ўша жойда. – С.19.

Минтақадаги умумий вазиятга баҳо берган В. Хольцварт Қозоқ ва Ўрта Осиё хонликларидаги сиёсий ва ижтимоий интеграциянинг инқирози фақатгина бу ердаги феномен (*алоҳида ҳодиса*) эмаслиги, балки Сафавийлар Эрони ва бобурийлар Ҳиндистонидаги айни шу даврда юз берган тушкунлик ва тарқоқлик билан параллел тарзда содир бўлганлигини кўрсатади. Олимнинг фикрича, бу ҳолат ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг минтақавий ёки умумиқтисодий ва ижтимоий асослари ҳамда уларнинг яхлитлигидан далолат беради[1].

[1] Holzwarth W. Relations between Uzbek Central Asia, the Great Steppe and Iran ... – P.209.

## 2.2. ХИВА ХОНЛИГИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ҲОКИМИЯТ ЛЕГИТИМАЦИЯСИ МАСАЛАСИНИНГ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРГА БОҒЛИҚ ЖИҲАТЛАРИ

Давлатнинг бошқарув тизими маълум даражада давлат сиёсатининг асосий йўналиши ва воқеликнинг мазмун-моҳияти ҳақида тасаввур беради. Шу боис XVI аср бошларида Хоразмга келиб жойлашган янги сулола вакиллари жорий этган бошқарув тизимини кўриб ўтиш тадқиқ қилинаётган давр мамлакатда содир бўлган воқеа-ҳодисаларнинг туб моҳиятини чуқурроқ тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, бу масаланинг таҳлили олдинги бобларда кўриб чиқилган воқеа-ҳодисаларнинг назарий-концептуал жиҳатларини, уларнинг сабабларини очиб беришга ёрдам беради.

Хива хонлигининг ташкил топиш ва шаклланиш жараёни бевосита давлат бошқарувида кўчманчи дашт тартиб-қоидалари билан маҳаллий ўтроқ давлатчилик анъаналарининг қоришувига боғлиқ тарзда кечган эди. Унга кўра, уруғнинг каттаси унинг бошлиғи ҳисобланган. Ҳукмдор вафот этиши билан тахтни унинг ўғли эмас, балки ундан кейинги укаси, фақат укалари бўлмаган тақдирдагина хоннинг катта ўғли эгаллаган[1]. Элбарсхондан сўнг акаси Билбарснинг ўғли Султон ҳожи, Суфиёнхондан сўнг укаси Бўчғахоннинг тахтга ўтириши бунга мисолдир.

Шу билан бирга, олий ҳукмдор ҳаётлик вақтида валиаҳд, яъни тахт ворисини тайинлаб қўйиш ҳамда хоразмшоҳларнинг давлатчилик анъналарида мавжуд бўлган кўпгина мансаб ва лавозимлар, уларнинг ваколатлари маълум даражада ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

[1] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.140 – 142.

Тахт вориси *қолхон* ёки *колхон*[1] *деб, хонадоннинг бошқа аъзолари султон* деб аталган. «Мусаххир ал-билод»да Шайбонийлар даврида ўрнатилган бошқарув тартиби ҳақида маълумот берилар экан, ёш жиҳатдан ҳаммадан улуғ бўлганини *хон* атаб хонлик мансабига кўтаришгани ҳамда ёш жиҳатдан бошқалардан катта ҳисобланган султон *қонеъа*, яъни валиаҳд этиб тайинлангани кўрсатиб ўтилган[2].

Қўнғиротлар ҳукмронлиги даврига келиб манбаларда ёш шаҳзодаларга нисбатан *тўра* унвони қўлланган. Хива хонлигида ўн йил асирликда бўлган Эрон қўмондони Исмоил Мирпанжа ҳам ўз «Хотиралари»да (XIX аср) туркистонликлар ўз подшоҳларини *хон*, шаҳзодани *тўра*, агар у валиаҳд бўлса, *инoқ* деб аташларини кўрсатиб ўтган[3].

Тахт ворисини тайинлашда истисно ҳолатлар ҳам бўлган. Бунда тахт ворисининг ёшидан ташқари унинг бошқарув қобилияти, шунингдек, маънавий ва руҳий-жисмоний ҳолати ҳамда ҳарбий шижоатига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Динмуҳаммад ибн Аванешхоннинг икки ўғли бўлиб, Поянда Муҳаммад ёш жиҳатдан катта бўлишига қарамай, кичик ўғли Абул Муҳаммад отаси ҳаётлигидаёқ *қолхон* деб эълон қилинган эди. Манбадаги маълумотлар тўнғич ўғилнинг ақлий ноқислиги ворислик тартибида ана шундай истиснога сабаб бўлганлигини кўрсатади[4].

«Тарихи оламоройи Аббосий» асарида Бухоро хони Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўминхонни эъзозлаб Бобои деб аташлари, Мовароуннаҳрда *султон* деб аталган ёш шаҳзо-

---

[1] Бу сўз изоҳли луғатда берилган туркий қолға сўзига тўғри келади. Ўрта асрларда нўғойларда (Манғитларда) ва Қрим хонларида тахт вориси бўлган валиаҳдларни шундай аташ расм бўлган. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б.293.

[2] Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод ... – Б.141 – 142.

[3] Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар ... – Б.37. Асарнинг форс тилидаги нусхасида муаллифнинг исми Исмоил Мирпанжа сифатида келтирилган, яъни мирпанжа (форсча) ҳарий қўшин сарҳанги, генерали маъносида.

[4] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.142.

далар кейинчалик *хон* деб юритилиши, лекин Абдулмўмин ягона ворис бўлганлиги боис ёшлигиданоқ *хон* деб аталгани, яъни Абдуллахон *катта хон*, Абдулмўмин эса *кичик хон* деб чақирилганлиги тўғрисида сўз юритилган[1].

Хон хонадонининг бошқарув ишига лаёқатли вакилларига турли вилоят ва шаҳар ёки маълум бир ҳудудий бирлик мулк қилиб берилган. Шу асосда XVI аср бошида мамлакатни майда улусларга бўлиб бошқариш, яъни тарихшуносликда «апанаж», «улус» ёки «удел» тизими деб аталган давлат бошқаруви жорий этилган[2]. Хусусан, Элбарсхон ва иниси Билбарс султон Вазир ва Урганчни қўлга киритгач, Ёдгорхон хонадонига мансуб амакиваччаларини ҳузурларига таклиф қилиб, Урганчни амакиси Амнакхоннинг фарзандларига топширишган. Урганч, Кот, Вазир, Янги Шаҳар, Тирсак, Хива, Ҳазорасп ва унга туташ ҳудудлар ҳукмрон сулола вакилларининг мулки ҳисобланган. Хоннинг қариндошлари катта-кичиклиги ва унга узоқ ёки яқинлигига қараб айрим шаҳар ҳамда вилоятларни бошқариш ҳуқуқини олганлар. Қариндошлар кам бўлса, уларнинг ҳар бирига бир нечта шаҳар теккан, агар қариндошлар кўпайиб кетса, даромадига қараб шаҳарнинг ярмини олишга ҳам мажбур бўлганлар. Жумладан, Хива шаҳри XVI аср иккинчи ярми бошларида Пўлод султон ва Темур султоннинг мулки бўлган[3]. Хонга яқин қариндошлар иқтисодий ва стратегик жиҳатдан муҳимроқ ҳудудларни қўлга киритганлар. Албатта, хонларнинг алмашиниб туриши билан турли ҳудудларга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўзгариб турган. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро сулолавий курашларни авж олдирган.. Султонларнинг ёлланма қўшини ўз ҳудудларини кенгайтириш ва даромадлироқ мулкларни эгаллаш учун олиб борган ўзаро курашларда

---

[1] Искандарбек мунший. Тарихи оламоройи Аббосий ... 1-жилд. – Б.548 – 549.
[2] Бартольд В.В. Узбекские ханства ... – С.269; McChesney R.D. The Chinggisid Restoration in Cnetral Asia ... ... – P.281 – 282.
[3] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.140.

уларнинг асосий таянчи ҳисобланиб, ҳар бир хон ёки султон мавқеи навкарларининг миқдори ва уларга кўрсатадиган сахийлиги билан белгиланган. Шунинг учун ҳам сахийлигини намойиш этишга ошиққан ҳукмдорлар қўшинни чегарадош ҳудудларга уюштириладиган ҳужумлар билан рағбатлантирганлар. Навкарларнинг асосий қисмини ўзбеклар ва туркманлар ташкил этган бўлиб, улар кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт тарзига амал қилганлар[1].

Академик Я. Ғуломов бошқарувнинг удел тизими бирлашишга ёрдам бериш ўрнига Хоразмдек ҳосилдор мамлакат хўжалигининг тушкунликка учрашига олиб келганлигини таъкидлайди[2]. Шуни ҳам қўшимча қилиш мумкинки, ўзаро урушларга йўл очган бошқарувнинг бундай кўриниши нафақат хўжалик, балки сиёсий инқирозни ҳам кучайтирган.

В.В. Бартольд Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилган икки ўзбек хонлигида бир хил бошқарув тизими жорий қилинганини қайд этар экан, Бухородан кўра Хива хонлигида удел тизимининг салбий оқибатлари кучлироқ бўлганлигини таъкидлайди. Олим бу ҳолатни махсус таҳлил қилмаса-да, Хоразмнинг Бухоро хонлигига нисбатан тараққиётдан орқада қолганлигига бу ҳудуднинг мўғуллар босқинидан сўнг қайта тикланиш жараёни жуда қийинчилик билан кечганлиги, кейинги даврлардаги ҳарбий юришлар оқибатида ҳам жиддий зарар етказилганлигини сабаб қилиб кўрсатади[3].

Р. Макчезни эса бевосита улус – апанаж тизимининг хонлик ташқи алоқалари билан боғлиқ жиҳатлари борасида ўз фикларини билдириб ўтган. Унинг таъкидлашича, XVII аср бошларига қадар бутун Хива хонлиги амалда мустақил улуслар конфедерацияси шаклида бўлиб, улуслар, ички ишларда

[1] Гулямов Я. История орошения Хорезма ... – С.190 – 191.
[2] Ўша жойда.
[3] Бартольд В.В. Узбекские ханства ... – С.268, 272.

бўлгани сингари, ташқи сиёсатда ҳам етарли даражада мустақил эди[1].

Бу фикрни ўз даврида М. Диксон ҳам илгари сурган. Олим ўз мулоҳазаларини асослар экан Шоҳ Таҳмосиб I ҳузурига Самарқанддан юборилган элчиликни мисол қилиб келтиради. У Эронга пойтахт Бухородан эмас, Самарқанддан, яъни унинг ҳокими Кучкунжихондан элчи келганлиги *апанаж*, яъни удел тизимига асосланган бошқарувнинг ташқи сиёсат механизми ҳақида тасаввур беради деб қайд этади[2]. Унинг таъкидлашича, бу тизим қоидасига кўра, *улуғ хон* – олий ҳукмдордан ташқари меросий уделларни бошқариб турган ҳукмрон сулоланинг вакиллари, яъни ҳокимлар ҳам мустақил ташқи сиёсат олиб бориш, жумладан, қўшни давлат ҳукмдорларига тўғридан-тўғри ўзининг номидан элчи юбориш ҳуқуқига эга бўлганлигини таъкидлайди.

М. Диксон ўз хулосалари тасдиғи учун XVI аср биринчи чорагида Хоразм султони Умарғози ва Эрон амалдорларидан Муҳаммад Солиҳ ўртасидаги иттифоқчилик ҳаракатини ҳам келтириб ўтган. Олим «бу иттифоқчилик, юқорида кўрсатилганидек, апанаж тизими қоидасига кўра, Бухородаги абулхайрийларда бўлгани сингари, Хива хонлигида ҳам маҳаллий ҳокимлар, яъни ҳукмрон сулоланинг бошқа вакиллари ҳам қўшни давлатлар билан ташқи алоқаларни олиб борганликларига мисол бўлади» деб қайд этади[3].

Шу ўринда улус бошлиқларининг мустақил ташқи сиёсат олиб борганликлари борасидаги мавжуд хулосаларни кенгроқ мушоҳада қилиб кўриш лозим. Турли вазиятларда турлича намоён бўлган ҳолатларни «апанаж тизимининг ташқи сиёсат механизми» сифатида қабул қилиш учун тадқиқотчилар томонидан келтирилган маълумотлар қай даражада етар-

[1] McChesney R.D. The Chinggisid Restoration in Cnetral Asia ... – P.281 – 282.
[2] Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks ... – P.382.
[3] Ўша жойда.

ли деган савол туғилиши табиий. «Механизм» ёки «тизим» сифатида қабул қилиниши учун, авваламбор, қўшни давлатлар билан алоқа олиб борган, жумладан, ўзининг номидан элчи юборган маҳаллий ҳокимларнинг хатти-ҳаракати бош ҳукмдор томонидан тан олиниши, маъқулланиши ва бу ҳолатда доимийлик кузатилиши лозим. Қолаверса, бирламчи манбалардаги маълумотларнинг аксариятида элчилар ҳам, дипломатик ёзишмалар ҳам тўғридан-тўғри олий ҳукмдорга йўллланганлигини кўриш мумкин.

Айниқса, XVI – XVII асрларда анча аниқ шаклларга эга бўлиб, қатъийлашиб борган «дипломатик этикет» ва «элчилик хизмати» қоидалари ўзаро алоқаларнинг белгиланган тартибга бўйсунишини талаб қилар эди. Эрон шоҳлари ва Россия подшоларининг Хива хонлари билан ўзаро ёзишмалари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шу ўринда «Тарихи оламоройи Аббосий»да Шоҳ Аббос I нинг «номдор саркардаси Фарҳодхон» билан боғлиқ маълумотни эслаб ўтиш жоиз. Ушбу Эрон саркардасининг Бухоро хонлиги қўшинларига қарши курашга юборилиши ҳақида маълумот берар экан Искандарбек мунший оддий лашкарбошиларнинг бевосита олий ҳукмдор билан жангга киришга ҳаққи йўқлигини алоҳида уқтириб ўтганлиги эътиборга лойиқ[1].

М. Диксон келтирган Элбарсхоннинг набираси Умарғози султон билан Эрон амирларидан Муҳаммад Солиҳ ўртасидаги келишувга том маънодаги «Хоразм-Қизилбош иттифоқчилиги» сифатида эмас, кўпроқ марказий ҳокимиятга қарши чиққан маҳаллий кучлар ўртасидаги иттифоқ деб қараш тўғри бўларди. Зеро, Умарғози султон Арабшоҳийлар сулоласи вакиллари ўртасида авж олган ўзаро ҳокимият учун ички курашларда Хива тахтида ўтирган қариндошларига қарши мухолиф куч

[1] Искандарбек туркман. Тарихи Оламоройи Аббосий ... 1-жилд. – Б.443 – 444.

сифатида ҳаракат олиб борган эди. Амнакхон ворисларининг бирлашган кучларига қарши тура олмаган Умарғози султон бундай мураккаб вазиятда Эрон давлатидаги исёнкор кучлар билан иттифоқчилик қилишга интилган бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан, Хоразмдаги марказий ҳокимиятга қарши куч сифатида иш олиб борган Умарғози султоннинг тутган йўли амалда Эрон амири Муҳаммад Солиҳнинг исёнкорлик ҳаракатидан деярли фарқ қилмайди.

Шоҳ Таҳмосиб I нинг Хоразм султони Динмуҳаммад билан бевосита алоқаларига келсак, Динмуҳаммад султон марказий ҳокимиятдан мустақил равишда эмас, балки Бухоро хони Убайдуллахоннинг Хоразмга юриши вақтида душманга қарши бирлашган ягона қўшиннинг қўмондони сифатида майдонга чиққан. Қолаверса, Хиванинг бош ҳукмдори Ақатойхон бу вақтда асир олиниб, Бухорога юборилган ва хонадоннинг қурол ушлашга қодир барча вакиллари ҳали қўлдан бой берилмаган Нисо ва Обивардда ҳоким бўлиб турган шижоатли Динмуҳаммад султон атрофига бирлашган эдилар.

Шундай экан, ўзаро курашлар ва бошбошдоқлик авж олиб, М. Диксоннинг таъбири билан ифодалаганда, «фуқаролар уруши» ҳолатида учрайдиган бундай айрим ҳолатларни удел тизимига асосланган бошқарувнинг ташқи алоқалар тизими ёки механизми сифатида қабул қилиш қанчалик тўғри?

Келтирилган мулоҳазалар «улус» ёки «апанаж» тизими масаласини алоҳида тадқиқот сифатида комплекс тарзда ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Шу ўринда олий ҳукмдорни тайинлаш ва ҳокимият легитимацияси масаласига доир ҳолатларни ҳам кўриб ўтиш лозимки, бу жараёнда чингизийларнинг бошқарув анъаналари ўз аҳамиятини бутун сўнгги ўрта асрларда ҳам деярли тўлалигича сақлаб қолганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, «хон кўтариш» маросими нафақат Дашти Қипчоқдан кириб кел-

ган Арабшоҳийлар, балки улардан кейин ҳокимиятни қўлга олган маҳаллий Қўнғиротлар сулоласи даврида ҳам амалиётда бўлганлиги диққатга сазовор. Ушбу қоида Марказий Осиё халқлари давлатчилиги тарихида чуқур илдизларга эга бўлиб, у чингизийларнинг «Ясо» қонунлар тўплами асосида олий ҳукмдорни расман эълон қилиш маросими сифатида кенг қўлланилган.

«Мусаххир ал-билод» асарида Шайбонийлар даврида «султонлар ҳаммаси оғзи бир бўлганча ... эски тўра ва ясоқ қонуни»га амал қилган ҳолда олий ҳукмдорни сайлашганига алоҳида урғу бериб ўтилган[1].

Ушбу масалага тўхталган Ю. Брегель ҳам Хоразмда хон султонлар қурултойида сайланиб, унинг эълон қилиниши эски мўғул удумига кўра амалга оширилганлигини қайд этган[2].

Ҳукмдорнинг сиёсий мавқеи кўп жиҳатдан унинг тахтга ўтириши билан ўз ҳокимиятини қонунийлаштириб олишига, жумладан, бевосита «хон кўтариш» маросими ва «байъатлашув» удуми орқали тан олинишига боғлиқ эди.

Шу жиҳатдан, «хон кўтариш» маросими мазмун-моҳиятига кўра муҳим сиёсий тадбир бўлиб, амалий жиҳатдан тахт ворисини оқ кигизга ўтқазиб, баланд кўтарган ҳолда «хон» деб эълон қилишдан иборат эди.

«Хон кўтариш» иборасининг ўзи ҳам маълум бир маънога эга бўлиб, бу борада Мирзо Олим Махдум ҳожининг «Тарихи Туркистон» асарида қуйидагича изоҳ берилган: «аксар нусхамизда *хон қилди* иборатининг ўрнига *хон кўтардилар* лафзи ёзиладур. Унинг сабаби, ўзбек русумича, бир одамни хон қилмоқга иттифоқ қилғондан кейин ани оқ намадга солиб, ул намадни тўрт тарафидан тўрт улуғ мансабдаги одамлар кўтариб тахтга қўядурлар. Бу расм ижро қилингандан кейин ул зотга

[1] Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод ... – Б.141 – 142.
[2] Bregel Y. Arabshahi ... – P.243.

хонлик исми итлоқ қилинадур. Бинобарин, хон кўтарилди деб ёзиладур»[1].

Кўриниб турибдики, «хон кўтарди» иборасининг ўзи маълум даражада ушбу маросимнинг ҳам назарий-сиёсий, ҳам амалий-техник жиҳатларини ифода этган. Шу жиҳатдан, тадқиқотчи Р. Селанинг манбаларда ушбу масаланинг ёритилиши борасида билдирган фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Олим «Шажарайи турк»да «оқ кийизнинг бир кунжини Али Султон ва уч кунжини уч иниси тутуб Ҳожимхонни ўрта ерда ўлтуртуб, хон кўтардилар»[2] деган маълумотга таяниб «хон кўтариш» маросимига доир маълумотнинг манбада илк бор Ҳожимхон (1558 – 1602)нинг тахтга ўтириши муносабати билан учраши, ундан кейин тарихшуносликда яна узоқ вақт (XIX асргача) узилиш мавжудлигини таъкидлайди[3]. Ваҳоланки, «Шажарайи турк» асарида Хива хонлигининг асосчиси ҳисобланган Элбарсхоннинг тахтга ўтириши муносабати билан «улуғ тўй қилиб ўзбек ва сарт барчаси йиғилиб иттифоқ бирлан Элбарсхонни хон кўтардилар» деб қайд этилган[4].

Элбарсхондан кейин тахтга ўтирган жияни Султонҳожи борасида «ани Янги шаҳрдин Вазирга келтуруб хон кўтардилар» деб таъкидланган бўлса, сулоланинг яна бир вакили Абулакхон ўғли Ҳасанқулихон ҳақида ҳам асарда «хон кўтариб, Урганчни анга бердилар» деб маълумот берилади[5]. Шу жиҳатдан, манбаларда келтирилган «хон кўтарилди», «хон деб эълон қилинди», «подшоҳ кўтардилар», «подшоҳлик тожи билан сарафроз бўлди» каби иборалар ушбу маросим билан бевосита боғлиқдир.

XIX асрда Хивага сафар қилган А. Вамбери ўз эсдаликларида Хива хонлиги тарихига тўхталиб ўтар экан, Анушахон-

[1] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.194.
[2] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.150.
[3] Ron Sela. Ritual and authority in Cehtral Azia ... – P.49.
[4] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.121.
[5] Ўша жойда. – Б.124.

нинг ўғли Эренгхонни (1688 – 1690) «урганчликлар оқ кигизда кўтарган»ликлари ҳақида маълумот беради[1].

«Хон кўтариш» маросими бошланишидан олдин тор доирада махсус кенгаш ўтказилган бўлиб, уни шартли равишда *ёпиқ машварат* деб аташ мумкин. Чунки унда ҳукмдор хонадонига яқин бўлган энг ишончли шахсларгина иштирок этишлари мумкин эди.

Аксарият ҳолларда, тахт вориси аниқ бўлишига қарамай, унинг номзоди *ёпиқ машварат*да яна бир бор муҳокама қилинган.

Арабшоҳийлар ҳукмронлигининг охирларига келиб марказий ҳокимиятнинг заифлашуви туфайли бўлғуси хонни тайинлашда юқори мартабали амалдорларнинг таъсири нисбатан кучайиб борганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, «Тарихи Муқимхоний» асарида қайд этилишича, Анушахоннинг ўрнига унинг ўғли Эренгхонни ўтқазишар экан, амирлар унга отаси билан содир бўлган ҳодиса, яъни унинг норози гуруҳлар томонидан қатл этилганлиги хоннинг ёмон амаллари билан боғлиқлигини таъкидлаб, шу боис бундай йўлга киришдан ўзини тийишликни тайинлашган[2]. Кейинги воқеалардан маълум бўладики, Эренгхон ҳам отаси сингари норози бўлган амалдорлар томонидан ҳалок этилган.

Айниқса, Қўнғиротлар сулоласи даврига келиб тахт ворисининг ёш жиҳати ўзининг муҳимлигини йўқотиб, амалдорларнинг таъсири кучайиб борган. Хусусан, Муҳаммад Раҳимхон II (Бобожон тўра)нинг номзодини тасдиқлашда (1864) амалдорларнинг анча эркин баҳс юритганларини кўрамиз. Кенгашда хоннинг тўнғич ўғли Амир тўрага қарши фикрларнинг ясовулбоши томонидан ўртага ташланиши бунга мисол бўла олади. Хусусан, манбада кўрсатилишича, Раҳматулло

[1] Вамбери. А. История Бохары или Трансоксании с древнейших времен до настоящего. Т. I. – СПб., 1873. – С.98.
[2] Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история ... – С.148.

ясовулбоши Амир тўрага қарата: «Сизнинг хон бўлмоқингиз ҳеч кишига мақбул эрмасдур», – деган ва йиғилган юқори мартабали амалдорлар бир овоздан: «Бобожон тўра хонимиздур», – деб Муҳаммад Раҳимхоннинг хонлигини эълон қилганлар[1].

Хонларнинг тахтга чиқишида сарой аъёнларининиг таъсири анча кучайганлиги Хивада бўлган хорижий сайёҳларнинг кузатувларида ҳам ўз аксини топган. Хивага ташриф буюрган (1842) Базинернинг таъкидлашича, Хивада «тахт ворисийлиги қоидаси бўлса-да, сарой амалдорлари ҳам хон сайлаш ҳуқуқига эга эди»[2].

Шу ўринда эслаб ўтиш жоизки, ҳукмдорнинг тахтга ўтириши билан боғлиқ тартиб-қоидалар, жумладан, маросимнинг рамзий атрибутларидаги айрим ўзгаришлар XVII асрнинг иккинчи ярмидаёқ кўзга ташланади.

Манбада Машҳад шаҳрини қўлга киритган Анушахоннинг Эрон шоҳлари тахтини эгаллаб, ўзини шоҳ (Анушоҳ) деб атаганлиги қайд этилган[3]. Анушахоннинг бу тадбирини изоҳлаган В.В. Бартольд унга Эроннинг давлатчилик ғояси кучли таъсир кўрсатганлигини таъкидлайди[4].

«Хива хонларининг урф-одатларига доир материаллар»-да кўрсатилишича, хонларни тахтга ўтқазишда, чингизийлар удумига кўра, «кигиз устида қўйиб тахтга миндиришлари» билан бирга «подшоҳларнинг бошларида [шоҳлик] тожи бўлиши лозим» эди[5]. Муаллиф Машҳадга қилган юриши чоғида Эрон шоҳи хазинасидан қўлга киритган олтин тожни бошига кийиб, ўзини шоҳ деб эълон қилган Шерғозихонни кўрса-

[1] Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. ... – Б.189.
[2] Савельев П.С. Путешествие Базинера через Киргизискую степь в Хиву. ... – С.169 – 170.
[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.92.
[4] Бартольд В.В. Узбекские ханства ... – С.274.
[5] Сафаров Б. Хоразм хонликларида бўлиб ўтган урфу одатлардан тарихий воқеалар ... – 3 – 4-варақлар.

тиб ўтади. Ушбу манбада Хива хони Элтузархоннинг «Хоразм хонлари хазинасида сақланаётган ва Шерғозихон Машҳаддан олғон тожини» кийиб хон бўлганлиги қайд этилар экан, ушбу тожга феруза, майда гавҳар ва олмос билан безак берилган олтин *жиға* қўндирилиб, унга жиғақушнинг 20 – 30 дона пати қадаб қўйилганлиги тасвирланади[1].

«Шажарайи Хоразмшоҳий»да Саййид Асфандиёрхон (1910 – 1918) ҳақида ҳам «муборак бошларига *жиғали* телфакни кийиб хон бўлиб, ота тахтига ўлтиртдилар» деб қайд этилган[2].

Жиға безаги хон миниб юрган қимматбаҳо отнинг бошига ҳам қадаб қўйилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд[3]. Хонликда жиға қушининг бош қисми тасвири туширилган муҳрдан фойдаланилганлиги унинг нафақат безак сифатидаги, балки маълум бир рамзий аҳамиятидан ҳам далолат беради. «Фирдавс ул-иқбол»да келтирилган «жиғали муҳр» ҳақидаги маълумот фикримизни тасдиқлайди[4]. Тадқиқотчи С. Тўраеванинг қайд этишича, жиға қуши Қўнғиротлар сулоласининг рамзий белгиси бўлган ҳамда унинг бош қисми шаклида туширилган нақш ҳукмдор тожига, муҳрга, хон хонадони вакилларининг кийим-бошларига, отларининг эгар-жабдуқларига, айрим қурол-аслаҳаларга ҳам ўйиб ишланган[5].

Хива хонлари архивидаги ҳужжатда Муҳаммад Раҳимхон II буйруғи билан қуриб битказилган (1872) мадрасанинг очилиш маросимига сарфланган харажатлар орасида хон тожининг жиғасига сарфланган маблағ ҳақида ҳам маълумот

---

[1] Сафаров Б. Хоразм хонликларида бўлиб ўтган урфу одатлардан тарихий воқеалар ... – 3 – 4-варақлар. Муаллиф «жиғоқуши Хоразм диёрида яшайдурғон қушлардан эмасдур» деб таъкидлайди. К. Худайбергеновнинг фикрига кўра, бу қушни Хивада доимий яшаб қолмасдан, асосан ёз ойларида учиб келадиган [хоразмча] Оққўтон - қарқара қуши деб тахмин қилиш мумкин.

[2] Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий ... – Б.217, 260.

[3] Ризоқули Ҳидоят. Хоразм сафари кундаликлари ... – Б.123.

[4] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.435.

[5] Тўраева С.XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг 70-йилларида Хива хонлиги ҳунармандчилиги тарихи: Тарих фан. нóмз... дисс. – Тошкент, 2010. – Б.88.

келтирилган. Хусусан, «ҳазратимизни[нг] жиғаларига уч юз саксон (380) тилло харж бўлди ... жиғали от тузуклари, қамчи, қуббаси[га] икки юз тўқсон олти (296) тилло харж бўлди» деб кўрсатилган ҳужжатда[1].

«Хон кўтариш» маросимидаги келтирилган айрим ўзгаришларга қарамай, бу амалиёт Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги охирига қадар ҳам давом этган эди.

Бу борада XIX асрда Хива хонлигига ташриф буюрган Эрон элчиси Ризоқулихон Ҳидоят бир қанча қизиқарли маълумотларни келтириб ўтган. Унинг ҳикоясидан маълум бўладики, «хон кўтариш» маросимининг техник кетма-кетлигига кўра, янги ҳукмдорни тахт устига қўйишгандан сўнг бу ерда ҳозир бўлган ҳар бир киши хон кўтарилган кигизнинг бирон бурчагидан пичоқ билан бир қаричдан кесиб, уйига олиб кетган. Бу кигиз парчаси уларнинг дабдабали «хон кўтариш» маросими иштирокчиси бўлганлиги белгиси ҳисобланган[2].

Р. Села ушбу одатнинг Бухоро хонлигида мавжуд бўлмаганлигини қайд этар экан, унинг Хива хонлигига асосан қозоқлардан кириб келганлигини таъкидлайди[3]. Ҳақиқатан, Қозоқ хонлигида ўтказилган тантанали маросимда иштирокчилар томонидан кигиздан кесиб олиб кетиш одати бўлган[4]. Ҳатто хоннинг устидаги кийимини кесиб олишга интилган амалдорлар хонга тегишли чорва молларидан ҳам олиб кетишар эди. Бу амал бежизга «хон талау» деб аталмаган. Хива хонлигида маълум муддат тахтга қозоқ султонларидан «қўғирчоқ хон»ларнинг ўтқазилганлиги эътиборга олинса, ушбу анъана Хива хонлигида ҳам қўлланилганлиги ҳақиқатга тўғри келади.

[1] Йўлдошев. Хива хонлари архиви ҳужжатлари ... – Б.17.
[2] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафарномайи Хоразм ... – Б.189.
[3] Ron Sela. Ritual and authority in Cehtral Azia ... – P.52.
[4] Султанов Т.И. Кочевые племена Приаралья в XV – XVII вв. ... – С.85 – 86; Ўша муаллиф. Поднятые на белой кошме. ... – С.67 – 68; Султонова Г.Н. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининиг қозоқ ва Ёркент хонликлари билан алоқалари: Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 2005. – Б.63, 67.

«Хон кўтариш» маросимида *иноқ* лавозимидаги мансабдорларнинг иштирок этиши жуда муҳим бўлган. Чунки бошқарувда алоҳида ўрин тутган *иноқ*лар хонни сайлашда ҳам ҳал қилувчи рол ўйнаган.

1793 – 1794 йилларда Хивада бўлган рус ҳарбий шифокори И. Бланкеннагель қўғирчоқ хонларнинг ҳолатига таъриф берар экан, «уни халққа йилда уч марта кўрсатишади, қолган вақтларда уни қаттиқ назорат остида тутқунликда тутиб туришади, кўп ҳолларда у энг керакли нарсаларга ҳам муҳтож бўлади» деб қайд этган[1]. Унинг таъкидлашича, «хон иноқсиз бирор қарор қабул қила олмас» эди[2]. Ўз ўрнида қайд этиш лозимки, Қўнғиротлар ҳукмронлиги даврида хоннинг ўнг қўли ҳисобланган *иноқ* лавозими асосан хоннинг фарзандлари ва яқин қариндошларига берилган бўлиб, бу ҳолатни навбатдаги хон номзодига ишора сифатида ҳам қабул қилиш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, чингизийларнинг чиғатой уруғига мансуб амалдорнинг «хон кўтариш» маросимида ҳозир бўлиши мавжуд қоиданинг асосий шартларидан бири ҳисобланган[3]. Хива хони Абулғози Баҳодирхон томонидан ўтказилган маъмурий-бошқарув ислоҳотига кўра, энг юқори мансаблар берилган 32 киши орасида тўрт нафар иноқ билан бирга тўрт нафар «чиғатой иноқ»ларининг алоҳида тилга олиниши уларнинг мавқеи ва ўрни ҳақида аниқроқ маълумот беради[4]. «Фирдавс ул-иқбол»да Муҳаммад Раҳимхон I даврида *чиғатой иноқлиги*га тайинланган Бердибек *иноқ* тилга олинган[5].

---

[1] История Казахстана в русских источниках (XVI – XX веков) ... Т. V. – С.532.
[2] Замечания майора Бланкеннагеля впоследстве поездке его из Оренбурга в Хиву в 1793-94 годах // Вестник императора Русского Географического Общества. – СПб., 1858. №3 (23). – С.12.
[3] Вамбери А. Путешествие по Средней Азии ... – С.164; Султанов Т.И. Поднятые на белой кошме ... – С.67 – 68; Ризоқули Ҳидоят. Хоразм сафари кундаликлари. ... – Б.189.
[4] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.91.
[5] Ўша жойда. – Б.384.

Эрон элчиси Ризоқулихоннинг маълумоти чиғатой авлодларининг имтиёзли ҳолати XIX асрда ҳам сақланганлигини кўрсатади. Унинг қайд этишича, «чиғатой авлодидан бири шу [хон кўтариш] маросимда ҳозир бўлмагунча янги хон тахтга чиқиб ўтириши расм эмас» эди[1]. Шу билан бирга, элчининг эсдаликларида ўзини «чиғатой наслидан» деб кўрсатган Ёқуб меҳтар ҳақида сўз юритилади. Унинг маълум қилишича, хоразмликлар меҳтарнинг «даъвоси» сохта эканлигини, шунчаки унинг бир пайтлар чиғатойлар яшаб келган Кот шаҳридан эканлигини жуда яхши билишган[2].

Р. Села ушбу масалага муносабат билдирар экан, хон ҳукумати Ёқуб меҳтарнинг сохта даъвоси орқали одамларни алдашга ҳаракат қилганлиги ва бу ёлғон мавжуд анъана, яъни «хон кўтариш» маросимининг кўрсатиб ўтилган шарти билан боғлиқ бўлганлигини таъкидлайди[3]. Олимнинг фикрича, хон ҳукуматининг айнан Ёқуб меҳтарни «Чиғатой назоратчиси» сифатида танлаганлиги ҳам бежиз бўлмай, бунда унинг кўп даврлардан буён чиғатой уруғи вакиллари яшаб келган Кот шаҳридан эканлиги эътиборга олинган. Чиғатойларнинг XIX аср ўрталаридаги мавқеини аниқлашга қизиққан Р. Села улар «Ясо»нинг бош тарафдорлари бўлганлиги сабабли ҳам маросимнинг ташкил этилишини назорат қилувчи мутасаддилар сифатида тайинлаб қўйилганлигини қайд этади[4]. Олимнинг мулоҳазасига кўра, «Ясо»нинг «хон кўтариш маросими» билан бевосита боғлиқлиги ҳисобга олинадиган бўлса, маросимнинг «Чиғатой раҳбарлари» бўлиши ва уларнинг ишти-

---

[1] Ризоқули Ҳидоят. Хоразм сафари кундаликлари ... – Б.189.
[2] Ўша жойда. – Б.189, 229; Ron Sela. Ritual and authority in Cehtral Azia ... – P.49 – 51.
[3] Ron Sela. Ritual and authority in Cehtral Azia ... – P.50 – 51.
[4] Жувайнинг маълумотларига таянган олим чиғатойлар «Ясо»ни татбиқ этишнинг «ашаддий тарафдорлари» бўлганлиги, бирор кишига уни четлаб ўтишга йўл қўймаганлари ҳақида эслатиб ўтади. Қаранг: Ron Sela. Ritual and authority in Cehtral Azia ... – P.51.

роки муҳим шарт сифатида қабул қилинганлиги у қадар ҳам муболаға эмас.

Ёқуб меҳтар шахси ва унинг мавқеи ҳақида бошқа манбалардан ҳам билиш мумкин. Хусусан, Эрон қўмондони Исмоил Мирпанжа ўз «Хотиралар»ида Яъқуб меҳтар деб келтирган шахс ҳақида сўз юритар экан, уни хонликнинг мўътабар кишиси сифатида таърифлайди. Унинг бевосита, янги хонни эълон қилишда асосий фигура сифатида гавдалантирилиши эътиборга молик маълумотдир. Хусусан, «Хотиралар»да баён этилишича, Сарахс туркманлари билан бўлган жангда (1855) Муҳаммад Аминхон ҳалок бўлгач, Хива навкарлари орасида парокандалик бошланган ва бу ҳаракат исёнга айланиши хавфи туғилган. Шундан сўнг «хонликнинг мўътабар кишиси Яъқуб меҳтар марҳум хоннинг жияни Абдулла бекни *хон* деб эълон қилган»[1]. Кейинги воқеалар ва уларда Яъқуб меҳтарнинг бевосита иштироки бу амалдорнинг ҳақиқатан хонлик бошқарувида муҳим ўринга эга бўлганлигидан далолат беради. Жумладан, Исмоил Мирпанжанинг маълумот беришича, Абдуллахон бир йилгина ҳукмронлик қилиб, туркманлар билан бўлган жангда ҳалок бўлгач, Яъқуб меҳтар унинг васиятига кўра иниси Қутлумуродбекни хон этиб кўтарган. Қутлумуродхон ҳам тез орада ҳалок бўлгач, Яъқуб меҳтар вазиятни тинчитиб, Муҳаммад Раҳимхоннинг ўғли Саид Муҳаммадхонга хонлик рутбасини топширган, унинг тоғасини эса амир-улумаро деб эълон қилган[2].

Келтирилган маълумотлар бевосита олий ҳукмдорнинг тахтга ўтириши ва ҳокимиятининг қонунийлигини таъминлашда муҳим ўринга эга бўлган анъаналарнинг умумий кўриниши ҳақида тасаввур беради. Улар орқали Хива хонлигидаги ўтроқ маданият ва кўчманчи Дашт (*Дашти Қипчоқ*) ҳамда Эрон давлатининг бошқарув анъаналари ўртасидаги алоқа-

[1] Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар ... – Б.37.
[2] Ўша жойда. – Б.41 – 42.

лар, улардаги ўзаро таъсир ҳолатлари ҳақида тегишли хулосалар чиқариш мумкин. Мавжуд маълумотлар кўрсатадики, «хон кўтариш» маросими олий ҳукмдорни расман эълон қилиш анъанаси сифатида нафақат Дашти Қипчоқдан кириб келган Арабшоҳийлар, балки улардан кейин ҳокимиятга келган маҳаллий Қўнғиротлар сулоласи даврида ҳам кенг қўлланилган.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Арабшоҳийлар жорий этган бошқарувнинг *улус* ёки *удел* тизими ўз ҳудудларини кенгайтириш ва даромадлироқ мулкларни эгаллашга интилган султонлар ўртасидаги ўзаро курашни авж олдирган. Оқибатда XVIII аср бошларидан то 1770 йилга қадар бўлган даврий оралиқ Хива хонлиги тарихида сиёсий беқарорлик ҳукм сурган *хонбози даври* деб аталган ва «қўғирчоқ хон» сифатида тахтга ўтқазилган чингизий султонларининг тез-тез алмашиб туриш ҳолати бевосита ҳокимият легитимлиги ва ҳукмдор мавқеининг мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган «чингизийлар омили» билан боғлиқ бўлган.

# III БОБ
# 1770 – 1870 ЙИЛЛАРДА ТАШҚИ АЛОҚАЛАР ДИНАМИКАСИ: АНЪАНАЛАР ВА ЮЗ БЕРГАН ЎЗГАРИШЛАР

Арабшоҳийлардан кейин Хива хонлиги тахтига янги, маҳаллий Қўнғиротлар[1] сулоласининг келиши ўзига хос тарихий жараённи босиб ўтган эди. Бу жараёнлар ҳам кўп жиҳатдан хонликнинг ташқи сиёсати, Қўнғиротларнинг қўшни мамлакатлар билан ўзаро алоқаларига боғлиқ ҳолда амалга ошган.

Қўнғиротлар сулоласининг ҳокимиятга келиши нафақат давр талаби, балки уларнинг узоқ йиллар давомида олиб борган тинимсиз курашининг натижаси эди. Бу курашнинг биринчи босқичи XIV асрнинг 60-йилларида қўнғирот суфийларининг сиёсат майдонида пайдо бўлишига тўғри келса, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Муҳаммад Амин иноқ саъй-ҳаракатларидан бошланган иккинчи босқич Элтузархоннинг тахтга ўтириши билан якунланган[2].

XVIII асрнинг 70-йилларида сиёсат майдонида фаоллашган Муҳаммад Амин иноқнинг ҳаракатлари туфайли ўзаро урушларга, ташқи ҳужумларга барҳам бериш, қўнғирот иноқлари учун ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олиш шароити вужудга келган эди. Лекин бу ҳаракатлар кейинроқ унинг ворислари даврида натижа берган.

---

[1] Қўнғирот уруғи ҳақида фикр билдирган Эсанбике Тўғон улар Чингизхон хонадони аёлларининг шажарасига бориб тақалишини қайд этади. Қаранг: Isenbike Togan. The Qongrat in History // History and historiography of Post-Mongol Central Asia and Middle East. Studies in Honor of John E. Woods. Edited by J. Pfeiffer and Sholeh A. Quinn in Collaboration with Ernest Tucker. – Germany: Harrassowitz Verlag – Wiesbaden, 2006. – P.61 – 83.

[2] Худойберганов К. Хива хонлари шажараси ... – Б.23.

Сиёсий бошбошдоқлик ҳукм сурган даврда, яъни XVIII асрнинг иккинчи ярмида *иноқ* лавозимида бўлиб, ҳокимият бошқарувида фаол иштирок этиб келган Қўнғиротлар сулоласи Элтузархон давридагина расман «хонлик мақоми»ни олган эди. «Фирдавс ул-иқбол»да келтирилишича, 1804 йил 17 ноябрда Элтузар иноқ «қўғирчоқ хон» Абулғозихонни тахтдан тушириб, ўзи «подшоҳлиғ тахтиға жулус қилган» эди[1].

Манбада ўзини *хон* деб эълон қилган Қўнғиротларнинг биринчи ҳукмдори Элтузархон ва унинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари шундай тасвирланади: «Элтузархон исман ва расман ва маънан алоҳида мустақил подшоҳ бўлуб, Хоразмда авлоди Чингизхондин насаб қилмоқни тамом барҳам берди. Чунончи, Элтузархон *иноқ* бўлуб, олти ой ўтгандин кейин хонлик ҳавасиға тушуб, бародарлари ва аъёни давлат ила машварат қилишиб, оғоси Қутлуғмурод фотиҳа бериб, эртаси Элтузарбий ўз вақтидаги хонга бир неча маблағ бериб, Қозоқистонға чиқариб юбориб, хонлик асбобини тайёрлаб, шаҳриёрлик таблини чалдуруб, унвони истиқлол илан *хон* исмини ўзиға итлоқ қилдуруб, ... сиккани (*тангани*) ҳам яна ўз номиға қилди»[2].

Манбада Элтузархондан илгари «қўнғирот ҳукмдорлари номиға сикка (*танга*) бўлмай, Қозоқия хонларидин бирининг номиға хутба ўқулуб, Бухоро ва Эрон тангалари баробар тадовил (*истеъмол*) қилинур эди» деб маълумот берилган. Элтузархон зарб эттирган тангадаги ёзувда «сакка зад аз фазли ҳақ бар сийму зар; вориси хоразмшоҳи Элтузар» деб келтирилган[3]. Ушбу ёзувнинг мазмунидан хулоса қилиш мумкинки, Элтузархон ўз ҳокимиятининг легитимлигини асослашда маҳаллий сулола вакили сифатида буюк хоразмшоҳларнинг вориси эканлигига урғу берган.

---

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.212.
[2] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.193.
[3] Ўша жойда.

Кейинги воқеалар кўрсатадики, Элтузархон тез орада фожиали тарзда ҳалок бўлгач, 1806 йил 29 июлда қозоқ хонларидан Абулғозихон яна қайта тахтга ўтқазилган. Мазкур ҳолатга муносабат билдирган В.В. Бартольд «анъаналар таъсири шу қадар кучли эдики, Хива ва Бухородаги янги сулолаларнинг *хон* унвонини олган дастлабки вакилларидан сўнг уларнинг ворислари анча содда унвонлар билан кифояланишган ва яна илгаригидек чингизийлар авлодидан бўлган «қўғирчоқ хон»ларни тахтга ўтқазиш одатига қайтишган эди» деб таъкидлайди[1]. Аммо вазиятга тўғри баҳо бериш учун тарихий воқеаларни кенгроқ мушоҳада қилиш, анъаналарнинг таъсир кучини инкор этмаган ҳолда юзага келган ҳолатни ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Авваламбор, Элтузархон Бухорога қилинган юриш вақтида ҳалок бўлган эди, қолаверса, тахтга ўтириши мумкин бўлган Қутлуғмуродбек иноқ асир тушган ва ҳар лаҳзада қўшин орасида исён кўтарилиши ёки турли мухолиф кучлар томонидан фитна уюштирилиши кутилар эди. Шу жиҳатдан, вазиятни тезлик билан қўлга олиш зарур эди. «Фирдавс ул-иқбол»да «хони жаннатмакон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг воқеаи ҳасратангез ва ҳодисаи кулфатомезидин сўнг жами Беш қалъа ўзбеки изҳори бевафолиғ ва ибрози ноошнолиғ қилиб, тожик (*Бухоро*) сипоҳиға муте ва фармонбардор бўлуб, ...ҳамул йил ... Хивақ музофотиға ҳар тарафдин чаповул урдилар» деб келтирилган маълумотлар ушбу вазият ҳақида аниқроқ тасаввур беради[2].

Шу боис бундай ҳолатда ҳамма бирдек, жумладан, аҳоли ва «аҳли байт»ни ташкил этган юқори табақа вакиллари томонидан тан олиниши мумкин бўлган шахс *хон* деб эълон қилинган. Зеро, Элтузархон Қўнғиротлар сулоласи вакилларидан биринчи бўлиб «хон» унвонини олганидан кўп вақт ўтмаган ва ҳали янгича қоидалар ўз кучига эга бўлмаган ушбу

[1] Бартольд В.В. Узбекские ханства ... – С.278 – 279.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.246.

вазиятда синалган эски механизмдан фойдаланиш, яъни «қўғирчоқ хон»ни тахтга ўтқазиш энг тўғри йўл деб топилиши табиий эди. Лекин янги сулола вакилларига вазиятни қўлга олиб, мамлакатда барқарорликни ўрнатиш учун беш ой етарли бўлган, манбада маълум қилинганидек, 1806 йил 29 декабрь тунида чингизий Абулғозихон тахтдан олиниб, Муҳаммад Раҳимхон I хон этиб кўтарилган. Шу тариқа «чингизия дудмони (*хонадони*)нинг давлати Хоразм музофотидин мунқате бўлди (*узилди*)» деб қайд этилади «Фирдавс ул-иқбол»да[1].

Қўнғиротлар сулоласи вакиллари, аввало, *хонбози* ҳолатига барҳам беришган эди. Шундан сўнг улар турли мухолиф кучларга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлишган. Қўнғиротлар сулоласининг дастлабки ҳукмдорларидан бўлган Авазбий иноқ давридан бошлаб ўн бир йил мобайнида Хива хонларига мухолиф бўлиб келган Хўжамуродбий ҳамда унинг акаси, ўн саккиз йил «фасод йўли»ни тутган Орол ҳокими Тўрамурод сўфи ана шундай исёнкор кучлардан эди[2].

Академик Я. Ғуломов ҳам Хива иноқларига оролликлар қаршилигини синдириб, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун 18 йил мобайнида (1793 – 1811) кураш олиб боришга тўғри келганлигини таъкидлайди[3]. Зеро, Муҳаммад Амин иноқ даврида ҳам, унинг ворислари Аваз иноқ, Элтузархон даврида ҳам кураш давом этган, Муҳаммад Раҳим I (1806 – 1825) давридагина хонликни бирлаштириш ишида ижобий натижага эришилган[4].

Орол ҳокимлиги (маркази Қўнғирот шаҳри) Амударё бўйида жойлашган бўлиб, бу ҳудуд амалда Хива хонлиги, хусусан, Урганч ва Хива шаҳрига олиб борадиган сув йўлининг асосий дарвозаси ҳисобланган. Шу жиҳатдан, бу ҳудуд нафақат Хива

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.112.
[2] Ўша жойда. – Б.290 – 291, 347.
[3] Гулямов Я. История орошения Хорезма ... – С.213.
[4] Мунировов Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари ... – Б.87.

хонлигининг ўзи учун стратегик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган, балки айнан мана шу сабабга кўра рус ҳукуматининг ҳам эътиборини тортар эди[1]. Қўнғирот шаҳри XIX асрда ҳам Хива хонлигининг марказий ҳокимиятига қарши турувчи мухолифатнинг асосий таянчи бўлиб келар эди. Р. Почекаев қайд этганидек, 1850 йилнинг иккинчи ярмида Қўнғирот шаҳрида бир нечта жиддий қўзғолонлар бўлиб, бунда баъзида билвосита, баъзида тўғридан-тўғри «русларнинг изи-таъсири» бор эди[2]. Унинг кўрсатишича, Россия империяси ҳукумати Хива хонлигига «куч ишлатиш» сиёсатини бошлашга қарор қилгандан сўнг айнан Орол ҳудуди рус қўшинларининг Хива хонлигига юришида асосий таянч пункти вазифасини ўтаган.

Ўрта Осиё масаласида Россия ва Англия империялари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши, Қозоқ даштларида Россия – Хива ҳамда Хуросонда Эрон, Хива ва Бухоро хонликлари манфаатларининг тўқнашуви, жумладан, ўзаро чегарадош ҳудудларда тез-тез содир этиладиган «оломонлар»нинг оқибатида «қул савдоси»нинг авж олиши – булар XIX аср Марказий Осиё минтақасида юзага келган сиёсий вазиятни белгилаган асосий омиллар эди.

Бундай шароитда учта Ўрта Осиё хонликлари ўзаро рақобат ва душманликни эмас, бирлашиш, ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим эди. «Анжум ат-таворих»да келтирилган Қўқон хони Олимхон (1798 – 1810)нинг минтақада юзага келган вазият борасидаги фикрлари унинг айнан шундай иттифоқчиликка бўлган интилишини ифодалайди, «...баъзан [хоннинг] гавҳар сочувчи тилидан шундай сўзлар томардики: бу кичик мамлакат, яъни Фарғона, Бухоро ва Хоразм бир нечта хонни сиғдира олмайди. Бу вилоятларнинг хонлари ва амирлари ораларидан бир нафарни улуғлик ва раҳбарликка танлаб, иттифоқ билан ҳукумат тузишлари лозим. Бу фикр ва мулоҳаза

[1] Почекаев Р.Ю. К истории «буферных государств» на границах России ... – С.12.
[2] Ўша жойда. – С.14.

лар билан тўла мактубларни ёзиб у қўшни хонлар ва умароларга юбориб, уларни иттифоқ ва бирлашишга даъват қилар эди. Хоразм хони бу таклифларни қабул қилиб, Бухоро амиридан ҳали жавоб келмасдан умри бу мақсадларини рўёбга чиқариш учун унга вафо қилмади» деб қайд этилган манбада[1].

Ана шундай шароитда Хива хонлари давлат мустақиллигини сақлаб қолиш, Россия империясининг тазйиқлари, ҳатто қуролли таҳдидларини қайтариш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, ўз ўрнида ҳукмрон доираларнинг моддий манфаатларини ҳимоя қилиш ва хон хазинасини тўлдириш йўлида кенг миқёсли ташқи сиёсат олиб борганлар. Ўз даврига хос турли усуллардан фойдаланган Хива хонлари қўшни мамлакат ва халқлар билан ташқи алоқалар олиб борар экан, вазият тақозосига кўра кези келганда ҳужумга ўтиб, кези келганда ортга чекиниб, ўрни келганда дипломатик келишувлар орқали муносабатларни барқарорлаштириб борганлар.

Шу билан бирга, XIX асрда минтақада мавқеи кучайиб борган давлатлар кўп ҳолларда Хива хонлигига нисбатан ташқи дунёдан узилиб қолган қолоқ давлат сифатида қараганликларини кузатиш мумкин.

Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Ғафурнинг (1841) қўполлик билан Хива амалдорларига «...сизлар қоидани билмайсизлар. [Дипломатия] қоидаларини назардан соқит қилиб, кўнглингизга келганини гапираверасизлар. Сизлар катта давлатлар билан музокара олиб бормагансизлар» деган танқидлари[2] бунга мисол бўлиши мумкин.

XIX асрнинг биринчи ярмида бўлиб ўтган воқеалар эса Россия империяси ва Эрон сингари «катта давлатлар» ҳам Хива хонлиги билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлигини кўрсатади. Ҳатто рус ҳукуматининг юқори доираларида Хива

[1] [illegible]. Анжум ат-таворих ... – Б.146.
[2] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.38.

хонлиги билан очиқ жанг қилишдан кўра дипломатик муносабатларни йўлга қўйиш афзал деб топилган эди.

XIX аср муаллифи, бевосита воқеалар замондоши И.В. Захарьин шундай ёзади: «Фожиали тарзда якун топган князь Александр Бекович-Черкасскийнинг 1717 йилги Хива экспедицияси ҳамда генерал-адъютант В.А. Перовскийнинг 1839 йилдаги муваффақиятсиз юриши ҳамманинг кўз ўнгида Хивани руслар учун қўл етмас бир сеҳрланган ҳудудга айлантириб қўйган эди. Петербургнинг ҳукмрон доираларида Хивани ҳарбий куч билан олиб бўлмаслиги тўғрисида таассурот ҳосил бўлган эди. Бунинг сабаби эса айнан унинг бошқа ҳудудлардан ажралганлиги ҳамда атрофдаги чўлларнинг сувсизлигида деб кўрсатилган. Шу туфайли тинчлик йўлига кириб, хонлик билан дипломатик алоқаларни бошлашга қарор қилинган эди»[1].

XIX асрдаги халқаро муносабатларнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, яъни Хива хонлигининг қўшни давлатлар билан юритган алоқаларнинг умумий жиҳатларидан ташқари хусусий характерларини эътибордан қочирмаган ҳолда унинг қўшни Бухоро, Қўқон ҳамда Қозоқ хонликлари, шунингдек, Эрон давлати билан ўзаро алоқаларини алоҳида қисмларга ажратган ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

[1] Захарьин И.В. Посольство в Хиву в 1842 году / http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien

## 3.1. ХИВА ХОНЛИГИНИНГ БУХОРО ВА ҚЎҚОН БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИ

Расман бош вазир лавозимида бўлса-да, амалда мамлакат бошқарувида асосий ролни ўйнаган Муҳаммад Амин иноқ, 1768/1769 йили Хива хонлигида ҳокимиятни ёвмут туркманлари эгаллагач, мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлган эди. «Фирдавс ул-иқбол»да келтирилишича, «...тақдими мушовиратдин сўнг Муҳаммад Амин иноқ ўз нафаси нафиси билла (*шахсан ўзи*) Бухороға бориб, Амир Дониёл отолиқдин истимдод қилмоқ (*мадад сўраши*) муқаррар бўлган» эди[1]. Муаррихнинг кўрсатишича, «явмут тааддиси» (*азоб-уқубати*) дан тура билмаган кўплаб беклар ва турли мансабдорлар ҳам Бухорога мурожаат этишган[2]. Унинг қайд этишича, аҳолининг аксарият қисми ҳам Хоразмда қола олмай, ҳар тарафга, шу жумладан, Бухорога кетишга мажбур бўлган. Ёвмутлар Урганчни олиб, «Хивақни тахти фармониға киюриб, [қозоқ хонларидан] Бўлакайхонни маъзул қилиб (*тахтдан тушуриб*), Ғойибхоннинг ўғли Жаҳонгир султонни келтуруб, хон кўтаргач, ... аксар аҳоли ва маволи (*амалдорлар*) қочиб, Хонқоҳ ва Ҳазорасб ва Бухоро ва Оролға мунташир бўлдилар (*тарқаб кетдилар*)» деб ҳикоя қилинади манбада[3].

«Фирдавс ул-иқбол»да Бухоро амири Хоразм вакилларини дастлаб ҳурмат ва эҳтиром билан «дилнавозлик ва мезбонлик қоидалари» асосида кутиб олган бўлса-да, лекин кейин нолойиқ ҳаракатлар қилгани тўғрисида маълумот берилади. У ерда таъкидланишича, Амир Дониёл табиатининг ёмонлигидан «Муҳаммад Амин иноқнинг қадру мартабасиға

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.108, 130 – 131.
[2] Ўша жойда. – Б.131.
[3] Ўша жойда. – Б.133.

кўра таъзиму такрим иқдом кўргузмади. Балки таҳқирлаб, гуноҳкорга чиқарди»[1].

Муаррих Бухоро амири томонидан амалга оширилган нолойиқ ҳаракатларни санар экан, учта асосий жиҳатни кўрсатиб ўтади. Булардан аввалгиси шу эдики, Амир Дониёл дастлаб ёрдам беришга ваъда қилиб, унга вафо кўрсатмаган. Манбада баён қилишича, бир кун у Муҳаммад Амин иноққа одам юбориб, ёрдамга бериладиган катта қўшин тўплаш учун «қирқ минг динор зар топиб берсун» деб сўратган. Лекин Бухоро хони мулозимларидан Имомқулибийнинг «сизга кўмак бермас, бу зарни олиб, хазинасиға солур» деган дўстона маслаҳати туфайли Амир Дониёлнинг асл мақсади ошкор бўлган эди[2]. Шунингдек, Хоразмда авж олган қаҳатчилик ва очарчиликдан азоб тортиб, катта қийинчиликлар билан Бухорога келиб, бошпана топган «хоразмликлардан хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл ёки бола ва қул бўлсин, киши бошиға бож сифатида бир ашрафий солиқ солиб, қудрати етмагандан ҳам мажбуран олишган» эди[3].

Қолаверса, Амир Дониёл Хива хонига Хоразмни ёвмутлардан озод этишда ёрдам беришни ваъда қилгани ҳолда «иккиёқлама ўйин» кўрсатган эди. Хусусан, манбада Бухоро амири исёнкор ёвмутларнинг вакилларидан бир гуруҳ туркман, ўзбек, уйғур ва найман уруғларининг сардорлари элчи бўлиб Бухорога ташриф буюришганда Муҳаммад Амин иноққа қасдма-қасд (*рағм)*[4] қилиб, уларни катта хурсандчилик (*башошат)* билан кутиб олганлиги алоҳида таъкидланади. Айниқса, Чазмонди мавзеида чодир тикиб, Муҳаммад Амин иноқ қаршисига элчи бўлиб келган исёнкор гуруҳ вакилларини муқобил ўтқазган ҳолда баҳс-мунозара ташкил қилиб,

---

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.133, 135.
[2] Ўша жойда. – Б.135.
[3] Ўша жойда. – Б.136.
[4] Рағм – қарама-қарши.

ўзи уларнинг тарафини тутганлиги, хиваликлар наздида, Амир Дониёлнинг мунофиқлигини аниқ намоён қилган эди[1]. Бу ҳолатларнинг барчаси Амир Дониёлдан ҳафсаласи пир бўлган Хоразм вакилларининг Бухородан чиқиб, ўз юртларига қайтишига сабаб бўлган.

Хива амалдорлари орасида катта таянчга эга Муҳаммад Амин иноқ ҳокимиятни ёвмутлар эгаллаган қисқа даврда ҳам ўз ўрнига эга эди, шу боис Бухородан қайтгач у оталиқ лавозимига тайинланган эди.

Эгаллаб турган мавқеидан фойдаланган Муҳаммад Амин инoқ бошқарувда ўз таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилиб, Жаҳонгирхоннинг ўрнига Булакай, бир оздан сўнг Абулхайрхоннинг набираси Оқим султоннинг хон этиб тайинланишига эришган. Хусусан, тез орада вазиятни ўз назоратига олган Муҳаммад Амин инoқ ёмвутларни мағлуб этиб, Хоразм бошқарувини ўз қўлига олган ва ёвмутлар томонидан тахтга ўтқазилган Жаҳонгирхонни четлатиб, Дашти Қипчоққа қайтариб жўнатган[2].

Муҳаммад Амин инoқ (1770 – 1790) ўзининг мавқеини тиклаб, сиёсий қудратини мустаҳкамлаб борган бўлса-да, ҳокимият легитимлигини таъминлаш учун ҳануз расмий хонларни Бухоро ёки Дашти Қипчоқ ва Оролдан келтириб тахтга ўтқазар эди. Жумладан, Темурғозихоннинг қариндошларидан бўлган Ортуқғозихонни Бухородан, ундан кейин эса турли ички мухолиф кучлар қаршилигини енгиб, қорақалпоқ тўраларидан Абдуллоҳ султонни Оролдан келтириб хон кўтартирган. Шу жумладан, Темурғозихонга қариндошлиги бўлган Пўлодғозихон ҳам Бухородан келтирилиб Хива тахтига ўтқазилган эди. Бу номзодларнинг Бухоро амирлигидан Хоразм тахтига олиб келинишида Муҳаммад Амин иноққа мухолиф бўлган кучларнинг ҳам таъсири катта эди. Зеро, унинг асосий

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.136.
[2] Ўша жойда. – Б.109, 142.

рақибларидан бўлган Ниёз парвоначи ва Бобобек султон бевосита Бухоро амалдорлари билан иттифоқчиликда ҳаракат қилишар эди. «Фирдавс ул-иқбол»да Ниёз парвоначи ўзига хайрихоҳ бўлган Тожибий қиёт парвоначининг ўғли Бобобекни Бухорога олиб борганда «Амир Дониёл Бобобекға дилдорлиқ кўргузуб имдод (*мадад*) ваъдасин қилди» деб баён этилган[1]. У ерда келтирилишича, Муҳаммад Амин иноқ бир оз вақтдан сўнг баъзи аъёнларнинг аралашуви билан Тожибийнинг гуноҳини афв этиб, Бухородан келтирган. Лекин Бобобек Бухоро кучларига таянган ҳолда яна узоқ йиллар Хива хонлигига мухолифат бўлиб, кураш олиб борган эди.

Умуман, XVIII асрнинг 70-йиллари давомида Муҳаммад Амин иноқ қўшни Бухоро амирлиги ҳамда Орол кучлари томонидан қўллаб-қувватланган ички мухолиф кучларнинг қаршилигини енгиш ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун урушлар олиб борган.

Қайд этиш жоизки, бу даврда Хоразмдаги деярли барча ижтимоий-сиёсий жараёнларда Бухоро амирлигининг бевосита иштироки ва таъсирини кузатиш мумкин. «Фирдавс ул-иқбол»да, шояд, мусофирчиликда кўрган ғам-ташвишлардан хулоса чиқариб, қилган айбларидан пушаймон бўлиб, тавба-тазарруъ қилар деган умидда «Бухороға узотилган» ва «Бухороға фарорий бўлғон (*қочган*)» ёки «юртдин овора бўлиб, Бухороға борғон» Хоразмнинг исёнкор амалдорлари ҳақида жуда кўп маълумотлар келтирилган[2].

Муҳаммад Амин иноқдан кейин ҳокимиятга келган Авазбий иноқ (1790 – 1804) қўшни хонликлар билан дўстона алоқаларни олиб бориш сиёсатини давом эттирган бўлса-да, афғон шаҳзодаси борасида Бухоро амири билан зиддият юзага келган эди. 1797/1798 йилда Аҳмадшоҳ Афғонийнинг набираси шаҳзода Маҳмуд ҳокимият учун бўлган ички курашлар жараё-

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.146.
[2] Ўша жойда. – Б.152 – 153, 159.

нида ёрдам сўраб Бухоро хони ҳузурига келганлиги ва унинг Хоразмда бошидан кечирганлари «Фирдавс ул-иқбол»да атрофлича баён этилган. Манбада маълум қилинишича, Бухоро амири Шоҳмурод шаҳзодага нафақат «қадру мартабасига кўра иззат ва эҳтиром қилмай, [балки] тутсоқ» сифатида ушлаб турган[1]. Шаҳзода Маҳмуд бундай муомалани кўриб ҳаж зиёрати баҳонасида 1799 йилда Бухородан чиқиб, Хоразмга қараб йўл олган. Аваз иноқ юқори мартабали амирларини шаҳзодага пешвоз чиқариб, уни катта ҳурмату эҳтиром билан кутиб олган. Шаҳзода муносиб манзилга жойлаштирилиб, ҳар кунлик харажати ва эҳтиёжи учун етарли маблағ ажратилган ҳамда шоҳона зиёфатлардан баҳраманд бўлган. Шу орада афғон султонларидан Шоҳзамон Бухорога элчи юбориб, ўзининг рақиби бўлмиш шаҳзода Маҳмудни қатл этиш ёки тутиб унинг ҳузурига юборишни сўраган эди[2]. Шу жиҳатдан, Бухоро амири Шоҳмуродбий ўз элчиси Мулло Болтани Хоразмга юбориб, Аваз иноқдан шаҳзодани Бухорога қайтариб жўнатишларини сўраган. Аммо Хива хони унга рад жавобини бериб, Бухоро элчисини аччиқ гаплар билан қайтарган. Бу ҳолатдан огоҳ бўлган шаҳзода Авазбий иноқдан рухсат олиб Эрон шоҳининг ҳузурига кетган. Хива хони шаҳзодага сафар учун лозим бўлган барча асбобу анжомларни бериб, маълум бир масофагача кузаттириб қўйган. Теҳронга бориб, иззату меҳрибонлик кўрган шаҳзода Маҳмуд 1800 йилда Эрон шоҳининг кўмагида салтанат тахтини қўлга олишга эришган[3].

Элтузархон (1804 – 1806) даврида ҳам Бухоро ҳукмдори билан қарама-қаршилик юзага келган. «Тарихи салотини

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.170.
[2] Ўша жойда. – Б.171.
[3] Афғонистондаги кейинги ички курашлар ҳам атрофлича баён этилар экан, «аксар Ҳиндустон ва Кашмир ва баъзи Хуросонда подшоҳи азимушшаън бўлиб» олган Шоҳ Маҳмуд 1224/1809 йилда ўзининг элчиси орқали Хива хони Муҳаммад Раҳим Баҳодирхонга «ихлоснома» юборганлиги қайд этилган манбада. Қаранг: Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.170 – 171.

Манғития» асарида бу вақтда Бухоро тахтига ўтирган Амир Ҳайдар олим, зиёли, олижаноб ва адолатли ҳукмдор сифатида таърифланади. Шунингдек, манбада давлат ишлари билан бандлигига қарамай, илми толибларга дарс ҳам берганлиги ҳамда [ҳарбий юришлар ўрнига] ҳар вақт олимлар билан суҳбат қурганлиги боис амир ва амалдорларнинг кўпчилиги ундан норози бўлганлиги ҳам қайд этилган[1]. Асарда таъкидланишича, ушбу норози кучларларнинг саъй-ҳаракати туфайли тахтга чиққанининг иккинчи йили Хоразм хони катта қўшин билан келиб, Бухоро атрофларини талон-торож қилган ва кўп асиру ўлжалар олиб кетган[2].

Хоразм манбаларида эса Амир Ҳайдарнинг номуносиб ҳаракатлари икки ўртадаги муносабатларнинг бузилишига сабаб қилиб кўрсатилган. Хусусан, «Фирдавс ул-иқбол»да икки ҳукмдор ўртасида юзага келган ўзаро душманчиликнинг тўртта сабаби келтириб ўтилган.

Авазбий иноқ вафот этган вақтда катта қийматга эга моллар олиб кетаётган Бухоро карвонининг Хива хонлиги тобелигидаги бир гуруҳ туркманлар томонидан таланиши Бухоро – Хива муносабатларига салбий таъсир кўрсатган дастлабки ҳодисалардан эди.

Манбада «йимроли воқеаси» деб келтирилган бу ҳодисадан огоҳ бўлган Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар ўзининг элчилари Абдуллоҳбек ва Подшоҳ Азиз садрни Хоразмга юборган. Элчилар, аввало, Аваз иноқнинг вафоти муносабати билан *фотиҳахонлиғ*, яъни таъзия билдириш, шунингдек, бухоролик тужжорларнинг молларини қайтартиришни сўраш учун ташриф буюришган эди. Хива хони, элчилар таъкидлаганидек, дўстлик ва ҳамжиҳатлик юзасидан имроли уруғига одам юбориб, таланган молларни ўз эгаларига қайтаришни буюрган. Йўлтўсарлар хоннинг буйруғини бажаришни исташмаса-да, охир-

[1] Мирза Абдалазим Сами. История мангытских государей ... – С.53.
[2] Ўша жойда. – С.53.

оқибат унга бўйсунишга мажбур бўлиб, олинган молларни қайтаришган. Бухоро элчиларига қайтариб олинган молларни топшириб, Худойберди иноқни элчи сифатида қўшиб Бухорога кузатишган[1]. Лекин Амир Ҳайдар ушбу ҳолатга қаноат қилмай, таъна дашномлару бемаъни сўзлар билан ўзининг мулозимларидан Мирзо Абдулхолиқни элчи қилиб Хоразмга юборган. «Фирдавс ул-иқбол» муаллифи Бухоро хонининг бу ишига баҳо берар экан, у миннатдорчилик ва шукроналик ўрнига хон ҳазратларини қароқчилар билан ҳамкорлик қилишда айблаб, яна мол талаб қилган ҳолда даҳшатли сўзлар битилган мактуб билан Мирзо Абдулхолиқни элчи сифатида юборганлигини кўрсатиб ўтади[2].

Бухоро амирининг ишидан ранжиган Хива хони ҳам элчига «хуш жавоб айтмай, ваҳшатомез сўзлар била қайтарган». Шу тариқа Амир Ҳайдар ва Элтузархон ўртасида адоват пайдо бўлган эди.

«Йимроли воқеаси»га жавобан Хоразм карвонининг Бухоро хонига тобеъ бўлган солур туркманлари томонидан талон-торож қилиниши икки ўртадаги муносабатларнинг бузилишига олиб келган иккинчи сабаб эди. Хусусан, 1805 йилда Машҳадга савдо учун «амтиаи бисёр ва ақшамаи бешумор» (*катта миқдордаги ипак ва турли матолар*) билан йўл олган икки юз савдогардан иборат катта Хоразм карвони Сарахс ҳудудига етганда у ердаги солур туркманлари томонидан талон-торож қилиниб, кўп киши ҳалок этилган. «Фирдавс ул-иқбол»да кўрсатилишича, Амир Ҳайдар уларга танбеҳ бериш ўрнига навозишлар кўрсатиб, Хоразм карвонини яна талашга тарғиб қилган эди[3].

Шунингдек, «Фирдавс ул-иқбол»да, илгари бўлгани сингари, Хива хонига мухолиф кучларнинг Бухоро амири томонидан

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.192. Ушбу воқеа «Таворих ул-хавонин» асарида анча қисқа тарзда келтирилган. Қаранг: Сайид Ҳомид тўра Комёб. Таворих ул-хавонин ... – Б.28.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.223.
[3] Ўша жойда. – Б.224.

қўллаб-қувватланиши Хива – Бухоро муносабатларига путур етказган учинчи сабаб қилиб кўрсатилган. Жумладан, Бекпўлод оталиқнинг авлодидан Отаниёзбек ёмонлик йўлини тутиб, Бухорога борганда Амир Ҳайдар уларни мушфиқона илтифотлар билан кутиб олган ва қўшин бериб, Хива хонига қарши курашда унга мададкор бўлган[1]. Умуман олганда, манбада «юртдин овора бўлғон аҳли фасод» деб келтирилган Хива хонига мухолиф бўлган гуруҳларнинг аксарият ҳолларда Бухоро хонлигидан паноҳ ва мадад топганлиги тўғрисида кўплаб маълумотлар келтирилган.

Бухоро ва Хива хонлари ўртасидаги адоватнинг кучайишига эса Амир Ҳайдарга мухолиф бўлган иниси, Марвда ҳокимлик қилиб турган Дин Носир тўра билан Элтузархон ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларининг ўрнатилиши сабаб бўлган эди. «Фирдавс ул-иқбол»да 1805 йилдаги воқеалар қаторида Амир Шоҳмуроднинг иккинчи ўғли ва Амир Ҳайдарнинг иниси Дин Носир тўра номидан келган элчи ҳақида маълумот бериб ўтилган. У ерда баён қилинишича, Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар баъзи фитначиларнинг иғвосига учиб укаси Дин Носир тўрани Марв ҳокимлигидан бўшатиш учун икки саркардасини юборган. Бундан огоҳ бўлган тўра келган вакилларни қатлга етказган, шу боис акасининг ғазабидан қўрқиб, шунингдек, Огаҳий сўзи билан ифодалаганда, «Элтузархоннинг салобати ва маҳобати овозасидан унга ғойибона ихлоскаш бўлиб» Хоразмга элчи юборган[2]. Хива хонининг ҳимоясига умид боғлаган Дин Носир тўра элчи юборар экан, 1806 йилда Марвда Элтузархон номига хутба ўқитиб, танга зарб эттирганини хабар қилган. Шу тариқа Дин Носир тўра Хива хони билан дўстлик алоқаларини ўрнатиб, элчилар юбориб, ўртада «рафту омад» (*борди-келди*) йўлга қўйилган эди. Шу жиҳатдан, Огаҳий таъ-

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.224.
[2] Ўша жойда.

кидлаганидек, Амир Ҳайдарнинг Хива хонига нисбатан душманлиги янада кучайиб, Дин Носир тўра устига қайта-қайта қўшин юбориб, катта талафотлар етказган. Дин Носир тўра элчи орқали аҳволини баён қилиб, Хива хонидан ёрдам сўраган. «Фирдавс ул-иқбол»да таъкидланишича, охир-оқибат Хива хонининг сабри тугаб, 1806 йилда амир Вали оталиқни икки минг аскар билан «Бухоро музофотининг турктози (*босқини*)»га буюрган. Ундан сўнг шу каби бошқа гуруҳлар ҳам Бухоро ҳужумига юборилган. Шу тариқа Бухорога саккиз марта юриш уюштирилган эди[1].

Ўз навбатида, Амир Ҳайдар ҳам ўзининг етти нафар ишончли саркардаси бошчилигида катта қўшинни ҳозирлаб, Хоразм устига юришга буюрган. У Хива хонига қарши курашда Хоразмдаги ички кучлардан ҳам фойдаланган[2].

«Мунтахаб ат-таворих» асарида «ўша пайтда Хоразм мамлакатида Элтузархон давлат ноғорасини чалиб ... Мовароуннаҳр подшоҳларини писанд этмай, ўз югурдакларидан бири ўрнида кўрарди ...ниҳоят, давлат ғурури уни ўз ҳолига қўймай, Бухорони фатҳ этиш умидида катта лашкар билан Омуя дарёсидан кечиб ўтди» деб қайд этилган[3].

Икки ҳукмдор ўртасидаги кураш Элтузархоннинг шахсан ўзи бошчилигида Бухорога ҳужум қилиши ва мағлубиятга учрагач чекинаётган вақтда Амударёга ғарқ бўлиши билан якун топган эди. Элтузархоннинг фожиали ўлими тафсилотлари Хоразм ва Қўқон ёки Бухоро манбаларида бир-биридан фарқли тарзда келтирилган. «Фирдавс ул-иқбол»да баён қилинишича, Хива хони ортга чекиниб, кемага ўтирган чоғда саросимага учраган аскарлар ҳам тартибсиз ҳолда ўзларини кемага отишган. Асар муаллифи айнан хоннинг олижаноблиги ва фуқаропарварлиги туфайли кеманинг ғарқ бўлганлигини уқти-

---

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.224 – 225.
[2] Ўша жойда. – Б.225
[3] Муҳаммад Ҳакимхон .Мунтахаб ут-таворих ... – Б.30.

риб, «хон ғояти шафқат ва фуқаропарварлиқдинким аларға духул (*киришга*) рухсат» берганлиги туфайли кема оғирлашиб ғарқ бўлганлигини таъкидлайди»[1].

«Мунтахаб ат-таворих» муаллифи эса ушбу ҳодисани ўзига хос киноя билан ҳикоя қилган. Асарда «бечора дарёда сафар қилмоқчи бўлди-ю, аммо шу кўйи охират сафарига чиққанини билмади. Чунки қочоқ аскарлар душман чангалидан қутулиш ниятида хон чиққан қайиқ атрофини ўраб олиб, улар ҳам чиқмоқчи бўлишди. Ахир хони билан бирга дарёдаги балиқларга ем бўлажакларини қайдан ҳам билишибди? Элтузархон ўзи омон қолиши мақсадида ҳеч кимни кемага яқинлаштирмаслик учун қанча уринмасин, одамлари қайиққа қаттиқ ёпишиб олишди ва улар оғирини кўтара олмаган кема ҳаммасини олган кўйи дарё тубига чўкди» деб ҳикоя қилинган[2].

Манбада Элтузархоннинг ҳалокатга учраб, дарёга ғарқ бўлишига сабаб сифатида икки ҳолат келтирилар экан, аввало, у амакиси «ғоятда лабибу (*ақлли, зийрак*) оқил ва соҳиби фаросат одам бўлган Фозилбек бин Муҳаммад Аминнинг сўзига қулоқ солмас ва эътиборга олмас эди. Ваҳоланки, муаррихларнинг таъкидлашича, отаси Муҳаммад Амин ҳам, биродарлари Авазбий, Муҳаммад Раҳимхон ҳам амакисини «зиёда ҳурмат қилиб, онинг машваратидин бошқа иш қилмас эрдилар» деб таъкидланади[3]. Муаррих қўшимча қилиб эл орасида катта обрўга эга бўлган дин пешвоси Вохтахўжанинг қизини жабран никоҳлаб олганлиги учун бу зот уни «дуои бад қилганлиги»га урғу берган.

Хоразм қўшини ортга чекинаётганда хоннинг акаси Қутлуғмурод иноқ бошчилигида бир қанча нуфузли амирлар

---

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.230; Сайид Ҳомид тўра Комёб. Таворих ул-хавонин ... – Б.33.
[2] Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих ... – Б.30.
[3] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.194.

асир тушган бўлиб, уларни озод этиш масаласида Бухоро хони билан музокаралар олиб борилган. Хусусан, тахтга ўтирган хоннинг иккинчи ўғли Муҳаммад Раҳимхон I (1806 – 1825) эътиборли давлат арбоблари билан маслаҳатлашган ҳолда қози Исмоил эшон ва қози Эшвайс эшонни Бухорога элчи қилиб юборган. «Фирдавс ул-иқбол»да қайд этилишича, Амир Ҳайдар «камоли дурбинлик (*узоқни кўра билиши*) ва оқибатандешлик» юзасидан Хива хонининг илтимосини қабул қилиб, *иноқ* бошчилигида барча асирларни «сарупойи шоҳона ва навозишоти хусравонасидин баҳраманд қилиб, иззати тамом била ўз муътабар кишиларидин Умро ва Юсуф миршаб деган икки кишисин қўшуб» Хоразмга юборган[1].

«Анжум ат-таворих»да эса Элтузархоннинг биродари Қутлуғмуродбий асир тушгандан сўнг Амир Ҳайдар уни ўзаро келишув асосида ўзининг Хоразмдаги ноиби сифатида фойдаланмоқчи бўлганлиги қайд этилади. Бухоро амири шу мақсадда Қутлуғмуродбекни бир гуруҳ қўшин билан тахт талаби учун Хоразмга юборган. Лекин бу вақтда «Хоразм улуғлари иттифоқ билан Элтузархони шаҳид ўрнига укаси Муҳаммад Раҳимхонга аҳд-паймон қилдилар, шу боис Бухоро сипоҳи Хоразмдан қайтиб келди» деб таъкидланади манбада[2]. «Тарихи Туркистон»да ҳам Бухоро амири асирга тушган хоннинг акаси Қутлуғмуродбекни ўзининг ноиби сифатида қўйишни режалаштирганлиги маълум қилинган. У ерда таъкидланишича, «...оларни бир ҳафта тўхтатиб, (*даҳшатли*) қасами муғолаза илан Қутлуғмурод иноқ волийи Хоразм қилиб юборилган» эди[3]. Аммо Хива хонлиги тахтига Муҳаммад Раҳимхон I ўтирганлиги боис Қутлуғмурод Бухоро амирига мактуб ёзиб, «ман аҳдимда собит ва устуворман, лекин аркони давлат ва фуқаро ва уламо ва сулаҳо ва аҳли мамлакат

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.248.
[2] Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих ... – Б.126.
[3] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.175.

биродарим Муҳаммад Раҳимга байъат қилиб, ман келмасдан илгари хон қилибдурлар. Манум дахлим ва эътиборим йўқлигидин рози бўлдим» деган хабарни етказган[1].

Шунингдек, «Мунтахаб ут-таворих»да «Урганж аҳолиси Элтузархоннинг дарёға ғарқ бўлганлигини кўриб таслимга рози бўлганликлари ва Урганжнинг Бешқалъасида мир Ҳайдар подшоҳ номига хутба ўқилган»лиги баён қилинади[2]. Лекин Қўқон хони Олимхоннинг Фарғона лашкари билан Ўратепа вилоятини бир ҳамладаёқ эгаллаганлиги тўғрисидаги хабар етишгач, Амир Ҳайдар «Урганжни ўз ҳолига ташлаб», дарҳол ортга қайтган[3].

Элтузархондан кейин Хива хонлиги тахтига ўтирган Муҳаммад Раҳимхон I борасида «Тарихи Туркистон»да «ўта шижоатли ва ботир киши бўлиб, бутун Хоразм мамлакатини ўз тасарруфи доирасига киритди ва фармонфармолик ишлари билан машғул бўлди. Ўша пайтда Муҳаммад Раҳимхон Хоразмда, жаноб Амир Умархон Хўқандда ва Амир Ҳайдар подшоҳ Бухорода ҳукмронлик қилишар, шу сабабли бир шоир мисраларида «Муҳаммад Раҳим олдида топса жой, Умар тобе ўлмасми, Ҳайдар муте» деб келтирилган»[4].

Муҳаммад Раҳимхон I даврида ҳам Бухоро хонлиги билан муносабатлар мураккаблигича қолган эди. Манбада қайд этилишича, Авазбий иноқ даврида мухолиф бўлиб Бухоро хони томонидан қўллаб-қувватланган исёнкор бек ва амирлар бу даврда ҳам фитна-фасодни давом эттиришган[5].

Хўжамуродбий иниси Тўрамурод сўфи билан бирга ўн бир йил мобайнида, яъни Авазбий иноқ давридан бери исён қилиб келар эди. Элтузархон даврида заруриятдан итоаткорлик билдирган бу амирлар Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлиги-

[1] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.175.
[2] Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих ... – Б.30.
[3] Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих ... – Б.126.
[4] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.195.
[5] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.290 – 291.

нинг иккинчи йилидан бошлаб яна Бухоро хонининг мадади билан исён йўлини тутишган.

Шу боис Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлигининг дастлабки ўн йилида ўзига мухолиф бўлган Янгидарё қорақалпоқлари ва Оролда тўпланган турли фитначи гуруҳларга қарши кураш олиб боришига тўғри келган.

Шу жумладан, (1808 йилда) Бухорога бориб, «Мир Ҳайдар подшоҳнинг остони мулозиматига ёстаниб» олган Ўрунбойнинг Бухоро ҳукмдоридан олган ёрдами ҳамда Амир Ҳайдар билан иттифоқчилик қилган уйғур Ўрозали ёрма ва қорақалпоқ Тўрабек қиётларнинг Бухорога элчилик расми билан борганликлари сингари маълумотлар манбада кўплаб келтирилган[1].

Исёнкор кучларни бўйсундириб ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган Муҳаммад Раҳимхон I нинг сиёсий-ҳарбий қудрати ортиб боргани сари Бухоро хони ҳам у билан яқинлашишга интилган. Хусусан, «Фирдавс ул-иқбол»да «...кўп муддатдан бери Бухоро волийси Мир Ҳайдар подшоҳ била ҳазрат хилофат [Муҳаммад Раҳимхон]нинг орасидин русул ва расоил рафт-омади (*элчилар борди-келдиси*) билкул мунқате бўлуб (*узилган*) эрди. Чун ҳазрат аълохоқонийнинг офтоби иқболи ... кун-кундин иртифо топти (*юксалиб*), Мир Ҳайдар подшоҳ ... хижил ва пушаймон бўлуб, баҳона тилар эрдиким, ул баҳона василаси била мобайни давлатайиндин (*икки давлат ўртасида*) кудурат муртафе бўлғай (*ўртадан кўтарилгай*)» деб келтирилган[2].

Тез орада Бухоро амири ўғлининг тўйига тараддуд кўра бошлаган эди. Муаррихнинг таъкидлашича, бу тўй Амир Ҳайдар учун Хива хони билан муносабатларини тиклаш ва дўстона алоқаларни йўлга қўйишида ана шундай баҳона бўлиб хизмат қилган эди. Тўйга таклиф этиш учун Ўроқбой чу-

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.325.
[2] Ўша жойда. – Б.363.

раоқоси ва Авазмуҳаммад ясовулбоши Хоразмга элчи қилиб юборилган.

Муҳаммад Раҳимхон I келган элчиларни ҳурмат билан кутиб олиб, «ҳар қайсиға хилои гаронмоя (*қимматбаҳо тўн*) ва камари тиллопироя марҳамат кўргузган». Хон уларга қўшиб, ўзининг мулозимларидан Ҳасанмурод оталиқни подшоҳ ўғлининг хатна тўйи билан муборакбод этиш учун «таҳниятнома» ҳамда Қандим сардорни Орол вилоятининг фатҳ этилганлигини етказиш учун «фатҳнома» бериб Бухорога юборган[1].

Хива ва Бухоро ҳукмдорлари ўртасида элчилик алоқалари шу даражада йўлга қўйиладики, Муҳаммад Раҳимхон I мамлакатнинг баъзи ички ва ташқи ишларида ҳам Амир Ҳайдар билан маслаҳатлашар ёки унинг ёрдамига таянар эди. Хусусан, Хива хони Дашти Қипчоқдаги айрим гуруҳларнинг исёнларини бостириб, у ерда тартиб ўрнатиш учун ҳозирлик кўраётган вақтда «Марв масаласи» кўндаланг бўлиб қолган эди. Яъни Марвдаги така туркманлари томонидан кўп тажовузлар уюштирила бошланган эдики, Муҳаммад Раҳимхон I уларга «танбеҳ бериш»ни Дашти Қипчоқ юришидан муҳимроқ деган қарорга келган. Бу вақтда Бухорога элчи бўлиб кетган Ҳасанмурод оталиқ ва Қандим сардор Амир Ҳайдарнинг қўшиб жўнатган элчилари Яъқуб қўрчибеги ва Кал ясовул билан бирга Хоразмга келишган[2]. Хива хонини ака ва ўзини ука деб кўрсатган Амир Ҳайдар ўз элчилари орқали ихлос ва иттифоқчилик изҳорини йўллаган эди. Бундай илиқ муносабатлардан таъсирланган Хива хони ўзининг мулозимларидан Бердибек иноқни Бухоро элчиларига қўшиб юзага келган вазият борасида «машварат», яъни маслаҳат сўраб Амир Ҳайдар ҳузурига юборган. «Фирдавс ул-иқбол»да баён қилинишича, Амир Ҳайдар бундай илтифотдан «амомаи ифтихорин мабоҳат ҳавосиға отиб», Марв туркманларини тар-

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол... – Б.378.
[2] Ўша жойда. – Б.384.

тибга чақиришни ўз зиммасига олиб, така йўлтўсарларининг қўлидаги ҳар бир хоразмлик асир ёки савдогарнинг молларини қайтартириб, Хива хонига юборишга кафил бўлган. Бухоро амири ўзининг бу ваъдаларини мактуб орқали баён этиб, Хоразм элчиси Берди иноққа ҳамроҳ қилиб юборилган Саййид Мусохўжа ўроқ Мир Кулолий орқали етказган[1].

Шу жиҳатдан, Хива хони «Марв масаласи»ни Бухоро амири зиммасида қолдириб Дашти Қипчоқ юришига отланган эди. Кейинги воқеалар тафсилоти Бухоро амири бевосита Марв такаларининг устига қўшин тортиб, Муҳаммад Раҳимхон I га берган ваъдасини бажарганлигини кўрсатмаса-да, Хоразм қўшини 1812 йилда Дашти Қипчоққа юриш қилган вақтда Хуросондаги аксарият қалъа ва вилоят ҳокимлари Хива хонига элчи юбориб, ўзларининг ихлос ва ҳамжиҳатлигини изҳор этишган эди[2]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, «Марв масаласи»да Хива ва Бухоро ҳукмдорлари ўртасидаги ўзига хос келишув маълум таъсирга эга бўлган.

Шу билан бирга, Ҳазораспда ҳокимлик қилиб турган Абдуллоҳ иноқнинг хонга қарши исёни билан боғлиқ воқеалар Хива – Бухоро алоқаларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлиб қолган. «Фирдавс ул-иқбол»да Абдуллоҳ иноқ «мартабаи аълони кўтара олмай, кибру нахват жомини нўш этиб, ...Хўжамберди девонбегини Бухоро волийси Амир Ҳайдарга изҳори итоат ва инқиёд қилиб юборди» дейилади[3]. Амир Ҳайдар эса уни қўллаб-қувватлаб, Хиванинг тахтини унга ғойибона инъом қилиб, ёрлиқ жўнатган. Хива хони томонидан юборилган ҳарбий кучларга қаршилик кўрсата олмай Бухорога қочган исёнкор иноқ Бухорода ҳам тура олмай, «...юз минг ажзу эътизор (*хижолат*) била келиб, ул ҳазрат [Муҳаммад Раҳимхон]нинг утбабўслиқиға (*остонасини ўпишга*)

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.384.
[2] Ўша жойда. – Б.394.
[3] Ўша жойда. – Б.408.

етти. Ул ҳазрат анинг гуноҳин афв этиб, дохил ва музоҳим бўлмади» деб кўрсатилади манбада[1]. Ушбу маълумотдан кўриш мумкинки, Бухоро амири очиқдан-очиқ бу фитначи иноқни қўлаб-қувватлашнинг оқибати ёмон бўлишини ўйлаб Хива хони билан йўлга қўйилган яхши қўшничилик алоқаларига путур етказишни истамаган, шу боис Абдуллоҳ иноқ Бухорода қололмай, яна ортига қайтган.

«Фирдавс ул-иқбол» асаридаги маълумотлар шу даврдан бошлаб Муҳаммад Раҳимхон I ва Амир Ҳайдар ўртасидаги элчилик алоқалари ўн йиллар мобайнида деярли мунтазам равишда олиб борилганлигини кўрсатади. Хусусан, Бухорога юборилган Хива элчиси Ҳасанмурод оталиқ 1814 йил бошларида Амир Ҳайдарнинг қўшиб жўнатган элчиси Боймуҳаммад жарчибоши билан Хоразмга ташриф буюрган. Ушбу ойнинг охирларида эса Хива хони Берди иноқни элчи этиб тайинлаган ҳолда Бухоро элчисига қўшиб жўнатган.

Бир муддатдан сўнг Берди иноқ Бухоро элчиси Подшоҳхўжа садр билан юртига қайтган вақтда хон ов сафарига кетган эди. 17 кундан сўнг пойтахтга кириб келган Муҳаммад Раҳимхон I элчини қабул қилиб, яна Берди иноқни қўшган ҳолда Бухорога кузаттириб қўйган. Ўз навбатида, ушбу Хоразм элчилигига жавобан юборилган Бухоро элчиси Алимуҳаммад чиғатойбеги Бухоро амири юборган тўп ва шамхол (*қурол*) ларни келтириб, Хива хонига тақдим этган[2].

1815 йилнинг бошида Бухородан келган элчи Орифхўжа ҳам ўз ҳукмдорининг дўстлик ва садоқат изҳорини келтирган эди. Хива хони унга эҳтиром кўрсатиб, «сарупойи шоҳона» кийдириб, Берди иноқни ҳамроҳ қилиб кетишга рухсат берган. Маълум муддатдан сўнг ўша йили Берди иноқ Бухоро

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.408, 412. Асарда кўрсатилишича, Абдуллоҳ иноқ 5-6 ойча саройда хизмат қилиб юргач яна фасод йўлига кирган ва охир-оқибат хоннинг буйруғи билан қўлга олиниб, қатл этилган.
[2] Ўша жойда. – Б.410.

элчиси билан ортига қайтган. 1816 йил баҳорида Хива хони Қандим сардорни Бухорога юборган бўлса, ёз фасли бошларида Бухоро элчиси Нурмуҳаммадбек тўқсовулбоши Амир Ҳайдарнинг «ихлосномаси»ни келтирган[1].

Эътибор бериш жоизки, Бухоро элчиси Нурмуҳаммадбек кейинги бир неча йилда Хива хонлиги билан элчилик алоқаларини олиб боришда асосий ўрин тутган. 1818 йили Бухорога юборилган Хоразм элчиси Норбек у ердан Нурмуҳаммадбек билан ташриф буюриб, Хива хони қабулида бўлган. «Фирдавс ул-иқбол»да 1819 йил май ойида ҳам: «Мир Ҳайдарнинг элчиси Нурмуҳаммадбек даргоҳи оламpanoҳ [Хива хони] хокбўслиқиға етти», – деб қайд этилган[2].

Шу тарзда келган томон элчисига ўз элчисини қўшиб жўнатиб, деярли мунтазам равишда икки ўртадаги борди-келдилар давом этган. Бу алоқаларда Бухоро элчилари Орифхўжа ва Нурмуҳаммадбек тўқсовулбоши ҳамда Хоразм элчилари Берди иноқ, Қандим сардор ва Норбек катта хизмат қилганлар.

Қизиғи шундаки, «Фирдавс ул-иқбол»даги маълумотлар орқали бу даврда Хива – Бухоро муносабатларида ўн йил олдинги вазиятнинг такроран юзага келганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 1820/1821 йилда қозоқларнинг чумакой уруғидан баъзи «бебош исёнчилар»нинг ҳаракатлари туфайли юзага келган вазиятдан Хива хони хабар топгач у ерда тартиб ўрнатиш учун юриш қилишга фармон берган эди. Лекин айни шу пайт Марвдаги така туркманларининг нафақат ён-атрофга, балки Хива хонлигининг чегара ҳудудларига ҳам тажовузлар қилиб катта зарар етказаётганликлари ҳақида хабар келган. Шу жиҳатдан, бу гал ҳам Дашти Қипчоқ юришидан кўра «Марв масаласи» муҳимроқ деб топилиб, юришга тайёргарлик кўрила бошланган эди. Шу билан бирга, анча яқин муносабатлар

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.412.
[2] Ўша жойда. – Б.431, 443.

ва дўстона борди-келди алоқалари олиб борилаётгани боис, қолаверса, Марв ҳудудининг асосий қисми бу даврда Бухоро амирининг таъсир доирасида эканлиги, қолаверса, Амир Ҳайдарнинг «Марв масаласи»да илгари берган ваъдасининг хотири учун Муҳаммад Раҳимхон I Бухорога элчи юборган. «Фирдавс ул-иқбол»да кўрсатилганидек, Хива хони «ишларингизда улар билан маслаҳатлашинг» мазмунидаги қоидага амал қилиб «...машварат юзидин сифорат расми била Берди иноқни Амир Ҳайдарга ирсол қилган»[1]. Қайд этиш жоизки, Берди иноқ ўн йил бурун ҳам айнан шу масалада «машварат» талаби билан Бухоро хони билан музокара олиб борган эди. Бу сафар ҳам Амир Ҳайдар така қароқчиларини тинчитиб, Хоразмдан олинган барча асирлар ва молу ашёни ундириб, Хива хонига юборишга кафил бўлган. Муҳаммад Раҳимхон I Бухоро амирининг ваъдасига ишониб, Дашти Қипчоқ юришига кетиб, у ердан катта ғалаба билан қайтган.

Бухоро ҳукмдорининг ўз ваъдасида турмаганлигини билгач Муҳаммад Раҳимхон I унга яна элчи юборган. Бу сафар амир «...истеҳзо юзидин элчиға дедиким: тарокима халқи зиёда бебок ва бебош халқ бўлурлар. Аларға таади бериб (*тартибга чақириб*), истирдоди мол (*мол талаб*) қилмоқға киши буюрсам, атрофу жавонибға мутафарриқ ва паришон бўлуб ... топилмағусидир. [Шу боис] бу янглиғ ишга журъат кўргуза олмасмиз. Агар қила олсалар, ул ҳазратнинг ўзлари ул жамоаға танбеҳ бериб, жазоға еткурсинлар» деб жавоб қайтарган[2].

Амир Ҳайдарнинг бундай муомаласидан Хива хонининг қаттиқ жаҳли чиққан бўлса-да, манбада таъкидланганидек, «сабр шодлик калитидир» деган ҳикматга амал қилиб «ҳар бир ишнинг ўз вақти бор» муқтазосига кўра Марв юришини тўхтатиб туришга қарор қилган[3]. Лекин шундан сўнг Хива

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.449.
[2] Ўша жойда.
[3] Ўша жойда.

хони бир неча йил давомида Хуросон туркманларидан така тоифасига қарши кураш олиб борган.

Така туркманларининг Бухоро хони томонидан қўллаб-қувватланиши эса Хива – Бухоро муносабатларига жиддий путур етказган. Хусусан, Марв такалари Хоразм ерларига ҳужум, яъни *чаповул* қилиб, чегарадаги аҳолининг бир оз молини олганлигидан хабар топган Хива хони 1821 йилда ўзига тобе бўлган ёвмут туркманларининг сардорларини Марв *чаповулига* буюрган. Икки ўртада қаттиқ жанг бўлиб, Амир Ҳайдар томонидан юборилган бир минг беш юз отлиқ Хоразм кучларини танг аҳволга солиб қўйган. Шунда улар элчи юбориб, жанг олиб бораётган Бухоро бекларига вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилишган. Хусусан, улар Марв такаларидан етаётган зарар, бунинг олдини олишга ваъда берган Амир Ҳайдарнинг ўз сўзида турмаганлиги, шу боис ушбу *чаповул* Хива хонининг фармонига кўра айнан интиқом олиш мақсадида уюштирилганлигини баён этишган. Лекин элчилар ҳарчанд тушунтиришмасин, қарши томон урушни давом эттиришга қарор қилган. Ноилож қолган «оломон» (*ҳужум уюштирган гуруҳ*) жанг қилиб, катта талафотлар кўрган. Шу тариқа бу ҳодисадан сўнг Муҳаммад Раҳимхон I билан Бухоро амири ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқалари яна бузилган.

Бу даврда қўшни Қўқон хонлигида муҳим ўзгаришлар юз бериб, Бухоро ва Хива ўртасидаги муносабатларда «Қўқон масаласи» ҳам пайдо бўлган эди. Хусусан, Умархон (1810 – 1822) Қўқон хонлигида ички барқарорликни таъминлаб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётни тараққий эттириш ҳамда мустақил ташқи сиёсат юритишга интилган. Натижада ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган хон нафақат Бухоро амирлигининг таъсиридан бутунлай қутулиш, балки ўртадаги ҳудудларни ўз тасарруфига киритиш масаласида у билан рақобат қила бошлаган эди.

Е.К. Мейендорфнинг «Умархон қўшни хонликларда катта ҳурматга эга эди» деган фикрини мулоҳаза қилар экан Б. Бобожонов «ушбу маълумот Умархон ҳукмронлигининг бошларига, яъни қўшнилари билан алоқаларини йўлга қўйиш масаласи ҳақиқатда аҳамиятга эга бўлган даврга тўғри келиши керак» деб қайд этади. Олим бу борада фикр билдириб «зеро, Умархоннинг бу ҳаракати «дипломатик легитимация»га бўлган интилиш, айниқса, Бухоро амири Ҳайдар билан муносабатлари зиддиятли бўлган ҳолатда қўшни давлатлар, айниқса, мусулмон оламининг нуфузли ҳукмдорлари орасида ўз мақомини қонунийлаштириб олиш мақсади билан боғлиқ эди» деб таъкидлайди[1].

Умархон Хива хонлиги билан ҳам муносабатларини йўлга қўйишга катта эътибор берган эди. «Фирдавс ул-иқбол»да 1814/1815 йилда Муҳаммад Раҳимхон I ҳузурига Қўқон хони Умархондан элчи бўлиб келиб, Хива хонининг «мулозаматига етган» Саййид Муҳаммад ҳожи ҳақида маълумот берилади[2].

Умархон Дашти Қипчоқ ва Туркистоннинг ички ҳудудларига юриш қилиб катта ғалабани қўлга киритган вақтда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I у билан ҳамкорлик қилиш фойдадан холи эмаслигини тушунган дейиш мумкин. «Анжум ат-таворих»да қайд этилишича, «Муҳаммад Раҳимхон Хоразмий Қўқон хони саройига элчи юбориб, Туркистон ва Дашти Қипчоқ музофотларининг фатҳи билан Умархонни муборакбод этган ва меҳр тўла мактуб ва шоҳона ҳадя ва туҳфалар бериб иттифоқ ва иттиҳодни таклиф қилган»[3]. Хоразм элчиси бир неча кун «Хўқандда қолиб, иззат-икром ва меҳмондорчиликдан кейин кетишга рухсат олиб», ортига қайтган. Қўқон хони ҳам унга ўзининг элчиси Абдухолиқ қоровулбегини қўшиб

---

[1] Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия ... – С.150.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.414.
[3] Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих ... – Б.156.

шоҳона туҳфалар ва армуғонлар билан «меҳрибонлик мактуб»ини бериб жўнатган эди.

Тадқиқотчи Ф. Отахонов Қўқон хонлиги тарихига бағишланган «Шоҳномаи нусратпаём» асарига таянган ҳолда Хива – Қўқон иттифоқчилигига доир муҳим маълумотларни келтириб ўтган. Хусусан, Муҳаммад Раҳимхон I ўз мактубида «умумий душман» сифатида кўрилган Бухоро ҳукмдорига қарши иттифоқчилик таклифини билдирар экан, «...агар мен томонга марҳамат назарлари билан ишора қилиб, саркашлиги била маълум бўлган Бухоро подшоҳининг аҳволини хароб қилишга амр қилсалар, агар Парвардигор ўз лутфу карами билан мададкор бўлса, аминманки, уларни таг-туги билан юлиб ташлардим. Ассалом аттақсир» деб мурожаат этган[1].

Умархон билдирилган ушбу таклифни қабул этиб, Абдухолиқ қоровулбегини Хива элчиларига ҳамроҳ қилиб совға-саломлар билан жўнатган[2]. Бухоро ва Хива манбаларида бу элчилик ҳақида маълумот келтирилмаса-да, Бухоро амирлигининг чегара ҳудудларида Хива ва Қўқон хонлиги қўшинлари томонидан олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар икки ўртада иттифоқ тузилганлигини англатади[3]. Зеро, 1821 йилнинг 28 июнь куни Хива қўшини Бухоро туманларига етиб келганлиги ҳақидаги хабар Умархон саройига маълум бўлиши билан Умархон ҳам 12 минг аскарга бош бўлиб юришга отланган[4].

Дарҳақиқат, «Фирдавс ул-иқбол»да айнан Хива – Қўқон келишувига кўра деб кўрсатилмаса-да, Хива хонининг Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар билан кескинлашган муносабатлари

---

[1] Отахонов Ф. Қўқон ва Хива хонликлари ўртасида 1821 йилда тузилган ҳарбий иттифоқ ва унинг оқибатлари ... – Б.26.
[2] Ўша жойда.
[3] Полвонов Н. Қўқон ва Хива хонликларининг ўзаро элчилик алоқалари тарихига доир ... – Б.179 – 180.
[4] Отахонов Ф. Қўқон ва Хива хонликлари ўртасида 1821 йилда тузилган ҳарбий иттифоқ ва унинг оқибатлари ... – Б.30.

туфайли Муҳаммад Раҳимхон I нинг фармонига кўра 1821 йил июнь – август ойларида бир неча бор Бухоро ҳудудларига ҳужум қилиниб, катта ўлжалар олинганлиги қайд этилган[1]. Жумладан, 1821 йилнинг июнида Хива хони ўз мулозимларидан Дўсимбий ва Бекижонбек Бухорийни етти минг киши билан Бухоро *чаповул*ига буюрган. Август ойида эса Ниёз баҳодир бошчилигидаги ёвмут *оломони* Бухорога қарашли Элжик *чаповул*ига юборилган. Хива хонлиги томонидан уюштирилган бундай ҳарбий ҳаракатлар Қўқон хони билан жанг олиб бораётган Бухоро кучларини танг аҳволга солиб қўяр эди.

Бухоро ва Қўқон тарихий манбаларидан Умархон ўз иттифоқчиси Муҳаммад Раҳимхон I дан ташқари Бухоро амирига мухолиф бўлган ички кучлар билан ҳам алоқа ўрнатиб турганлигини англаш мумкин. Хусусан, Бухоро қўшинлари Хоразм кучлари билан овора бўлиб турган бир вақтда Самарқандда хитой-қипчоқлар томонидан кўтарилган қўзғолон туфайли қийин аҳволга тушиб қолган Амир Ҳайдарнинг Қўқон хони билан сулҳ тузишга мажбур бўлганлиги ўртадаги вазият ҳақида тасаввур беради[2].

«Мунтахаб ут-таворих»да Қўқон хони Умархон Жиззах қалъасини қамал қилиб турган вақтда «Муҳаммад Раҳимхон Хоразмий Бухоро вилоятини бир неча бор босқин-чопқинга учратиб», ўн икки минг оилани кўчириб, Хоразмга юборганлиги кўрсатиб ўтилган[3]. Ўша жойда қайд этилишича, Хива ва Бухоро лашкари ўртасидаги жангда хоразмликларнинг қўли баланд келиб, қочишга юз тутган бухороликлардан кўпи асир олинган. Кўриниб турибдики, бу юришлар икки томон муносабатларини чигаллаштириши билан бирга Бухоро амирлигининг умумий ҳолатига ҳам жиддий таъсир кўрсатар эди.

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул иқбол ... – Б.453 – 454.

[2] Полвонов Н. Қўқон ва Хива хонликларининг ўзаро элчилик алоқалари тарихига доир ... – Б.181.

[3] Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих ... – Б.37.

Шу жиҳатдан, «Фирдавс ул-иқбол»да Хива хони билан муроса йўлига ўта бошлаган Бухоро амири 1822 йил баҳорида ўзининг элчиси Подшоҳхўжани юбориб, «...тағомиздин бағоят миннатдормизким, биз хитой-қипчоқ устиға кетганимизда камоли мурувват ва дўстлиғдин юртимизға *чаповул* буюрмайдурлар. Ва баъзи ғаразгўйлар ул ҳазратни душманлиқға мансуб қилур эрдилар. Алҳамдиллоҳ вал-минна маълум бўлдиким, дўст эрканлар» деб миннатдорлик билдиргани маълум қилинган[1].

Асарда қайд этилишича, Бухоро амири бу сўзлар орқали ўртадаги адоватни юмшатиб, сулҳ тўғрисида сўз очилишига эришиш ва тинчлик муносабатларини ўрнатишни кўзлаган эди.

Хива хони Бухоро элчисига жавоб қайтарар экан, аниқ бир фикр айтмай, тез орада Чоржўй тарафига катта қўшин билан юриш қилиши, боргандан сўнг Яратганнинг иродасига кўра «хоҳ дўстлиқ била боришмоқ бўлғай ва хоҳ душманлиқ била» иш тутишликларини билдирган. Манбада таъкидланишича, Хива хони элчига кўриниш бермай, беш кундан сўнг унинг кетишига рухсат этган[2].

Шу орада Бухоро хони итоатидаги Марвнинг така, солур ва сорuқ уруғлари мағлуб этилиб, Марв қалъасининг Хоразм қўшинларига таслим бўлганлиги тўғрисида хабар келган. Албатта, бу хушхабар Хива хонининг мавқеини янада мустаҳкамлаган, шу билан бирга, Бухоро амирини тезкор қарши чоралар кўришга ундаган. Шу жиҳатдан, 1822 йилдаги Чоржўйга юриш чоғида Амир Ҳайдарнинг ўғли Умархон катта гуруҳ билан Бухоро тарафидан келиб, Амударё ёқасида Хоразм қўшинларининг қаршисига жойлашиб, жангга ҳозирлик кўра бошлаган. Лекин Хоразм қўшинларининг ҳужумлари, жумладан, отилган тўпу замбараклар таъсирида мухолиф гуруҳ Бухоро тарафга қочиб қолганлиги қайд этилади «Фирдавс ул-иқбол»да[3].

1 Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.462.
2 Ўша жойда.
3 Ўша жойда. – Б.466.

Шундан сўнг Амир Ҳайдарнинг ўзи ҳам катта қўшинга бош бўлиб Фароб қўрғонининг ёнида Хоразм лашкари билан жангга киришган. Бу курашда ҳар икки тараф катта талафот кўрган. Олтмиш олти кун давом этган бу юришдан сўнг Хива хони пойтахтга қайтган бўлса-да, Бухоро амири билан курашлар кейин ҳам давом этган.

Бухоро сафаридан қайтгач, 1823 йил май ойида Хива хони Чоржўй юришига отланган эди. Амир Ҳайдар ҳам катта лашкар билан келиб, душманининг ўрдусига қарама-қарши Амударёнинг шимолий қирғоғида жойлашган. Икки томондан *шамхол*, *замбарак* ва *тўп* отилиб, ўртада «тўпандозлиғ ва оташбозлиғ» билан қаттиқ жанг бўлган эди. «Фирдавс ул-иқбол»да кўрсатилишича, Хива хони лашкарининг бир қисмини ўша жойда қолдириб, ўзи ён-атроф ҳудудларга *чаповул* уюштириб, катта ўлжа олиб, олтмиш тўрт кунлик сафардан сўнг Хоразмга қайтган[1].

Маълумотлар шуни кўрсатадики, Хива хони бу вақтда Бухоро ҳукмдори билан душманлик муносабатида бўлганлиги боис Бухорога қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракатни қўллаб-қувватлаган. Шу жиҳатдан, Хива хони Чоржўй сафарига кетган вақтда пойтахтда ноиб сифатида қолдирилган шаҳзода Оллоқули тўра Бухоро вазири Ҳакимбий томонидан Россияга юборилган кичик савдо карвони устига ҳужум уюштириб, қимматбаҳо молларни ўлжа қилиб олган[2].

1824 йил баҳорида эса Хива хонининг рухсати билан Қурбонниёз ясовулбоши човдур гуруҳи билан Бухорога *чаповул* уюштирган. «Фирдавс ул-иқбол»да Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар томонидан ҳам Муҳаммад Бердибек бошчилигидаги човдур жамоасининг эрончи гуруҳи юз отлиқ билан Хоразм тарафига *чаповулга* юборилганлиги ҳақида маълумот берилган[3].

---

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.480.
[2] Ўша жойда. – Б.480 – 481.
[3] Ўша жойда. – Б.483.

Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, ҳар икки томон бир-бирини енгиш, ўзининг устунлигини таъминлаш учун кўп ҳолларда мухолифига иқтисодий зарар етказиш ҳамда катта ўлжалар келтирувчи «оломон»лар уюштириш йўлини тутган. Манбаларда ҳукмдорларнинг ўз хазиналарини тўлдириш учун қўшни ҳудудларга қилган юришлари «интиқом олиш» ёки «танбеҳ бериш» ва «тартибга чақириш» мақсадида амалга оширилган ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида изоҳланган.

Қўқон хонлиги тарихига доир манбаларда ҳам Ўрта Осиё хонларининг қўшни ҳудудларга юриши, жумладан, Амир Насруллонинг Хива хонлигига ҳужумлари айнан «[хоразмликлардан] ўч олиш» сифатида талқин қилинган[1].

«Фирдавс ул-иқбол»да Россиядан қайтаётган Бухоро карвонининг Хоразм лашкари томонидан талон-торож қилиниши тўғрисидаги маълумот[2] ҳам Бухоро ва Хива хонликлари ўртасида авж олган адоват оқибати эканлигини кўрсатади. Хусусан, асарда баён этилишича, Россияга борган Бухоро карвони Хива хони билан бўлган душманлик ва курашлар туфайли ортига қайта олмай турганда 1825 йил қишида «Ўрус подшоҳи аларға ўз юртидин кўп корвон қўшиб ва кўп йиғинни бодолға учун (*кузатувчи сифатида*) асбоби ҳарб ва олоти зарб била мукаммал ва мусаллаҳ қилиб, тўпу тўпхонани ҳам аларға топшириб, корвон аҳлининг муҳофизат ва муҳорисатиға тайин этиб, юртидин чиқариб, Эрдор йўли била Бухороға узотган»[3]. Бундан хабар топган Хива хони ўзининг ишончли амирларини саккиз минг нафар қўшин билан Бухоро *чаповулига* буюрган. Асарда таъкидланишича, Хива хонининг мақсади бундай катта карвонни Бухоро хонлиги ҳудудига киритмаслик бўлиб,

[1] Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия ... – С.405.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.486 – 487.
[3] Ўша жойда. – Б.486.

уларнинг ё Хоразмга келиш ёки ўз юртларига қайтиб кетишларини талаб қилган.

Карвоннинг изидан тушиб қамал қилган Хоразм қўшини уларни танг аҳволга солиб қўйган эди. Манбада «...карвон аҳли ўтинсизлиқдин бақам (*қамиш*) ва коғаз ва қийматбаҳо парчаларин ўтға ёқиб, таом пишириб ебдурлар» деб ҳикоя қилинади. Шундан сўнг улар «ўруснинг Саркуска деган саркардасин элчи қилиб» сулҳ таклифини билдиришган ва музокарадан сўнг ўз юртига қайтиб кетишган. Оғир юкларини ташлаб ортига қайтган рус карвони йўл-йўлакай тўрт кун мобайнида ҳам таъқиб қилиб борилган[1].

«Фирдавс ул-иқбол»да кўрсатилишича, ҳар ойда уч ё тўрт маротаба уюштириб турилган бундай *чаповуллар* Бухоро амирини ҳолдан тойдирган эди. Шу жиҳатдан, мамлакати буткул вайрон бўлишининг олдини олиш мақсадида Амир Ҳайдар хусумат ва мухолифатга чек қўйиб, Хива хонига қуйидаги мазмунда «маъзиратнома» (*узрнома*) юборган. Унда: «Олий ҳазратлариға макшуф бўлсинким, биз худ барча қилғон мухолифат ва кирдори нописандидамиздин нодим (*афсус*) ва пушаймон бўлиб, ... ихлос ва эътиқод қўлин еткурубмиз, ул ҳазратдин илтимосимиз буким, алар даги хотири хатирларидин барча кудуротни рафъ қилиб (*гиналарни унутиб*), Бухоро музофоти чаповулиға оломон буюрмасалар. Токим фуқаро ва раоё фориғилбол (*беташвиш*) ва марқаулҳол (*хотиржам*) бўлғойлар. Ва агар мақсадлари Бухоро шаҳрининг тасхири (*қўлга киритиш*) бўлса, анинг зимоми ҳукумат ва инони аморатин (*бошқарувини*) ҳам ул ҳазратнинг қабзаи қудратиға тафвиз қилдуқ (*топширдик*). Ва агар шаҳардин чиқсун деб амр қилсалар, жонға миннат тутиб, фармони лозим ил-имтинон мавжиби била амал қилоли» деб келтирилган[2].

---
[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.487.
[2] Ўша жойда. – Б.487 – 488.

Кўриниб турибдики, ўзининг барча номақбул ишларидан пушаймон бўлиб узр сўраган Бухоро амири ихлосмандлик изҳор этиб, барча гиналарни унутиб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларини тиклашни илтимос қилганки, бу билан аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш истагини билдирган.

«Фирдавс ул-иқбол»да келтирилган маълумотлардан кўринадики, бу мактуб 1825 йил март ойида Хива хони даргоҳига етишганда Муҳаммад Раҳимхон I бетоб бўлиб, ўртадаги барча гина-кудрат ва мухолифатни хотиридан кўтариб, Бухорога элчи юбормоқчи бўлиб турган эди. Шу жиҳатдан, ушбу мактуб унинг учун айни муддао бўлиб, Амир Ҳайдарнинг таклифини қабул қилган. Шу орада хоннинг касали кучайиб, 1825 йил 8 майда вафот этган ва Бухоро элчиларини унинг ўрнига тахтга ўтирган ўғли Оллоқулихон (1825 – 1842) қабул қилган[1].

«Риёз уд-давла»да Бухоро элчиларидан «бири Султонхўжа ва бири Мусобек эрди» деб келтирилиб, Оллоқулихон уларни катта ҳурмат ва илтифот билан қабул қилган ҳамда шоҳона лутф ва фахрли тўнлар билан сийлаб, сарой мулозимларидан Норбекни қўшиб, «муҳаббатнома ва таҳниятнома (*қутлов*)» билан Бухорога юборганлиги таъкидланади. Хива хони ўзаро иттифоқчилик ва дўстона муносабатлар ҳурмати учун човдур туркманлари томонидан асир олиниб, тўрт йилдан бери Хивада тутқунликда турган Амир Ҳайдарнинг қариндошларидан Ражаббек иноқнинг ўғли Эрдонабек ва хитой уруғининг бекзодаларидан Абдукаримбекни озод этиб, «яхши от ва заррин сарупой инъом қилиб, ўз вилоятларига Амир Ҳайдар хизматиға боруреа рухсат бериб йиборди» деб кўрсатилади манбада[2].

Мавжуд қоидага кўра Оллоқулихон ўзининг тахтга ўтирганлиги муносабати билан қўшни ҳудудлар ҳукмдорларига

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.488; Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.20.

[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.20.

элчи йўллар экан, дўстона муносабатда бўлган барча қўшни давлат ва вилоят ҳокимлари қаторида Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдарга ҳам хабар юборган[1].

Бухоро ҳукмдори Амир Насрулло (1826 – 1860) даврида ҳам Хива хонлиги билан муносабатлар текис кечмаган. «Марв масаласи» бу пайтда ҳам икки хонлик ўртасидаги зиддиятларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолаётган эди. Хусусан, Хива хони тобелигида бўлган Марв вилояти ҳокими Соатқули сардорнинг мулозимлари билан биргаликда «беш-ўнта маҳаллий безори томонидан қатл этилиши» муаммонинг бошланиши эди дейиш мумкин. «Риёз уд-давла» асарида келтирилишича, бу воқеадан хабар топган Оллоқулихон қаттиқ ғазабга келган ва исёнчилар устига катта қўшин билан шахсан ўзи юриш қилиш тараддудига тушган. Лекин хон мулоҳаза қилиб кўриб, бу юришдан кўра мамлакатнинг ички ишларини тартибга солиш ва фуқароларнинг арз-додига етишлик муҳимроқ деган қарорга келган[2]. Шундай бўлса-да, исёнчилар қилмишларининг оқибатини ўйлаб, қандай йўл тутишни мулоҳаза қила бошлашган ва ҳар тарафдан машваратга йиғилишиб, «Бухоро волийси Баҳодирхон (*Насруллохон*)»дан[3] ёрдам олишга қарор қилишган[4]. Улар совға-саломлар билан 30 кишидан иборат элчиликни Бухорога юбориб, амирдан уларни ўз ҳимоясига олишини илтимос қилишган. Насруллохон одамгарчилик юзасидан уларни яхши қабул қилиб, алоҳида иззат-икром кўрсатса-да, лекин жавоб беришга шошилмаган. Бухоро амири *аркони давлат*, яъни давлат устунлари ҳисобланмиш сарой аъёнларидан маслаҳат сўраган. Шунда зийрак қўшбеги соруқ жамоасининг бевафо-

---

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.19.
[2] Ўша жойда. – Б.82.
[3] Манбада: «Бухоро волийси Амир Насрулло валади мир Ҳайдар подшоҳким, Баҳодирхонға машҳурдурур» деб изоҳ берилган. Қаранг: Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.155.
[4] Ўша жойда. – Б.84.

лигига ишониб ўз бошларига офат келтирмасликни таклиф этган. Оллоқулихон билан неча йиллардан бери ўрнатилган дўстлик ва ҳамжиҳатлик туфайли халқ хотиржам бўлиб, ҳузур-ҳаловатда ҳаёт кечираётганлигини таъкидлаган қўшбегининг энди «ташвиш ва хусумат пайдо қилмоқ ақлдан бағоят узоқ ва узоқни кўрмоқликдан йироқдур» деган сўзлари Бухоро амирига жуда маъқул келган[1]. Шу жиҳатдан, амир соруқ туркманларидан келган элчиларга яхши муомала қилиб, элчилик қоидаларига риоя қилган ҳолда «тўнлар кийдириб» жўнатса-да, кўмак ва назоратчи юбориш учун бир оз фурсат лозимлигини билдирган.

Албатта, бу воқеалар хабари Хива хонига ҳам етиб борган эдики, у 1827/1828 йилда шаҳзода Раҳмонқулини соруқ жамоасининг исёнчилари устига юришга буюрган. Уларни тинч келишув орқали муросага келтиришни ўйлаган шаҳзода ўз вакилларини соруқ туркманлари ичига юборган. Лекин соруқ туркманларининг акобирлари Хива хонининг «қаҳру ғазабидан қўрқиб» Бухоро амиридан яна ёрдам сўраганлар. Амир Насрулло бу сафар Марв исёнчиларига кўмак учун қирқ беш отлиқ гуруҳ билан Одина қипчоқни юборган. Огаҳийнинг қайд этишича, Бухоро амиридан олган ёрдамидан ғурурланган соруқ жамоаси вакиллари «...юз туман дағдаға овозаси била келиб, Марв дарвозасиға кирган»лар[2].

Кейинги воқеалар тафсилоти шуни кўрсатадики, исёнкор кучлар орасида бўлиниш юз берган ва уларнинг бир гуруҳи ўз элларини Хива хони ҳукмронлигида бўлган Сарахс юртига кўчирганлар.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, бундай фитначи гуруҳлар гоҳ Бухоро, гоҳ Хива хонлари, гоҳ Эрон шоҳи тарафига ўтиб, давлатлар ўртасига нифоқ солишга эришар эдилар. Хива хони

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.85 – 86; Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида ... – Б.106.
[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.91.

«подшоҳона мулозамат ва хушкўнгил меҳрибонлик фойда қилмаган» чоғда фитначиларни қурол кучи билан бостирар эди.

Фитначиларни қўллаган Бухоро ҳукмдори билан Хива хони ўртасида юзага келган совуқчилик борасида маълумот берилар экан, Амир Насруллонинг «нолойиқ хулқидан Оллоқулихоннинг кўнглига ғубор тушиб, унинг кўнглини билиш учун нома ёздирган[1]. Хусусан, мактубда «...дўстликка вафо қилишлик фазилатли кишиларга ёт эмасдирким, бир тарафдан муҳаббат боғининг гулларига узлуксиз ва бетўхтов парваришлар бўлганда, иккинчи тарафдан ҳам шундай собитқадамлик муносабати бўлса, самараси бундан ҳам аъло бўлар эди. Агар ким дўстликдан ор қилиб, душманликни устун қўйса, бу ҳақ тақдиридур, албатта, бу қанча вақт ва замон ўтса ҳам, сирлигича қолиб кетмайди» деган сўзлар келтирилган эди[2].

Хива хони мактубни ишончли мулозимларидан Гадойниёз маҳрамга топширар экан, Бухоро амири Марвга илғор (*авангард*) тариқасида юборган навкарларини қайтариб олмаса, катта «уруш ва талаш» бўлишини билдириб, «кейин зоеъ йўқотган нарсалари учун гинахонлик ва йиғи-нола қилиб юрмасин» деб тайинлайди[3].

Хива хонининг мактуби етишгач, Амир Насрулло элчига катта илтифотлар кўрсатиб кутиб олган ва сарой аъёнлари билан маслаҳатлашган ҳолда жавоб мактубини тайёрлатган. Мактубда Бухоро амири қилмишлари учун узр сўраб, ўртадаги дўстликни мустаҳкамлашни сўраган.

Шу жиҳатдан, «Қандаҳор тўқсобаким Бухородин элчи бўлиб келиб эрди, ... ул ҳазрат [Оллоқулихон] кўрунуши олийға

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.94; Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида ... – Б.108.
[2] Ўша жойда.
[3] Ўша жойда.

ундаб, сарупойи подшоҳона ва навозиши хисравона атосидин баҳраманд қилиб, садоқатомиз сўзлар жавоҳиридин ... лабрез этиб» Бухорога кузатган[1].

Ўрнатилган ўзаро тинчлик ва яхши қўшничилик муносабатлари туфайли маълум муддат аҳолининг осойишталиги таъминланиб, бозаргонлар (*савдогарлар*) фаолияти учун қулай шароит ва имкониятлар яратилган эди.

Афсуски, бир қанча сабабларга кўра икки ўртадаги муносабатларга яна путур етган. «Риёз уд-давла»да ўзаро душманлик ҳолатининг пайдо бўлиш сабаблари келтирилар экан, муаллиф уларни кўрсатиб ўтишнинг лозимлигини «...бу мухтасарни ўқуғувчи дониш аҳли билсунларким ҳақ қайси тарафдаю фасод қайси жонибдадурур» деб изоҳлайди.

Муаррихнинг қайд этишича, Хива хонининг ортиб борган шон-шуҳратига нисбатан Бухоро амирида пайдо бўлган ҳасад кайфияти ўзаро муносабатларнинг бузилишига олиб келган[2]. Манбада таъкидланишича, «Оллоҳнинг чексиз илоҳий мадади туфайли Оллоқулихоннинг шуҳрати йилдан-йилга орта бориб атрофи жаҳонни тутди. Баъзи ичи қоралар, шу жумладан, Бухоро амири Насрулло буни кўролмай фасод бўлдилар. Аслида, узоқ йиллардан бери икки хонликнинг фуқаролари ҳамжиҳат бўлиб, тўкин-сочинликда хотиржам ва осудаҳол эдилар. Охир [Насруллохоннинг] хулқи ва фикрининг бузуқлиги тақозооси билан рашку ҳасад ниши хотири бузуқ ниятли баъзи феъллари ёмон ишни келтириб чиқардики, дўстлик ришталари узилиб ўртага низо солди»[3].

Шу жиҳатдан, манбада Амир Насрулло Хива хонлигининг халқаро майдондаги мавқеига путур етказиш йўлини тутганлиги қайд этилган. Хусусан, «Риёз уд-давла»да Амир Насруллонинг «бузғунчилик ишлари» сифатида «ўрус подшоҳига

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.138.
[2] Ўша жойда. – Б.155.
[3] Ўша жойда. – Б.155.

ўзининг дўстлик якжиҳатлигини изҳор қилиб, [Оллоқулихон] ҳазрати соҳибқиронга нисбатан ғазаб ва адоватни тарғиб қилиб, ишончли кишиларидан мактуб юбориб, шундан сўнг Русияда юрган Хоразмия карвонларини рус халқи тутиб қамадилар» деб кўрсатилган[1]. Шунга қарамай, Оллоқулихон сабрли ва олижаноблигидан ўзини Насруллохоннинг бу нуқсонини гўё сезмагандай ён босган эди.

Огаҳийнинг таъкидлашича, Амир Насруллонинг қилган иккинчи бузғунчилик иши «...яна Теҳрон подшоҳи Муҳаммадшоҳга ҳам Оллоқулихон устидан шикоят қилиб, турли далилларни келтириб, адоватга тарғиб қилиб хат юборган»лиги эди. Бухоро элчиси хатни Муҳаммадшоҳга етказмасидан бурун Хуросонда қўлга олинган. Хива хони «покфеъл ва оққўнгил табиятидан келиб чиқиб хатнинг мазмунига яна аҳамият бермади, токи бундан ҳам зиёдроқ фасодни у амалга оширмагунча» деб қайд этилади «Риёз уд-давла»да[2].

Оллоқулихон ва Амир Насрулло ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига эса Марвдаги ҳолат яна жиддий таъсир кўрсатган. Огаҳийнинг фикрича, Бухоро амирининг Қўқон хонлигидаги ғалабаси унинг қўшни Хива хонлигига ҳам беписандлик билан муносабатда бўлишига олиб келган эди. Хусусан, Қўқон хонлигида *аркони давлат* Умархонга қарши чиқиб, Бухоро амирини ёрдамга чақирган. Бундай қулай вазиятдан фойдаланиб қолишга шошилган Амир Насрулло у ерга юриш қилиб, «ул вилоятнинг жамъи қилъо ва билодиға ўзидин ҳоким ва лашкар қўйуб Бухороға қайтган»[3]. Шу жиҳатдан, Амир Насрулло Қўқонга уюштирган юришларида эришган ғалабасидан кибрга берилиб, Марв вилоятидаги така, солур ва соруқ қабилаларига хат юбориб, «Марв вилояти бизнинг қадимий юртимиз ва сиз халқ қадимдан самимий хиз-

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.156.
[2] Ўша жойда.
[3] Ўша жойда. – Б.157.

маткоримиз эдингизлар. Бу вақтгача замона тақозоси билан аҳволингиздан хабардор бўла олмадик. Энди эса қудратимиз ул мамлакатдан Хоразм вилоятининг қўлини калта қилиб, сизнинг бошингизга илтифот ва марҳаматимиз соясини солиб, замона ҳодисаларидан хотиржам ва тинч-осуда қилгаймиз», – деб мурожаат этган[1].

Асарда кўрсатилишича, бу хат манзилига етмай, Оллоқулихон қўлига келиб тушган эди. Унинг мазмуни билан танишгач хоннинг дилида «нафрат уйғониб, адоват камарин ҳиммат белига боғлаб», Бухорога юриш қилишга тайёрлана бошлаган эди. Шу орада Амир Насруллонинг Қўқон тахтидаги ноиби ва Бухоро лашкарининг зулму зўравонликларига тоқат қила олмаган халқ қўзғолон кўтариб, ҳокимни барча мулозимлари ва лашкари билан тутиб ўлдирганлиги маълум бўлган. Исён кўтарган Қўқон халқи хон хонадонининг қариндошларидан Шералихонни келтириб тахтга ўтқазган. Шералихон вазият тақозоси билан бир неча йилдан бери қирғиз жамоасининг орасига бориб, ёлғизликда яшаб юрган эди. «Бу воқеани эшитган Амир Насрулло ғазаб билан Бухоро шаҳридан чиқиб, Хўқанд вилояти тарафига юз қўйди. Оллоқулихон эса Хўқанд халқига мадад бериш ва ўз адоватининг изҳори учун Бухорога қарши юриш қилиш мақсадида тезлик билан бутун мамлакат бўйлаб киши юбориб қўшин тўплади», – деб маълум қилади Огаҳий[2].

Қўқон манбаларида ҳам Амир Насрулло Қўқон хонлигига юриш қилган вақтда Хива хони Оллоқулихон ёрдам учун қўшин юборганлиги қайд этилган[3]. Шу жиҳатдан, Бухоро амири Қўқон хони билан кураш олиб борар экан, ҳамиша учинчи томон, яъни Хива хонлигининг аралашувидан хавотирда бўлган.

[1] Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида ... – Б.111 – 112.
[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.158.
[3] Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих ... – Б.205; Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих ... – Б.118.

Тошкент ҳамда Туркистон масаласида Қўқон ва Бухоро ҳукмдорлари ўртасида юзага келган зиддиятли вазиятда ҳам Хива хонлиги *таъсир этувчи куч* сифатида намоён бўлган. Жумладан, бир неча марта элчилик амалга оширилишига қарамай, икки рақобатлашувчи томон бир қарорга келиши мушкул бўлиб турган вақтда, «Анжум ат-таворих»да қайд этилганидек, «яхши бир тасодиф билан Хоразм хонининг бир талай лашкар билан Бухоро тарафига юриш қилган»лиги тўғрисидаги хабар вазиятни ўзгартириб юборган. Асарда «бу хабар етишгач, баъзи умаро ва уламонинг мубаширрати (*бошчилиги*) билан орада сулҳ ва яраш осонгина воқеъ бўлди» деб таъкидланади[1]. Бухоро амири зудлик билан Ўратепага Бердиёрбек додхоҳни ҳоким этиб тайинлаб, шошилганча Бухорога қайтган. У ерга етиб борганда Хоразм хонининг йўлга ҳам чиқмаганлигини эшитган Бухоро амири Қўқон хони билан тузган сулҳидан пушаймон бўлиб, келаси йил яна лашкар тортиш учун тайёргарлик кўра бошлаган. Шу жиҳатдан, Амир Насрулло Хоразм чегараларидаги қалъаларни катта захиралар ва сипоҳ билан таъминлай бошлаган, бу эса Қўқон хонлиги билан бўлғуси жангларда Хива хони томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган ёрдам кучларини тўсиб қолишга қаратилган чора-тадбир эди.

Ана шундай вазиятда Амир Насруллонинг Қўқонга уюштирган навбатдаги юриши чоғида Оллоқулихон катта лашкар билан Амударёдан ўтиб, Бухорога йўл олган.

«Мунтахаб ут-таворих»да маълумот берилишича, Хоразм қўшини шундай бир босқин-чопқин уюштирган эдики, «олам бино бўлгандан ҳозиргача ҳеч бир подшоҳ замонасида бу сингари талон-торож ва яғмо рўй берган эмасди». Воқеаларга Қўқон хонлиги нуқтаи назаридан баҳо берган муаллиф бу хабар «Амир Насруллоҳ қулоғига етиб, ўтакасини ёриб юбор-

[1] Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих ... – Б.205.

ди ва у ерда қола олмай, ўрнидан қўзғалганча шошилинч равишда уч манзил йўл босиб, Самарқандга келиб кирди» деб таъкидлайди[1].

Амударё қирғоғидаги Бухоронинг аксар ҳудудлари вайрон этилиб, аҳолининг катта қисми қирғин қилингач, Амир Насруллонинг таслим бўлишдан бошқа чораси қолмаган эди. Шу жиҳатдан, Бухоро амири Хоразмдан элчи бўлиб келиб, анча пайтдан бери Бухорода турган Шукруллоҳ оқо ва Ниёзқилич юзбошини муносиб тарзда қабул қилган. Манбада қайд этилишича, уларга Яҳёхўжани қўшган ҳолда «маъзиратнома» (*узрнома*) топшириб, Хоразмга юборган. Элчи орқали бериб юборилган хатда амир ўзининг қилган барча ишлари номуносиб ва нотўғри эканлигини тан олган ҳолда, яъни «афъоли ношойиста ва аъмоли нобоисталари» учун пушаймон бўлиб, тавба қилганлигини билдирган. У Хива хонидан узр сўрар экан, «тоғамиз улуғлик қилиб қилган гуноҳларимизни кечирсинлар. Икки юрт бир юртдур ва икки тарафнинг амният (*тинчлиги*) ва осудалиги доғи муваддат (*дўстлик*) сабаби ва яккажиҳатликдандур. Бас, дўстлик ва иттиҳодманлик билан бориш ва келиш қилмоқ иккимизга ҳам муносиб ва аълодурур» деб ўртадаги дўстлик алоқаларини тиклаш истагини изҳор қилган[2].

Бухоро элчисини муносиб тарзда кутиб олган Оллоқулихон ҳам уларга домла Муҳаммадрасулни элчи қилиб қўшиб юборар экан, агар Амир Насрулло қилмишларидан афсус ва пушаймон бўлиб, айтган сўзида собитқадам ва маҳкам турса, мухолифатга чек қўйилиб, ўртада дўстона муносабатларга йўл очилиши мумкинлигини уқтирган[3]. Шундан сўнг Бухоро ва Хива хонликлари ўртасида яна элчилик борди-келдилари йўлга қўйилган эди.

[1] Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих ... – Б.119.
[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.169; Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида ... – Б.113.
[3] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.169.

Келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, Оллоқулихон даврида Бухоро амирлиги билан ўрнатилган тинчлик ва дўстлик муносабатларида доимийлик бўлмай, айниқса, улар ўртасидаги алоқаларнинг тез-тез бузилиб туришида «Қўқон масаласи» ўзига хос ўрин тутган.

Кўрсатиб ўтиш жоизки, ҳарбий-иттифоқчилик ёки маънавий қўллаб-қувватлашдан ташқари Хива хонлиги *дўст мамлакат* ҳудуди сифатида Қўқон хонининг Эрон ва Усмонийлар давлати билан алоқаларида ҳам ўзига хос ўринга эга бўлган. Хусусан, Умархон Ўратепа масаласида Бухоро амири билан кураш олиб борган бир пайтда «...замона халифаси, барча мусулмонларнинг ҳомийси» деб билган турк султони Султон Маҳмуд (1808 – 1839) билан дўстона алоқаларни йўлга қўйишга интилган. Шу боис ўзининг элчиси ҳожи Мир Қурбонни Истанбулга юборган. Элчи кетишда ҳам (1819/1820), юртига қайтиш чоғида ҳам (1821/1822) Хоразм ҳудуди орқали ўтар экан, Хива хонининг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган. «Анжум ат-таворих»да кўрсатилишича, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I мазкур ҳожининг келаётганидан хабар топгач, уни муносиб тарзда кутиб олиб, ўзининг элчисини қўшган ҳолда Қўқон хони ҳузурига юборган. Бу хабарни эшитиб жуда хурсанд бўлган Умархон уларни кутиб олиш учун одам юбориб, муносиб ўринга жойлаштиришни буюрган[1].

Умархоннинг буйруғига кўра элчиларни шиғовуллар ва удайчилар катта тантана билан кутиб олишган[2]. «Элчилар бу ҳашаматни кўриб, ўй денгизига чўмганча буларнинг барини томоша қилиб борардилар», – деб ҳикоя қилинади «Анжум ат-таворих»да[3].

---

[1] Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих ... – Б.163.

[2] «Мунтахаб ат-таворих» маълумотларига таянган Б.Бобожонов ҳам «ушбу элчиликнинг музокаралари муваффақиятли бўлган кўринадики, Хоразм элчиларига хон ёрлиғи ва муносиб ҳадялар бериб, Абдулхолиқ қоровулбеги ҳамроҳлигида кузатиб қўйилган»лигини қайд этади. Қаранг: Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия ... – С.149 – 150.

[3] Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих ... – Б.164.

Хоразм элчиси бир неча муддат пойтахт шаҳар Қўқонда меҳмон бўлиб, «хушҳол ва хуррам» ҳолда истиқомат қилгач, хондан рухсат олиб ўз юртига қайтиб кетган.

Умархоннинг яқин амалдорларидан бири («Мунтахаб ат-таворих» асари муаллифининг отаси) ҳам Эрон орқали «ҳаж зиёрати»га йўл олар экан, Хива хонлиги ҳудудидан ўтган. Манбада келтирилишича, ўзига мухолиф бўлган амалдорлар таъсирида мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлган эшон нақиб Қўқон тахтига янги ўтирган Муҳаммадалихон (1822 – 1842)дан рухсат олиб, «ҳаж зиёрати» баҳонаси билан йўлга чиққан. Асар муаллифи Ясси шаҳридан чиқиб, Хоразм карвони билан Урганчга етишган отасининг Хивада кутиб олинишини шундай баён қилади: «Буни эшитган Муҳаммад Раҳимхон ўзининг Раҳмонқулихон исмли кичик ўғлини бир неча амирлари билан бирга эшон жанобларини иззат-икромда кутиб олиш учун юборибди, улар ана шундай чексиз ҳурмат билан қиблагоҳим истиқболига пешвоз чиқиб, Хива шаҳрига олиб келибдилар. Муҳаммад Раҳимхон ўз ўрнидан турганча бир неча қадам илгари босиб, марҳаматли бағрига босибди ва битмас-туганмас меҳр-муҳаббатлар кўрсатибди. Сўнг муносиб бир уйга жойлаштириб, зиёфатлар уюштирибди».

Шунингдек, Хива хонлиги кўп ҳолларда Қўқон хонлари сулоласининг ҳалокатга учраган вакиллари учун сиёсий бошпана сифатида ҳам аҳамиятга эга бўлган. Қўқон хони Муродхон ички сиёсий вазият, аниқроғи, ўзининг «нолойиқ хатти-ҳаракатлари туфайли» *аркони давлат*нинг норозилигига учраб, мамлакатдан чиқиб кетгач, қарийб ўттиз йил «ғариб диёрларда овора» бўлиб юрган кезларида (1844) Хоразмдан ҳам паноҳ топган эди[1].

Хива – Қўқон ўртасидаги ўзига хос иттифоқчилик Бухоро амирини кўп ҳолларда танг аҳволга солар, Хива – Бухоро муносабатларининг тез-тез бузилишига сабаб бўлар эди.

[1] Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих ... – Б.189.

«Мунтахаб ут-таворих»да келтирилган қуйидаги маълумот Хива хони Оллоқулихоннинг «Қўқон ишлари»да Бухоро амирига қанчалик катта тўсиқ бўлганлигини кўрсатади. Хусусан, асарда «Амир Насруллоҳ [Қўқон ишларидан] боши қотиб, буларга қандай чора топишини билмай ўтирганда Урганж ҳокими Оллоқулихон бу дунёдан ўтибди ва ўрнига тўнғич ўғли Раҳимқулихон ҳукумат тахтига чиқибди деган хабар келди. Амир Насруллоҳ ўзи учун қувонарли бўлган хабарни эшитиб, белини буккан ҳалиги ғамлардан сал қаддини ростлагандек бўлди» деб кўрсатилади[1].

Оллоқулихон вафотидан сўнг тахтга ўтирган унинг ўғли Раҳимқулихон (1842 – 1846) даврида ҳам Бухоро хонлиги билан муносабатлар тўла барқарорлашмаган эди.

1843/1844 йилда Амир Насрулло катта қўшин билан Хоразмга юриш қилиб, Ҳазорасп қалъасини анча вақт қамалда тутган. Қамал муддати йигирма кунга чўзилиб, Бухоро қўшини ичида қаҳатчилик бошланган эди. Бу орада Хива хони Раҳимқулихон укаси Бобожон иноқни катта қўшин билан Ҳазораспга кўмак учун юборган. Бу хабарни эшитиб ташвишга тушган Амир Насрулло «бир Ҳазорасп эмас, юз минг Ҳазорасп баҳридан кечган кўйи» Бухорога қайтган[2].

Хива хони Раҳимқулихон томонидан Марвга ҳоким қилиб тайинланган хоразмлик Муҳаммадниёзбойнинг қатл этилиши (1843/1844) Хива – Бухоро муносабаларига жиддий таъсир кўрсатган масалалардан бири бўлган. Манбада кўрсатилишича, Амир Насруллонинг Хоразмга уюштирган навбатдаги юриши Бухоро қўшинининг ғалабаси билан якунланишига ишонган Марв туркманлари у билан алоқа боғлашган. «Мунтахаб ут-таворих»да туркман уруғларининг ҳатти-ҳаракатига изоҳ берилар экан, улар «...кажрафтор фалакнинг турфа ўйин-

[1] Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих ... – Б.122.
[2] Бу ерда сўз ўйини бор – «ҳазор асп»нинг луғавий маъноси «минг от» демакдир. Қаранг: Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих ... – Б.128.

ларидан бехабар ва Амир Насруллоҳ урганжликларни албатта енгади деган ўйда ғафлат босиб ва дадил қадам ташлаган қўйи ўша бегуноҳ [Муҳаммадниёзбой]нинг бошини танидан жудо қилиб, барчаси амир Насруллоҳга тобелик билдириб, шошилинч суратда амир ҳузурига отландилар» деб кўрсатилади[1].

Амир Насрулло ҳам уларнинг келганидан хурсанд бўлиб, ҳар бирига ўз мақомига яраша саруполар инъом этган ва ўз номидан Остонақулни Марвга ҳоким қилиб юборган.

Аммо воқеалар ривожи бошқача тус олган эдики, Хива хонига қарши чиққан туркман бошлиқлари қилган ишларидан пушаймон бўлиб, «урганжликлар қасосидан қўрқувга тушиб, ишнинг оқибатини ўнглаш»га киришган эдилар.

«Зубдату-т-таворих»да қайд этилишича, Хива хони келишув йўли билан Амир Насруллонинг адоватига чек қўйиб бўлмаслигини англагач «...адоват майдониға журъат қадамин қўйган» эди[2]. Шундан сўнг Хива хонининг фармонига кўра «шижоатшиор ва талабгорлар... фавж-фавж (*гуруҳ-гуруҳ*) бўлиб Бухоро хонлиги ҳудудларига жами 7 марта ҳужум уюштирганлар.

Қайд этиш лозимки, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви, ўз навбатида, Хива – Қўқон алоқаларининг мустаҳкамланишига олиб келган. Раҳимқулихон номдор саркардаларини Бухоро *турктозига* буюриб, ўзи ҳам сафарга чиққан вақтда Қўқон хони Шералихон номидан элчи бўлиб келган Қорабош додхоҳ ўз ҳукмдорининг «ихлосномаси»ни тақдим этган[3]. Хива хони элчини дам олиш ва керакли иззат-икром кўрсатилиши учун пойтахт Хива шаҳрига юборган. «Зубдату-т-таворих» асарида баён қилинишича, Бухоро юришига кетган қўшин ортга қайтма-

---

[1] Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих ... – Б.129.
[2] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих ... – Б.130.
[3] Ўша жойда. – Б.137.

сидан олдин Хива хони ўзининг мулозимларидан Бобобекни Қўқон хони элчисига қўшиб Қўқонга юборган. Манбадан англаш мумкинки, бу орада Қўқон хонлигидан яна бир элчилик келган. Хива хони бу сафар Қўқон элчисига ўзининг мулозимларидан Яхшимуродбекни қўшиб Қўқон хони ҳузурига юборган[1]. Бу вақтда Қўқон хонлиги тахтида ўтирган Шералихон ҳам Хоразм элчилари Бобобек ва Яхшимуродбекка қўшиб, ўз номидан Қорабош додхоҳни яна элчи қилиб, муносиб пешкашлар билан Хоразмга қайтарган[2]. Хива хони Раҳимқулихон эса Қаробош додхоҳга сарой мулозимларидан Юсуфбекни қўшиб элчи сифатида Қўқонга юборган[3].

Бу вақтга келиб Хоразм қўшинларининг Бухорога уюштирган *чаповуллари* авж олиб кетган эдики, натижада Бухоро амири Хива хони билан муносабатларини яхшилашга ҳаракат қила бошлаган. «Зубдату-т-таворих»да кўрсатилишича, Раҳимқулихон ҳукмронлигининг учинчи йилида (1844) Хоразм қўшинлари Марв вилоятига уюштирилган ҳужум – *чопавул*дан қайтмасидан илгарироқ Бухоро элчиси Абдулҳодийхўжа сулҳ таклифи билан келган[4]. Манбада воқеанинг тафсилоти баён қилинар экан, яраш битимини тузиш мақсадида Бухоро элчисига қўшиб Марв вилоятининг Қанди мавзеида ҳоким бўлган Қорли юзбоши ва Абдураҳмон озода ҳам юборилганлиги қайд этилади. Чунки бу амалдорлар Хива хонига тарафдор бўлиб, илгарироқ соруқ туркманларининг исёнкор гуруҳлари томонидан тутилиб, Бухоро хони ҳузурига юборилган эди. Огаҳий вазиятга изоҳ берар экан, «Амир Насруллоҳ кўрдиким, Хоразм сипоҳининг селоби чаповул ва тунбоди татовулидин Бухоро музофотининг аксар қалъа ва балдалари хароб ва вайрон бўладурур, мудофаа ва мужодала қилиб иш

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих ... – Б.148 – 149.
[2] Ўша жойда. Б.137, 147 – 148.
[3] Ўша жойда. Б.151.
[4] Ўша жойда. – Б.150.

бошқара олмайдурур. Ложарам, мувосо ва мадоро қилмоқдин (*келишишдан*) ўзга тадбир топа олмай, мўътабар мулозимларидин Абдулҳодий хожани элчи ёсоб, ... ирсол қилиб эрди» деб маълумот беради[1].

Воқеалар ривожидан хулоса қилиши мумкинки, Хива хони элчини муносиб тарзда кутиб олиб, Бухоро амири томонидан билдирилган сулҳ таклифини қабул қилган. Бухоро элчиси бир ойга яқин Хива саройида тургандан сўнг унга домла Раҳмонберди охундни ҳамроҳ қилган ҳолда Бухоро усароси (*асирлари*)дан икки нафарини бериб, кузатиб қўйилган[2].

«Зубдату-т-таворих»да кўрсатилишича, Бухоро амирининг икки томонлама мунофиқлик билан юритган сиёсати туфайли Хива – Бухоро муносабатларига яна путур етган эди. Хусусан, Бухоро подшоҳи Хива хонига дўстлик ва садоқат билдириб, сулҳ тузган бўлишига қарамай, бир гуруҳ солур туркманларининг мурожаатига кўра «...Бухоро черикидин (*қўшинидан*) кўп йиғин қўшуб, Хоразм тавобеъи турктозиға (*юришига*) ирсол қилган (*юборган*)» эди[3].

Бу ҳолатдан ниҳоятда таъсирланган Хива хони яна Бухоро ҳудудларига юришлар уюштиришга фармон берган. Огаҳийнинг маълум қилишича, амирнинг қилмишидан ниҳоятда ранжиган Хива хони *чаповул*ларга ҳам қаноат қилмай, 1845 йилда ўзининг биродари Муҳаммад Амин иноқни катта лашкар билан Бухоро юришига юборган. Шиддат билан ҳаракатланган Хоразм қўшини ярим кун ичида Бухоронинг Оққалъа, Ҳожиқалъа, Янгиқалъа ва Қумқалъа сингари 22 та қалъасини забт этган. Бундай ҳужумларга бардош беришнинг мушкуллигини тушуниб етган Бухоро амири ўзининг мўътабар кишиларидан Қўчқор мирохўрни элчи қилиб, Хива хони ҳузурига юборган. Элчи ўз мурожаатида Амир Насруллонинг қилган номуносиб

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огахий. Зубдату-т-таворих ... – Б.150 – 151.
[2] Ўша жойда. – Б.151.
[3] Ўша жойда. – Б.169.

ишларидан пушаймон бўлиб, сулҳ сўраётганлигини билдириб, унинг «маъзиратномаси»ни топширган[1]. Шу муносабат билан Хива хони ёрлиқ юбориб, ҳамон юришда бўлган Муҳаммад Амин иноққа Бухоро амиридан элчи келиб, икки ўртада сулҳ тузилганлигини маълум қилган. Ёрлиқда «биродари аржуманд нусратпайвандимизға ёрлиғи олий кўргач, улким Амир Насруллоҳ ношойиста афъол ва нобойиста аъмолидин нодим ва пушаймон бўлуб, инкисори тамом ва эътизори молокалом била *маъзиратнома* бериб, сулҳдошти талаб қилиб (*сулҳ сўраб*) элчи йиборубдур. Эмди ани қаламравиға чаповул тундбодин еткурмак ва татовул селобин сурмак (*ҳужум уюштирмоқ*) ҳамият шартидин йироқ ва мамлакатдорлиғ қоидасидин узоқ кўринур. Ройи жаҳоноройи иқтизоси улким, ... қайси мавзеъга етган бўлса, ҳамул мавзедин илгари ўтмай, бетаваққуф ва беэҳтимом мурожаат тариқиға истеъжол маркабин сурсун» деб юришни тўхтатиб, ортга қайтишни буюрган»[2].

Бухоро ҳукмдорининг илтимосномасини қабул қилган Хива хони ўз қарорида қатъийлигини тасдиқлаш мақсадида Хоразм карвонининг Бухорога боришига рухсат берган. Шунингдек, хон ўртада тинчлик ўрнатилишига розилик билдирган ҳолда амирнинг «узрнома»сини келтирган Қўчқорбек мирохўрга қўшиб, ўзининг садоқатли мулозимларидан Раҳматуллоҳ Қоракўзни Бухорога юборган. Хива хони ўз элчиси орқали қуйидаги мазмунда мактуб юборган эди: «Амир Насруллоҳнинг муддаоси агар мусолаҳа қилиб (*сулҳ тузиб*) боришмоқ ва келишмоқ бўлса, бизнинг ҳам хоҳишимиз улдурур ва агар ғарази савош ва талош бўлса, муҳораба (*жанг*) майдониға чиқсунким, биз ҳам ул амрга муҳайё ва омодадурурмиз. Ва бу икки ишнинг қайсини ихтиёр қилса, ул ишга бел боғласинким, иккиси ҳам бизнинг мақсудимиздурур»[3].

---

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих ... – Б.173.
[2] Ўша жойда. – Б.175.
[3] Ўша жойда. – Б.179, 183.

Амир Насрулло сулҳ борасидаги сўзларининг тасдиғи учун Хоразм элчиси Раҳматуллоҳ Қоракўзга қўшиб ўзининг икки элчиси Порсохожа Ўроқ ва Қўчқорбек мирохур[1]ни уч юз аравалик (тевалиқ) карвон билан «ихлоснома» бериб, Хива хони ҳузурига юборган. Шу тариқа икки ўртада яна дўстона алоқалар йўлга қўйилган эди.

Кейинги маълумотлар икки ўртада элчиларнинг мунтазам борди-келдилари йўлга қўйилганидан далолат беради. Хусусан, Раҳмонберди охунд ва Раҳматуллоҳ Қоракўзга қўшиб юборилган Бухоро элчилари Олимхўжа ва Ҳусайнхонбий амирнинг дўстлик ва ҳамжиҳатлигини изҳор қилиб келган бўлсалар, уларга ҳамроҳ қилиб Бухорога юборилган Хоразм элчиси Раҳмонберди охунд «якжиҳатлик биносининг истеҳкоми учун» хизмат қилганлар. Амир Насрулло эса ўзининг ишончли вакилларидан Мирзо Жонхожани «муҳаббатнома» билан Хива элчиси Раҳмонберди охундга қўшиб Хоразмга юборган. Бухоро элчисига ҳамроҳ қилиб, ўз навбатида, Раҳматуллоҳ халифа «элчилик тариқаси била» амир ҳузурига кузатиб қўйилган[2]. «Зубдату-т-таворих»да Раҳимқулихон умрининг охирида Бухоро хонлиги билан ўзаро дўстлик алоқаларини йўлга қўйиб, яхши қўшничилик муносабатларида бўлганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

1846 йилда Раҳимқулихон касал бўлиб вафот этгач, Хива тахтига укаси Муҳаммад Аминхон (1846 – 1855) ўтирган. У акасининг вафот этиши ва ўзининг ҳокимият тепасига келиши муносабати билан домла Эшмурод раис ва Оллоҳберди сўфини Бухорога элчи қилиб юборган. «Жоме ал-воқеоти султоний»да кўрсатилишича, Амир Насрулло уларга вафот этган хоннинг «фотиҳахонлиги» ва тахтга ўтирган янги хоннинг «муборакбодлиги» учун ўзининг икки нафар элчисини қўшиб

[1] Мирохур – хон сайисхона, яъни отхонасига жавобгар амалдор.
[2] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих ... – Б.183.

Хоразмга юборган[1]. Бухоро элчиларига ҳурмат ва икки ўртадаги алоқалар белгиси сифатида Бекиш халифа Хива хони номидан Бухорога, элчи Абдулҳалим эса Қўқонга юборилган.

Манбадаги маълумотдан шу вақтда Қўқондан ҳам элчи келганлигини англаш мумкин. Зеро, «Жоме ал-воқеоти султоний»да Хива хонининг фармони олийига кўра Қўқондан келган элчига ҳамроҳ қилиб хон мулозимларидан Абдулҳалим Қўқон хонлигига юборилганлиги маълум қилинади. У ердан эса Хоразм элчиси «ҳамул вилоят ҳокимининг қўшуб юборган элчиси била келиб, якжиҳатлик изҳори учун топшурғон муҳаббатномасин» Муҳаммад Аминхонга олиб келган эди[2]. Ўша жойда кўрсатилишича, Қўқон хони элчиси ўзаро келишув ва садоқат изҳори билан келган. «...Кўб муддатдин бери Хивақ шаҳрида мутамаккин бўлиб (*истиқомат қилиб*) турган» ушбу элчига Хива хони муносиб ҳурмат (дилнавозликлар) кўрсатиб, ўзининг амалдорларидан Абулҳалимни яна элчи сифатида «муҳаббатнома» ва «истимолатнома» (*тасалли бериш*) билан Қўқон хонлигига юборган.

Шунингдек, манбада «Хўқанд вилоятининг подшоҳидин ихлос ва эътиқод тариқаси била элчилик йўсунида келиб, остонбўслиқ шарафиға мушарраф бўлган» Муҳаммадкаримбий ҳақида маълумот келтирилган[3]. Бир муддат элчига ҳурмату эҳтиром кўрсатилгач, Раҳматуллабой Қоракўзни унга ҳамроҳ қилиб «муҳаббатнома» ва «истимолатнома» билан Қўқон хонлигига юборишган[4].

Эътибор бериш керакки, Қўқон хони томонидан юборилган элчиликка жавобан йўлланган Хоразм элчилари Хива хони томонидан «истимолатнома», яъни мазмун-моҳиятига кўра тасалли бериш, овутиш, ҳамдардлик билдириш маъно-

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.8.
[2] Ўша жойда.
[3] Ўша жойда.
[4] Ўша жойда. – Б.8, 17.

сидаги мактубини олиб борганлар[1]. Шу жиҳатдан, манбада ташриф буюрган элчиларнинг мақсад ва муддаолари аниқ кўрсатилмаса-да, улар Бухоро ҳукмдорининг Қўқонга нисбатан уюштирган ҳарбий юришларидан шикоят қилиб, унга қарши иттифоқчилик таклифи билан ёки ҳарбий ёрдам сўраб келганликларини англаш мумкин.

Лекин Хива хони бир вақтда Бухоро амири билан ҳам дипломатик алоқаларини давом эттирган. Чунки Қўқон хони элчилари ташриф буюрган вақтда Бухорога юборилган Бекиш халфага қўшиб Хоразмга жўнатилган Порсохўжа амирнинг «муҳаббатномаси»ни пешкашу туҳфалар билан келтириб, Хива хонига топширгани ва «навозишоти хисравона»дан сарафроз бўлганлиги манбада қайд этилади[2]. Порсохўжага қўшиб Хива элчиси Раҳматулло Қоракўз Бухорога жўнатилган бўлса, Амир Насрулло ҳам «мусово ва мадоро изҳори учун», яъни ўзаро иттифоқчилик ва муроса қилиш мақсадини билдириш мақсадида совға-саломлару «муҳаббатнома» мазмунидаги мактуб билан ўзининг амирларидан Субҳонқули мирохурни элчи қилиб Хоразмга юборган.

Шу билан бирга, манбада 1846 йилда Хорзамга ташриф буюрган «Бухоро элчиси ёниға элчи қўшмай «мувофақатнома» бериб, Бухороға ирсол қилинган (*юборилган*)»лиги тўғрисида ҳам маълумот учрайди[3]. Бухоро элчиси бу вақтда сафарда бўлган хонни кутиб маълум муддат Хивада қолган. Лекин 33 кунлик сафардан қайтган хон унга жавоб беришга шошилмаган. Муҳаммад Аминхон 7 кун ўтгандан сўнггина элчининг кетишига рухсат берган. Хива хони Бухоро элчисига қўшиб ўз вакилини юбормаганлиги вазиятнинг ўзгарганлигидан далолат бериши мумкин. Бу ҳолат, балки, 1846 йилда Хива хонининг Марвга қилган юриши билан боғлиқдир. Зеро,

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.8.
[2] Ўша жойда. – Б.18.
[3] Ўша жойда.

бу жараёнда Хива – Бухоро муносабатларига таъсир кўрсатган баъзи омилларни ҳам кўриш мумкин. Хусусан, «Жоме ал-воқеоти султоний»да таъкидланишича, кўп йиллардан бери Хива хони хонадонига хизмат қилиб келган Сарахс вилоятидаги така туркманларининг сардорларидан Ўрозёғли бу вақтга келиб «Бухоро подшоҳи Амир Насруллоға мутобаат (*итоат*) кўргузуб, рафту омад (*борди-келди*)» қила бошлаган эди[1]. Шу жиҳатдан, Хива хони уларнинг ҳаракатини ўзига нисбатан исён сифатида талқин этган ва бу кучларни бўйсундириш учун Марв юришини уюштиришга қарор қилган эди. Хива хони 14 кун давом этган ушбу юришдан қайтар экан, Оқрабод мавзесига етганда ўзининг ишончли мулозимларидан Яъқуббой Хонақоҳийни элчи қилиб Бухоро ҳукмдори Амир Насрулло ҳузурига юборган. Манбада бевосита, ушбу элчиликнинг мақсади ва ўртадаги музокара жараёнлари баён қилинмаса-да, сезиш қийин эмаски, бу билан Хива хони ўзининг Марвга юриши ҳақида хабар қилиб, у ердаги исёнкор кучларнинг Бухоро ҳукмдори билан алоқаларидан норозилигини билдириб қўйишни лозим топган. Бухоро амири Хива элчиси Яъқуббой Хонақоҳийга ўзининг элчиси Шоҳхонхўжа судурни қўшиб Хоразмга юборган. Бухоро элчисини Хива хони шахсан қабул қилган ва икки ўртадаги муносабатларнинг ривожи учун Раҳматулло Қоракўзни ҳамроҳ қилиб Бухоро элчилигига юборган эди.

Кейинги ойларда ҳам Хива – Бухоро ўртасидаги элчилик алоқалари деярли мунтазам тарзда давом этган. Хусусан, Бухорога элчи қилиб юборилган Раҳматуллоҳ Қоракўз ўз вазифасини адо этгач, Амир Насрулло унга ўзининг вакилини ҳамроҳ қилиб Хоразмга жўнатган. Манбада Бухоро элчисининг исми кўрсатилмаган бўлса-да, у амирнинг бериб юборган «мусодақатномаси»ни келтириб Хива хонига тақдим этган-

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.23.

лиги ҳамда «навозиши подшоҳона ва авотифи бекаронадин хурсандлиғлар ва аржумандлиғлар топган»лиги маълум қилинади[1].

Бир оз муддатдан сўнг Хоразм томонидан яна Раҳматуллоҳ Қоракўз элчи тариқасида Бухорога юборилган. У Бухоро элчиси Ражаббек мурохур билан келиб, амирнинг «муҳаббатномаси»ни етказган. Келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, Хива хонлигининг Бухоро билан ўзаро дипломатик алоқаларида аксарият ҳолларда Раҳматуллоҳ Қоракўз элчи вазифасини бажарган.

«Жоме ал-воқеоти султоний»да воқеаларнинг даврий тартибидан кузатиш мумкинки, Раҳматуллоҳ қоракўз орадан тўрт ой ўтгач Хоразмга қайтган. Унга ҳамроҳ сифатида қўшиб юборилган Ибодулла қаровулбеги[2] келиб, Бухоро амири Насруллонинг юборган «мусодақатномаси»ни тақдим этган. Манбада қайд этилишича, Бухоро элчисига қўшиб яна Рахматуллоҳ Қоракўз «сафорат расми била» Бухорога юборилган[3].

Айни дамда, Амир Насрулло ҳам Раҳматуллоҳ Қоракўзга ўзининг элчиси Азизхожа судурни қўшиб Хоразмга жўнатган.

Маълумотлардан кўриш мумкинки, муносабатлар зиддиятлашган ёки Бухоро амирининг ҳаракатларидан норози бўлган ҳолларда Хива хони унинг элчисига одам қўшмай ёлғиз ўзини кузатиб юборган. Бундай ҳолатлар ҳақида: «Амир Насруллонинг баъзи ношойиста афъоли жиҳатидин онинг элчисиға элчи қўшмай рухсат берилди», – деб таъкидланади манбада[4].

Бухоро амирлиги билан муносабатлар таранглашган вақтда, айниқса, «Марв масаласи»да икки давлат манфаатлари тўқ-

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.49.
[2] Қоровулбеги - қўшиннинг қоровул қисми бошлиғи.
[3] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.50 – 51.
[4] Ўша жойда. – Б.62.

нашганда Хива хони қўшни Қўқон хонлиги билан дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилган. Муҳаммад Аминхон ҳукмронлигининг олтинчи йилида (1850/1851) Қўқонга юборилган Раҳматуллоҳ Қоракўз Қўқон хонининг унга қўшиб жўнатган элчиси билан келиб, «ихлос ва эътиқод изҳори»ни баён этганлиги манбада таъкидланган[1]. Элчи анча вақтгача Хива саройининг «меҳмонхонаи иззат»да туриб, ҳурмат ва эҳтиромда бўлган. Хива хони қурбон хайитига яқин мазкур элчининг кетишига рухсат берар экан, унга ўзининг элчиси Юсуфбекни қўшиб «муҳаббатнома» била Қўқонга юборган.

Ўз навбатида, Қўқон хони Хоразм элчиси Юсуфбекка қўшиб ўзининг амалдорларидан Баҳодир додхоҳни «дўстона муносабатлар истеҳкомини янада мустаҳкамлаш» учун юборган. Қўқон элчисига эса Хоразм томонидан Отабек исмли мулозим «муҳаббатнома» бериб, Қўқон хони ҳузурига жўнатилган. Бу элчиликка жавобан Қўқон эличиси Бекмуҳаммадбий ташриф буюрган ва Хива хони билан мулоқот қилиш шарафига сазовор бўлган эди. Бекмуҳаммадбийга кетишга рухсат берилар экан, сарой мулозимларидан Раҳматулло Қоракўз қўшиб Қўқонга жўнатилган. Манбада элчининг исми кўрсатилмаган бўлса-да, Раҳматулло Қоракўзга ҳамроҳ қилиб юборилган элчилар Қўқон хонининг билдирган муҳаббат изҳорини келтирганлари қайд этилади. Бу вақтда хон Марв сафарига кетганлиги боис элчилар пойтахт Хива шаҳрида қолиб хонни кутишган. Манбада Хива хони шаҳарга қайтгач элчиларни «ҳумоюн мажлисиға ундаб, подшоҳона навозишлар била сарбаланд қилди» ҳамда бир неча кундан сўнг ўзининг элчиси Отаниёзбекни «сафорат расми била қўшуб Хўқанд вилоятиға йиборди» деб кўрсатилган[2].

Маълум муддат Қўқон хони ҳузурида бўлиб, унинг қўшган элчиси билан қайтган Отаниёзбек бу вақтда Марв юришига

---

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеъоти султоний»дан ... – Б.49.
[2] Ўша жойда. – Б.69.

кетган Муҳаммад Аминхоннинг қайтишини кутиб турган. Сафардан қайтган Хива хони Қўқон элчиларига *кўриниш* (ауденция) бериб, муносиб тарзда қабул қилган ва уларга яна Отаниёзбекни қўшиб Қўқон хони ҳузурига юборган[1].

Бухоро амирлиги билан элчилик алоқалари ҳам давомли тарзда олиб борилган. Хива хони Бухоро элчисига элчи қўшмай юборгандан сўнг Амир Насрулло «муволафат (*дўстлик*) ва якжиҳатлик изҳори учун» Хоразмга элчи юборган эди[2]. Хива хони ҳам унга ўзининг нуфузли мулозимларидан мулла Иброҳим девонбегини қўшиб, «баъзи мулкия умури жиҳатидин», яъни ҳудудий масалаларнинг баъзи ишларини муҳокама қилиш учун Бухорога юборган. Амир Насрулло Хоразм элчисига эҳтиром кўрсатиб, ўзининг аъёнларидан Тўхтамиш *тўқсоба*[3]*-ни* «сафорот расми» билан унга ҳамроҳ қилиб, муносиб туҳфа ва ҳадялар берган ҳолда Хива хонлигига кузаттириб қўйган. Бухоро элчиси ўзига юкланган вазифани бажаргач, Хоразм томонидан элчи сифатида қўшилган Муҳаммад Шарифбой ҳамроҳлигида шоҳона туҳфалар ва «муҳаббатнома» мазмунидаги мактуб билан ўз юртига кузатиб қўйилган эди[4].

Бухорога элчи бўлиб кетган Муҳаммад Шарифбой ўзига қўшиб жўнатилган Сафарбек мирохур билан Хоразмга қайтганда Хива хони Эрон ва Хуросон ерлари юришига кетган эди. Хон сафардан қайтиб, 2 кун дам олгач, Бухоро элчисини қабул қилиб, муносиб тарзда ҳурматини бажо келтирган. Шундан сўнг элчига Хива хони мулозимларидан Мулла Иброҳим девонбеги элчи сифатида қўшиб, Амир Насрулло ҳузурига юборилган[5].

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.74.
[2] Ўша жойда. – Б.81.
[3] Тўқсоба – амир дастурхони устига идиш-товоқларни тартиб билан қўйиб, амирга шарбат, айрон ва яхоб қуйиб берарди. Амир мажлисининг дастурхонига жавобган амалдор.
[4] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.87.
[5] Ўша жойда. – Б.88.

Келтирилган маълумотлар бу давр оралиғида олиб борилган элчилик алоқалари «баъзи умури мулкия», яъни *ҳудудий* (мулкий) масалалар устида бўлганлигини англатса-да, айнан муҳокама этилган муаммоларга аниқлик киритмайди. Шунга қарамай, манбаларда баён этилган умумий вазият ва юз берган ҳодисалар орқали хулоса қилиш мумкинки, «Марв ёки Хуросон масаласи», яъни бу ҳудуддаги вилоят ва қалъаларга Хива хонининг даъвоси ҳамда Бухоро ҳукмдорининг бу ердаги кучлар билан иттифоқчилиги икки ўртадаги «умури мулкия»нинг асосини ташкил этган.

Хива хонлигининг Қўқон билан муносабатларига келсак, қайд этиш жоизки, улар ўртасида жиддий баҳсли муаммолар бўлмаганлиги боис бу даврда Хива – Қўқон элчилик алоқалари деярли мунтазам равишда олиб борилган. Ҳатто Қўқон хонлигида тез-тез содир бўлиб турган ички қарама-қаршиликлар оқибатида ҳокимият алмашинуви ҳам унинг ташқи сиёсатига сезиларли таъсир кўрсатмаган. Жумладан, Хива хони томонидан элчи сифатида Худоёрхон ҳузурига юборилган Соҳибназарбий айнан ана шундай зиддиятларга гувоҳ бўлиб қолган эди. Манбада келтирилишича, Хоразм элчиси «Хўқанд элчилигига маъмур бўлиб Худоёрхоннинг олдига бормуш эрди, Худоёрхоннинг иниси Муҳаммадёр Хўқанд вилоятига хон бўлуб, онинг қўшғон элчиси Мирзо Абдулваҳҳоб панжоҳбоши билан келиб остонбўслиқ давлатига фоиз бўлган»[1].

«Жоме ал-воқеоти султоний» асарида Худоёрхоннинг амалдаги мавқеи ва хонликдаги умумий сиёсий вазиятга баҳо берилар экан, «...неча йилдин бери Хўқанд вилоятининг волийси Худоёрхоннинг баъзи умаро ва аҳолиси Худоёрхон илкидин ҳукумат ихтиёрин олиб ҳар бири ўз ройича ҳукмронлиғ суруб, атрофи жавонибға зулму аадди (*беҳад зулм*) қўлин узотиб, ҳамул вилоятға кўб вайроналиғ еткурмуш эрдилар.

[1] Ўзбек дипломатияси тарихидан ... – Б.339 – 340; Полвонов Н. Қўқон ва Хива хонликларининг ўзаро элчилик алоқалари тарихига доир ... – Б.185 – 186.

Худоёрхонда маҳзи хонлиғ отидин ўзга нима йўқ эрди» деб кўрсатилади[1].

Мамлакат бошқарувини қайта қўлга киритган Худоёрхон ички тартибсизликларга барҳам беришга киришган. Айниқса, у 1848/1849 йилда ўғлининг тўйи муносабати билан атроф мамлакат ҳукмдорлари қаторида Хива хонини ҳам таклиф қилиб ўз мавқеини тиклаб олганлигини намойиш этган эди.

Манбада ушбу тантана билан боғлиқ воқеалар тасвирланар экан, «...хони замон, султони даврон баъзи ғаму кудурутни, дилни ёзмоқ учун асбоби тўйни муҳайё айлаб, фарзанди аршади шаҳзодаи оли насаб, аъни Саййид Насриддинбекға орзу-ҳавас ила чунон тўйи азими шоҳона барпо қилдики, ҳеч подшоҳни асрида мундоғ тўйни ҳеч бандани қулоғи эшитган бўлмагай» деб баён этилади[2]. Ҳар тарафга тўй хабари юборилган ҳамда Бухоро, Кўлоб ва Ҳисор, Дарвоз, Қошғар ва Ёркент ҳукмдорлари қаторида «оламга овоза бўлгувчи тўёна пешкашлар» билан Хива хони ҳам тўйга ташириф буюрган.

«Жоме ал-воқеоти султоний»да Қўқон хони ўз мавқеини тиклаб, фитначи гуруҳларга жазо берганлиги борасида «Худоёрхон бахту иқбол бозусининг қувват била сиёсат тиғин суруб, борча фасод ва инод аҳлиға гўшмол (*танбеҳ*) бериб, жазосиға еткурди ва мамлакатнинг ихтиёри зимомин иқтидори нақти кафиға олиб, истиқлол тариқаси била ҳукмронлиғ маснадида ўлтурди» деб маълумот берилади[3].

Худоёрхон бу ҳолатни хушхабар сифатида етказиш учун дарҳол Хоразмга ўзининг хизматчиларидан мўътабар кишини элчи қилиб, «ихлос ва эътиқоднома ва туҳфа ва ҳадялар била суддаи хокбўслиқиға» юборган эди. Мазкур элчи ўз вазифасини адо этгач, Хива хони ўз мулозимларидан Шукрулло

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.80.
[2] Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих ... – Б.167.
[3] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.80.

ақони унга «сафорат тариқаси» билан ҳамроҳ қилиб Қўқонга жўнатган.

Бу элчиликнинг юборилиши 1853 йилда Оқмасжид қалъасининг рус қўшинлари томонидан қамал қилинишига тўғри келган эдики, улар хавфсизлик юзасидан анча муддатга у ерда ушланиб қолган эдилар. Хусусан, Оқмасжид қалъасининг рус қўшинлари томонидан қамал қилиб турилиши туфайли «ул вилоят волийси Худоёрхон элчиларга мурожаат рухсатин бера олмади, токим йўл асносида куффор лашкаридин оларға осибе (*зарар*) етмагай» деб таъкидланган манбада[1]. Қалъа мудофааси учун катта қўшин юборилгандан сўнггина Хоразм элчиларига кетишга рухсат берилган. Қўқон хони бу элчиларга ўзининг ишончли кишиларидан Муҳаммад Карим баҳодирбошини «сафорат расми» билан қўшиб юборган ва у «бисотбўслиғ саодатиға мушарраф бўлуб, Худоёрхоннинг ихлос била йиборгон мактуб ва сипоришларин (*топшириқларини*)» олиб келган эди. Қўқон хони мактубида рус қўшинларига қарши ёрдам сўраб, ўзаро ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиш таклифини билдирган эди. Хива хони ушбу хат мазмунига мувофиқ келувчи мактуб тайёрлатиб, Қўқон элчисига ўзининг садоқатли мулозимларидан Қубодхонхўжани қўшиб Қўқонга юборган[2].

Муҳаммад Аминхон ҳукмронлигининг охирги йиллари, шунингдек, ундан кейин жияни Абдуллахоннинг қисқа муддат ҳукмронлик қилган даври (1855)да Бухоро амири билан ҳам деярли мунтазам равишда элчилик алоқалари олиб борилган. Жумладан, Хива хони томонидан элчи қилиб юборилган Муҳаммад Амин юзбоши, Яхши Муҳаммад доруға, Набибой ва Иброҳим девонбеги ҳамда Бухоро элчилари Ниёз тўқсоба, Ҳабибуллахўжа ўроқ, Тўхтамиш тўқсобанинг элчилик фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин[3].

---

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.94.
[2] Ўша жойда. – Б.98.
[3] Ўша жойда. – Б.90, 165 – 166, 204.

Маълумотлар таҳлили кўрсатадики, хон шаҳардан ташқарида бўлган вақтларда ташриф буюрган элчилар билан кўришиб, мулоқот қилган бўлса-да, меҳмондорчилик қоидасига, шунингдек, дипломатик этикет талабларига кўра, масъул кишиларни тайинлаган ҳолда узоқ йўлдан хориб келган элчини саройга йўллаган. Хусусан, Муҳаммад Аминхон шикор сайлига чиққан вақтда (1853/1854) ташриф буюрган Амир Насруллонинг элчиси, Усти қалъасининг ҳокими Ниёз тўқсоба хон ўрдасида қабул қилиниб, барча «дипломатик этикет» қоидалари амалга оширилган бўлса-да, хон уни пойтахт Хива шаҳрига юбориб, ўзи яна бир неча кун «сайдандозлиғ (*ов*) томошаси»дан баҳраманд бўлганлигини мисол қилиш мумкин[1]. Хон даргоҳида лозим бўлган маросимлар адо этилгач, Ниёзбек тўқсобага қўшиб Муҳаммадамин юзбоши «муҳаббатнома» мазмунидаги мактуб билан Бухорога юборилган.

Хоразм элчиси Муҳаммадамин юзбошига қўшилиб Бухоро томонидан Ҳабибуллахожа ўроқ элчи сифатида Хива хони ҳузурига ташриф буюрган ва Амир Насруллонинг юборган «дўстлик мактуби» ва тансиқ туҳфаларини, яъни «муволифатнома ва туҳафу тансуқот»ини топшириб, ўз мартабасига лойиқ ҳурмату эҳтиромларга сазовор бўлган[2].

Бухоро элчисига кетишга рухсат берилар экан, Хива хони ўз мулозимларидан Яхши Муҳаммад доруғани элчи сифатида ҳамроҳ қилиб юборган ва у Амир Насруллонинг ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлаш юзасидан қўшиб жўнатган элчиси Тўхтамиш тўқсоба билан ортга қайтган.

Бухоро элчиси Тўхтамиш тўқсоба эса Хива хони даргоҳининг ишончли мулозимларидан Набибой ҳамроҳлигида кузатиб қўйилган.

«Жоме ал-воқеоти султоний»да кўрсатилишича, Тўхтамиш тўқсоба яна бир бор Бухородан элчи бўлиб келган ва Хива

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.90.
[2] Ўша жойда. – Б.96.

хони унга мулла Иброҳим девонбегини қўшиб Бухоро амири ҳузурига юборган. Амир Насрулло ҳам Хоразм эличисига ўзининг мўътабар мулозимларидан бирини «элчилик йўсуни» билан Хивага юборган. Лекин Бухоро элчиси йўлда вафот этиб қолган ва мулла Иброҳим девонбеги унинг хизматкорлари билан амирнинг юборган хат ва туҳфаларини келтириб, Хива хонига тақдим этган[1]. Кўриниб турибдики, икки ўртадаги элчилик деярли узлуксиз тарзда олиб борилган.

Хива хонлиги тахтида бир йилгина ҳукмронлик қилган Абдуллахоннинг қисқа ҳукмронлик даврида (1855 – 1856) Қўқон хонлиги билан ҳам элчилик борди-келдилари яхши йўлга қўйилган эди. «Жоме ал-воқеоти султоний»да қайд этилишича, «Абдуллахони марҳумийнинг фармони била қўнғирот бекзодаларидин *аркони давлат* орасида мумтоз бўлган Отаниёзбек» Қўқон хонлигидан келган элчига қўшиб юборилган. Ўз навбатида, Худоёрхон ҳам унга ўзининг Қулмуҳаммадбий исмли элчисини ҳамроҳ қилиб Хоразмга жўнатган ва у келтирган «тансуқот ва муволафатномасин (*дўстлик мактуби*)»и топшириб ўз вазифасини адо этган[2].

Абдуллахон 1856 йилда жангда ҳалок бўлгач, тахтга янги ўтирган Қутлуғмуродхон ушбу ҳодисани хабар қилиш учун Абдураззоқ охунд муфтини Бухоро ҳукмдори Амир Насрулло ҳузурига юборган. Аммо Амир Насрулло «камоли шамотат (*такаббурлик*) ва беҳурматликдин ул азиз ул-қадрнинг мартабасиға лойиқ таъзим ва меҳмондорлиғ расмин тақдимға еткурмади ва хони марҳумий Абдуллахоннинг вафоти «фотиҳахонлиғи» ва хони жаннатмаконнинг жулуси (*тахтга ўтириши*) «муборакбодлиғи» учун ҳеч киши қўшмай муфтии мазкурни танҳо қайтарди» деб баён қилинади манбада[3].

---
[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.115.
[2] Ўша жойда. – Б.118 – 119.
[3] Ўша жойда. – Б.119.

Бухоро амирининг бундай хатти-ҳаракати бевосита Хива хонлигида марказий ҳокимиятнинг заифлашганлиги, жумладан, вазиятни ўз қўлига оладиган кучли ҳукмдор йўқлиги, шунингдек, Хуросон юришларида туркман қабилаларига қарши тўқнашувларда Хоразм лашкарининг мағлубиятга учраганлиги билан боғлиқ эди. Зеро, Муҳаммад Аминхон ҳам, унинг жияни Абдуллахон ҳам айнан туркман қабила бошлиқлари билан жангда ҳалок бўлишган эди.

Қутлуғмуродхоннинг олти ойгина ҳукмронлик қилган даврида Бухоро ҳукмдори Хива хонлигида авж олган исёнкор кучларнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватланганлиги ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. «Гулшани давлат» асарида қорақалпоқ ва туркманларнинг исёнкор гуруҳлари, жумладан, Эрназарбийнинг Бухоро амири Насрулло билан иттифоқчилиги тўғрисида атрофлича баён қилинган. У ерда қайд этилишича, Қутлуқмуродхон салтанати замонида қорақалпоқ Қўнғиротларининг қўлдовли уруғидан Эрназарбий бир гуруҳ исёнчиларга бош бўлиб хонга қарши кураш бошлаган эди. Эрназарбий «...кўп ҳийла ва тадбир ва васваса ва тазвир (*макр-ҳийла*) била ўзга қорақалпоқ тавойифининг аксар бий ва кадхудоларин дағи итоат ва инқиёддин чиқариб, мухолифат амрида ... иттифоқ била қазоқ тўраларидин Зорлиқ тўрани» Оролда хон кўтарган[1].

Хива хони уларни жазолаш учун қатъий чоралар кўришга киришгач, исёнчилар пушаймон бўлиб, манбада кўрсатилганидек, «ихлос ва итоат камарин боғлаб, якдил ва якжиҳат бўлуб, барча маслаҳат била Зорлиқхонни барча асбоб ва яроғин олиб, тутсоғ йўсунида соқладилар»[2].

Эрназарбий эса Зорлиқхонни тутқунликдан халос этишга кўп саъй-ҳаракат қилган. Лекин ҳар сафар Хоразм жангчиларидан шикастланиб қайтган. «Гулшани давлат» асарида ушбу

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.35 – 36.
[2] Ўша жойда. – Б.156.

жараёнларда мухолифатга қўшилган туркманларнинг йовмут уруғидан бўлган бир гуруҳ кишилар Бухоро ҳукмдори Амир Насрулло олдига мадад сўраб борганликлари, Бухоро амирининг уларга ўз элчисини қўшиб юборганлиги тўғрисида маълумот берилади[1]. Бундан англаш мумкинки, Амир Насрулло йовмутларнинг ушбу исёнчи гуруҳини қўллаб-қувватлаган.

Хива хонлиги билан деярли ҳамиша дўстона алоқаларда бўлган Қўқон хони эса Қутлуғмуродхон билан ҳам яхши қўшничилик алоқаларини олиб борган. «Гулшани давлат»да маълум қилинишича, Қўқон хони ўзаро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида Муҳаммадкамол бийни Хоразмга элчи қилиб юборган[2]. У бир муддат хон саройидаги элчихонада қолган, бу вақтда Қутлуғмуродхон вафот этгач, 1856 йилда тахтга ўтирган Саййид Муҳаммадхон (1856 – 1864) унга қўшиб Қубботхонхўжани икки ҳодиса, яъни ўзининг ҳокимият тепасига келганлиги ҳамда Қутлуғмуродхоннинг вафоти тўғрисидаги хабарни етказиш учун Қўқон хони Худоёрхон ҳузурига юборган. Қўқон хони элчига «мизбонлиғ йўсуни била таъзим ва такрими фаровон кўргузуб», бир неча муддат ҳурматига етгач, муносиб туҳфалар, яъни «туҳфоти лойиқ ва тансуқоти мувофиқ» ҳамда «мусолиҳатномаи номий» топшириб, ўзининг мулозимларидан Ўринхўжа мирасадни элчилик расми билан Хоразмга юборган. Элчи Худоёрхон томонидан Хива хонига бериб юборилган қимматбаҳо совғалар ва дўстлик изҳори битилган мактубни, хусусан, «кироманд пешкашлар ва аржуманд туҳфатлар»ни ҳамда «муҳаббатнома»ни топшириб, ўз навбатида, шоҳона ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган[3].

Саййид Муҳаммадхон Хива тахтига ўтириши муносабати билан Бухорога ҳам элчи юборган эди. Манбада қайд этилишича, у Ивазмурод миробни Бухоро элчилигига тайинлаб,

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.36.
[2] Ўша жойда. – Б.40.
[3] Ўша жойда. – Б.85.

ўзининг ҳокимият тепасига келганлигини хабар қилиш учун «муволифатномаи номий ва муҳаббатномаи киромий», яъни *дўстлик* мактубини бериб юборган[1].

Бу пайтда Амир Насрулло Шаҳрисабз юришига кетган эди. Мухолиф кучлар устидан ғалаба қозонган амир Хива элчисининг келганлигидан хабар топгач уни Шаҳрисабзга чақиртирган. У ерда кўрсатилган «подшоҳона навозишлар» ҳамда бажо келтирилган «таъзим ва такрим шароити»дан сўнг бир неча кун ўтиб Хоразм элчисига Иброҳимбий юзни қўшиб иззат-икром билан кузатиб қўйишган.

Кўриниб турибдики, Хива хонлигида вазият барқарорлашиб, кучлироқ ҳукмдор тахтга ўтириши билан Бухоро амири дарҳол ўзининг позициясини ўзгартириб, у билан алоқаларини яхшилашга киришган. Ўз навбатида, Хива хони ҳам Бухоро хонининг «муҳаббатнома ва муволафатнома» тарзида битилган мактубини келтирган Иброҳимбий юзни катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олган. Йигирма олти кундан сўнг хон унга кетишга рухсат бериб, Кот акобирларидан Отаниёзбек қўнғиротни элчилик расми билан қўшиб Бухорога юборган эди[2].

Бухоро ҳукмдори Амир Насрулло номидан Хоразмга элчи бўлиб келган Мирзо қоровулбеги ҳам амирнинг «муҳаббатнома»сини келтирган эди. Хива хони унга ўзининг элчиси Яхши Муҳаммад доруғани қўшиб «муҳаббатафзо мактуб ва таажжубнамо туҳфалар» билан Бухорога юборган[3]. Амир бу элчиликка ўзининг вакили Порсохўжа садрни қўшиб «муҳаббатнома» ва қимматбаҳо тухфаларини бериб Хоразмга юборган. Порсохўжа элчихонага жойлаштирилиб, Хива хони томонидан кўп мулозаматларга сазовор бўлган. Бир муддат ҳурмат-иззат кўрсатилгач, Бухоро элчисига Тўра Мурод ота-

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.44, 60.
[2] Ўша жойда. – Б.61.
[3] Ўша жойда. – Б.79, 86.

лиқни қўшиб шоҳона совғалар ҳамда «муволифатнома» мактуби билан Амир Насрулло ҳузурига юборишган[1].

Амир Насрулло Хоразм элчиси Тўра Мурод оталиқни кўринишхонасида қабул қилар экан, манбада таъкидланишича, таъзиму такаллуфлар кўрсатган ҳолда «лутф ва навозишлар била аҳволпурсишлик қилиб элчихонаи олийға тушур»ган. Бир неча муддат иззат ва эҳтиром кўрсатилгач, элчига қимматбаҳо ҳадялар топширилиб, кетишга рухсат берилган. Бухоро амири ўзининг иттифоқчилик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини билдириш мақсадида Абдулазиз тўқсобани элчи сифатида Тўрамурод оталиққа қўшиб Хоразмга юборган. Хива хони даргоҳига етиб келган элчилар амирнинг саломларию юборган туҳфалари билан бирга «мусодақатнома»сини хонга тақдим этишган. Бухоро элчисига ҳам муносиб тарзда ҳурмат кўрсатилиб, элчихонага жойлаштиришган ва хон «заррин хилъатлар кийдуруб, лутф ва эҳсон била» кетишга рухсат берар экан, Искандар иноқни унга ҳамроҳ ва ўзининг номидан элчи этиб тайинлаган[2].

Искандар иноқ Бухоро амирининг кўринишига, яъни қабулига кириб, Хива хони бериб юборган «муҳаббатнома»сини топшириб, Амир Насруллонинг ҳурмат-эҳтиромига муяссар бўлган. Манбада таъкидланишича, «элчихонаи олий»га жойлаштирилган Хоразм элчиси «таъзим ва такрим русумида» бир дақиқа ҳам эътиборсиз қолдирилмаган эди. Бир неча кундан сўнг «иззати тамом ва эҳтироми молокалом» билан Искандар иноққа кетишга рухсат берилган. Хоразм элчиси келтирган «муҳаббатнома»га жавобан тайёрланган «муволифатнома», яъни якжиҳатлик ва дўстлик изҳори битилган мактуб ҳамда муносиб туҳфа ва ҳадялар топширилар экан, амир ўзининг мўътабар амирларидан Абдулвоҳид мирохурни «сафорат тариқаси» билан унга қўшиб Хоразмга юборган.

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.88.
[2] Ўша жойда. – Б.90.

Ўз навбатида, Хива хони ҳам Бухоро элчиси Абдулвоҳид мирохурни иззат-ҳурмат билан «кўринишхона»да қабул қилган. Элчи келтирган мактуб ва туҳфалаларини топширгач, «элчихона»га жойлаштирилиб, «мезбонлиқ тариқаси била зиёфати подшоҳона» қоидаси адо этилган[1].

Бухоро элчисига қўшиб Раҳматуллоҳ Қоракўз маҳрамни «муҳаббатнома» мазмунидаги мактуб билан Бухорога юборишган. Бухоро амири эса унга қўшиб Довудхўжа мирохурбошини муносиб туҳфа ва ҳадялар бериб, элчи сифатида Хива хони ҳузурига юборган. Бу вақтда (1857/1858) Хива хони сафарда бўлиб, пойтахтга қайтгач Бухоро элчисини қабул қилган ва унга ўзининг мулозимларидан Мададуллоҳхўжа бийни қўшиб «муволафатнома» билан Бухоро амири ҳузурига йўллаган[2].

Ўз навбатида, Мададуллоҳхўжа бийга Бухоро амири томонидан Нажмиддинхўжа саломоғаси[3] қўшиб Хоразмга юборилган. Бухоро элчиси ўз вазифасини адо этгач, Хива хони унга ўзининг амалдорларидан Бобо иноқни қўшиб элчи сифатида Бухорога кузаттириб қўйган.

Бухоро амири Насрулло ўзининг иттифоқчилик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини изҳор қилган ҳолда Бобо иноққа қўшиб Мирза Убайд мирохурни элчи сифатида Хоразмга юборган. Бухоро элчиси бир неча муддат «элчихонаи ҳумоюн»да истиқомат қилгач, Хива хонининг ишончли амалдорларидан Отаниёзбекни қўшган ҳолда Амир Насруллога битилган «мусодақатнома» билан кузатиб қўйишган[4].

Бу даврда олиб борилган элчилик алоқаларида *Хива хони элчилари* Яхши Муҳаммад доруға, Тўра Мурод оталиқ, Искандар иноқ, Раҳматуллоҳ Қоракўз, Мададуллоҳхўжабий, Бобо

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.113, 129.
[2] Ўша жойда. – Б.113, 129.
[3] Саломоға – Бухорода амирнинг саломини халққа ва амалдорларга етказадиган сарой амалдори.
[4] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.131.

иноқ ва Отаниёзбек ҳамда *Бухоро элчилари* Мирзо қоровулбеги, Порсохўжа садр, Абдулазиз тўқсоба, Абдулвоҳид мирохур, Довудхўжа мирохурбоши, Нажмиддинхўжа ва Мирза Убайд мирохурнинг хизматлари катта бўлган[1].

Воқеалар тафсилоти кўрсатадики, Амир Насрулло ўзининг катта-кичик ғалабалари ҳақида Хива хонига хабар бериш учун ҳам элчилар юбориб турган. Хусусан, амирнинг Ўратепа қўрғонини қўлга киритганлиги тўғрисидаги хабарни «суюнчилатиш» учун юборилган Саййидмурод тўқсоба бошчилигидаги элчилик манбада атрофлича баён қилинган[2].

Хива хони эса ушбу фатҳнинг муборакбодлиги учун Раҳматулло Қарокўзни Амир Насрулло ҳузурига элчи қилиб юборган.

Эътибор бериш лозимки, Ўратепа вилояти Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги баҳсли ҳудуд бўлиб, унинг Бухоро амири томонидан фатҳ этилиши амалда Қўқон хонининг мағлубиятини англатади. Шуниси қизиқки, Бухоро амирини бу ғалаба билан муборакбод этиб элчи юборган Хива хони бу пайтда бевосита Қўқон хони билан ҳам дўстона алоқаларда бўлган.

«Гулшани давлат»даги маълумотлар орқали Саййид Муҳаммадхоннинг тахтга ўтиришидан бошлаб Хива – Қўқон ўртасида деярли мунтазам равишда элчилик алмашиниб турилганини кузатиш мумкин. Асарда келтирилишича, Саййид Муҳаммадхонни қутлаш учун Қўқон хони томонидан элчи қилиб юборилган Ўринхўжа мирасад муносиб тарзда кутиб олингач, унга қўшиб «даргоҳи олампаноҳ мулозимлари»дан Дўстниёз маҳрам элчи сифатида «подшоҳона савғот ва мусодақатнома» билан Худоёрхон ҳузурига жўнатилган[3]. Хоразм элчиси Қўқонга етиб борганда (1858) ҳокимиятда ўзгаришлар

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.89 – 90. 131.
[2] Ўша жойда. – Б.140.
[3] Ўша жойда. – Б.87, 99.

юз берган эди. Хусусан, Худоёрхон ҳузурига йўлланган элчи Қўқон тахтига чиққан янги хон томонидан қабул қилинган. «Гулшани давлат»да тасвирланишича, «Худоёрхон неча муддатдин бери шайтон иғвоси ва нафсу ҳаво иқтизоси била айшу ишратға мойил бўлуб», салтанат ишларига бепарволик қилиб, «тўғри йўлдан озган»лиги боис унга қарши норозилик авж олган. Асарда «жамии умаро ва раоё иттифоқ била иниси Муҳаммадёрхонни салтанат тахтиға миндуруб, ани азл этиб (*тушириб*), юртдин чиқариб қувуб йибордилар. Ул Бухороға бориб Амир Насруллоҳнинг давлати соясин ўзига паноҳ қилди» деб қайд этилган[1].

Муҳаммадёрхон (Маллахон) ушбу воқеалар устига келиб қолган Хоразм элчисини қабул қилиб, унга ўзининг амирларидан Абдулваҳҳоб панжоҳбошини қўшиб Хива хонлигига юборган. Элчи Қўқон хонининг бериб юборган «подшоҳона туҳфалари» ҳамда «ихлоснома» ва «мувофақатнома»сини топширгач, Хива хони томонидан иззат-икром кўрсатилиб, яна ортига кузатиб қўйилган[2]. Қўқон хони унга қўшиб ўзининг элчиси Муллабек додхоҳни турли «тансуқот» ва «мусодақатнома» билан Хоразмга юборган. Унга эса қорақалпоқ улуғларидан Оймуҳамммадбий ҳамроҳ қилиб элчи сифатида Қўқонга юборилган[3].

1858 – 1862 йиллар оралиғида бир томон элчисига иккинчи томон элчисининг қўшиб жўнатилганлиги тўғрисида кетма-кет келтирилган маълумотларда Хива – Қўқон алоқаларини йўлга қўйган *Хива элчилари* – Оймуҳаммадбий, Ражаббий, Қубботхонхўжа, Бобо дастурхончи, *Қўқон элчилари* – Мулла-

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.149. Қўқон хонлигида 1858 йилда содир бўлган сиёсий воқеалар, хусусан, халқ норозилигидан фойдаланиб акаси Худоёрхонни тахтдан ағдариб ҳокимиятга келган Маллабекнинг ҳаракатлари ҳақида маълумотлар илмий адабиётларда ҳам атрофлича келтириб ўтилган. Қаранг: История Узбекистана ... Т. III. – С.208 – 209; История Узбекистана (2012). ... – С.386 – 393.

[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.148 – 149, 178.

[3] Ўша жойда. – Б.178 – 180.

бек додхоҳ, Тошмуҳаммадбий, Фармон доруға, Додахўжа, Муҳаммад Аминнинг фаолияти кўрсатиб ўтилган[1].

Шунингдек, манбада Хива – Бухоро муносабатларини барқарорлаштириш ва дўстона алоқаларни йўлга қўйишда хизмат қилган *Хива элчилари* – Раҳматулло Қоракўз, Отаниёз маҳрам, Исмоилбой хонақоҳий, Абдураҳмон сарҳанг, Яхши Муҳаммад, *Бухоро элчилари* – Раҳматулло мирохур, Мирза Убайд мирохурбоши, Додахўжа мирохурбоши, Нажмиддинхўжа ўроқ, Фозилхўжа шайхулислом, Турсунхўжа садр, Ортуқбий, Офоқхўжа садр ва Шоҳхўжа садр ҳақида баён этилган.

Бухоро ҳукмдори Амир Насрулло 1860 йил кузида касал бўлиб вафот этгач, унинг ўрнига ўтирган ўғли Амир Музаффар отасининг вафоти ва ўзининг тахтга ўтирганлигини маълум қилиш учун мўътабар амирларидан Шоҳхўжа садрни муносиб совғалар билан «муҳаббатнома» бериб Хива хони даргоҳига йўллаган[2]. Амир Насрулло ҳаётлик вақтида унинг ҳузурига юборилган Раҳматулло Қоракўз бу вақтда Бухорода бўлиб, Амир Музаффарнинг амри билан бир неча муддат Бухоро қалъасида «эъзози тамом» билан истиқомат қилгач, Содиқ мирохур ҳамроҳлигида ўз юртига қайтган.

Амир Музаффар даврида ҳам Хива хонлиги билан деярли мунтазам равишда ўзаро элчилар алмашиниб турилган. Бу даврда Қўқон – Бухоро муносабатлари анча кескин ҳолатда бўлса-да, Хива хони ҳар икки томон билан ўзаро алоқларини давом эттирган. Ҳатто Хива хонининг Қўқон шаҳзодасига сиёсий бошпана бериб, қўллаб-қувватлагани ҳам, Қўқон хонлари билан мунтазам равишда элчилик алмашиниб турганлиги ҳам бевосита Хива – Бухоро муносабатларига путур етказмаган. Хусусан, «Гулшани давлат» асарида «Хўқанд вилоятининг во-

[1] Илмий адабиётларда 1858, 1861, 1862 йилларда рус қўшинларига қарши иттифоқ бўлиб курашиш таклифи билан Хива хони ҳузурига борган Қўқон элчилари рад жавоби билан қайтганлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Қаранг: История Узбекистана ... Т. III. – С.211; История Узбекистана (2012). ... – С.408 – 409.

[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.193.

лийси Муҳаммадаминхон (*Муҳаммад Алихон*)нинг[1] ўғли Маҳмуд тўра Бухородин қочиб, остони давлатин посбони [Хива хони Сайид Муҳаммадхон] мулозаматиға келди. Ва бу давлати абадмуддат қасрининг поясин ўзига паноҳ қилди» деб кўрсатилади[2]. Асарда воқеанинг тафсилоти ҳикоя қилинар экан, баъзи сабабларга кўра Бухоро подшоҳи Амир Насрулло билан Қўқон хони орасидаги зиддият ва душманлик кайфияти кундан-кунга авж олиб бориб, оқибатда Амир Насрулло бутун Мовароуннаҳр қўшинини жамлаган ҳолда Қўқонга юриш қилганлиги маълум қилинади. Келтирилган маълумотга кўра, Қўқон хони қатл этилган бўлса-да, унинг ўғли Маҳмуд тўра бошчилигида барча фарзандларию аёллари Бухорога кўчириб кетилган. Бухорода жуда ночор аҳволда кун кечирган Қўқон хони оила аъзоларининг ҳаёти Амир Музаффар даврида янада оғирлашганлиги, натижада Маҳмуд тўра тангликка сабр-тоқат қила олмай Хоразмга қочган.

1861/1862 йилдаги элчилик орқали Қўқон хонлигида юз берган айрим сиёсий воқеалар ва уларнинг ташқи алоқаларга доир жиҳатларини кузатиш мумкин. Хусусан, Қўқонга элчи қилиб юборилган Хоразм элчиси Бобо дастурхончи Муҳаммадёрхон томонидан «кўп эъзоз ва эҳтиром» билан кутиб олиниб, Қўқон элчиси Азимбой бий ҳамроҳлигида Хоразмга кузатиб қўйилган[3]. Улар Қўқондан чиқишлари билан мамлакатда сиёсий тўнтариш бўлиб, ўлдирилган Муҳаммадёрхон ўрнига унинг жияни Шоҳмуродбек хон этиб кўтарилган. Ҳокимият алмашинувига қарамай, Хоразмга етиб келиб, собиқ Қўқон хони Муҳаммадёрхоннинг «ихлоснома ва туҳфалари»ни

---

[1] «Гулшани давлат» асарини нашрга тайёрлаган муаллифларнинг берган изоҳига кўра, муаррих чалкашликка йўл қўйиб Муҳаммад Алихон (Мадали)ни Муҳаммад Аминхон деб кўрсатади. Муҳаммад Аминхон, аслида, хон ўғлининг исми бўлиб, у отаси билан бирга қатл этилган. Хоннинг Маҳмуд деган ўғли тўғрисида бошқа манбаларда маълумот учрамайди. Қаранг: Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.257.

[2] Ўша жойда. – Б.205.

[3] Ўша жойда. – Б.211.

Хива хонига тақдим этган элчи муносиб тарзда кутиб олинган. Кўриниб турибдики, Қўқон хонлигида содир бўлган тўнтариш Хоразмга келган Қўқон элчисининг расмий мақомига, жумладан, унинг элчилигига таъсир кўрсатмаган.

Қўқонда юз берган сиёсий ўзгаришлар хабари Хоразмга тезлик билан етиб келганлигини эса сиёсий вазият туфайли бир йилдан буён Хива хони саройида истиқомат қилиб турган Қўқон шаҳзодасининг ҳаракатидан ҳам кўриш мумкин. Хусусан, «Гулшани давлат»да келтирилишича, Маҳмуд тўранинг «бошиға Хўқанд вилоятиға кетмак ҳаваси тушуб, ҳазрати зиллуллоҳийдин [Саййид Муҳаммадхондан] рухсат тилаган»[1]. Хива хони унга йўл харажатлари учун етарли маблағ ва керакли асбобларни бериб, кузаттириб қўйган. Лекин, Огаҳийнинг афсус билан маълум қилишича, шаҳзода «йўл асносида Бухоро подшоҳи Амир Музаффарнинг қаровулларига учраб, адам зиндонида маҳбус бўлган» эди.

Қўқон хонлигидаги ички курашлар, ўз навбатида, Бухоро амирининг мақсадларини амалга оширишга қулай шароит яратган эди. «Гулшани давлат»да келтирилишича, 1862 йил ёзида Амир Музаффар ўзининг амирларидан Жабборқули тўқсобани Қўқон шаҳрини фатҳ этганлиги тўғрисидаги хабарни «севинчилаб» Хива хони ҳузурига юборган[2]. Элчига «илтифоти хисравона ва кўп навозишу бахшишлар» кўрсатилиб, ўн тўққиз кундан сўнг Раҳматулло Қоракўзни қўшган ҳолда Бухоро амирининг қўлга киритган ғалабаси билан муборакбод қилиш учун «мактуби муҳаббатуслуб» бериб кузатиб қўйишган[3].

Қўқон хонлигида кечган кейинги воқеалар тафсилоти бевосита Қўқондан элчи бўлиб келган Мўминхўжа судур томонидан етказилган хабарда ўз аксини топган. Элчининг маъ-

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.215.
[2] Ўша жойда. – Б.213.
[3] Ўша жойда. – Б.213 – 214.

лум қилишича, Бухоро ҳукмдори Амир Музаффар кўп лашкар билан Қўқонга юриш қилиб, Худоёрхонни ўз ноиби сифатида тахтга қўйиб кетгач, ундан норози бўлган Қўқоннинг барча улуғлари бирлашган ҳолда Худоёрхонни тахтдан тушириб, Бухорога қувиб юборишган. Унинг ўрнига хоннинг жияни Султон Мурод тўра ўтқазилган.

Огаҳийнинг баён этишича, Султон Муродхон Қўқон тахтига ўтиргач Хива хонини «ўзига пуштипаноҳ билиб, мўътабар умаросидин Мўминхўжаи судурни элчи қилиб, ўзининг жулуси ва эъломи (*тахтга ўтиришининг хабари*) ва ўзга воқеъалар пайғоми учун ихлоснома ва пешкашлар топшуруб» юборган эди[1]. Хива хони унга ўзининг мулозимларидан Қуббодхонхўжани ҳамроҳ қилган ҳолда Султон Муродхонни тахтга ўтирганлиги билан муборакбод этиб, «муҳаббатнома» бериб юборган.

Саййид Муҳаммадхон умрининг охирларида Қўқон тахтига ўтирган Султон Саййидхон ҳам «ихлоснома» билан ўз элчисини Хоразмга юборган эди. 1864 йил июнида Қўқон хони (*Хоразм манбаларида янглиш тарзда Султон Муродхон деб кўрсатилган*)нинг юборган элчиси Мирбобо тўқсоба Хива хони қабулига мушарраф бўлган[2].

Бу даврга келиб Бухоро амирлигида марказиий ҳокимият ҳам ички қарама-қаршиликлар туфайли анча заифлашиб бораётган эди. Амир мамлакат ичида тез-тез содир бўлиб турган исёнларни бостириш ҳамда мустақил бўлишга интилган ҳудудларни бўйсундириш учун тинимсиз кураш олиб боришга мажбур бўлар эди. Ўзининг минтақадаги мавқеини сақлаш учун эришган қисқа ғалабаларини ҳам қўшни ҳукмдорларга хабар қилиб турган. 1862 йилнинг кузида Амир Музаффар бир неча вақтдан бери Бухорога итоат этишдан бўйин товлаб, исён қилиб келаётган Ҳисор қалъасини фатҳ этган ва бу

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.225.
[2] Ўша жойда. - Б.228.

воқеани «севинчилаб» Хоразмга одам юборган эди. Бундан беш кун ўтгач Бухоро амирининг яна бир кишиси келиб, Кўлоб қалъасининг ҳам забт этилганлигини маълум қилган[1].

Хива хони Амир Музаффарнинг ушбу элчиларини «инояти хисравона ва инъоми подшоҳона» билан сийлаб, ўн беш кундан сўнг ўзининг мулозимларидан Мусо мутаваллини элчилик тариқаси билан уларга ҳамроҳ қилиб Бухорога юборган.

Шу ўринда кўрсатиб ўтиш лозимки, XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Россия империясининг Ўрта Осиёдаги ҳарбий ҳаракатлари фаоллашиши билан учта хонлик ўртасидаги алоқалар характерида ўзаро ёрдам, рус қўшинларига қарши курашда ҳамкорлик қилиш масаласи олдинга ўринга чиққан эди.

Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги расмий баёнотни архив ҳужжатлари, хусусан, 1853 йил 30 апрелда рус ҳукуматининг агентура хабарлари орқали олиш мумкин. У ерда келтирилишича, қўқонликлар руслар томонидан қурилаётган кемалар ҳақида хабар топгач баҳорда ўзларининг қалъаларига русларнинг ҳужум уюштириши мумкинлигидан хавотирга тушиб қолишган. Шу боис Хива ва Қўқон хонлари тинимсиз равишда бир-бирларига элчи юбориб, рус қўшинларига қарши иттифоқ бўлиб курашиш мақсадида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга интилаётганлари қайд этилган ҳужжатда[2].

Рус қўшинларининг 1853 йилдаги ҳарбий ҳаракатлари Хива хонини янада ҳушёр торттирган эди. Рус архив ҳужжатларида келтирилишича, бу ҳолатда Хива хони ўзининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Бухоро амирига элчи юбориб, қариндошлик ришталарини боғлашга ҳаракат қилган.

---

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.216.

[2] Записка о происшествиях в степи, о среднеазиатских владениях. 30 апреля 1853 г. Материалы, относящиеся к Хиве и Кокане // Архив Востоковедов института восточных рукописей РАН (Санкт-Петербург). Фонд В.В. Григорьева: ф. 61, оп. 1, д. 14, л. 57 – 58.

Хусусан, Хива хони амирнинг қизини ўғлига сўраган, агар у розилик бермаса, ўзининг қизини амирнинг ўғлига узатишга тайёрлигини билдирган[1].

В. Перовскийнинг 1853 йилдаги Ўрта Осиёга қилган ҳарбий юришида таржимон сифатида ҳамроҳ бўлган Искандар Батыршин ўз «кундалиги»да қўшни хонликлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида маълумот берар экан, «Хива хони ўзининг элчиси Мяд-Шериф (*Муҳаммад Шариф*)ни Бухоро амирининг қизига совчиликка юборган»лигини кўрсатиб ўтади. У ерда қайд этилишича, Бухоро амири айни вақтда Хива хонига қарши курашда ёрдам сўраб мурожаат этган Марв туркманларига 500 туя ғалла, порох ва қўрғошин юборган. Бу вақтда Бухорода турган Хоразм элчиси Муҳаммад Шариф ушбу хабарни дарҳол Хива хонига етказган ва у махсус қуролли гуруҳни йўллаб, ёрдамга бораётган 500 туядан иборат карвонни талон-торож қилишга буюрган. Ушбу воқеа қандай натижа билан якунланганлиги маълум эмаслигини қайд этган Искандар Батыршин: «Бухоро амири билан қариндошлик ришталарини боғлаш орқали руслар [ҳукумати]га қарши ўз кучларини мустаҳкамлаб олишга умид қилган Хива хони «марвликларга кўрсатган ёрдами туфайли Бухоро амиридан кўнгли совиб, «совчилик» иши ҳам амалга ошмади», – деб маълумот беради[2].

Урал қалъасининг бошлиғи капитан Михайловнинг 1853 йил 4 майда Оренбург корпуси штаби бошлиғига берган ҳисоботида ҳам Қўқон ва Хива хонлари Бухоро амири билан яқин алоқа ўрнатиш ҳаракатини олиб бораётганларига урғу берилган[3].

---

[1] Записка о происшествиях в степи, о среднеазиатских владениях ... ф. 61, оп. 1, д. 14, л. 57 – 58.

[2] Краткий дневник, веденный переводчиком Искендером Батыршиным во в ремя похода на Акмечеть. 1853 г. // История Казахстана в документах и материалах: Альманах. Вып. 2. Ред. коллегия: Л.А. Абдирасилова, В. Ерофеева, Б.Т. Жанаев. – Астана, 2012. – С.308.

[3] Записка о происшествиях в степи, о среднеазиатских владениях ... Ф. 61, оп. 1, д. 14, л. 70.

Бундай ҳолатлар «Шоҳиду-л-иқбол» асарида атрофлича баён этилган. 1864 йил кузида Хоразмга юборилган Қўқон элчиси «ўрус лашкари Туркистон қалъасин ғалаба била олғонин хабарин келтуруб кўмак тилади» деб маълумот берилади манбада[1]. У ерда баён этилишича, кўп йиллардан бери рус қўшинлари Сирдарёнинг шимолий тарафини ўзларига маскан қилиб, ҳар йили «ўрусдин фавж-фавж лашкар келиб аларға қўшулуб, ҳисобсиз кўб бўлмиш эрди» ва охири бу катта қўшин Оқмасжид қалъасини қамал қилишга киришган. Туркистон вилоятини қўлдан бой берган Қўқон хони «бир кишини сафорати расмий била йиборіб, Хоразм подшоҳи ва Рум халифасидин мадад ва кўмак тилаш»га қарор қилган. Шу тариқа Хива хони Саййид Муҳаммад Баҳодирхон номига бир нома битиб, «тазарруъ (*зорланиш, ёлвориш*) ва тахашшуъ (*тавалло*) изҳор қилган» ҳолда кўмак сўраган.

Қўқон элчиси ўзига берилган вазифага кўра Усмонийлар султони ҳузурига ҳам бориши лозим эди. Шу боис Хивада ҳордиқ чиқариб, муносиб навозишлардан баҳраманд бўлган Қўқон элчиси Рум (*Туркия*) сафари учун рухсат сўраган. Хон унга сафар учун лозим бўлган барча нарсаларни бериб, Хуросон тоғигача кузатиб қўйишни буюрган[2].

Ушбу воқеалар ҳақида бевосита ЎзР МДА «Хива хонлиги девонхонаси» фондида сақланувчи 1864 йил санаси билан қайд этилган Қўқон хони Султон Саййид Муҳаммад Баҳодирхоннинг Хива хонига йўллаган мактуби орқали ҳам маълумотга эга бўлиш мумкин. Унда Қўқон хони рус аскарларининг «(куфрайи Урусия) Уч Олмати тарафидин хуруж қилиб, Авлиёота қўрғонин олиб ва яна Оқмасжид тарафидаги Туркистон қўрғонин олди деб дорулсатана Хўқандда эшитиб ... шариат ҳукми била ғазот қилмоқни фарзи аъйн билиб», Чимкентга қўшин тортганлигини маълум қилган. Мактубда

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.47.
[2] Ўша жойда. – Б.48, 52.

бўлган ҳодисаларни Усмонли Турк султонига етказиш ва у билан иттифоқчилик қилиш мақсадида элчи юборилаётганлиги хабар берилиб, Хива хонидан элчини ўз ҳудудларидан ўтказиб қўйиш сўралган. Хусусан, «...бул ҳодисотларни Сиз биродаримизға эълом (*маълум*) қилиб, саодатпаноҳ эшон Саййид Яъқубхўжа нақиб қози калонни ирсол этиб (*юбориб*), бу маҳораба ва мақотилаларни бир-бир баён этиб, жаноб халифа ал-раҳмон Султони Румға арзадошт айлаб, элчи қилиб юбордук ... меҳрибон бўлуб, жаноби мазкурни ... эсон-омон халифа хизматлариға ўткариб юборсалар хурсандлик ҳосил бўлур» деб қайд этилган мактубда[1].

Қўқон хонлигига юборилган Хоразм элчиси Дўст Ниёз маҳрам билан содир бўлган воқеа ўша давр минтақадаги умумий сиёсий вазият ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Саййид Муҳаммадхон вафотидан бир оз илгари Хоразмга ташриф буюрган Қўқон элчиси кўп «навозишу бахшиш»ларга сазовор бўлгач, Дўст Ниёз маҳрам ҳамроҳлигида Қўқон хони ҳузурига юборилган эди. Султон Саййидхон бу мактубни олгач, хурсанд бўлиб, Дўст Ниёз маҳрамга бениҳоя ҳурмат кўрсатиб, харажатига муносиб маблағ ажратган. Бир неча муддатдан сўнг Қўқон хонининг ихлосномасини олиб йўлга чиққан Хоразм элчиси иттифоқан йўлда Чинос (*Чиноз*) қалъасини қамал қилиб турган рус қўшинларига учраб, асир олинган. Дўст Ниёз маҳрамни икки кун ҳибсда ушлаб туришгач, Туркистонда рус губернаторининг олдига олиб келишган, унинг Хива хони элчиси эканлиги аниқлангандан сўнг озод этилган. Манбада «губурнотур зарурат юзидин таъзиму такрим кўргузди ва бир неча кун эъзоз ва икром била меҳмондорлиғ қилғондин сўнг Хоразм диёрининг азиматиға (*кетишга, ҳаракатланишга*) ижозат берди» деб қайд этилган ман-

[1] Қўқон хони Султон Саййидхоннинг Хива хонига мактуби (1281/1864). ЎзМА. Ф. И-125, 2-р., 240-й.ж.

бада[1]. Рус губернаторининг Хоразм элчисига «зарурат юзасидан» кўрсатган эҳтироми мушоҳада қилиб кўрилса, бунинг ўзига яраша сабаблари бўлганлигини англаш мумкин. Зеро, Ўрта Осиё хонликларини бир-биридан ажратган ҳолда алоҳида-алоҳида, босқичма-босқич забт этишни режалаштирган рус ҳукумати тарихан ўзларини анчагина мушкул вазиятларга солиб қўйган Хива хони билан ҳарбий тўқнашувга ҳали фурсат етмаганлигини яхши билар эди. Шу жиҳатдан, губернатор Хива хони номига «муҳаббат ва дўстлик» изҳори битилган «садоқатнома»ни «подшоҳона ҳадялару мулукона туҳфалар» билан элчига топшириб, кетишга рухсат берган. Рус генерали ўзининг «дўстлиғ ва ихлосмандлигин еткуриш»ларини сўраб элчи ва унинг ҳамроҳларига, ҳатто барча хизматкорларига «оту сарупой бериб», сафар учун лозим нарсаларни муҳайё қилиб, ўзининг мўътабар кишиларидан қўшиб, Оқмасжид ва Сирдарёдан ўтказиб кузатиб қўйишни буюрган эди[2].

Саййид Муҳаммадхон умрининг охирги йилларида Бухоро амири билан ҳам дипломатик алоқаларни мунтазам тарзда ушлаб турган. «Гулшани давлат»да бу алоқаларни олиб боришда бевосита иштирок этган элчилар фаолияти қайд қилинар экан, *Бухоро элчилари* – Обидхўжа ўроқ, Подшоҳхўжа судур, Муҳаммадшариф тўқсоба, Абдулаҳад мирохур, *Хива элчилари* – Исмоил маҳрам, Яхши Муҳаммад доруға, Фозилхўжа шайхулислом, Мусо мутавалли, Ивазмуродбий тилга олинган[3].

Саййид Муҳаммадхоннинг хасталиги кундан-кун кучайиб, 1864 йил 25 сентябрида 43 ёшида вафот этган. Унинг ўрнига ўтирган Муҳаммад Раҳимхон II (1864 – 1910) ён-атрофдаги ҳудудларнинг ҳукмдорларига содир бўлган ҳодисани, отасининг жанозаси ҳақида хабар бериш ҳамда ўзининг ҳокимият тепа-

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.60 – 62.
[2] Ўша жойда. – Б.62.
[3] Ўша жойда. – Б.219, 225, 226, 227, 228, 229.

сига келганлигини эълон қилиш учун нуфузли амалдорларидан Мусо мутаваллини «номаи мушкинхитома (*хайрли хабарни*)» топшириб, Бухоро ҳукмдори Амир Музаффар ҳузурига юборган. Манбада келтирилишича, Хоразм элчиси бориб, хабарни етказганда Амир Музаффар марҳум хоннинг вафотидан жуда таъсирланиб, қайғуга ботган, Муҳаммад Раҳимхон II нинг тахтга ўтирганлиги ҳақидаги хабардан хурсанд бўлиб, Мусо мутаваллини подшоҳона иноятларидан баҳраманд қилган[1].

Бухоро элчиси Шоҳхўжа садр бир вақтда марҳум хоннинг вафоти учун «таъзиятпўрслиғ ва фотиҳахонлиғ» ҳамда янги хоннинг тахтга ўтирганлиги муносабати билан «таҳниятгўйлик (*қутлаш*) ва муборакбодлиғ» вазифасини адо этиш учун Хоразмга юборилган.

Бу орада Бухородан Саидхўжа ўроқ Бухоро амири Музаффарнинг Қўқон хонлигини ўз ҳукмронлиги остига олганлигини «суюнчилатиб» келган эди. Огаҳийнинг маълум қилишича, ушбу жараён бевосита Қўқон хони ҳамда аксарият юқори табақа вакилларининг розилиги ва ўзаро келишувига кўра амалга ошган эди. «Шоҳиду-л-иқбол»да кўрсатилишича, рус лашкарининг ҳужумидан ваҳимага тушиб, «нединким ўрус қўлиға гирифтор бўлғонимиздин [кўра] анга мутобаат кўргузгонимиз яхшироқдур» деб Бухоро амирининг қўл остида бўлишни афзал билган Қўқон хони ва *аркони давлат* Бухоро амирига мактуб йўллаган эди. Хусусан, асарда: «Хўқанд вилоятининг волийси султон Муродхон бошлиғ жамеъи умаройи изом ва акобири кибором ўрус лашкарининг ғалабасидин ваҳмнок бўлуб (*ваҳимага тушиб*), Амир Музаффардин мадад тилаб киши йибордилар. «Агар келса, Хўқанд вилоятин анга берурмиз. Ва барча улуғ ва кичик анинг хизматгузори ва фармонбардори бўлурмиз. Нединким ўрус қўлиға гирифтор

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.46 – 47.

бўлғонимиздин анга мутобаат кўргузгонимиз яхширокдур». Ушбу мазмун била неча мартаба муроса ва мукотабот ирсол қилдилар. Амир Музаффар худ бурундин Хўқанд вилоятининг тасхири бодасидин бадмас, балки махмур эрди, Хўқанд акобирининг йиборгон мактублари мазмунидин маълум қилғондин сўнг бошиға хуморшиканлик дағдағасининг ҳавоси тушуб, кўп асбобу лашкар жамъ этиб, Бухородин озим бўлди. Ва Хўқанд вилоятиға бориб, баъзи акобирининг дастёрлиғи била ул диёрнинг дору-л-мулкига мутарриф бўлди. Ва баъзи умаро ва акобирниким, аларнинг ҳақида бадгумон эрди, ўлтурди. Ва Султон Муродхонни салтанат тахтидин тушуриб, шаҳардин чиқориб йиборди. Ва Худоёрхон ибн Муҳаммад Алихонниким ўзининг мулозиматида бўлур эрди, ўз тарафидин нойиб қилиб, Хўқанд салтанати маснадиға миндурди», – деб қайд этилган[1].

Кўриниб турибдики, воқеаларнинг бундай тус олишидан жуда мамнун бўлган Бухоро амири ушбу таклифни қабул қилган ва Қўқон хонлиги тахтига бу вақтда ўзининг мулозаматида юрган (собиқ Қўқон хони) Худоёрхонни ўтқазган.

Рус ҳукуматининг агентура хабарида ҳам «эшитишимизча, Қўқон хони Худоёрбек Бухоро амирига иккита элчилик юборибди. Биринчи элчилик орқали ўзининг Бухоро тобелигини қабул қилишлигини маълум қилиб, амирдан қўшин билан Қўқонга етиб келишини сўраган» деб қайд этилган[2]. Бухоро амири бу таклифни қабул қилганлигини хабар қилган рус амалдори бундай ҳолат илгари ҳеч қачон бўлмаганлиги ва ҳеч бир ҳукмдор ўз мамлакатини ўз хоҳишига кўра бошқасига топширмаганлигини таъкидлайди. Қўқон хонининг Бухорога юборган иккинчи элчилиги борасида «у шунчалик

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.66.
[2] Записка о происшествиях в степи, о среднеазиатских владениях ... Ф. 61, оп. 1, д. 14, л. 57 – 58.

салобатлики, совғалар ортилган туялар карвони беш верстга[1] чўзилиб кетган» дейилади.

Бухоро амирининг ғалабасини «суюнчилаб» келган мазкур элчиликнинг моҳиятига изоҳ берар экан, Огаҳий дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларининг ўзига хос қоидаси борасида: «Амир Музаффар чун ҳазрат зилли субҳоний [Муҳаммад Раҳимхон II] била ҳамиша мувофақат ва мусодақат (*дўстлик ва садоқат*) кўргузуб, бир-бири била муросалат (*элчилик*) ва мукотабот (*мактублар*) йиборишиб, ҳар турлук воқеъа зуҳурға етса, бир-бирига эълом ва инҳо қилур эрдилар. Лиҳазо, Хўқанд фатҳиға даст топғонин ҳазрат зилли субҳонийнинг мулозимлариға ахбор этмак учун фатҳнома ёзиб, Саидхожа Ўроқға буюруб, суюнчи тариқаси била Хоразм жонибиға ирсол қилди (*юборди*)», – деб мулоҳаза билдиради[2].

Бухоро амирининг ғалабасини маълум қилиш учун келган элчи ўз вазифасини адо этиб бўлгач, «ўттуз кун элчихонаи олийда таваққуф қилиб (*туриб*), осудаҳол ва фориғбол» бўлгач, Хива хони уни ҳузурига чорлаган. Хон Бухоро элчиси Саидхожа Ўроқга подшоҳона илтифотлар кўргизиб, «аллома» лақаби била машҳур бўлган Ҳожи Мухторни ҳамроҳ қилган ҳолда Амир Музаффарнинг ғалабаси билан муборакбод қилиш учун Бухорога юборган. Ҳожи Мухтор ўзига юклатилган вазифани бажаргач, бундан илгари Бухорога бориб, у ерда турган Хоразм элчиси Мусо мутаваллий билан бирга Амир Музаффарнинг қўшган элчиси Саъдуллахожа Ўроқ ҳамроҳлигида ўз юртига қайтган. Бухоро элчиси амирнинг юборган «муволифатнома»си ва шоҳона ҳадяларини Хива хонига тақдим этиб, «элчихона»да 72 кун истиқомат қилиб, меҳмон бўлгач, Аваз Ниёз маҳрам ҳамроҳлигида Амир Музаффар учун

[1] Верст ёки верста 1918 йилда янги метрик тизим жорий этулгунига қадар амалда бўлган эски рус узунлик (масофа) ўлчов бирлиги. Турли даврларда ўзгариб турган: 1 в. = 500 сажень = 1,0668 км.

[2] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.67.

тайёрланган «муҳаббатнома» ва совға-саломларни олиб Бухорога кузатиб қўйилган[1].

Хоразм элчиси Аваз Ниёз маҳрамнинг 1867 йилдаги элчилиги етти ойга чўзилиб кетган эди. Бунга сабаб рус қўшинларининг Тошкент орқали Сирдарёдан ўтиб, Бухоро хонлиги ҳудудларига юриш бошлаганида эди. Хусусан, Хоразм элчиси борган вақда Амир Музаффар Самарқанд ҳимояси учун кетган эди. У элчининг келганидан хабар топгач Бухорода кутиб туришини тайинлайди. Россия империяси қўшинларига қарши жангда енгилиб, бир оз аскари билан Бухорога қайтиб келган амир бир ойдан зиёдроқ шаҳарда кутиб турган Аваз Ниёз маҳрамни қабул қилади. Хоразм элчисига кўп иззат ва эҳтиром кўрсатилиб, мўътабар амирлардан Султонхожа ўроқни элчилик расми билан ҳамроҳ қилган ҳолда кетишга рухсат берилган[2].

Бухоро элчиси ҳам маълум муддат Хива саройида туриб, «элчихонаи олий»да меҳмон бўлгач, унга Фозилхожа шайхл-ислом[3]ни ҳамроҳ қилиб, элчи сифатида «муҳаббатнома» топшириб, Амир Музаффарнинг хизматига кузатиб қўйишган.

Бу орада Бухородан яна бир элчи Амир Музаффарнинг Шаҳрисабздаги исёнкор кучлар устидан қозонган ғалабасини «суюнчилатиб» келган. У 26 кун элчихонада дам олиб, кўпдан-кўп иззату эҳтиромдан баҳраманд бўлгач, Хива хонининг элчиси Ортуқбий ҳамроҳлигида Бухорога қайтган.

Ундан сўнг келган Сулаймонхожа ўроқ ҳам Амир Музаффарнинг Кўлоб ва Ҳисор қалъаларини фатҳ этганлигини «суюнчилатиш» учун юборилган эди.

Шу тариқа турли вазиятда ҳар бир муҳим деб ҳисобланган хабар ва янгиликларни етказиб туриш ҳамда хушхабар-

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.98.

[2] Ўша жойда.

[3] Шайхулислом – хонликда саййидлар авлодидан бўлмиш мусулмонлар жамоасининг бошлиғи. Уламолар пешвоси.

ларни «суюнчилатиш» ва уларнинг «муборакбодлиғи» учун Хива – Бухоро ўртасида деярли мунтазам равишда элчиликлар алмашиниб турган.

Кейинги воқеалар баёнида *Бухоро амирининг элчилари* сифатида Мансурхўжа ўроқ, Саъдуллахўжа ўроқ, Ибодуллоҳхўжа ўроқ, Яҳёхўжа ўроқ, Авлиёхўжа судур, Сулаймонхўжа ўроқ, Имодуддинхўжа ўроқ исмлари тилга олинса, *Хива хонлиги* томонидан Бобобий, Мусо мутаваллий, Раҳматуллоҳ Қоракўз, Бобо иноқ, Муҳаммад Ниёз девонбеги, Фозилхўжа шайхулислом, Муҳаммад Яъқуб иноқ, Қутлуғ Муҳаммад доруға, Қаробаҳодир мироб, Муртазобий, Қубодхўжанинг элчилик ташрифлари манбада баён этилган[1].

«Шоҳиду-л-иқбол»да 1867/1868 йилда Бухорога юборилган Муҳаммад Ниёз девонбегининг «баъзи русуми мулкия ва умури зарурия» келишуви учун борганлиги қайд этилган. Муҳаммад Ниёз девонбеги Бухорога етиб борганда Амир Музаффар рус қўшини билан бўладиган жангга тайёргарлик кўриш мақсадида Кармина вилоятига кетган эди. Унинг ташрифидан хабар топган амир ниҳоятда ҳурсанд бўлиб, дарҳол уни Карминага келтиришни буюрган. Хоразм элчиси билан дилдан суҳбат қурган амир унга алоҳида ҳурмат кўрсатган. Манбада қайд этилишича, девонбеги бир неча муддат у ерда бўлиб, ҳар куни амирнинг мажлисига бориб, «умури зарурийи мамлакат ва рафоҳияти фуқаро ва раият» борасида музокаралар олиб борган[2]. Айни вақтда содир бўлиб турган воқеалардан келиб чиқиб икки ўртадаги музокара ва маслаҳатнинг бош мавзуси Россия империясининг Ўрта Осиёга юриши масаласи эканлиги, жумладан, мамлакат ва фуқароларнинг аҳволи борасидаги чора-тадбирлар муҳокама қилинганлигини англаш мумкин.

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.109, 165,166, 204, 224, 232, 235, 236, 247, 248, 249, 256 268, 269, 270, 273, 274.
[2] Ўша жойда. – Б.208.

Бухоро амири Музаффар рус қўшинларидан енгилиб, Россия империяси билан тинчлик сулҳини тузгандан кейин унинг катта ўғли Абдулмалик Катта тўра бошлиқ мўътабар амирлар ва дин пешволари Амир Музаффардан норози бўлиб унга қарши бош кўтаришган эди. Амир эса исёнчиларни бўйсундириш учун рус ҳукуматидан ёрдам сўраган. Шу боис Бухорода қола олмаган Абдулмалик Катта тўра Шаҳрисабз ҳокимига «Ўрусға бораман» деб ҳийла ишлатган ҳолда 400 дан кўпроқ отлиқ билан Шаҳрисабздан чиқиб, Хива хонидан ҳимоя истаб келган эди.

ЎзР МДА «Хива хонлиги девонхонаси» фондида сақланувчи ҳужжат 1868/1869 йилда Абдулмалик Катта тўранинг Хива хонига йўллаган мактуби бўлиб, унда отаси билан муносабатларининг бузилиши ҳақида атрофлича баён этган. Хусусан, Бухоро шаҳзодаси отаси «кўффор ашрор Самарқанд вилоятини мўсаххар (*забт, истило*) этгандин сўнгра ... ғанимпеша шайтанат андишаларни сўзиға кириб, ... бадгумон бўлуб, ота-болалиғ риштасин бемўрўвватлиғ (*шафқатсизлик*) олмоси ила узиб ... Русияга инқиёд (*итоат*) этиб, жаҳолат ва қабоҳат шароити»ни ҳосил қилганлиги боис Бухородан чиқиб кетганлигини маълум қилган[1].

Огаҳий Бухоро шаҳзодасининг ташрифини «воқеаи тааж-жубафзо» деб таърифлар экан, бу хабар келиши билан Хива хони бениҳоя шафқату мурувват юзасидан, «султон сўнгакин хор қилмас» деган мақолга кўра, унинг «подшоҳзодалигини эътиборга олиб, иззату ҳурмат шароитин бажо келтуруб», кутиб олиш учун юқори мартабали амирлардан Муҳаммад Ризо оталиқ ва Муҳаммад Ниёз девонбегини пешвоз чиқишга буюрганлигини маълум қилади[2].

---

[1] Бухоро амирининг тўнғич ўғли Саййид Абдулмалик (катта тўра)нинг Хива хонига ўз отаси Амир Музаффарга қарши исён кўтаришининг сабаблари ва кўмак сўраш борасидаги макуби. ЎзМА. Ф. И-125, 2-р., 229-й.ж.,1-варақ.

[2] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.220.

Абдулмалик тўра Хива шаҳрига кириб келиши билан у учун махсус тайёрлаб қўйилган Ҳасанмурод қушбегининг Ангарик мавзеидаги ҳовлисига жойлаштирилган. Бир оз дам олгач Бухоро шаҳзодаси Муҳаммад Раҳимхон II нинг *кўринушиг*а келиб, барча воқеани «одоби тамом ва забони малолатанжом (*ғам-ғусса*) била» баён қилиб берган.

«Шоҳиду-л-иқбол»да Хива хони Бухоро шаҳзодасига шу қадар «дилдорлиғлар ва дилжўйлиғлар қилди, ҳеч ато (*ота*) ўз ўғли ҳақида анинг мингдин бирин қилмамиш эрди» деб таъкидланади. Жумладан, унинг эҳтиёжлари учун етарли даражада кунлик маблағ ажратилган, ҳар ойда ўзига бериладиган 1500 тилло ва турли ҳашаматли хилъатлар (*тўн, камзул*) дан ташқари хизматидаги амирлар, сарҳанг ва мулозимларига ҳам умумий қиймати 500 тиллодан зиёд бўлган заррин либослар тайин этилган. Шунингдек, Тўра ҳар қачон кўнгли тиласа «кўрунуши ҳумоюн»га келар, хоннинг эъзозу эҳтиромларига, алоҳида сийловларига сазовор бўлар эди. Асарда кўрсатилишича, Хива хони Тўранинг *подшоҳзодалик* ва *меҳмонлик* мартабасини инобатга олиб «ҳар сўз деса, эшитиб, ҳар на муддаоси бўлса, раво қилур» эди[1].

Аммо, асардан маълум бўладики, Абдулмалик Катта тўра Хоразмда уч ой тургандан сўнг Марвдаги туркманлар орасига кетган. Шаҳзоданинг, яратилган барча шароит ва кўрсатилган ҳурмату эътиборга қарамай, Хоразмда қолишни истамасдан чиқиб кетганлиги «Шоҳиду-л-иқбол»да анча батафсил баён этилган. Хусусан, у ерда изоҳ берилишича, «шаҳзода ёшлик ва ҳавасмандлик юзасидан беандишалик қилиб», Хива хонини ўзининг отаси Амир Музаффар билан душманликка тарғиб этган ҳолда Бухорога юриш уюштириб, отаси билан жанг қилиш учун қўшин сўраган. Муҳаммад Раҳимхон II ёш шаҳзоданинг бу истагини рад этиб, шундай насиҳат қилган: «Ҳоло қистама-

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.221.

ғил, ҳар иш ўз вақтиға мавқуфдур. Агар тиласанг, атонгдин гуноҳингни тилаб, сани атонгнинг хизматиға йибароли. Ва агар бу вилоятда бўлмоқ тиласанг, сани уйлантуруб, санга кўнглунг тилагандин ҳам яхшироқ маъво ва сукано ва мазраъа (*мулк ва мартаба*) тайин этоли, токим ҳар ғам ва малолгардиким, фалак гардишининг ихтилоф ва ихтилоли (*бузилиши*)дин хотиринг кўзгузисиға етгон бўлса, марҳаматимиз сайқалидин маҳв қилғил ва роҳат гулшанида айшу ишрат била ўлтурғил, токим ғайб пардасин қайси воқеа шоҳиди жилвагарлик қилғайу қайси кайфият била мақсад ҳусули (*эришиш*) муяссар бўлғай»[1].

Абдулмалик тўра Хива хонининг панд-насиҳатларини эътиборга олишни истамай, бир неча бор така ва эрсари туркманларининг олдига кетишга рухсат сўраган. Хива хони уни бу йўлдан қайтаришга ҳарчанд уринмасин, охир-оқибат шаҳзода Марвга кетган эди. Унинг хизматидаги аксарият амирлар ва мулозимлар Катта тўранинг хизматидан бош тортиб, Хоразмда қолган ҳамда Муҳаммад Раҳимхон II улар учун керакли шароитларни яратиб, ҳар бирига муносиб маблағлар тайинлаган[2].

Мазкур воқеалар Бухоро тарихига бағишланган «Тарихи салотини Манғития» асарида бутунлай фарқли тарзда баён этилган. Унда келтирилишича, «Бухородан қочиб Хоразмга келган Тўра Урганч хонидан ўзи кутган олижаноблик ва одамгарчиликни кўрмаган». Шунга қарамай, мажбурликдан у ерда бир неча кун тургач, ўзининг хизматида бўлган Абдулкарим тўқсобани Бухоро хонига юбориб, гуноҳидан ўтишни сўраган. Бундан натижа чиқмагач, Абдулмалик тўра Хоразмда қолмай, Чоржўйга йўл олган. Лекин Бухоро амири билан муносабатларини бузишни истамаган маҳаллий ҳокимлар Абдулмалик тўрани қўллаб-қувватлашмаган. Бухоро шаҳзодаси ҳеч кимдан

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.221 – 222.
[2] Ўша жойда. – Б.222.

ёрдам ололмагач, қочиб Балхга, ундан Афғонистонга ўтган ва охир-оқибат Пешовардаги инглиз ҳукумати қарамоғидан жой олиб, умрининг охирига қадар у ерда яшаб қолган[1].

Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, сарой солномалари тарзида битилган ёзма манбаларда Ўрта Осиёдаги учта хонлик ўртасидаги муносабатларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ҳамда минтақадаги сиёсий вазият, шунингдек, ички ва ташқи таъсирлар масаласи атрофлича баён этилган. Шу билан бирга, бу манбаларнинг ҳар қайси воқеа-ҳодисаларни маълум бир томоннинг, яъни Хива, Бухоро ёки Қўқон хонликларининг манфаатидан келиб чиқиб ифодалайди. Шунга қарамай, уларни қиёслаш ва қўшимча манбалар, жумладан, расмий ҳужжатлар билан солиштириш орқали маълум даражада холис хулосалар чиқариш мумкин.

Бухоро ва Хива ўртасидаги элчилик алмашинуви Бухоро амирлиги Россияга бўйсундирилгандан кейин ҳам давом этган. Огаҳий тилга олган сўнгги Бухоро элчилиги 1872 йил 15 августда Хива элчиси ҳамроҳлигида ўз юртига кузатиб қўйилган эди[2].

Шу билан бирга, томонлар ўртасида муносабатлар зиддиятлашган айрим ҳолларда элчилик алмашинувида узилишлар бўлиб турган. Хива – Бухоро ўртасидаги муносабатларнинг зиддиятлашувига сабаб бўлган асосий омиллардан бири икки хонликда ҳам тез-тез бош кўтариб турган ички мухолиф кучларга қўшни хонлик томонидан ҳарбий-сиёсий кўмак берилиши эди. Марказий ҳокимиятга қарши бўлган мухолиф кучлар юзага келган ҳар қандай қулай вазиятда кураш бошлар ва бунда Бухоро ҳукмдорларининг мададига таянар эди. Аксинча, Бухоро хонлигидаги «бебош амирлар» ҳам Хива хонлиги томонидан қўллаб-қувватланган.

---

[1] Мирза Абдалазим Сами. История мангытских государей ... – С.103 – 106, 109.
[2] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.223; Бартольд В.В. События перед Хивинским походом 1873 года ... – С.403 – 404.

Қизиғи шундаки, ўртага элчи қўйиб, хондан гуноҳларини ўтишни сўраган исёнкор беклар ва амирлар «гўрг оштий» (*бўри яраш*), яъни мажбурият юзасидан мунофиқлик битимини тузишиб, қайта-қайта «шайтон иғвоси»га учраб, яна кураш олиб борганлар. Жуда кўп ҳолларда исёнкор амалдорлар қайта-қайта кечирилиб, нафақат афв этилган, балки отасининг ёки ўзининг илгариги лавозимига тайинланган. Бу ҳолат манбаларда «...отасининг дўстлиғ ва якжиҳатлик ҳуқуқин риоя қилиб ўлдурмади» ёки «...мансабин шафқат этти» деб кўрсатилади. Узоқ ўн йилликларга чўзилган адоват ва мухолифатга нисбатан бу қадар мурувватнинг боиси мушоҳада қилиб кўрилса, аввало, исёнкор шахс ота-бобосининг ҳукмдорга кўрсатган садоқати ва кўп йиллик беминнат хизмати эътиборга олинганлиги кўзга ташланади. Шунингдек, бу амалдорлар иқтисодий жиҳатдан хонликнинг юқори табақа вакиллари орасида катта нуфузга эга бўлиб, керакли вазиятларда Хива хонига ҳам ўз сармояларидан молиявий ёрдам кўрсатиб турган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Шунингдек, бу амалдорлар керакли вазиятда дипломатик маҳоратини ишга солиб сулҳ таклиф қилишни билишган. Айниқса, бу борада ўртага тушган вакил – мўътабар шахснинг диний ва сиёсий мақоми алоҳида ўрин тутган. Қолаверса, лавозимларга қўйишда алоҳида диққат қаратиладиган «асллик ва тоза насллик» мезонига жавоб берадиган, шу билан бирга, етакчилик қобилиятига эга бўлган шахсларга ҳар қандай ҳолатда ҳам алоҳида эътибор билан қаралганлиги тарихдан маълум.

«Фирдавс ул-иқбол»да ана шундай исёнкор шахслардан бўлган Бобобек борасида фикр билдирилар экан, «Бобобек бағоят фозил ва донишманд киши эрди. Базми фузало ва шуаро суҳбатидин холи эрмас эрди. Аммо, на судким, шарорат ва фитнаангезликдин бир замон осуда бўлмади. Кўп ноҳақ қон-

лар тўкулмакка боис бўлди» деб тавсиф берилган[1]. Албатта, бундай мунофиқликнинг замирида ўзининг сиёсий ва иқтисодий мавқеини кучайтириш манфаати ётганки, бу амалдорлар қулай фурсат етганда қўшни давлат ҳукмдорлари кўмагида ўз мақсадларига эришишни ўйлаганлар.

«Марв масаласи» Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг ўзаро алоқаларига путур етказган яна бир омил бўлиб, Марв вилояти ва унинг атрофидаги ҳудудлар борасидаги сиёсий рақобат ҳамда бу ерда истиқомат қилувчи туркман уруғларининг гоҳ у, гоҳ бу томонга ён босиб, икки ёқлама ҳаракат олиб борганликлари жиддий оқибатларга олиб келар эди.

Бухоро – Қўқон муносабатларидаги зиддиятли ҳолат Хива ва Қўқон хонликларини ўзаро дўстлик алоқаларини ушлаб туришга ундаган. Кўп ҳолларда Хива хонлиги қўшинларининг Бухоро ҳудудларига юриши Қўқон хонлигига ҳужум қилган Бухоро ҳукмдорининг ҳарбий ҳаракатларини тўхтатиб қўяр, бу билан вазиятнинг Қўқон хонлиги фойдасига ҳал бўлишига сабаб бўлар эди.

Учала хонлик ўртасидаги муносабатларнинг эътиборли жиҳати сифатида шуни кўрсатиб ўтиш мумкинки, Хива хонлиги бир вақтда ўзаро зиддиятлашган Бухоро ва Қўқон хонликлари билан дипломатик алоқаларни олиб бораверган. Албатта, сарой тарихчилари «мунофиқлик ва бевафолик» деб кўрсатган ҳолатларнинг ҳаддан ошиб кетиши маълум муддат Хива ва Бухоро хонликлари ўртасида элчилик алмашинувининг тўхтаб қолишига олиб келган.

Хонликлар ўртасидаги элчи алмашинуви, ўз навбатида, дипломатик этикет ва элчилик хизматининг ўзига хос тартиб-қоидалари борасида ҳам тасаввур беради. Ҳар икки тараф элчиларни кутиб олар экан, дилкушо жойга ёки мусаффо саройга жойлаштириб, иззату эҳтиромларини бажо келтирганлари

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.158.

ҳамда бир неча муддат «элчихонаи олий»да «таъзиму икром била меҳмондорлиғ» қилгандан сўнг кетишга рухсат берилган. Элчиларни қабул қилиш борасида эса «кўрунуши олий»га чорлаб, кўпдан-кўп «навозишлар кўрсатилган»лиги, ҳар икки ҳукмдор бир-бирларига шоҳона ҳадялар билан бирга мактуб бериб, ўз тарафидан элчи қўшиб юборганларини кўриш мумкин. Аксарият ҳолларда бирор хушхабарни «суюнчилатиш» ёки жанг бўлиб турган ҳоллардан ташқари юборилган элчиликнинг аниқ мақсад ва вазифалари манбада кўрсатилмаган. «Муҳаббатнома» ёки «муволафатнома» бериб юборилгани ҳақидаги маълумотлардан кўриш мумкин бўладики, бу элчиликлар ўртадаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ва икки томоннинг бир-бирига нисбатан яхши қўшничилик муносабатларида эканлигини билдириб туриш учун деярли мунтазам равишда алмашиниб турилган.

Афсуски, айни Ўрта Осиё масаласида инглиз-рус рақобати авж олган ва уларнинг бу ҳудудларга нисбатан мустамлакачилик ҳаракатлари кучайган бир пайтда Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари ўзаро ҳамкорлик қилиш ўрнига Эрон, Россия ва Англия давлатлари вакилларига бир-бирларини ёмонлаш йўлини тутган. Бу эса уларнинг заифлашиб, ташқи душманга қарши тура олиш қобилиятини йўқотишига олиб келган. Иттифоқчилик қилиш учун Ўрта Осиё хонликлари ўртасида элчилар алмашинуви йўлга қўйилганда эса вазият қўлдан бой берилган, Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигининг катта ҳудудлари Россия империяси қўшинлари томонидан босиб олинган эди.

## 3.2. ХИВА ХОНЛИГИ ВА ЭРОННИНГ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИ

XVIII асрнинг 70-йилларида ҳокимият тепасига келиб, XIX асрда ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш йўлида кўплаб ички ва ташқи таъсирларни енгиш учун ҳаракат олиб борган Хива Қўнғиротлари (1770 – 1920) ва Эрондаги Қожорлар сулоласи (1796 – 1925) тарихида ўхшаш ёки бир-бирига параллел равишда кечган сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни кузатиш мумкин. Турли уруғлар ва этник гуруҳларнинг марказий ҳокимиятга қарши ҳаракатлари, саройдаги фитналар ҳамда мухолиф гуруҳларнинг қўшни давлатлар билан ҳамкорликлари ҳукмрон сулола вакилларини доимий равишда ўзларининг ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш ва мамлакат ичида ҳамда чегарадош ҳудудларга ҳарбий юришлар уюштириб туришига туртки бўлган.

XIX асрда бевосита Эрон ва Хива хонлиги ўзаро элчилик муносабатларининг асосини ташкил этган муҳим омиллар сифатида чегарадош ҳудудларга уюштириладиган ўзаро «оломон» юришларининг авж олиши, оқибатда кўплаб асирлар қўлга олиниши, айниқса, бу даврда Ўрта Осиё, жумладан, Хива бозорларидаги «қул савдоси», Хуросоннинг чегарадош ҳудудлари борасидаги рақобат, шунингдек, инглиз ва рус ҳукуматларининг Хива – Эрон алоқаларига аралашуви сингари масалаларни кўрсатиш мумкин.

Шу жиҳатдан, бу вақтда Хива хонлигининг Эрон шоҳлари билан муносабати мураккаб ва зиддиятли эди. «Тарихи Туркистон»да Муҳаммад Раҳимхон I нинг қўшни давлатлар билан муносабатларига баҳо берилар экан, «...Эрон шоҳлари билан

ҳам ҳар вақт можаролари бўлуб, Астробод тарафлариға қўшун юборар эди», – деб кўрсатилади[1].

Эътибор бериш лозимки, Хоразм манбаларида Хива хонларининг Эрон ерлари ёки чегарадош ҳудудларга уюштирган юришлари дин йўлида қилинган муқаддас уруш – «ғазот ёки ғазовот» деб асосланган.

Бу юришларнинг уюштирилган санасига эътибор қаратилса, аксарият ҳолларда улар рамазон ойига тўғри келган, айниқса, юришга жума куни чиқилганлиги буни ўзига хос «мўъжизакор ғалаба»ларни таъминлаш асоси деб ҳисоблаганидан далолат беради.

«Зубдату-т-таворих»да Раҳимқулихоннинг Марвга юриши (1844) «рамазону-л-муборак ойининг саккизинчиси, *жума куниким*, соатлар асъади ва вақтлар аршади эрди» деб таъкидланади[2].

«Тарихи Туркистон»да хоразмликлар Эрон аҳолисини «кофир ва вожибул қатл» деб ҳисоблаб, уларни рофезий (*кофир*) лақаби билан аташликлари қайд этиб ўтилган[3]. Шу жиҳатдан, бу даврда Ўрта Осиё, жумладан, Хоразмда форс асирларини қул қилиш авж олган эди.

Эрон элчиси Ризоқулихоннинг эсдаликларида келтирилган бир маълумот бу юришларнинг шаръий жиҳатдан қонунийлаштириб олинганлиги ҳақида тасаввур беради. Хусусан, «Сафаротномайи Хоразм»да Хива хони Муҳаммад Аминхон (1846 – 1855)нинг Сарахсга юриши баён этилар экан, бу сафарда ҳалок бўлганлар қаторида эронликлар билан бўладиган жангга, яъни «жиҳодга фатво бериш учун» ҳамроҳ бўлиб келган Хоразм қозиси ҳам тилга олинган. Кўриниб турибдики, Хуросон юришларини *вожиб*, яъни буюрилган амал сифатида нафақат оқлаш, балки унга муқаддас «жиҳод» ҳаракати ва дин

[1] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.195.
[2] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих ... – Б.46 – 47.
[3] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.196.

йўлида савоб учун қилинган ҳаракат тусини бериш мақсадида хонлар бу ишга *фатво – изн, оқ фотиҳа* берувчи дин пешволарини ҳам ўзлари билан бирга сафарга олиб чиқишган.

Бу ҳаракатлар диний қарашлар билан ниқобланган бўлиб, уларнинг замирида, аввало, иқтисодий манфаат ётганлигини эсдан чиқармаслик лозим. Зеро, XIX асрда аж олган қул савдоси трансминтақавий миқёсда жуда катта даромад манбаига айланган эди. Бу юришларда асир тушганлар қимматли ўлжа сифатида туркман, ҳазора ва бошқа қабилаларнинг «қул жаллоб»лари, яъни қул бозорларига «жонли мол» етказиб берувчи савдогарлар ҳамда ўртада воситачилик қилувчи даллолларнинг ҳаракатлари туфайли Хива бозорларига кўплаб форс асирлари олиб келинар эди. Шу билан бирга, қул савдосининг авж олишида Хуросондаги айрим амалдорларнинг ўзлари ҳам катта рол ўйнаган. Эронлик муаллифларнинг ўзлари ҳамда европалик тарихчиларнинг берган маълумотига кўра, пора ва пул эвазига Хуросондаги баъзи амалдорлар ўз ватандошларининг асирликка тушишига замин яратиб беришар эди[1].

Шу жиҳатдан, XIX асрда Эрон ва Хива хонлиги ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг асосини асирларни озод қилиш, қул савдосини тўхтатиш каби масалалар ташкил этган. Асирга тушганларни озод қилиш эса жуда мураккаб масала бўлиб, катта миқдордаги тўлов эвазига амалга оширилган ва кучли дипломатик маҳоратни талаб қилган.

Ўзаро сиёсий зиддиятларга қарамай, манбаларда Хива хонларининг Хуросонга ёки қўшни дашт ва бошқа чегарадош ҳудудларга юришлари чоғида у ердаги қалъа ва вилоят ҳокимлари билан олиб борилган элчилик алоқалари ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Хусусан, 1812 йилда Муҳаммад Раҳимхон I Дашти Қипчоқда тартиб ўрнатиш учун сафарга чиққан вақтда атрофдан турли ҳукмдорларнинг эл-

[1] Бекжонов И., Полвонов Н. Муқаддима // Хоразм сафари кундаликлари ... – Б.6.

чилари келган. Улар орасида Хуросондаги Машҳад, Дарагаз ва Тажан ҳокимларининг элчилари ҳам бўлган. Жумладан, Дарагаздан Беглархон элчиси, Калот ҳокими Фатҳалихондан ва Қучанд ҳокими Ризоқулихондан элчилар ташриф буюришган. Қабул маросими ва совға-салом алмашишдан сўнг Хива хони уларга ўзининг элчиларини қўшиб Машҳадга шаҳзода Вали ҳамда Дарагаз ҳокими Бегларбегихон ҳузурига юборган[1].

«Фирдавс ул-иқбол»да баён қилинишича, Бом[2] ҳокими Саодатқулихон ўзининг ишончли бекларидан эллик киши билан ташриф буюриб, пешкаш (*совға*) сифатида тўрт от ва тўрт хачирни Хива хонига тақдим этишган. Муҳаммад Раҳимхон I ҳам уларга шоҳона зиёфат бериб, қимматбаҳо хилъатлар (*устки кийим – тўнлар*) билан сийлаб жўнатган[3].

1813/1814 йилда Курдистон, яъни Хуросоннинг сунний мазҳабидаги Курд хонлигидан келган элчилар ҳам «олти от ва уч нафис пўтаи қийматбаҳо»ни хонга ҳадя этишган. Элчиларнинг мақсади Қожорлар, яъни Эрон давлати билан урушганлигини хабар қилиш бўлиб, бу вақтда *Қизилбош* (Эрон) элчилари ҳам Хива хони ҳузурига ташриф буюришган ва хон уларни муносиб тарзда қабул қилиб, «эҳсони подшоҳона ва инъоми хусравонадин сарафроз этиб», кетишга рухсат берган[4].

Муҳаммад Раҳимхон I шикорга чиққан вақтида (1813/1814) Машҳади муқаддас ҳокими шаҳзода Вали Мирзо номидан Кундўғди қози ва Исмоил қози элчи бўлиб келишган. Улар келтирган хатда «ихлос ва якжиҳатлик» ҳамда «ақди ихват» (*биродарлик аҳди*) изҳор қилинган эди. Шу жараёнда Машҳад-

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.394.
[2] Бом – Шимолий Хуросондаги вилоят.
[3] Ўша жойда. – Б.406 – 407.
[4] Ўша жойда. – Б.410.

нинг *бекларбеги*[1] Қиличхондан ва Турбат[2] *ҳокими* Исохондан китобат *(мактуб)* келган эди. 1814 / 1815 йилда келган бу элчиларга хон «сарупойи шоҳона кийдириб», ўзининг ишончли вакилларидан қўшиб кетишга рухсат берган[3].

Муҳаммад Раҳимхон I нинг 1816 йил охири – 1817 йил бошларидаги Хуросон юриши чоғида маҳаллий ҳокимлардан Нажафалихон ва Ризоқулихон, шунингдек, Эрон шоҳининг элчилари хон ўрдусига ташриф буюришган. Хон келган элчиларга рухсат бериб, уларнинг ҳар бирига ўзининг вакилини, жумладан, *Қизилбош* элчиларига Бекниёз ноибни қўшиб юборган. Маълум муддатдан сўнг Бекниёз ноибга ҳамроҳ қилиб «Қизилбошиядин Нажафалихоннинг қозиси мулло Муродали, ўзга хонларнинг элчилари била ...изҳори инкисор ва убудият (*итоат*) қилиб келди» деб кўрсатилади манбада[4].

Бу даврда Хуросонда авж олган ўзаро ички курашлар Хива хонининг бу ҳудудга тез-тез юриш қилишига сабаб бўлар эди. Ўзаро бир-бири билан зиддиятлашган ҳокимлар Хоразмдан ёрдам олишга интилишар эди. Ҳудуддаги сиёсий жиҳатдан беқарор бўлган гуруҳлар, жумладан, турли туркман уруғлари бошлиқларининг минтақадаги кучлар нисбатидаги ўзгаришларга қараб гоҳ Хива хонлиги, гоҳ Эрон давлати қўл остига ўтишлари бу икки давлат ўртасидаги муносабатларга жиддий таъсир кўрсатар эди. Айниқса, бу даврда Эроннинг асосий рақибларидан бирига айланган Афғонистон давлати бевосита Хива хонлиги билан иттифоқчилик қилишга интилган. Бу эса Хива – Эрон муносабатларига салбий таъсир кўрсатган яна бир қўшимча омил эди.

---

[1] Бекларбеги – кўпроқ кўчманчи халқларнинг оқсоқолларига берилган фахрий унвон. Солиқлар ва закот йиғишини сарой хазинасига топширгунга кадар назорат қилган. Таъсири кучли қабилалар намояндаларига берилган.

[2] Хуросондаги вилоят.

[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.412.

[4] Ўша жойда. – Б.419 – 420, 423.

1817 йил декабрида Маҳмудшоҳ афғоннинг ўғли шаҳзода Комрон Хива хонига элчи ва нома юборган. Шу вақтда Сарахс ҳокими Ҳакимхоннинг элчиси ва маҳаллий беклардан бўлган Бунёдхон ҳазоранинг «ихлосномаси» ҳам етиб келган. Шаҳзода Комрон мавжуд вазият, жумладан, тахт учун авж олган курашлар ҳақида Хива хонига деярли мунтазам равишда хабар юбориб турган. 1818 йилда афғон вазири Фатҳихоннинг қариндоши Кадайхон Хивага афғон шоҳи Маҳмуд ва шаҳзода Комроннинг «ихлосномаси»ни келтирган[1].

Хива хонининг 1818 йилда Хуросонга қилган навбатдаги сафари чоғида афғон элчиси Мирзо Абдулкарим, Дарагаз элчиси Давлат бахши ва Қучанд элчиси Муршидбек Карбалоий ҳамда Нажафалихон элчиси Тақий (Тақиқул) курд уч от пешкаш билан келишган. Муҳаммад Раҳимхон I Маҳин мавзесида[2] турган чоғида Нажафалихон ўз элчиси Тақиқул орқали юборган хатида Дарагаз ҳокими Беглархоннинг унга тобе бўлганлигини маълум қилиб, «...икки давлат бирдур, Беглархоннинг мамоликин хароб қилмасунлар» деган мазмунда илтимоснома йўллаган эди. Манбадаги маълумотдан Хива хони элчига маълум бир кўрсатмалар ёки ўзига хос танбеҳ бериб жўнатганлигини англаш мумкин. Хусусан, «ул ҳазрат Тақиқулни сиёсатлар била қайтарди» деб хабар берилади «Фирдавс ул-иқбол»да[3].

1819 йилнинг октябрида Ризоқулихон ва Нажафалихоннинг «ихлоснома»сини келтирган элчиларни ҳам Хива хони муносиб тарзда кутиб олиб, ўзининг мулозимларидан Аваз юзбоши ва Бекниёз ноибни қўшиб, кетишга рухсат берган. Уларнинг «ихлоснома»сига жавобан Хива хони «...агар сўзларида рост бўлсалар, ини ва ўғлонларин навкари била қўшуб юборсинлар» деган хабарни етказишни сўраган эди.

---

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.431 – 432.
[2] Марв яқинидаги туркманлар мавзеси.
[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.435.

Манбада келтирилган маълумотлар ушбу келишувнинг амалга ошганлигини кўрсатади. Хусусан, 1819 йил декабрида «*Қизилбош* хонларининг ўғлонлари изҳори убудият (*итоат*) қилиб, мулозиматға келдилар. Андоққим, Нажафалихоннинг ўғли Искандархонким, ўн икки ё ўн уч ёшида эрди ва Ризоқулихоннинг амакиваччаси Шарафхон ибн Оллоҳбердихон ва Беглархоннинг холаваччаси Каримхон эрдилар» деб санаб ўтилган манбада[1]. Ўша ерда қайд этилишича, Хива хони уларни эҳтиром билан кутиб олиб, шоҳона зиёфат бериб, «бори ом», яъни умумий қабул маросимига таклиф этган ҳолда «заркаш либослар била мулаббас қилиб (*кийдириб*), саркаш отлар миндириб сарафрозлиғ бағишлаган».

Муҳаммад Раҳимхон I 1820 йилда пойтахтга қайтгандан кейин ҳам Хуросондан элчилар келиб турган. Жумладан, Курдистондан мулло Муродали «изҳори ихлос ва убудият қилиб» келган ва хоннинг қабулига киришга мушарраф бўлган.

Муҳаммад Раҳимхон I нинг мавқеи мустаҳкамланиб боргани сари Хуросон ҳокимлари доимий равишда ўз элчиларини юбориб туришган. 1822 йил май ойида ҳам хон сафарга чиқиб Сайёд ҳовлисига етганда Ҳирот вилоятининг ҳокими Маҳмудшоҳнинг элчиси «афғония жамоасининг пешвоси» ҳисобланган Кайдухон келиб, ўз подшосининг «ихлосномаси»ни топширган. Огаҳий бу ҳолатга изоҳ берар экан, «...чун ҳазрат соҳибқирони жаннатмаконнинг сейти салобати ва овозаи маҳобати ён-атрофга ёйилгач, қўшни ҳудуд ҳокимлари хон ҳазратларининг ҳимоятида бўлиш истагини билдиришган» деб таъкидлайди[2]. Шу жумладан, 1824/1825 йилда хон шикор ҳаваси билан сафарга чиқиб, Хўжаэли мавзесига етганда Ҳирот ҳокими шаҳзода Комрон ўзининг ишончли кишиларидан Ҳакимхонни элчи қилиб «иттиҳод ва якжиҳатлик бобида муҳаббатнома» юборган.

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.444.
[2] Ўша жойда. – Б.462.

Келтирилган маълумотлар Хива хонларининг «Хуросон юришлари» ҳам, бу ердаги Эрон ва Афғонистон давлатлари қўл остидаги ёки айрим мустақил ҳокимларнинг Хива хонлари билан элчилик алоқалари ҳам мунтазам амалга оширилганлигини кўрсатади.

Муҳаммад Раҳимхон I дан кейин тахтга ўтирган Оллоқулихон (1825 – 1842) ҳам мамлакатнинг тартиби ва аҳолининг осойишталигидан кўнгли тўлгач, шахсан ўзи, яъни «ўз нафаси нафиси била отланиб», Эрон томонга йўл олган[1].

Бу даврда ҳам «Ҳирот масаласи»да, хусусан, Эронга қарши курашда Ҳирот ҳокими Хива хонининг энг яқин иттифоқчиси бўлиб қолаётган эди. Бу вақтга келганда шаҳзода Комрон отасининг ўрнига тахтга ўтирган бўлиб, «Риёз уд-давла»да: «Эрон мамоликининг подшоҳи фармонравоси Фатҳалишоҳ қожорким, Бобохон шоҳға машҳур, шоҳ Комроннинг азалий душмани эди», – деб кўрсатилади[2]. Шу жиҳатдан, Оллоқулихон ўзининг тахтга ўтирганлиги муносабати билан ўзига «некхоқ ва дўстдор бўлган атроф ва акнофдоғи қилъо ва билод ҳокимлари» қаторида ҳамиша садоқат ва дўстлик муносабатларида бўлиб келган Ҳирот вилоятининг ҳукмдори шоҳ Комронга ўзининг ишончли мулозимларидан Ҳасанмурод маҳрамни элчи қилиб юборган[3].

Отасидан илтимос қилиб Сарахс юришига рухсат олган Хоразм шаҳзодаси Раҳимқули тўра ҳам шоҳ Комрон билан иттифоқ бўлиб иш тутган. «Риёз уд-давла»да келтирилишича, Хоразм шаҳзодаси ўз элчисини Ҳирот мамлакатининг подшоҳи шоҳ Комронга юборган вақтда унинг отаси шоҳ Маҳмуд ўғлига тожу тахтни топшириб, ўзи Рубаҳ шаҳрида қарилик гаштини суриб ўтирган эди. Огаҳий ибораси билан айтганда, юборилган мактубни олгач «ота ва ўғул олтун топғон қул

---

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.40.
[2] Ўша жойда. – Б.47.
[3] Ўша жойда. – Б.19.

ёнглиғ хурсанд ва хуррам бўлуб», бир элчини ҳамроҳ қилган ҳолда қимматбаҳо туҳфалар ва «ихлоснома» мазмунидаги мактуб билан мурожаат этишган[1]. Хатда Хива хонига бўлган ихлосмандлик уларнинг жамоасига ота-боболаридан мерос бўлиб қолганлиги, Яратган томонидан берилган ушбу давлатга эгалик қилиш ҳам айнан Хоразм хони хонадонининг ёрдами ва илтифоти туфайли эканлиги алоҳида қайд этилган. Бу яхшиликларга жавобан «ихлоснома»да «...ул жаноб (*Хива хони*) хизматларин ўзимизга лавозим билмакдурур» деб ҳарбий мадад керак бўладими, моддий кўмакми, бехижолат буюришлари мумкинлиги билдирилган[2].

Огаҳий ўртадаги ҳамкорликка изоҳ берар экан, шоҳ Комроннинг Хива хонига элчи юбориб, Эронга қарши ёрдам сўраб қилган илтимосларига Оллоқулихоннинг шахсан ўзи Хуросон юришига отланган вақтда жавоб бериш фурсати етган эди деб таъкидлайди. Шу жиҳатдан, шоҳ Комрондан келган навбатдаги элчиликка жавобан Оллоқулихон ўзининг мулозимларидан Ҳасанмурод маҳрам ва Мирзо Ҳусайн табиббошини «иноятнома» бериб юборган.

Хива хонининг деярли ҳар йили мунтазам равишда уюштирган Эрон юришлари бевосита «жиҳод савоби»дан ташқари Хуросон ҳудудидаги туркман уруғларининг бирор гуруҳи ёки у ердаги бирор вилоят ноибларининг Хива хони итоатидан чиқиб, исён кўтариши ёки Эрон давлати тобелигига ўтиб кетиши билан ҳам боғлиқ бўлган. Хусусан, Оллоқулихоннинг Эрон мамлакатига иккинчи бор юришига қўшимча сабаб сифатида Обивардда ўтирган туркманларнинг акобирлари (*улуғлари*)дан Тоштемир арбобнинг хонга «баъзи худпараст... ва суст эътиқод, паст фитрат кадхудоларимиз куффор аҳли (*Эрон қизилбошлари*)нинг навозиш ва хушомадиға илиқиб, амрига тобеъ ва буйруқига мутеъ бўлубдururлар» деб етказ-

---

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.139.
[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.34.

ган арзу додлари кўрсатилган манбада. Огаҳийнинг таъбирича, «Тоштемир арбобнинг мундоқ арзи» Эрон сафари ва кофир жиҳодига «боис ва илова бўлган» эди[1].

Қайд этиш лозимки, Эрондаги Қожорлар давлати дастлаб баҳсли масалаларни, можароларни бевосита Хива хонлиги билан дипломатик келишув орқали ҳал этиш йўлини эмас, Россия ва Британия империялари орқали таъсир этиш йўлини тутган[2]. Албатта, бунинг айрим объектив сабаблари ҳам бор эди.

Эронлик олим Ҳ. Муъиззий Эрон ҳукуматининг бу даврда Россия империяси билан муросачилик муносабати борасида ўз мулоҳазаларини билдириб, бир қатор омилларни кўрсатиб ўтади. Хусусан, Биринчи рус-эрон урушидан кейин тузилган «Туркманчой шартномаси» (1813) нафақат оддий халқ орасида Қожорлар нуфузининг тушиб кетишига, балки Эрондаги юқори табақа вакилларининг қаттиқ норозилигига ҳам сабаб бўлган эди. Шу боис 1816 йилда Эрон шоҳи Санкт-Петербургга мурожаат этиб, шартномага баъзи ўзгартиришлар киритиш, хусусан, Кавказнинг айрим ҳудудларини Эронга қайтаришни сўраган[3]. Ушбу мурожаатга жавобан Россия ҳукумати 1817 йилда ўз элчисини Эронга юборган. Икки ўртадаги музокараларда рус ҳукумати Ширвон, Ганжа ва Толеш каби ноҳияларнинг айрим қисмларини беришга рози эканлигини, лекин бунинг эвазига Эрон тарафи ҳам ўз зиммасига баъзи мажбуриятларни олиши лозимлигини билдирган. Ушбу масалага тўхталиб ўтган Ҳ. Муъиззийнинг кўрсатишича, мажбуриятларнинг битта банди бевосита «Хива масаласи»га тегишли бўлиб, унга кўра, рус савдогарларига Хоразм аҳолиси

---

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.100 – 101.

[2] Н. Полвонов ва И. Бекжонов ҳам Эрондаги Қожорлар ҳукумати Хива хонлигига қарши курашда дастлаб Россия ва Англияга ёрдам сўраб мурожаат этишганлигини таъкидлашган. Қаранг: Бекжонов И., Полвонов Н. Муқаддима // Хоразм сафари кундаликлари ... – Б.5.

[3] Mu'izzi, Husam. Tarikh-i rawabit-i siyasi-i Iran ba dunya ... – S.421.

томонидан етказилаётган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида Эрон давлати Хива хонлигига қўшин юбориб, мунтазам равишда у ерда сақлаб туриши керак эди. Шу билан бирга, талабномада Эрон ҳукумати рус давлатига Астробод ёки Хуросон йўли орқали Хоразмга қўшин юборишга рухсат бериши сўралган[1]. Муаллифнинг қайд этишича, генерал А.П. Ермоловнинг ушбу талаблари Эрон ҳукумати истакларига мувофиқ келмаганлиги учун музокара ниҳоясига етмай қолган. Тарихдан маълумки, ўртадаги келишмовчиликлар туфайли Иккинчи рус-эрон уруши ҳам бўлиб ўтган. Шундай бўлса-да, мавжуд маълумотлар Эрон ҳукумати XIX асрнинг 40-йилларига қадар Россия императори билан ҳамкорлик қилганлигини кўрсатади.

«Риёз уд-давла» асарида Оллоқулихоннинг тўртинчи бор Хуросонга юришига бош сабаб кўрсатилар экан, Эрон шоҳи Бобохон (*Фатҳалишоҳ*)нинг ўғли Аббос мирзо катта қўшин тўплаб, «жаҳонгирлик талаби» билан Машҳадга келиб жойлашганлигига урғу берилади. Манбадаги маълумотлар кўрсатадики, унинг катта шижоат ва жасурлик билан ҳаракат қилишига сабаб бу даврда қожорлар ҳукуматининг Россия империяси билан иттифоқчилик қилаётганлигида эди. Чунки Фатҳалишоҳ тахтга ўтириши билан Россия императори Эронга юриш бошлаган ва у русларнинг кучли қўшинига бас кела олмаслигини англаб, улар билан келишиш йўлига ўтган эди. «Риёз уд-давла»да баён этилишича, Эрон шоҳи ўғли Аббос мирзони музокара учун юбориб, «Хоразм ўзбакларидан Эрон мамлакатига етган ситам ва бедодликлардан чеккан изтироблари» ҳамда туркман уруғларининг ҳужумларидан Хуросоннинг аксар қалъалари вайрону хароб бўлганини «фарёду афғон кўтариб арз қилган» эди. Шу жиҳатдан, Эрон шоҳи Хуросон вилоятларини, шунингдек, манбада таъкидланиши-

[1] Mu'izzi, Husam. Tarikh-i rawabit-i siyasi-i Iran ba dunya ... – S.422.

ча, ўзининг азалий орзуси бўлмиш Хоразм ва Бухоро мамлакатларини фатҳ этиш учун рус подшосидан кўмак тилаган. Рус подшоси ҳам ўз манфаатидан келиб чиқиб, хусусан, Ўрта Осиё хонликларини заифлаштириш ҳамда у ерда ўзининг иқтисодий ва сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун Эрон давлати билан иттифоқчилик қилишга қарор қилган эди. Манбада маълумот берилишича, «Русия подшоҳи ... бир сипоҳдори коразмони (*ишбилармон қўмондон)* бош қилиб, кўб черик (*қўшин*) ва тўпхона била онга мададкор ва йўлдош этган»[1].

Аббос мирзо рус подшосидан барча сўраганларини олиб, кучли бир фахру ифтихор туйғуси билан Машҳад қалъасига келиб жойлашган. Машҳадга 12 минг сарбоз, 30 ароба тўп, оташхона (*оловхона*) ва шунга лойиқ сипоҳ билан келиб жойлашган Эрон шаҳзодаси Хуросон атрофидаги қалъа ва вилоят ҳокимларига элчилар юбориб, уларни Хива хонига қарши қўзғашга ҳаракат қилган. У «Хуросон халқи»га мактуб йўллаб, уларни ўз ҳимоясига олишини билдирган. Хусусан, «эй Хуросон халқи, билинг ва огоҳ бўлингларким, бундай беҳисоб лашкар билан сафар машаққатларини чекиб Хуросон вилоятига келишимнинг сабаби сизнинг бошингизни силаб, лутф кўрсатиш ва юртингиздан нопок ва разил кишиларнинг қўлини калта қилиб қўйишдир» деб мурожаат этган. Мактубда Хива хони ва хоразмликларнинг шиа мазҳабини «мазҳаби ноҳақ» билиб, шиаларни қул қилишларига урғу бериб, «агар ўзбакия тоифаси масоф талаби била қоршу чиқса», яъни юзма-юз туриб баҳслаша олса, «уламойи мунозара гуруҳ ва фузалойи динпарварнинг каломи» билан суннийларни мағлуб этишларини маълум қилган[2].

Огаҳийнинг баён этишича, Хива хонининг «қадами марҳаматпарвардаси ва самимий намакхўрдаси» бўлган Хуросон хонлари, жумладан, Маймана, Андху, Шибирғон ва бошқа ви-

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.125.
[2] Ўша жойда. – Б.126.

лоят ҳокимлари бу хабарни олишгач, барчаси ўзаро маслаҳатлашиб, Ҳирот волийси шоҳ Комрон бошчилигида ёрдам сўраб Хива хонига элчи юборишган. Бўлаётган ҳодисалардан хабар топган Хива хони катта қўшин тўплаб, ўзи шахсан юришга отланган. Шу билан бирга, вазиятни қўлга олишга уринган хон атрофдаги вилоят ҳокимларидан келган арзадоштларга (*арзномалар*) жавоб йўллаб, уларни ўз мақсадлари йўлида собит туришга даъват этган.

Аббос мирзонинг «диний мунозарага даъвати» боис Хива хони катта қўшинни ҳозирлаш билан бирга «уламойи динпарвар ва фузалойи диққатгустар бир гуруҳни», жумладан, қози Мусохўжа эшон, муфтий Саъдиддин эшон, Хожа Иброҳим раис, эшон Саййид Қосимхўжа раис ва домла Иброҳимни ўзига ҳамроҳ қилган эди[1].

1832/1833 йилда Оллоқулихон Хуросонга йўл олар экан, ёнида келаётган Ҳирот элчиси мирзо Абдулқосим келтирган мактубга мувофиқ жавоб тайёрлатиб, унга ўз мулозимларидан Отажон махзум, Саййидниёз маҳрам ва Эрниёз маҳрамни қўшган ҳолда шоҳ Комрон ҳузурига юборган.

Ҳ. Муъиззийнинг берган маълумотларида Аббос мирзо Сарахсни ўз тасарруфига киритиб, у ердаги 5000 нафар туркманни асир олиши муносабати билан Оллоқулихон томонидан юборилган элчилик кўрсатиб ўтилган. Унинг қайд этишича, «Хоразм подшоси Оллоқули тур» (*маккор* ёки *жаҳлдор*) 1832/1833 йилда ўз элчисини 5000 туман пул ва ариза бериб Аббос мирзо ҳузурига юборган[2]. Оллоқулихон аризада келтирилган бир қатор шартлар, жумладан, солур қабиласининг бундан кейин Хуросон ҳудудига ҳужум қилмаслиги ва одамларни асир олмаслиги, йўлларнинг хавфсизлигини таъминлаш сингари мажбуриятлар эвазига туркман асирларини озод қилган[3].

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.127, 128.
[2] Mu'izzi, Husam. Tarikh-i rawabit-i siyasi-i Iran ba dunya ... – S.622.
[3] Ўша жойда.

«Риёз уд-давла»да икки ўртадаги муносабатлар борасида анча батафсил маълумотлар келтирилган. Хусусан, хон Чашма қудуғи атрофига етганда Аббос мирзо томонидан элчи қилиб жўнатилган Ёлонгтўш (Ялангтўш) келиб, «остонбўслиғ шарафиға» муяссар бўлганлиги қайд этилган манбада[1]. Элчи бир «муросила» – *келишув хати* келтирган бўлиб, у одатий ҳамд ва наът, яъни мақтов ва улуғлаш билан бошланиб, Хива хонига нисбатан «ҳукмронлиғ маснадининг зебандаси ва хоқонлик иклилининг арзандаси аъло ҳасаб воло насаб, баланд ахтар, кироми гавҳар, чингизия силсиласининг ифтихори ва Хоразм мамоликининг шаҳриёри соҳиб ихтиёри» сингари эпитетлар келтирилган.

Аббос мирзо ўз муддаосини асослаш учун ўтган йилларда Хоразм тарафидан қоида ва қонунга хилоф ишлар қилинмаганлиги, энди эса чегарадош Хуросон ҳудудларига безовталик келтирилаётганлиги, жумладан, у ерда яшовчи мусулмонларга кўп озор бериб, асир қилиб, Хива ва Бухоро бозорларига элтиб сотаётганликлари ва бу орқали Эрон давлати билан бўлган дўстликларига путур етаётганлигини писанда қилган. Эрон шаҳзодаси сўзларининг таъсирчанлигини ошириш ҳамда куч-қудратининг даражасини англатиш мақсадида Россия ва Усмоний турк давлатлари билан иттифоқчилик муносабатларига алоҳида урғу берган. Хусусан, у мактубда «бир тарафдин, [хоразмликлар] Русия халқиға атвори нолойиқ била озор еткururлар. Эмди рус ва Эрон аҳли алардин кўб озурда бўлмишлар ва Рум подшоҳи доғи аларнинг ишин ва номувофиқ равешин мусулмонлиқ тариқасининг хилофи билибдурур» деб таъкидлаган[2]. Бундай тартибсизликларга чек қўйишга қарор қилганлигини маълум қилган Аббос мирзо «бас, шариат ва ҳомият юзидин ул ишни дафъи бу давлат зиммасиға вожиб бўлур» деб бу масалада рус подшоси ҳам уни қўллаб-қувват-

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.131.
[2] Ўша жойда. – Б.131.

лаб, лозим бўлган кўмакни беришини таъкидлайди.

Хон Марвга етиб келганда атрофнинг барча қалъа ҳокимларидан дўстлик ва якжиҳатлик изҳори билан элчилар келиб, туҳфаларини топширганлар. Шу ўринда Аббос мирзодан келган «муросила»га жавоб мактуби тайёрланиб, унда қисқа тарзда Хуросондаги аҳолининг мусулмонлиги борасидаги фикрга эътироз билдириб, пайғамбар (с.а.в.) суннатини тан олмаганлиги боис уларни мусулмон деб аташ ва иймон аҳлидан деб билиш шариатга ҳам, ақлга ҳам зид деб, қолган гаплар элчи Холмуҳаммадбой орқали оғзаки етказилиши қайд этилган. Хусусан, «Хуросон аҳликим ғуломи равофиздурурлар (*кофир*), аларға мусулмон деб от қўймоқ ва иймон аҳлидин санамоқ индалшаръ (*шариатга зид*) ва индалақл (*ақлга ҳам қарши*) дуруст эрмастурур. Нединким Хуросон аҳли бузғу адоват юзидин ҳазрати Хотам ул-анбиёнинг (*пайғамбар с.а.в.*) тариқаи суннатидин қадам тортиб, асҳобининг саббу ташайюъин ибодатин шомила ва фаҳшу дашномин садоқати комила билурлар. Андоқким бу сифати шаниъа ва хислати фазиҳалари олам аҳли орасида маълум ва мазкурдурур. Али ибн Абу Толиб розиаллоҳу анҳуни икроҳғаким азимат ва ихтиёр тарки дурур. Ҳар наким тил сўзидурур, даргоҳи фалакосорий муъмадларидин Холмуҳаммадбой тақрир қилғусидурур. Нома тамом вассалом» дейилган[1].

Тез орада Аббос мирзо томонидан Холмуҳаммадбойга қўшиб жўнатилган Иброҳимхон Тифлисий элчи сифатида ташриф буюриб, келтирган «хитобнома»сини хонга етказган.

Хива хонини ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстликка даъват этган Аббос мирзо ўртадаги гина-кудуратни унутиб, оққўнгиллик билан келишув йўлига кириш, айнан шу орқали аҳолининг тинчлигини таъминлаш мумкинлигини уқтирган. Мактубда «эй биродар, мамлакат ва вилоят боғи ул вақт ободлиғ

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.133.

топарким, икки подшоҳнинг мувофақати баҳори насимининг эҳтизозга кирса. Фуқаро ва раият ул замон фароғат ва шодлиғ топарким, икки хоннинг мунозарати тарки аларға амну амон хабарин берса. Бас, керакдурурким, иккимиз ҳам кийна ва кудурат ғуборин хотиримиз ойинасидин маҳв этиб, оққўнгул била мувофақат ва муволафат тарҳин бунёд қилсак, токим бу равиш била фуқаро ва раъоё фориғбол ва осудаҳол бўлғойлар» деб таъкидлаб ўтган[1].

Оллоқулихон ушбу сўзлардаги мунофиқликни яхши сезиб турган бўлса-да, келган элчини муносиб тарзда кутиб олиб, элчилик қоидасининг барча жиҳатларига амал қилган ҳолда саруполар кийдириб, ўрдугоҳда ушлаб турилган Ялангтўшхонни ҳам унга қўшиб, кетишга ижозат берган.

Хуросонда ўзининг мавқеини янада мустаҳкамлаш учун Оллоқулихон Машҳад ва унинг атрофларига *чаповуллар* юбориб, беҳисоб асирлар ва ўлжаларни қўлга киритган. «Риёз уд-давла»да кўрсатилишича, охир-оқибат бу ҳудудларда маълум даражада тартиб ўрнатилганидан қониқиш ҳосил қилган Хива хони Марв ноҳиясидан кўчиб, Хоразмга қайтган эди[2].

Албатта, бир неча давлат манфаатлари кесишган, хусусан, доимий равишда иқтисодий қизиқишлар, сиёсий ва диний қарашлар тўқнашуви содир бўлиб турган бу ҳудудда «ўрнатилган тартиб» узоққа чўзилмас эди. Эрон шаҳзодаси ва Хуросон вилоятининг ҳокимлари ўртасидаги тўқнашувлар, айниқса, Ҳирот ҳокими шоҳ Комрон билан Аббос мирзо ўртасидаги зиддиятлар давом этган. Бундай ҳолатларда, юқорида кўриб ўтилганидек, ўзаро курашувчи томонлар Хива хонига мурожаат этишар эди.

Аббос мирзо ўзининг Муҳаммадмирзо ва Қаҳрамонмирзо исмли икки ўғлини катта қўшин билан Ҳирот ҳужумига

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.135.
[2] Ўша жойда. – Б.136.

юборганда ҳам (тахминан 1834/1835) шоҳ Комрон Хива хонидан мадад олган эди[1].

Бу орада анчадан буён касал бўлиб ётган Эрон шоҳи Фатҳалишоҳнинг аҳволи оғирлашиб, 1835 йилда вафот этган. Бутун Хуросонни ўз қўл остига олиш ниятида Машҳадга келган шаҳзода Аббос мирзо ҳам тез орада «...отаси изидин жаҳаннам зиндониға марг якронин миниб, шитобон бўлди» деб хабар беради Огаҳий ўз асарида[2].

Эрон тахтига ўтирган Қаҳрамонмирзо эса Хива хони билан муносабатларни яхшилашга интилган. Хусусан, у Оллоқулихон томонидан юборилган *чаповулчилар* (*ҳужумчилар*) Машҳад устига борган вақтда *қизилбошлар* қўлига асир тушиб қолган Менгли Али Сардорни озод этиб, «юз турлук узрлар» билан ўзининг ишончли мулозимларидан Тифлисий Муҳаммад Ҳусайнбекни ҳамроҳ қилган ҳолда Хоразмга юборган.

Шунга қарамай, «Хуросон масаласи» Оллоқулихон даврида ҳам Эрон билан муносабатларнинг тез-тез бузилишига сабаб бўлиб турар эди.

Эрон давлати ўзининг минтақадаги мавқеини кучайтириш йўлида Россия империяси ва Англия ҳукуматлари билан иттифоқчилик қилишни давом эттирар эди.

Россия мухтор вазири томонидан тахминан 1839/1840 йилда Эрон Ташқи ишлар вазирлигига [Мирзо Маъсудхонга][3] юборилган мактубнинг мазмуни бу икки давлатнинг Хива хонлигига қарши ҳаракат борасидаги ҳамкорлиги ҳақида яққолроқ маълумот беради[4]. «Хива хонига танбеҳ бериш» деб номланган ушбу ҳужжатда икки давлат, яъни Эрон ва Россия

---

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.145 – 147.

[2] Ўша жойда. – Б.148.

[3] Мирзо Маъсуд Ансорий 1834 – 1841 ва 1846 – 1850 йилларда Эрон ташқи ишлар вазири бўлган. Қаранг: Mirza Salih, Gulamhusein. Asnad-i rasmi dar rawabit-i siyasi-i Iran ba Inglis va Rus va Osmani. – Tehran, 1365. – S.368.

[4] Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осиё-йи Марказий ... 20-ҳужжат. – Б.129.

империясининг «Хива хони ҳамда унинг қўл остидаги ўзбошимчаликка қўл уриб, у ердаги мулкларни, ноҳия ва раиъятни босиб олаётган улус ва элларга танбеҳ бериш ҳамда тартибга чақириш борасида» ўзаро ҳамкорлик қилиш масаласи ўртага ташланган. Шу билан бирга, мактубда рус қўшинлари томонидан Хива хонлигига режалаштирилаётган юриш борасида фикрлар келтирилган бўлиб, «узоқни кўра билгувчи икки давлат (яъни Эрон ва Россия) ўртасидаги иттифоқ ва келишувда нималар назарда тутилиши»ни, жумладан, Амударёнинг жанубий томонидаги чегарадош ҳудудлар тақдирини ойдинлаштириб олиш масаласи ҳам кўтарилган.

Англия мухтор элчиси Жон Макнейл[1] томонидан (тахминан 1837/1838) Эрон ташқи ишлар вазири Мирзо Маъсудхонга йўлланган «Яратганнинг дўсти Ҳожи Мирзо Шафиъни Хива ва Бухорога юбориш» деб номланган мактуб[2] эса Эроннинг Англия билан иттифоқчилик ҳаракатлари ҳақида тасаввур беради.

Мактуб Эрон ҳукуматининг «Ҳожи Мирзо Шафиъ олий ҳазратларини худованд бандаларини сотиш ишларига чек қўйиш учун Хива ва Бухоро тарафига юбориш ҳамда Ҳожи жанобларига бирор кишини қўшиб жўнатиш хусусида» инглиз ҳукуматига қилган мурожаатига жавобан тайёрланган хат эди. Инглиз ҳукумати жавоб берар экан, «...умид қиламизки, юқорида зикр этилган ҳазрати олийларининг у тарафларга ташрифидан сўнг, иншоллоҳ, у ҳудуд ҳокимлари ул зотнинг насиҳатларига қулоқ тутиб, шу ондан бошлаб бундай носавоб ишларни содир этмаслар ... инсон савдоси макруҳ келишув ҳисобланади ва бутун оламда [бунга] чек қўйилгандир»

---

[1] Доктор Жон Макнейл (Dr. John McNeil) – 1830 – 1835 йилларда Эрондаги инглиз элчихонасининг котиби ва 1836 – 1842 йилларда Англиянинг мухтор элчиси бўлиб ишлаган. Эрон тадқиқотчиси уни оқил, ҳушёр, матонатли ва фаросатли деб таърифлаган. Қаранг: Mirza Salih, Gulamhusein. Asnad-i rasmi dar rawabit-i siyasi-i Iran ... – S.354.

[2] Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осиё-йи Марказий ... 15-ҳужжат. – Б.113.

деб таъкидлайди. Унда «олий ҳазратлари томонидан ҳамроҳ сифатида элчихона ноиби муҳтарам Шейл соҳиб» бу борада масъул этиб тайинланганлиги маълум қилинган.

Келтирилган ҳар икки мактуб мазмун-моҳияти жиҳатидан бир қарашда инсонпарварлик ва эзгулик ғоясини тарғиб этишга қаратилгандек кўриниши мумкин. Зеро, уларда «хоразмликлар томонидан қул қилинган асирларни озод этиш», «одам савдосига чек қўйиш» ҳамда «ўзбошимчаликка қўл уриб, у ердаги мулкларни, ноҳия ва раиъятни босиб олаётган Хива хони ҳамда унинг қўли остидаги улус ва элларга танбеҳ бериш» масалалари ўртага ташланган.

Лекин халқаро майдонда кенг истилочилик ва мустамлакачилик сиёсатини олиб бораётган давлатларнинг, жумладан, бошқарувнинг «крепостной ҳуқуқи» шаклини, яъни инсонларга буюм сифатида муносабатда бўлишни 1861 йилга қадар қўллаб келган Россия империяси ва янги-янги ҳудудларни босиб олишнинг энг таъсирчан усулларидан фойдаланган инглиз ҳукуматининг «эзгу ниятлари» қай даражада ишонарли бўлиши мумкин?

Қул савдоси масаласини тадқиқ қилган Е. Смоларц таъкидлаганидек, «рус ҳукумати хориждаги рус фуқароларининг озод этилишини талаб қилар экан, айни вақтда, мамлакат ичида 1861 йилдагина барҳам берилган «крепостной қарамлик»ни сақлаб турар эди»[1].

Келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, бу учала иттифоқчи мамлакат, яъни Эрон, Россия ва Британия империяларининг ҳар бири ўзаро ҳамкорликдан ўз манфаатлари ва мақсадларидан келиб чиқиб фойдаланишга интилганлар.

Эроннинг Россия империяси билан иттифоқчилиги масаласига муносабат билдирган Н. Полвонов ва И. Бекжоновнинг таъкидлашича, рус ҳукумати Эронга йўлланган 1839

[1] Smolarz E. Speaking about Freedom and Dependency ... – P.44.

йилдаги баёнотида Хива хонлигига «танбеҳ бериш»га тайёр эканликларини, хусусан, ҳам денгиз, ҳам қуруқлик орқали ҳужум уюштирган ҳолда тез фурсат ичида Хива хонлигига давлат сифатида барҳам берилишини маълум қилган эди[1]. Шунда Эронга тегишли бўлиб келган Сарахс, Ахал, Тажан, Нисо, Обивард ва Марв ҳудудларининг ҳам бир умрга бой берилишини англаб етган Эрон ҳукумати дарҳол бундай ҳамкорликдан бош тортиб, масалани «иккала мусулмон давлати ўзлари ҳал этишлари»ни расман эълон қилган. Ўз фикрларини асослаш мақсадида Эрон сиёсатчилари 1832 йилда Хива хонлигига юборилган Ялангтўшхон (*Хоразм манбаларида Ёлонгтўшхон*), 1837 йилдаги Нодир мирзо бошчилигидаги элчиликларнинг олдиларига қўйилган вазифани муваффақият билан амалга ошириб қайтганликларини мисол қилиб кўрсатишган[2].

Эрон ҳукуматининг Хива хонлигига нисбатан юритган сиёсатидаги ўзгаришлар борасида фикр билдирган тадқиқотчилар Эрон шоҳи бу даврга келиб инглизларнинг аралашувини хоҳламаганлиги боис Хоразмга яширин тарзда элчи жўнатган пайтлар ҳам бўлганлигини таъкидлайдилар. Улар 1839 йилда Хоразмга юборилган Мирзо Ризо муҳандисбоши элчилигини мисол қилиб кўрсатишган[3]. У ерда қайд этилишича, Оллоқулихон ҳузурига элчи бўлиб келган Мирзо Ризо мақсадларини баён этиб, рус қўшинларининг бўлғуси ҳужумидан ҳам хонни огоҳлантирган. 1839 йил кузида В. Перовский бошчилигидаги рус қўшинлари Хива хонлигига ҳужум қилган вақтда Эрон элчиси ҳали Хивада бўлиб, 12 минг кишилик рус қўшинига қарши курашган Хўжаниёз бошчилигидаги 10 минг кишилик Хоразм қўшинининг ғалабасига гувоҳ бўлган эди. Мирзо Ризо муҳандисбоши бир йилга яқин Хива хони саройида яшаб

[1] Бекжонов И., Полвонов Н. Муқаддима // Хоразм сафари кундаликлари ... – Б.5.
[2] Ўша жойда. – Б.5.
[3] Ўша жойда. – Б.7.

қолган ва қайтиш чоғида унга қўшиб Хоразм элчиси Отаниёз маҳрам Эрон шоҳи ҳузурига юборилган. Оллоқулихон ўз элчиси орқали Эрон шоҳига 40 бош сара от ва бошқа қимматбаҳо ҳадялар бериб юборган[1].

Бу элчиликка жавобан юборилган Эрон элчилиги борасида «Риёз уд- давла»да қисқа тарзда: «Отаниёз маҳрамким Муҳаммадшоҳнинг қўшғон элчиси Мирзо Ризоға элчилик тариқасида масҳуб бўлуб, Теҳронға кетиб эрди, Муҳаммадшоҳнинг қўшғон Шаҳсуворбек отлиғ элчиси била келиб, остони саодатнишон мулозамати шарафиға фойиз бўлди», – деб қайд этилган[2].

Хива «Ичан қалъа» музей-қўриқхонаси архивида сақланаётган Эрон шоҳининг Оллоқулихонга йўллаган мактуби ушбу элчилик алоқаларига доир маълумотларни тўлдиради. Унда илгари Хива хони ҳузурига юборилган Эрон элчиси Мирзо Ризо ҳақида эслатилиб, унга қўшиб юборилган Хоразм элчиси Отаниёз маҳрамнинг муносиб тарзда кутиб олинганлиги қайд этилган. Мазкур элчига ҳамроҳ қилиб жўнатилган Шаҳсуворбек орқали садоқат ва иттифоқ таъкиди учун ушбу «Ҳумоюнномаи дўстона»ни юбораётганлигини маълум қилган шоҳ «...маълумки, [у тарафдан] ҳар қанча бирдамлик, дўстлик ва муҳаббат кўрсатилса, бизлар ҳам бундан-да зиёда дўстлик русумини намоён этамиз» деган фикрни билдирган[3].

Манбалардаги маълумотлар, хусусан, бир томон элчисига иккинчи томон вакилини қўшиб ёки ҳамроҳ қилиб жўнатиш ҳоллари ҳақида маълумотлар кўп келтирилган, бу Оллоқулихон ва Муҳаммадшоҳ ўртасида деярли мунтазам равишда элчиликлар алмашиниб турилганини билдиради.

[1] Бекжонов И., Полвонов Н. Муқаддима // Хоразм сафари кундаликлари ... – Б.5.
[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.152.
[3] Эрон шоҳининг Оллоқулихонга мактуби. Хива «Ичан қалъа» музей-қўриқхонаси архиви. ГХМЗ КП 3283.

Кўп ҳолларда икки ўртадаги элчиликларнинг мақсади манбаларда аниқ кўрсатилмайди. Лекин келтирилган билвосита маълумотлардан, шунингдек, ўша вақтда ёки бир оз кейин содир бўлган воқеаларни таҳлил қилиш орқали билдирилган «якжиҳатлик ва ихлосмандлик» изҳори ортида кучли томон юришининг олдини олиш, талофатсиз, тинч йўл билан ўз ҳудудлари дахлсизлигига эришиш мақсадлари ётганлигини англаш мумкин.

«Зубдату-т-таворих»да 1840 йилда Оллоқулихоннинг рухсати билан Хуросон юришига йўл олган ўғли Раҳимқули тўра Марвга ташриф буюрган вақтда Машҳад ҳокими Осаф уд-давла лақаби билан маълум бўлган Оллоёрхоннинг мулозимларидан Муҳаммад Ҳакимхон ва Муҳаммад Ҳасанбек Табризий исмли икки элчи келиб, «мазкур хоннинг ихлос ва якжиҳатлик мазмуни била йиборган аризадоштин етказдилар» деб кўрсатилган[1].

Шу билан бирга, чегарадош ҳудудлардаги ҳарбий тўқнашувлар, *чаповул* ёки *оломон* ҳужумлари ҳамда бу жараёнда қўлга тушган асирларни озод этиш масаласи ёзишма ва ўзаро элчилик алмашинувларининг асосий мазмунини ташкил этганлиги тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Оллоқулихон ҳаётининг охирги йилида Эрондан келган Муҳаммад Алихон Ғафур бошчилигидаги элчилик мисолида бундай жараён ҳақида анча батафсил маълумотга эга бўлиш мумкин. Бу элчиликка сабаб бўлган воқеа 1841 йил ёзида зиёратчилар карвонига бир гуруҳ туркманларнинг уюштирган ҳужуми чоғида Машҳад яқинида ов қилиб юрган ашрафзода Вали Муҳаммадхонни ҳам асир олиб, Хивага юборишлари билан боғлиқ эди. Муҳаммад Валихон Эрон шоҳининг қариндоши Оллоёрхон Осаф уд-давланинг жияни (*баъзи маълумотларда куёви*) бўлиб, Машҳад атрофига *чаповул* уюштир-

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих ... – Б.73 – 74.

ган Марвдаги соруқ тоифасининг кичик бир *оломон* гуруҳи томонидан ов сайри вақтида тутилиб, Хива хони саройига келтирилган эди[1].

Осаф уд-давла Хоразмда тутқунликда кун кечираётган қариндошини қутқариш масаласида Муҳаммадшоҳ Қожорга мурожаат қилган. Шоҳ уни, умуман, барча эронлик тутқунларни озод қилиш юзасидан музокара олиб бориш учун Муҳаммад Алихон Ғафурни Хива хони ҳузурига юборган. Шу тариқа элчилик зиммасига ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, эронлик тутқунларни озод этиш ва қул савдосига чек қўйиш вазифаси юклатилган. Унга Англия ва Россия империясининг Эрондаги доимий элчиларидан вакиллар Вильям Томсон ва Муҳаммад Ҳасанбек ҳам ҳамроҳ бўлишган. Бироқ, Эрон элчисининг ўзи қайд этганидек, уларнинг ҳамроҳликлари элчиликка анча салбий таъсир кўрсатган. Музокаларнинг боришига қараб хулоса қилиш мумкинки, Эрон ҳукумати «бегона давлатлар»нинг воситачилиги салбий таъсир этиши мумкинлигини анча кеч тушунган. Зеро, икки ой давом этган музокаралар деярли натижасиз тугаган эди. Ҳатто Хуросон волийсининг жияни ҳам озод этилмаган. Албатта, бунга Эрон элчисининг қўполлиги ҳам сабаб бўлганлигини эътибордан қочирмаслик керак. Элчи Хива амалдорлари билан мулоқот жараёнида нафақат дадил, балки анча қўпол муомалада бўлган. Бу ҳолат, элчининг ўзи таъкидлаганидек, унга берилган «катта ваколатлар»дан ташқари элчи шахсиятидаги такаббурлик ва бетгачопарлик ҳамда Англия ва Россия каби давлатларнинг қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ эди деб хулоса чиқариш мумкин. Хон олдига ўз талабларини қўяр экан, Эрон элчиси «агар дўст бўлсангиз учта улуғ давлатнинг (Англия, Россия, Эрон) истакларини амалга оширмоғингиз лозим» деб бир неча бор таъкидлагани юқоридаги

[1] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.8, 51.

фикрни тасдиқлайди[1]. Шу билан бирга, унинг «мен хиваликларга қандай хат ёзсам, қораламасини инглизга берардим» деган сўзлари элчининг «катта ваколатлари» ҳақида аниқроқ тасаввур беради.

Бухоро амирининг вазиятга бўлган муносабати ҳам Хива хони қарорига таъсир этган омиллардан бири бўлган. Эрон элчисининг хабар беришича, унинг ташрифи чоғида Бухородан амирнинг одами келиб, «хон асир бермасин, асир берса, эртага мендан ҳам талаб қила бошлайдилар» деб мурожаат этган эди[2].

Элчиликнинг натижасига баҳо берган муаллифлар қайд этишганидек, бу элчиликни бутунлай самарасиз деб бўлмайди. Хусусан, Хива хони икки давлат дўстлиги сақланиб қолиши, Хоразмнинг ҳамиша музокаралар учун очиқ эканлиги ҳамда тез орада Эрон шоҳининг яна элчи юборишини кутиб қолишини билдирган[3].

Шундан кўп ўтмай, аниқроғи, Оллоқулихон вафотидан (1842 йил декабрида) сўнг Муҳаммад Амин тўра ташаббуси билан дўстона муносабатлар далили сифатида озод қилинган Хуросон волийсининг жияни Муҳаммад Валихон Хоразм элчилари билан бирга Эронга қайтарилган эди.

Асир тушиб, Хоразмда 10 йил мобайнида тутқунликда бўлган Эрон қўмондони [сарҳанг] Исмоил Мирпанжанинг хотирасида шундай келтирилади: «Муҳаммад Валихон асир олиниб, ... Хивақға келтирилган вақтда Муҳаммад Амин тўра *иноқ – валиаҳд* эди. Туркманлар Муҳаммад Валини хонга тортиқ қилиб, 300 туман инъом олдилар. У бир қанча вақт Хивақда яшади. Эрон ҳукумати томонидан уни товон тўлаб чиқариб олувчи кимса топилмади. Охири у қочиб кетди. Лекин кўп ўтмасдан уни қўлга олишди. Хон унинг барча ҳамроҳларига

---
[1] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.28.
[2] Ўша жойда. – Б.36
[3] Бекжонов И., Полвонов Н. Муқаддима // Хоразм сафари кундаликлари ... – Б.9.

сиёсат кўргазиб қатл эттирди. Уни ҳам ўлдирмоқчи бўлганда Муҳаммад Амин иноқ шафоат сўради ва хон уни қатл этишдан воз кечди. Бир оз вақт ўтгач хон ўз ёрдамчисини Эронга элчи қилиб юборди ва Муҳаммад Валини яхши қўшничилик изҳори сифатида Эрон шоҳи саройига жўнатди»[1].

Бошқа бир маълумотдан кўриш мумкинки, рус ҳукуматининг воситачилиги маълум даражада ижобий таъсирга эга бўлган. Хусусан, 1842 йилда Хива хони билан учрашган рус элчиси Г.И. Данилевский хон олдига қўйган таклифларнинг асосини Россия – Хива алоқаларига доир масалалар ташкил этган бўлса-да, унга «хонликда жуда кўпчиликни ташкил этган форс қулларини озод қилиш» юзасидан ҳам воситачилик қилиш топширилган эди.

Оллоқулихоннинг вафот этиши муносабати билан музокараларни хоннинг ўғли, тахтга янги ўтирган Раҳимқулихон (1843 – 1846) давом эттирган. Узоқ чўзилган музокаралар натижаси ўлароқ Хива хонлиги томонидан Россия давлати билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги 9 банддан иборат шартнома имзоланган. Рус элчилиги гарчи форс қулларини озод қилишда катта натижаларга эриша олмаган бўлса-да, бу борада жиддий ҳаракатлар олиб борган. Г.И. Данилевский ҳеч бўлмаганда 1500 нафар форсни озод этишни хондан илтимос қилган. Лекин хон аъёнларининг маслаҳати билан фақатгина Машҳад ҳокимининг қариндоши Муҳаммад Валихонни озод қилишга рухсат берилган. Хоннинг таъкидлашича, биргина бу асирнинг озод этилиши шоҳ ҳукумати учун 5000 нафар қулнинг озод этилишига тенг бўлиши керак эди[2]. Бу маълумотдан кўринадики, Хива хони мустақил давлат ҳукмдори сифатида таклиф этилган шартларнинг барчасини эмас, хонлик манфаатларига дахл қилмаган шартларнигина қабул қилган. Эрон билан му-

[1] Исмоил Мирпанжий.-Асирликдаги хотиралар ... – Б.36.
[2] Залесов Н. Посольство подполковника Данилевского в Хиву в 1842 г. ... – С.52.

носабатларининг бузилишини истамаган Хива хони Эрон ва Россия ҳукуматига ҳурмат белгиси ҳамда яхши қўшничилик муносабатларининг гарови сифатида Машҳад ҳокимининг қариндошини озод этган.

Раҳимқулихон ҳукмронлик йилларида Эрон билан дипломатик алоқаларни бир маромда ушлаб туришга ҳаракат қилган. Бу даврда Эрон шоҳи Муҳаммадшоҳнинг Хива хони билан элчилик алоқаларини йўлга қўйишда Бекиш халифа ва Эрон элчиси Шоҳсуворхон кўп иштирок этган.

Муҳаммад Аминхон (1846 – 1855) даврида ҳам Эрон билан яхши қўшничилик алоқалари давом эттирилган. Муҳаммадшоҳ тарафидан бутун Хуросон вилоятининг ҳокими этиб тайинланган Оллоёрхон Осаф уд-давла ҳам Хива хонига бўлган садоқати ва ихлосини билдириб, ўз элчиларини Хоразмга юбориб турган[1]. Бу даврда Отаниёз маҳрам ва Муҳаммадшарифбой Хива хонининг ишончли амалдорлари сифатида бир неча бор Эрон шоҳи ҳузурида бўлишган.

XIX аср ўрталарида Хива – Эрон дўстона алоқаларини йўлга қўйишда Эрон элчиси Ризоқулихон Ҳидоят (Лолабоши) нинг[2] ўзига хос ўрни бор. Катта тажрибага эга бўлган давлат арбоби сифатида у 1851 йилда Эрон ва Хива хонлиги ўртасидаги дипломатик музокараларни олиб бориш учун Хоразмга элчи қилиб юборилган. Ризоқулихон бошчилигидаги элчилик Хива хони томонидан Эронга юборилган элчи Отаниёз Маҳрам билан бирга 1851 йил 5 апрелда Теҳрондан Хоразмга қараб йўл олган. Элчининг зиммасига хонликда асирликда бўлган барча Эрон фуқароларини озод қилишга эришиш ва уларни Эронга олиб келиш, Хива хонини чегарадош ҳудудларга уюштирилаётган оломон чопқинларини ман этишга

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.9.

[2] Шоҳ ҳонадонининг алоҳида ишончига сазовор бўлган Ризоқулихон шаҳзодалар тарбияси билан шуғулланишга муносиб деб топилган шахс эди. Ризоқулихон аввал валиаҳд Аббос мирзога, сўнгра валиаҳд Музаффариддин мирзога «лолабоши», яъни оталиқ этиб тайинланган.

қаратилган фармон чиқаришга ҳамда мусулмонларни олиб-сотишни, яъни қулчиликни бекор қилишга мажбур этиш сингари вазифалар юклатилган эди[1].

Элчилик тафсилотларини таҳлил қилган эроншунос олим Б.С. Манноновнинг маълумот беришича, хон қул савдосининг асосий сабабчилари Хоразм билан Эрон чегараларидаги унга бўйсунмайдиган туркман қабилалари эканлигини таъкидлаб, буни чеклаш жуда мушкул масалалигини билдирган. Олим элчиликнинг натижаси борасида хулоса берар экан, Ризоқулихон ўз олдига қўйилган биронта ҳам вазифани адо эта олмасдан 1851 йил сентябрида орқага қайтган деб таъкидлайди[2].

Албатта, нафақат Хива хонлиги, балки бутун минтақа сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузуми билан боғлиқ «қул савдоси»га барҳам беришдек мушкул масалани бир элчилик доирасида ҳал этиш мумкин ҳам эмас эди.

Шу билан бирга, маҳоратли элчи ва дунёқараши кенг зиёли бир инсон сифатида унинг Хива хонида жуда катта таассурот қолдирганлиги ҳамда икки ўртадаги муносабатларнинг мавжуд ҳолати сақлаб қолиниши, шубҳасиз, Ризоқулихоннинг хизмати эди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1812 – 1852 йиллар оралиғида Хива хонлигидан Эронга Бекиш халифа, Нодир сардор, Умаршайх, Амирхон, Бадирхонбек, Муҳаммад Ҳусайнбек, Бекниёз маҳрам, Дурдибек (Бекдурди), Муҳаммад Шарифбек каби элчилар боришган[3].

Тез-тез алмашиниб турган элчиликларга қарамай, Муҳаммад Аминхон ҳукмронлигининг охирларида Эрон билан муносабатларда жиддий зиддиятлар юзага келган. Соруқ туркманларининг ҳаракати ва Хива хонининг Марвга уюштирган юришлари бевосита икки давлат алоқаларига путур етказган.

[1] Маннонов Б. Лолабошининг Хоразм сафари ... – Б.73 – 87.
[2] Ўша жойда.
[3] Бекжонов И., Полвонов Н. Муқаддима // Хоразм сафари кундаликлари ... – Б.7.

Хусусан, Марв диёрида яшовчи соруқ туркманларининг бир гуруҳи фитна йўлига ўтиб кўп йиллардан бери Хива хонига итоат этишдан бош тортиб келар эди. Шу боис хон ҳар йили катта қўшин билан уларнинг устига юриш уюштирарди. 1852 йилда Муҳаммад Аминхон навбатдаги юришни уюштирган. Хива хонлари хонадонининг азалий иттифоқчиси бўлган Ҳирот вилояти ҳокими бу вақтда ҳам ҳамкорлик алоқаларини давом эттирган.

Бу вақтда Ҳирот ҳокими Саййид Муҳаммадхон бўлиб, у бутун умр Хива хони билан дўстона муносабатда бўлган шоҳ Комроннинг вазири Ёрмуҳаммадхоннинг ўғли эди. «Жоме ал-воқеоти султоний»да шоҳ Комрон «бағоят сустрой ва беларво киши эрди. Бу жиҳатдин ўзининг вазири Ёрмуҳаммадхон они ғофил топиб ўлтурди» деб қайд этилади[1]. Шу тариқа тахтни эгаллаган вазир Ҳирот ҳокимлигини ўз қўлига олган. У маълум муддат ҳукмронлик қилиб вафот этгач, ўрнига ўғли Саййид Муҳаммадхон келган. У Хива хони Марв диёрига кириб келиши билан элчи юбориб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик изҳор қилган. Ҳирот ҳокими юборган мактубида ўзининг Хива хони «хизматгузори ва ихлоскаши» эканлигини билдириб, «...эмди орзу ва илтимос улким, хоҳ лашкар ва хоҳ ғалла ва хоҳ ўзга асбобдин ҳар нечаким даркор бўлса, бу жонибға киши йибориб олдурсунлар», бундай илтифот билан ихлоскашларининг кўнглини тоғдек кўтарсинлар деб ҳар жиҳатдан Хоразм қўшинларини қўллаб-қувватлашга тайёрлигини маълум қилган[2].

Хива хонига бўйсунишдан бош тортган соруқ туркманлари эса кўмак сўраб Машҳад ҳокими Муҳаммад Валихонга мурожаат этишган. Унинг тавсиясига кўра соруқлар тўғридан-тўғри Теҳронга бориб, Насриддиншоҳга «итоат ва инқиёд кўргузганлар»[3]. Насриддиншоҳнинг буйруғи билан Машҳад

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.83.
[2] Ўша жойда. – Б.84.
[3] Ўша жойда. – Б.92.

ҳокими Хуросон қўшинларидан 500 нафар навкар ва 5 та тўп билан марвликларга ёрдамга етиб борган. Улар марвликларнинг бирлашган қўшини билан бирга Хоразм лашкарига қарши 4 ой мобайнида кураш олиб борган, ҳар икки томон катта куч йўқотган эди. Охири *қизилбош* қўшини юзага келган қаҳатчиликка чидай олмай қочиб қолган. Бундан хабар топган соруқ акобирлари ёрдам учун келган Эрон саркардаси Исмоилхон Мирпанжа билан қалъа ичида қолган қизилбош аскарларини тутиб, ўзларини Хоразм қўшини «саркардаларининг отлари аёқиға ташладилар ва хижолатмандлик била изтиғфор ва эътирозга тил очиб, Исмоилхонни барча *қизилбош* асирлари била оларнинг назариға еткуруб, гуноҳлари афвиға васила қилган»ликлари қайд этилган манбада[1].

Муҳаммад Аминхоннинг Марв устига еттинчи марта юриши чоғида ҳам Ҳирот волийси Саййид Муҳаммадхон элчи юбориб, «ихлоснома» билан муносиб ҳадя ва туҳфаларини тақдим этган. Хон қабулига мушарраф бўлган Ҳирот элчиси муносиб тарзда кутиб олиниб, Юсуф дастурхончи ҳамроҳлигида «иноятнома» билан Ҳиротга юборилган[2].

Хоннинг бу юриши чоғида ҳам ён-атрофдаги вилоят ҳокимлари, жумладан, Қандаҳор ҳокими Дўстмуҳаммадхон, Маймана ҳокими Ҳукуматхон ҳам Хива хонига элчи юбориб, муносиб совғалар билан ўзларининг «ихлоснома»ларини етказишган.

Муҳаммад Аминхоннинг Хуросон ерларига 1855 йилдаги юриши охиргиси бўлиб, туркман саркардалари томонидан қуршаб олинган хон 35 ёшида жангда ҳалок бўлган.

Воқеалар гувоҳи сифатида Эрон элчиси Ризоқулихон Ҳидоят бу борада маълумот берар экан, «Хива хонининг танасидан жудо бўлган боши, бош кийими ва хонликка доир бошқа белгилар ражаб ойининг ўн бешинчисида ... олий ҳазрат

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.97.
[2] Ўша жойда. – Б.102.

шоҳаншоҳ ҳузурига етишди. Мен бандани чақириб, хоннинг юзи, кўриниш аломатларини сўрадилар. Илгари кўрганларимни айтиб бердим, сўнг ... бошини кўриб танидим. Жиғасини ҳам олиб келган эканлар, уни ҳам бош кийими билан бирга кўрдим. Бу ачинарли ҳолатга боқиб ўткинчи дунёнинг ишларидан ибрат дарсини ҳам уққандек бўлдим. Хива хони Хоразм хонлари авлодидан бўлгани ва ота-боболари Сафавий султонлари ёрдамида давлатда барқарорликка эришганликлари ва хизмат ҳаққилари Эрон подшоҳларининг ҳам зиммасида борлиги ҳамда яккахудоликнинг аҳмадий динига ва муҳаммадийлик шариф шариатига эргашувчи эканликлари учун Эрон шоҳаншоҳи хон бошини Теҳрон умумий қабристонига юборишга кўнгиллари бўлмай, «Дарвозайи давлат» ташқарисида мақбара ва баланд иморат қуриб, хон ва ҳамроҳларининг бошини шу ерга дафн қилишга қарор қилинди. Худди шоҳ буюрган тарзда бу мақбара бошида Қуръон тиловат қилиш учун қорилар ўтқазиб қўйдилар ва фақирларга обу ош бердилар», – деб қайд этган[1].

«Тарихи Туркистон»да ҳам Муҳаммад Аминхоннинг Сарахсга қилган юриш чоғида фожиали ҳалок бўлгани ҳикоя қилинар экан, олийнасаб хонадон вакили, қўшни давлат ҳукмдори сифатида Хива хонининг ўлимига Эрон шоҳи афсус-надомат билан муносабатда бўлганлиги таъкидланади. Хусусан, манбада шундай ҳикоя қилинади: «[Муҳаммад Аминхон] 1271/1855 йилда Сарахсга тобиъ Қонлитепа мавзеида қатл қилинди. Қарийб 35 ёшида туркман [қабила бошлиқ]лар бошини кесиб олиб, кулоҳ ва тожи ва бошқа асбоблари бирлан ўн бешинчи куни Теҳронга, шоҳ ҳузурига юбордилар. Лекин Насриддиншоҳға туркманларнинг бу иши хуш келмади. Зе-

[1] Берилган изоҳда «Ҳерман Вамбери 1865 йилдан кейин ёзишича, йиллар ўтиб халқ уни имомзодалардан бирининг мақбараси деб ўйламаслиги учун бу мақбара кейинги даврда шиа уламолари томонидан буздирилган» деб қайд этилган. Қаранг: Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.219 – 220, 231.

роки, ҳукмдори Хивақ ва хонзодаи Хоразм ота-боболаридин буён хизматкорони шоҳони Эрония[1] ва парвардаи одоби исломия ва мунтасиби (*алоқадор*) мавлаи ҳанифаи Аҳмадия, мутақаллиди манифаи (*олий, юқори*) Муҳаммадиядур деб чандонписанд ва марзойи хотири бўлмай, шоҳ амри илан Теҳронда дарвозаи давлат мақбарасида баланд гунбази олий бино қилдуруб, арвоҳлариға тиловати Қуръон ва атъои фуқаро ва мискинон қилдурди»[2].

Шу билан бирга, бу юришда Хива хонининг фожиали тарзда ҳалок бўлиши икки давлат ўртасидаги алоқаларга жиддий путур етказган. Охирги жанглардан бирида асирга тушган Эрон қуролли кучларининг қўмондони Исмоил Мирпанжа ўзининг «Хотиралари»да юзага келган вазият борасида атрофлича маълумот бериб ўтган. Уни дастлаб меҳтарнинг уйига келтиришган. Меҳтар унга «илгари биз [сенинг] давлатинг билан иттифоқ ва келишувда эдик. Туркманлар ва Хуросоннинг исёнкорлари бизни бу давлатдан даҳшатга солиб [айиришди]. Ягоналик бегоналикка ва вафо[қ] нифоққа айланди» деган фикрларни айтиб, юзага келган ҳолатни тушунтирган эди[3].

Муҳаммад Аминхондан кейин қисқа муддатда хонлик қилиб, жангларнинг бирида ҳалок бўлган Абдуллахон (1855) даврида ҳам Эрон билан муносабатлар зиддиятли ҳолатда қолган эди. Лекин бу даврда савдо ишлари билан Хивага келган Ҳақберди Машҳадий исмли савдогар тўғрисида келтирилган маълумот, сиёсий вазиятдан қатъи назар, икки ҳудуд ўртасидаги савдо алоқалари давом этганлигини кўрсатади.

[1] Эрон тарихнавислигида турли ички ва ташқи курашлар жараёнида Эрон шоҳларининг Хива хонларини қўллаб-қувватлагани, ўзаро ҳамкорлик ва иттифоқчилик ҳаракатларини «хизматкорлик» деб кўрсатиш анъанаси кенг қўлланганлигини эслатиб ўтиш жоиз.
[2] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.198.
[3] Хотерот-и Асирот. Рузнома-йи сафар-и Хоразм ва Хива. Сарҳанг Исмоил Мирпанжэ ... – С.78.

Абдуллахон ҳалок бўлгач, тахтга ўтирган Саййид Муҳаммадхон (1856 – 1864) даврида Эрон шоҳининг марҳум Муҳаммад Аминхон хотирасига кўрсатган эҳтироми борасида тез-тез хабарлар кела бошлаган эди. Хусусан, «Эрон шоҳи Муҳаммад Аминхон жасадини баланд тепаликка дафн қилиб, унинг устига ҳашаматли мақбара қурдирибди. Гумбази баланд ва иморати бебаҳо экан» деган мазмундаги хабарлар янги хоннинг эътиборини тортган, албатта.

Исмоил Мирпанжанинг қайд этишича, Эрон давлати томонидан кўрсатилган бундай ҳурмату эътиборга «Хивақда ҳеч кимнинг ақли бовар қилмас эди»[1]. Хива амалдорларидан бўлган Хўжаш маҳрамнинг гапириб беришича: «Хивақнинг қозикалони Русияга борганда у ердан Румия мамлакатига (*Туркия*) ва у ердан Маккаи муаззама ва Мадинаи тоййибага борган. Қозикалон у ердан қайтишда, хоннинг амри биланми, Теҳронга тушган. У хон мақбараси устига бориб, фотиҳа ўқиган. У Хивақнинг бошқа ҳукмдорларига Эроннинг Муҳаммад Аминхонга кўрсатган муруввати, мақбара хусусида батафсил сўзлаб берган»[2].

Эътиборлиси шундаки, бу гаплардан хабар топган Хива хони Мирпанжани ҳузурига таклиф этиб, суҳбат қурган. Шундан сўнг Мирпанжа ҳар икки-уч ойда бир марта хон олдига саломга бориб қайтар эди.

Шу билан бирга, чегара ҳудудларда яшовчи турли туркман қабилаларининг бир қисми ўзаро курашлар жараёнида Хива хонига мурожаат этса, иккинчи томон Эрон шоҳи ёрдамига таянар эди. Бу ҳолат XIX аср иккинчи ярмида ҳам Хива – Эрон муносабатларидаги мухолифатга сабаб бўлган эди. Хусусан, 1858 йилда Сарахс вилоятида яшовчи така туркманларининг бир гуруҳ *кадхудолари* Қовшутхон бошчилигида Хива хони ҳузурига «Эрон лашкари дастбурди»дан қочиб Марв вилоя-

[1] Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар ... – Б.42.
[2] Ўша жойда. – Б.43.

тига бориб жойлашганларини маълум қилганлар. Улар Хива хонига ишончли мулозимларидан ўзларига ҳоким этиб бирор кишини юборишни сўраб мурожаат қилишган эди. Хон уларни муносиб тарзда кутиб олиб, совға-саломлар билан сийлаган ҳолда Мулло Муҳаммад девонни қўшиб жўнатган[1]. «Гулшани давлат»да кўрсатилишича, ушбу така туркманлари билан ер тақсимоти устида тўқнашган Марв вилоятида қадимдан яшаб келган соруқ туркманларининг *кадхудолари* «иттифоқ била Эрон мамлакатининг волийси Насриддиншоҳ Қожорнинг олдиға бориб», така халқидан шикоят қилиб ёрдам сўраганлар[2].

Шу тариқа бир-бирига душман бўлган туркманларнинг турли тоифаларини қўллаб-қувватловчи икки давлат ўртасида дўстлик алоқаларига ҳам путур етар эди.

XIX асрда авж олган чегарадош ҳудудларга уюштирилган ўзаро «оломон» юришлари оқибатида кўплаб асирларнинг қўлга олиниши, Ўрта Осиё, жумладан, Хива бозорларида кучайган «қул савдоси», Хуросоннинг чегарадош ҳудудлари борасидаги рақобат, инглиз ва рус ҳукуматларининг Хива – Эрон алоқаларига аралашуви XIX асрда Хива хонлиги ва Эрон муносабатларига таъсир кўрсатган асосий омиллар эди. Шу жиҳатдан, бу даврда Хива – Эрон дипломатик алоқаларининг асосини асирларни озод қилиш, қул савдосини тўхтатиш каби масалалар ташкил этган. Шу билан бирга, минтақада Россия империяси ва Англия давлати таъсирининг кучайиб бориши Хива хонлиги учун қанчалик жиддий хавф бўлса, Эрон манфаатларига ҳам шунчалик даражада катта таъсир кўрсатган. Шу боис Хива хонлиги ҳам, Эрон давлати ҳам ўзаро муносабатларни ҳеч бўлмаганда бетараф ҳолатда сақлаб туришдан манфаатдор эди.

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.130.
[2] Ўша жойда. – Б.189.

## 3.3. ХИВА ВА ҚОЗОҚ ХОНЛИКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР

XIX асрда Ўрта Осиё минтақасидаги вазиятни шакллантирган бир қатор омиллар, жумладан, Хива хонлиги ташқи алоқаларининг характерига катта таъсир кўрсатган, айниқса, бу даврда кучайган «Россия омили» Хива хонлиги ва Қозоқ жузлари ўртасидаги алоқаларда яққолроқ намоён бўлган эди. Муаммо шунда эдики, рус фуқаролигини қабул қилган Кичик қозоқ жузи ва Сирдарё бўйларидаги бир қанча қозоқ уруғларини Россия империяси ҳукумати «бизнинг қозоқларимиз» деб қараса, тарихан Хива хонлиги таркибида ёки унга туташ бўлган ушбу ҳудудларга Хива хонлари ўз даъволарини билдириб, бу ерлардан солиқ (закот) олишни ҳамда қозоқ уруғларининг ички ишларига аралашишни давом эттиришар эди.

Оренбург чегара чизиғи батальонининг прапоршиги И.В. Виткевич Бухорога сафари юзасидан берган ҳисоботида (1836) «ҳозирда бизнинг фуқароларимиз деб ҳисобланувчи [қозоқлар]лар биз томонимиздан ҳар қандай солиқлардан озод этилгани ҳолда хиваликлар томонидан амалга ошириладиган сиқувлар ва солиқлар олдида ожизликлари туфайли мажбуран биздан кўра кўпроқ уларга бўйсунадилар ва ўзларини маълум даражада Хива хони тасарруфида деб биладилар» деб қайд этган[1]. Ушбу муаллиф ўзларининг, яъни рус ҳукуматининг шарқдаги таъсирига баҳо берар экан, шундай таъкидлайди: «...ҳозирда бошқармамизнинг ҳукми ва таъсири чегарадош Урал чизиғидан деярли нарига ўтмайди ва на қайсоқларда (*қозоқларда*), на Ўрта Осиё вилоятларида алоҳида

[1] Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). – М.: Наука, 1983. – С.86 – 87.

ҳурмат ва қўрқув уйғотмайди, бу [чора-тадбирлар] эса халқларни бўйсундиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади»[1].

Вазиятни янада чуқурроқ ифодалашга ҳаракат қилган рус ҳукумати вакили шундай баён этади: «Қишлаш учун Сирдарёнинг нариги қирғоғига кетувчи қозоқларнинг чумакай, тўртқаро, кичкина-чикли, хитой-кирайит, тилов ва увоқ сингари уруғлари ўзларини умуман русларнинг тобелигида деб ҳисобламайди, бу – улар учун янги бир фикр. Уларни хиваликлар шу даражада сўзсиз бўйсунишга ўргатишганки, биргина хиваликнинг ўзи хоҳлаган овулига келиб, истаган ишини қилиши мумкин. Улар, яъни қозоқлар четдан келган ҳар қандай буйруқ берувчи одамга бўйсунишга шу даражада одатланишганки, ҳатто мен, мисол учун, бу узоқдаги уруғларнинг ёввойи одамлари орасида анча катта обрўга эга бўлдим. Ваҳоланки, бизга яқин жойлашган уруғлар мендан қўрқишмайди ва шунга яраша у қадар ҳурмат ҳам қилишмайди»[2].

Қозоқ уруғлари орасида рус ҳукуматига нисбатан Ўрта Осиё хонликларининг таъсири анча кучли бўлганлигини таъкидлаган Р. Почекаев бунинг муҳим сабабларидан бири давлат бошқаруви ва ижтимоий-иқтисодий тизимдаги умумий жиҳатлар билан боғлиқлигини кўрсатади. Тадқиқотчининг қайд этишича, XIX аср ўрталарида, ҳатто ундан кейин ҳам Ўрта Осиё хонликларидаги давлат бошқаруви, солиқ тизими анъанавий шаклда бўлиб, бу қозоқ уруғларига таниш ва шу жиҳатдан мақбул эди. Бу эса уларни хонликлар, жумладан, Хива хонлиги билан яқин бўлишга ундар эди[3].

Айниқса, Хивада сиёсий барқарорликни таъминлаб, хон ҳокимиятини мустаҳкамлашга муваффақ бўлган Қўнғиротлар сулоласи ҳукмдорлари даврида уларнинг Қозоқ жузларига таъсири катта бўлган. Хусусан, рус ҳужжатларида «Устюрт

[1] Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича) ... – С.88.
[2] Ўша жойда. – С.89.
[3] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.203.

атрофлари ва Улу(ғ) дарёси бўйлаб кўчиб юрувчи қирғизлар (*қозоқлар*) орасига Хива хонининг ёрлиғи билан алимулу, бойулу ва тобин уруғлари ўртасидаги турли можаро ва келишмовчиликларни муҳокама қилиш учун етиб келган амалдор Қарли маҳрам» тўғрисидаги маълумот қайд этилган[1]. Бундай маълумотлар маҳаллий манбаларда ҳам келтирилган. Хусусан, «Фирдавс ул-иқбол»да қайд этилишича, 1813/1814 йилда «шикор иродаси била Арнак қирининг шарқий ҳудудларида» бир неча кун ов қилган Муҳаммад Раҳимхон I (1806 – 1825) у ердаги қозоқ *кадхудоларини* яраштириб, лозим топганларига сарупо кийдирган. «Ва ёмонлиғ қилғон қазоқким, Назар халқи эрди, аларға ... сиёсатнома юборди. Ва қазоқнинг элчилари Муҳаммаджон қози ибн Қазоқай охунд ва Ямонча бий эрдилар» деб маълумот берилади асарда[2].

Хива хонлари кўп ҳолларда у ёки бу қозоқ султонлари ва хонларини қўллаб-қувватлашган, бунинг эвазига Сирдарё бўйидаги қозоқ овуллари Хивага солиқ тўлаб турган.

1797 йилдан буён Кичик қозоқ жузи хони унвонини олиш учун кураш олиб борган Қаратай султон 1806 йилда ўз мақсадига эришган бўлса-да, тез орада қаршиликка учраб, мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлган. У 1810 – 1812 йилларда Хива хонлигида яшаб қолган эди[3].

1812 – 1813 йилларда Қўнғиротдаги мухолиф кучларнинг бартараф этилиши ҳамда Сирдарёнинг қуйилиш жойида, яъни Кичик қозоқ жузининг маркази билан чегарадош ҳудудда Хива хони томонидан мустаҳкам қалъанинг қурдирилиши Хива хони таъсирини кучайтирган эди.

Хусусан, 1816/1817 йилда навбатдаги шикор сафарига чиққан Муҳаммад Раҳимхон I Тошҳовузга етганда Оллоҳўн-

---

[1] Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. ... – С.54; Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР ... – С.304.

[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.412.

[3] Ерофеева И.В. Казахские ханы и ханские династии в XVIII – середине XIX вв. ... – С.130.

ғози бошчилигидаги қозоқ элчилари унинг ҳузурига ташриф буюришган[1]. Бу элчилар Хоразм қўшинларининг «қазоқ чаповули»га юборилган гуруҳи ортга қайтганидан уч кун ўтиб ташриф буюрган эди. Бу эса уларнинг бевосита Хива хонига итоаткорлик билдириб келганлигидан далолат беради.

«Фирдавс ул-иқбол»да маълум қилинишича, Муҳаммад Раҳимхон I Дашти Қипчоқ ҳудудларига сафар қилган вақтда ён-атроф вилоятлардан элчилар келган. Улар орасида «Ўртаюз қазоқининг ҳокими Омонбой бийнинг иниси Қабонбой» бўлиб, унинг элчисига ҳам уч кундан сўнг хон «кўрунуш бериб», қабул маросимининг қоидалари адо этилгач, қимматбаҳо хилъатлар тақдим этган ҳолда кузатиб қўйилган. Шу билан бирга, манбада элчиларга Хива хони вакили сифатида Оллоҳбердихўжа ҳамда закот йиғувчи махсус киши қўшиб юборилгани айтилади[2].

Ушбу ов сафарида Ғойибхоннинг кичик ўғли [Шерғозихон] ва Жонназар бий ҳамда бошқа «қазоқия ашрофи» (*улуғлари*) Хива хони ҳузурига ташриф буюришган[3].

Манбада кўрсатилишича, хон билан муносабатларини янада мустаҳкамлашга интилган қозоқ хони Шерғози «бир қизинким ҳазрат аълохоқонға пешкаш келтуруб, итоат ва убудият маросимин тақдимға еткур»ган[4].

Кичик қозоқ жузини Хива хонлиги вассаллигига ўтказишдан манфаатдор бўлган Муҳаммад Раҳимхон I ҳам элчиларни жуда яхши кутиб олган ва Шерғозихонни қўллаб-қувватлаган. Хусусан, «Фирдавс ул-иқбол» асарида «ул аснода қазоқ хони Шерғозихон мулозиматға келди. Шерғозихон ул ҳазратнинг ёрлиғи жаҳонматои била хон бўлуб, Сир дарёсининг соҳилиға борғонда Сир бўйиндағи қазоқлар муте ва фармонбар-

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.424.
[2] Ўша жойда. – Б.394.
[3] Ўша жойда. – Б.429.
[4] Ўша жойда. – Б.431.

дор бўлди. Ва ул жамоаким, аксари тўртқаро эрди, муттафиқ ил-лафз Шерғозихонға инқиёд қилдилар (*бўйсундилар*)» деб кўрсатилган[1].

Манбада қозоқ уруғлари ўртасидаги ўзаро зиддиятлар ҳамда бу вазиятда Хива хонининг ўрни ҳақида аниқ мисоллар келтирилган. Хусусан, у ерда «Сир дарёсининг кенорида (*қирғоғида*) мутамаккин бўлган (*яшовчи*) минг уйлук қазоқ ва минг уйлук қароқалпоқни» бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган Бектемур охунд «мунинг била ҳам кифоя қилмай, макру ҳийла қилиб», ҳокимиятни Шерғозихондан унинг иниси Арангғозига олиб бериш мақсадида фитна уюштирганлиги баён қилинган. Манбада кўрсатилишича, «Шерғозихон хонлиқин иниси Арангғозиға ўз ихтиёри била топшурди деб қирқ йўрға ва қирқ қуш ва қирқ оқ кийиз пешкаш олиб, Арангғозининг кичик иниси Ўрдағози тўра ва баъзи бийлар, Арангғозинни хон қилмоқ муддаоси била ҳазрат соҳибқирон [Муҳаммад Раҳимхон I]нинг мулозиматиға келган»[2].

Хон эса вазиятга аниқлик киритиш учун ўз вакилларини Шерғозихон ва Арангғози ҳузурига юборган. Тез орада фитна ошкор бўлган ва асарда «Бектемур охунд била Ўрдағози тўра зиндони ғазаби султонийда маҳбус ва мағлул бўлдилар» деб маълум қилинади.

Шерғозихон билан дўстона муносабатларни давом эттирган Хива хони кейинчалик унинг ўрнига ўғли Жонғозини тайинлаган эди. Жумладан, манбада «... ҳазрат соҳибқирон шикор иродаси била чиққанда Жонғози тўра ибн Шерғозихон қазоқ акобири била даргоҳи олампаноҳ утбабўслиқиға мушарраф бўлди. 1819/1820 йилда ҳазрат соҳибқирон Жонғози тўрани отаси ўрниға хонлиқ тожи била сарафроз қилиб, қазоқ аёлотиға (*бошқарувига*) номзат қилди (*тайинлади*)» деб кўр-

---

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.442.
[2] Ўша жойда.

сатилган[1]. Рус манбаларида ҳам Жонғози отасининг вафотидан сўнг Хива хони хизматида бўлиб, Сирдарё бўйларидаги қозоқлардан хон хазинасига закот йиғиш билан шуғулланганлиги қайд этилган[2].

Қозоқ султонларидан бири Қосим султон Бўлакай ўғли (Булекей улы) ҳам Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I ёрдамида ўзининг уруғларига бош этиб тайинланган бўлиб, хонга тобе қозоқлардан Хива хонлиги хазинасига закот йиғган[3].

ЎзМАда сақланиб қолган Қосим султон Бўлакай ўғлининг мурожаатномаси бу борада кенгроқ маълумот беради. Унда қозоқ султони Хива хонига ихлосмандлигини ва садоқат билан хизмат қилишини маълум қилган[4].

XIX асрнинг 20-йилларида Дашти Қипчоқда ўзаро ҳокимият учун курашлар авж олган. Бир-бирига мухолиф бўлган қозоқ султонлари ва сардорлари аксарият ҳолларда Хива хонидан мадад олишга интилишган.

1820 йили Хива хони қабулида бўлган рус элчиси Н. Муравьев хон ҳузурига боришда бир неча саройлар орқали ўтар экан, унча катта бўлмаган биринчи саройга кирганда 63 нафар қирғиз (*қозоқ*) элчиси ўтирганлигини қайд этади. Унинг фикрича, «улар асосан Муҳаммад Раҳимхонга таъзим қилиш, шунингдек, овқатланиб, совға сифатида қалин мовутдан тўн олгани келишган» эди[5].

«Риёз уд-давла»да Муҳаммад Раҳимхон I вафотидан сўнг Оллоқулихоннинг тахтга ўтириши муносабати билан қўшни ҳудудларнинг ҳукмдорларига хабар юборилганлиги маълум қилинар экан, дўстона муносабатларда бўлган ҳокимлар қаторида «Дашти Қипчоқ мамоликининг хони азим уш-шаъни,

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.444.
[2] Ерофеева И.В. Казахские ханы и ханские династии в XVIII – середине XIX вв. ... – С.141.
[3] Ўша жойда. – С.130 – 131.
[4] ЎзМА. Ф. И-125, 193-й.ж., 1-варақ.
[5] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С.130.

чингизия хонадонининг подшоҳи султон Темурхон» ҳам тилга олинади. Манбада таъкидланишича, у хоннинг «хирожгузорлари»дан бўлиб, Мулла Муродали юзбоши элчи сифатида унга хоннинг «таҳниятнома»сини олиб борган[1].

Оллоқулихон даврида (1825 – 1842) Хива хонлигининг Қозоқ сардорларига таъсири кучайиб борган ва бу ҳолат рус ҳукумати манфаатларига анча жиддий таъсир кўрсатганлиги ўша давр муаллифлари томонидан қайд этиб ўтилган.

Н.И. Веселовский икки ҳудуд муносабатларида учинчи томоннинг манфаатлари борасида фикр билдирар экан, Оллоқулихон даврида Россия империясининг Хива хонлиги билан муносабатлари анча таранглашгани, хоннинг «қирғизлар (*қозоқлар*) иши»га аралашуви ҳамда рус фуқароларининг асир қилиб олиш ҳоллари рус ҳукумати томонидан унга қарши кескин чоралар кўрилишига сабаб бўлганлигини таъкидлайди[2].

1824 йилда рус ҳукумати томонидан Кичик қозоқ жузидаги хон бошқарувининг тугатилиши бу ерда катта норозиликларни келтириб чиқарган эди. Р. Почекаев рус ҳукуматининг бу тадбирига баҳо берар экан, XIX асрнинг биринчи ўнйиллигида Россия ҳукуматининг чегара маъмурияти, бошқа вассал ҳудудларда бўлгани сингари, Қозоқ жузларида ҳам «хон ҳокимияти институтининг мавжуд кўриниши ўз умрини ўтаб бўлган ва ўз аҳамиятини йўқотган» деган тасаввурни ҳосил қилиш учун жиддий ҳаракат олиб борганлигини таъкидлайди[3]. Унинг қайд этишича, бунинг учун империя ҳукумати, биринчи навбатда, кучли, фаол ва рус ҳукумати олдида қозоқлар манфаатини ҳимоя қила оладиган ҳукмдор образига зид бўлган лаёқатсиз номзодларнинг хон этиб «сайланиши»га

---

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.19.

[2] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.309.

[3] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.126.

ҳаракат қилар эди. Буни Кичик қозоқ жузи хони Абулхайрхон ўғли Айшуакнинг 74 ёшида тахтга ўтқазилганлиги, Ўрта қозоқ жузида эса жуда кексайиб қолган Валихоннинг рус ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида 40 йил давомида ҳокимиятда ўтириб келганлиги мисолида кўриш мумкин.

Шу жиҳатдан, 1820 йиллар бошларига келганда Россия ҳукумати томонидан хонлик институтини тугатиш юзасидан олиб борилган ҳаракат XVIII асрдагига нисбатан у қадар кескин қабул қилинмаган[1].

Шундай бўлса-да, XIX асрнинг 30-йилларида Қозоқ жузларида бу сиёсатга қарши бир қанча чиқишлар бўлиб ўтган эди. Аксарият ҳолларда бу чиқишларнинг бошида хон ҳокимияти тикланишидан манфаатдор бўлган чингизийлар авлодидан бўлган султонлар турар эди. Улар кўпинча Ўрта Осиё хонликларидан ёрдам олишар эди. Кичик қозоқ жузи хони Шерғозихон (Айшуак ўғли) 1824 йилда хон унвонидан маҳрум этилган бўлса-да, 1845 йилда вафот этгунига қадар Хива хони томонидан унинг хонлик мақоми тан олиб келинган[2]. Зеро, Шерғозихон йўқотган мавқеи ва унвонини қайтариш мақсадида 1826 йилда Хивага келиб, Оллоқулихондан мадад сўраган. Муносабатларини қариндошчилик ришталари билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилган Шерғозихон қизи Тиллабекани хонга узатган ва 1830 йилгача шу ерда яшаб қолган. 1827 йилда Оллоқулихоннинг фармонига кўра Шерғозихон Хива хонлиги қўл остида бўлган тобин уруғининг шомишли бўлинмаси томонидан яна хон деб эълон қилинган[3].

Расмий ҳужжатларда қайд этилишича, Хива хони Оллоқулихоннинг «қозоқларнинг бош бийлари Яманче (*Ямонча*), Минеликул (*Менгliқул*), Дўст, Кутебар, Арслан, Журунтой, Жи-

[1] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.127.
[2] Ўша жойда. – С.130.
[3] Ерофеева И.В. Казахские ханы и ханские династии в XVIII – середине XIX вв. ... – С.130; Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.309.

дибой, Тюляк (*Тулак*) ва Джалмухамет (Жонмуҳаммад)га фармон»ида Шерғозихонни оила аъзолари ва бутун овули билан бирга тобин уруғи ерига кузатиб қўйиш ҳамда унинг итоатидан чиқмасликлари буюрилган[1].

XIX асрнинг 40-йилларида Жонғози ва кўпроқ Илекей номи билан машҳур бўлган Эрмурод Қосимов сингари қозоқ сардорларининг ҳам Хива билан яқин алоқада бўлганлиги ҳамда Илекейнинг Хива хони томонидан бутун Сирдарёбўйи қозоқларига хон этиб тайинланганлиги тўғрисидаги маълумотлар бор[2].

«Риёз уд-давла»даги маълумотлар орқали Хива хонларининг қозоқ уруғлари ички ишларига бевосита аралашуви, жумладан, Кичик қозоқ жузининг кўпгина уруғларига хон тайинлаш ёки улардан закот йиғиб олишга фармон берганларини кўриш мумкин. Чунки бу ҳолат Сирдарёнинг ўрта оқими ва Амударё дельтасига яқин ҳудудларнинг, яъни «қадим ул-айёмдин бери Хива хонининг хирожгузор ва хизматкори бўлган жамъе қазоқ тавойифи» ерларининг бевосита Хива хонлигининг мулклари деб ҳисобланганлиги билан боғлиқ эди. Манбада хоннинг фармони олийси билан Қувон(ч) дарёсининг жануби ва Мойли Ўзак ариғининг шимолий қирғоғида бир қалъа барпо этилиб, у ердаги «қазоқия тавойифидин чумакай халқи»дан шарият ҳукмига кўра хирож ва закотини олиб ўтирган улуғ амирлардан Хўжаниёзбий ҳамда Жонкент мавзеида «бир қўрғон барпой қилиб, ул жамоанинг ҳукумат ва посбонлиғиға иштиғол кўргузуб, бож ва закотин олиб» ўтирган Вайсниёзбой ва ундан кейин ўрнига тайинланган Бобожон Урганжий ҳақида маълумот бериб ўтилган[3].

---

[1] 1827 г., ранее июня 201. – Письмо хивинского хана Аллакули [13] биям подразделения кабак рода шекты Младшего жуза // История Казахстана в документах и материалах: Альманах. Вып. 3. ... Док. №42. – С.43.
[2] Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР ... – С.304.
[3] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.166.

«Жоме ал-воқеоти султоний»да ҳам «Дашти Қипчоқ мамлакатиким бағоят васеъ ва ариз (*кенг, бепоён*) мамлакатдур, Хоразм қаламравиға дохил ва ҳар йил закоту хирожи ҳазрати аъло хоқони гитиситонийнинг хазинаи давлатнишонасиға восил эрди» деб кўрсатилади[1].

«Гулшани давлат» асарида Муҳаммад Аминхон ҳукмронлигининг тўққинчи йилидаги (1849) воқеалар қаторида Дашти Қипчоқ жанубига Девқаро денгизининг атрофидаги қозоқ уруғларидан ҳамда бу ҳудуддаги «Эрдор йўли»дан ўтувчи карвоннинг «закотини олиб, ўша атрофдаги баъзи бебош жамоага жазо бериб, тартиб ўрнатиш» учун юборилган Муҳаммадшарифбой ва Раҳмонберган маҳрам ҳақида маълумот берилган. Манбада кўрсатилишича, улар бир неча муддат мазкур ҳудудда қолиб, моллардан олинадиган закот билан бирга атрофдаги деҳқонларнинг ҳосилидан ҳам «подшоҳ ҳиссаси»ни ундирмоқ учун юборилган эди[2].

Албатта, бундай йиғинлар ҳар доим ҳам ўзаро келишув ва розилик билан амалга оширилмаган. Бундай ҳолларда Хива хони томонидан «жазо гуруҳлари» юборилган. Хусусан, «Гулшани давлат»да Бешикли ва Шўрбулоқ мавзеларида яшовчи қозоқларнинг бир гуруҳ исёнчилари Бўритўра бошчилигида юқорида кўрсатилган Муҳаммадшарифбой ва Раҳмонберган маҳрамга ҳужум уюштирганлари қайд этилади. Закотчилар «юз машаққат ва минг кулфат била даргоҳи фалакиштибоҳ мулозаматиға келиб», бўлган воқеани хоннинг арзига етказишгач, уларни бўйсундириш учун қўшин юборилган[3].

XIX аср ўрталарида қозоқларнинг чумакай, шекти, тўртқаро уруғлари ҳамда Орол денгизига яқин ва Сирдарёнинг қуйи оқими, шунингдек, Устюртнинг Адай овуллари Хива ҳукмронлиги остида эди. Ушбу ҳудудлар белгиланган миқдорда солиқ

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.37.
[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.70.
[3] Ўша жойда. – Б.71.

тўлаб туришган. Бунга қаршилик кўрсатилган ҳолларда куч ишлатилган бўлиб, бу юришларда Хива қўшинларидан ташқари пул, ер ва турли унвонлар эвазига ёлланган қозоқ султонларининг ўзлари ҳам иштирок этишган[1].

Қозоқ сардорлари Хива хони буйруғи билан эълон қилинган ҳарбий сафарбарликка кўра урушларда ҳам иштирок этишлари лозим эди. Жумладан, «...қазоқия тавойифидин адай ва тобин халқининг бийлари Ишадатбий ва Довудбий Ёйиқ сўйи (*суви*) яқасидин бешумор лашкар била ямут [туркманлари] муҳорабаси (*юриши*) учун Кўҳна Урганжга келган»лиги қайд этилган манбада[2].

Юқорида таъкидланганидек, бу ҳудудларга Россия империясининг ҳам даъвоси бор эдики, бу масала икки ўртада баҳсли муаммолардан бўлиб қолаётган эди.

Огаҳийнинг таъкидлашича, рус ҳукумати нафақат Дашти Қипчоқ юртининг «обу ҳавоси орзуси, балки Хоразм мамлакати қасди учун» ҳам, яъни Хива хонлиги ҳудудларини қўлга киритиш мақсадида ҳам ҳар йили «Рус вилоятидин Дашти Қипчоқ сори мутаважжуҳ бўлуб (*кириб*), ҳар мавзеда истеҳкоми тамом била қалъа солиб, оромгузин бўлур» эди[3].

Қозоқ уруғларининг бир қисми доим Хива хонлигига ён босган ва бевосита Хоразм ҳудудларига яқин бўлишга интилишган бўлса, рус ҳукуматининг марҳаматидан манфаатдор бўлган бошқа қисми рус қўшинларини қўллаб-қувватлар эди. Бу борада «Жоме ал-воқеоти султоний»да «баъзи қазоқия саркашлари куффори фужжорға (*кофирларга*) итоат ва инқиёд кўргузуб, атрофу жавонибдин ғалла ва ўтин ва ҳар навъ кераклик нима бўлса, анга элтиб ўрусға имдод еткур эди» деб келтирилади. Асарда кўрсатилишича, бундан хабар топган Хива хони 1846/1847 йилда Дашти Қипчоққа катта қўшин

---

[1] Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР ... – С.290.
[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.129.
[3] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.38.

юборган ва Хоразм лашкарининг ҳужумидан хавотирга тушган кўпгина қазоқ сардорлари келиб, узр сўрашган эди[1].

Кўрсатиб ўтиш лозимки, XVIII аср охири – XIX аср бошларида Қозоқ даштида Россия империяси ҳарбий ҳаракатларининг фаоллашуви миллий-озодлик курашларининг авж олишига сабаб бўлган эди. Бу курашларда қозоқ султонлари ва қабила бошлиқлари Хива хонларини ўзларига ишончли иттифоқчи деб билганлар. Шу жиҳатдан, Хива – Қозоқ алоқаларининг яна бир шакли рус ҳукуматига қарши қаратилган миллий-озодлик курашида ўзаро иттифоқчилик ҳаракати эди.

Р. Почекаевнинг бу борада билдирган мулоҳазалари жуда ўринли. Унинг таъкидлашича, XIX асрнинг биринчи чорагида Россия империяси [ҳозирги] Қозоғистон ҳудудида радикал ислоҳотлар ўтказган эдики, бунинг оқибатида Қозоқ жузлари нафақат рус давлатининг вассали бўлиб қолган, балки ҳамма жиҳатдан империянинг ажралмас қисмига айланган. Ўрта Осиё хонлари анъанавий тарзда айрим қозоқ уруғларининг бирлашмасига ўзларига тобе сифатида қарар эди. Шу жиҳатдан, улар рус ҳукуматининг бундай кескин чораларини ўз мулкларига дахл этиш деб қабул қилишган, натижада империянинг қозоқлар орасидаги сиёсатига қарши кураш олиб боришар, қозоқ султонлари ва ботирларига ёрдам кўрсатишар эди. Жумладан, Срим ботир, Кенесари сингари қозоқ султонлари ва сардорлари Хива ҳамда Бухоро ҳукмдорлари томонидан қўллаб-қувватланган[2].

Ушбу масала юзасидан фикр билдирган В.И. Виткевич «Хивада қозоқларнинг бойули уруғидан бўлган қароқчи Срим ботирнинг ўғли Юсуф Срим яшаб, хиваликлар билан бир бўлиб иш олиб бормоқда. У уч йил илгари (номаълум сабабларга кўра) Урал бўйларидан кетиб, Хивага келиб жойлашган, ил-

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан ... – Б.38.
[2] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.203.

гари Санкт-Петербургда бўлган, битта олтин ва битта кумуш медали бор» деган маълумотни келтиради[1].

Срим ботир қозоқ қўшинларини бирлаштиришда диний тарғиботдан ҳам кенг фойдаланишга ҳаракат қилган. Шу жиҳатдан, у Хива ва Бухоро уламолари билан ҳамкорликни кучайтирган бўлиб, бу нарса икки томон вакиллари ўртасидаги ёзишмаларда ўз аксини топган[2].

Ўз мақсадларини охирига етказа олмай рус қўшинлари ҳамда ички мухолиф кучлар томонидан таъқиб қилинган Срим ботир 1797 йилда Хива хонлигига бориб паноҳ топган. Лекин унинг кейинги тақдири ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас.

Рус ҳукумати томонидан қозоқларнинг яйловларида янги мудофаа чизиғининг барпо этилиши бу ерда озодлик ҳаракатининг янги тўлқинларини келтириб чиқарган эди. Шундай чиқишлардан бирига бошчилик қилган тобин уруғининг сардори Жоламан Тиленши Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I га мактуб йўллаб, уларга хонлик таркибидаги туркманларнинг ерларида чорвачилик қилишга рухсат беришни сўраган[3]. М. Вяткиннинг таъкидлашича, Тиленши рус ҳукумати томонидан даштга юборилган қуролли экспедициялар, аслида, Хива хонлигига қаратилганлиги ва қозоқ қўшинларининг қаршилиги туфайли улар тўхтатиб қолинганлигини уқтириб, Хива хонига ўзаро ҳарбий иттифоқ тузишни таклиф этган[4].

Хива хони билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган қозоқ султонларидан Арду султонни ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Рус ҳукуматига катта умид боғлаган Арду султон дастлаб Хива ҳукмдорига рақиб бўлиб чиққан эди. Шу боис у Муҳаммад Раҳимхон I томонидан асир олинган ва унинг вафотидан сўнг

[1] Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича) ... – С.91.
[2] Вяткин М.П. Батыр Срым ... – С.274.
[3] Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР ... – С.228.
[4] Ўша жойда.

озод этилган эди. Тахтга янги ўтирган Оллоқулихон бу султонга ҳамкорлик қилишни, хусусан, Хива хонлиги таркибига кирувчи қозоқларга хон бўлиб, улардан хон хазинасига закот йиғиш вазифасини таклиф этган. Рус ҳукумати томонидан Калугага сургун қилинган акаси Арангғозининг озод этилишидан умидвор бўлган Арду султон Хива хонининг таклифини рад қилган. Лекин акасининг озод этилишига эриша олмагач, тез орада рус ҳукуматидан ҳафсаласи пир бўлиб Хива хони билан яқинлашиш йўлини тутган. Арду султон нафақат ўзи Хива тобелигини қабул қилган, балки шекти уруғи орасида тарғибот олиб бориб, уларни ҳам Хива хони ҳимоясига ўтишга кўндирган. И.Ерофееванинг таъкидлашича, «Хива хони томонидан тегишли фармон ва хон унвонини қабул қилган Арду султон энди рус фуқаролигини қабул қилган қозоқ уруғларининг овулларига ва Россия ҳамда Бухородан келувчи карвонларга уюштириладиган кўпсонли ҳужумларнинг ташкилотчиси сифатида иш юрита бошлаган»[1].

Оллоқулихон даврида Россияси империяси агентларига қарши кураш олиб борган қозоқ сардорлари, хусусан, Адай уруғи бошлиқлари ҳам Хива хонлиги билан яқинлашишга интилган. Ҳатто кўпсонли адай уруғининг бир қанча бошлиқлари Суюн Қора устидан шикоят қилишиб, унинг «хиёнати», яъни рус ҳукуматига қарши олиб борилаётган курашни тўхтатиб қўйганлигидан норозилик билдиришган. Шу муносабат билан Хива хони ўз қуролли кучларини Суюн Қора овулларига юборган. У қочиб қолгач, адайликлар орасида Хива тарафдори бўлган Ғойибгали (Каипгали)нинг таъсири ортган[2]. 1836 йил январида Қоракўлдаги Ғойибгали овулига Хива хони Оллоқулихоннинг элчилари ташриф буюриб, уни «ғарбий қозоқлар хони» унвонини берувчи фармонни қабул қилиб

[1] Ерофеева И.В. Казахские ханы и ханские династии в XVIII – середине XIX вв. ... – С.137.
[2] Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР ... – С.220.

олиш учун хон ҳузурига таклиф этишган. Шунингдек, элчилар Ғойибгалига ўзига тегишли уруғлар билан Россия чегараларидан кўчиб, Хива тарафига бориш таклифини билдиришган. Шу тариқа Ғойибгали бир гуруҳ қозоқ сардорларига бош бўлиб Хива хони ҳузурига ташриф буюрган. В.И. Виткевич вазиятга баҳо берар экан, «Устюрт ортида, Каспийнинг шарқий соҳилида қишловчи ёки кўчиб юрувчи қозоқ уруғлари (адай, чўмичли, тобин, чикли ва ҳ.к.) қадимдан бизга (*рус ҳукуматига*) таалуқлидир, лекин ҳозирда хиваликлар улар устидан ҳукмронлик қилувчи янги хонни тайинлашди. Бу хон машҳур чавандоз Султон Ғойибгалийдир. Шундай қилиб, хиваликлар Орол денгизининг ҳар икки тарафига ҳам ўзларининг хонларини тайинлаб, ҳокимиятини Оренбург барпо этилгандан буён ўтган даврдагидан ҳам анча кенгайтиришган» деб таъкидлайди[1].

Хива хони Оллоқулихон томонидан қўллаб-қувватланган Ғойибгали 1837 йил баҳорида шекти, адай, шомишли, тобин уруғларининг хони сифатида Қозоқ ўрдасига қайтиб, Хива ҳукмдорининг ноиби сифатида амал қила бошлаган ва ўзининг қўл остидаги қозоқ уруғларидан Хива хони хазинасига закот йиғадиган бўлган эди. Бир вақтнинг ўзида Ўрданинг ғарбий қисмида ўзининг мустақил ҳокимиятини мустаҳкамлашга интилган Ғойибгали Хива хони билан алоқасини кейинчалик ҳам узмаган эди[2].

М. Вяткиннинг таъкидлашича, миллий озодлик курашининг яна бир бошчиси Исетей сардорнинг сақланиб қолган 1838 йилдаги «чақириғи» уларнинг Хива хони Оллоқулихоннинг вассали сифатида ҳаракат олиб борганларини кўрсатади[3].

---

[1] Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича) ... – С.91.
[2] Ерофеева И.В. Казахские ханы и ханские династии в XVIII – середине XIX вв. ... – С.140.
[3] Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР ... – С.262.

Р. Почекаевнинг фикрича, бундай шароитда қозоқлар ёки Хива хонини музокарага чақиришнинг имкони йўқ эди, бу борада ҳарбий куч ишлатишга қарор қилинган[1]. Шундан сўнг рус қўмондони В. Перовский ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборган, ҳатто бу борада Амир Насрулло билан музокара олиб бориб, Хива хонлиги билан жанг бўлган ҳолатда Бухоронинг бетараф туришини келишиб олган.

Рус қўшинларининг 1839 йили В. Перовский бошчилигида Хивага юриши, ўз навбатида, Хива – Қозоқ алоқаларининг мустаҳкамланишига туртки бўлган.

1853 йилдаги воқеаларга гувоҳ бўлган таржимон Искандар Батыршиннинг «кундалиги»да қайд этилишича, генерал В. Перовский қозоқ ботири Исет Котибаровнинг ҳаракати ҳақида сўз юритар экан, «унинг хиваликлар билан алоқаси бор, улардан қўрқади, шу боис бизга туя беришни истамаяпти, лекин Исет хиваликлардан эмас, руслардан қўрқиши керак» деб таъкидлаб ўтган[2].

1853 йил 30 апрелда рус ҳукуматига Қозоқ овулларидан етазилган агентура хабарида келтирилишича, рус қўшинларининг Ўрта Осиё чегараларида фаоллашганлигидан хавотирга тушган Хива хони ўзининг айғоқчиларини ҳар томонга юборган. «Юрган мишмишларга кўра, айни вақтда бир қанча хиваликлар қозоқ ботирлари Жонхўжа Нурмуҳаммедов ва Исет Котибаровнинг ҳузуридадир», – дейилган ҳужжатда[3]. Урал қалъасининг бошлиғи капитан Михайловнинг 1853 йил 4 майда Оренбург корпуси штаби бошлиғига берган ҳисоботида эса: «Қозоқ ботири Жонхўжа Нурмуҳаммедовнинг овулидан олинган хабарга кўра, Исет Котибаров Хива хони билан яширин алоқа ўрнатган», – деб хабар берилган[4].

[1] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.207.
[2] Краткий дневник, веденный переводчиком Искендером Батыршиным во в ремя похода на Акмечеть. 1853 г. ... – С.320.
[3] Записка о происшествиях в степи, о среднеазиатских владениях. 30 апреля 1853 г. Материалы, относящиеся к Хиве и Кокане ... 61, оп. 1, д. 14, л. 57 – 58; л. 70 – 75.
[4] Ўша жойда. Ф. 61, оп. 1, д. 14, л. 57 – 58; л. 70 об.

Исет Котибаров ҳам Хива хони билан дўстона алоқаларда бўлган. Ҳатто Исет ботир ҳаракати тўхтатилгач, унга қарашли айрим сардорлар, жумладан, Азберген ботир шекти уруғи вакилларининг бир қисми билан Хива хонлиги ҳудудларига кўчиб ўтиб, хонга закот тўлай бошлаган эди. Натижада у Хивага тобе бўлган барча қозоқларнинг бийи этиб тайинланган[1].

1868 йил 21 октябрда Қозоқ жузлари ҳудудида Россия империяси ҳукумати томонидан ўтказилган маъмурий-бошқарув ислоҳоти уларнинг рус ҳукуматига қарши норозилик чиқишларини янада кучайтирган, натижада бир қанча қозоқ султонлари Хива хони билан яқинлаша бошлаган эдилар.

1869 йил январида Хивага қозоқ ботири Кенесарининг ўғли Сиддиқ тўра келган. У отасининг ўлимидан сўнг Бухоро амири Музаффар хизматига кириб, рус қўшинларига қарши кураш олиб борган. Бухоро амирлиги Россия империясидан енгилгач бир муддат мустақил равишда рус армиясига қарши кураш олиб борган. Ёлғиз ўзи бу курашда муваффақиятга эриша олмаслигини билган қозоқ тўраси Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II ҳузурига келиб паноҳ топган. Уни ҳурмат билан кутиб олган Хива хони у билан келган 60 нафар аскарга ҳам бағрикенглик билан муносабатда бўлган ва уларга Амударёнинг шимолидаги Уйғур деган мавзедан жой берган[2].

Кўриниб турибдики, XIX аср Ўрта Осиё минтақасида юзага келган вазият, жумладан, Хива хонлиги ташқи алоқаларининг характерига катта таъсир кўрсатган, айниқса, бу даврда кучайган «Россия омили» Хива хонлиги ва Қозоқ жузлари ўртасидаги алоқаларда яққолроқ намоён бўлган эди. Бу омиллар Хива хонлигида янги Қўнғиротлар сулоласининг ҳокимиятни бевосита қўлга олиши ва ўз мавқеини мустаҳкамлаши ҳамда қўшни давлатлар билан олиб борган кенг миқёсли элчилик

[1] Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР ... – С.308 – 310.
[2] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.223; Бартольд В.В. События перед Хивинским походом 1873 года ... – С.406.

алоқалари билан боғлиқ эди. Рус давлати фуқаролигини қабул қилган Қозоқ жузларига Россия империяси ҳукумати томонидан «бизнинг қозоқларимиз» деб қаралиши ҳамда Кичик қозоқ жузининг чегарадош овулларига Хива хонларининг даъволари, яъни у ерлардан солиқ олиш ва уларнинг ички ишларига бевосита аралашишни давом эттириши нафақат Хиза – Қозоқ, балки Хива хонлигининг Россия империяси билан ўзаро муносабатлари характерини белгилаган эди.

# IV БОБ

# ХИВА ХОНЛИГИ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОҲИЯТИ

## 4.1. ХИВА ХОНЛИГИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР МЕХАНИЗМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА УНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

«Дипломатия» иборасининг ўзи анча кенг маънога эга бўлиб, улардан бири давлатлараро музокараларнинг тартиб-қоидалари ҳамда бу борада иш юритувчи аппаратни англатиш учун қўлланилган. Шунингдек, бу сўз элчиларнинг ўзига хос музокара олиб бориш қобилиятини англатади[1].

Турли давлатлар ва жамиятлар ўртасидаги ўзаро келишувни таъминлаш мақсадида мулоқотнинг махсус қоидалари ишлаб чиқилган бўлиб, улар дипломатик маросим, протокол ва этикет деб юритилади[2]. Элчиларни қабул қилиш маросими, яъни *церемониал*, ўз навбатида, маълум бир расмиятчиликка қатъиян риоя қилишни англатган ва бу расмиятчиликнинг жамланмаси «протокол» деб аталган. Протокол ибораси ўрта асрларда ҳужжатларни расмийлаштириш ва архивлашти-

[1] Зорин В.А. Основы дипломатической службы. – М., 1977.
[2] Агеева О.Г. Дипломатический церемониал императорской России в XVIII веке ... – С.5.

ришни англатган бўлса, кейинчалик у дипломатия ва элчилик хизмати учун қўлланила бошланган[1].

Дипломатик протоколнинг таркибий қисмлардан бирини дипломатик этикет ташкил этади ва у халқаро тажрибада дипломатик, расмий ва шахслараро муносабатларда риоя қилинадиган ўзига хос ҳурмат-эҳтиром қоидалари ҳисобланади.

Давлатлараро алоқаларни йўлга қўйиб, ўзаро муносабатларни барқарорлаштиришда элчиларнинг ўрни катта. Мирзо Улуғбек ўзининг «Тўрт улус тарихи» асарида бежизга элчини ўққа, уни маълум бир манзилга йўлловчи подшоҳни эса камонга ўхшатмаган эди. Айниқса, мураккаб тарихий давр ҳисобланган ўрта асрларда доимий равишда ўзгариб турган сиёсий вазиятни юмшатиш, катта машаққат ва хавф-хатар билан амалга оширилган савдо алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда турли тушунмовчиликларни ҳал қилиш элчидан жуда катта маҳорат ва кўникмани талаб қилган. «Риёз уд-давла» асарида Оллоқулихон томонидан Сарахс юриши чоғида атрофдаги мамлакат ҳукмдорларига юборилган элчилар ҳақида сўз кетганда «элчийи кордон ва суфаройи бисёрдон», яъни ишбилармон элчи ва кўпни кўрган дипломат деган сифатлар келтирилади[2]. «Шоҳиду-л-иқбол»да Бухоро элчилигига тайинланган Муҳаммад Ниёз девонбегининг шахсий хислатлари ва элчи сифатидаги маҳорати борасида «фаҳму фаросатда замон халқининг мушорун илайҳи (*юқоридагиси*), ақлу каёсат (*заковот*)да жаҳон аҳлининг мўътамиди алайҳи (*ишончлиси*) дур» деб таъриф берилган[3]. «Гулшани давлат» асарида «бағоят донишманд ва басуханвар (*сўзга чечан*) ва хушмуҳовара

[1] Махсус соҳа луғатларига таянган муаллифнинг қайд этишича, дипломатик протокол ҳукуматлар, ташқи ишлар идоралари, дипломатик вакиллар ва расмий шахсларнинг халқаро мулоқоти жараёни риоя қилинган умумқабул қилинган қоидалар, анъаналар ва шартларнинг ўзига хос кўринишидир. Қаранг: Агеева О.Г. Дипломатический церемониал императорской России в XVIII веке ... – С.6.

[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.34.

[3] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.204.

(*хушмуоамала*) кишидур» деб таърифланган Шукрулло оға ҳақидаги маълумотлар эътиборга лойиқдир[1]. У билан шахсан кўришиб, мулоқот қилган А. Вамбери бу шахснинг мулойим феъли ва хуш муомаласини алоҳида таъкидлар экан, буни бевосита унинг кўп маротаба хорижда бўлганлиги билан боғлайди. Хусусан, «бу олижаноб қария ёшлик йилларида Ҳиротда майор Тодд (1839) билан учрашган, бир неча бор Петербургга элчи сифатида юборилган, шунингдек, Константинопол (*Туркия*)да тез-тез фарангилар билан мулоқот қилган» деб таъриф беради А. Вамбери[2].

Шу тариқа маҳоратли элчиларнинг фаолияти ва узоқ ўтмишга эга бўлган элчилик амалиётининг тараққиёти жараёнида махсус дипломатик институтлар шаклланган эди. Хусусан, қатъий қоидаларга бўйсунувчи «дипломатик этикет» ва «элчилик хизмати» юзага келган.

Дипломатия тарихига доир умумий ишлардан кўриш мумкинки, Ўрта Осиёда «элчилик хизмати»нинг шаклланиш босқичлари дунё тажрибаси билан боғлиқ равишда кечган.

Ўрта асрлар Европасида Қирол саройи «сиёсатни яратувчи марказ» бўлиб, дипломатия дастлабки босқичда *ўта ишончли кишиларнинг*[3] тор доирасидан чиқмас эди[4]. Ўрта асрлар даврининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундай эдики, давлат манфаатлари бевосита ҳукмрон сулола, жумладан, ҳукмдорнинг шахсий манфаатлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Шу жиҳатдан, дастлабки босқичларда халқаро муносабатларнинг махсус тизими шаклланмаган бўлиб, элчилик хизматининг фаолияти мавжуд вазият ва юзага келган муаммога қараб ташкил этилар эди.

---

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.207.

[2] Вамбери А. Путешествие по Средней Азии ... – С.58.

[3] Маҳаллий Ўрта Осиё манбаларида «дониста кишилар» деган ибора қўлланган. Қаранг: Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. ... – Б.189.

[4] Шарапов С.История дипломатии ... -,открытый проект. http://www.diphis.ru[organi_vneshney_politiki_i_diplomatii_diploma-a105.html

Қайд этиш жоизки, XVI аср Европанинг йирик давлатларида ташқи сиёсат юритувчи элчилик хизмати ва унинг марказий ҳамда маҳаллий идоралари шаклланган давр ҳисобланади. XVI аср охирига келиб дипломатик институтнинг ташкилий тузилмалари анча барқарорлашиб борган ва маълум бир дипломатик иерархия (*силсила*) вужудга келган. Хусусан, элчи билан бирга элчилик хизматининг турли даражадаги ходимлари тайинланиб, элчи билан оддий вакил ёки чопар бир-биридан жиддий фарқланар эди.

XVI аср мобайнида Ғарбий Европа андозалари асосида Москва Русида[1] ҳам дипломатик этикетлар мажмуаси юзага кела бошлаган.

Масалани махсус тадқиқ қилган О. Агеева бу борадаги ўзгаришлар юзасидан аниқ хулосалар беради. Хусусан, унинг қайд этишича, Россия ўзининг элчилик этикети ва ташқи дунё билан алоқаларидаги янги сифат даражасига «Петр даври» ёки «Маърифат даври» деб ном олган XVIII аср бошларида чиқа бошлаган. Бу эса дунёнинг кўзга кўринган мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли томон сифатида музокаралар олиб боришни, жумладан, дипломатик алоқаларнинг янги, бевосита жаҳон талабларига жавоб берадиган тартиб-қоидаларини шакллантириш ва ривожлантиришни талаб қиларди[2]. Лекин улардан воз кечиш анча мураккаб ва қийин масала эдики, Рус давлатининг дипломатик маросимлари шакли-шамойили жиҳатидан Европадан кўра кўпроқ Шарқ ёки Осиё анъаналарига яқин эди.

С. Жуковский Россия империясида «элчилик хизмати»нинг шаклланиши ҳамда юз берган ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтар экан, «рус князлари узоқ вақт фақат Олтин Ўрда ва Мўғулистоннинг буюк хонлари билан алоқа олиб борганлари

[1] Бу даврда рус давлати шу ном билан аталган.
[2] Агеева О.Г. Дипломатический церемониал императорской России в XVIII веке ... – С.8.

боис уларнинг талабларига бўйсунишга мажбур бўлганлар. Натижада Мўғуллар империяси ҳукмронлиги даврида мўғул-татар, аниқроғи, *осиёча* элчилик маросими шаклланган» деган хулосани берган. Олимнинг таъкидлашича, рус князлари бу коидаларни шу даражада ўзлаштирганларки, уларни ўз маросимлари деб ҳисоблаганлар. Бу тартиб Петр I томонидан европача элчилик қоидаларининг татбиқ қилинишига қадар давом этган[1].

Н.И. Веселовскийнинг фикрларига таянган О. Агеева ҳам Москва давлатининг дипломатик маросимлари бутунлай татар, аниқроғи, *осиёча* характерга эга бўлганлигини ва фарқли жиҳатлар аҳамиятсиз даражада бўлиб, асосан диний қарашлардагина акс этганлигини қайд қилади[2].

Рус луғатида, жумладан, расмий мулоқотда ва ҳужжатларда қўлланилган «кўриш» (koreš), «кўриниш» (korniš) иборасининг этимологик жиҳатларини таҳлил қилган И. Зайцев русча *корешеваться* «бир-бирини дўстона қутлаш, яқин ва дўстона алоқа ўрнатиш» феълидан олинган бу сўзнинг асл туркий *кўруш (*koruš*)* феъли, яъни «бир-бирини кўриш, қабулда – ауденцияда бўлиш»ни англатганлигини асослаб берган[3]. Тадқиқотчининг қайд этишича, дипломатик маросим ҳисобланган *корешевание (koreševan'e)*, яъни ўзига хос жуда яқин қучоқлашиб кўришиш одати Олтин Ўрда ва унинг ворис давлатлари – Қрим, Қозон ва Астрахан хонликлари ҳамда Нўғай ўрдасида XVI аср охирларигача оммалашган эди.

*Корешевание* иборасини атрофлича таҳлил қилган И. Зайцев унинг асосини туркийча маъно ҳамда осиёча моҳият билан боғлайди, «бу сўз ҳукмдорнинг мавқеъ ва мақом жиҳатдан ўзига тенг бўлган ҳукмдор ёки алоҳида эҳтиромга сазовор

[1] Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие ... – С.5 – 6.
[2] Агеева О.Г. Дипломатический церемониал императорской России в XVIII веке ... – С.10.
[3] Zajcev I.V. Notes on the Golden Horde Diplomatic Ceremonial ... – P.295 – 298.

бўлган элчи билан яқин мулоқот қилиш, жумладан, қўлини тегизиш ва яқин қучоқлашиш ҳолатини билдирган» дейди[1].

О. Агеева Рус давлатининг «Маърифат даври»даги дипломатик этикетда юз берган ўзгаришларни таҳлил қилар экан, «Ғарб дипломатларининг евроцентрик[2] олами Пётргача бўлган Россияни *ноевропача*, демакки, цивилизациядан орқада қолган ва тараққиётнинг анча паст даражасидаги давлат сифатида баҳолар эди» деб хулоса беради[3].

Ўз вақтида С.В. Жуковский ҳам XVIII асргача бўлган даврда «русларнинг қабул маросими европаликларникидан шу даражада фарқ қилар эдики, Ғарб билан алоқалар жараёнида рус маросимларининг талаблари яхши маънода тушунмовчиликни келтириб чиқарар, ёмон маънода кулгига сабаб бўлар эди» деб кўрсатган эди[4]. Шу жиҳатдан ҳам Россия империяси XVIII асрдан «европалашиш»га интилиб, дипломатик этикет ҳамда қабул маросимининг янги шаклларига ўта бошлаган эди.

Шу билан бирга, ўша даврдаги умумқабул қилинган кўпгина анъаналар ва тартиб-қоидалар бевосита Россия давлати билан яқин савдо-дипломатик алоқаларни йўлга қўйган Ўрта Осиё давлатларига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди.

О. Агеева «XVIII аср дипломатик маросими ўзига хос оммавий театр томошаси бўлиб, иштирокчиларнинг барча ҳаракатлари жуда яхши ёд олинган роль ижроси ҳисобланарди» деган фикрни келтиради[5].

[1] Муаллиф ўз фикрига мисол сифатида қуйидаги маълумотни келтиради: 1571 йил ноябрида Москвага ташриф буюрган Қрим хони Менгли Гирой ва Авел шаҳзодалар подшо Иван IV томонидан зиёфатга ҳам, «корешевание»га таклиф этилмаган эди. Чунки бу вақтда Қримда (Кефе шаҳрида) вабо эпидемияси тарқалган бўлиб, уларга Рус давлатининг катта шаҳзодаси билан қўл бериб кўришишга ҳам рухсат берилмаган. Қаранг: Zajcev I.V. Notes on the Golden Horde Diplomatic Ceremonial ... – P.296.
[2] Евроцентризм – Европа ва Америка маданиятини ҳамма учун бирдек мақбул ҳамда тараққиёт мезони сифатида тарғиб қилувчи оқим.
[3] Агеева О.Г. Дипломатический церемониал императорской России в XVIII веке ... – С.10; Веселовский Н.И. Татарское влияние на русский посольский церемониал в Моссковский период русской империи. – СПб., 1911. – С.1 – 2.
[4] Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие ... – С.5 – 6.
[5] Агеева О.Г. Дипломатический церемониал императорской России в XVIII веке ... – С.7.

Бундай ўзига хос «театрлаштирилган томоша» ривожлангани сари янада мураккаблашиб, айниқса, XVIII асрда тобора қатъийлашиб борган. Ҳатто ишнинг расмий томонига шу қадар кучли эътибор берилардики, унинг ортида моҳият ўз аҳамиятини йўқотиб қўяр эди[1].

Шу тариқа, маҳаллий доирада бўлгани сингари, халқаро даражада ҳам маълум бир қоидалардан иборат махсус маросимлар мажмуаси таркиб топган эди. Шу билан бирга, элчиларнинг нутқи ва дипломатик ҳужжатларнинг тайёрланишига талаблар ҳам ортиб борган. Шу муносабат билан дипломатияда ўзига хос нозик нутқ ва ёзув санъати юзага келган. Шу тарзда турли тартиб-қоидалар ва маросимларни ўз ичига олган дипломатик институт механизми шаклланиб, тараққий этиб борган.

Элчи ва уни қабул қилаётган ҳукмдор ёки масъул вакилнинг хатти-ҳаракати бир шахснинг ҳаракати сифатида эмас, бевосита давлатлар ўртасидаги муносабатлар даражасида, шунингдек, уларнинг халқаро майдондаги мавқеи миқёсида талқин қилинар эди. Белгиланган қоидадан бир оз бўлса-да четга чиқиш ҳолати ўртадаги муносабатларнинг ўзгариши, жумладан, қабул қилинаётган томонга нисбатан ҳурматсизлик ёки, аксинча, алоҳида эҳтиром белгиси сифатида қабул қилинган. Шу жиҳатдан, элчилар доим дипломатик этикетнинг ҳар қандай майда детали устида баҳслашишар, ўз ҳукмдорининг обрўсига путур етказишдан қўрқиб бошқа элчиларга кўрсатилган эҳтиромни талаб қилишар эди[2].

«Ҳукмдор обрўси» масаласида фикр билдирган Р. Почекаев: «Оренбург губернатори сифатида В. Перовскийнинг Хивага юборган дастлабки элчилари шахсан унинг номидан эди. Бунинг сабаби, мабодо Хивада уларга етарли даражада

---

[1] Веселовский Н.И. Иван Данилович Хохлов – русский посланник в Персии и Бухаре в XVII в. ... – С.14.

[2] Шарапов С. История дипломатии. Ўша жойда.

ҳурмат кўрсатилмаса, В. Перовскийнинг шахсигагина ҳурматсизлик кўрсатилган бўларди ва бунда империя обрўсига путур етмас эди. Лекин В. Перовский Шарқ ҳукмдорларининг этикет ва протокол масаласига жуда синчковлик билан муносабатда бўлишларини эътиборга олмаган эди. Хива хонига шунчаки бир маҳаллий амалдор томонидан элчи юборилишининг ўзини ҳақорат сифатида талқин қилиш мумкин эди», – деб таъкидлайди[1].

Шу ўринда кўрсатиб ўтиш жоизки, ҳукмдор «обрўси ва ор-номуси»ни англатувчи кўплаб «майда нарсалар» бор эдики, уларга элчилар алоҳида талабчанлик билан ёндашишарди. Бу борада «унвон» масаласи жуда муҳим ўрин тутар эди. Зеро, унвон маълум бир имтиёзга эгалик ҳуқуқини ҳам англатар, шу жиҳатдан унинг камситилиши, ўз навбатида, ўша ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этилишини билдирарди[2]. Бу борада, айниқса, рус элчилари жуда инжиқ эдилар.

1614 йилда Хива хонлигида бўлган Михаил Тихоновнинг эътирозлари ана шундай зиддиятли ҳолатлар ҳақида тасаввур беради. Хусусан, элчи ўз ҳисоботида Хива хони Араб Муҳаммадхон (1602 – 1621)нинг рус подшосига нисбатан ҳурматсизлик қилганлигини алоҳида таъкидлайди[3]. Хива хони томонидан муносиб кутиб олинганига қарамай, элчи рус подшосининг исми ва унвонлари тилга олинганда хоннинг ўз ўрнидан турмаганлиги ва элчининг нутқини охиригача эшитмай уни бўлганлигини эътироз билан маълум қилган[4].

Ёрлиқ ва мактубларнинг расмийлаштирилиши, жумладан, уларга имзо чекиш ва муҳр қўйиш, шунингдек, ҳукмдор ёрлиғини қабул қилиб олиш ҳамда жавоб мактубининг етказилиш тартиби – буларнинг бари дипломатик этикетнинг «нозик ма-

[1] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.211.
[2] Шарапов С. История дипломатии. Ўша жойда.
[3] Бушев П.П. История посольств и дипломатических отношений Русского и Иранского государств в 1613 – 1621 гг. – М., 1987. – С.34.
[4] Корженевский Н.Л. Посольство Михаила Тихонова в Персию ... – С.34, 36.

Бундай ўзига хос «театрлаштирилган томоша» ривожлангани сари янада мураккаблашиб, айниқса, XVIII асрда тобора қатъийлашиб борган. Ҳатто ишнинг расмий томонига шу қадар кучли эътибор берилардики, унинг ортида моҳият ўз аҳамиятини йўқотиб қўяр эди[1].

Шу тариқа, маҳаллий доирада бўлгани сингари, халқаро даражада ҳам маълум бир қоидалардан иборат махсус маросимлар мажмуаси таркиб топган эди. Шу билан бирга, элчиларнинг нутқи ва дипломатик ҳужжатларнинг тайёрланишига талаблар ҳам ортиб борган. Шу муносабат билан дипломатияда ўзига хос нозик нутқ ва ёзув санъати юзага келган. Шу тарзда турли тартиб-қоидалар ва маросимларни ўз ичига олган дипломатик институт механизми шаклланиб, тараққий этиб борган.

Элчи ва уни қабул қилаётган ҳукмдор ёки масъул вакилнинг хатти-ҳаракати бир шахснинг ҳаракати сифатида эмас, бевосита давлатлар ўртасидаги муносабатлар даражасида, шунингдек, уларнинг халқаро майдондаги мавқеи миқёсида талқин қилинар эди. Белгиланган қоидадан бир оз бўлса-да четга чиқиш ҳолати ўртадаги муносабатларнинг ўзгариши, жумладан, қабул қилинаётган томонга нисбатан ҳурматсизлик ёки, аксинча, алоҳида эҳтиром белгиси сифатида қабул қилинган. Шу жиҳатдан, элчилар доим дипломатик этикетнинг ҳар қандай майда детали устида баҳслашишар, ўз ҳукмдорининг обрўсига путур етказишдан қўрқиб бошқа элчиларга кўрсатилган эҳтиромни талаб қилишар эди[2].

«Ҳукмдор обрўси» масаласида фикр билдирган Р. Почекаев: «Оренбург губернатори сифатида В. Перовскийнинг Хивага юборган дастлабки элчилари шахсан унинг номидан эди. Бунинг сабаби, мабодо Хивада уларга етарли даражада

[1] Веселовский Н.И. Иван Данилович Хохлов – русский посланник в Персии и Бухаре в XVII в. ... – С.14.

[2] Шарапов С. История дипломатии. Ўша жойда.

ҳурмат кўрсатилмаса, В. Перовскийнинг шахсигагина ҳурматсизлик кўрсатилган бўларди ва бунда империя обрўсига путур етмас эди. Лекин В. Перовский Шарқ ҳукмдорларининг этикет ва протокол масаласига жуда синчковлик билан муносабатда бўлишларини эътиборга олмаган эди. Хива хонига шунчаки бир маҳаллий амалдор томонидан элчи юборилишининг ўзини ҳақорат сифатида талқин қилиш мумкин эди», – деб таъкидлайди[1].

Шу ўринда кўрсатиб ўтиш жоизки, ҳукмдор «обрўси ва ор-номуси»ни англатувчи кўплаб «майда нарсалар» бор эдики, уларга элчилар алоҳида талабчанлик билан ёндашишарди. Бу борада «унвон» масаласи жуда муҳим ўрин тутар эди. Зеро, унвон маълум бир имтиёзга эгалик ҳуқуқини ҳам англатар, шу жиҳатдан унинг камситилиши, ўз навбатида, ўша ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этилишини билдирарди[2]. Бу борада, айниқса, рус элчилари жуда инжиқ эдилар.

1614 йилда Хива хонлигида бўлган Михаил Тихоновнинг эътирозлари ана шундай зиддиятли ҳолатлар ҳақида тасаввур беради. Хусусан, элчи ўз ҳисоботида Хива хони Араб Муҳаммадхон (1602 – 1621)нинг рус подшосига нисбатан ҳурматсизлик қилганлигини алоҳида таъкидлайди[3]. Хива хони томонидан муносиб кутиб олинганига қарамай, элчи рус подшосининг исми ва унвонлари тилга олинганда хоннинг ўз ўрнидан турмаганлиги ва элчининг нутқини охиригача эшитмай уни бўлганлигини эътироз билан маълум қилган[4].

Ёрлиқ ва мактубларнинг расмийлаштирилиши, жумладан, уларга имзо чекиш ва муҳр қўйиш, шунингдек, ҳукмдор ёрлиғини қабул қилиб олиш ҳамда жавоб мактубининг етказилиш тартиби – буларнинг бари дипломатик этикетнинг «нозик ма-

---

[1] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.211.
[2] Шарапов С. История дипломатии. Ўша жойда.
[3] Бушев П.П. История посольств и дипломатических отношений Русского и Иранского государств в 1613 – 1621 гг. – М., 1987. – С.34.
[4] Корженевский Н.Л. Посольство Михаила Тихонова в Персию ... – С.34, 36.

салалари» ҳисобланарди. С.В. Жуковскийнинг маълумот беришича, 1589 йилда Рус ҳукмдори Федор Иванович ҳузурига борган Урганч элчиси Хўжа Муҳаммад Али келтирган ёрлиқ расмий ҳужжат сифатида қабул қилинмаган. Чунки элчилар келтирган ёрлиқда Рус подшоси Федор Ивановичнинг унвонлари тўлиқ берилмаган, шунингдек, ўша даврда амалда ҳокимиятни бошқариб турган Борис Федорович Годуновнинг исми умуман кўрсатилмаган эди[1].

1762 йилда Хива хони Темир Ғозихон (1757 – 1764) томонидан Россияга элчи қилиб юборилган мулла Исҳоқ олиб борган мактубнинг муҳри бевосита ёрлиқнинг ўзида эмас, унинг ғилофида қўйилганлиги учунгина Екатерина II томонидан қабул қилинмаган. 1783 йилда ҳам яна бир Хива элчиси, ўша давр Рус давлатида белгиланганидек, «муҳр [мактубнинг] охири ва орқа томонида эмас, бошланиш қисмида қўйилган»лиги туфайли саройга киритилмаган[2]. Шунга ўхшаш эътирозлар сабабли Ўрта Осиё хонликларининг элчилари кўп ҳолларда расмий тушунтиришлар беришга ва ўз ҳужжатларини талаб этилган шаклга келтиришга мажбур бўлишар эди.

Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, дипломатик этикет қоидаларига бир мамлакат доирасида киритилган ўзгаришлар, ўз навбатида, иккинчи томонда ҳам қўшимча қоидаларнинг жорий этилишини тақозо этарди.

Шу билан бирга, Хива хонлигининг қўшни хонликлар ҳамда Эрон давлати билан дипломатик муносабатларни олиб боришда ўзаро алмашинилган ҳужжатлар тури ва характерига қараб подшо Россияси билан алмашинган ёзишмалардан фарқ қилган. Маҳаллий «Солномалар»да хатларнинг умумий номи «мактуб, нома, мактубот» ёки «котибат» деб берилса-да, вазиятга қараб уларнинг «муҳаббатнома»,

[1] Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие ... – С.10.

[2] Дипломатия. Туркестанские ведомости. 1907. №89.

«иноятнома», «муволифатнома», «таҳниятнома», «фатҳнома», «сулҳнома», «муросила», «маъзиратнома» сингари турлари тилга олинади.

Шундай қилиб, элчилик маросимининг «майда-чуйдалари» бўлиб кўринган ҳар бир масала амалда катта аҳамиятга эга бўлиб, нафақат музокараларнинг бориши, балки икки давлат ўртасидаги муносабатлар характерига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Шу жиҳатдан, хорижий элчиларни қабул қилиш ва кузатиш жараёни алоҳида эътиборни ва махсус тартиб-қоидаларга риоя қилишни талаб этган. Албатта, даврий жиҳатдан ўрта асрларнинг ўзига хос хусусиятларини унутмаслик керакки, кўп ҳолларда белгиланган қоидалар бузилар ёки қўшимча атрибутлар юзага келар эди.

Шу ўринда халқаро дипломатик алоқаларнинг умумқабул қилинган шартлари бўлганки, уларнинг айримлари ўзининг шаклланиш даврида расман ёзиб қўйилмаган бўлса-да, қатъий амал қилиниши лозим эди. Жумладан, дипломатик алоқаларнинг муҳим қоидаларидан бири «ҳокимият алмашинуви» масаласининг зудлик билан атрофдаги вилоят ҳокимлари ва қўшни давлат ҳукмдорларига хабар қилиниши эди. Қоидага кўра, бундай элчилик зиммасига бир вақтда икки ҳодиса, яъни ҳукмдорнинг вафоти ёки турли сабабларга кўра ҳокимиятдан кетиши ҳамда янги ҳукмдорнинг тахтга ўтириши тўғрисидаги хабарни етказиш вазифаси юклатилган.

«Ҳокимият алмашинуви» масаласига, Ўрта Осиё хонликларидан фарқли ўлароқ, рус ҳукумати анча жиддий ёндашган. Хива – Бухоро муносабатларига доир қисмда кўриб чиқилган 1643 йилда Исфандиёрхоннинг тўнғич ўғли томонидан рус подшосига юборилган мактуб таҳлили бу борадаги мулоҳазаларга ойдинлик киритиши мумкин. Унда маълум қилинишича, Исфандиёрхон вафотидан олдин ўзининг ишончли амалдорлари билан маслаҳатлашган ҳолда ўғилла-

рини ва Хоразм мамлакатини Бухоро хони Надр Муҳаммадхонга топширишни буюрган эди[1]. Ёш шаҳзоданинг бевосита рус подшосига мактуб йўллаб, ўзларининг ҳолатини маълум қилганлиги одатий ёзишма ёки дипломатик этикетнинг содда бир кўриниши сифатида баҳоланиши мумкин. Лекин ушбу соддагина хабар замирида катта сиёсий масала ётади. Зеро, қисқа муддатга бўлса-да қўшни Бухоро хонлиги тобелигига ўтиши мустақил давлат сифатида ўз кучини йўқотган Хива хонлиги билан алоқаларни тўхтатилишига сабаб бўлиши мумкин эди. Хоразм султони томонидан отаси Исфандиёрхон розилиги ва кўрсатмаси асосида Хива тахтининг Бухоро хони Надр Муҳаммадхонга топширилиши ҳақида ёзма равишда ахборот берилиши вазиятга ойдинлик киритар эди. Шу жиҳатдан, ҳар бир давлат мамлакат ичида юз берган ўзгаришлар ҳақида бир-бирларини хабардор қилиш анъанаси жуда яхши йўлга қўйилган эди.

Хива хонлигининг 1739 йилда Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ томонидан босиб олиниши муносабати билан юзага келган вазият ҳам юқоридаги фикрга мисол бўлади. Хусусан, Хива хонлигининг мустақиллигига шубҳа қилган рус ҳукумати 1745 йилда Астраханга борган Хоразм элчиси Ҳожи Муҳаммад охундни кабул қилмаган[2]. Шу жиҳатдан, 1750 йилда Оренбургга келган Хоразм элчиси Шербек Хива хонлигининг Нодиршоҳ ҳукмронлигидан мустақил бўлганлигини маълум қилиш учун юборилган[3]. Хоразм эличиси Оренбургга келганда у ернинг бошлиғи И. Неплюев қандай муносабатда бўлишни билмаган. Чунки бу элчилик Хива хонлигининг Эрон шоҳи Нодиршоҳ назоратидан чиқиб, мустақил бўлганидан

---

[1] Перевод с грамоты к Царю Михайлу Федоровичу от Юргенчского Царевича Сейта известительной о злаполучиях переносимых им по случаю смерти отцовской и о пребывании его в Бухарии. РГАДА. Ф. 134, оп. 2, д. 19.

[2] Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие ... – С.81.

[3] Ўша жойда. – С.83.

сўнг илк бор ташриф буюрган элчилик эди. Қолаверса, бу даврда хонлик тахтида расман қозоқ султонларидан Ғойибхон ўтирган бўлиб, И. Неплюев Ташқи ишлар коллегиясига берган ҳисоботида хиваликлар кўпинча ўз тахтига Россия тобелигини қабул қилган қозоқ султонларини ўтқазишларини маълум қилган. Шу муносабат билан у такрорланиб турувчи бундай ҳолатларда қандай йўл тутиши лозимлиги юзасидан кўрсатма берилишини сўраган. Коллегия 1750 йил 13 август фармони билан қозоқ султонларига Хива тахтига ўтиришга рухсат берилганини хабар қилиб, Оренбург генерал-губернаторига янги сайланган султонни қутлаш, ҳадялар бериб, савдо алоқаларини ривожлантиришни талаб қилишни буюрган[1]. Н.И. Веселовский бу фармон олдинги, яъни 1745 йил 21 октябрда Нодиршоҳнинг Хивага юриши муносабати билан чиқарилган фармонни бекор қилар эди деб шарҳ беради.

Муҳаммад Аминхон томонидан 1854/1855 йилда Рум (*Усмонийлар*) подшоси Султон Абдулмажидхон ҳузурига юборилган Ҳожи Шукрулло оға бошчилигидаги элчилик билан боғлиқ маълумот ана шундай расмиятчиликлар ҳақида кенгроқ тасаввур беради. Хоразм вакиллари Арзирум шаҳрига етганларида Хива хонининг Сарахс жангида ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабар етиб келган эди. Бу хабарни Эронда бўлиб қайтган Турк султонининг элчиси келтирган бўлиб, у Хоразм элчисини бир мажлисда кўриб, шундай маслаҳат берган: «... сенинг подшоҳинг мақтул бўлубдур, бизнинг дастуримизда эмди сенинг элчилигинг ботил ва келтурган номанг музмуни номасмудур (*эшитилмасдур*), агар сен элчи бўлсанг ўз юртингға қайтиб борғил, ҳоло, юртингда ҳар ким подшо бўлса, андин нома келтурғил. То сенинг элчилигинг мақбул ва муддаонг маҳсул бўлғай, йўқ эрса, Румға борғанинг бекордур.

[1] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.217 – 218.

Нединким, сабаби элчи қаторида билмағайлар ва номангни олиб мутолаа қилмағайлар»[1].

Келган томоннинг элчисига қабул қилган томон ўз вакилини қўшиб юбориш анъанаси сўнгги ўрта асрлар дипломатиясида, айниқса, Ўрта Осиё хонликларининг ўзаро алоқаларида кенг қўлланилган расм-русумлардан эди. Шу жиҳатдан, хонликларда бир-бирларининг доимий элчихоналари ёки элчи-консуллари бўлишига эҳтиёж бўлмаган дейиш мумкин. Зеро, Европанинг аксарият ривожланган мамлакатларида «доимий элчихона» ва «консуллик» ёки чет давлатларнинг доимий мухтор элчиси бўлиши муҳим кўрсаткич саналар эди.

XIX асрга келиб халқаро муносабатлар янги босқичга ўтган эдики, бу ҳолат дипломатик тартиб-қоидалардан тортиб музокара мавзусигача бўлган жараёнларда ўз аксини топган. Шу жиҳатдан, Хива хонлигида хорижий элчиларни қабул қилиш масаласини тадқиқ этиш, ўз навбатида, ўзаро муносабатлар динамикасини кузатиш ҳамда ўша давр тарихий воқелигининг жонли манзарасини яратишга имкон беради.

Элчиларни чегара ҳудудда кутиб олишдан тортиб уларни қайта кузатиб қўйгунгача бўлган жараённи ўз ичига олган «Қабул маросимини шартли равишда учта асосий босқичга, хусусан, «ташкилий жараён», «саройдаги асосий қабул маросими» ҳамда «маданий ҳордиқ тадбирлари»га бўлиш мумкин.

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.130.

## САРОЙДАГИ «ҚАБУЛ МАРОСИМИ»НИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Элчиларни кутиб олиш ва жойлаштириш.* Элчилик хизматининг дастлабки вазифаси элчиларни кутиб олиш бўлган. Хон саройидан анча узоқ масофада, аниқроғи, чегара ҳудудда бошланган ушбу маросимнинг муҳимлиги шунда эдики, айнан шу босқичда ҳар икки томоннинг бир-бири ҳақидаги дастлабки таассуротлари шаклланган. Албатта, бу таассуротлар кўп ҳолларда элчиликнинг кейинги босқичларига, жумладан, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг умумий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатган.

Ўз даврида ҳукмдорлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилган Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида бу масалага жиддий эътибор берилганлиги бежиз эмас эди, албатта. Унда «ташқаридан келган элчиларнинг саройга келиб-кетишлари номаълум қолиши, уларнинг аҳволидан хабардор бўлмаслик ғафлат ва ишнинг тартибсизлигидан дарак беради» деб қайд этилган[1].

Ўз ўрнида кўрсатиб ўтиш жоизки, аксарият ҳолларда бир мамлакатга келаётган элчи амалда кутиб олувчи томоннинг элчилигига нисбатан жавоб ташрифи ҳисобланган.

«Риёз уд-давла» асарида рус элчиси П. Никифоровнинг Хивага ташрифи (1838/1839) баён қилинар экан, унинг Петербургга юборилган Хива хони элчиси Отажон охундга ҳамроҳ қилиб жўнатилганлиги таъкидланади. Хусусан, манбада «маълум бўлсинким, Отажон охундким бу йил ўрусға элчиликка

[1] Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Ш. Воҳидов, А. Эркинов. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б.100.

кетиб эрди, шу йил ражаб ойининг учида, шанба куни Фитербурх подшоҳи импиратур бинни Никулой Повлуфичнинг қўшғон элчиси Прокуфий Андриич бинни Никиқирусининг [Никифоров] ҳамроҳлиғи била келиб, остон шарафиға мушарраф бўлдилар ва ўрус подшоҳининг дўстлиғ ва ҳамжиҳатлик бобида йиборган ахдномасин ва тансуқот ва пешкашларин назари анвор пешгоҳидан ўткариб, алтофи подшоҳона ва аътофи хисравона била баҳраманд бўлдилар. Рамазону-л-муборак ойининг йигирма олтисида сешанба куни ул ҳазрат ўрус элчисиға махсус мулозимлардин садоқатмаоб, хусусият интисоб Вайисниёзбой ва Эшбойни сафорот расми била қўшуб ўрус юртиға ирсол қилди ва олар хуррамлиғ била озим бўлдилар» деб баён қилинади[1].

Шу жиҳатдан, маълум бир давлат элчиси билан ўз юртига қайтаётган Хива элчиси чегара ҳудудга етганда мезбонлик мақомига ўтиб, меҳмонларга хизмат кўрсатувчилар гуруҳининг аъзосига айланган.

Хива чегараларига яқинлашган Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Ғафур улар билан келаётган Хива элчиси Дурдибекнинг шаҳарга одам юбориб, элчиларнинг ташрифини маълум қилганлиги ҳақида ёзар экан, «у энди мезбонга айланган эди» деб таъкидлайди[2].

Шаҳарга кириб боришда ҳам маълум кўрсатмага риоя қилинган бўлиб, Хива ноиби Тўрахон «тушдан сўнг кишиси орқали, қани, бисмиллоҳ, келаверсинлар» деб юбортирганидан сўнг элчилар йўлга тушишган. «Хивақ шаҳрининг бир фарсахлик ерига етганимизда Тўрахон ўз маҳрами Бекниёз маҳрамга қўшиб қирқта отлиқни истиқболимизга жўнатди. Масофаҳа ва таориф (*қучоқлашиб кўришиш ва совға-салом алмашиш*) дан сўнг Хивақ четигача бордик» деб хабар беради элчи[3].

---

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.152 – 153.
[2] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.22.
[3] Ўша жойда. – Б.21.

1851 йилда Хива хони ҳузурига юборилган Эрон элчиси Ризоқулихон ҳам туркман дашти тугаб, Хоразм чегаралари бошланган ерда у билан юртига қайтаётган Хива элчиси Отаниёз маҳрам мезбонлик мақомида хизмат кўрсатишни бошлаганлигини қайд этиб ўтган[1].

Хорижий меҳмонларни имкон қадар дабдаба билан кутиб олишга ҳаракат қилган «элчилик хизмати»даги махсус кишилар гуруҳи уларнинг истиқболига чиқиб туришган. Муҳаммад Алихон «ҳазрат Хоразмшоҳ даргоҳининг улуғларидан бўлмиш ва хоннинг қизилбошлардан иборат соқчилар гвардияси бошлиғи Юсуфжон оғо отлиқ аскарлари билан» уларни кутиб олишгани ҳақида ёзади[2].

«Сиёсатнома» асарида бу борада алоҳида кўрсатмалар берилган бўлиб, «...агарда келаётган киши элчи бўлса, бирор обрўли кишини унга йўлдош қилиб шаҳарга юборишсин» деб таъкидланган[3].

Элчиларга турли «сафоли ҳовлилар ва боғлар»дан жой тайёрлаб қўйилган. Шароити элчиларга маъқул келмаганда хонга арз этилиб, меҳмонларнинг жойлари ўзгартирилган ҳоллар ҳам учрайди. Хусусан, Ризоқулихон ўзлари учун ажратилган жойнинг кўнгилларига ўтирмаганлигини хизматчиларга билдириши билан хон уларни Гандумкон мавзесида жойлашган шоҳона боғ ва олий иморатига кўчиришни буюрганлигини қайд этади. Хусусан, элчи «биз учун тайин этилган боғ унчалик сафоли ва қўнган уйимиз шинам ҳовлилардан эмас эди. Шу сабабли «бу маскан ва макон дидимизга ўрнамади ва кўнглимизга маъқул тушмади» қабилидаги шикоятомуз гап-сўзлар тилимиздан жорий бўлди. Қаранг, бу шикоят гапларимиз йўлда кетаётган (бу вақтда хон Хуросон ва Марв юришига чиққан эди) ҳазрат Хоразмшоҳ ҳузурида ҳам ҳикоя

[1] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.104, 107.
[2] Ўша жойда. – Б.108.
[3] Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк ... – Б.100.

қилинибди. Ўша ердан туриб мен бандани Гандумкон заминида жойлашган шоҳона боғ ва олий иморатида туришимга буйруқ берибдилар» деб кўрсатиб ўтган[1].

«Гулшани давлат»да рус элчиси Никулай Аникнажиб (*Николай Игнатьев*)га (1858) ҳам шоҳона илтифотлар кўрсатилиб, хоннинг *мулки холиси* ҳисобланган Гандумкон ҳовлисига туширилганлиги қайд этилган[2].

Шунингдек, элчилар мартабали ва ишончли амалдорларнинг ҳовлисида ҳам туриши мумкин эди. Хусусан, рус элчиси Н. Муравьев кутиб олингач (1819), ишончли амалдорлардан бирининг ҳовлисига жойлаштирилган. Жумладан, «...ўрус элчиси Никулой Никулойич Гуржистон ва Тифлис ҳокими Алексей Петровичдин келди. Ҳазрат соҳибқироннинг амри била Отчопар ва Эшназар шибирғон элчининг олдиға чиқиб, Хўжаш маҳрамнинг ҳавлисиға тушурдилар» деб кўрсатилган манбада[3].

Кўп ҳолларда хорижий элчилар хон саройидаги махсус «элчихонаи олий»га жойлаштирилган. Айниқса, манбаларда бундай маълумотлар XIX аср ўрталаридан бошлаб кўп учрайди.

Элчилар муносиб жойга туширилиши биланоқ уларнинг харажатларига *маблағ ажратиш* ҳамда *хизмат кўрсатадиган ходимларни тайинлаш* қабул маросимининг муҳим ташкилий масаласи ҳисобланган. Қоидага кўра, элчилар харажати учун ҳар икки давлат, яъни ҳам жўнатувчи, ҳам кутиб олувчи томон хазинасидан маблағ ажратилган. Қайд этиш лозимки, ажратилган маблағлар элчиликнинг муҳимлик даражасига боғлиқ бўлган.

Мавжуд маълумотларда Н. Муравьевнинг Хива сафари учун давлат хазинасидан маблағ ажратилганлиги кўрсатиб

---

[1] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.109.
[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.130.
[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.444.

ўтилмаган. Бу саёҳат Кавказдаги рус қўшинлари қўмондони А.П. Ермолов ташаббуси билан амалга оширилган. Унинг Каспий денгизи шарқий соҳилларидаги туркман танишлари маълум бир пул мукофоти эвазига Н. Муравьевни ўз карвонларида Хивага кузатиб қўйишган эди.

Рус ҳукумати томонидан жуда катта эътибор қаратилган П. Никифоров ҳамда Г. Данилевский бошчилигидаги элчиликка ажратилган маблағлар ҳақида анча батафсил маълумот берилган. Хусусан, П. Никифоров элчилигининг олти ойлик сафари учун рус ҳукумати 2650 червон маблағ ажратган[1]. Ўша давр воқеаларининг замондоши Н. Залесовнинг қайд этишича, Г. Данилевский бошчилигидаги элчиликнинг тайёргарлиги ва етти ойлик харажати учун давлат хазинасидан 5000 червон, шундан элчининг (Н. Залесовда *агент*) таъминоти учун ойига 50 червондан, шунингдек, совға-саломга 700 червон, турли кутилмаган чиқимлар учун 989 червон миқдорида маблағ ажратилган[2].

Шунингдек, Хивага юборилган элчилар турли-туман совғалар билан «қуроллантирилган» бўлиб, улар «қабул маросими»нинг муҳим атрибутларидан саналган, ҳатто маълум бир мазмун-моҳиятга эга рамзлар сифатида муносабатлар характерига катта таъсир кўрсатган.

Эрон элчиларининг қайдномаларидан маълум бўлишича, давлат хазинасидан ажратилган маблағнинг бир қисми Хива хонлигидаги «элчилик хизмати» ходимларини мукофотлашга сарфланган. Жумладан, Муҳаммад Алихон Ғафур ўзларига хизмат кўрсатган ходимларга улашган пул ва совғалар ҳақида тўхталиб ўтаркан, Хива ҳудудида «мезбонга айланган» Дурдибекка бир дона мовут қабо (*енги калта чакмон*) ва бир дона мовут жубба (*енгли хилъат, чопон*) совға қилганлигини, шунингдек, *меҳмондор*, *қопучи* ҳамда *меҳтар*нинг хизматкорла-

[1] Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. ... – С.57.
[2] Залесов Н.Г. Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г. ... – С.44.

рига ўн туман тиллодан, яшаган уйининг меҳмондорига беш туман, Машҳадгача кузатиб борган така туркманларидан икки нафар қўриқчига йигирма туман тилло пул берганлигини қайд этади[1]. Ризоқулихон ҳам Хивада ўзларига хизмат кўрсатган турли лавозимдаги ходимларга пул ва ҳадялар улашганлигини маълум қилган[2].

Албатта, бундай илтифотнинг замирида ўз давлатининг иқтисодий қудратини намойиш қилиш мақсади ҳам ётганлигини пайқаш қийин эмас. Хива зиёратгоҳларида ош тарқаттирган Ризоқулихоннинг мамнуният билан «Хивақнинг ҳамма ерида бу шилон (*эҳсон*) ошининг зикри дув-дув гап бўлди» деб таъкидлаб ўтиши бу фикрга мисол бўлади. Шунингдек, совға-саломлар кўринишидаги бундай «сахийлик» маълумот тўплашнинг кучли воситаси бўлганлигини эсдан чиқармаслик лозим. Элчиларнинг бевосита ўзлари иштирок этмаган хон мажлисларида муҳокама этилган масалалардан тортиб чегара ҳудудларда содир бўлган кунлик ахборотлардан ўз вақтида хабардор бўлиб турганликлари юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Маълумотлардан кўриш мумкинки, ажратилган маблағнинг яна бир қисми садақа сўровчиларга хайр-эҳсон сифатида, шунингдек, йўл устида учрайдиган қабила бошлиқларига ҳадялар бериш ҳамда зиёфатлар уюштириш учун сарфланган.

Ризоқулихоннинг бу борада берган маълумоти хайр-эҳсон пуллари илгаридан ҳисоб-китоб қилиниб, сафар режасига киритилган деган хулосани беради. У «урф-одат бўйича узоқ сафарга чиқишимизни билиб, шу ерга бир неча тиланчи ва дуогўйлик қилмоқчи бўлган ғарибу ғурабо йиғилдилар. Уларнинг ҳар бирига йўлимиз давомида ва борган жойимиздаги фақирларга улашиш учун ажратиб қўйилган икки ҳазоралик (2000) ашрафий, шаҳриёрий шоҳи ва минг динорлик танга-

[1] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.22, 41 – 42.
[2] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.151, 191 – 192.

лардан бир бўлагини садақа сифатида тарқатдик» деб кўрсатиб ўтган[1].

Ризоқулихон Хоразмга йўл олар экан, Астрабод шаҳрига келганда «йўл бўйидаги эл, элат оқсоқолларига хилъат кийгизиш учун зарлик қабо, жуббалар ва қизил, сариқ кермоний ипак матолар» сотиб олганлигини қайд этиб ўтади[2]. Хоразмда ҳам бир неча бор зиёфатлар уюштириб, зиёратгоҳларда ош тарқаттирган элчи «дарвишлар ва фақирлар қачон келсалар пул ва матоҳдан қуруқ қолмадилар» деб таъкидлайди[3].

*Хива ҳукумати томонидан ажратилган маблағ*

Давлатлараро алоқалар тизимида хорижий элчиларнинг харажатлари учун қабул қилувчи томон хазинасидан маблағ ажратиш «элчилик хизмати»нинг жуда яхши йўлга қўйилган қоидаларидан ҳисобланади.

Хива хонлигида бу харажатлар давлат хазинасига келиб тушган *салғут* йиғимидан қопланган. Эрон қўмондони Исмоил Мирпанжанинг қайд этишича, *салғут* йиғими катта молиявий улушнинг ярми бўлиб, у ҳарбий ишларга, чет мамлакатларга юбориладиган элчиликка, хорижий элчиларни кутиб олиш каби давлат ишларига харж қилинган. Бундай молиявий ишларнинг катта қисмига бевосита *меҳтар*, маблағнинг иккинчи ярмига эса *қушбеги* жавобгар ҳисобланган. Жумладан, қушбеги ички ва ташқи ишлар, расмий маросимлар, совға-салом ва инъомларга кетадиган харажатларни назорат қилган[4].

Мавжуд маълумотларга кўра, Н. Муравьев бошчилигидаги элчилик таъминоти учун хон хазинасидан бир кеча-кундузга 2 тилла ёки 32 рублдан пул ажратилган[5].

---

[1] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.62.
[2] Ўша жойда. – Б.93.
[3] Ўша жойда. – Б.150.
[4] Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар ... – Б.34.
[5] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С.138.

Г. Данилевский бошчилигидаги элчиликка хон томонидан ажратилган умумий маблағ рус пули билан 12 300 рублни ташкил этган бўлиб, хайрлашув чоғида миссия аъзоларига тарқатилган пуллар ҳам шу ҳисобга кирган[1].

Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Ғафурнинг хабар беришича, уларга кундалик харажатлари учун Хива хони томонидан ўзларининг (*Эроннинг*) икки туманига тенг келувчи қирқ танга пул берилган[2].

Элчиларга пул ажратиш «нозик масала» ҳисобланган. Чунки берилган пул миқдори кўп ҳолларда, айниқса, рус подшосининг элчилари томонидан жиддий муҳокама қилиниб, қаттиқ эътирозларга ҳам сабаб бўлган. Эрон элчиси билан бирга келган Рус подшоси мухтор вазирининг вакили туфайли айнан шундай ҳолат юзага келган. Хусусан, Муҳаммад Алихон Ғафур бу ҳақда шундай хабар қилади:

«Муҳаммад Валихон[3] хат ёзиб, каминага юборибди. Эшитдимки, Русия мухтор вазирининг вакили кундалик чиқимлар учун хон томонидан юборилган пулларни олмабди. Бу яхшиликка олиб келмайди. Сиз ҳам ўз ёнингиздан бирор нарса берсангиз берингу уни кўндиринг. Олсин» деб илтимос қилган[4]. Шундан сўнг элчи Россия мухтор вазирининг вакили Муҳаммад Ҳасанни чақириб, пулларни олишга кўндирганлигини қайд этади.

Ризоқулихоннинг маълумотларидан кўриш мумкинки, элчиларга кетиш чоғида йўл харажатлари учун ҳам пул берилган. «Хондан келтирганлари бизнинг беш юз туманимиз миқдоридаги пул эди», – деб қайд этади элчи. Шу ўринда у

---

[1] Залесов Н.Г. Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г. ... – С.52.
[2] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.22.
[3] Хуросон ҳокими Оллоҳёрхон Осаф уд-давланинг жияни, бу вақтда туркманлар томонидан асир олиниб, Хивада тутқунликда эди. Қаранг: Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.51. Бу ҳақда Хива – Эрон алоқалари қисмида батафсил кўрсатиб ўтилди.
[4] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.22.

ўзларининг пуллари *ашрафий* ва *риёл*, Хоразмда эса *танга* деб аталишини маълум қилади. «Бу келтирган тангалари ўша Муҳаммад Аминхон зарб эттирган тангалар бўлиб, бошқа атроф ўлкаларда юрмайди, шунинг учун шу ернинг ўзида сарфлаб қўя қолишимизга тўғри келди. Унга туя, от ва мулозимлар учун керак нарсалар ва йўл озуқаси сотиб олдик», – деб кўрсатиб ўтади Ризокулихон[1].

Мавжуд маълумотлардан кўриш мумкинки, ажратилган маблағлар бевосита элчиларнинг мартабаси ва ўртадаги муносабатлар ҳолатига ҳам боғлиқ бўлган. «Шоҳиду-л-иқбол»-да кўрсатилишича, Хива хони элчиси Муҳаммад Ниёз девонбеги 1867/1868 йилда Бухорога етиб борганда уни «макони олий»га жойлаштиришиб, «қўнуқиға (*харажатига*) маблағи касира (*катта маблағ*)» тайин этишган. Бу вақтда Карминада бўлган амир билан бевосита кўришиш учун борган элчига у ерда ҳам «нуқуди вофир (*катта нақд пул ёки маблағ*)» ажратилган[2].

Юқорида келтирилган маълумотлар шу билан ҳам эътиборга лойиқки, улар орқали, замонавий ибора билан айтганда, «дипломатик корпус персонали» ёки *элчиларга хизмат кўрсатувчи ходимлар* ҳамда уларнинг ваколат ва вазифалари ҳақида билиб олиш мумкин.

Хусусан, элчилар Хивада ўзларига хизмат қилган *нозир*[3], *қопучи*[4], *меҳмондор*[5], *чокар*[6] *фаррош*, *меҳмонхоначи* каби ходимларни кўрсатиб ўтишган[7].

---

[1] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.151.
[2] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.204.
[3] Элчиларнинг ҳол-аҳволи ва овқатидан хабар олиб туриш учун қўйилган мутасадди.
[4] Қопу – эшик, қопучи эшик оғаси, маҳрам.
[5] Элчиларни чегарагача кузатиб борувчи шахс.
[6] Элчиларнинг хавфсизлигига жавобгар шахс бўлиб, меҳмондор сифатида ҳам хизмат кўрсатган.
[7] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.23, 36; Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.121, 191.

Н. Муравьев эсдаликлари Хивада элчиларга хизмат кўрсатувчи ходимлар ва уларнинг асосий вазифаларига доир маълумотларни янада бойитишга ёрдам беради. Хусусан, у Хивага келишлари билан уларга хизмат кўрсатиш учун *фаррошбоши* ва *ошпаз* тайинланганлигини қайд этади. Ҳатто элчиларни зериктирмаслик мақсадида турли кўнгилочар тадбирлар уюштириш учун ҳам махсус киши белгиланган. Жумладан, Н. Муравьев мулла Саййид исмли 40 ёшлардаги киши ҳақида маълумот берар экан, уни «араб, форс ва турк тилларини ҳамда қадимги Шарқ тарихини яхши билувчи ниҳоятда ақлли одам бўлиб, европаликларга хос хушчақчақлик ва уддабуронлик хислатларига эга» деб таърифлайди. Элчи унинг шахматдаги маҳоратини мақтар экан, у каби моҳир ўйинчини кўрмаганлигини ёзади[1].

Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг тепасида *меҳтар* лавозимидаги шахс турган бўлиб, у нафақат элчилик хизматининг марказий фигураси сифатида, балки давлатнинг бош вазири сифатида ҳам катта мавқега эга бўлган. Хон ҳукумати номидан элчилар билан мулоқот олиб бориш ваколати асосан *меҳтарга* берилган. Элчиларни кутиб олиб, уларнинг мақсадларини аниқлаш ҳамда хон ҳузурига кириш ва музокара олиб бориш тартибларини келишиб олиш масалалари ҳам *меҳтар* зиммасида бўлган. Шу жиҳатдан, у қабул маросими ва музокара жараёнини ташкил этувчи нозир вазифасини ҳам бажарган.

Исмоил Мирпанжанинг «Хотиралар»ида Хива хонлиги давлат бошқаруви, жумладан, ташқи алоқаларни олиб боришда асосий ўрин тутган лавозим эгаларининг ваколатлари ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам эътиборга лойиқ. Хусусан, унда шундай қайд этилади: «...мамлакат ишларини бошқаришда уч вазир ёрдам беради. Улардан бири *меҳтар*, иккинчиси *қушбеги* ва учинчиси *девонбеги*. *Меҳтар* кунда бир марта хон

[1] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С.129.

саломига кириб, фотиҳа олади, сўнгра ўзига юклатилган ишлар билан машғул бўлади ва бошқа хон олдига кирмайди. Мабодо хон уни йўқласа ёки бирор муҳимроқ иш чиқиб қолса, хон ҳузурига у навбатсиз кираверади. *Қушбеги* хизмат тақозоси билан истаган пайтида хон билан мулоқот қила олади. *Девонбеги* атрофдаги элатлардан, савдогарлардан бож ва закот пулларини қабул қилиш билан шуғулланади. У бемаврид хон ҳузурига киришга ёки саломга келиш салоҳиятига эга эмас. Агар хон ўзи истаса у бундан мустасно. Агар унинг хонга арзи бўлса, *меҳтар* ёки *қушбеги* орқали амалга оширади»[1].

Элчилар томонидан келтирилган совға-саломларни кўздан кечириб ажратиб олиш ва хонга тегишли тарзда тақдим этиш ҳам алоҳида эътиборни талаб қилган. Ана шундай ташкилий масалалар давомида асосий қабул маросими, унинг муҳим шартлари ва тартиб-қоидалари ҳам келишиб олинган.

Элчи томонидан келтирилган мактуб ва ҳадяларни олий ҳукмдорга тақдим этган амалдорлар тўғрисидаги маълумотлар орқали ўртада воситачилик қилган, жумладан, маълум бир элчилик учун масъул қилиб тайинланган мансабдор шахслар ҳақида билиш мумкин.

«Гулшани давлат»да Бухоро элчиси Нажмиддинхўжа ўроқнинг Хива хони қабулига рухсат олишида ноиб, бу ўринда вазир ўрнида бўлган *иноқ*нинг воситачилиги тилга олинади. Хусусан, «...наввоби садоқатинтисоб васотати била (*воситасида*) келтурган туҳафоту тансуқотин ва мусодақатномасин назари кимёасар пешгоҳиға еткурди» деб кўрсатилади манбада[2]. Бухоро элчиси Муллахўжа ўроқ эса келтирган садоқатнома ва ҳадяю туҳфасини «уманойи давлат», яъни давлат *аминлари* – ишончли давлат арбоблари «васотати била» тақдим этган[3].

[1] Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар ... – Б.34.
[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.178 – 179.
[3] Ўша жойда. – Б.197.

1811/1812 йилда Хивага ташриф буюрган Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдарнинг элчилари келтирган «ихлоснома»сини «маҳрамлар василаси била арзға еткур»ганлар[1].

«Фирдавс ул-иқбол»да Муҳаммад Амин иноқ сиёсий вазият туфайли Бухоро амири ҳузурига борганда «Муҳаммадсаидбой *пайваста* мулозимат амриға машғул бўлуб, камоли хизматкорлиғ ва ғояти жонсипорлиғ маросими била харожот ва мояҳтожиға мутакаффил бўлди» деб кўрсатилган[2]. Ушбу маълумотдан меҳмонларнинг харажатлари ва эҳтиёжлари учун Бухоро амири томонидан масъул шахснинг белгилангани ҳамда ўзига хос *пайваста*, бу ўринда бириктирилган мутасадди лавозими ҳақида билиб олиш мумкин.

«Риёз уд-давла»да Хоразмга келган Эрон элчиси Ялангтўшхон муносиб ўринга жойлаштирилиб, хизматига махсус киши, хусусан, «дониши иншо» (*муншиӣ*) Мискин ақо мутасадди этиб тайинланганлиги тўғрисида маълумот берилган[3].

Алоҳида қайд этиш лозимки, қўриқчи-кузатувчилар бевосита Хива хонлиги ёки элчи юборган давлатнинг «элчилик хизмати» ходимлари таркибига кирмасалар-да, элчиликнинг муваффақиятли ниҳоясига етишида алоҳида роль ўйнаганлар.

Элчилар асосан савдо карвонлари таркибида ҳаракатланган бўлиб, маҳаллий манбаларда кузатиб қўйиш борасида *бадрақа* ибораси қўлланилган. Хусусан, «Фирдавс ул-иқбол»-да келтирилишича, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I нинг фармонига кўра (1810) Оренбургга йўл олган Хоразм карвонини «ҳазму эҳтиёт жиҳатидин *бадрақа*[4] йўсунлиқ» кузатиб бориб, Аранг қиридан ўтказиб қўйиш учун масъул кишилар тайинланган[5].

---

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.363.
[2] Ўша жойда. – Б.133.
[3] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.135.
[4] Бадрақа – кузатиб қўйиш; бу асарда «бадрақа», «бодалға» сўзлари посбонлик йўсини билан кузатиш маъносида кўп ишлатилган.
[5] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.309.

Хива хонлиги географик жойлашувига кўра ўзининг яқин қўшнилари бўлмиш Россия империяси ҳамда Эрон давлати билан улкан Қизилқум ва Қорақум саҳролари орқали ажратилган. Шу боис Хива – Россия чегараларида қозоқлар ва Манғишлоқ туркманларининг кузатувчилари воситачилик қилишган бўлса, Хива – Эрон чегараларида туркман кузатувчиларининг ўрни катта эди. Эрон элчиси Ризоқулихон Хоразмдан қайтар экан, Астробод бекларбегисидан йўл кўрсатувчи сифатида *гўклан* туркманларидан икки нафарини тавсия қилишни сўраганда бекларбеги кулиб, «гўклан деганингизни юраги бор эканми *ёвмут* туркмани ўтирган ерлардан ўтишга» деб нафақат йўл кўрсатувчи, балки туякашлар ҳам албатта *ёвмут*лардан бўлиши кераклигини таъкидлайди[1].

Кўриниб турибдики, ҳатто бир қарашда тартибсизлик ҳукм сургандек кўринган чексиз саҳрода ҳам ҳар бир нарсанинг ўз қонун-қоидаси мавжуд эди.

[1] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.91.

*Қабул тартибини келишиб олиш ва дипломатик қоидалар борасидаги мунозаралар*

Ҳар бир давлатда ўзининг белгиланган ёки умумқабул қилинган дипломатик қоидалари бўлишига қарамай, «қабул маросими» жараёнида келган томоннинг талаб ва истаклари ҳам ҳисобга олинган. Жумладан, Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Ғафур элчилиги таркибида Англия ва Россия давлатларининг вакиллари ҳам бўлиб, уларнинг хон ўрдусига биргаликда ёки алоҳида-алоҳида, шунингдек, қайси кетма-кетликда киришлари масаласини келишиб олиш учун хон ҳар сафар ўз одамини юборганлиги манбада қайд этилган[1].

Исмоил Мирпанжа ўзининг «Хотиралар»ида уни Хива хони ҳузурига олиб боришар экан, меҳтар томонидан йўл давомида «ўзбек таомили ва урф-одати бўйича хон ҳузурида салом бериш, фотиҳа ўқиш, соғ-омонлик тилаб дуо қилишни» ўргатиб боришганини ёдга олади[2].

*Элчилик хизматида маданий-ташкилий тадбирлар*

Томонлар ўртасидаги музокаралар расмий учрашувдан кейин ҳам давом эттирилган. Баҳс-мунозара ёки дўстона суҳбат кўринишида олиб борилган бундай мулоқотлар элчи шарафига уюштирилган турли зиёфат ва базмларда давом этган. Шу жиҳатдан, хоннинг рухсати ва элчининг розилиги билан ташкил этилган меҳмондорчилик, зиёфатларни «элчилик хизмати»нинг маданий-маиший тадбирлари сифатида қайд этиш мумкин.

Манбаларда расмий музокарадан ташқари меҳмонлар шарафига уюштирилган зиёфат ёки овқатланиш борасида *акл/укл* ва *шурб* (*еб-ичиш*) *расми* тилга олинган[3].

---

[1] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.8, 24.
[2] Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар ... – Б.34 – 35.
[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.363; Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.142.

«Риёз уд-давла»да Эрон шаҳзодаси Аббос мирзонинг элчиси Ялангтўшхонни қабул қилиш маросими баён қилинар экан, унинг сафар чоғида пойтахтдан ташқарида кутиб олинганлигига қарамай, дипломатик этикет ёки қабул маросимининг деярли барча тартиб-қоидаларига риоя қилинганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Асарда келтирилишича, қабул жараёнида амалдорлар мартабаларига кўра жойлашиб, шоҳона зиёфатлар берилиб, кетма-кет турли-туман таомлар тортилган ҳамда *уклу шурб русуми* (*егулик ва ичкилик, овқатланиш*)дан сўнг фахрий тўнлар кийдирилиб, шоҳона саруполар инъом этилган[1].

Хоннинг расмий қабулидан сўнг турли даражадаги давлат арбобларининг уйларида ташкил этилган зиёфатлар бевосита сиёсий масалаларни ҳал қилишга ёрдам бермаса-да, томонларнинг ўзаро маълумотлар алмашинувини таъминлаган. Хива амалдорлари хорижий элчиларнинг ҳикоялари орқали уларнинг мамлакати ҳақида турли-туман қизиқарли маълумотлар олишган, шунингдек, халқаро майдондаги сиёсий вазиятдан хабардор бўлганлар. Ўз навбатида, ташриф буюрган томон маҳаллий аҳолининг урф-одати, анъаналари ва қадриятлари ҳамда хонликнинг умумий сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишган. Қайд этиш жоизки, ўрта осиёликлар, жумладан, Хоразм аҳолиси Европа давлатлари ҳақидаги маълумотларни катта қизиқиш билан тинглаганлар. Муҳаммад Алихон Ғафур музокарадан сўнг меҳтарнинг уйида ўнгга яқин давлатнинг улуғлари даврасида бир муддат суҳбат қуриб ўтиришгани ҳақида ёзар экан, Русия, Рум (Усмонийлар) ва Франция мамлакатлари ҳақидаги гаплар бошланиб кетганлигини қайд этади[2].

Ризоқулихон ҳам музокаралардан сўнг меҳтар уйида ташкил этилган зиёфатларни тасвирлар экан, таомлар ва улар-

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.131.
[2] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.27.

нинг таркиби, нима билан ва қай тартибда дастурхонга тортилиши ҳамда меҳмондорчилик одатлари ва тартиб-қоидалари ҳақида батафсил маълумот берган. Хусусан, элчи «дастурхон келтириб қўйилгач, уларнинг қонуни бўйича ноннинг бир четидан ушатиб, оғзимга солдим. *Фаррошбоши* таомларни дастурхонга териб чиқди. *Хизматчи* белининг чап томонига боғлаганча осилтириб қўйган пичоқ билан гўштни суягидан ажратиб, таом устига қўйди» деб баён қилади[1].

«Бир неча кундан сўнг девонбеги Бекниёз маҳрам Меҳтар оғо билан баҳслашгандай уйига зиёфатга чақирди», – деб таъкидлаган Ризоқулихоннинг ўзи ҳам Хива амалдорларини жавоб меҳмондорчилигига таклиф этган эди. Турли-туман егуликлар, ичимликлар, ҳатто тансиқ таом ҳисобланган қовурилган жўжаларни тортиб дастурхонда очиқ жой қолдирмаган элчи «табиийки, меҳмонларим булардан кўпчилигининг нималигини ҳам билмасдилар» деб мақтаниб қўяди[2].

Таҳлил қилинган маълумотлар кўрсатадики, «Қабул маросими»нинг ташкилий жиҳатлари жуда оддий жараёнлардан иборат бўлса-да, уларнинг ҳар бир элементига ўта жиддий ва масъулият билан ёндашилган.

Зеро, яхлит механизмнинг таркибий қисмлари сингари дипломатик этикетнинг ҳар бир масаласи ўз ўрнида ва жойида қўлланилиши давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳолатига жиддий таъсир кўрсатган.

[1] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.147 – 148.
[2] Ўша жойда. – Б.149.

## 4.2. ХОНЛИКДА ДИПЛОМАТИК ЭТИКЕТ ВА МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

«Қабул маросими»нинг асосий қисми олий ҳукмдорнинг бевосита элчи билан юзма-юз кўришиш жараёни бўлиб, бунда дипломатик этикетнинг бир қатор расмий ва норасмий жиҳатларини кузатиш мумкин.

Хон элчиларни йил фасли ва об-ҳавога қараб саройда ёки ўзининг сўлим боғларидан бирида қабул қилган. Хусусан, Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Ғафур Хива хони Оллоқулихон томонидан арк ҳовлисидаги супа устига ўрнатилган қора уйда қабул қилинганини[1], А. Вамбери «Хоразм подшоҳи Саййид Муҳаммадхон зинали супада» ўтирган ҳолда қарши олганлигини тасвирласа[2], Ризоқулихон Хива хони Муҳаммад Аминхон билан «Ангарик» мавзесидаги боғида кўришганлигини маълум қилган[3]. Чунки Хива хони ёз фаслида саройдан чиқиб, ўзининг ҳовлисига ўтган. «Гулшани давлат» асарида келтирилишича, хон ўзининг Нуриллобой номли ҳовлисида «ҳавоси хушлиқи жиҳатидин ... ёз фаслида ... барча шаҳзодалар ва жамъи тааллуқоти била манзилгузин ва маснаднишин эрди» деб кўрсатилади[4]. У ерда бошқа давлат ишлари сингари хорижий элчиларни қабул қилиш маросимлари ҳам ўтказилган.

Ичан қалъа аркидаги зинали супа ва унинг ёнидаги қабул зали *Кўринишхона* деб аталган. «Фирдавс-ул-иқбол»да Эренг-

[1] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.24.
[2] Вамбери А. Путешествие по Средней Азии ... – С.164.
[3] Шу ўринда Ризоқулихон боғнинг номи асли форсча, хусусан, ангури ник – яхши узум, сўзидан олинганига урғу бериб ўтади. Қаранг: Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.125, 130.
[4] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.188.

А. Вамбери ҳам ўз эсдаликларида хон ҳузурига таклиф этилгач, икки ясовул келиб, ҳурмат билан унинг билагидан тутган ҳолда ичкарига бошлаб боришганини баён қилган[1].

### *Саройдаги қабул ва унинг муҳим шартлари*

Хон ҳузурига қуролсиз ҳолатда кириш қабул маросимининг энг муҳим шартлардан бири эди. Н. Муравьев бу борада *юзбоши* томонидан алоҳида огоҳлантирилиб, «уларнинг одатига кўра, хон ҳузурига қилич таққан ҳолда кириш мумкин эмаслиги» тушунтирилган эди. Элчи «уларнинг одатини бузмаслик ва ўзига юклатилган вазифани муваффақият билан адо этиш мақсадида» хоннинг буйруғига амал қилганлигини таъкидлаб ўтади[2]. 1841 йилда ташриф буюрган П. Никифоровдан ҳам саройга киришдан олдин қуролларини топшириш сўралган[3].

### *Саломлашиш ва расмий мактубларни қабул қилиш*

Н. Муравьев хоннинг қаршисида туриб, бош кийимини ечмаган ҳолда унга эгилиб салом берганлигини қайд этар экан, «бу ернинг қоидасидан четга чиқмаслик учун хоннинг ўзи гап бошлашини кутиб одоб сақлаб турган»лигини алоҳида таъкидлайди. Бир неча дақиқа ўтгач эса мулозимлардан бири «Яратгандан бу ерларни асрашини» сўраб дуо ўқиган. Шундан сўнг хон «хуш келибсан, хуш келибсан» деган сўзлар билан элчини қутлаган ва унинг ташрифидан кўзланган мақсадини сўраган[4].

Элчи ҳақиқатан ҳам қабул маросимининг тартиб-қоидалари ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлиб, хоннинг суҳбат якунидаги «хуш келибсан» деган жумласидан энди хайрлашиб кетиш вақти етганлигини англаган. Қабул маросимининг

[1] Вамбери А. Путешествие по Средней Азии ... – С.60.
[2] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С.130.
[3] Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. ... – С.66.
[4] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С.135.

охирида элчи Хива хонига таъзим қилиб ташқари чиққач, уни «элчихона»га олиб кетишган.

«Шоҳиду-л-иқбол»да 1867/1868 йилда Бухорога элчи этиб юборилган Муҳаммад Ниёз девонбегининг қабул қилиниш жараёни тасвирланар экан, Амир Музаффар билан «мусофаҳа» (*қўл бериб кўришиш*) ва «муонақа» (*қучоқлашиб кўришиш*) қоидаси амалга оширилганлиги қайд этилган[1].

*Мусофаҳа* одати борасида А. Вамбери ҳам тўхталиб ўтган: «...белгиланган қоидага кўра, мен қўлимни [дуога] кўтарганимда хон ва [қабулда] ҳозир бўлганларнинг барчалари ҳам шундай қилишди, шундан сўнг мен Қуръондан кичик бир суръа ўқиб, дуо қилдим. Хон қўлини ҳамон туширмаган ҳолда «қабул бўлгай» деди. Мен ҳукмдорга яқинлашдим ва у [саломлашиш учун] қўлини узатди. *Мусофаҳа*, яъни Қуръонда белгиланган қўл сиқиб кўришишдан сўнг мен ортга бир неча қадам ташладим. Шу билан маросим якунланди»[2].

Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Ғафур ҳам кутиб олувчилар билан саломлашиш жараёнини тасвирлар экан, «Масофаҳа ва таориф (*қучоқлашиб кўришиш* ва *совға-салом алмашиш*)дан» сўнг Хива шаҳрига йўл олишганлигини қайд этган[3].

«Фирдавс ул-иқбол»да ҳол-аҳвол сўрашиш, саломлашиб кўришиш русумига доир яна бир қанча иборалар келтирилган. Хусусан, Бухоро амири Дониёл ҳузурига борган Муҳаммад Амин иноқнинг ташрифи ҳикоя қилинар экан, Хоразмдан келган меҳмонларни кутиб олиш учун юборилган Нодир ясовулбоши уларга пешвоз чиқиб, ўртада *тамҳид*[4], *пурсиш ва тафаққуд*[5] қоидалари амалга оширилганлиги қайд этилган манбада[6].

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол ... – Б.207.
[2] Вамбери А. Путешествие по Средней Азии ... – С.60.
[3] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.21.
[4] Тамҳид – ҳамду сано, улуғлаш.
[5] Пурсиш ва тафаққуд – ҳол-аҳвол сўраш.
[6] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.133.

Кейинги жараён ҳукмдорнинг расмий мактубини топшириш ва қабул қилиб олиш бўлган. «Хон хазратларининг ҳузурига киргач ҳумоюн номани қўлимда ушлаб, хонга салом бердим. Номани хоннинг мирзаси қўлимдан олмоқчи бўлганида бермадим. Хон хазратларига ўзим олиб бориб бердим. Хон хатни икки қўли билан олиб, юзи баробар ушлади ва шоҳимиз ҳол-аҳволини сўради», – деб кўрсатади Муҳаммад Алихон Ғафур[1].

Икки томон ўртасидаги мулоқотнинг қайси тилда олиб борилганлиги масаланинг яна бир эътиборга лойиқ томони ҳисобланади. Жумладан, Муҳаммад Алихон шоҳ саломини хонга туркий тилда етказганлигини маълум қилади[2]. Албатта, суҳбатнинг бундай бошланиши лоақал дастлабки босқичда бўлса-да яхши таассурот ҳосил қилиб, ўртада дўстона вазиятни юзага келтирган. Аксинча, маданий қадриятларию урф-одатларидан тортиб тили ва динигача бир-бирига яқин бўлган томонлар ўртасида музокаранинг бошланишидаёқ таржимоннинг аралашиши вазиятни бирмунча чигаллаштириши мумкин эди. Худди шундай ҳолат Ризоқулихон билан хоннинг дастлабки мулоқотида юзага келган. Элчи хабар қилганидек, хон унинг саломига алик олиб, ўзларининг туркий тилида ҳол-аҳвол сўрай кетган. Таржимон эса ўртада тилмочлик қилган. «Хон форсча гапиришдан ўзини олиб қочгани, мен ҳам туркийда сўзлашдан ўзимни тийганим учун ўртага воситачи аралашди», – деб изоҳ берган Ризоқулихон[3].

---

[1] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.20.

[2] Бу ҳолатга изоҳ берган ноширлар, Эронда ҳукмронлик қилган Сафавий, афшор ва қожор шоҳлари туркий уруғдан бўлгани учун улар даврида илм-фан ва расмий маросимларда туркий тил фаол иштирок этганлиги ҳамда Муҳаммад Алихон ҳам туркий уруғлардан бирига мансуб бўлганлигини таъкидлаб ўтишган. Қаранг: Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.50.

[3] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.125.

## *Совға-саломлар алмашиниш*

Бу жараён қабул маросимининг муҳим қисмларидан бири бўлган. Манбаларда элчилар келтирган туҳфа ва пешкашлар (*совға*) ҳақида сўз юритилганда аксарият ҳолларда «ўткарди» ибораси қўлланган. Жумладан, «Зубдату-т-таворих»да Раҳимқулихоннинг Хуросонга юришларидан бири давомида ташриф буюрган маҳаллий ҳокимларнинг ҳар бири «ўз ҳолларига лойиқ туҳфа ва пешкашларини ўткардилар» деб қайд этилади[1]. Бу иборанинг ўзи совға-саломларни қабул қилиб олиш жараёни ҳақидаги тасаввуримизни тўлдириб, келтирилган совғаларнинг мутассадди киши томонидан текширилиб, ҳукмдор назаридан ўтказилганлигини билдиради. Зеро, совғаларни кўздан кечирган ҳолда текшириб қабул қилиб олиш ва тақдим этиш жараёни ҳам махсус тартиб-қоидаларни ўз ичига олган. Бу эса уларни хонга етказган амалдордан алоҳида зийраклик талаб этган. Жумладан, Н. Муравьев келтирган совғалар орасида шиша чилим (қалён) бўлиб, хон унинг нима эканлигини сўраганда *юзбоши* совғанинг номини айтишга журъат эта олмаган. Чунки бу даврда хон [Муҳаммад Раҳимхон I] томонидан чилим чекиш тақиқланган бўлиб, *юзбоши* уни сирка солишга мўлжалланган идиш деб тушунтирган[2].

Совға-саломлар анча нозик масала бўлиб, бу борада чиққан можароли ҳолатлар тарихда кам эмас. Хусусан, Хива хони Шерғозихон (1714 – 1728)га Александр Бекович-Черкасский томонидан тақдим этилган совғалар «илова қилинган рўйхатга мос келмаганлиги боис» қабул қилмаган эди. Ушбу англашилмовчилик элчи томонидан тушунтирилиб, дастлабки ҳадялар шахсан ўзининг номидан эканлиги, рус подшосининг совғалари эса алоҳида тақдим этилиши билдирилгандан кейингина ҳал этилган эди[3]. Бу воқеадан кўриш

[1] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих ... – Б.61.
[2] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С.127 – 128.
[3] Попов А. Сношение России с Хивой и Бухарою при Петре великом ... – С.30.

мумкинки, ҳукмдор томонидан бериб юборилган расмий ҳадялардан ташқари элчи томонидан ҳам шахсий совғалар тақдим этиш урф бўлган.

Совға-саломларнинг миқдори ҳам аҳамиятли масала бўлиб, Рус подшосининг ҳадялари асосан «қирқ бўлак»дан юборилган бўлса, Ўрта Осиё, жумладан, Хива хонлигида *тўққиз рақами* мукаммаллик тимсоли сифатида маълум бир рамзий маънога эга эди.

Абулғозихон «Шажарайи турк» асарининг тўққиз бобдан иборат эканлигига изоҳ берар экан, «асарнинг тўққуз боби ажойиб, муносиб тушди ...анинг учун ҳукамолар айтиб турурлар, ҳеч нимарсанинг мартабаси тўққуздин юқори бўлмас, ниҳоят тўққуз турур» деб таъкидлайди[1].

Н. Муравьев хонга атаб келтирган ўн дона шиша идиш-стаканларни *юзбошига* кўрсатганда у Хивада шишанинг ноёблиги ва улар хонга жуда ёқишини билдириб, уларда тўққиз рақами хосиятли ҳисоблангани учун ўн дона эмас, идишларнинг тўққизтасини ҳадя қилишни маслаҳат берган[2].

Эрон шоҳи Таҳмосибнинг Хива хонига куёв бўлиши муносабати билан келин томондан Эронга *тўққиз* кишининг юборилиши, келинга тақдим этилган совғалар сонининг *тўққиз*тадан бўлиши ҳам юқоридаги фикрга мисол бўлади[3].

1679 йилда Анушахон томонидан рус подшоси Федор Алексеевичга юборилган совғалар рўйхатида «9 та пўлат пичоқ билан бирга 9 та камон» қайд этилган[4].

Хива хонларига қорақалпоқ, қозоқ ва туркман сардорлари, шунингдек, қўшни Бухоро ва Қўқон хонликларининг элчилари келтирган «тўққуз-тўққуз пешкаш»лар ҳам ана шу анъана ҳақида маълумот беради.

---

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.12.
[2] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С.127.
[3] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.128.
[4] Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР ... – С.99, 244.

Қабул маросимининг муҳим атрибутларидан саналган ҳадялар маълум бир мазмун-моҳиятга эга рамзлар сифатида муносабатлар характерига катта таъсир кўрсатган. Жумладан, Н. Муравьев томонидан хонга келтирилган совғалар орасидаги 10 фунт[1] қўрғошин, яна шунча кремнийли порох ва икки каллак қанд Хива хони саройида рус ҳукумати «ширин дўстликни таклиф этмоқда, акс ҳолда уруш очилишига ишора қилмоқда» деб талқин этилган эди[2].

Албатта, маҳаллий халқнинг анъана ва урф-одатларига доир бундай маълумотлар элчиларнинг ҳисобот ва кундаликларида алоҳида қайд этилган бўлиб, келгусидаги ташрифлар ва ўзаро дипломатик алмашинувларда эътиборга олинган.

Рус ҳужжатларида Россия императори томонидан Г. Данилевский орқали Хива хонига атаб бериб юборилган совғаларнинг энг каттаси «Оллоқулихоннинг кўп йиллик орзуси бўлган» *карета-ландо*[3] (усти ёпиқ соябонли арава) ва унга қўшилган бир жуфт зотдор инглиз отлари бўлиб, улар олтин ва кумуш юганлар билан жиҳозланган эди[4]. Маҳаллий манбаларда элчи «келтиргон туҳфоти беҳтажасар ва тансуқоти ғайри мукаррарин» сифатида мақталган бу совға «ул жумладин, бир тахтиравон отлиғ ароба эрдиким, борча ери мусайқал ва мурассаъ бўлуб, ҳаддан афзун олтун, кумуш онинг асбобу тузукларига харж бўлмиш эрди» деб тасвирланган[5].

Юқорида таъкидланганидек, *совға-саломлар* анчагина «нозик масала» бўлиб, кескин вазиятни юмшатишга хизмат қилиши билан бирга айрим ҳолларда юзага келадиган тушун-

---

[1] Фунт – 409,5 гр га тенг бўлган эски рус оғирлик ўлчов бирлиги.
[2] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С.127 – 128.
[3] Ландо – тепа қисми олинадиган тўрт ғилдиракли экипаж-арава. XVIII аср ўртасида пайдо бўлган бу транспорт воситаси биринчи бор тайёрланган жой номи Германиядаги Карлсру (Karlsruhe) шаҳри яқинидаги Ландау (Landau) номи билан аталган.
[4] Залесов Н.Г. Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г. ... – С.44 – 45.
[5] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.168 – 169.

мовчиликларнинг асосий сабабчисига ҳам айланган. Масалан, Г. Данилевский келтирган ушбу арава ана шундай англашилмовчиликни келтириб чиқарган. Масалани таҳлил қилган И. Захарьиннинг таъкидлашича, «хоннинг совуқ муносабатидан хафа бўлган» Г. Данилевский аравадан фойдаланиш қоидаларини хон отхонасининг хизматчиси – *шталмейстер*га тушунтиришни эсидан чиқарган. Усти ёпиқ ҳолда турган ушбу аравада аввалига фақатгина хоннинг фарзандлари ўтириб учишган. Бунинг устига, отларнинг ҳуркиб кетишидан хавотирда бўлган рус отбоқари араванинг тормозини қўйиб юборишни унутганлиги сабабли у жуда секин ҳаракатланган. Ҳатто хиваликлар аравага ўзларининг кучли отларидан ўнтачасини қўшиб ҳам уни тезлаштира олмаганлар. Фақатгина «тормоз масаласи» тушунтирилиб, араванинг усти очиб қўйилгандан сўнггина хон унга ўтирган ва тантана билан шаҳар бўйлаб айланган. Бутун аҳоли бундай ғаройиб кўрикни томоша қилиш учун кўчаларга чиққан эди. Тез орада хоннинг касал бўлиб вафот этишини руслар томонидан келтирилган арава билан боғлаган иримчилар «хоннинг хиваликлардан фарқли ўлароқ, ғайриоддий ҳолатда отга минганлиги»дан деб билганлар. Оқибатда «хосиятсиз арава» дарҳол йиғиштирилиб, ўраб ташланган[1].

Оллоқулихонга юборилган совғалар орасида тумбалар устига қўйиладиган қимматбаҳо бронза шамдонлар (*бра*), орган чолғу асбоби, икки бўлак Лион (*Франциядаги шаҳар*) бахмали ва икки бўлак атласдан ташқари иккита соат бор эди. Антиқа қурилмали бу соат ҳам хон ҳамда сарой аъёнларида ҳадик, шубҳа уйғотганлиги юқоридаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Чунончи, ошхона соати деб ҳисобланган механик соат бонг урганда унинг тепа туйнугидан ўйинчоқ какку қуши чиқиб сайрар эди. Оллоқулихон бундай антиқа соатни

[1] Захарьин И.В. Посольство в Хиву в 1842 году / http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien /XIX/1840-1860

кўриб ҳайратланган бўлса-да, туйнукдан учиб чиққан қушчани «шайтон» деб, русларнинг «шубҳали бу совғаси»ни панароққа яшириб қўйишни буюрган[1].

Келтирилган ҳадяларга жавобан қайтарилган совғаларнинг ҳажми, қиймати ва ноёблиги жиҳатидан бир-бирига мувофиқ бўлиши катта аҳамиятга эга эди. Айниқса, алмашилган ҳадяларнинг «дарё ортидаги» (*заморские*) ёки «ҳайратомуз ва ғайриоддий» (*диковинка*) ҳисобланган ноёб ва тансиқ моллар сарасидан бўлишига алоҳида эътибор берилган.

Хоразмда бўлган Бухоро элчиси Мирзо қоровулбегига кетиш олдидан «таажубнамо туҳфалар»нинг тақдим этилганлиги айнан ана шундай ноёб ва нодир нарсаларнинг совға қилинганлигини кўрсатади[2].

Амир Насруллонинг Хива хонига юборган «туҳфаи ғаройиб»лари қаторида бир ов қуши – *боз*, яъни қирғий ёки лочиннинг мақтови манбада алоҳида келтирилган. «Гулшани давлат»да «...парпари ғайри муқаррар шаҳбози баландпарвоз эрдиким, жуссаси ўзга бозлардин андак улуғроқ эрди ва бошида мунаққаш тожи бор эрди. Ва жаҳон шикоргоҳида ҳеч бир миришкор анинг мислин мушоҳада қилмамиш эрди» деб кўрсатилган[3].

Ўрта Осиё хонликларидан Россияга юборилган совғалар сифатида қимматбаҳо ҳинд чодирлари, тилла билан нақшланган дубулға ва ханжар, «садоқ» деб аталувчи тилла билан нақшланган ўқдон ва ўқ-ёйлар, Машҳад камони, тилла суви юритилган нақшинкор идишлар, уриб чалинадиган мусиқа асбоби бўлган кумуш тулунбаслар, гулдор кимхоб ва нафис матолар шулар қаторига киради.

Манбаларнинг кўрсатишича, *арғумоқлар* – зотдор отлар, шунингдек, туялар Ўрта Осиёдан турли мамлакат ҳукмдорла-

[1] Захарьин И.В. Посольство в Хиву в 1842 году.
[2] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.79.
[3] Ўша жойда. – Б.86.

рига юборилган совғалар ичида алоҳида қимматга эга бўлган[1]. Шуниси қизиқки, рус ҳужжатларида Ўрта Осиё, жумладан, Хива хонлигидан рус подшосига юборилган отларнинг алоҳида белгиси, ранги ва зоти, шунингдек, гилам ва матоларнинг ўлчами ҳамда қиймати жуда батафсил тавсифланган[2]. Бундай аниқлик «шоҳона ҳадя»ларнинг алмаштириб қўйилишига қарши эҳтиёт чоралари бўлганлигини тушуниш қийин эмас. Шу туфайли ҳадяларнинг номи, сони ва тури расмий мактубларга бириктирилган махсус рўйхатда аниқ қилиб санаб ўтилар эди.

Ўрта Осиё хонлари томонидан Россияга юборилган совғалар орасида маймунлар ва йўлбарслар ҳам бўлган. Лекин кўп ҳолларда бундай экзотик ҳайвонлар йўлда ҳалок бўлар, шунда уларнинг терилари етказиб борилар эди.

Озод этилган рус қуллари (*полоник*) Хива ва Бухоро хонлари томонидан Россияга юборилган энг қимматбаҳо ҳадя ҳисобланган.

Ўз навбатида, рус давлатидан Хива хонлигига юборилган ноёб ва қимматбаҳо совғалар, жумладан, сувсар, «балиқ тишлари» деб аталган морж тишлари, рангли чит ва сатин матолар, юфть (қизил чарм), «угор пичоқлари», чинни идишлар, соатлар ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш лозим[3].

Рус муаллифларининг таъкидлашича, баъзида хонлар тўғридан-тўғри ўзлари хоҳлаган буюмларни сўраб, элчилари орқали махсус рўйхатларни (*любительные поминки)* юборишган. Улар юборилган одатий сувсар, қора тулки (чернобурка), мато ва чарм сингари совғаларга қаноат қилмай, яна қандайдир ноёброқ молларни, жумладан, Шарқда жуда юқо-

---

[1] Osmanli devleti ila Kafkasya, Turkistan ve Kirim hanliklari arasindaki munasebetlere dair arkhiv belgeleri (1687 – 1908 yillari arasi). – Ankara, 1992. 67-ҳужжат. – S.124; Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ... – С.157, 207.

[2] Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ... – С.154 – 155, 157.

[3] Корженевский Н.Л. Посольство Михаила Тихонова в Персию и путь его через Хиву ... – С.70.

ри баҳоланувчи ов қушлари, замонавий ўқотар қуроллардан намуналар жўнатишни сўрашган[1]. Лекин бундай ўзига хос «сўровлар» фақатгина Ўрта Осиё хонлари томонидан эмас, балки рус подшолари томонидан ҳам юборилган.

Совға-саломлар тарзида келтирилган ноёб Европа моллари ҳақидаги қўшимча маълумотларни рус элчиси Флорио Беневени эсдаликларидан ҳам билишимиз мумкин. У ерда санаб ўтилган буюмлар орасида тулкилар, кумуш соатлар, чойнак, янтар ҳошияли ойна, оқ янтардан тайёрланган қадаҳ (рюмка), биллур қадаҳ (рюмка), янтардан ясалган ғилоф (футляр), бир жуфт немис тўппончаси, ҳар хил қайчилар бор эди[2].

Қайд этиш лозимки, қимматбаҳо совға-саломлар ва ноёб ҳадялар халқлар ўртасида турли янгиликлар ҳамда инновацион ихтиролар алмашинувини таъминлар эди. Зеро, юқорида кўрсатиб ўтилган рус подшосининг совғалари, шунингдек, Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Ғафур томонидан келтирилган қимматбаҳо портсигар, тилла сиёҳдон ҳамда у билан бирга ташриф буюрган инглиз элчиси тақдим этган «бир кўзли дурбин», тўппонча, соатлар[3], шунингдек, Ризоқулихон олиб келган қаҳва ва уни тайёрлайдиган асбоблар[4] ана шундай ўзаро маданий ва техник янгиликлар алмашинувига мисол бўлади.

### *Дипломатик этикет ва музокаралар олиб боришнинг асосий тартиб-қоидалари*

Музокараларнинг асосий кўриниши оғзаки мулоқот бўлиб, элчи бош масалани бевосита хон ёки унинг номидан иш олиб борган меҳтар билан кўришиб муҳокама қилган. Баҳс-

[1] Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718 – 1725 гг. ... С.10 – 11.
[2] Ўша жойда. – С.103 – 104.
[3] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.21.
[4] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – С.148 – 149.

мунозаралар чўзилиб кетган ёки қарор қабул қилишда бир тўхтамга келиш қийин бўлган ҳолларда музокаралар хатлар орқали ҳам олиб борилган. Айниқса, Хивадаги эрони қулларни озод қилиш борасида хоннинг ён босишига эришмоқчи бўлган Муҳаммад Алихон Ғафур аксарият ҳолларда мактуб ёзиб, ўз эътирозларини баён қилар ва уларга тегишли жавоб берилишини талаб қилар эди. Айтиш жоизки, мактублар орқали мурожаат этишда ҳам субординация қоидаларига қатъий риоя қилинган. Хусусан, Эрон элчиси ҳам, инглиз вакили Томсон ҳам хонга тўғридан-тўғри эмас, *меҳтарга* мактуб йўллаш орқали ўз арзларини билдиришган[1].

Масала мактублар орқали муҳокама қилинишининг ўзига хос сабаблари эди. Музокараларнинг сони чегаралаб қўйилмаган бўлса-да, хонликда икки-уч ойгача қолган элчи хон билан бевосита бир ёки бир неча мартагина кўришган. Баъзи ҳолларда бу музокаралар ярим тунгача давом этган. Қолган вақтда хон номидан *меҳтар* элчилар билан музокара олиб борган.

Музокара бевосита асосий масалани муҳокама этиш ёки керакли вазиятни ҳосил қилиш учун уюштирилган суҳбат билан бошланар эди. Зеро, дипломатиянинг ўзига хос тартиб-қоидасига кўра баъзи ҳолларда мактубларда умумий расмиятчилик сўзлари келтирилган бўлиб, муҳим масалалар элчиларнинг оғзаки хабарлари орқали етказилган.

Манбаларда элчининг ҳукмдор қабулида бўлган вақтда «маъруз этти» деган ибора қўлланадики, бундан юборган томон ўз муддаосини мактубда баён этиш билан бирга элчи орқали оғзаки тарзда етказилиши лозим бўлган масалалар ҳам бўлганлигини англаш мумкин.

«Гулшани давлат»да Бухоро амири Насруллонинг элчиси Турсунхўжа садр Хива хонининг «кўринуши олий»сида кел-

[1] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.33 – 37.

тирган нома ва туҳфаларини «таъзими тамом била маъруз этти» деб баён этилади[1].

Россия императори Петр I томонидан Хива хони Шерғозихонга Александр Бекович-Черкасский орқали бериб юборилган ёрлиқда элчини муносиб тарзда кутиб олиб, унинг билдирган таклифлари рус подшоси номидан қабул қилиниши лозимлиги сўралган[2]. Бу ҳам, ўз навбатида, «оғзаки хабарлар»ни етказишнинг тартиби ҳақида тасаввур беради.

Хива хони Эрон элчиси Муҳаммад Алихон билан суҳбатлашар экан, аввало, Эрон шоҳи у орқали оғзаки хабар жўнатган ёки жўнатмаганлиги, агар шундай бўлса, айнан қандай хабар йўллаганлиги борасида сўраб-суриштирганлиги ҳам юқоридаги фикрга мисол бўлади. Муҳаммад Алихон томонидан келтирган Эрон шоҳининг мактубида асосий масала бевосита ифода этилмаганлиги туфайли элчининг оғзаки хабари бу борада вазиятга ойдинлик киритган. Хусусан, элчи музокарада баён этган «хонликдаги барча эрони қулларни озод қилиш» сингари жиддий масала мактубда акс этмаган ва бу ҳолат эътирозга сабаб бўлган. Эрон элчиси бунга жавобан давлатчилик қоидаларидан сўз очиб, қўполлик билан «шоҳнинг ўз мактубида асирлар хусусида гапириши давлатчилик қоидасига тўғри келмайди. Давлат арбобларининг ёзганлари шоҳнинг буйруғи ҳисобланади. Шунинг ўзи кифоя, шоҳ ёзиб ўтирмайди» деган фикрни билдирган[3].

Мавжуд маълумотлар бу каби «шоҳнинг буйруғига тенг» ваколатлар ҳамма элчиларга ҳам берилмаганлигини кўрсатади. Жумладан, илгари Хивада бўлган Эрон элчиси Мирзо Ризо ҳақида гап очилганда Муҳаммад Алихон Ғафур «унинг сизлар билан бундай музокара олиб боришга ҳуқуқи йўқ эди,

---

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Гулшани давлат ... – Б.180.

[2] Подлинная грамота Государя Петра I к Хивинскому хану Ширъ Газыю посланная с князьем Александром Бековичем Черкасским ... РГАДА. Ф. 134, оп. 2, д. 51, л. 1 – 2.

[3] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.38.

менинг эса ҳуқуқим бор» ҳамда «каминани сизлар нима десангиз, шуни тасдиқлаб кетиш учун юбормадилар» деган эътирозларни билдирган эди1. Унинг бу қадар дадиллик билан жавоб қайтариши мушоҳада қилиб кўрилса, бу унга берилган катта ваколатлардан ташқари элчи шахсиятидаги такаббурлик ва бетгачопарлик ҳамда Англия ва Россия каби давлатларнинг қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ эканлигини сезиш мумкин[2].

Кўриниб турибдики, музокараларда элчининг шахсияти, унинг феъл-атвори ҳамда ўзини тутиши катта аҳамиятга эга бўлган. Шу жиҳатдан, юқорида келтирилганидек, Хива амалдорларига такаббурлик билан «сизлар қоидани билмайсизлар. [Дипломатия] қоидаларини назардан соқит қилиб, кўнглингизга келганини гапираверасизлар» дея қўполлик қилган Муҳаммад Алихон Хива хони саройида анчагина ёмон таассурот қолдирган[3]. Ундан фарқли ўлароқ, мулоқот жараёнида ўзининг билимдонлиги ва зукколигини намойиш эта олган Ризоқулихон Хива хони ва унинг амалдорлари орасида жуда катта ҳурматга сазовор бўлган.

Ўзининг маданияти ҳамда тарихий ва адабий билимларию шеърият борасидаги истеъдоди билан ҳаммани лол қила олган элчига Хива хони шундай баҳо берган: «бу одам ажаб бир билимли одам ва кўп доно киши экан. Агар бизнинг вилоятда қолса, бизга кўп фойдаси тегарди. Бизнинг дин ва давлат бобидаги билимларимизга билим қўшиб, илмларимизни оширарди. Шу пайтгача Эрондан Хоразмга бундай элчи келмаган эди»[4].

Ҳар хил вазиятларда ҳам хушмуомалалик ва босиқлигини намойиш қилган элчи, ўзининг таъбири билан айтганда,

[1] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.33, 37.
[2] Ўша жойда. – Б.28.
[3] Ўша жойда. – Б.38.
[4] Элчи «жаноб Нажмиддин Кубро ва Паҳлавон Маҳмуд Хоразмий шеърларидан бир нечтасини ёддан айтдим. Улардан нусха кўчиртириб, атрофга олиб кетдилар» дея қайд этади. Қаранг: Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм ... – Б.142.

элчи сифатида сабр ва мулойимлик билан кўп нарсаларни кўриб турса-да, ўзини билмасликка солар эди[1]. Ўзига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ҳақида ёзаркан, Ризоқулихон: «Хивада хондан бошқани хон деб аташ адабга хилоф бўлса ҳам, мени баъзилар «элчихон» ва айримлар «элчибек» деб аташар эди», – деб қайд этади[2].

Музокараларда ҳам ўзининг зукколигини намойиш қилган Ризоқулихон ўртадаги суҳбатни Эронда тиббиёт ишларининг ривожланганлиги, айниқса, шоҳ қўшинида махсус табиблар гуруҳи иш олиб бориши ҳамда Эроннинг Европа мамлакатлари билан дўстона муносабатлари масаласига бурган, шу орқали у ўз давлатининг ҳарбий қудратини кўрсатишга ҳаракат қилган. Эрон давлати ҳақидаги батафсил маълумотлардан таъсирланиб кетган хон ҳайратдан ёқа ушлаганлигини элчи алоҳида таъкидлаб ўтади.

Ўз ўрнида, Хива хони Эроннинг заиф томонига урғу беришга ҳаракат қилиб, шоҳнинг ёшини сўрар экан, 22 ёшли ҳукмдор ҳақида «бундан чиқди, Эрон подшоҳи ҳали ёш ва тажрибасиз ҳукмдор экан-да» деган фикрни билдиради. Элчи эса шоҳ ёш бўлишига қарамай, ҳар томонлама етук шахс, билимдон, айниқса, жуғрофий билимларда кучли эканлигини айтиб хонни яна ҳайратга солган[3].

Ҳақиқатан, элчининг дипломатик маҳорати музокараларнинг боришига, унда юзага келадиган турли ҳолатларга катта таъсир кўрсатган. Бу борада рус элчиси П. Никифоровнинг Хива хони Оллоқулихон билан олиб борган музокарасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Элчининг Хива амалдорларига қилган қўпол муомаласи элчиликнинг натижасига салбий таъсир кўрсатган. Шунга қарамай, тан олиш керакки, Хива ва Россия ўртасида тузилиши режалаштирилган тинчлик шарт-

[1] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.147.
[2] Ўша жойда. – Б.150.
[3] Ўша жойда. – Б.128 – 129.

номасининг муҳокамаси жараёнида юзага келган вазиятни ўз фойдасига ҳал қилишга эришганлиги бевосита элчининг устомонлиги билан боғлиқ эди. Хусусан, шартноманинг учинчи банди Хива хонининг даштдаги, яъни қозоқ уруғлари орасидаги таъсир доирасининг чегараларини аниқлаб олиш масаласига қаратилган.

Хива хони қозоқларнинг Россия империясига тобелигини инкор этиш ва унинг Қозоқ даштига бўлган даъвосини йўққа чиқариш мақсадида ўзига ён босадиган эътиборли қозоқ сардорларини саройга таклиф этган. Улар рус элчисига ўзларини рус фуқароси деб ҳисобламасликларини шахсан тасдиқлашлари лозим эди. Қозоқ вакиллари Россия деярли ҳар йили қўшин юбориб талон-торож қилиш орқали уларнинг ерларини олиб қўйишлигини билдириб, «агар қозоқлар уларнинг тобелигида бўлса, рус ҳукумати бундай йўл тутмас эди» деб жавоб беришган. Шунингдек, улар қозоқлар «мусулмон бўлганликлари учун ҳам ҳеч қачон насроний давлатнинг тобелигига кириши мумкин эмаслиги»ни уқтиришган. Айнан мана шу «нозик вазият»да П. Никифоров ўзининг дипломатик маҳоратини ишга солиб, қозоқ султонлари билан Хива хони ўртасидаги муносабатга рахна солишга муваффақ бўлган. Қозоқ сардорларига мурожаат этар экан, рус элчиси уларнинг иззат нафсига тегиш мақсадида «эй султонлар, бугун сизларни қулдай хўрлаб, ўзининг ноқонуний талаблари фойдасига шармандали қасамхўрлик учун чақиртирган хон ўтирган Хива тахтида сизларнинг аждодларингиз ўтирганини ёдга олинг» деб уларни хонга қарши қўзғайди[1]. Тадқиқотчи Н. Залесов қайд этганидек, бу мажлис хоннинг қозоқ сардорлари билан муносабатларига жиддий зарар етказган эдики, уларнинг аксарияти П. Никифоров билан яқинлашиш ва рус ҳукуматининг марҳаматига эришишга интилган эдилар[2].

[1] Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. ... – С.76 – 77.
[2] Ўша жойда. – С.77.

Элчининг шахси музокара жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бирга яна бир қанча омиллар бор эдики, элчилик натижаларига ҳамда умумий вазиятга бевосита таъсир кўрсатган. Жумладан, Муҳаммад Алихон бошчилигидаги элчилик муваффақиятсизлигининг бош сабаби, унинг ўзи таъкидлаб ўтганидек, Англия ва Россия давлатлари вакилларининг у билан бирга келганликларида эди. Элчининг ахборотномасида қайд этилишича, хон охирги учрашувда Эрон элчисига танбеҳ бераркан, хафа бўлиб «жамшид мартабали подшоҳ ҳамиша ўз одамини юборардилар, бу гал нима сабаб бўлиб рус ва инглиздан одам қўшиб юборибдилар? Сен ўзинг келаверганингда мақсадга мувофиқ бўларди. Мана энди асир берсам, дўсту душман «хон ҳазрат рус ва инглиздан қўрққанидан асир берди» деб устимдан куладилар» деган фикрни билдирган[1].

Ризоқулихон элчилиги даврида эса сиёсий устунлик Хива хонлиги томонида бўлиб, хон қўшинининг Хуросон юришидан катта ўлжа ва асирлар билан зафар қучиб қайтиши вазиятни Хоразм фойдасига ҳал қилган.

Хонни юришдан қайтишини кутиб турган Эрон элчиси юзага келган вазият ва унинг элчилик ҳолатига кўрсатадиган таъсирига баҳо бераркан, «Сарахс ва Тажан тарафидан олиб келинган асирларни кўча ва бозорларда айлантириб, қизилбош лашкарларининг мағлубияти хабарини бутун мамлакатга жар солиб етказдилар. Шу сабабли элчилигимиз иши ланж бўлди ва шон-шавкатимизга путур етди. Шунинг учун вақт нимани талаб қилса, сўз ва ишда шунга қараб амал қиладиган бўлдим», – деб қайд этади»[2].

[1] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.36.
[2] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.123.

### *Элчилар Хива хони ҳақида: таъриф ва тасниф*

Қабул маросими чоғида ҳеч бир нарса элчилар эътиборидан четда қолмаган. Айниқса, ҳукмдор саройи ва хон шахси элчиларнинг асосий диққат марказида бўлган. Бундай таъриф ва таснифлар орқали Хива тахтида ўтирган ҳукмдорнинг шахсияти, унинг бошқарув сиёсати, шунингдек, нафақат мамлакат, балки минтақадаги вазият ҳақида маълум даражада маълумотга эга бўлиш мумкин.

Эрон элчиси Ризоқулихон ҳар бир нарсани синчковлик билан кузатиб, қайд этиб боришга ҳаракат қилар экан, хоннинг «либос кийишда бошқа одамлар каби бўлиб, камтарлиги туфайли дабдабали кийимларни ёқтирмаслиги ҳамда унинг фақатгина қизил мовутдан бўлган бош кийимигина бошқаларникидан фарқ қилиши»ни таъкидлаб ўтади[1].

Хоразмда тутқунликда бўлган Эрон қўмондони Исмоил Мирпанжа ҳам бир ойда, баъзида икки-уч ойда бир бор хон қабулига кирганлигини қайд этар экан, «...хон либос кийиш жиҳатидан бошқа одамлардан унчалик фарқ қилмайди. Яъни хон кийинишда ўзига ўзгача зеб бермайди, фақат бош кийимида қимматбаҳо жиғаси бўлади» деб таърифлайди[2].

Муҳаммад Раҳимхон I нинг ташқи кўриниши ҳақида маълумот берган Н. Муравьев уни «50 ёшларда бўлиб, баланд бўйли (1 сажен)[3], соғлом ва бақувват. Кўриниши ёқимли. Юз тузилиши тўғри, кўзлари катта бўлмаса-да, жуда ўтли ва қараши синчков, оч рангли сийрак соқоли ва юзининг тузили-

---

[1] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.160. Рус зобити ва шарқшуноси Н.С.Лыкошиннинг 1912 йилда қайд этган маълумотларига таянган ҳолда сўнгги Хива хони Исфандиёрхонни «арз маросими»да тасвирлаган П. Сартори «Исфандиёрхон тилла билан ишлов берилган Осиё русумидаги қимматбаҳо қилич тақиб, бошига одатий мўйнали телпак ўрнига қўй юнгидан тайёрланган тепаси қизил катта телпак кийиб олган»лиги ва бу телпак «ҳукмдор тожи» билан баробар эканлигини қайд этиб ўтади. Қаранг: Sartori P. Visions of Justice. Sharīʿa and Cultural Change in Russian Central Asia ... – P.61 – 62.

[2] Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар ... – Б.44, 56.

[3] Сажень – 2,134 м га тенг бўлган эски рус узунлик ўлчов бирлиги.

шига кўра ўзбекдан кўра кўпроқ русларга ўхшаб кетади» деб таърифлайди. Элчи хоннинг ташқи кўринишини қайта-қайта тасвирлар экан, «хоннинг гавдаси ниҳоятда катта бўлса-да, кўриниши жуда келишган. Айтишларича, чавандоз оти уни 2 соатдан ортиқ кўтариб юра олмас экан. Сийрак соқоли оч рангда бўлиб, овози ёқимли, маҳорат билан виқорли ва тиниқ гапиради» деб кўрсатиб ўтади[1].

Хоннинг хатти-ҳаракатига қараб унинг шахсиятига баҳо берар экан, Н. Муравьев «кўриниб турардики, у ўткир ақл-заковат эгаси, тадбиркор, жасур ва ўз ишига ниҳоятда мустаҳкам» деган ижобий хислатлари билан бирга «шуҳратпараст, шафқатсиз, шубҳаланувчи, ҳокимиятни севувчи, ғаразгўй» каби салбий жиҳатларини ҳам санаб ўтади. Шунга қарамай, элчи Муҳаммад Раҳимхон I нинг ўз она тилидан ташқари араб ва форс тилларини билиши, астрология ва табобатдан ҳам хабардорлиги, шунингдек, шахмат ўйинини ёқтириши ва уни мукаммал билишини таъкидлаган[2].

Элчи хоннинг унвонларига ҳам тўхталиб ўтар экан, унга *тақсир*[3], *хон ҳазратлари, хон хожа (хўжа)* деб мурожаат этилишини маълум қилган.

Н. Муравьев ўз кузатувлари асосида хонга умумий баҳо берар экан, Муҳаммад Раҳимхон I нинг салоҳияти борасида «ўз подшолигини ҳар томонлама кучайтириш, жумладан, аҳолисини кўпайтириш учун ҳам, сиёсий мавқеини ошириш учун ҳам қулай вазиятни қўлдан бой бермайди. Шу жиҳатдан, вақт ўтиши билан Хива хонлигига Шарқнинг бошқа биринчи даражали давлатларига тенглашадиган мамлакат сифатида қараш лозим бўлади» деган[4].

---

[1] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С.132.
[2] Ўша жойда. Ч. II. – С.55.
[3] «Тақсир сўзи гуноҳ деган маънони билдиради. Бу ўринда Муҳаммад Раҳимхон гуноҳкорларни жазоловчи сифатида улуғланган бўлиши керак», – деб изоҳ беради элчи.
[4] Ўша жойда. – С.52 – 53.

Оллоқулихон қабулида бўлган Г.И. Данилевский ҳам Хива хонига жуда юқори баҳо берган. У хоннинг қоматини тутиши, овози, гапириш оҳанги ва музокараларни совуққонлик билан олиб бориши алоҳида эътиборга лойиқ эканлигини қайд этган. Хусусан, у «Оллоқулихоннинг барча танбеҳ ва жавоблари хон фикрларининг ўзига хослигини, яъни тиниқлигини, унинг зийраклигини кўрсатиб турар ва соғлом фикр эгаси эканлигидан далолат берар эди. Унинг Россия билан ҳамкорлик қилишга мойиллиги эса ҳатто унинг билдирган эътирозларида ҳам кўзга ташланади» деб қайд этган[1].

Р. Почекаев рус қўмондони В. Перовскийнинг Хива хони Оллоқулихон билан дипломатик алоқалари масаласига тўхталиб ўтар экан, «фаол, кучли, жанговар Оренбург губернаторига бу борада ундан қолишмайдиган Хива ҳукмдори, яъни фаол ва қатъиятли Оллоқулихон қарши турар эди» деб баҳо беради. Олим Оллоқулихонни рус қўшинлари яқинлашаётганда ҳам, дастлабки мағлубият жараёнида ҳам ўзини йўқотиб қўймасдан, тезкор ва аниқ қарорлар қабул қила олган қатъиятли ҳукмдор сифатида таърифлайди[2].

Хон олдида сайёҳ дарвеш қиёфасида намоён бўлган А. Вамбери қабул жараёнини тасвирлар экан, Саййид Муҳаммадхон зинали супада, ипак ва бахмал мато билан қопланган юмалоқ ёстиққа чап қўли билан суянган ҳолда, ўнг қўлида калта олтин *скипетр*, яъни ҳокимият рамзи ҳисобланган таёқчани тутганча ўтирганлигига эътибор берган[3]. Хоннинг *скипетр* тутган ҳолда ўтириши ўрганилган бошқа манбаларда учрамаслигини ҳисобга олсак, бу даврга, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмига келганда Хива хони саройидаги қабул маросимларида юз берган айрим ўзгаришлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

[1] Залесов Н.Г. Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г. ... – С.48 – 49.
[2] Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С.207.
[3] Вамбери А. Путешествие по Средней Азии ... – С.60.

### *Якуний аудиенция: жавоб мактублари, хилъат кийдириш, совғалар бериш ва кузатувчиларни тайинлаш*

Хон томонидан элчиларни охирги марта қабул қилиш ва керакли расм-русумларнинг адо этилиши дипломатик муносабатлар жараёнига мантиқий якун ясаган дейиш мумкин.

Бу жараёнда остига муҳр босилган мактубларни тайёрлаб, элчиларга топшириш, ҳадя ва инъомлар бериш ҳамда хилъатлар кийдириш, кузатувчиларни тайинлаш каби бир қанча амаллар бажарилган.

Хорижий элчиларга Хоразмдан кетиш олдидан «хуллои подшоҳона» (*шоҳона хилъат/тўн*) ҳамда «савғоти киромий» (*қимматбаҳо совғалар*) билан бирга «муволифатномаи номий» (*дўстлик мазмунидаги нома*) бериб кузатиб қўйилганига ўхшаш маълумотлар манбаларда кўплаб берилган.

«Хилъат кийдириш» маросими ҳақида ажабланиб ҳикоя қиларкан, Ризоқулихо, «ул вилоятда *Малик ут-тужжор* ўрнида кўрилувчи ва давлат девони ишларига ҳам жалб этиб туриладиган карвонбоши олдин хабар қилиб ва мен рухсат берганимдан сўнг девон мулозимларидан яна икки киши билан кириб келди. Ва олдимга бир бухча (*тугун*) ва бир халтача қўйди. Карвонбоши Хива хони номидан кўп узрхоҳликлар қилиб, бу йўл харажатингиз, манави эса Хоразмшоҳнинг сизга кийдирмоқчи бўлган хилъати деди. Мен эсам, Худога шукр, Эрон шоҳаншоҳи[нинг] муборак бошлари садақасидан сон-саноқсиз либосларимиз ва олтину динорларимиз муҳайё дедим. Аммо карвонбоши ҳаддан зиёд қисталанг қилиб, бу хоннинг махсус тўни, олиб киймасангиз, хафа бўладилар деб бухчанинг оғзини очиб, ичидан дарахт шохлари расми туширилган мушажжар (*рангба ранг*) атлас чопон ва зардўзи ипак билан нақшланган тўн чиқарди. Менинг кулгим қистади, у эса

ажабланди. Кийимларни унинг қистови билан эгнимга ташладим. Турганлар табриклаб, муборакбод қилдилар»[1].

Аслида, элчининг «кулгисини қистаган халъат кийдириш» одати Эронда ҳам бўлган. Хусусан, М. Диксоннинг малум қилишича, «чингизийлардан бўлган Анушахон (*Аванешхон бўлиши керак*)нинг ўғиллари, яъни Нисо ва Обивард ҳудудларининг ворислари Динмуҳаммадхон ва унинг акаси Алибек Эрон билан ўрталаридаги дарз кетган муносабатларни тиклаш мақсадида Шоҳ Таҳмосиб ҳузурига ташриф буюришган» вақтда шоҳ ўртадаги гина-кудуратларни унутиб, уларни яхши кутиб олган. Якуний қабул – ауденцияга таклиф этилган aка-укаларга вакил томонидан хилъат (*фахрли тўн*) кийдирилиб, «побуси (*оёқ ўпиш*) русуми»[2] амалга оширилгач, қизилбошлар тожи ҳисобланган қизил дастор (салла), от, эгар ва хилъат берилиб, эҳтиром билан кузатиб қўйилган[3].

Н. Муравьев учун берилган якуний ауденция ҳам бу борадаги тасаввурларимизни янада бойитади. Хусусан, рус элчиси хоннинг қабулидан чиққач, «кўринишхона»да унинг шарафига уюштирилган меҳмондорчилик чоғида *юзбоши* хон номидан келтирган зар тўнни кийдириб, ҳинд парчасидан тикилган қимматбаҳо белбоғни боғлаган ва унга қўшиб кумуш қинли ханжарни тақдим этган[4].

Муҳаммад Раҳимхон I Бухородан келган элчилар Ўроқбой мирохўр ва Авазмуҳаммад ясовулбошини (1811) ҳурмат билан кутиб олганлиги таъкидланар экан, «Фирдавс ул-иқбол»-да уларнинг «ҳар қайсиға хилои гаронмоя (*қимматбаҳо тўн*) ва камари тиллопироя марҳамат» қилиб ортига кузатилганлиги қайд этилади[5].

---

[1] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.150 – 151.
[2] Побуси – оёқ ўпиш маросими билан боғлиқ бу ибора кўпроқ амалий эмас, рамзий маънога эга бўлган. Айниқса, мусулмон ҳукмдорларининг элчиларига бундай муносабат билдирилмаганлигини бошқа манбалардаги маълумотлар тасдиқлайди.
[3] Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks ... – P.427.
[4] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С.134 – 135.
[5] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.378.

Эрон элчиси Ялангтўшхон бошчилигидаги элчиликка ҳам кетишларидан олдин «хилъои хуршид шиоъ», яъни қуёш шуълаларидек товланувчи хилъат – фахрли тўн кийдириб, мақсадларига мувофиқ жавоб мактуби бериб кузатиб қўйилган[1].

Хон элчини узоқ ушлаб туришни истамаган ҳолларида асосий қабул маросими билан бир кунда якуний аудиенция ҳам белгиланиб, элчининг кетишига рухсат берилган. Н. Муравьевнинг қайд этишича, якуний қабул маросимида илгариги жараён яна такрорланган. Хусусан, хон элчидан илгари айтганларини такрорлашни сўраб, ўзи ҳам илгариги жавобини берган.

Элчилар қай тарзда иззат-икром билан кузатиб қўйилган бўлса, ўз юрти чегараларида шундай ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олинган.

Муҳаммад Алихон Ғафур Машҳад шаҳрига бир фарсах қолганда Хуросон ҳокими Осад уд-давланинг эшик оғаси бир неча отлиқ билан уларни кутиб олганликлари, шаҳарга кириб боргач рўй берган воқеалар ҳисоботини топширганликларини қайд этган[2].

Ризоқулихон ҳам Гургон дарёси бандидан ўтгач, Астробод саркардалари уларга пешвоз чиқишгани, шаҳар дарвозасига етишгач, тўда-тўда навкарлар ва косиблар, пиёда ва отлиқлар катта тантана билан кутиб олганликлари ҳақида хабар берган[3].

Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатадики, умумий қоидалардан ташқари ҳар бир ҳолат ўзининг хусусий жиҳатларига эга бўлган. Хусусан, Н. Муравьев элчилиги Манғишлоқ туркманларидан ёлланган кузатувчиларига эга бўлганлиги боис хон томонидан алоҳида қўриқчи ва кузатувчилар тайинланганлиги манбада кўрсатилмаган. Рус элчиси хон қабулидан

[1] Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан ... – Б.135.
[2] Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги ... – Б.44.
[3] Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм ... – Б.207.

чиққач, Хожаш Маҳрам элчига «бўш эканлиги ва уйга қайтиб кетиши мумкинлигини» маълум қилган ва шу заҳотиёқ унга бириктирилган хизматкорлар бўшатилган. Н. Муравьев ишларининг хайрли якун топганидан жуда хурсанд бўлиб, хоннинг мартабали аъёнлардан уч кишига совғалар беришга қарор қилган. Шуниси эътиборлики, сарой амалдорларига бериладиган совға учун хоннинг рухсати лозим эди. Шунинг учун Н. Муравьев хонга одам юбориб, бериладиган совғалар учун рухсат сўраган. Хондан рухсат теккач, элчи меҳтар оға, қушбеги ва Хожаш маҳрамга яна бир бўлакдан мовут, ипак мато ва биттадан соат жўнатган[1].

Жиддий масалалар юзасидан музокаралар олиб борганлиги боис уч ярим ой давомида Хивада бўлган Г.И. Данилевский элчилигига хон кўпроқ эътибор қаратган эди дейиш мумкин. Чунки унга Муҳаммад Аминбек бошчилигидаги 12 кишилик гуруҳ қўшиб жўнатилган. 30 декабрда бўлган якуний аудиенцияда хон мулозамат юзасидан бўлса-да элчини баҳоргача Хивада яшаб қолишини сўраганлиги ҳам мазкур элчиликнинг мавқеи ва аҳамиятидан далолат беради[2].

Кўриб чиқилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, «қабул маросими» масаласи давлатчилик тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у Ўрта Осиё хонликлари тарихининг кўплаб соҳаларини, жумладан, маъмурий-бошқарув тизимини, ташқи алоқаларининг асосий йўналишларини ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли масалаларини очиб беришга хизмат қилади.

Қайд этиш жоизки, чет давлатлардан келган элчиларнинг ташрифи Хива хонлигида хорижий мамлакатлар ва у ерларда содир бўлаётган воқеалар ҳақидаги тасаввурларни янада бойитган. Ўз ўрнида, «шахсан ўзи кўрган, билган ва эшитган»ларини қадам-бақадам қайд этиб борган элчиларнинг ҳисо-

---

[1] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С.137.
[2] Залесов Н.Г. Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г. ... – С.52 – 53.

ботлари Марказий Осиё халқларининг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи, маданияти ҳамда кийим-кечаги ва озиқ-овқати сингари қизиқарли этнографик маълумотларни акс эттириши билан ҳам қимматлидир.

Хива хонлари саройида амал қилган «Қабул маросими» ёки «Дипломатик протокол», унинг ташкилий ва асосий қисмлари ҳамда дипломатик этикетнинг кўриб чиқилган қоидалари Хива хонлиги сўнгги ўрта асрлар халқаро алоқалар тизимида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлганлигидан далолат беради. Келтирилган маълумотлар Эрон ва Россия империяси сингари йирик давлатлар ҳам Хива хонлигининг манфаатлари билан ҳисоблашишган, у билан дипломатик алоқаларни мунтазам равишда ушлаб туришга ҳаракат қилишган деган хулоса беришга асос бўлади.

# V БОБ

# ХИВА ХОНЛИГИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Хоразм ўлкаси қадимдан ўзининг обод шаҳарлари ва гавжум бозорлари билан турли халқларни ўзига жалб этиб келган ҳудуд ҳисобланади. Узоқ ва яқиндаги қўшни давлатлар билан қизғин савдо алоқалари олиб борган Хоразм Ўрта Осиёнинг йирик савдо марказлари қаторида Ғарб билан Шарқнинг иқтисодий алоқаларида ўзига хос ўринга эга бўлган. Унинг карвонсаройларига келтирилган хилма-хил молларнинг бир қисми Хивада сотилса, қолган қисми транзит орқали бошқа жойларга тарқалган.

1340 йилда Хоразмда бўлган италиялик савдогар Бальдучи Пегалотти: «Осиёнинг ичкарисига киришнинг ҳожати йўқ, зеро, Хоразмнинг пойтахти Урганчда Европа бозори учун зарур бўлган барча молларни харид қилиш мумкин», – деб маълумот берган[1].

Хоразм савдогарлари X асрдан Яқин ва Ўрта Шарқ, Эрон, Ироқ мамлакатларига қатнай бошлаганлар. Ўрта асрларда Эрондан Хоразмга машҳур «казерун» матолари, «миной» типидаги кошин, сопол ва люстравий идишлар, атир-упа, гилам, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтирилган[2].

[1] Якубовский А. Феодальное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в X – XV веках // МИУТТ ... – С.46.

[2] Машарипов Қ.Ю. Хоразмнинг Ўрта Шарқ ва Европа далатлари савдо-сотиқ марказлари билан тарихий алоқалари (X – XV асрлар): Тарих фан. номз... дис. автореф. – Нукус, 2004. – Б.15.

Араб сайёҳи Ибн Баттута (1333) эсдаликлари орқали Хоразмда юқори табақа вакиллари орасида ироқий кўзалар, чиройли ироқий шиша идишлардан кенг фойдаланилганлиги ва уларнинг йирик савдогарлар томонидан кўплаб келтирилганлигини билиб олиш мумкин[1].

[1] Золотая Орда в источниках. Арабские и персидские источники [Сост. Р.П. Храпачевский. Перевод В.Г. Тизенгаузена. – М., 2003. Т. I. – С.146; Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати [таржима Н. Иброхимовники. – Тошкент, 1993. – Б.59.

## 5.1. ХОНЛИКНИНГ АСОСИЙ САВДО МАРКАЗЛАРИ ВА ТАШҚИ САВДО-ТИЖОРАТ АЛОҚАЛАРИНИНГ ХАРАКТЕРЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Сўнгги ўрта асрларда тез-тез ўзгариб турган халқаро вазият ҳамда янги сув йўллари мавқеининг ортиб бориши Шарқ мамлакатларининг савдо алоқаларида катта кийинчиликларни туғдирса-да, Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан олиб борган анъанавий савдо алоқалари тўхтаб қолмаган. Бухоро, Хива ва Балхнинг савдо карвонлари Ҳиндистон, Эрон, Қозоқ хонликлари, Нўғай дашти, Сибир ва Қошғарга боришда давом этиб, ўз навбатида, кўрсатиб ўтилган давлатларнинг карвонлари Ўрта Осиёга келиб турган[1].

Хива хонлигида йирик ички, ташқи ва транзит савдо марказлари сифатида Хива, Хонқа, Ҳазорасп, Янги Урганч, Гурлан каби шаҳарларни кўрсатиш мумкин.

Бу шаҳарлардаги бозорлар бир неча асрлик анъаналар асосида ривожланиб келган. А. Абдурасулов турли манбаларга таяниб Хива шаҳридаги Полвон дарвозаси ичкарисида ёпиқ бозор жойлашган бўлиб, 1835 йилда Оллоқулихон томонидан махсус карвонсарой қурилмасдан олдин ҳам бу ерда савдо расталари жойлашганлиги ва улар карвонсарой вазифасини ўтаганлигини маълум қилади[2]. Муаллиф Ичан қалъа шарқий қисмида жойлашган асосий бозорнинг анча қадимийлиги, XVII асрдан XIX асрнинг 20-йилларигача мавжуд бўлганлигини таъкидлайди.

Хива хонлигидаги бозорларнинг иқтисодий, савдо-тижорат, ижтимоий-маънавий ўрни, улар билан боғлиқ ҳунармадчилик турлари етарли даражада тадқиқ этилган. Шу жиҳатдан,

[1] Иванов П. Очерки по истории Средней Азии ... – С.75.

[2] Абдурасулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган. – Тошкент, 1997. – Б.29, 32.

бу масалаларга бевосита тўхталиб ўтирмасдан, мавжуд маълумотларни ташқи савдо алоқалари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш маъқул.

1646 йилда барпо этилган Янги Урганч шаҳри хонликнинг муҳим савдо маркази ҳисобланган. Жумладан, «Ҳоло Урганч ул мавзедур. Бағоят маъмур ва ободон ва Хоразмнинг улуғ савдохонасидур», – деб маълумот берилади манбада[1]. Шаҳарнинг мавқеи XVIII асрда янада ортган. 1753 йили Хива хонлигида бўлган рус савдогари Д. Рукавкиннинг таъкидлашича, ҳам қирғиз-қайсоқларга (*қозоқларга*), ҳам Оренбургга яқин жойлашганлиги боис катта савдо асосан Урганч шаҳрида бўлган[2].

XIX асрда Хоразмда бўлган рус муаллифи ҳам бутун хонлик савдосини ўзида жамлаган катта ва аҳолиси кўп Янги Урганч шаҳрининг дўконларида шарқнинг серҳашам қимматбаҳо маҳсулотларини кўриш мумкинлигини таъкидлаган. Унинг гувоҳлик беришича, Хивадан 30 верст[3] шимоли-шарқда жойлашган Янги Урганч шаҳрида Россия, Эрон ва Бухоро билан улгуржи савдо алоқалари олиб борувчи бадавлат савдогарлар яшаган[4].

XIX асрда Хива хонлигида бўлган инглиз сайёҳи Мак Гахан берган маълумотларда ҳам хонликнинг тижорати асосан Хива шаҳридан 20 мил шимоли-шарқда жойлашган Урганч шаҳрига тўғри келиши ва хонликнинг энг бадавлат савдогарлари шу шаҳарда яшаши, улар ўзларининг тижорат ишларини асосан Бухоро, Россия ва Эрон билан олиб боришлари қайд этилган[5].

[1] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б. 91.
[2] Рассказ торговца Д. Рукавкина о путешествии в Хиву ... – С.227.
[3] Бир чақирим – 1,06 км га тенг масофа ўлчови, қаранг: Русско-узбекский словарь. – Тошкент, 1965. – С.107.
[4] Костенко Л. Город Хива в 1873 году // Туркестанский сборник. – СПб., 1873. Т. 82. – С.235 – 254.
[5] Great power rivalry in Central Asia, 1842 – 1880 ... – P.312.

Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланувчи Маткарим Отажоновнинг эсдаликлари орқали Хива хонлигида фаолият юритган турли даражадаги савдогарлар ва уларнинг қайси давлатлар билан савдо алоқалари олиб борганликлари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Жумладан, муаллиф Ашхобод, Марв, Чоржўй, Бухоро ва бошқа жойлардан моллар олиб келиб сотувчи *биринчи даражали* савдогарлар, саройларда савдо қилувчи *иккинчи* даражали дўкондорлар, «ҳар бир чорсиларда дўкон очган» *учинчи даражали*, «йўрға отларни миниб узоқ бозорларга борувчи» *тўртинчи даражали*, «чорвачилик қилувчи» *бешинчи даражали* ва «ҳар турли савдо ишларини қилувчи» *олтинчи ва бошқа даражали* савдогарларни санаб ўтган[1].

М.В. Фехнер XVI асрнинг иккинчи ярмидаги рус элчилик ҳужжатларига таяниб Қозон шаҳрида доимий савдо олиб борган турли мамлакат савдогарлари қаторида хиваликларни ҳам тилга олган[2].

XVIII асрнинг 70-йилларида турли шарқ давлатларига саёҳат қилган Ф. Ефремов хиваликларнинг Эрон ва Бухоро шаҳарларида савдо олиб борганликлари ҳақида маълумот берган[3].Хива хонлигининг Россия билан савдо қилувчи савдогарлари «колочи», Бухоро, Эрон, Афғонистон билан савдо қилувчилари эса «бухорчи» деб аталган[4].

Йирик савдогарлар ўзларининг маҳаллий маҳсулотларидан ташқари Оренбургдан рус молларини олиб, Бухоро ва Эронга боришган, ўз навбатида, у ердан олиб қайтган молларини Оренбургда сотишган[5].

---

[1] Маткарим Отажонов. Хива хонлиги тарихига оид маълумотлар ... – Б.87 – 88.
[2] Фехнер М.В. Торговля Русского государства со странами Востока в XVI веке. – М., 1952. – С.57.
[3] Странствование Филиппа Ефремова в Киргизской степи, Бухарии, Хиве, Персии, Тибет и Индии и возвращение его оттуда через Англию в Россию. Третье издание. – Казань, 1811. – С.54.
[4] Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX – начале XX в. / Среднеазиатский этнографический сборник. – Л., 1971. Т. III. – С.75.
[5] Бетгер Е.К. Самарский купец Данила Рукавкин и его караван в Хиву в 1753 г. ... – С.9.

Қозон савдогарларига бош бўлиб Хивага келган (1753 й.) Муртазо Айитовнинг кўрсатмаларида ҳам рус молларини Бухорога олиб борувчи хивалик ва урганчликлар қайд этилган. Уларнинг савдо-тижорат ишларидаги фаоллиги натижасида рус моллари билан Ўрта Осиё ва Эронда савдо қилувчи маълум савдо гуруҳлари шаклланган эди. Бундай савдогарлар Оренбургга қатнаб турганлар. Муртазо Айитовнинг маълумотларини таҳлил қилган Ҳ. Зияев ҳам: «XVIII аср ўрталарида Хива хонлиги ўзининг яқин қўшнилари: Бухоро, Тошкент, Қозоғистон, Оренбург орқали Россия, Қашқар ва Эрон билан савдо олиб борган», – деб хулоса берган[1].

Эрон орқали Макка ва Мадинага йўл олган ҳожилар Ўрта Осиё ва Эрон ўртасидаги савдонинг ривожланишида маълум даражада рол ўйнаган. Зиёратга асосан бадавлат кишилар чиққанлиги боис ўз моллари билан карвонларга келиб қўшилган зиёратчилар йўл-йўлакай турли мамлакатларда қизғин савдо олиб боришган[2].

### *Хоразм бозорларининг иш тартиби*

Ўрта Осиё хонликларининг ҳар бир шаҳри учун маълум бозор кунлари мавжуд бўлиб, бу ҳолат учала хонликдаги барча бозорлар учун хос умумий хусусият ҳисобланган[3].

Хонликда бўлган элчи ва сайёҳларнинг кўрсатмаларига таяниб Хоразм бозорларининг ўзига хос жадвалини бериш мумкин:

[1] Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари ... – Б.80.
[2] Маннонов Б.Русско-иранские отношения конца XIX ... – С.86.
[3] Агзамова Г.А. XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ... – Б.218.

| Душанба | Сешанба | Чоршанба | Пайшанба | Жума | Шанба | Якшанба |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Хива | Гурлан | Урганч | Гурлан | Хива | Кат | Урганч |
| Ғазавот | Хонқа | Кат | Ғазавот | Ҳазорасп | Хонқа | |
| Ҳазорасп | Шоҳобод | | | Хўжайли | | |
| Хўжайли | | | | Шоҳобод | | |

Катта шаҳарларда (мингдан ортиқ аҳолиси бўлган) бозорлар ҳафтада икки марта, кичик шаҳарлар ёки қишлоқларда бир марта бўлган[1].

Эрон қўмондони Исмоил Мирпанжа ҳам ўзининг «Хотиралар»ида: «Хоразмнинг барча шаҳарларида ҳафтада икки марта бозор бўлади», – деб гувоҳлик берган.

Мак Гахан: «Хивада 300 та дўкон бўлиб, лекин улардаги молларнинг ҳажми у қадар аҳамиятли эмас. Бозорларнинг аксарият қисми ҳафтада 2 марта, яъни бозор кунлари ҳисобланган душанба ва пайшанба кунлари очиқ бўлади, қолган кунлар эса тижорат ишлари деярли тўхтаб қолади», – деб маълумот беради. Албатта, бу бир ёқлама хулоса бўлиб, хорижлик сайёҳнинг маҳаллий тартиб-қоидалар билан яхши таниш эмаслигини кўрсатади. Зеро, юқоридаги жадвалдан ҳам кўриш мумкинки, хонликнинг барча шаҳарларидаги савдо ишлари умумий бир тизимга солинган ҳолда мамлакатнинг деярли барча шаҳарларида бозорларнинг навбатма-навбат фаолиятини таъминлашга ҳаракат қилинган.

Бозорларнинг маълум бир кунга белгиланганлиги ва «ҳар бир бозор бўлатурган жойларда бир ҳафтада икки бозор куни» бўлишини қайд этган муаллиф «савдогарлар бугун Хива бозорини бозорласалар, эртага Урганч бозорини бозорлар эдилар, бурун Ғозот бозорини бозорлар эдилар, сўнгги куни Остона бозорини бозорлар эдилар» деб мисол келтиради[2].

[1] Описание Хивинского ханства. Составлено в 1843 г. подполковником Генерального штаба Г.И. Данилевским // Записки ИРГО. – СПб., 1851. Кн. V. – С.103.
[2] Маткарим Отажонов. Хива хонлиги материаллари ... – 88-варақ.

Бундай ўзига хос жадвални билиш, фикримизча, нафақат маҳаллий аҳоли, балки бошқа ҳудудлардан келган савдогарлар учун фойдали бўлган. Зеро, Хоразм бозорларига турли мамлакат савдогарларининг ўзлари ҳам келиб савдо қилишган.

1647 йил октябрида Хивада бўлган рус савдогари Ивашка «Қизилбоши ерларидан Хивага савдо-сотиқ учун келган хуросонлик савдогарлар» ҳақида маълумот берган[1].

Хоразмнинг ички иқтисодий ва ташқи савдо-тижорат имкониятларини тадқиқ этиш учун 1740 йилда Россия ҳукумати томонидан хонликка юборилган инглиз савдогари Роман Гок хонликнинг қўшни ҳудудлар билан олиб борадиган савдо алоқалари ҳақида имкон қадар батафсил маълумот тўплашга ҳаракат қилган. У хонликка «тинчлик вақтларида Эрон ва Бухоро томонлардан карвонлар тўхтовсиз келиб туришади» деб қайд этган[2]. Хива билан қизғин савдо олиб борган халқлар сифатида қирғиз-қайсоқлар [қозоқлар], қорақалпоқлар, оролликлар ва туркманлар кўрсатиб ўтилган. Р. Гок Амударёда кемалар қатновини шахсан кўрмаган бўлса-да, қорақалпоқларнинг Хивага ва, аксинча, хиваликларнинг у ерга сув йўли билан қатнашлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлганлигини ёзади.

1753 йилда Хивада бўлган Муртозо Аитов бошчилигидаги татар садогарлари бу ерда Бухоро, Тошкент ва Қошғар савдогарларини учратганларини маълум қилган. Унинг таъкидлашича, бу вақтда Хиванинг кўчманчилар ва Эрон билан ҳам савдоси анча жонланган[3].

1763 йили Хоразмда ички ғалаёнлар ва тахт учун курашлар туфайли сиёсий вазият нотинч бўлишига қарамай, савдо

---

[1] Международное положение Средней Азии ... – С.331.
[2] Возвратный из Хивы в Оренбург приезд английского купца Романа Гока. АВПРИ. Ф. 125, оп. 1, д. 2.
[3] Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари ... – Б.79 – 80.

учун Хивага келган қозоқ савдогарлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд[1].

Мак Гахан ҳам Хива бозорида кузатган турли одамларни таърифлар экан, оқ салла ўраган ва қуёш нурларида товланиб турувчи ранг-баранг матодан тўн кийган бухоролик савдогарни тилга олади.

Турли давлатларнинг савдогарлари Хоразм бозорларига тижорат мақсадида ташриф буюришдан ташқари Хива хонлигидан транзит ҳудуд сифатида ҳам фойдаланишган. Хусусан, рус, қозоқ, туркман ва бухоролик савдогарларнинг ўзаро савдо алоқалари олиб бориладиган йўл Хива хонлиги ҳудуди орқали ўтганлиги манбаларда ўз аксини топган.

Ўз навбатида, Хоразм савдогарлари қўшни давлатларнинг халқаро савдода муҳим ўрин тутган тижорат марказларидан Исфаҳон, Решт, Шемаха, Астробод, Балх, Машҳад, Марв, Бухоро, Астрахан ва Оренбург шаҳарлари ҳамда Дашти Қипчоқ ҳудудларида қизғин фаолият олиб борганлар.

### *Эрон бозорлари*

Ўрта Осиё савдо карвонлари, уларнинг таркибида узоқ сафарга чиққан Хива савдогарлари Эроннинг Каспий бўйидаги савдо марказларига, жумладан, *Шемаха* бозорларига пахта матоларини олиб борганлар[2]. Эрон шаҳарларига саёҳат қилган савдогар Ф. Котов ҳам Шемахада савдо қилган турли мамлакат савдогарлари ҳақида эслатиб, бу ерда ҳатто бухороликларнинг карвонсаройлари мавжудлигини маълум қилган[3].

*Астробод* шаҳри Каспий денгизининг жануби ва жануби-шарқидаги савдо-иқтисодий алоқаларда, жумладан, Хива

[1] Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР ... – С.159.
[2] Фехнер М.В. Торговля Русского государства ... – С.32.
[3] Шемахи ёки Шамаха – XVII аср бошларидан Каспий денгизининг ғарбий соҳилидаги йирик савдо-ҳунармандчилик шаҳри бўлиб, ипакчилик маркази сифатида Ғарбий Европа ва Рус давлатида машҳур бўлган. Қаранг: Хождение купца Федота Котова в Персию. – М., 1958. – С.101.

хонлиги билан боғлашда ниҳоятда муҳим юқори бўлган. Шу жиҳатдан, бу ҳудуд ҳамиша рус ҳукуматининг диққат марказида бўлган. Хусусан, Астробод қўлтиғи ва шаҳри орқали нафақат Эроннинг барча ички вилоятлари, балки Туркманистон, Хива, Бухоро, Афғонистон ва Ҳиндистон ерларига борувчи йўлни ўтказиш, Астробод ва Машҳадни бутун Шарқ савдоси марказига айлантиришни режалаштирган рус ҳукумати Эрон шоҳи Оға Муҳаммадхоннинг розилиги билан 1781 йил ноябрида шаҳар четида бандаргоҳ, бозор, новвойхона, дўконлар, моллар учун омборхоналар, тураржойлар ва бошқа иншоотлар қурдирган[1]. 1783 йилнинг январида қизғин савдо бошлаб юборган маҳаллий савдогарлар рус молларини харид қилиб, уларни сотиш учун Исфаҳон, Шероз, Машҳад, Қандаҳор, Хива ва Бухорога олиб боришган[2]. Лекин Оға Муҳаммадхоннинг кейинги сиёсати туфайли бу савдо узоққа чўзилмаган. XVIII асрнинг 90-йилларида савдонинг асосий оқими яна Каспий денгизининг жануби-ғарбий қисмига кўчган.

А. Вамбери Хивадан Астрободга йўл олган карвонда кўплаб форслар бўлганлигини, уларнинг орасида жуда бадавлат астрободлик савдогар Мулла Қосимни алоҳида тилга олган. Сайёҳнинг таъкидлашича, бу савдогар жуда кўп йиллардан буён Хива – Эрон савдосида катта ўрин тутган[3].

Хиванинг Астробод билан савдо алоқаларида ёвмут туркманлари катта таъсирга эга эканлигини маълум қилган А. Вамбери улар «ҳар йили 100 - 150 туяга ортилган *самшит* (дурадгорлик ва ёғоч ўймакорлигида ишлатилган дарахт тури) ва *нефт* келтиришади» деб қайд этган.

Машҳур ва бой савдо шаҳарлари бўлмиш *Балх* ва *Бадахшонда* ҳам Хива молларининг савдоси олиб борилган[4].

---

[1] Абдуллаев Ю.Н. Астрабад и русско-иранские отношения (вторая половина XIX – начало XX века). – Тошкент: Фан, 1975. – С.25.

[2] Абдуллаев Ю.Н. Астрабад и русско-иранские отношения ... – С.26 – 27.

[3] Вамбери А. Путешествие по Средней Азии ... – С.47.

[4] Сойманов Ф.И. Описание Каспийского моря. – СПб., 1763. – С.57.

*Марв шаҳри* Ўрта Осиё ва Эрон ўртасидаги савдонинг асосий маркази бўлиб, улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларда воситачилик қилган. Марвга «савдо-сотиқ учун ҳиндлар, форслар, бухороликлар ва хиваликлар келишади» деб қайд этган муаллиф бу маълумотларнинг Ҳирот шаҳри савдоси учун ҳам хос эканлигини таъкидлайди[1].

*Машҳад шаҳри* ҳам муҳим савдо марказларидан бири бўлиб, айниқса, Нодиршоҳ даврида унинг алоҳида ҳомийлиги остида бўлган. 1740 йилда савдо ишлари билан шаҳарда бўлган Ван Мироп бу ерга ҳар куни Бухоро, Балх, Бадахшон, Қандаҳор, Ҳиндистон ва Эроннинг турли вилоятларидан келиб турадиган карвонлар ҳақида маълумот берган[2]. Лекин XVIII асрдаги сиёсий вазият ва унинг таъсирида иқтисодий аҳвол тез-тез ўзгариб турганки, 1744 йилда Машҳадда бўлган инглиз савдогари Ханвей юқоридаги ҳолатнинг аксини қайд этган. Ўз асарида Ван Миропнинг кундалигидан иқтибос келтирган Ханвей бу маълумотлар Нодирнинг шундай қисқа муддатда (1740 – 1744) ҳатто ўзининг севимли пойтахтини ҳам ҳалок қилганлигидан далолат беришини таъкидлаган[3].

Эрон қўмондони Исмоил Мирпанжанинг «Хотиралар»ида Хивага келиб турувчи Ҳақберди Машҳадий исмли савдогар ҳақида маълумот берилар экан, унинг ҳатто Хива хони Абдуллахон (1855 – 1856) билан шахсан учрашиб, асирликдаги Эрон генералининг аҳволи ҳақида гаплашганлиги қайд этилади[4].

### *Астрахан савдо марказлари*

Халқаро савдода аҳамияти юқори бўлган *Астрахан* шаҳри Хиванинг нафақат Россия, балки бошқа давлатлар билан

[1] Странствование Габайдулла Амирова по Азии. Пребывание в Бухарии, Персии и Кабулском владении // Азиатский вестник. – СПб., 1825. Ч. I. – С.452.
[2] Арунова М.Р., Ашрафян К.З. Государство Надир-шаха Афшара ... – С.245.
[3] Ўша жойда. – С.245.
[4] Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар ... – Б.39.

олиб борилган савдосида ҳам муҳим ўрин тутган. Астраханда доимий яшаб қолган катта сармояга эга Бухоро ва Хива савдогарлари, одатда, Ўрта Осиё билан Эрон ўртасидаги савдо алоқаларида воситачилик қилишган[1].

1615 йилда Астраханга келган Эрон савдогари Хўжа Муртазо билан бир карвонда *урганчлик* Давлатбой, *кошонлик* Дарвеш Муҳаммад, *гилонлик* иккита савдогарнинг бўлганлиги ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди[2].

Рус ҳукумати уларнинг бошқа мамлакатлар билан савдо алоқаларида воситачилик қилган ўрта осиёлик ва эронлик савдогарларга алоҳида эътибор берган. Масалан, 1624 йилда Қозон шаҳри воеводаси Б.М. Ликовга юборилган подшо ёрлиғида Хива савдогари Иброҳим ва бошқа шарқ савдогарларидан ундириб олинган ортиқча бож тўловларини қайтариб, бундан буён бухоролик, хивалик ҳамда қизилбош савдогарлардан нотўғри бож ундирмаслик тайинланган[3].

Каспий денгизи орқали ўтувчи яқин ва қулай йўл туфайли Астраханга келувчи Эрон савдогарларининг ҳам сони йилдан-йилга кўпайиб борган. Бу борада кўплаб Астрахан ва Оренбург архив ҳужжатларини ўрганган олима Д. Валиеванинг Астраханда ипак, пахта, тариқ ва бошқа маҳсулотлар билан савдо қилган Эрон савдогарлари сони 1801 – 1803 йилларда ортиб борганлиги тўғрисида келтирган фактлари эътиборга лойиқ[4].

### *Оренбург*

Оренбург ва унинг савдо марказларига Россия империясининг Бухоро ва Хива хонликлари ҳамда Ҳиндистон билан савдо алоқаларини ривожлантиришда энг муҳим таянч нуқ-

[1] Валиева Д. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Хива ... – Б.168.
[2] Веселовский Н.И. Памятники дипломатических и торговых сношений ... – С.60.
[3] Торговые сношения Московского государства ... – С.135.
[4] Валиева Д. Среднеазиатско-иранские отношения ... – С.57.

таси сифатида қаралган. Рус ҳукумати турли чора-тадбирлар орқали Ўрта Осиё ва ҳинд савдогарларини Оренбургга жалб этиб, Шарқ молларига тўла карвонларнинг доимий қатновини йўлга қўйишга интилган.

1751 йилда Хива хони Ғойибхон иккинчи маротаба ўз элчисини Астраханга юборган вақтда унга Хива билан савдо алоқаларини Оренбург орқали кучайтириш чоралари ҳақида маълум қилинган. Шу мазмундаги мактуб Бухоро хонига ҳам юборилган. Шунингдек, Қозоқ хони Нуралихонга ҳам махсус кўрсатма юборилиб, Оренбург орқали Ўрта Осиё шаҳарлари билан савдо, биринчи навбатда, қозоқларга фойда келтириши уқтирилган[1].

1753 йилда Оренбургдан Муртазо Айитов бошчилигида Қозон савдогарларининг Хивага жўнатилиши ҳам ана шу тадбирлардан бири эди. Оренбург маъмурияти карвонбоши Муртазо Айитов орқали Хива хонига хат юбориб, татар савдогарларининг фаолияти учун шароит яратиб берилишини сўраган ва улар бемалол савдо қилиб, Оренбургга қайтишган[2].

Оренбургнинг ортиб бораётган мавқеига баҳо бераркан, И. Неплюев шундай кўрсатади: «ҳозирда рус савдогарларига илгаригидек узоқ ва хавфли масофа орқали Хива, Бухоро, Тошкент сингари татар (*туркий*) шаҳарларига боришга ҳожат қолмаганлигини кўриш мумкин. Зеро, у ердаги осиёлик савдогарларнинг ўзлари керакли моллар билан қирғизлар (қозоқлар)нинг улуслари орқали катта қийинчилик ва хавф-хатар билан бўлса-да бу ерга (*Оренбургга*) келишмоқда»[3]. Қозоқ савдогарларининг ўзлари ҳам Оренбургга бориб, хонликлардан келтирилган молларни харид қилиб келишган[4].

[1] Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР ... – С.90.
[2] Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари ... – Б.79.
[3] Басин В.Я. Казахстан в системе внешней политики России в первой половине XVIII века ... – С.134.
[4] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.157.

## Қозоқ дашти (Дашти Қипчоқ)

Дашти Қипчоқ ҳудуди Хива моллари қизғин сотиладиган жой бўлиб, унинг Россия ва у орқали бошқа мамлакатлар билан савдосида муҳим транзит маркази сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга эди. Шу жиҳатдан, қозоқ уруғларининг бошлиқлари (ботирлар) рус ва ўрта осиёлик савдогарларнинг молларини белгиланган пунктларга – божхона ёки карвонсаройларга етказиб бериш билан шуғулланганлар[1]. Қозоғистоннинг ғарбий ҳудудлари эса Россиядан Ўрта Осиёга кирувчи рус моллари учун довон вазифасини ўтаган.

Шу жиҳатдан, рус ҳукумати бу ҳудудда тартиб ўрнатиш, йўллардаги қароқчиликка барҳам бериш ва ўзларининг Осиё мамлакатлари билан савдо алоқаларида Қозоқ даштидан кўприк сифатида фойдаланиш учун барча чораларни кўрар эди. Хусусан, қозоқ уруғларини бўйсундириш ва Дашти Қипчоқда ўзларининг тартибини ўрнатиш мақсадида 7 та истеҳком қурилган. Рус ҳукумати амадорларидан бири Л. Мейер қозоқларни «Ўрта Осиё савдосидаги оралиқ элемент» сифатида қайд этар экан, «қирғизлар (*қозоқлар*)нинг бўйсундирилиши туфайли Осиёнинг ярим цивилизациялашган халқлари билан алоқаларимизни йўлга қўйиш анча енгиллашиб қолди. [Шу боис] қирғизлар (*қозоқлар*)ни йўлдаги тўсиқ эмас, балки қўллаб-қувватловчи муҳит деб қабул қилиш лозим. Яқиндагина карвонларни уларнинг талончилигидан товон тўлаб қутулишга тўғри келарди, баъзида бу ҳам фойда бермасди. Энди эса улар қисман кирачилик билан шуғулланишмоқда» деб таъкидлайди[2].

Ҳужжатларда Сарайчик қалъасидан келувчи карвонларни Бухоро ва Хивага кузатиб қўйиш билан шуғулланган қо-

---

[1] Вяткин М.П. Батыр Срым ... – С.81.
[2] Мейер Л. Аральская флотилия в отношении к среднеазиатской торговле // Морской сборник. – СПб., 1862. – С.109 – 134.

зоқларнинг *бойули* уруғи ҳақида маълумотлар мавжуд[1]. Вақт ўтиши билан кузатувчиликдан ташқари йирик савдо билан шуғулланувчи қозоқ савдогарлари ҳам фаолият юрита бошлаган. XIX аср бошларида йирик маблағлар билан савдо олиб борувчи қозоқ савдогарлари шаклланган бўлиб, улар Оренбург ва Троицкда сотиб олган 1000 рубллик молларини дашт, баъзи ҳолларда Хивада сотишган[2].

### *Бухоро ва Қўқон бозорлари*

Хивалик савдогарлар турли хориж тижоратчилари билан учрашиш имкониятига эга бўлган ана шундай савдо марказларидан яна бири *Бухоро шаҳри* эди. А. Женкинсоннинг маълумотлари орқали Бухорода ҳар йили ўтказилган Ҳиндистон, Эрон, Балх, Россия ва бошқа мамлакат савдогарларининг анжумани ҳақида билиб оламиз[3].

Бухорода қизғин савдо олиб борган хоразмлик савдогарларнинг у ерда махсус карвонсаройлари бўлиб, улар «урганжи карвонсаройлари» деб аталган. 1694 йилда бу ерга 80 га яқин рус савдогарининг келганлигини маълум қилган О. Бертон Жўйбор шайхлари томонидан барпо этилган «урганжи карвонсаройлари» Эрон ва Араб давлатларидан келган савдогарларга ҳам хизмат қилганлигини таъкидлаган[4].

XIX аср 30-йилларида Бухорода учта ана шундай карвонсарой мавжуд бўлган. Гувоҳларнинг қайдларида кўрсатилишича, Бухородаги учта «урганжи саройи»нинг ҳаммаси хиваликлар томонидан эгалланган, улар Бухорога халат (*тўн*), олма, жийда, қишда эса балиқ келтириб, бу ердан Оренбургга

---

[1] Казанцев И. Описание киргиз-кайсак. – СПб., 1867. – С.63.
[2] Чулошников А.П. К истории феодальных отношений в Казахстане в 17 – 18 вв. // Изв. АН СССР, серия Обществ. наук. №3, 1936. – С.523.
[3] Дженкинсон А. Путешествие в Среднию Азию ... – С.179.
[4] Burton A. The Bukharans a Dinastic ... – P.413.

юбориш учун калава ва пахта ипларни, пахта матолар, ҳинд читлари (выбойка), бўёқ, чой, қоракўл териларини сотиб олишар эди[1].

Манбаларда келтирилган сиёсий воқеалар баёнида Қўқон шаҳрининг «дарвозаи Урганжи» ҳамда махсус «Урганжи маҳалласи»нинг тилга олиниши[2] ҳам икки хонлик ўртасидаги ўзаро савдо-дипломатик алоқалардан далолат беради.

Хива хонлигининг Хитой ва Қашқар билан савдо алоқаларида Қўқон транзит вазифасини бажарган. У ердаги моллар қўқонлик савдогарлар томонидан Бухоро ва Хива бозорларига етказилган.

XIX асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиёда бўлган Е.К.Мейендорф Қўқон ва Хива хонликларининг дўстона муносабатда эканлигини қайд этар экан, бу ҳолат улар ўртасидаги савдони ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлайди[3].

Хива чегарасидан 45 км масофада жойлашган Оқмасжид қалъаси Қўқон – Хива савдосида муҳим аҳамият касб этган. А. Гейнснинг маълумотларида 1865 йилда хивалик ва бухоролик савдогарлар Оқмасжиддан рус ва маҳаллий молларни олиб қайтаётганлиги қайд этилган[4]. Қўқон ва Туркистон шаҳри бозорлари орқали ҳам икки хонлик савдо алоқалари йўлга қўйилган.

Кўриниб турибдики, Хоразм шаҳарлари сўнгги ўрта асрларда ҳам савдо марказлари сифатида ўз ўрнига эга бўлган. Бу ерда ички эҳиёж учун чиқарилган моллар билан бир қаторда ташқи савдо учун тайёрланган қишлоқ хўжалиги ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотлари сотилган. Хонлик савдогарлари қўшни давлатлардаги савдо-тижорат марказларига ҳам бориб савдо қилганлар. Мавжуд маълумотлар шуни кўрсата-

---

[1] Записки о Бухарском ханстве (отчеты П.И. Демизона и И.В. Виткевича) ... – С.101.
[2] Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ... – Б.41, 43.
[3] Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару... – С.141.
[4] Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве ... – С.245.

дики, минтақада сиёсий зиддиятлар, ҳатто жанг ҳаракатлари авж олган вақтларда ҳам турли ҳудудларга қатновчи савдо карвонларининг фаолияти тўхтамаган. Бу эса савдо муносабатларининг ўзига хос жиҳати бўлиб, бу борада манбаларда кўплаб қизиқарли маълумотлар келтирилган.

*Савдонинг ўзига хос хусусиятлари*

Миссионерларнинг даъвати ҳам, дипломатик келишувлар ҳам, қурол кучи билан бўйсундиришлар ҳам халқларни савдо-сотиқ сингари бирлаштира олмайди[1].

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар нотинч, ўзаро сиёсий муносабатлар барқарор бўлмаган даврларда ҳам савдогарларнинг фаолияти тўхтаб қолмасдан давом этганлигини кўрсатади.

XVI – XVIII асрларда Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқаларини тадқиқ қилган О. Бертон ҳам бухороликларнинг Эрон билан савдоси улар ўртасидаги муносабатлар кескинлашган вақтда ҳам давом этганлигини алоҳида таъкидлаган. Муаллифнинг 1594 йилда Шоҳ Аббос I билан Бухоро шаҳзодаси Абдулмўмин қўшинлари ўртасида кураш бораётган вақтда Эроннинг Кошон шаҳрига ташриф буюрган Бухоро савдогарлари тўғрисидаги маълумоти юқоридаги фикрни тасдиқлайди[2]. Архив маълумотларига таяниб хулоса чиқарган Д. Валиева ҳам бухороликларнинг эронлик ва хиваликлар билан иттифоқи бўлмаса-да, улар билан савдо алоқаларини олиб борганликларини таъкидлаган[3].

Мавжуд маълумотлар XVIII асрнинг 40-йилларида Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг кенг кўламли ҳарбий юришлари му-

---

[1] Хрулев С. Проект устава товарищества для развитии торговли со Среднею Азиею // Туркестанский сборник. – СПб., 1883. Т. 375. – С.73.
[2] Burton A. The Bukharans a Dinastic ... – P.438.
[3] Валиева Д. Среднеазиатско-иранские отношения ... – С.51.

носабати билан минтақадаги сиёсий вазият қалтис бўлиб турган кезларда, ҳатто ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган вақтларда ҳам Эрон савдогарларининг Хоразмда бўлганлиги савдонинг сиёсатга бўйсунмас айрим жиҳатларини намойиш қилади. «Номайи оламоройи Нодирий» асаридан ана шундай вазият ҳақида маълумога эга бўлиш мумкин. Унда кўрсатилишича, Нодиршоҳнинг Хоразмга юриши (1740)дан бир оз олдин бу ерда бўлган бир қанча Эрон савдогарлари Хива хони Элбарсхоннинг Хуросон юришига тайёргарлик кўраётганлигидан хабар топгач, ўзбеклар кийимида қиёфасини ўзгартирган ҳолда қочиб, Хуросонга келишган ва Хоразм қўшинининг бўлғуси ҳужумидан ҳукмдорни огоҳ қилишган[1]. Нодиршоҳнинг Хоразмга юриши чоғида шу ерда бўлган инглиз савдогарлари Томсон ва Гокнинг шоҳ рухсати билан қўшин аскарларига ўз молларини муваффаққиятли сотиб олганликлари савдонинг ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган ўзига хос қонуниятлари мавжудлигини кўрсатади.

Хива хонлигида бўлган Р. Гок ўз ҳисоботида Эрон қўшинларининг ҳужуми барчада катта қўрқув уйғотганлиги туфайли савдоси юришмай, кам фойда кўрганликлари ҳамда бу ерлардаги савдо-сотиқнинг ҳолати ҳақида батафсил маълумотга эга бўла олмаганлигини бир неча бор таъкидлаган[2]. Унинг қайд этишича, шу туфайли қолган молларини шериги Жон Томпсон орқали Бухорога жўнатган ва у ерда катта фойда олишга муваффақ бўлган.

Жон Томпсон эсдаликлари эса бу борада қўшимча ва бир оз фарқли маълумотларни беради. Жумладан, унинг қайд этишича, Эрон қўшинлари Хивани эгаллагач, уларни Нодиршоҳ ҳузурига олиб келишган, шоҳ уларга бу ерда савдо қилишга

[1] Мухаммад Казим. Наме-йи аламара-йи Надири ... Т. I. – С.288; Извлечение из «Надир-наме», соч. Мухаммед Казима. Перевод и примечания И.П. Иванова // МИТТ ... – С.156.

[2] Возвратный из Хивы в Оренбург приезд английского купца Романа Гока. АВПРИ. Ф. 125, оп. 1, д. 2, л. 3а.

рухсат бериш билан бирга ҳар қандай қийинчилик туғилганда уларга ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини билдирган. Шу жойда Жон Томпсон айнан Эрон қўшинларининг шаҳарга кириши туфайли улар ўз молларини муваффақият билан сотиб олганликларини таъкидлаб ўтган[1].

Албатта, мамлакат ичидаги сиёсий низолар таъсирида вужудга келадиган иқтисодий тушкунлик ва ташқи муносабатлардаги зиддиятлар савдо алоқаларида маълум муддат қийинчиликларни юзага келтирган.

XVIII аср ўрталарида Ўрта Осиё хонликларида авж олиб кетган бошбошдоқлик ва ўзаро урушлар оқибатида савдо муносабатларининг тушкунликка учраганлиги 1750 – 1751 йилларда Хива ва Бухорода бўлиб, савдонинг яхши эмаслиги туфайли деярли ҳеч нарса сота олмаганликларидан норози бўлган рус, татар савдогарларининг ҳукуматларига етказган маълумотларида ўз ифодасини топган[2].

1763 – 1766 йилларда Эрон, Афғонистон, Бухоро ва Хивада бўлиб, Ҳиндистонга борадиган йўлларни тадқиқ қилган капитан Богдан Аслановнинг «Эронда савдо умуман йўқ, Бухорода ҳам жуда кам» деган сўзлари қўшни ҳудудларда ҳам иқтисодий ҳаётнинг тушкунлик ҳолатида эканлигини тасдиқлайди[3]. Лекин бундай ҳолатлар вақтинчалик бўлиб, савдогарлар ҳар қандай вазиятда ҳам қўшни мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини давом эттиришнинг чораларини топишга ҳаракат қилганлар.

Шу ўринда савдонинг яна бир жиҳати ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, савдонинг бир тури деб ҳисобласа бў-

---

[1] Веселовский Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.195.

[2] Бухарские и хивинские посольства в Россию и русские посольства в Бухару и Хиву // Туркестанские ведомости. 1907. №86.

[3] Аннанепесов М. Махтумкули и его время. – Ашхабад: Ылым, 1984. – С.49.

лади[1]. Бу алмашинув асосан ноёб ва қимматбаҳо буюмларни ҳадя қилиш билан амалга оширилган. Ўрта Осиёда машҳур бўлган ана шундай ноёб нарсалар қаторига қимматбаҳо ҳинд чодирлари, тилла суви юритилган дубулғалар, қиличлар, зарҳал билан ишланган камон ва ноёб Машҳад ёйларининг «садоқ» деб аталган йиғиндиси, шунингдек, тилла суви юритилган идишлар, турли безаклар берилган мис тулунбаси, яъни ноғора ёки барабанга ўхшаш ҳарбий мусиқий асбобнинг бир тури, қизил бахмал ёки хом сурп сингари анча қиммат ва нафис матоларни киритиш мумкин.

Юқоридаги маълумотлар Хива хонлигининг ташқи савдо алоқаларида муҳим рол ўйнаган савдо марказлари, уларнинг кўлами ва аҳамияти ҳақида маълум бир тасаввурни беради. Шу билан бирга, Хива хонлигига бошқа давлатлардан келтирилган моллар ҳамда четга чиқарилган қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар Хоразм ўлкасининг иқтисодий аҳволи ва ташқи савдо-тижорат имкониятлари борасида кенгроқ хулоса чиқаришга ёрдам беради.

[1] Юлдашев М.Ю. К истории торговых и политических связей Средней Азии с Россией в XVI – XVII века. – Ташкент, 1964. – С.46; Байкова Н.Б.Роль Средней Азии в Русско-индийских торговых связях ... – С.51.

## 5.2. ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ТАШҚИ САВДО-ТИЖОРАТ ИМКОНИЯТЛАРИ: ИМПОРТ, ЭКСПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХОНЛИК ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

Тарихий асарлар орқали, афсуски, Хива хонлигининг иқтисодий имкониятлари ҳақида статистик маълумотларга эга бўлиш қийин. Бу борада хорижий шахсларнинг эсдалик ва хотиралари маълум даражада тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. XIX аср ўрталарига тегишли ана шундай маълумотлардан бирида кўрсатилишича, «йўллар очиқ ва тинч бўлиб, карвонлар борди-келди қилиб турса, [савдодан] йилига 25 000 тилло даромад олинган, ҳаммаси бўлиб жами вилоятлар давлатга 250 000 тилло фойда келтирган»[1].

Шу билан бирга, турли йўналишдаги манбаларда ички ва ташқи савдо учун етиштирилган қишлоқ хўжалиги ҳамда тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотларининг турлари ҳақида анча кенг тафсилотлар берилган. Мак Гахан Хоразм бозорларининг тузилишини «бозорлар 6 – 8 қадам майдонни эгаллайдиган кичик дўкон ва расталардан иборатдир» деб тасвирлар экан, «битта дўконнинг ўзида турли-туман, яъни тури жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи моллар хилма-хиллигини (ассортиментини) кўриш мумкинлигини қайд этган. Унинг кўрсатишича, «чой, қанд-шакар, ипак, пахта буюмлар, тўнлар, этиклар, тамаки, хуллас, Ўрта Осиёда топиш мумкин бўлган молларнинг барча тури битта дўконда мавжуд» эди[2].

Ўрта Осиё савдоси ҳақидаги мақолада эса, «бозорлар алоҳида бўлим ёки қаторларга бўлинадики, уларда маҳсулотнинг алоҳида турлари сотилади ва ўша маҳсулот номи билан

[1] Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар ... – Б.57.
[2] Great power rivalry in Central Asia, 1842 – 1880 ... – P.304.

аталади»[1] деб маълумот берилади. Шунингдек, «хонликнинг йирик шаҳарларидан ҳисобланган Урганч бозорининг ҳажмини жуда катта бўлганлигини қайд этган Маткарим Отажонов тамаки бозори, баққол бозори, чопон, пўстин, бўз, гурма, тахё, масси, оқ адик [оқ этик], заргар, совун, дери (*тери*), кўмир, оғоч (*ёғоч*), буғдой, шоли каби қирққа яқин «бозорлар»ни санаб ўтган[2].

Хива хонлигининг иқтисодий ҳаётида *ипакчилик* юқори ўрин тутган. Инглиз савдогари Роман Гок Хивада тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари ва устахоналар ҳақида атрофлича маълумот беришга ҳаракат қилган. Унинг қайд этишича, бу ерда ипак анчагина бўлиб, Эронникидан яхши эди. Р. Гок Хоразмда ипак буюмларини тайёрлайдиган устахоналар (фабрикалар) йўқлиги туфайли асосан хомашё тарзида сотилишини маълум қилса-да, пахта матосидан турли-туман кийимлар тикилиши ҳамда катта миқдорда сотилишини таъкидлайди[3].

Иқтисодий юксалиш даврида ипак учун бухоролик савдогарлар ҳам Хивага келишган. Хивалик ҳунармандлар маҳаллий ва Бухородан келтирилган ипакдан «унча чиройли бўлмаса-да», лекин «ўзининг пишиқлиги билан ажралиб турадиган» *ипак матолари*ни тўқиганлар[4].

Ўрта Осиёда тайёрланадиган ипакларнинг италян ва француз ипакларидан сифатлироқ эканлигини тан олган А. Вамбери буни Европада бир неча йилдан бери зарар келтираётган ипак қурти касаллигининг Ўрта Осиёда ҳалигача маълум эмаслиги билан изоҳлайди[5].

---

[1] Среднеазиатская торговля // Туркестанские ведомости. 1871. №5.
[2] Маткарим Отажонов. Хива хонлиги тарихига оид маълумотлар ... – Б.88.
[3] Возвратный из Хивы в Оренбург приезд английского купца Романа Гока. АВПРИ ф. 125/1, д. 2.
[4] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. 2. – С.89.
[5] Вамбери А. Очерки Средней Азии (Дополнение к Путешествию по Средней Азии) Туркестанский сборник. Т. 13. – М., 1868. – 362 с.

Хивада яхши ипак етиштирилишини таъкидлаган Мак Гахан бутун воҳада оқ тут дарахтлари экилиши ҳамда ҳар бир хонадонда 2-3 хона ипак қурти боқиш учун ажратилганига гувоҳ бўлган. Бу борада «ипак тайёрлаш, ишлов бериш жараёни примитив шаклда, [лекин] сифати анча яхши. Шакл ва ранг беришда, Бухоро ва Қўқонникидан фарқли ўлароқ, қуёш нурларида ярқираб, товланиб турувчи ранглар бериш усуллари бу ерда маълум эмас» деб ўз мулоҳазаларини билдирган[1].

Хоразмлик усталар томонидан тайёрланган *ипак матолар* Эронга ҳам чиқарилган[2]. Эронлик савдогарларнинг ўзлари ҳам Хивага турли молларни келтирар эканлар, уларнинг эвазига *Хива ипаги*ни олиб кетишган[3].

Тарихий манбалар хоразмлик савдогарларнинг Эрон шаҳарларига олиб борган моллари ичида турли хилдаги матоларнинг миқдори салмоқли бўлганлигини кўрсатади. Эрон муаррихи Муҳаммад Козим Хива хони Шерғозихон томонидан юборилган (XVIII аср) савдо карвонининг Машҳад шаҳрига келиб, бошқа моллар билан бирга турли хил *мато* (қандай мато эканлиги номаълум) сотганлиги ҳақида маълумот берган[4].

Хоразм тарихчиларининг кўплаб мато ва беҳисоб турли моллар («ақшамайи[5] бисёр ва амтаи-йи бешумор») билан Машҳадга йўл олган (1804) икки юз кишидан иборат Хоразм савдогарлари тўғрисидаги маълумотлари ҳам эътиборга лойиқ[6].

Эроннинг ўзида турли хил ипак ва пахта матолар тайёрланганлиги, ҳатто катта миқдорда ташқи савдо учун чиқарилганиги маълум. Шундай экан, Хоразм савдогарларининг у ерга катта миқдорда матоларни олиб борганларини қандай

[1] Great power rivalry in Central Asia, 1842 – 1880 ... – P. 313.
[2] Файзиев А.Ф. Хорезм в начале XVI – первой половине XIX в. ... – С.269.
[3] История Узбекистана. – Ташкент, 1947. Т. II. – С.149.
[4] Мухаммад Казим. Наме-йи аламара-йи Надири ... Т. I. – С.85.
[5] Нодиршоҳнинг фармонида (ҳ. 1151 й.) матоларни ўтказганлик учун олинадиган «оқмаше» солиғи тилга олинган. Арунова М.Р., Ашрафян К.З. Государство Надир-шаха Афшара ... – С.84 – 85.
[6] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б. 224.

изоҳлаш мумкин? Аввало, шунга эътибор бериш лозимки, Эроннинг ипакчилик ва бошқа тўқимачилик марказлари асосан унинг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, бу соҳа асосан Европа билан олиб борилган савдода воситачилик қилган арманлар қўлида эди.

Эрон савдо магистраллари тарихининг айрим масалалари билан шуғулланган В.А. Папазян ҳам XVII асрнинг 40-йилларидан бошлаб Сафавийлар Эрони ташқи савдосининг асосий қисми ва ипак экспортининг ҳаммаси Шимолий Эрон, Арманистон, Кичик Осиё ва Месопотамия карвон йўллари орқали амалга оширилганлигини таъкидлайди[1]. Шу жиҳатдан, Хоразмдан олиб келинган матолар асосан Эроннинг шарқий ва жануби-шарқий вилоятлари бозорларига мўлжалланган деб хулоса қилиш мумкин. Қолаверса, Эрондаги ўзаро ички урушлар, алоқа йўлларидаги тўсиқлар, божхоналарнинг кўплиги мамлакат қисмлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларда қийинчиликларни юзага келтирган.

«Эроннинг қаерида нимадан қанча бож олиниши ҳақида маълумот берувчи қайднома» Табриздан Рештга товар олиб бориш учун 6 та божхонадан, Рештдан Исфаҳонгача бўлган йўлда эса 8 та божхонадан ўтиб, ҳар бирига бож тўлаши лозим бўлган савдогарларнинг аҳволи ҳақида тасаввур беради[2]. Йўллардаги тартиб-қоида, молларнинг олиб ўтилишига жавобгар амалдорларнинг ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилганлигини кўрсатиб ўтган тадқиқотчи ҳам Сафавийлар давлати ҳудудида савдогарларни қароқчилардан кўра роҳдорларнинг ўзи кўпроқ ташвишга солганлигини таъкидлайди[3].

[1] Папазян В.А. Торговые магистрали Табриз-Алеппо в системе торговых отношений Сефевидского государства с западом: Автореф. дис... канд. истор. наук. – Тбилиси, 1986. – С.16.
[2] Арунова М.Р., Ашрафян К.З. Государство Надир-шаха Афшара ... – С.84 – 85.
[3] Папазян В.А. Торговые магистрали Табриз – Алеппо ... – С.23.

«Сибирский Вестник»нинг 1823 йил сонидаги маълумотда Хивада тўнлар учун ишлаб чиқарилган *ипак, ярим ипак ва ип газламалар, канавислар, бахмал, бўз* ва бошқалар ҳамда уларнинг, айниқса, ипак газламаларнинг нархи баланд бўлмаганлиги қайд этилган[1].

Хивада *чопон* тикиш жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу ернинг чопонлари ўзининг сифати ва кўриниши билан бошқа ҳудудларникидан ажралиб турган ва қўшни ҳудудларда машҳур ҳисобланган.

Аҳоли ички эҳтиёжлари учун мўлжалланган Хиванинг *ипак ва пахта тўнлари/чопонлари* дашт аҳолиси орасида ҳам ўз харидорларига эга эди. Хива бозорида ўзининг охирги молларига ана шундай тўнларни алмаштириб олган рус савдогари Абрасимов Хивадан қайтишда уларни дашт аҳолисига муваффақият билан сотиб катта даромад кўрганлигини қайд этиб ўтган[2].

Ўрта Осиёдан қозоқлар ерига пахта калавалари, шунингдек, *пахта* ва *ипак* матолар, *қоракўл тери* (*мерлушка*), *олтин, кумуш* ва турли *қимматбаҳо тошлар* олиб борилган[3].

Мак Гахан Хива бозоридаги халойиқ орасида кўрган қозоқ кишисини кузатар экан, «у, эҳтимол, 30 – 40 мил масофани босиб, бир жуфт қўй сотиб, ўрнига бир оз чой, шакар, бир нечта янги тўн ҳамда хотини ва қизига бир нечта мунчоқ-тақинчоқлар сотиб олиш учун келган» деб таъриф беради[4].

Ҳужжатларда ўзларининг ўртача сифатли парчалари, ипак ва пахта матоларини сотиш учун Оренбургга олиб борган хиваликлар ҳақида маълумотлар мавжуд[5]. Бундан ташқа-

---

[1] Краткое описание Бухары и Хивы // Сибирский вестник. 1823. – С.14.
[2] Рассказ торговца Абрасимова о поездке в Хиву // Туркестанкий сборник. Т. 52. – С.370.
[3] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.157.
[4] Great power rivalry in Central Asia, 1842 – 1880 ... – P.406.
[5] Бетгер Е.К. Самарский купец Данила Рукавкин и его караван в Хиву в 1753 г. ... – С.9.

ри, Хива хонлигидан Оренбургга *олтин ва кумуш* ҳам олиб борилган. Россия архив ҳужжатларига таянган Ҳ. Зияевнинг маълумотларига кўра, 1756 йилда Оренбургга борган Хива карвонлари томонидан олиб борилган моллар ичида 4 пуд 90 қадоқ кумуш ҳамда 50 қадоқ олтин бўлган[1].

Р. Гок маълумотларида Хива хонлигида *терига ишлов бериш*нинг яхши йўлга қўйилганлиги ва устахоналарда нисбатан кўпроқ тайёрланадиган маҳсулот сифатида *шагринъ* (шагран – қизил чарм) кўрсатиб ўтилган. Унинг маълум қилишича, бу ерда қўй терисидан телпаклар тикилган ва катта миқдорда сотилган[2].

XVIII аср 70-йилларида Қўқон хонлигида бўлган Ф. Ефремовнинг гувоҳлик беришича, Қўқон бозорларига тижорат учун келган Хива савдогарлари кам миқдорда бўлса-да ўзларининг чопонлари, бўз, пўстин, от, туя, ҳўкиз терилари, ярим ипак мато, гилам билан бирга инглиз читидан ҳам олиб келишган[3].

XIX асрнинг 60-йилларида Қўқон хонлигида бўлган М. Михайловнинг маълумотларига кўра, Наманган бозорларида қўй терисидан тайёрланган Хива *телпаклари*га талаб катта бўлган ва улар бозорларда юқори нархларда сотилган[4].

Хоразмлик ҳунармандлар чиройли ва сифатли гиламлар ҳам тўқишган. XVI асрда Москвага келган Эрон элчиси Будоғбекнинг совғалари орасида қайд этилган Бухоро гиламлари тўғрисидаги маълумот[5] Ўрта Осиёдан ҳам Эронга гиламлар чиқарилганлигини кўрсатади. Шу ўринда «Бухоро гиламлари» номи билан рўйхатга олинган гиламлар айнан Бухорода

---

[1] Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари ... – Б.88.
[2] Возвратный из Хивы в Оренбург приезд английского купца Романа Гока // АВПРИ, ф. 125/1, д. 2.
[3] Ефремов Ф. Странствование в Киргизской степи, Бухарии, Хиве, Персии, Тибет и Индии.... – С.101.
[4] Михайлов М. Наманган // Туркестанский сборник. Т. 16. 1867. – С.73.
[5] Фехнер М.В. Торговля Русского государства ... – С.96.

тайёрланмаган бўлиши ва Бухоро номи кўпроқ машҳурлиги боис туркман ёки Хива гиламлари ҳам шу ном билан четга чиқарилганлигини тахмин қилиш мумкин.

Рус сайёҳи қайд этган «шарқда ўзининг сифати ва одатдан ташқари арзонлиги билан машҳур бўлган Хива *совуни*»[1] Хоразм ҳунармандларининг ички ва ташқи савдо учун ишлаб чиқарган яна бир маҳсулотидир.

Хоразмдан қўшни ҳудудларга олиб чиқилган маҳсулотлар орасида кўплаб транзит ёки турли мамлакатлардан Хоразм бозорларида сотиш учун келтирилган моллар ҳам бор эди. Жумладан, Эронга қозоқ чорвалари ва рус молларини олиб бориш фойда бераётганлигини хабар қилган муаллиф архив ҳужжатларига таянган ҳолда «шунинг учун ҳам хивалик савдогарлар у ерга бажонидил қатнамоқдалар, фақат биргина ҳафтанинг ўзида хивалик ва урганчликлар, Россия савдогарларидан олинган мовут ва чарм, қозоқ қўйлари ва ўзларининг ип газламалари билан Эронга жўнаб кетдилар» деб таъкидлайди[2].

Ўрта Осиё савдогарлари Эронга чой, қоғоз, «рус чарми», чит, рўмол, мовут, кўзгу, биллур, чинни, темир ва мис идишлар, қозон, темир ва сандиқ каби бошқа давлатлардан келтирилган маҳсулотлар, шунингдек, рус ва ўзларида зарб қилинган накд тангаларни қайта экспорт (реэкспорт) қилганлар[3].

Хивага турли молларни келтирган эронлик савдогарлар бу ерлардан зарб қилинган Хива ва рус тангаларини ҳамда катта миқдорда чарм, мовут сингари рус молларини олиб кетишган[4].

Ҳунармандчилик маҳсулотларидан ташқари Хоразм деҳқонларининг маҳорат билан етиштирган *қишлоқ хўжа-*

---

[1] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. II. – С.97.
[2] Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари ,.. – Б.80.
[3] Файзиев А.Ф. Хорезм в начале XVI – первой половине XIX в. ... – С.269.
[4] История Узбекистана. – Ташкент, 1947. Т. II. – С.149.

*лиги масулотлари* нафақат қўшни мамлакатлар, балки узоқ ўлкаларда ҳам машҳур бўлган. Хусусан, «Шарқда ҳам, ғарбда ҳам Хоразм қовунига тенг келадигани йўқ» деб таърифлаган араб сайёҳи (XIV аср) офтобда қуритилган қовун бўлакларининг Хоразмдан Ҳиндистон, ҳатто Хитойнинг узоқ шаҳарларига олиб бориб сотилганлиги ҳақида маълумот берган[1]. А. Женкинсон (XVI аср) ҳам Хоразмнинг сувли йирик қовунлари ва ширин тарвузларини алоҳида қизиқиш билан тасвирлаган. Ҳатто Хоразмнинг кўктарнай навли қовуни ва тут дарахтлари Балхда мева-сабзавотларнинг навини яхшилаш мақсадида амалга оширилган тадбир (XVII аср) учун олиб кетилган бўлиб, бу ҳол «Баҳр ул-асрор» асарида алоҳида эътироф этилган[2].

Беда уруғи сотиладиган Урганч бозорини таърифлаган муаллифнинг қайд этишича, йирик савдогарлар томонидан Оренбургга сотиш учун олиб борилган беда уруғи у ердан Италия, Германия ва Америкага чиқарилган[3].

1753 йилда Хива хонлигига келган қозонлик савдогар Муртазо Айитов Хивадан турли полиз экинларининг уруғини («разных огородных семян») давлат эҳтиёжи учун сотиб олганлигини қайд этган. Маълумотни таҳлил қилган Ҳ. Зияев «афтидан, бундай уруғлар Оренбургда тажриба тариқасида экиб кўриш учун керак бўлгандир» деб фикр билдирган[4].

«Дили ғаройиб» асарининг муаллифи ҳам Хоразмнинг мева, қовун ва ғалласи яхши бўлиши, хусусан, уруғи янтоқнинг томири орасига солиб сувсиз ўстириладиган мазали қовунлари, Ҳазораспнинг ширин олмалари, шунингдек, мамлакатнинг турли жойларида муваффақият билан етиштири-

---

[1] Золотая Орда в источниках. – С.146; Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Тошкент, 1993. – Б.62.

[2] Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география) / Введение, перевод Б.А. Ахмедова. – Ташкент, 1977. – С.25.

[3] Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков южного Хорезма. – Ташкент, 1967. – С.52-53.

[4] Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари ... – Б.80 – 81.

ладиган узумнинг ҳар хил навлари, ўрик ва тут дарахтларининг таърифига тўхталиб ўтган[1]. Хивада етиштириладиган энг ширин қовун-тарвузлар, узум ва турли меваларнинг мақтови XIX асрда бу ерга ташриф буюрган Н. Муравьевнинг эсдаликларида ҳам ўз аксини топган[2]. Хоразмда бўлган А. Вамбери «Хива мевалари шу қадар яхшики, уларга ўхшашини нафақат Эрон ва Туркияда, балки бутун Европада ҳам топиш қийин. Айниқса, Ҳазораспнинг олмалари, Хиванинг нок ва узумлари ва узоқ Пекингача машҳур бўлган беқиёс ажойиб қовунлари таҳсинга лойиқ» деб таърифлаган[3].

«Тарихи Туркистон» асарининг муаллифи Хоразмда бўлган Эрон элчиси Ризоқулихоннинг маълумотларига таянган ҳолда «бу мамлакатда ҳамма нарса арзон, мевалари яхши ва кўп. Қовунлари, ҳеч муболағасиз, Қум ва Кошон қовунларидан создир. Тутлари Шимрон тутларидан ширин, анжири эса Мозандарон анжиридан соз. Аммо узуми унча яхши эмас. Далалари ва боғлари кўм-кўк ва экинзор. Хонадонлар ва анҳорлар сувга сероб» деб таъкидлаган[4].

Мак Гахан ҳам Хиванинг меваларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозимлигини таъкидлар экан, уларнинг воҳада жуда яхши ва мўл-кўл эканлигини маълум қилган. Унинг қайд этишича, қуруқ мевалар Россияга қилинадиган асосий экспорт маҳсулотлари ҳисобланар эди. Хоразм қовунларининг сифати аъло даражада бўлиб, катта миқдорда экилишини кўрсатиб ўтган сайёҳ «улар асосан июнь ойининг охирларида пишиб етилади ва ёз фаслининг бош егулиги ҳисобланади. Қовунларнинг тури жуда кўп, нархи 5 копейка атрофида. Тарвузлар, анорлар, анжирлар бор» деб тавсифлайди[5].

---

[1] Худойберди ибн Қўшмуҳаммад. Дил-и ғаройиб. ЎзР ФА ШИ, инв. №1335, қўлёзма. 57-варақ; Аҳмедов Б. Новые сведения о Хиве // Общественные науки в Узбекистане. 1982. №9. – С.31 – 35.
[2] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. II. – С. 87 – 88.
[3] Вамбери А. Путешествие по Средней Азии ... – С.160.
[4] Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б.198.
[5] Great power rivalry in Central Asia, 1842 – 1880 ... – P.313.

Хоразмлик деҳқонларнинг малака ва маҳоратига муносиб баҳо берган Н. Муравьев «Германиянинг ўзида ҳам Хивадагидек тиришқоқлик билан ерга ишлов берилмаганлиги»ни эътироф этган. Ҳосилдорлигига кўра Хива воҳасини фақатгина Англиянинг энг яхши хўжалиги билан тенглаштириш мумкинлигини таъкидлаган Л. Костенко эса ўзининг беқиёс сифати билан машҳур Хоразм қовунлари хонлик экспортининг муҳим соҳаларидан бири эканлигини қайд этган[1]. Кўриниб турибдики, мақтови узоқ мамлакатларга кетган Хоразм мева ва сабзавотлари ҳақидаги XIV асрга тегишли маълумотлар кейинги даврларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Хонлик бозорлари ўз аҳолиси билан бирга қўшни дашт халқларини ҳам *дон ва дон маҳсулотлари* билан таъминлаган. Аҳолиси нисбатан кўп бўлганлиги боис Хива, Урганч шаҳарларининг бозорларида ғалла бошқа бозорларга қараганда қимматроқ сотилган. Бундан ташқари, бозорлар ва Хоразм савдогарлари борасида ўз эсдаликларини ёзиб қолдирган муаллифнинг хабар беришича, «баъзи бир сабабларга кўра ғалла олиб келиб сотувчи *хониотлар* (?) бир ёки икки бозор бу шаҳарларга келмай қолсалар, бозорларда ғалла қиммат бўлиб қолар эди»[2].

Манбаларда учрайдиган Орол дарёси бўйида жойлашган Оқёқиш мавзесига ғалла олгани келаётган чумакой уруғидан бўлган қозоқлар ҳақидаги маълумот кўп ҳолларда Дашт аҳолисининг ўзи хонлик бозорларига ғалла учун келганликларини кўрсатади[3].

Аҳолиси 1500 – 2000 кишидан иборат бўлган Шовот ва Кат шаҳарлари қозоқлар билан савдо амалга оширилган асосий савдо марказлари сифатида тараққий этган[4].

---

[1] Костенко Л. Город Хива в 1873 году ... – С.378, 334.
[2] Маткарим Отажонов. Хива хонлиги тарихига оид маълумотлар ... – Б.88.
[3] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.446.
[4] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. II. – С.32; Агзамова Г.А. Ўрта Осиё шаҳарлари ... – Б.120.

Хива хонлиги экспортининг муҳим маҳсулоти ҳисобланган *зотдор отлар* савдосининг даврий ва жуғрофий чегаралари ҳамда кўлами алоҳида диққатга лойиқ.

Эрон тарихнависи Муҳаммад Козим (XVIII аср) Хоразмдан Машҳадга юборилган катта карвонда сотиш учун олиб борилган матолар билан бирга *от* ва *хачирлар*нинг бўлганлигини алоҳида кўрсатиб ўтган[1].

Энг яхши зотлари Бухоро ва Хивада боқиладиган хачирларни катта миқдорда сотиш учун Эрон, Бағдод, Дамашқ ва Мисрга олиб борган ҳожилар ҳақидаги маълумотлар кейинги давр манбаларида ҳам мавжуд[2].

Зотдор туркман отлари Қўқон бозорларида ҳам ўз харидорларига эга бўлган. XIX аср муаллифининг маълумоти орқали билиш мумкинки, туркман отлари Тошкент бозорларига ҳам етказиб берилган бўлиб, улар асосан Хива ва Бухоро хонлигидан олиб келинган[3].

Келтирилган маълумотлар Хоразмдан қўшни ҳудудларга чиқарилган моллар ҳамда савдо алоқаларининг характерли хусусиятлари ҳақида маълум даражада тасаввур ҳосил қилишга имкон берди. Шу билан бирга, бошқа мамлакатлардан Хива хонлиги бозорларига олиб келинган маҳсулотлар, уларнинг турлари ва ҳажми ҳамда жуғрофий кўлами масаласини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

### *Эрондан келтирилган моллар*

XVI ўрталарида шарқ мамлакатларининг иқтисодий аҳволи, улар билан савдо-тижорат алоқаларини йўлга қўйиш имкониятларини тадқиқ этган савдо агенти Антоний Женкинсон Урганч бозорлари ҳақида ёзар экан, у аҳамиятсиз даражада

[1] Мухаммад Казим. Наме-йи аламара'-йи Надири ... Т. I. – С.85.
[2] Вамбери А. Путешествие по Средней Азии: Описание поездки ... – С.210.
[3] Пашино П. И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С.135.

деб таърифлаган бўлса-да, «бу ердаги бозорларда сотиладиган асосий молларнинг Бухоро ёки Эрондан келтирилиши»ни қайд этган[1].

Эрондан «Машҳад камони ва ёйлари», «рангли кимхоб», «ранг-баранг ипаклар», «пўлат ханжар»лар Хоразмга етарли даражада олиб келинганки, улар ҳатто рус подшоларига совға қилинган. Хусусан, 1585 йилда Хива хони Ҳожи Муҳаммадхон томонидан рус подшоси Федор Ивановичга юборилган қимматбаҳо совғалар ичида олтин ва турли ранглар билан ишлов берилган Машҳад ёйлари қайд этилган[2]. 1615 йилда Хива хони томонидан рус подшоси саройига юборилган кўпдан-кўп совға-саломлар орасида «рангли қизилбош кимхоби, Машҳад камони, ранг-баранг қизилбош ипаклари, қизилбош пўлат ханжар»лари санаб ўтилган[3].

О. Бертон Эрондан иккала хонликка [Бухоро ва Хивага] келтириладиган моллар ичида *ипак, отлар* ҳам бўлганлигини қайд этган[4]. Мавжуд маълумотлар кейинги даврда ҳам *ипак* матолари келтирилиши давом этганлигини кўрсатади. XIX асрга оид архив ҳужжатларини тадқиқ этган Д. Валиеванинг кўрсатишича, бу даврда Ўрта Осиё савдогарлари Исфаҳондан «худбоф» деб номланган *ипак* матоларини олиб келишган. Шунингдек, муаллиф томонидан Эрондан *мурч, имбир* зираворлари каби ҳинд моллари билан бирга *шакар, феруза* ҳамда Эрон экспортининг асосини ташкил этувчи ва салла учун ишлатиладиган донаси 30 рупийлик *Кирмоншоҳ шоллари* ва *тамаки* санаб ўтилади[5].

XVII асрда Эронда *гиламдўзлик* юқори бадиий маҳорат даражасига кўтарилган бўлиб, қўй ва эчки юнгидан тикилган

[1] Дженкинсон А. Путешествие в Среднию Азию ... – С.177.
[2] Чулошникова А. Торговля Московского государства ... – С.90.
[3] Кологривов С.Н. Материалы для истории сношения России с иностранными державами в XVII в. – СПб., 1911. – С.22 – 23.
[4] Burton A. The Bukharans a Dinastic ... – P.443.
[5] Валиева Д. Среднеазиатско-иранские отношения ... – С.52 – 53.

ажойиб Кермон гиламлари биринчи ўринда турган. Шунингдек, Кошоннинг қизил, зангори рангли жун ва ипак гиламлари ҳам машҳур бўлган[1]. Эрон гиламлари Ўрта Осиёда ҳам харидоргир бўлиб, Қозоқ даштларигача олиб бориб сотилган. Рус элчиси И. Муравин (1740) қозоқ хонларидан бўлган Абулхайрхон билан бўлган учрашувини тасвирлар экан, унинг ўз чодирида «*Эрон гиламлари* билан қопланган ўринда ўтирган»лигини таъкидлаб ўтади[2].

Хивада хон ҳараминининг асосий жиҳозлари пол ва деворларни қоплаб турган *эрон ва туркман гиламлари* эканлигини тасвирлаган XIX аср муаллифининг маълумотлари бу маҳсулот савдосининг кўлами ҳақида тасаввур беради[3].

Р. Гокнинг маълумотига кўра, Эрондан ҳақиқий *дур-марварид*, турли-туман [қимматбаҳо], лекин унча сифатли бўлмаган *тошлар, гиламлар*, турли *шойи матолар* (*кутня, кутни*), қимматбаҳо *тилло, кумуш ва ипакдан тикилган белбоғлар* (*кушак*), *зарбофтлар*[4], *тилло ва кумуш парча матолар, қўй терилари* келтирилган.

Савдогар Д. Рукавкиннинг Хива хонлигида «тангаларнинг Эрон ҳамда Бухоронинг *олтин* ва *кумуши*дан зарб этилиши» ҳақида берган маълумоти[5] Хоразмга бу мамлакатлардан кўплаб ҳунармандчилик маҳсулотлари қаторида олтин ва кумуш хомашёсининг (баъзида яширин йўл билан бўлса-да) киритилганлигини билдиради.

Муртазо Айитов «Хоразмлик савдогарларнинг Эронга қатнаши туфайли *кумуш* олдинги йилга нисбатан бирмунча ортди» деб қайд этганлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Хомашё сифатида келтирилган *олтин* ва *кумуш*дан ташқари хонликда қўшни давлатларда зарб этилган *тангалар*дан

[1] Петрушевский И.П. Иран в XVII веке ... – С.284 – 285.
[2] Гладышев Д., Муравин И. Поездка из Орска в Хиву и обратно ... – С.12.
[3] Костенко Л. Город Хива в 1873 году ... – С.326.
[4] Зарбофт - зар ип билан тўқилган матоларнинг умумий номи.
[5] Бетгер Е.К. Самарский купец Данила Рукавкин и его караван в Хиву в 1753 г. ... – С.10.

ҳам кенг миқёсда фойдаланилган. О. Бертоннинг маълумот беришича, Хоразмда савдони ривожлантириш учун маҳаллий пуллардан ташқари Бухоро ва Эрондан келтирилган *кумуш тангалар* ҳам муомалада бўлган[1].

Хонликда ўзининг мис тангаларидан ташқари Бухоронинг *олтин тангалари*, Голланд *червонлари* билан бирга Эроннинг *рейёл* деб аталган кумуш пуллари муомалада бўлганлиги[2] анъанавий давом этиб келган Хоразм ташқи иқтисодий алоқаларининг миқёси ҳақида ҳам тушунча беради.

Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги дипломатик алоқаларга доир айрим маълумотлар хонликка кўплаб Эрон пуллари кириб келишини таъминлаган қўшимча омиллар ҳақида тасаввур беради. Хусусан, Бухоро Шайбонийларига қарши курашда иттифоқчилик қилган Хоразм султони Динмуҳаммад миннатдорлик тариқасида Эрон шоҳи томонидан йилига 300 туман миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланган, яъни шоҳ унга ҳар йили Сабзавордан 300 табриз туманини йиғиб олиш ҳуқуқини берган[3]. А. Бекович-Черкасский экспедициясининг барбод бўлганлиги тўғрисидаги хабарни Исфаҳонга етказиб келган махсус Хива чопарининг Эрон ҳукумати томонидан 72 червон билан тақдирланиши, Шоҳ Султон Ҳусайннинг Хива хонига 2000 туман пул тақдим қилганлиги тўғрисидаги маълумотлар[4] орқали ҳам хонликка кириб келган Эрон пулларининг оқими ҳақида маълумотга эга бўламиз.

Г. Данилевскийнинг гувоҳлик беришича, Хива хонлигига Эрондан айрим *дорилар* ҳам келтирилган[5].

[1] Burton A. The Bukharans a Dinastic ... – P.436.
[2] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. II. – С.82.
[3] Искандарбек мунший. Тарих-и Оламоро-йи Аббосий ... 1-жилд. – С.66.
[4] Аннанепесов М. Укрепление русско-туркменских взаимоотношений ... – С.37.
[5] Қандай дори эканлиги маълум эмас. Қаранг: Данилевский Г. Описание Хивинского ханства ... – С.67.

### *Бухоро хонлигидан келтирилган моллар*

Роман Гокнинг гувоҳлик беришича, Бухородан катта миқдорда *кўрпалар*, [қимматбаҳо] *тошлар, мис, темир, қўрғошин* кабилар олиб келинган. Шунингдек, Эрон ва Олтин масжид (?) орқали Россиядан келтириладиган мовут, *тўсин бўёғи* (*краши брусковая*), *концеиль* (?), *чарм* ва турли майда моллар ҳам Бухородан олиб кирилган[1].

Савдогар Муртазо Айитовнинг хабар беришича (1753), «Хивада Бухородан ва бошқа Узоқ Шарқ мамлакатларидан келтириладиган *олтин* аввалги вақтларга қараганда анча кўпайган» эди.[2]

Хивага бухоролик савдогарлар томонидан Эроннинг турли моллари – чит, ҳар хил газламалар ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳам етказиб келинган[3].

### *Дашти Қипчоқдан келтирилган моллар*

Қозоқ даштидан Хива хонлигига асосан *чорва моллари* келтирилган. «Фирдавс ул-иқбол» асарида «оломон» ҳужумларида жабр кўрган қозоқ савдогарлари ҳақида маълумот берилар экан, уларнинг савдо учун кўп миқдорда *қўйлар* билан келганлиги қайд этилади. Унда «қазоқнинг *қўйларин* оломон хатодин талағон эркан, ҳазрат соҳибқирон [Муҳаммад Раҳимхон I] ул воқеаға вуқуф топғоч, барча таланғон қўйни оломондин истирдод қилиб, эгасига топшуруб, хотири вайронин меъмори лутфи била обод қилди» деб кўрсатилган[4].

Р. Гок қозоқлар Хивага *от, қўй* ва *бошқа ҳайвонлар*ни олиб келганликларини маълум қилар экан, улар томонидан

---

[1] Возвратный из Хивы в Оренбург приезд английского купца Романа Гока. АВПРИ. Ф. 125, оп. 1, д. 2.
[2] Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари ... – Б.79.
[3] Михалева Г.А. Узбекистан в XVII – пер. пол. XIX в. Ремесло, торговля, пошлины. – Ташкент, 1991. – С.61.
[4] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.446.

«кўпроқ ёввойи отларнинг *терилари* келтирилганки, чунки уларга Хивада мавжуд бўлган кўплаб [тери ошлайдиган] устахоналарда ишлов берилган ва керакли молларга айирбошланган» деб қайд этган[1].

Рус ҳукумати вакили томонидан қозоқларнинг хонликлар билан улгуржи савдо олиб бориши таъкидланар экан, ҳар йили Сирдарё чизиғи орқали Бухоро ва Хивага 200 000 бош *қўй* ҳайдаб борилганлиги қайд этилади. Шунингдек, муаллифнинг хабар беришича, Сирдарё қозоқлари хонликларга қўйлардан ташқари *танга пулларни* ҳам олиб кирган[2].

Н. Веселовский ҳам хиваликлар *чорва молларини* асосан қирғиз-қайсоқлар (*қозоқлар*) ва оролликлардан сотиб олганларини қайд этган[3].

### *Россиядан келтирилган моллар*

Оренбург ва Астрахан шаҳарларининг Россия савдоси учун аҳамиятини ошириш юзасидан ўтказилган тадбирлар бевосита Хива хонлигининг узоқ ва яқин қўшни давлатлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйишида ҳам сезиларли таъсирга эга бўлган. Ф. Беневени Хивада бўлган вақтида (1724) бу ерга 300 туяга ортилган моллар билан катта карвон келганлигини маълум қилган. Унинг хабар беришича, *мовут, қундуз териси, пўлат, қалай ва қурол-яроғдан* иборат молларнинг катта қисми Астрахандан келтирилган рус, арман ва ҳинд моллари бўлган[4].

1756 йили Оренбургда бўлиб қайтган Хоразм карвонида олиб келинган рус молларидан ташқари *немис моллари*нинг

[1] Возвратный из Хивы в Оренбург приезд английского купца Романа Гока. АВПРИ. Ф. 125, оп. 1, д. 2.

[2] Мейер Л. Аральская флотилия в отношении к среднеазиатской торговле // Морской сборник. – СПб., 1862. – С.128 – 129.

[3] Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве ... – С.227.

[4] Попов А. Сношение России с Хивой ... – С.140.

қайд этилиши ушбу савдо маркази Хива хонлигига олиб кирилган маҳсулотларнинг ҳудудий кўлами ҳақида маълумот беради[1].

«Фирдавс ул-иқбол»да Оренбург, яъни русларнинг «Отил (*Итиль – Волга дарёси*) канорида (*қирғоғида*) бино қилғон савдохонаси» бўлмиш Янгиқалъадан чиқиб, юртига қайтаётган Хоразм карвони ҳақида келтирилган маълумот у ердан хонликка олиб кирилган маҳсулотларнинг тури ва географияси ҳақида тасаввурларимизни янада бойитади. Хусусан, «Хоразм карвониким, зару сийм бирла тўлуь юклари, жавоҳир сануфиға ҳомил бари, Хитоий қуммош андадур беҳисоб, Фарангий матоиға худ не ҳисоб» деб катта миқдордаги *мис, олтин, Хитой кумуши, фарангий матолар* санаб ўтилган манбада[2]. У ерда келтирилишича, 1808 йил 14 декабрь санасида Оренбургдан чиққан карвон Кўҳна Вазир яқинига етганда туркманларнинг човдур қабиласи ҳужумига учраган. Муаррихнинг хабар беришича, «Карвон аҳли юкларидин қўрғон эгириб, саккиз кун муҳориба қилиб, отқулаштилар. Ва айтурларким, қўрғошин тугаб, икки кун мис ва кумушдин ўқ ясаб отибдурлар». Бу маълумотдан шуни англаш мумкинки, карвонда савдогарлар билан бирга ҳунармандлар ҳам бўлган ва уларнинг шунчалик тезликда маҳорат билан ўқ ясаганликлари таҳсинга лойиқ. Карвонда ўқ ясашга етадиган миқдорда мис ва кумушнинг бўлиши эса Хоразмга бошқа юртлардан турли моллар билан бирга ушбу металларнинг салмоқли миқдорда олиб келинганидан далолат беради.

### *Қўқон хонлигидан келтирилган моллар*

Қўқон хонлиги сўнгги ўрта асрларда сифатли қоғозлар ишлаб чиқариш билан машҳур бўлиб, *Қўқон қоғози* Ўрта

[1] Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари ... – Б.88.
[2] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б.275.

Осиёнинг турли ҳудудлари каби Хива хонлигига ҳам олиб келинган ва кенг истеъмолда бўлган[1].

Қўқондан келтирилиб, Хива бозорларида сотилган моллар ичида Хитой *чойи, чинни буюмлари* ва *кумуш ёмбилар*[2] *алоҳида эътиборга лойиқдир. Хитойдан Хивага келадиган қулай йўл Қўқон хонлигидан ўтган бўлиб, чинни буюмлар* айнан Қошғар ва Қўқон орқали Хоразм бозорларига келтирилган[3].

XIX асрнинг 30-йиллари Бухорода бўлган муаллифларнинг маълумотига кўра, Бухородан Хивага келтирилган *тахтачой* (*ғишт чой*), аслида, Қўқон орқали Қашқардан келтирилган бўлиб, бу савдода Қўқон хонлигининг ўзига хос ўрни бор эди[4].

Хивага етказиб берилган *чой* Қўқон ва Бухоро орқали Қашқардан келтирилганини маълум қилган муаллиф бу савдонинг XIX аср 60-йилларида ҳам давом этганлигини қайд этади[5].

Мак Гахан хиваликлар истеъмол қилган кўк чойни Англия томонидан монопоялаштирилган ягона импорт маҳсулоти сифатида қайд этиб ўтган[6].

### *Қорақалпоқлар келтирган моллар*

Асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб, ҳамиша хоразмликлар билан ёнма-ён яшаб келган қорақалпоқлар Хива бозорларига *отлар ва* кўпроқ *чорва моллари* олиб келишган. Шунингдек, улар тайёрланган *елим* ва *мол чарвиси*, озроқ миқдорда *нон* ва *буғдой* олиб келишган. Оролликларнинг, бундан ташқари, янги тутилган *балиқ* келтирганликларини қайд этган Р. Гок «бу дарёда балиқлар жуда кўп бўлиб,

---

[1] Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент-Наманган, 1994. – Б.28.
[2] Валиханов Ч.Ч. Описание нескольких монет улуса чагатая, Хивы и Коканда.... – С.189.
[3] Из истории международных отношений в Центральной Азии. – Алма-Ата, 1990. – С.111.
[4] Записки о Бухарском ханстве.... – С.81.
[5] Пещерова Е.М. Гончарное производства Средней Азии. – М., 1959. – С.287.
[6] Great power rivalry in Central Asia, 1842 – 1880 ... – P.305.

*осётр (бакра балиқ), белуга (оқ бақра), сазан (зоғора балиқ)* ва бошқалари борки, оролликлар ва қорақалпоқлар улардан *елим* тайёрлашади» деб маълумот беради[1].

### *Туркманлар келтирган моллар*

Роман Гокнинг маълум қилишича, туркманлар Хива хонлигига *от, чорва моллари* ва *турли ҳайвонлар*ни олиб келиб сотишган.

Сўнгги ўрта асрларда ҳам сақланиб қолган ва XIX асрдаги «оломонлар» туфайли янада авж олган «қул савдоси» ҳам катта даромад манбаи бўлганлигини эслаб ўтиш жоиз. Аксарият маълумотларда туркман қабилалари Хива бозорларида *форс қуллари* савдоси билан шуғулланувчилар сифатида тилга олинган. Хивада бўлган Д. Гладишев ва И. Муравиннинг эсдаликларида бозорларда *форс қуллари*ни сифати ва жинсига қараб турли баҳоларда накд пулга сотган туркманлар қайд этилган[2].

Гувоҳларнинг таъкидлашича, асосан, одам савдоси билан така туркманлар шуғулланган, одатда, жисмоний камчиликлари бўлмаган соғлом ва пишиқ эркак қул 100 тилла (кичик тилла)дан қиммат бўлмаган, ёш аёл ёки қиз 300 тиллага баҳоланган[3].

Хивада қул савдосига гувоҳ бўлган Н. Муравьев «ўзларини бир амаллаб Астробод ва Хивадан сотиб олинадиган буғдой билан таъминлайдиган беғам ва дангаса туркманларнинг асосий ҳунари ўғирлик бўлиб, Астрободдан одамларни ўғирлаб келиб, Хивада катта пулга сотади» деб маълумот берган[4].

[1] Возвратный из Хивы в Оренбург приезд английского купца Романа Гока. АВПРИ. Ф. 125, оп. 1, д. 2, л. 5 об.
[2] Гладышев Д., Муравин И. Поездка из Орска в Хиву и обратно ... – С.56.
[3] Хива по рассказам пленных // Туркестанский сборник. 1873. Т. 42. – С.110.
[4] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. II. – С.84.

Лекин бошқа манбалар орқали Хоразм ва Эрон билан анча фаол савдо олиб борган туркманлар ҳақида билиб олиш мумкин. Хусусан, «Шажарайи турк»да гарчи батафсил маълумот берилмаган бўлса-да, Амударё бўйларида деҳқончилик қилувчи уч уруғ (али эли, хизр эли ва тевачи) ҳамда така туркман савдогарлари ҳақида эслатиб ўтилган[1].

Эронда иқтисодий ҳаётни жонлаштиришга интилган Нодиршоҳнинг амалга оширган чора-тадбирлари туфайли доимий ҳужумларга чек қўйиб, Марв шаҳрига савдо-сотиқ ва тинч мақсадларда кела бошлаган туркман қабилалари ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд[2].

1773 йилда Каспий денгизининг шарқий соҳилларида бўлган С. Гмелин туркманлар ўзларининг барча қўшнилари: хиваликлар, бухороликлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, астрободликлар ва руслар билан савдо олиб борганликлари тўғрисида хабар берган[3]. Шунингдек, муаллиф Астробод ва Мозандарон билан анча қизғин савдо олиб борган туркманларнинг киржим-қайиқларда «форсларга керакли маҳсулотлар – нефт, туз, ҳайвон жуллари (ёпинчиқ), чойшаб, жун матодан тикилган халталар, гиламлар, туя жунидан тўқилган матолар, Бухоро газламалари, эгарлар, кумуш буюмлар ва бошқаларни олиб бориб, эвазига ун, гуруч, Европа мовути, ипак ва пахта матолари, Эрон пуллари, қилич, ханжар ва бошқа қуроллар олиб қайтганликларини қайд этган.

Туркманлар томонидан Хивага зотдор *отлар* ҳам етказиб келтирилган. Юқорида салбий фикр билдирган Н. Муравьевнинг ўзи ҳам Хивада аъло даражадаги отлар бўлса-да, *отларнинг энг зўрлари* туркманлар томонидан Гургон ва Атрокдан келтирилиши ҳақида маълумот берган. Ушбу муаллифнинг

[1] Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б.128, 183.
[2] Арунова М.Р., Ашрафян К.З. Государство Надир-шаха Афшара ... – С.298.
[3] Путешествие Самуила Гмелина по Каспийскому море // Труды ТГО. – Ашхабад, 1958. Вып. 1. – С.207.

бир-бирига зид фикрлари турли туркман қабилаларининг турмуш тарзи турлича бўлиб, уларнинг барчаси ҳақида умумий хулоса чиқариш мумкин эмаслигини кўрсатади.

1873 йилда Хива хонлигида бўлган Мак Гаханнинг Хива бозорларига берган таърифи Россия империяси истилоси арафасида хонликнинг иқтисодий аҳволи, бу ерга келтирилган ва маҳаллий моллар, уларнинг кўлами ҳамда турлари ҳақидаги тасаввурларни янада бойитади. Сайёҳнинг маълум қилишича, бу ерда қуйидаги молларни кўриш мумкин: ҳўл ва қуруқ мевалар, буғдой, жўхори, беда уруғи, кулча нонлар, Россия қанди ҳамда Бухоро орқали Ҳиндистондан келтирилган кўк чойлар, маҳаллий, Россия ва Бухоронинг ипак ва пахта буюмлари, чойшаблар, этиклар, пойабзаллар, мис буюмлар, темир идишлар, асосан Россиядан келтирилган [чинни] чойнаклар ва чой идишлар[1]. У бу ерга келтирилган икки турдаги инглиз моли, яъни арзон чит ва Шотландиядаги Глазго шаҳрининг тамғаси урилган митқол – нафис пахта матосини ҳам қайд этиб ўтган.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, кўрсатилган даврда Хива хонлигининг қўшни мамлакатлар билан ўзаро савдо алоқалари бевосита бадавлат савдогарларнинг савдо келишувлари орқали амалга оширилган.

Хоразмнинг йирик бозорларидан ташқари Россия, Бухоро, Қўқон, Эрон сингари қўшни давлатларнинг йирик савдо марказлари ҳам унинг ташқи савдо алоқалари ривожланишида муҳим ўрин тутган.

Савдонинг алоҳида кўриниши бўлган совға-саломлар (пешкаш, ҳадя) орқали ҳам давлатлар ўзаро ҳунармандчилик ва турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан алмашинган.

Хиванинг ташқи савдо алоқалари бухоролик, туркман, арман савдогарлари воситачилигида ҳам амалга оширилган.

[1] Great power rivalry in Central Asia, 1842 – 1880 ... – P.312 – 313.

Хонликнинг ташқи савдо-иқтисодий алоқаларида маҳаллий маҳсулотлардан ташқари транзит моллардан катта даромад олинган.

Сиёсий зиддиятлар ва савдо йўлларидаги муаммолар давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларда катта қийинчиликларни юзага келтирган бўлса-да, таҳлил қилинган маълумотлар, савдонинг сиёсатдан устун бўлган ўзига хос қонуниятлари ҳар қандай ҳолатда ҳам анъанавий савдо алоқалари батамом тўхтаб қолмаганлигини кўрсатди.

# ХУЛОСА

XV аср охири – XVI аср бошлари Марказий Осиё минтақасида янги давлатларнинг, жумладан, Бухоро, Хива ва Қозоқ хонликлари, Эронда Сафавийлар давлатининг ташкил топиши ҳамда кучлар нисбатининг тез-тез ўзгариб туриши билан характерланади.

Хива хонлигининг ташкил топиш жараёни бевосита Хоразмдаги юқори табақа вакилларининг Эрон Сафавийлари, Бухоро Шайбонийлари ва Дашти Қипчоқдаги Арабшоҳийлар хонадони билан олиб борган ўзаро алоқаларига чамбарчас боғлиқ равишда кечган. Бу жараёнда Дашти Қипчоқдаги кўчманчи ўзбек уруғлари фаол иштирок этган ва уларнинг 1511 йилда Хоразмга кириб келиши истилочилик ҳаракати эмас, балки маҳаллий амалдорлар ва аҳоли билан ҳамкорликда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий тадбир бўлган.

Ўзаро сулолавий курашлар ва ички зиддиятларни бартараф этишда кучли таянчга эга бўлиш, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш эҳтиёжи, мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилиш, халқаро майдонда нуфузга эга бўлиш, икки давлат ўртасидаги уруш ҳолатида учинчи давлатнинг бетарафлигини таъминлаш зарурати Хива хонлигининг бошқа мамлакатлар билан алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашни тақозо этган муҳим омиллар эди.

Ўтроқ маданиятнинг кўчманчи Дашт (Дашти Қипчоқ) ҳамда Эрон давлатининг бошқарув анъаналари билан ўзаро таъсири Хива хонлигида олий ҳукмдорнинг тахтга ўтириши ва ҳокимият легитимлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган қоидаларда ўз аксини топган. «Хон кўтариш» маросими олий

ҳукмдорни расман эълон қилиш анъанаси сифатида нафақат Дашти Қипчоқдан кириб келган Арабшоҳийлар, балки улардан кейин ҳокимиятга келган маҳаллий Қўнғиротлар сулоласи даврида ҳам кенг қўлланилган.

Арабшоҳийлар жорий этган бошқарувнинг *улус* ёки *удел* тизими ўз ҳудудларини кенгайтириш ва даромадлироқ мулкларни эгаллашга интилган султонлар ўртасидаги ўзаро курашни авж олдирган. Бу курашларда Хоразм султонлари Бухоро хонлари ёки Эрон шоҳларига мурожаат этиб, улар билан иттифоқчилик алоқаларини йўлга қўйишган.

Мовароуннаҳрда марказлашган давлатни ташкил этиш учун ҳаракат олиб борган шайбоний ҳукмдорларнинг Хоразм ва Хуросон ҳудудларини ҳам қўл остига киритишга интилишлари Хива хонлиги ва Эроннинг ягона мақсад, яъни Бухоро Шайбонийларига қарши кураш йўлида бирлашишини тақозо этган асосий омиллардан бири эди.

Бухоро хони Абдуллахон II (1551 – 1598) олиб борган истилочилик сиёсати бутун минтақадаги кучлар нисбатига таъсир кўрсатиб, Хива хонлигининг Эрон билан ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлаган. Бу муносабатлар Ҳожи Муҳаммадхон даврида (1558 – 1602) энг юқори чўққига чиққан.

Аксарият адабиётларда Ўрта Осиё хонликларининг Эрон билан ўзаро алоқаларига диний қарама-қаршилик, яъни шиа-сунний зиддияти жиддий таъсир кўрсатганлиги таъкидланса-да, бирламчи манбалардаги маълумотлар XVI – XVIII асрлардаги ўзаро кураш ҳолатлари, аслида, икки ҳудуд ўртасидаги чегарадош ерлар, хусусан, Хуросон учун олиб борилган сиёсий рақобат билан, XIX асрда эса ҳукмрон доираларнинг иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ бўлганлигини кўрсатади.

Россия империясининг «Шарқ сиёсати»да, жумладан, унинг Бухоро, Афғонисон, Эрон, Ҳиндистон сингари Осиё давлатлари билан савдо ва дипломатик алоқаларида Хива

хонлиги ўзига хос боғловчи бўғин сифатида муҳим ўрин тутган. Шу жиҳатдан, Хива хонлиги ҳудуди ўзининг жойлашувига кўра нафақат минтақа, балки трансминтақавий аҳамиятга эга бўлган.

XVIII аср бошларидан то 1770 йилга қадар сиёсий беқарорлик ҳукм сурган *хонбози* даври, яъни «қўғирчоқ хон» сифатида Хива хонлиги тахтига ўтқазилган чингизий султонларнинг тез-тез алмашиб туриш ҳолати бевосита ҳокимият легитимлиги ва ҳукмдор мавқеининг мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган «чингизийлар омили» билан боғлиқ бўлган.

Хива ва Бухоро хонликларининг ўзаро алоқаларига жиддий таъсир кўрсатган омиллардан бири икки хонликда ҳам тез-тез бош кўтариб турган ички мухолиф кучларга қўшни хонлик томонидан ҳарбий-сиёсий кўмак берилиши эди. «Марв масаласи» яна бир омил бўлиб, Марв вилояти ва унинг атрофидаги ҳудудлар борасидаги сиёсий рақобат ҳамда бу ерда истиқомат қилувчи туркман уруғларининг гоҳ у, гоҳ бу томонга ён босиб, икки ёқлама ҳаракат олиб борганликлари жиддий оқибатларга олиб келарди.

Бухоро – Қўқон муносабатларидаги зиддиятли ҳолат Хива ва Қўқон хонликларини ўзаро дўстлик алоқаларини ушлаб туришга ундаган. Кўп ҳолларда Хива хонлиги қўшинларининг Бухоро ҳудудларига юриши Қўқон хонлигига ҳужум қилган Бухоро ҳукмдорининг ҳарбий ҳаракатларини тўхтатиб қўяр, бу билан вазиятнинг Қўқон хонлиги фойдасига ҳал бўлишига ёрдам берар эди.

Учала хонлик ўртасидаги муносабатларнинг эътиборли жиҳати сифатида шуни кўрсатиб ўтиш мумкинки, аксарият ҳолларда Хива хонлиги ўзаро зиддиятлашган Бухоро ва Қўқон хонликлари билан бир вақтда дипломатик алоқалар олиб борган.

Чегарадош ҳудудларга уюштирилган ўзаро «оломон» юришлари оқибатида кўплаб асирларнинг қўлга олиниши Ўрта Осиё, жумладан, Хива бозорларида авж олган «қул савдоси», Хуросоннинг чегарадош ҳудудлари борасидаги рақобат, инглиз ва рус ҳукуматларининг аралашуви XIX асрда Хива хонлиги ва Эрон ўзаро муносабатларига таъсир кўрсатган асосий омиллар эди. Шу жиҳатдан, бу даврда Хива – Эрон дипломатик алоқаларининг асосини асирларни озод қилиш, қул савдосини тўхтатиш каби масалалар ташкил этган.

Россия империяси ва Англия давлатининг кучайиб бориши Хива хонлиги учун қанчалик жиддий хавф бўлса, Эрон манфаатларига ҳам шунчалик даражада катта таъсир кўрсатган. Шу боис Хива – Эрон муносабатларининг ҳеч йўқ бетараф (нейтрал) ҳолатда сақлаб турилиши ҳар икки давлат учун ҳам керак эди.

XIX асрда Ўрта Осиё минтақасидаги вазиятни шакллантирган бир қатор омиллар, жумладан, Хива хонлиги ташқи алоқаларининг характерига катта таъсир кўрсатган «Россия омили» Хива хонлиги ва Қозоқ жузлари ўртасидаги алоқаларда яққолроқ намоён бўлган.

«Дипломатик протокол» ёки «элчилик хизмати» масаласи ташқи алоқаларнинг асосий йўналишлари билан бирга давлатчилик тарихининг кўплаб муҳим соҳаларини, жумладан, маъмурий-ҳудудий бошқарув тизимини, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли масалаларини очиб беришга хизмат қилади.

Элчиларнинг расмий ташрифига доир умумий фактологик маълумотлардан фарқли ўлароқ, Хива хонлари саройида хорижий элчиларни қабул қилиш маросими, унинг ташкилий ва асосий қисмлари босқичма-босқич тасвирлаб берилиши узоқ ўтмишнинг маълум маънода анимацион-жонли манзарасини яратишга ёрдам беради.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. МАНБАЛАР


1. Abu'l-Ghazi Bahadur Khan. Histoire des Mongols et des Tatares par Aboul-Ghazi Bahadour Khan / 2 vols., ed. and trans. Petr I. Desmaisons, Turk-oriental (Chaghatay) text with French transl., reprint of St. Petersburg Edition from 1871-1874. – Amsterdam, 1970. – 386 p.
2. Jami' al-vaqi'-at-I sultani / Edited in the original Central Asian turki with an Introduction and Notes by N. Tashev. – Samarkand-Tashkent, 2012. – 270 p.
3. Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Reza Mirab Agahi. Firdaws al-iqbal: History of Khwarazm / English translation from Chaghatay and ed. by Yuri Bregel. – Leiden: Brill, 1999. – 718 p.
4. Абдуррахман-и Тали. История Абулфейз-хана / Перевод с таджикского А.А. Семенова. Отв. ред. Р.Н. Набиев. – Ташкент, 1959. – 176 с.
5. Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк / Масъул муҳаррир Б. Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Мунировов, Қ. Маҳмудов. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 190 б.
6. Бетгер Е.К. Самарский купец Данила Рукавкин и его караван в Хиву в 1753 г. // Известия АН Туркменской ССР. – Фрунзе, 1952. №6. Отдельный оттиск. – С.8 – 11.

7. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература, 2003. – 194 с.
8. Вамбери. А. История Бохары или Трансоксании с древнейших времен до настоящего. Т.I. – СПб., 1873.
9. Вельяминов-Зернов В.В. Исторические известия о киргиз-кайсаках и сношениях России с Среднею Азиею со времени кончины Абулхайр-хана (1748 – 1765 г.). – Уфа, 1853. Т.1. – 48 с.
10. Гладышев Д., Муравин И. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740 – 1741 годах поручиком Гладышевым и геодезистом Муравиным / Издана Я.В. Ханыковым – СПб., 1851. – 86 с.
11. Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. // Военный сборник. 1862. №9. – С.41 – 92.
12. Залесов Н. Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г. // Военный сборник. 1861. №11. – С.41 – 75.
13. Замечания майора Бланкеннагеля впоследствии поездке его из Оренбурга в Хиву в 1793-94 годах // Вестник императора Русского Географического Общества. – СПб., 1858. №3 (23). – С.4 – 32.
14. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). – М.: Наука, 1983. – 150 с.
15. Захарьин И.В. Посольство в Хиву в 1842 году (по рассказам и запискам очевидца) // Исторический вестник. 1894. №11 / http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/XIX/1840-1860
16. Золотая Орда в источниках. Арабские и персидские источники / Сост. Р.П. Храпачевский. Перевод В.Г. Тизенгаузена. – М., 2003. Т. I.
17. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати / таржима Н. Иброхимовники. – Тошкент, 1993.

18. Извлечение из «Надир-наме», сочинения Мухаммед Казима // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв. Иранские, бухарские, хивинские источники / Под ред. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Иванова. – М.-Л., 1938. Т. 2. – С.150 – 192.
19. Извлечение из «Тарихи Надири» сочинения Мирза Мехдихана Астрабадского // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв. Иранские, бухарские, хивинские источники / Под ред. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Иванова. – М.-Л., 1938. Т. 2. – С.117 – 150.
20. Извлечения из «Тарих-и алям-ара-и Аббаси» Искандера Мунши // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв. Иранские, бухарские, хивинские источники / Под ред. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Иванова. – М.-Л., 1938. Т. 2. – С.65 – 101.
21. Извлечения из рукописи Мухаммед Ма'сума и Мухаммед Тахир-и Вахида // Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв. Иранские, бухарские, хивинские источники / Под ред. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Иванова. – М.-Л., 1938. Т.2. – С.102 – 115.
22. Искандарбек туркман (мунший). Тарихи Оламоройи Аббосий. – Теҳрон, 1350. 1-жилд. – 608 с.; 2-жилд. – 728 с.
23. Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар (Эрон генерали Исмоил Мирпанжийнинг Хуросон, Марв ва Хивада бошидан кечирган воқеалар баёни) / Форс тилидан Набибулло Ҳасан таржимаси. – Урганч-Хоразм, 1997. – 62 б.

24. Камал ад-Дин Али Бинаи. Шайбани-наме // Материалы по истории казахских ханств XV – XVIII вв. (Извлечения из персидских и тюркских сочинений) / Сост.: С.К. Ибрагимов, Н.Н. Мингулов, К.А. Пищулина, В.П. Юдин. – Алма-Ата, 1969. – 652 с.
25. Кононов А.Н. Родословное дерево туркмен. – М.-Л., 1958.
26. Қуръони Карим / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент, 1992.
27. Лебедев В. Посольство в Хиву в 1716, 1717, 1718 гг. – СПб., 1846. – 20 с.
28. Маҳмуд ибн Ҳидоятоллоҳ Натанзи. Нақоват ал-осор фи зикр ал-ахёр. – Теҳрон, 1994. – 650 с.
29. Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география) / Введение, перевод Б.А. Ахмедова. – Ташкент, 1977. – 166 с.
30. Мир Мухаммед Амин-и Бухари. Убайдулла-наме / Перевод с таджикского с примечаниями А.А. Семенова. – Ташкент, 1957. – 326 с.
31. Мирза Абдалазим Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа (История мангитских государей) / Перевод и примечания Л.М. Епифановой. – М., 1962.
32. Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон / Араб тилидан табдил Ш. Воҳидов ва Р. Холиқованики. – Тошкент, 2008. – 242 б.
33. Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин (Қўқон хонлиги тарихи) / Нашрга тайёрловчилар А. Матғозиев ва М. Усмонова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. – 128 б.
34. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол / Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 518 б.

35. Мухаммад Риза Мираб Агахи. Зубдат ал-таварих. Научно-критический текст / Составитель Х. Назирова. – Ташкент-Самарканд, 2016. – 304 с.
36. Мухаммад-Казим. Наме-йи аламара-йи Надири (Мироукрашающая надирова книга) / Факсимиле, изд. текста и предисл. Н.Д. Миклухо-Маклай. – М.: Восточная литература, 1960. Т.I. – 718 с.; – 1965. Т.II. – 698 с.; – 1966. Т.III. – 540 с.
37. Мухаммад-Казим. Поход Надир-шаха в Индию (извлечение из Тарихи аламарайи Надири) / Перевод, предисл. и прим. П.И. Петрова. – М.: Восточная литература, 1961. – 206 с.
38. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история / Перевод с таджикского, предисловие и указатели А.А. Семенова. – Ташкент, 1956. – 304 с.
39. Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги (Муҳаммадшоҳ Қожор ва Оллоқулихон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан 1842 йил) // Хоразм сафари кундаликлари / Форс тилидан таржимон И. Бекжонов. Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б.13 – 52.
40. Муҳаммад Козим. Торихи оламоройи Нодирий / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Амин Риёҳи. – Теҳрон: Илм, 1369. 2-жилд. – 882 б.
41. Муҳаммад Маъсум ибн Хожаги Исфаҳоний. Хулосат ас-сийар. Тарихи рузигори Шоҳ Сафи Сафавий. Ганжинайи Ирон ва ирониён / Нашрга тайёрловчи Ирож Афшор. – Теҳрон, 1368. – 384 б.
42. Муҳаммад Риза Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳидул-иқбол (Иқбол шаҳодати) / Нашрга тайёрловчи Н. Шодмонов. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – 336 б.
43. Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих /

Форс-тожик тилидан таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 720 б.

44. Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Тарихий эссе. «Мерос туркуми» / Таҳрир ҳайъати: Б. Аҳмедов ва бошқ. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б.175 – 265.
45. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод (Мамлакатларнинг эгалланиши) / Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. – Тошкент, 2009. – 430 б.
46. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Ш. Воҳидов, А. Эркинов. – Тошкент: Адолат, 1997.
47. Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Риёзуд-давла»дан // Муҳаммад Ризо Мироб Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. V жилд / Нашрга тайёрловчи Ғ. Каримов. Масъул муҳаррир С. Долимов. – Тошкент, 1978. – Б.17 – 170.
48. Огаҳий Муҳаммад Ризо. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан // Муҳаммад Ризо Мироб Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. VI жилд / Нашрга тайёрловчи Ғ. Каримов. Масъул муҳаррир С. Долимов. – Тошкент, 1980. – Б.5 – 126.
49. Огаҳий Муҳаммад Ризо. Зубдату-т-таворих (Тарихлар сараси) / Нашрга тайёрловчи Н. Жабборов. – Тошкент: O'zbekiston, 2009. – 240 б.
50. Оламоройи Сафавий / Нашрга тайёрловчи Ёдуллоҳ Шукрий. Иккинчи нашр. – Теҳрон, 1363. – 688 с.
51. Описание Хивинского ханства. Составлено в 1843 г. подполковником Генерального штаба Г.И. Данилевским // Записки ИРГО. – СПб., 1851. Кн. V. – С.62 – 153.
52. Посольство В.А. Даудова и Мухаммед-Юсуф Касимова в Хиву и Бухару (1675 – 1676) // История Узбекистана

в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI – первой половины XIX в. / Отв. ред. Б.А. Ахмедов. Составитель Б.В. Лунин. – Ташкент: Фан, 1988. – 256 с.

53. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718 – 1725 гг. //. Посланник Петра I на Востоке в 1718 – 1725 гг. – М.: Восточная литература, 1986. – 160 с.
54. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг., гвардейского Генерального Штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров. – М., 1822. Часть I. – 180 с. Часть II. – 144 с.
55. Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномайи Хоразм (Носириддиншоҳ ва Муҳаммад Аминхон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан 1851 йил) / Хоразм сафари кундаликлари. Форс тилидан таржимон И. Бекжонов. Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б.53 – 231.
56. Сайид Ҳомид Тўра Комёб. Таворих ул-хавонин / Нашрга тайёрловчилар Норқулов К., Жўраев Ж., Тоғаев Т., Жўраев Ж. – Тошкент: Академия, 2002. – 116 б.
57. Сафаров Б. Хоразм хонликларидаги урфу одатлар / ЎзР ФА ШИ, инв. №11117. – 16 варақ.
58. Ходжа Самандар Термези. Дастур ал-мулук (Назидание государям) / Перевод с персидского М.А. Салахетдиновой. Отв. ред. Н.Д. Миклухо-Маклай. – М.: Наука, 1971. – 394 с.
59. Сойманов Ф.И. Описание Каспийского моря. – СПб., 1763. – 380 с.
60. Странствование Филиппа Ефремова в Киргизской степи, Бухарии, Хиве, Персии, Тибет и Индии и возвращение его оттуда через Англию в Россию. Третье издание. – Казань, 1811. – 160 с.

61. Хотероти Асерот. Рузномайи сафари Хоразм ва Хива. Сарҳанг Исмоил Мирпанжэ / Нашрга тайёрловчи Сафоиддин Табарриён. – Теҳрон, 1375. – 180 б.
62. Хождение купца Федота Котова в Персию. – М., 1958. – 112 с.
63. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих (тарихлар юлдузлари) / Форс-тожик тилидан таржимон Ш. Воҳидов. Масъул муҳаррир. Ҳ. Бобобеков. – Тошкент, 2010. – 220 б.
64. Худойберди ибн Қўшмуҳаммад. Дили ғаройиб. ЎзР ФА ШИ, инв. №1335, қўлёзма. – 266 варақ.
65. Хуршоҳ ибн Қубод ал-Ҳусайний. Тарихи элчийи Низомшоҳ / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Ризо Носирий. – Теҳрон, 1379. – 438 с.
66. Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб (дўстлар ёдномаси) / Форс тилидан И. Бекжонов таржимаси. – Тошкент: Мерос, 1993.
67. Ҳофиз Таниш ибн Мир Мухаммад Бухорий. Абдулланома (Шарафномайи шоҳий) II жилд / Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси. Масъул муҳаррир Я. Ғуломов. – Тошкент: Фан, 1969. – 394 б.

## II. АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ

1. АВПРИ – Архив внешней политики Российской империи (Москва). Ф. 125 «Сношение России с Хивой».
2. АВИВР – Архив Востоковедов института восточных рукописей РАН (Санкт-Петербург). Ф. 61. «Фонд В.В. Григорьева».
3. РГАДА – Российский Государственный архив древних актов (Москва). Ф. 134 «Сношение России с Хивой».
4. ЎзМА – Ўзбекистон Миллий архиви. Ф. И-125 «Хива хонлиги девонхонаси».
5. Хива «Ичан қалъа» қўриқхона-музейи архиви.

*Нашр бўлган ҳужжатлар*

1. Mirza Salih, Gulamhusein. Asnad-i rasmi dar rawabit-i siyasi-i Iran ba Inglis va Rus va Osmani. – Tehran, 1365. – 406 s.
2. Osmanli devleti ila Kafkasya, Turkistan ve Kirim hanliklari arasindaki munasebetlere dair arkhiv belgeleri (1687 – 1908 yillari arasi). – Ankara, 1992. – 242 s.
3. Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осиёйи Марказий (Эроннинг Марказий Осиё минтақаси билан ўзаро алоқаларига доир ҳужжатлар) / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Ҳасан Ковусий Ироқий: Эрон Ташқи ишлар вазирлиги «Сиёсий ва халқаро тадқиқотлар бўлими»нинг ҳужжатлар нашриёти идораси. – Теҳрон, 1372. – 504 б.
4. История Казахстана в русских источниках // Посольские материалы русского государства (XV – XVII вв.) / Глав ред. И.Н. Тасмагамбетов. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. Т. I. – 702 с.
5. История Казахстана в русских источниках (XVI – XX веков) // Первые историко-этнографические описания казахских земель. XVIII в. / Сост. В.И. Ерофеева. – Алматы: Дайк-Пресс, 2007. Т. IV. – 368 с.
6. История Казахстана в русских источниках (XVI – XX веков) // Первые историко-этнографические описания казахских земель. Первая половина XIX века / Сост. В.И. Ерофеева, Б.Т. Жанаев. – Алматы: Дайк-Пресс, 2007. Т. V. – 620 с.
7. История Казахстана в документах и материалах: Альманах. Вып. 2 / Ред. коллегия: Л.А. Абдирасилова, В. Ерофеева, Б.Т. Жанаев. – Астана, 2012. – 438 с.

8. История Казахстана в документах и материалах: Альманах. Вып. 3 / Ред. коллегия: Л.А. Абдирасилова, В. Ерофеева, Б. Т. Жанаев. – Караганда, 2013. – 496 с.
9. Казахско-русские отношения в XVI – XVIII вв. Сборник документов и материалов / Под ред. В.Ф. Шахматова, Ф.Н. Киреева и Т.Ж. Шоинбаева. – Алма-Ата, 1961. Т. I. – 742 с.
10. Казахско-русские отношения в XIX в. Сборник документов и материалов / Под ред. В.Ф. Шахматова, Ф.Н. Киреева и Т.Ж. Шоинбаева. – Алма-Ата, 1964. Т. II. – 574 с.
11. Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. – Л.: Изд-во АН СССР, 1932. Вып. 3. Ч. I. – 504 с.


## III. ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР


1. Абдуллаев Ю.Н. Астрабад и русско-иранские отношения (вторая половина XIX – начало XX века). – Ташкент: Фан, 1975. – 132 с.
2. Абдурасулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 144 б.
3. Абдурасулов У. Борьба с внешней экспансией в Хивинском ханстве в первой половине XVIII века // O'zbekiston tarixi. 2002. №2. – С.12 – 19.
4. Абдурасулов У. От Арабшахидов к Кунградам: динамика и политический ландшафт Хорезма в период правлений двух династий // O'zbekiston tarixi. 2013. №2. – С.17 – 32.
5. Агеева О.Г. Дипломатический церемониал императорской России в XVIII веке. – М., 2012. – 936 с.
6. Агзамова Г.А. О караванных путях из Хивы в Оренбург // Общественные науки в Узбекистане. 1991. №12. –

С.43 – 48.

7. Агзамова Г. XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти: Тарих фан. докт... дис. – Тошкент, 2000. – 348 в.
8. Агзамова Г. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. – Тошкент, 2000. – 52 б.
9. Агзамова Г. Ўзбекистон шаҳарлари XVI – XIX асрнинг ўрталарида. – Тошкент, 2017. – 226 б.
10. Ализода Д.А. О военном противоборстве Хорезма и Ирана в первой половине XVIII века (по данным письменных источников) // Вестник Таджикского государственного университета права, бизнеса и политики. Серия гуманитарных наук. 2018. №1 (74). – С.40 – 47.
11. Аллаева Н. XVI – XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар: Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 2007. – 183 в.
12. Амантыев О. Туркменистан и туркмены в первой половине XVIII века (по данным сочинения Мухаммада Казима «Нама-йи аламара-йи Надири»). – Ашхабад, 1980. – 116 с.
13. Аминов О. XVI – XIX асрларда Ўрта Осиё – Россия. – Тошкент, 1958.
14. Амитов А. Русско-хивинские отношения в первой половине XIX в. – Ташкент, 1970.
15. Андреев А.А. Хива и Россия в начале XVIII века или история одной несостоявшейся провинции // Столица и провинция. Материалы IV Международного конгресса петровских городов. – СПб.: Европейский дом, 2013. – С.259 – 272.
16. Аннанепесов М. Укрепление русско-туркменских взаимоотношений в XVIII – XIX вв. – Ашхабад, 1981. – 266 с.
17. Аннанепесов М. Махтумкули и его время. – Ашхабад:

Ылым, 1984. – 102 с.
18. Аполлова Н.Г. Присоединение Казахстана к России. – Алма-ата, 1948.
19. Арунова М.Р., Ашрафян К.З. Государство Надиршаха Афшара (Очерки общественных отношений в Иране 30 – 40-х годов XVIII века) – М., 1958. – 284 с.
20. Ахмедов Б. Новые сведения о Хиве // Общественные науки в Узбекистане. 1982. №9. – С.31 – 35.
21. Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. – Ташкент, 1985.
22. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
23. Бакшилов С.К. Взаимоотношения Казахстана с ханствами Средней Азии в первой половине XIX в.: Автореф. дис... канд. ист. наук. – М., 1951.
24. Бартольд В.В. История Иранского государства и культуры (к 2500-летию Иран. государства). – М., 1971.
25. Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа // Сочинения. – Л., 1929. Т. I. – С.56 – 67.
26. Бартольд В.В. События перед Хивинским походом 1873 года по рассказу Хивинского историка // Сочинения. – М.: Наука, 1964. Т. II (Ч.2). – С.400 – 413.
27. Бартольд В.В. Узбекские ханства // Сочинения. – М.: Восточная литература, 1963. Т. II (Ч.1). – С.268 – 292.
28. Бартольд В.В. Хорезм // Сочинения. – М.: Наука, 1965. Т. III. – С.544 – 552.
29. Бартольд В.В. Церемониал при дворе узбецких ханов в XVII веке // Сочинения. – М: Наука, 1964. Т. II (Ч.2). – С.388 – 399.
30. Басин В.Я. Казахстан в системе внешней политики России в первой половине XVIII века // Казахстан в XV – XVIII вв (Вопросы социально-политической истории) /

Отв. ред. Б.С. Сулейменов. – Алма-ата, 1969. – С.50 – 145.
31. Будагов Л. Сравнительный словарь тюретско-татарских наречий. – СПб., 1871. Т. II. – 416 с.
32. Бушев П.П. История посольств и дипломатических отношений русского и иранского государств в 1586 – 1612 гг. – М., 1976. – 478 с.
33. Бушев П.П. История посольств и дипломатических отношений Русского и Иранского государств в 1613 – 1621 гг. – М., 1987. – 298 с.
34. Веселовский Н.И. Иван Данилович Хохлов – русский посланник в Персии и Бухаре в XVII в. // Журнал министерства народного просвещения. 1891 г. январь. – С.48 – 72.
35. Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. – СПб., 1877. – 364 с.
36. Веселовский Н.И. Памятники дипломатических и торговых сношений Московской Руси с Персией. – СПб., 1890. Т. I. – 462 с.
37. Вяткин М. Батыр Срым. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1947. – 390 с.
38. Вяткин М. Очерки по истории Казахской ССР (с древнейших времен по 1870 г.). – Ленинград, 1941. Т. 1. – 358 с.
39. Гелашвили Н.Г. Ирано-грузинские взаимоотношения в XVI в.: Автореф. дис... докт. истор. наук. – Тбилиси, 1991. – 44 с.
40. Гуломов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII -- первой половине XIX века. – Ташкент, 2005. – 334 с.
41. Гулямов Я. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент, 1957. – 314 с.
42. Дружинин Н.М. В страну туркмен и узбеков. – Л., 1927. –

120 с.
43. Ерофеева И.В. Казахские ханы и ханские династии в XVIII – середине XIX вв. // Культура и История Центральной Азии и Казахстана: проблемы и перспективы исследования. – Алматы, 1997. – С.46 – 144.
44. Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. – Петроград, 1915. – 214 с.
45. Зияев Х. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. – Тошкент, 1973. – 124 б.
46. Зияев Х. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари. – Тошкент, 2016.
47. Зорин В.А. Основы дипломатической службы. – М., 1977.
48. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX в.). – М., 1958. – 246 с.
49. История Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие / Отв. ред. М.Х. Абусеитова и др. – Алматы: Дайк-Пресс, 2011. – 612 с.
50. История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.) / Глав. ред. А.А. Аскаров. – Ташкент, 1993. Т. III. – 476 с.
51. История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.) / Отв. ред. Д.А. Алимова. – Ташкент: Фан, 2012. – 776 с.
52. Казанцев И. Описание киргиз-кайсак. – СПб, 1867. – 232 с.
